



*Ойлик  
адабий-бадиий,  
ижтимоий-сиёсий  
журнал*

# Шарк Золдузи

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ОРГАНИ**

10 '1990

59-йил чиқиши

*Бош муҳаррир:*

**Ўткир ҲОШИМОВ**

*Таҳрир ҳайъати:*

**Неъмат АМИНОВ**

**Саид АҲМАД**

**Салоҳиддин МАМАЖОНОВ**

**Омон МУХТОРОВ**

*(бош муҳаррир ўринбосари)*

**Мурод МУҲАММАД ДЎСТ**

**Умарали НОРМАТОВ**

**Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА**

**Муҳаммад СОЛИҲ**

**Хайриддин СУЛТОНОВ**

**Зоя ТУМАНОВА**

**Ўлмас УМАРБЕКОВ**


**Носир ФОЗИЛОВ**

*(масъул котиб)*

**Азиз ҚАЮМОВ**

**Ҳамид ҒУЛОМ**

**ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ**



Абдуқаҳҳор Иброҳимов

## ТИЛ — ЭЛ РУҲИ

Мазкур сатрлар август ойининг бошларида қоғозга тушмоқда. Улар то журнал-хонларга етиб боргунча орада икки-уч ой ўтса керак. Давримиз тезкор. Вақт шу қадар тез кечиб, воқеалар шу қадар тез ривожланмоқдаки, бугун муҳим бўлиб ҳисобланган фикр эртага жўн бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Кеча жуда қалтис бўлиб туюлган ўта жиддий фикр бугун аслида оддий гап эканлиги аён бўлиб қолаётир. Демак, фикр салмоғига баҳо беришда ўзига муносиб тош қўймоқ лозим экан. Етмиш йилдан ортиқ давр тарихимиздаги воқеа-ҳодисаларга, пала-партиш чиқарилган миллионларча катта-кичик қарорлар, буйруқлар, қонунлар ва кўрсатмаларга баҳо беришда ҳовлиқибмиз.

«Корхоналар эгаларидан тортиб олинсин!» Тортиб олинди ва... эгасизлик юз берди.  
«Колхозлар тузилсин!» Колхозлар тузилди ва... дастурхонимиз куп-қуруқ бўлиб қолди.

«Саксонинчи йилда коммунизмда яшаймиз!» дея айюҳаннос солдик ва... турғунлик ботқоғига бота бошладик.

«Синфсиз жамият қурамыз», дедик ва зиёлиларимиз гулидан айрилиб-айрилиб келаяпмиз.

«Қўриқ ва бўз ерларни ёппасига ўзлаштирамыз», дедик ва миллион-миллион гектар ерни топтадик, миллион-миллион кишиларни сунъий равишда ўз тарихий ватанларидан жудо қилиб қўйдик. Уларнинг муайян қисми ўзининг она тилини унутиб, «русскоязычное население» — рус тилида гаплашувчи аҳоли тўдасига қўшилди. БАМ, КамАЗ сингари ҳайбатли қурилишлар ўз тилини унутганлар сонини кўпайтирди ва ҳамон кўпайтирмоқда.

«Бора-бора миллий тиллар йўқолиб, умумий бир тил вужудга келади!» деган шиор ўртага ташланди ва қанча вақт шу шиор руҳи остида хизмат қилдик ва яшадик. Бу ҳол ҳам она тилига бўлган муносабатга салбий таъсир этди ва рус тилида гаплашувчи аҳоли сонини тобора ошира борди. Ўн бешта иттифоқдош жумҳуриятнинг ўн тўрттасида миллий мактаблар йил сайин камаё бошлади. Тақдирнинг тақозосини қарангки, ана шу ўн тўрт жумҳуриятда ўз тилига давлат тили мақоми бериш ҳақида қонун қабул қилинди. Ўта зарурат туфайли шу ҳол юз берди.

Россияда эса ўз тили дахлсиз, рақобатсиз, тўла ҳуқуқли тил бўлгани учун унга давлат тили мақомини бериш учун қонун қабул қилиш шарт эмас эди, албатта. Шу сабабли Россияда тил ҳақида қонун қабул қилинмади. Агар ўзбек тили Ўзбекистонда, украин тили Украинада худди рус тили Россияда эгаллаган мавқега эга бўлса, ўйлайманки, тил ҳақида махсус қонун қабул қилиб ўтирмасдик. Зарурати бўлмаган ишга қўл уриб ўтирилмайди-да. Бинобарин, ўн тўртта иттифоқдош жумҳуриятда давлат тили ҳақида қонун қабул қилиниши ўз тилларини ҳимоя этиш ва қонуний мавқеини тиклаш учун амалга оширилди. Бу осонликча бўлгани йўқ, албатта. Тил — элнинг руҳи. Тил бўлмаса эл ҳам йўқ. Эл бўлмаса, турган гапки, тил ҳам йўқ.

Мана, салкам икки йилдирки, давлат тили ибораси тез-тез оғизга олинади, бу ибора, айниқса, ўтган йили — бир қатор жумҳуриятлар тилларига, жумладан, Ўзбекистонда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган йилда муттасил оғиздан тушмади. Тил учун курашда ҳар бир халқ ўзлигини кўрсатишга интилди. Тил ҳақида қабул қилган қонунининг даражаси ва савиясига қараб халқнинг сиёсий онги, миллий камолот даражасини бел-

гилаш мумкин. Шу сабабли ҳам ўн тўртта иттифоқдош жумҳуриятда қабул қилинган қонунлар ўн тўрт хилдир — мен бу қонунларни ўрганиб чиқиб, шундай хулосага келдим. Ўзбекистон ССРнинг тил ҳақидаги қонуни агар бу йил қабул қилингандами, ўйлайманки, янада мукамалроқ бўларди. Лекин бу қонун ўтган йил учун инқилобий бир ҳодиса эди. Умуман олганда, бу қонун етмиш йилдан ортиқ совет даври тарихимизда улкан сиясий аҳамиятга молик тарихий ҳужжатдир. Менимча, тил ҳақидаги қонунимиз бу йил қабул қилинган Мустақиллик декларациямизга билвосита тамал тоши ва туртки бўлди. Аслида, аввало Мустақиллик декларацияси, кейин Асосий қонун — Конституция, ундан кейин эса Тил ҳақида қонун қабул этилиши табиий ва изчил бўлур эди. Замона зайли, давр тақозоси, вужудга келган вазият, яъни тарих ҳукми воқеалар силсиласини ўзи белгилаб берди — биринчи бўлиб Тил ҳақидаги қонунимиз вужудга келди. Кези келганда шуни шоҳид ва иштирокчи сифатида, тўла масъулият ҳис этган ҳолда таъкидлашим керакки, тил учун бўлган курашда олдинги сафда, асосан, қалам аҳли, қисман илм аҳли борди.

Ўзбек тилига Ўзбекистон ССРда давлат тили мақоми берилишига ғашлик билан қараганларнинг олдинги сафида (ҳар кимсани ва ҳар бир нарсани ўз оти билан аташга ҳақлимиз энди, умуман шундай қилишга ўрганишимиз шарт) юқорида тилга олганим — жумҳуриятимизга келиб қолган ва яшаб турган рус тилида гаплашувчи аҳолининг вакиллари бўлдилар. Рус тилида гаплашувчи аҳоли кимлардан иборат эканлиги ҳақида бундан илгари эълон қилинган мақолаларим ва «Тил — тақдир демак» деган рисоламда ҳам сўз юритган эдим. Тил муаммолари билан изчил шуғулланишда давом этар эканман, бу борада янги-янги фактларга дуч келмоқдаман, улар асосида янги фикр-мулоҳазалар туғилмоқда. Энди шулар хусусида сўз юритаман.

Маълумки, «русскоязычное население»ни, асосан, уч қисмга бўлиш мумкин.

1. Миллий тиллар йўқолиб кетади, деган сохта назарияга учиб, ўз она тилига менсимай қараб, унутиб қўйган «собик» ўзбеклар, уларнинг болалари ва невараларининг маълум қисми, булар жуда оз сонли бўлса-да, анча хавфлидир;

2. Иттифоқдош жумҳуриятга келиб қолган рус аҳолиси;

3. Бошқа иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятлардан, турли минтақалардан зўравонлик билан келтирилган ёки бўлмаса тўқ турмуш илнжида ва ўзга сабабу баҳоналар билан ўз тарихий ватанини тарк эта олган турли-туман эл ва элатлардан иборат аҳолидир. «Русскоязычное население»нинг рус бўлмаган қисмини тўла бахтли деб билмайман, балки улар орасида ўзини бахтли деб сановчилар топилар. Умуман олганда эса ўз тарихий ватанидан жудо бўлиш, тилини унутиш, менингча, бахтлилик нишонлари эмас. Бир адиб сифатида мен уларни тушунаман. Заминдан — ўз тарихий ватани — ота-эболарининг хоки туроби ётган табаррук тупроқдан айрилганлар, агар улар ватан соғинчи ва туйғусидан жудо бўлган бўлсалар, кўп нарсани чуқур тушуна олмайдиган, буйруқни сўзсиз ижро этаверадиган қиёфасизларга айланиб қолишлари ҳеч гап эмас экан. Бу менинг ўз фикрим, бошқалар шу фикримга қўшилишлари шарт деган талабдан мутлақо узоқман. Лекин мисоллар келтириб, фикримни исботлаш ҳуқуқимдан, албатта, фойдаланаман.

Ҳўш, 1868 йили Самарқанднинг буюк осори-атиқаларини тўпга тутқаздирган ким эди?! Генерал Кауфман эди! Тўғри, унинг орқасида мустамлакачи ва шовинист чор ҳукумати кутқулаб турарди. Россиянинг, рус халқининг бошига бадбахт кунларни солган ўша ўзи рус эмас-у, лекин рус тилида гаплашувчи аҳолининг типик ва йирик вакили Сталин эмасми? Қотиллар, ёмон одамлар ҳамма миллатлар орасида бўлади, ўз элдошлари орасида ва ўз юртида яшаб туриб ҳам ёмон ишга қўл урувчилар сон мингтадир. Лекин Ватанидан айрилган, она тилини унутган кимсалар ёмонлиқни ошириброк, ёвузликка етказиб адо этар эканлар, дўлписини олиб кел деса, бошқиси олиб борар эканлар. Балки халқнинг умумий бешиги — ватан, аждодлар руҳи ва авлодлар олдидаги масъулият одамни одамийроқ қилиб, инсофга чорлаб, ёмон ишлардан тийиб турармикан-а! Яхши одам қаноатли бўлади, унча-мунчага туғилган ерини ташлаб кетавермайди, яхши кунлар келишига умид билан, бориға қаноат ҳосил қилиб яшайверади. Лекин сиёсий сабабларга кўра ватанини тарк этишга мажбур бўлиш — бу бошқа масала. Бундай шахс ҳамisha ватан соғинчи билан яшайди, биринчи имкон туғилиши биланоқ ватанга қайтиш чораларини кўради. Заҳириддин Муҳаммад Бобур гарчи Ҳиндистон подшоҳи бўлса-да, ҳамisha она юрти соғинчи билан яшаганини эслайлик. Ёки бўлмаса, Сталин зулми билан, Берия буйруғи билан ўз юртларидан бадарға қилинган қрим татарлари ҳамisha ватанга қайтиш армони билан яшаб келдилар ва биринчи имконият туғилиши билан ўз тарихий ватанлари — Қримга қўчиб кета бошладилар. Уларнинг бу интилиши диққатга сазовор ва ибрат олишга лойиқдир.

Ўзбекистонда қатағонни амалга оширган, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носирларни сўроқ қилганларнинг номларини ва кимлигини эслайлик. Улар, асосан, тарихий ватанидан айрилган, ўз она тилини бой бериб қўйган кимсалар эди. Боринги, «Ўзбек иши» деган тухматни ўйлаб топганлар ҳам ўшандиларнинг булунги давомчилари эмасми! Хуллас, ватан ва тил эгизак тушунчалардир. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, иттифоқдош жумҳуриятларда, жумладан, Ўзбекистонда шундай адолатли тил сиёсати олиб бораётгани, барча эл ва элатлар ўз она тилларида гаплаша олиш дара-

жасига эришсинлар, ўзлари бошқа миллат вакили бўла туриб, ўзга миллат тилида гаплашишга мажбур бўлиб қолмасинлар. Ўзбек миллатининг сони ва тилимизда сўзлашувчиларнинг миқдори ўзгаларнинг она тилларини унутиб юборишлари ҳисобига кўпайишини сира ҳам истамаймиз ва бунга ҳеч зарурият ҳам йўқ. Тил ҳақидаги қонунимизда ҳам ана шу нарса ўз ифодасини толган: жумҳуриятимизда барча халқларнинг тиллари эркин ривожланаверади. Қонуннинг 26-моддасида айтилганидек, «Ўзбекистон ССРда яшовчи барча миллатлар миллий-маданий жамиятлар ва марказлар тузиш ҳуқуқига эгадирлар». Шу моддага суйанган ҳолда жумҳуриятимизда ўнга ярин ана шундай миллий-маданий жамият ва марказлар тузилди ва қизғин иш олиб бормоқда. Ватанидан жудо бўлган эл ва элатларни тарихий она юртга муҳаббат ва соғиниш руҳида тарбиялашда ана шу маданий жамият ва марказлар катта ишлар қилиши мумкин. Бунда илғор ватанпарвар зиёлилар, жумладан, ёзувчилар йўлчи юлдузлик қилишлари турган гап. 1944 йили Сталин зулми билан ўз она юртларидан ноҳақ Ўзбекистонга ҳайдаб келтирилган қрим татарларнинг ҳамisha тарихий она Ватанга қайтиш нияти билан яшаб келишларида шу халқ зиёлилари, биринчи навбатда қрим татар адиблари ижодининг аҳамияти ва даъваткорлиги ниҳоятда каттадир. Булар доим адолат тикланишига ишонч билан яшади, ўз она тилини унутмади. Бизнинг халқимиз эса ўз қардошларига ҳамisha мурувват кўрсатиб келди. Умуман, она тилига ва она Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашда бадий ижоднинг, айниқса, она тили маҳсули бўлмиш сўз санъатининг аҳамияти ниҳоятда кучлидир. Мамлакат бўйича у ёқдан-бу ёққа кўчиб юривчи миллионлаб кишиларнинг вужудга келишига сабаб мафкуравий ишларнинг бўшашиб кетганлиги, урушдан кейин вужудга келган авлодни она заминга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш ишига етарлича эътибор берилмаганлигида деб биламан. Ноқоратупроқ минтақадаги 140 минг қишлоқдан 100 мингдан ортиғи бугунги кунда ҳувиллаб қолганига ҳам боша сабаб она заминга меҳрнинг сусайишидир, демак, мафкурачилар, биринчи навбатда адиблар бу борада камчиликларга йўл қўйибдилар, деб ҳисоблайман.

Жароҳатларнинг тури ва хили кўп. Маънавий жароҳатнинг биринчи малҳами сўз санъатидир. Она тили эса сўз санъатининг асоси ва мангу булоғидир. Ун тўртта жумҳуриятда қабул қилинган тил ҳақидаги қонунлар халқларни миллий заминга чамбарчас боғлаши билан сўз санъати — миллий адабиётлар ривожланишига ҳам баракали таъсир этажак.

Ўзбекистон ССРнинг «Ўзбекистон ССР давлат тили ҳақидаги қонуни» катта аҳамиятга эга бўлганига қарамай, уни мукамал деб бўлмайди, бу ҳақда юқорида ҳам тўхталиб ўтдим. Уни мукамаллаштириш парламентимизда амалга оширилишига ишонаман — ҳаётнинг ўзи буни кун тартибига қўйиши турган гап, чунки қонунлар ҳам вақт ва тарих олдида имтиҳондан ўтажаклар. Лекин ҳозирги вазифамиз амалдаги қонунни бажаришдир. Ушбу қонуннинг 28-моддасида бундай дейилади: «Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва давлат бошқарув муассасаларининг, шунингдек, корхоналар, ташкилотлар ва идораларнинг раҳбарлари ўзларига тобе соҳа доирасида ушбу қонун талабларига риоя қилинишига шахсан жавобгардир». Хўш, қонун талабларига риоя қилинишига шахсан жавобгар раҳбарлар ким ва улар ўзларига юклатилган вазифаларни бажармоқдаларми?

Афсуски, турли идоралардаги катта-кичик раҳбарлар ва маъмурий ходимларнинг жуда кўпчилиги ўзбек тилини билмайди ва очиги, айримлари билишни хохламайди ҳам. Шу кеча-кундузда қаерга борманг, ким билан суҳбатлашманг, давлат тили қонунининг бажарилиши жуда суст кетяпти, ҳатто қонун қабул қилингани сезилмайди ҳам, деган ҳақли эътирозларни эшитасиз. Демак, жумҳурият ҳукумати бу борада раҳбарларнинг масъулиятини оширадиган бирор тадбир белгилашига зарурат пайдо бўлиб қолибди. Ўзбекистон ССРнинг давлат тили тўғрисидаги қонунини амалга ошириш комиссияси таркибига жиддий назар солсангиз, таажжубки, тил ҳақидаги қонун лойиҳалари муҳокама қилинганда бетараф турганлар ҳам, икки тилликни талаб қилганлар ҳам, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишига мутлақо қарши бўлганлар ҳам бор. Аҳвол шундай бўлгач, қандай қилиб тил ҳақидаги қонунни амалга ошириб бўлсин?! Демак, комиссия таркибини қайта тузиш, тилимиз фидойиларини комиссияга киритиш, мутасаддиларнинг масъулиятини кучайтириш керак.

Энди федерация шароитида тилга муносабат масалаларига тўхталаман. Маълумки, федерациянинг биринчи белгиси шуки, федерацияни ташкил этган миллий субъектлар — иттифоқдош жумҳуриятларнинг давлат тилларининг қўлланилишидир. Федерацияда нечта иттифоқдош жумҳурият бўлса, шунча давлат тили бўлиши қонуний ҳисобланади, ягона бир тил давлат тили бўлса, федерациянинг бош принцип ва шартларидан бири инкор этилган бўлади. СССР ҳозир 15 иттифоқдош жумҳуриятдан иборат экан, унинг давлат тиллари ҳам ўн бештадир.

Рус тили — миллатларо алоқа воситаси бўлиши мумкин. Лекин, агар федерациянинг бир қисми бўлмиш Россиянинг тили иттифоқ тили деб ҳисобланса, у ҳолда СССРни Россия деб аташга тўғри келарди. Бу қонунан федерация принципига зиддир. Тил сиёсати ва қўлланилиши хусусида қуйидаги таклифларни билдираман.


1. Совет Иттифоқи федерация бўлгани сабабли шу федерацияни ташкил этувчи

субъектлар — иттифоқдош жумҳуриятларнинг давлат тиллари Марказий давлат ва жамоат органларида тенг ҳуқуқли равишда қўлланилсин. Федерацияда уни ташкил этган ҳар субъектнинг тили ҳар борада, марказий идораларда ҳам тенгдир, акс ҳолда федерация бўлмай қолади.

2. Жумҳурият газета ва журналларининг барчаси қайси тилда чиқишидан қатъи назар давлат тилида ёзилган материалларни кўриб чиқиши ва ёритиш учун қабул қилиши қонун билан мустаҳкамланиши керак. Тил ҳақидаги жумҳурият қонунига келгуси сессияда шу ҳақда махсус модда киритиш лозим. Токи давлат тили ўз территориясида тўла ҳуқуққа эга бўлсин. Ҳозир эса ўзбек тилида газета-журналлар чиқарадиган редакциялар русча материалларни кўриб чиқиш ва ёритиш учун қабул қилгани ҳолда, Ўзбекистондаги русча газета ва журнал редакциялари ўзбек тилидаги материалларни қабул қилмайди. Ҳолбуки, уларда таржимонлар штатлари ҳам бор.

3. Совет Иттифоқи давлат ва жамоат ташкилотларининг органлари бўлмиш «Правда», «Известия», «Комсомольская правда», «Литературная газета», «Советская культура» газеталари, «Коммунист», «Партийная жизнь» ва бошқа журналлар иттифоқдош жумҳуриятлар давлат тилларида ёзилган материалларни кўриб чиқиш ва ёритиш учун қабул қилиши лозим. Ана шунда федерация принципига риоя қилинган бўлади. Марказий радио ва телевидение фақат рус тилида эшиттириш ва кўрсатувлар олиб бориши федерация принципига зид. Аслида, иттифоқдош республикаларнинг барча тиллари қўлланилиши керак. Совет Федерациясини янгилаш лозим бўлса, ишни иттифоқдош республикаларнинг тилларини тенг ҳуқуқ асосида қўллашдан бошлаш керак. Ўзбекистон ССР иттифоқ олдида шу масалани қўйиши иттифоқдошларимиз талаби ва эҳтиёжига ҳам мос тушади, деб ўйлаймиз. Мен ҳисоблаб кўрдим: «Известия», «Правда», «Труд» ва бошқа газеталарнинг саҳифалари, асосан, Россияга тааллуқли масалаларни ёритишга сарфланади. Ўзбекистон учун ҳар йили ажратиладиган ўрин 0,0001 фоизни ҳам ташкил этмайди. Ваҳоланки, Ўзбекистон йирик жумҳуриятлардан бири бўлиб, аҳолисининг сони мамлакат аҳолисининг 7 фоиздан ортиғини ташкил этади, муаммоларимиз, дардларимиз, режаларимиз эса кўп.

Иттифоқдош жумҳуриятлар, шу жумладан, Ўзбекистон ССРнинг давлат тили Иттифоқ миқёсидаги қонуний ўринни эгаллаши учун аввало ўзимизда тўла кадрланиши зарур. Масалан, мен ҳеч тасаввур қилолмайман. Бирор мамлакатда, айниқса, ўзининг бой тарихига эга, маданий ва элпарвар деб билган мамлакатда, масалан, Эрон, Франция, Россия, Польшада давлат тилини билмайдиган шахснинг ҳукумат аъзоси бўлиши мумкинмикин? Мен бу саволга мумкин деган жавобни беролмайман ва бошқалар ҳам мумкин эмас дейишларига ишонаман. Министрликка номзод давлат тилини билмаса, шу давлатнинг ҳукумат аъзоси бўлишга маънавий ҳаққи йўқ деб ҳисоблайман. Хуллас, давлат тили аввало ўз хонадонидида қўлланилса ва кадрланса, кейин федерацияда ҳам кадр топғусидир.




## Журнал хондонидан мақтублар

*Ҳурматли бош муҳаррир ва журнал ижодий ходимлари! Сизларга худо ёру пайгамбаримиз мададкор бўлғай. Ҳаётингизда дарду алам кўрмангизлар, хонадонингиз бахт ва қувончга тўлсин.*


*Куръон таржимасини тайёрлаган таҳрир ҳайъати аъзолари, сизларга бутун ўзбек элининг ва Оллоҳнинг раҳмати насиб этсин.*

*Журналнинг бундан кейин ҳам диний масалаларга бағишланган асарларни, «Фарз айн» ва шунга ўхшаш бошқа расолаларни чоп этишига умид боғлаб:*

*У. ЮНУСОВ.  
Сирдарё вилояти. Ховос ноҳияси*



Абдували Қутбиддин



## Достон

Дуди оҳимнинг қуюндек печ ила тобин кўрунг,  
Тийра ҳажрим ақшомининг баҳри гирдобин кўрунг.  
Навойӣ. Хазойинул-маоний

1

Хайри хўш бобо!  
Сиз билан чой ичгани келдим,  
Ҳозир чой қуюсиз,  
Нон ушатасиз.  
Мен сизга шоир бўлганлигимни  
Негадир керилиб айтаман,  
Сиз бўлса мулойим жилмаясиз.  
Сукут сақлаб ўлтирасиз шундоққина  
Елкангизда сандувоч ўлтиради.  
Оғиз жуфтласам учиб кетади,  
Минғирлайман, сандувоч дейман, сандувоч...  
Индамайсиз...  
Мен бўлсам зерикиб кетаман,  
Бармоқларимни ўйнай бошлайман ногаҳон,  
Бошингизни кўтарасиз,  
Пичирлайсиз:— Юракни кўз этмажак макон,  
Тушунмайман.  
Талмовсириб елкангизга қарайман,  
Сандувоч бошини қимирлатар бир маром,  
Яна минғирлайман: Қуш, қуш...  
Пичирлайсиз:— Тилни ипдек эшиб бўларми,  
Жонни бўлурми унга ўтқазиб,  
Кейин санаб бўлурми жонни  
Охирги кунгача, узмасдан?!

Мен бўлсам ҳовлиқиб кеча эшитганим:  
 — Чингизхон онасин қорнидан  
 Бир парча гўшт узиб тушган...  
 Тағин нималардир...  
 Айтавераман, айтавераман,  
 Сиз тағин индамай ўтираверасиз.  
 Ичим қизир, бармоқларимни букаман, очаман.  
 Пичирлайсиз: — Одам —  
 Этга ўралган, эт эса заҳар,  
 Косасида биқирлаётган — кўпикдир?!  
 Тушунмайман, минғирлайман,  
 Терим ҳам минғирлагандай бўлади.  
 Донолик қиламан:  
 Қачон ер динлардан қутулар?  
 Ранжийсиз.  
 Елкангизда сандувоч бошин силкир бир маром,  
 Лабларингиз билинар-билинемас қимирлайди.  
 Эшитаман чоғи: — Оёққа тушган қон қораяр...

2

Олахуржун кўтариб юради саховатпеша элчиси,  
 Бир қарасанг табибга ўхшайди,  
 Тимирскиланиб юргани-юрган,  
 Қайчиси, катта қилиб кўрсатадиган ойнаги, муҳри бор,  
 Ҳар куни минг-минглаб кишиларни қайчилайди,  
 Ҳар юз йилда ойнаги-ла ерни ёнғоқдай айлантириб қарайди,  
 Ҳар минг йилда,  
 Гумроҳ миллатларга муҳр босади.  
 Ҳар юз минг йилда одамларни огоҳлантиради:  
 — Лаънатилар, тийилинг!  
 Ҳар юз миллион йилда қуёшни этаги билан ёпади  
 Ва миллиард йилдан сўнг:  
 Сув кечиб,  
 Олов кечиб,  
 Лой кечиб,  
 Келади:  
 — Эй, тийилмаганлар, тийилиб бўлдингизми?  
 Ва ҳаммани бошқатдан уйғотади.  
 Шу уйғотишда мен ҳам уйғонарман.  
 Шунда фароғат мамлакатлари, миллатлари, одамлари  
 Ҳеч қачон бир-бирларини камситмасликка онт ичишади.  
 Тилни, қалбни, наслни бузмасликка, эзмасликка  
 Қасамёд қилишади. Тийилишади!  
 Денгизларни қуритишмайди,  
 Урмонларни кесишмайди,  
 Осмонни тешишмайди,  
 Тийилишади!  
 Шунда сизни яна кўраман,  
 Сиз чой қуясиз,  
 Нон ушатасиз,  
 Сукут сақлайсиз, асло зерикмайман,  
 Пичирлайсиз: — Одам сочдан тирноққача  
 Пишган, пиширилган — Умиддир...  
 Тушунаман.

3

Мен, дунёни кемирувчи ва кемирилувчиларга бўлган  
 Файласуфнинг арвоҳини қавакларда липиллаб чийиллаётганини  
 эшитдим.  
 — Чийй-чийй, деди у бир қавакдан,  
 Ғажийй-ғажийй, деди у бошқа қавакдан.  
 Оппоқ, момиқ тукли бошини чиқариб:  
 — Эй, сен танаси ярим сичқон банда,  
 Ярмингни кимга ютқаздинг, деб сўради?!

Совуқ увушиш товонларимни сиқди.

Наҳот?

Тукларим ғижирлаб-ғижирлаб кўйди:

— Таммоғи, таммоғи, таммоғи...

Кекирдагим тортилди, тишларим вижирлади:

— Таммоғи, таммоғи, таммоғи...

Ярмимни ютқазиб кўйганимни сездим.

— Чийй-чийй...

— Чийй-чийй...

Сен ярим кемирувчисан!

Қандай қилиб?

Севган қизимни алдаб кетганлигимни эсладим,

Онамни ранжитганлигимни хотирладим,

Ўз элимдан уялганлигим ёдимга келди,

Овоз чиқаришдан кўрққанлигимни эсладим.

— Чийй-чийй...

— Чийй-чийй...

Бу овоз меники эмас, бу овоз меники эмас, бу овоз меники эмас.

Айтинг, бас қилсин!

Кўзини лўқ қилиб, турмасин бунда.

4

Қўли маймунникидай чайир,

Оёқлари филсиёк,

Бир урса осмонни тўнтариб кўяди.

Кўзлари менинг кўзларимга ўхшаган

Фарқи — кўзи унинг чуқур.

Белкуракка суяниб тамаки тутатиб турар эди у,

Салом бердим.

Жавдиради.

Шивирлади майин:— Хўжайин кўрса ранжийди,

Бу ерга таъқиқланган кириш!

Нонуштага сут бермай кўяди,

Тушликка ёвғон,

Кечкурун нима ейман?

Кет, кет, кет!

Мозорни шашт билан текислай бошлади.

Оёқлари, қўллари, қўллари, оёқлари

Бир, икки, уч —

Тилла топди қопга жойлади,

Кумуш идиш топди туфлаб энги билан артди.

Гумбазгами, миноргами белкураги тегди —

Майдалаб ташлади.

Олдига бордим яна:

— Нима қиляяпсан?

— Хўжайин хурсанд бўлади.

Сут беради,

Ёвғон беради,

Ош беради кечкурун,

Кет, кет, кет!

Эгилди, букилди, турди,

Белкураги билан суякларни ирғита бошлади.

Вовуллаб итлар келдилар.

Биттасига кос суягини,

Товон суягини бошқасига,

Калла суягини каттароғига,

кичикроғига бармоқни улоқтирди,

Итлар вовуллаб суякка ёпишдилар,

У белкурагига суяниб яна тамаки тутатди.

— Хўжжа-йин хурр-санд бўўлааади, деди!

Чекиб бўлгач шашт билан ерни яна ағдар-тўнтар


Қила бошлади.

— Эшшак — дедим, қўлидаги белкурагини тортиб олдим.—

— Улдираман.

У ҳайрон бўлди. Анграйди. Бирданига пиқиллаб

Йиғлай бошлади:





— Сен хўжайиннинг душманисан, сен давлатга қарши,  
— Сен... сен... сен...  
Хўжайин мендан хафа бўлади,  
Энди нима ейман?  
Бошини сарак-сарак қила бошлади,  
Эшшакдай чопди-да кетди.  
Гангиб туриб қолдим узоқ муддат,  
Кейин қўлларим, оёқларим,  
Оёқларим, қўлларим,  
Бир, икки, уч...  
Мозорни текислай бошладим.  
Кучандим, тиришдим — ўзимни тўхтатолмадим,  
Беихтиёр пичирлай бошладим;  
— Хўжайин хурсанд бўлади,  
Нонуштага сув беради,  
Тушликка ёвғон,  
Хўжайин келди кечки пайт,  
Бошимни силади:— Яша!  
Қўлларини ялаб нима учундир раҳмат айтдим.  
Йигирма қоп тиллани бердим,  
Марварид, зеб-зийнат — мозордан топганимни бердим.  
Нимагадир боя эшшакдай чопиб кетган йигитдан шикоят қилдим.  
— Топиб дорга осамиз, деди у. Ношукур, қочибди-я...  
Нимагадир хурсанд бўлиб кетдим. Оёғидан ўпа бошладим.  
Бошимни силади:— Ишла! Менга содиқ бўлсанг ошиғинг олчи...  
Ирғиб белкуракни қўлимга олдим.

Менга нима бўлган ўзи, менга нима бўлган ўзи,  
Қўлимдаги белкуракни синдининг тезроқ?!  
Хўжайин ким ўзи?  
Нима ўзи мозор?

5

Ҳотам ўбданлик қилди қариган чоғида  
Қасрини етимга, олтинин гадога,  
Сўкирга ҳассасин, чўлоққа туясин  
Берди-ю, узлатга чекинди «сафога».  
Қушлар қапа кўтардилар олиймақом,  
Чумоли қишлигидан ажратди тортик,  
Айиқ асал атади, ўргимчак гилам  
Илон киймаган кийимларидан,  
Тошбақа коса, жайра бигиз  
Топганларин келтиришди Ҳотамга.  
У олди хижолат чекиб:  
— Қайтарурман, деди,  
Узлатнинг олтинчи ойида  
Маймунлар капани тўлдирдилар  
Хурмога, ёнғоққа, дўлонага.  
Кетаётиб оқиш маймунчани қолдирдилар:  
— Эй Ҳотам, иссиғинг бор, совуғинг бор,  
Бу сенга хизматкор, истасанг ўғил...

Ҳотам оқиш маймунчани тарбият қилди,  
Ювди-таради, асради кўз қаросида,  
Ўргатди инсонийлик урф-одатларини,  
Ҳотамликни сингдирди, марҳаматни киритди дилига,  
Афсуским, қариликнинг алмисоқ йилида  
Жабдукни йиғиштирмоқ фарз ойда,  
Оёқни ер тортиб сўрайдиган қарз кунда,  
Ҳотам оқиш маймунчага айтмасдан,  
Малойикаларнинг аравасига ўтирди:  
— Сени худо асрасин, болам!

...Оқиш маймунча жудоликдан ҳиммат туйди,  
Пирдан из деб сезди ўзини.  
Хайрман тутунган отадин,  
Қолдирилган эҳсонман,— дея қийналди,

Изтироб синовидан ўтиб  
 Капани топширди она бўрига.  
 — Туғ, деди, шу ерда болаларингни,  
 Муҳтожлик кўрмассан.  
 Отамнинг иси бор, ислаб тўярсан,  
 Ваҳшатдан озодсан, даҳшатдан озод!  
 Мен оламга боргум, одамга боргум...  
 Оламда Одам Исони михларди устунга,  
 Муҳаммадни тошпаррон қиларди қувониб,  
 Сулаймон фарзандларин зириллатарди,  
 Юсуфдан қизғанарди севгини...  
 Ҳўнграб бўйнини тимдалай бошлади оқиш маймунча,  
 Шакар томирини узди:— Отажонн!  
 Пескўзлар шигирлади:— Маймун, оқ маймун!  
 Ушладилар, қафасга солдилар, томоша қилдилар,  
 Юзига тупурдилар, чўп тикиб урдилар,  
 Оқиш маймунча шакар томирини суғураверди,  
 Ҳўнграйверди:— Отажонн!..

Ҳайҳот, Адл қамчиси силкинмайди қачонга қадар?  
 Ҳотам ўқирмайди нега осмонда?  
 Тутқунлик чўзилар қачонга қадар?  
 Жабр қачон битгай, сабр қачон битгай?  
 Зормандаман зору зор, жабрдан эрк китоби битилур, қай тонг?  
 Ажабмаски, қайтса Ҳотам Адл қамчисин силка.  
 Қафаслар тилкаланса, озод бўлса онг,  
 Кўксимни тутиб берсам, кўксимни тутиб берсам...

6

Дўконимни ёпиб кетсаммикин энди?!  
 Аттору базознинг замони замон,  
 Қўли оёғи чаққонники бу ҳаёт,  
 Боши ҳисобдонники бу турмуш,  
 Дили бийрон — вайрон, ундан ҳамма безор,  
 Дилдан чун нон пиширилмас, гўшт чиқмас,  
 Унга экиб бўлмас, кўпайтириб бўлмас.  
 Келадигани азоб, берадигани ҳайрат,  
 Азобу ҳайратда фаровонлик бўлмас, тўқчилик бўлмас.  
 Асли хўкиз шоҳида тургандир дунё,  
 Шунданми, хезланиш, депсиниш, туғёнлар.  
 Ҳамма олгиси келар, бергиси келмас,  
 Дилга ёв ҳамма инсонлар, замонлар.  
 Бир дили бийроннинг хотини фоҳиша,  
 Бирисига подшоҳ атаган зиндон.  
 Бириси ўқ узар, бириси осар,  
 Бириси... Ундан ҳам безор оломон.  
 Масхарабоз санъат оламига бошлиқ азалдан,  
 Қадимдан кўз бойлоғич сўз сандиқларин муҳрлар.  
 Ҳикмат хазиналарин кўриқловчи — хизмат кўрсатган муттаҳам,  
 Тарих саройларин эшикоғаси — қаҳрамон кўрқоқ.  
 Чегарачилар қонуншунос Одам Атодан кейин,  
 Дилга жой берилган терининг ичидан.  
 Буюрилган, юрак учун хавфли, яқинлашмасин!  
 Яқинлашса, йўқотинг...  
 Дўконимни ёпиб кетсаммикин энди,  
 Ҳеч вақо йўқ унда дилимдан бошқа,  
 Шодликми, аламми, армонми алланима сўзлар, туйғулар, ҳислар  
 Шу дилимдан-да чиқар,  
 Шу дилимдан-да оқар.  
 Лекин одамлар келмаслар кечкурунлари,  
 Кутавериб зерикдим, улар  
 Қизиқмай қўйганлар аллақачонлар:  
 Ҳақиқат тонгларига,  
 Самовий гулханларга,  
 Муҳаббат чаманларига.

Улар — мушакларни шиширтиришга киришганлар чунон,  
Югуриш билан банд, тош кўтариш-ла масрур.  
Севгисини қолдириб аёллар томошага кетган.  
Ҳувиллаган сеҳр туйғу кўчалари, бас!  
Дўконимни ёпиб кетаман энди.

## 7

Тўрт қирғоқ бўйлаб, амалсиз, чорасиз аъмолсиз ўтавериб, юравериб,  
ўқчийвериб, айнийвериб, оқибат ўлик қарғанинг жасадига дуч келиб,  
араланган дарахтдай йиқилиб, руҳим мана бу бўш қафасга ўтса эди, деб  
қарғанинг қайчидай очилган тумшугига пуфлаб ўтирган Одам.

Кечикдинг!

Қизил ва сариқ шоқол кўз узмай кузатиб турибди ҳар бир ҳаракатингни.  
Кўзингдан, бурнингдан битлар чиқмоқдалар амал-тақал қилиб,  
оғзингдан семириб кетган қурбақа зўрға тушаётир, кекирдагингни

ёриб юборар

зулук, қулоқларингдан ҳашоратлар қочар турли-туман, сени  
ташлаб қочаяпти сафрода, балғамда, ўтда ва қонда тарқаганлар.

Кечикдинг!

Беҳуда пуффлайверма, руҳинг ғарқ этилган нажасга.  
Ижирғаниб кўз узмай кузатиб турибди қизил ва сариқ шоқол,  
йиғлашингни пойлаб ўтирибди, кимираммай қизил ва сариқ шоқол,  
йиғладингми сени бурдалашга тушади қизил ва сариқ шоқол,

Арзимассан,

Кечикдинг!

Ватанинг бор эди сотдинг,

Онанг бор эди, отдинг,

Уғлинг бор эди, қиморда ютқаздинг,

Лаззатга, сафога, ишратга алмашдинг бору шудингни,

Чўчкага хизматга кирдинг, тўнғизнинг амрини бажардинг,

Юртингнинг тўралари қилиб кўтардинг момонгни зўрлаганларни.

Эсизгина одам, қарғанинг тумшугига пуфлаб уни саситаяпсан холос,

Эссизгина одам, қорайиб, пўрсиллаб, заҳарланиб тугаяпсан,

Ижирғаниб кўз узмай кузатиб турибди қизил ва сариқ шоқол,

Йиғлаяпсан-а, йиғлаяпсан!..

Мен сендан — кечиккан одамдан нафратланмайман, жирканаман бир қадар,

Ачинаман, афсусланаман ибтидоки, улгургалар оз, кечикканлар сонсиз,

Тўрт қирғоқ бўйида балғаммушукка эргашганлар саноғига етиб бўлмас.

Сафроқушга эргашганлар, йўлбарсўт панжасига тушганлар,

қонбалиқ вужудини тўнкаргач, чўкканлар ҳисобин олиш мушкул.

Фақат — қизил ва сариқ шоқолни жазолашга жўнатган

кечикмадимикин, Одамни қутқармоққа?!

Йиртқични қайтармоқ мумкинми аслига?

Балки Одам эмас, кечиккан жазо!

Ҳаммаёқ йиғи, ҳаммаёқ йиғи, ҳаммаёқ йиғи,

Йиғлаяпман мен ҳам, йиғлаяпман мен ҳам!..

## 8

Эртадан-кечгача тоатим-ибодатим сўзга,

Итоат кўнгилга, муҳаббатим гулга,

Хаёлим фариштадай Кибриё авжлари сари бошлайди,

Риштам нурга қадалар, нур риштамга.

Тунайдинган гўшам ой соҳили.

Маъданлар ҳаракатин кузатаман, алҳол

Эпкин бурқсиётган қайирма шоҳ ададсизлик буғулари

Кундан-тунга,

Тундан-кунга сакраб ўтишади емирлган

Шаклларга кираман-чиқаман.

Азозиллар лашкарлари, думли юлдуз шиддати

Бириккан мақомдан сиқиламан, тиқиламан...


Кузатаман лоқайд бағрим ўприлишини,

Ичакларим талвасада коинотга ташланар,  
 Ташлангани сайин узоқлашади у.  
 Ёлғизман ёлғизлар даврасида,  
 Буржлар ортига йўлловчилар бедарак.  
 Юлдузлардан келганлар овозлари  
 Янграмас лойқаланган бу бедорликда,  
 Тунайдиган гўшам ой соҳили,  
 Тушаман ёйилган толаларга осилиб,  
 Самарқанд қалқийди, мадрасаларда  
 Қарғалар муаззин, томоқ қирар: қарр, қарр...  
 Упкам тўлар, оғирлашаман ҳадсиз,  
 Кезаман таниш кўчаларда толғин.  
 Ўтираман чеккагинада,  
 Темурдан берироқ.  
 Аччиқ жаҳд қақшатар, тураман ночор,  
 Регистон савлатин тўкар, фаввора  
 Тўтидай йиғлайди сохта пишиллаб:

— Сенамми оввора?..

Тасдиқлаб бошимни қимирлатаман,  
 Қайриламам секин қадим қирларга.  
 Ҳеч нарса айтмайман, ҳеч нарса  
 Елкамни кўпарган шерларга.

Буржлар ортига йўлловчилар бедарак,  
 Кибриё авжларин тиндиргувчи ғусса  
 Юпанчига кўндим.  
 Мени тушларимда кўрқитманг, тўлдим,  
 Эртадан-кечгача тоатим-ибодатим Сўзга,  
 Бўларим бўлди, бўларим бўлди...



9

Ипириски супургига ўтириб,  
 Ялмоғизликдан китоб ўқиётган малика,  
 Туяни шаҳзодага айлантиришга киришиб  
 Кампирликка етди.

Орада маликага эр бўладиган  
 Кунчиқар шаҳзодаси  
 Кунботар юртини куйдирди.  
 Оқибат ой кўёш йўлида сасиди.  
 Орада маликанинг отасига тобе бир элат  
 Туя тилида сўзлашиб,  
 Туяча йўриқларда юриб,  
 Ўрқачли мавжудотларга ўзгарди.  
 Орада шоҳ зоҳидликни бўйнига олди,  
 Орада мушуклар чақалоқларни ютиб  
 Бешикларда болаларин белаидиган бўлдилар.  
 Орада Иблис қизларини турмушга чиқарди одамларга,  
 Орада ипириски супургига ўтирган малика  
 Туянинг чўриси бўлди ялмоғиз эмас.  
 Тагини тозалади,  
 Сув ташиди,  
 Янтоқ териб юрди,  
 Ғафлат чоқларида кучоқлади:  
 — Шаҳзодам!..  
 Орада ёғийлар мамлакатин бузиб қайтдилар,  
 Орада Бойқушлар кўч-кўронлари-ла келдилар,  
 Орада Давлат кулади...  
 Оралиқда

Тақир бепоёнлик,  
 Ўрқачли кампир янтоқ терар,  
 Қудуқ қазир, сув олар  
 Кунмисан-кундай йигит хипчин ўйнаб  
 Ўлтирар ўрқачида...

Ора-чорада Қуёш куйган патирдай  
 Ғилдирар доирада.  
 Ора-чорада тонгнинг кўзи ёрир — қизи туғилар,

Чўқкилаб йўргаклашар уккилар...  
Ора-чорада кундай йигит кучоқлар ўркакчи-туя-кампири.  
Ора-чорада...  
Хато ва адашиш дарбадарликка маёк,  
Оралик мавждирки тортаверар бирваракай.  
Маёк шуъласини тўсиб қадрига сазовор бўлмаган,  
Нари борса туя,  
Нари борса ҳайф.  
Ипириски супурги, ипириски супурги, ипириски супурги  
Кун ва тун,  
Тун ва кун...

10

Сезимларим шанғиллар, уйқу хишиллари тутқич бермас,  
Дириллайди асаб қилларим.  
Тўрт кечами, беш кеча, тўртми беш ўғлон —  
Лаган кўтарганча туришар:  
— Абдувалимисан, лаганга боқ-чи?!  
Боқаман, унда илон бирам кўзлари мунглиғ-мунглиғ...  
Сени сўяди, дейишлар, тўртми беш ўғлон,  
Лаганни кўйишар.  
Илон юзар оҳиста-оҳиста,  
Учтамми-иккитамми уни силашар.  
Биттамми тўшалар тўшакдай,  
Тўшакка ботаман илон-ла.  
Чинордай юксалган мойчечак учида,  
Эшиги новдадан, томи хазондан,  
Деразаси қировдан иморат ичида  
Ибодат қила бошлайман ногаҳон.  
Эшикни очаман асалари сало айтар қуббалари райҳон жомеъда,  
Бор дейди деразадан гулак,  
Узр сўра!  
Чумолиларга кўшилиб бораман,  
Чумолиларга кўшилиб қайтаман.  
У тўрт-беш кечани ўтказиб вишилллар,  
Оҳиста-оҳиста сирғалар,  
Ибодат қиламан, сизгинавераман...  
Сирғалиб ёнимга тушади,  
Ибодат қилади мен билан,  
Аста-секин онам қиёфасига киради,  
Аста-секин отам қиёфасига киради,  
Аста-секин укаларим-сингилларим,  
Қариндошларим қиёфасига киради.  
Аста-секин қиёфамга кирар...  
Тўртми-беш кечани ўтказиб  
Уввос тортамиз биллониҳоя.  
Ташланамиз бир-биримизга,  
Ибодат қиламиз бир бўлиб.

Сезимларим шанғиллар, қанчалик йироқман, йироқлик —  
Исканжасига олган, сиққани-сиққан узоқ.  
Таъбир айланг, таъбир-бугун лаганнинг ости йўқ,  
Илон йўқ кўзлари мунглиғ-мунглиғ...

Уйқу фоҳишадай бағрига тортгани-тортган,  
Беш йилми, олти йил,  
Йигирмами-йигирма тўққиз йил...

11

Юзи чўтир қоронғу  
Сенга бу юртда нима керак, ётиб олгансан бемалол,  
Қуёшни ўрагансан пайтавага?!  
Ҳар замон кўрсатиб қўясан, истасанг.  
Қопонғичсан, деразадан қараганга ўқраясан,  
Шам ёққанни берасан шамолга нимталашга,

Тупрокни ялаб, жонини суғуриб бўлдинг-ку,  
Одамларида нима айб? Кўзингга қон аралашган.  
Сениям знанг борми қоронғу?  
Ҳомилага ўчсан, Аёлнинг қорнига муштлайсан,  
Далага ҳайдайсан, уйдан қувасан,  
Шафқат сўраса киш-кишлайсан,  
Ёлворса тепасан, тепа-ааа-сан!..  
Қоронғу,  
Бу юртда Гўрўғлилар туғилар, фақат  
Гўридан чиқолмайди, гўрни Ватан билар, қилар қаноат.  
Бу юртда мазорқизлар туғилар, лекин  
Бачадонида титроқ, бачадонида ҳасрат.  
Ўлимнинг меҳрига сазовор бўлганлар водийси, бу водий,  
Ожизлар маскани — бу маскан.  
Эрки уйқуга кетганлар, белида илиги қуриганлар  
Сизга нима керак ватан?  
Юзи чўтир қоронғу  
Ётиб олгансан бемалол, кетгинг йўқ,  
Мен сизларга бахт келтирдим деб дўқ урганинг-урган.  
Гарчи қуёшни ўрагансан пайтавага,  
Гарчи ойнинг юзи қирилган.

Гарчи...

Ҳаққа етадиган Луқмони ҳақимлар туғилар,  
Юзи чўтир қоронғулар ўчар, қораси кўринмас.  
Ўшанда зах гўрда безавол кулаётганларни эшитиб  
Тик туриб бир марта кулсам бас!  
Кулсам бас!

12

Кун-кеча ўйлайман  
Қирқ ямоқ бағримни чумдуғига илиб  
Аршгами-фаршгами кўтарилсайди қалдирғоч.  
Оёқчалари хонқизиникидай руҳлар,  
Бағримни қоқсалар:

— Садқайи сар!..

Бошпана берсалар ва унда жимгина кун кечирсайдим.  
Гунгми-кўрми, ҳар нечук бир аёл,  
Ямоқларимдан кириб шипирсайди,  
Тозаласа юрагим ўрнини,  
Овқатга уннаса қароғимда..  
Олинг деса, олсам,  
Топ-тоза ўринга кирсам, донг қотсам, жимгина ухласайдим.  
Кигиздай қалинлашиб, истеҳкомдай кенгайсайди бағрим,  
Ўнлаб хоналарида тентирасам — хосхона, дилхона, хаёлхона..  
Қайси бир хонада ранглар ва оҳанглар тусида  
Туслансайди қизим,  
Кўзимнинг ипагидан кўйлақлар бичиб  
Мен уни паридай ясантурсайдим.  
Қувончга ғарқ бўлиб, жимгина кун кечирсайдим.  
Жимгина... Жимгина... Жимгина..  
О, Дариг!  
Қўқонда тасирлар хиёнат милтиғи,  
Тифлисида зирҳ, калтак, белкурак  
Инсондан ўзини қўяди устун.  
Сариқ офат келар ёприлиб,  
Эгатлар қаппаяр тирик ваҳмдай,  
Этагига солар болаларни  
Охирсиз мунг,  
Охирсиз мунг.  
Билмасайдим, кўрмасайдим — ғўзапояҳоким  
Фармонлар битади, яна яшашга.  
Қуллуқдан бошлайди ҳам фан, ҳам илм,  
Қўл қўймас рухсатга, одамдай, одамдай  
Яшашга, яшашга, яшашга..  
Муштимни тугаман,  
Қирқ ямоқ бағримни тумшуғига илиб

Қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар ўтаётир бўри.  
Оёқлари арслонникидай одамлар  
Бағримга ташланган:

— Садқайи сар!..

Жимгина кун кечиролмайман,  
Жимгина кун кечиролмайман!

13

Арзим шу Баҳоваддину Балогардон,  
Ки мани доимо алдашган.

Дейишган, шамсий қарлуғоч қоринчасида уруғ тугар,  
Саодат уруғи.

Бу уруғни қадаган кунда мунаввар марҳаматидан  
Барча улуш олар баробар.

Менга бу улушдан тегмаган.

Теккани икки дарё, ўртасидаги ер, ҳоло  
Жаннатер — иржайган, тиржайган талон пирларининг  
Ҳирсин қўзғатган.

Босқин гармселлар хўжалари ишратгоҳи  
ва мен таом ташувчи.

Алдашган, етмиш поғонали кўзасимон олам қурилар деб,  
Қарлуғоч қоринчасидан тушган зарра тупроқдан.

Ҳар поғонасида китоб, ўттиз бешинчисида майи ойдин,  
Тенглар қаторига кирурсан,

Саодат хирадига булурсан эга!

Пуч ёнғоққа тўлди қўйним, пўчоғидан армонхужра топдим,  
Уксиб яшаяпман ҳануз.

Алдашди Баҳоваддину Балогардон!

Миямга пашша тўлган,

Кўзим чечакка чалинган,

Тилим қармоққа илинган,

Ичим кепаклаган,

Элим гуруҳга, тўдага бўлинган.

Биродаримга қасдим кўзир, қариндошимга ўчим,

Жигаримни егим келар, акрабомни бўғгим,

Мен оғир касалман,

Касалман, касал —

Халос этинг,

Халос этинг,

Ҳайҳот!

Мени даволашаётир сизсиз, арқонлар, боғичлар, қисқичлар,  
ёриб кўришаяпти, омбурлар, қайчилар, пичоқлар,  
тикиб қўйишаяпти, бигизлар, игналар, найзалар.

Оғрикдан бужмаяман, ўғлим боқар кўзи тўла ёш.

Лабимни қисаман, илжаяман:

— Ҳеч қиси йўқ!

Ҳеч қиси йўқ!

Ҳеч қиси йўқ, келмасангиз ҳам, ҳазрат Баҳоваддину Балогардон!

Чидамак ҳунарим, бардош ҳунарим,

Кўзасимон оламда сарварларим йўқ.

Радман, тонилганман, сиздан илтижо,

Таҳқир, ҳақоратлардан,

Миннат, маломатлардан

Бу рангпар ўғлимни қилинг эҳтиёт,

Бу хаста ўғлимни қилинг эҳтиёт?

Арзим шу Баҳоваддину Балогардон...

14

Чангалак тўқай, қўлмак, тўр, тўр ичида бақа,

Ажиб шижоатда тошдай қотган одам,

Бақанинг кўзида мурувват,

Одамнинг юзида таранглик.

Қўлмакнинг тубида тўхтаб қолган тилла соат.

Вақтни ким юрғазар?

Юрди у, одам бақани тўрдан олар, қийқирар бахтиёрликдан,

Бақа шуъла тўкар, сакраб чиқар унинг бошига.

— Олға, олға, олға!..

Вақтни ким тўхтатар?

Тўхтар у, ҳаммаси маълум:

Бош тушиб кетар, бақа бош бўлар,

Одам байроқ кўтарар, бақа совуқ нифоқ солар.

— Олға, олға, олға!..

Тўқай чангалак, қопқон, қопқондан ҳайиқиб турган кирпи,  
Нажиб ҳайратда тек қотган одам.

Кирпи кўзида саховат,

Одамнинг юзида ҳаяжон.

Қопқонда қисилиб тўхтаган тилла соат.

Вақтни ким юрғазар?

Юрди у, одам кирпини олар, қийқирар масрурликдан,

Кирпи оғули тикан отар, чиқиб борар унинг бошига.

Бош тушар, кирпи бош бўлар: — Олға, олға, олға!..

Вақтни ким тўхтатар?

Ҳаммаси аён:

Нифоқ сочилар, оғули тикан санчилар, олағовур

Макон — мақсад — келажак — замин.

Бақабош сийриб юрса,

Қийриб юрар кирпикалла,

Алхусус икковида ҳам байроқ.

Чангалак тўқай ёхуд тўқай чангалак,

Муртлари тиррайиб, кўлмакка киради бириси,

Бошқаси қопқонга тушади, чиқмас.

Бақа кўзларини очади — кўлмак,

Дорлар, симлар, ханжарлар ўшқирар.

Кирпи кўзларини очади — қопқон,

Йиғи-сиғи, дод-вой денгизи гувранар.

Чангалак тўқай ёхуд тўқай чангалак,

Бақамти тирикчилик ўтказар

Икки одам,

Кирпи ва бақа...

Тилла соат фазо деворида, капгирчалари аралаштираверар

Аён-ноаён,

Баён-нобаён,

Тамом-нотамом.

15

Менинг ёмонлигим бўлса кечиринг,

Учиб кетай дейман, юким оғир, ўғри ночор, қароқчим ландавур,

Давлатимни садақа қилай десам, давлатим эски,

Халал бермаётган бўлсам, қўйинг — яшай,

Тупроққа сиғмай қолмайди ҳеч ким.

Енгилгина онамни кўтариб боролмайман орзусига,

У кўтарар доим аламимни, ғамимни.

Бошимни қўймоққа жой тополмасам,

Қучоғидан жой берар онам.

Ҳашингизга тегса ҳасратим касри урган қоғозлар,

Йиртинг хоҳласангиз, лекин кўнглимга тил тикманг.

Менинг ёмонлигим бўлса кечиринг —

Хайрингизни бергай кечирган.

Узр, овозимни қамайман туйнук очиб қочар,

Бўғаман эркимни — руҳим қутқарар.

Яхшига ёндошмас, ёндошгани ўлим, Баҳслашар...

Ютқазгани-ютқазган ўйинда, бўйин қўймас,

Қилич кўтарганча тик боқар:

— Сўй, дейди.

Қилич сўймас, чопар, у ўлар-ўлмас,

Ҳолимга қўймас.

Менинг ёмонлигим бўлса кечиринг,

Тўғаноқ қўймаганман тўғнағичдан.

Чайналганим-чайналган

Тақдир туфламаган сақичдай.

Бола-чақамнинг кунига ярамайдиган вайронага ўхшайман,



Тоғ менинг олдимга келмаган,  
 Ой кирмаган ёстигим остига.  
 Аммо ўзим бораман деб қақшайман,  
 Харсангкўрпа умрим тортилар устимга.  
 Гадолар хилватлари йўқлик ганжларидан чароғон,  
 Меъдапиёлалар синдирилган, кўнгил тўқ.  
 Мен тўйдир деб сўрамайману  
 Аммо зулфида фалак бошланган,  
 Пойида ер турган,  
 Исинай десам, паноҳига йўлатгани йўқ.  
 Менинг ёмонлигим бўлса кечиринг,  
 Учиб кетай дейман юким оғир, ўғри ночор, қароқчи ландавур.  
 Давлатимни садақа қилай десам, давлатим эски,  
 Кечиринг мени,  
 Сизни ҳам, мени ҳам айирмай тенг кўрар тупроқ —  
 Онаизор,  
 Онаизор,  
 Онаизор!..

### Хотима

Таҳликасииз тин.  
 Гўдак йиғиси йўқ,  
 Қарғиш йўқ.  
 Уйлар тўла ўйинчоқ — ҳадик йўқ, кўнгил тинч.  
 Кулгу кўп, ханда кўп, табассум кўп.  
 Меҳр беҳисоб, оқибат беҳисоб,  
 Ижирғаниш йўқ, жирканиш йўқ, шафқат кўп,  
 Тажовузсииз палла ҳузур чексииз,

Севгидан жаҳон,  
 Севгидан вужуд.

Таҳликасииз тин.  
 Эҳтиёжга муҳтожсииз умрлар беҳисоб,  
 Комиллик санъатин эгаллаган сонсииз.

Зуғумсииз  
 Зўрликсииз.

Илдизни-илдизга ўлай олган кўп.  
 Уйку ва бедорлик сарҳадларида  
 Ўч йўқ, ғазаб йўқ, қасд йўқ.  
 Сўқмоқлар кўп — бориб қайтиш мумкин,  
 Айтиш мумкин мўъжизаларни.  
 Хабардорлик кўп,  
 Мурувват кўп,  
 Йўл мавжуд — таҳликасииз тин.  
 Авлодлар ажоддан  
 Бедоддан эмас,


Қадимий қон қувурлари, онг симлари  
 Тафаккур жилғалари қуйилган ўзан.  
 Ўраган, чирмаган  
 Ер мавжуд — Ватан.

Тажовузсииз палла — бегоналик йўқ,  
 Гўдак кўп, юрак кўп, алла кўп.  
 Айириш йўқ, қўшиш йўқ, узиш йўқ,  
 Ҳамдамлик кўп,  
 Бирдамлик кўп,  
 Одамлик кўп.

Бармоғим қабокқа қўйдим, ўртанди,  
 Эмрандим, нигоҳим тинди, айланди.  
 Билдим, аъзойи баданим ҳаёт ширасидан.  
 Ҳамширам — турна,  
 Қондошим — жайрон,  
 Жигарим — арғувон.

Хони туробданман, иним — кукурсқа, оғам — от,  
 Билдим — одамийзодман,  
 Одамийзод...





Хуршид Дўстмуҳаммад

## ОРОМКУРСИ

Қисса

Оппоқ ва хушрўйгина ётоқхона Бекаси етовида лифт ҳужрасига кириб, юқорига кўтарилаётган Кўклам Тонготаров «осмондан қучоқ очиб» тушаётган омадга «тушимми-ўнгимми» деб ишонолмай, нуқул илжаяр ва ичи тошиб кетаётганини сездирмаслик учун дарҳол лаб-лунжини йиғиштиришга уринар эди. Худо бераридан қисмаса, ўн йилда битмайдиган мушкулинг икки кунда осон кўчаверар экан, лекин суриштириб келганда, бу ёғига Кўкламнинг ўзи ҳам хайрон: ҳе йўқ-бе йўқ домла Ниёзовичдан кўнгли қолди, худди овлоқда писиб, шуни кутиб юргандек Назиров домла зудлик билан уни ҳузурига чақиртирди. Гўё аввалдан тил бириктирилгандек, Назиров муддаонинг пўсткалласини айтди: «Беш йиллаб, саккиз йиллаб судралиб юрадиган олимчаларни жиним суймайди, ука. Узоғи билан — уч йил. Холос! Сиз — фан номзоди бўласиз, биз — қулингиз!»

Кўкламнинг ўрнида бўлак йигит бўлса борми — муштипар онасининг зорига қулоқ тутиб, «укамизни уйлаймиз», дея тўй тадорикини бошлаб юборган саккиз опасию шунча поччасининг ҳузурига қанот қоқиб учиб бориши муқаррар эди. Лекин Кўклам «олий маълумотли бўлдим!» деб яримта дўпписини осмонга отиб келган юртига тўзиб кетаётган мишиқи собоқдошлари қатори қишлоққа қайтиб боришни ўзига эп кўрмади — яна уч-тўрт йил сабр қилса, у олим! Кимсан фан ном-зо-ди бўлади!.. Ана, ундан кейин бошини ғоз тутиб кириб борса арзийди қишлоғига, қариндош-уруғи, дўст-душман ҳузурига!..

Йигирма йиллар муқаддам раҳматли бўлиб кетган отасининг марҳамату мурувватини унутмаган домлалар ҳали йўқ эмас. Ниёзович бўлмаса, мана, Назиров бор. Назиров домла биринчи қамти келишдаёқ Кўкламнинг чўнтагига «фан номзоди» деган паттани солиб қўйгандек бўлди. Оилалилар ётоғидан жой олиб бергани-ку, Кўкламтойни нақ гижинглатиб юборди!

Секинроқ айтасизми! Ҳамкурсларига қўшилиб талабалар ётоқхонасида тишини тишига қўйиб икки-уч ой кун санаган, сўнг «Ҳай, биродарлар, ит ётиш-мирза туриш бизга тўғри кемайди» деб ижарама-ижара санғиган, мана, ҳам-қишлоқларининг наздида «кимсан-аспирант»лик мартабасига етишганда ҳам шаҳарнинг гаёйдотопмас бир овлоқ кўчасида минғир-синғир кампирнинг ката-лакдек қазноғида жон-жонидан ўтиб юрган Кўклам, Назиров домланинг «Дунёга донғи кетган оилалилар ётоғида яшайсиз» деганини эшитиб азбаройи хўрлиги келганидан кўзидан тирқираб ёш чиқиб кетди. Қулоғига ишонмади. Ичида «Йўғ-э!» деб юборди. Башарти Назиров домла суханбардорлигини адо этилишини уддасидан чиқмаган тақдирда ҳам Кўклам Тонготаров шу бир оғиз шафқатли калом тафтига йил бўйи исиниб юрарди!.. Оғзини тўлдириб домласига ташаккурлар ёғдирмоққа лаб жуфтлаганда ботиндан келган унсиз садо уни ниятидан қайтарди: «Ҳа, ёрдам қилса қибди-да, Кўклаббой, ўғлим. Вақтида Назировлар отанг туфайли одам бўб қолган. Ҳар касу нокасининг олдида қадрингни ерга ураверма, болам!..»

Кўклам отаси туфайли «одам бўлиб қолган»ларнинг кўпини учратди, шаҳарга келиб олий мактаб паттасини қўлга олгунига қадар ҳам юки ерда қолмади, илло унинг ич-этини кемираётган дард буткул бошқа — етти иқлим кўрмаган ножинс-бетайин бир майл ўзига қаердан ёпишганини билмай дарди дунёси зимистон эди. Бу дарднинг қандай дард эканини бировга оғиз очиб айта олмас, ўзича ўйлагани-ўйлаган, кўнглининг бир чеккасида бу — ожизлик касалимикан деган шубҳаларга борар, шундай ўйлардан толиқа бошлаганида негадир отасининг салоҳияти, нуфузи тўғрисидаги ривоятлар қайтадан қулоғига чалингандек бўларди... Ўзиям, ман-ман деган тирик оталар елиб-югуриб битиролмаган юмушларни йигирма йил муқаддам раҳматли бўлиб кетган отасининг обрўси қойиллатиб ўринлатяпти. Башарти Кўкламали Жанобали Тонготаровнинг яккаю-ёлғиз суюкли ўғли бўлмаганида бундайин иззат-икромни ҳаётда кўрмаслиги тайин эди... Физиллаб юқорига сирғалаётган лифтнинг «галдир-гулдир» нағмаси Назиров домладан қайтаётган оқибатнинг акс садосидек Кўкламни алдаётгани — Беканинг шанғи овози хаёлини бўлди:

— Бу — каттаконларри ётоқхонаси, ука. Ҳаммаси оилали. Ярмидан кўпининг биттадан боласи бор. Яна ярмининг хотини-иккиқат. Тушундийзми?.. Янаги ҳафта уйлансангиз келинни опкеласиз! Уша учун рухсат беришди.

— Ким рухсат берди?— сўради Кўклам овозини мулойимлаштириб.

Бека жавоб ўрнига совуққина безрайди. Лифтнинг эшиги очилди. Рўпарадаги деворда тўрт-беш тилда такрорланган «Хуш келибсиз», «Мартабангиз улўғ бўлсин» ёзувларига кўз югуртириб улгурмай Бека «бу ёққа» деб Кўкламни йўлакдан ўнгга бошлай туриб бояги оҳангда жаврайверди:

— Хоналар чиннидай, саришта. Биззи ётоқ анави устудентларники ёки ишчиларники сингари карвансарой эмас. Эшиттийзми?.. Мана, киринг. Ана, ҳаммаси яп-янги: устол, устул, калавот...

Кўклам рўпарасида Сусамбил юртининг байтул-моли ланг очилгандек «кирайми-кирмайми» деган истиҳолада бир зум тараддудланди-ю, ўзини бундайин иззат-икромга мутлақо ҳақлидай тутмоғи лозимлигини эслаб хонага бош суқиб ичкарини назардан ўтказа бошлади. Нигоҳи каравотнинг оёқ томонида деворга туташ қўйилган оромкурсига қадалдию юраги орзиқиб кетди! Қўлоғи бўшашиб миясига қон тепди, кўзининг ичи қизиди. Хаёли бошидан учиб нигоҳини оромкурсидан узолмади.

— Кўрпа-тўшаклариззи пахтасини оқизиб ташмалаб юрмайсиз. Ҳаммаси чиннидай, тўкис — шўттан берилган. Хўпми?.. Ташқаридан ҳеч бало кирмайди, ичкаридан игнаям чиқмайди. Тушундийзми?!

Кўклам Беканинг бетамизларча назар-писанд этмай вайсашини хаёл аралаш эшитди ва энсаси қотиб «Чиқиб кетақолса-чи!» деди ғижиниб. Бека эса ўзига аталган келинлик амлоқини икки қўллаб унга топшираётгандай миннату писандаларга тўлиб-тошган оҳангда хизмат вазифасини адо этаверди:

— Ана, устолчирок, чойнак, пела. Оромкурсини кўрдийз... Савлат тўкиб ўтиришши ўргалинг...— Кўкламнинг назарида Бека шундай деб унга зимдан ола қараш қилгандек туюлди. Бир кўнгли «савлат тўкиб ўтириш қочмас, лекин оромкурси зоти юрак-бағрингдан урса нима қилиш керак, опой?» деб сўра-

моқчи эди, сўнги дақиқада — Беканинг шанғилиги боисми — ундан маслаҳат сўрашни ўзига эп кўрмади. Аёлнинг гапи тугайдиганга ўхшамас эди:— Кийимми ишкопга осасиз. Ҳар балони тиқиштираверманг этга — таракан ўлгур босиб кетади! Эшиттийми?!— Кўкламнинг кўнгли беҳузурланди. Бека дераза ёнидаги ойнаванд эшикни очиб осма айвончага чиқди. Кўклам шундагина жувоннинг пакана, биққа семизлигини — турқи-тароватининг ўзиёқ бефаросатлигидан далолат бераётганини пайқади.— Балконга қақир-қуқур кўйишга рухсат йўқ. Искалад бўб кетмасин, тагин. Тушундийми?..

— Тушундим...

Бека Кўкламнинг жавобига қизиқмагандек индамай эшик томон юрди.

— Мен қайтиб хонангизга кирмиман. Бизда биров бировникига қадам босмайди. Ҳамма ўзиминан овора. Эшиттийми?!

Эшик ёпилди. Кўклам қулоғининг шанғиллаши босилишини кутиб хона ўртасида серрайиб турганида эшик шарақлаб очилди. Бека калитни узатиб баттар шовқин солди:

— Калит эшикни оғзида қомасин. Кўчага чиққанда пастдаги қоровулга қолдиринг. Эшиттийми?.. Каттакон бўб кетганингизда холис хизматимизни унутмасиз, оповси?!.

Кўклам чурқ этмади. Мажҳул аҳволда гарангсиб қўлидаги юпқа, жомадоннусха портфелини устол оёғига суяй туриб «Бечора» деб қўйди шивирлаб, сўнг қад ростлади-да, хонага қайтадан кўз югуртирди. Нигоҳи оромкурсида тўхтади — сутдек оқ нур таратаётган оймўмага термилгандек кўзлари қамашди... «Жуда аломат-ку,— оғзининг таноби қочиб кўнгли суст кетди Кўкламнинг.— Вой, вў-ў, сутга чайилганми?.. Кинодагидан қолишмайди...» У биринчи рўбарў келган оромкурсиларни ўзича ҳе-е ўша — ўсмирлик қалбига ажабтовур туйғу уруғини қадаган — кинода кўрган бир жуфт оромкурсига қиёслашга одатланган эди. Бу сафар ҳам одатини қанда қилмади... Кинода кўрганларининг орқа ва ён суянчиқлари сербар, устига тўшалган момиқ ғилофи полга довури ястанган, оромкурсида чўкиб кетгудай бўлиб ўтирган... (ҳа, Кўклам эркак ва аёл туфайли ўша оромкурсиларга шу қадар қаттиқ разм солганига ва ўша лаҳзадан, ўша кундан ўзида мавҳум ўзгаришлар юз бераётганига кўп марталар иқрор эди!) сархуш нигоҳлари, кўз боқишлари бир-бировига чирмовиқ ўтдек чатишган эркак (аллақандай бойвучча, амалдор) ва сулув аёл ёш Кўкламнинг энди-энди сув боғлаётган қалб қатларида ёруғ жаҳоннинг энг саодатманд жуфти ҳалолидек таассурот қолдирган ва қишлоқ шароитида, ўзидан бўлак эркак зоти бўлмаган оила — «аёллар салтанати»да вояга етаётган бўз бола қалбининг туб-тубида ўзгаларга мутлақ ошкор этилмас тотли, етишиб бўлмас бир орзу кўз очган эди...

Кўклам кўнглида ғалати ўзгаришлар юз бериб хаёллари мутлақо нотаниш овлоқларга тентираб кетганда хоҳиш-иродасини ўз ҳолига қўядиган, шундан маст бўладиган одат чиқарди. Бундай дамларда ўзини ўша фильмдаги эркак ўрнида ҳис қилар — оромкурсига ясланганича тасаввурига муҳрланган нотаниш аёл чехрасига суқланиб боқар, бунга сайин ифодалаб бўлмас даражада ҳузурланар — сўнг, эс-хушини йиғиб олгач эса ўзининг бундай қилиқлари ўзига бачканалик, бемаънилик бўлиб туюлар, дам ўзининг устидан кулиб, дам ғазабини тўкиб солар — ҳамма айбни ўзини бузган ўша фильмга ағдарар эди. У кино томоша қилишдан юраги безиллайдиган бўлди. Ифтифоқо кўзи оромкурсига тушди дегунча нигоҳини олиб қочар, ичида ижирғаниб оромкурси зотини ҳақоратлар ва... беихтиёр унга суқланиб қараётганини кейин сезиб қолар эди. Шундай беҳаловотликлар боис — ҳаловотни танҳоликдан топадиган бўлди.

Шундай пайтда шаҳарга ўқишга жўнаши айна муддао бўлди — у тор ҳужрада димиққан одамдек шаҳарга жон-жон деб келди. Ўқишга кирдию... қабулхоналарда, раҳбару раҳбарчаларнинг эсни оғдиргудай ҳашамдор хоналарида бурчак-бурчакларга биқинган ёхуд хона ўртасида ялпайиб, қаддибастини шармандаларча кўз-кўз қилиб турган оромкурсиларни кундан-кун оро кўриш одатий ҳолга айланди — оромкурсига бўлган саркаш майл унинг қўлоёқларига шафқатсизларча кишан ураверди. Касаллик зимдан уни маҳв эта бошлади. Бора-бора суянчиғи чўғдай қизил ва ён-верига елпарракдай айланадиган беқарор оромкурсиларни кўрганда ўзини кўярга жой тополмайдиган

бўлиб қолаётганини пайқади. Ҳар сафар нотаниш оромкурсига рўбарў келганида ўша фильмдаги манзара ихтиёрсиз суръатда хаёлида жонланадиган, хотиралар жонланган пайтда оромкурсилар ҳақидаги бемаъни ўйлари қувиб солиш истагини унутадиган бўлиб қолди ва кўнги сусти кетган шундай дамларда мавридини топиб бирон оромкурсидан ҳордиқ чиқаришга одатланди... Лекин аслида у оромкурсига муте бўлиб қолаётганидан норози, қандай бўлмасин ўзидаги бундайин иродасизликка чек қўйишни ўйлар, бунинг бирдан-бир чораси сифатида ўзини чалғатар — аксари ўқишга муккадан кетар, сабоқдошларига қўшилиб босим улфатчилик қилар, кечгача дўконма-дўкон изғиб қўлтиқ-қўлтиқ китоб кўтариб келар — ижарадаги хонасига қамалиб олиб қиротхонликдан бош кўтармас — шундай кезларда неча кунлардан буён мияси оромкурсилар тажовузидан халос бўлганидан яйраб, эмин-эркин яшаш бахти насиб этганидан чексиз қувонар, қувонгани заҳоти ранго-ранг оромкурсларнинг турқи-таровати хаёлига тирғала бошлар, неча кун ўйламагани, унутгани жазасига сон-саноксиз оромкурсилар тепасига лашкар тортиб келарди. Кўклам аввалига бўш келмас — лаънатлаб, болахонадор сўкиниб оромкурслар исканжасидан халос бўлишга уринар, дам ўзини одамгарчиликдан чиқарган ўша фильмни, дам фильмда кучоқлашиб-суйкалашиб ўтирган эркак-аёлни бўралатиб сўкиб ўзини ўнглаб оларди.

Хуллас, шаҳар унинг «касали»ни зўрайтирди. Сўнги марта домла Ниёзовичникидаги оромкурсига ишқи тушди. Баланд суянчиғи қиз боланинг белидек нозик, андак орқага эгик — ўтирган киши ясланадию хаёлан арши аълога парвоз қилади!.. Фақат оромкурсининг оёқлари кўздан пинҳонлиги Кўкламнинг қизиқишига чўғ қалади. «Оёқларини этагига ўраб олгани нимаси!.. Наҳотки, бирон айби бўлса?» деб ўй сурди, шундай сарвкомат оромкурсининг гўзаллигига путур етказган Ниёзовични дилсизликда айблади, қандоқ бўлмасин нозикбел оромкурсининг оёқларини кўришга қасд қилди. Бироқ домласиникида, тагин кимсан Ниёзовичдек баобрў профессорнинг оромкурсисидан ясланиб ётиш, лоақал ўтиришни кўзлаш нақадар шаккоклик эканини тушуниб ўзини тизгинсиз майлдан қайтарди, қайтарса-да, шайтон ҳийласига учиб лоақал ёйқомат оромкурсига суқланиб боқиш илинжида арзимас важлар билан домласиникига танда қўйди. Домла Ниёзович суяги йўғон, бўйчан, лекин ориқ, кўкраги ботик, афтидан — айниқса дўрдоқ лаблари, қақчайган кўзларидан бўшанг-баёв кўринадиган шогирдининг бадниятини пайқамади. Яхшики, Кўкламни бу ниятдан нақ яратганнинг ўзи қайтарди — у қилиқлари ўзига бачкана, нафратомуз туюлаётганини сезгач, ақл-идрокини ўғирлаган ўша оромкурсини ҳам, заиф ва телбавори хоҳиш-истакларини ҳам бўралатиб сўкди — Ниёзовичникига қайтиб оёқ босмади!..

У ўздан босим нафратланса, ўзига шафқатсизроқ бўлса, бемаъни одатдан буткул қутилишга умид боғлаган эди: диплом ҳимоясига чалғиди — ҳимоя қилди, қишлоғига қайтиб ҳамма қатори орзу-ҳавасли дунёнинг юмушларига шўнғиш тадорикини кўрди — ана шунда нима жин уриб кўнгли олимликни тусаб қолди!.. Ҳамма қатори олий мактаб паттасини қўлтиқлаб қишлоғига қайтишни ўзига эп кўрмади — шаҳарда қолди!.. Домла Ниёзовичнинг вазмин, оталарча йўл-йўриғи бир баҳона бўлди, холос — Кўклам «қишлоқда ишласам, оила қурсам, бола-чақа орттурсам ҳамма балодан қутиламан!» деган қарорини ҳам унутди — шаҳарда қолди! Яна ўқиш, яна китоб, яна қалам-дафтар, яна хаёлларга тўла кунлар турмуш тарзига айланди... Бир кўнгли домла Ниёзовичга узрини айтиб қишлоғига жўнамоқчи ҳам эди — сабр қилди, сабр қилгани сайин эса... аҳён-аҳёнда профессорникига боришга тўғри келиб қолар, тўртинчи қаватга кўтарилиб домласининг икки қаватли, залворли эшигидан кириб борди дегунча бутун вужуди, бор иродаси камалакқомат оромкурсининг ихтиёрига кўчарди... Бир сафар телба хаёллар измида, «Шу офатижонни менга совға қилинг, домла, Аяникидаги хонамга обориб қўяман», демоқчи бўлди — ботинолмади. Ва хонумони икки ўт орасида куйиб кул бўлавергач, жонидан тўйди — ҳамма ғишавани шартта бирёқлик қилди-қўйди: «бўлак мавзу танлайман» деган баҳона топдию домла Ниёзовичдан айнади.

Ўша куни Назиров домланинг қўлига тушмаганида қишлоққа жўнавориши тайин эди — начора, насиб экан — қолди. Бир чеккаси, унинг «илм қилмайман», деган гапини эшитиб Назировнинг капалаги учди. «Ҳай-ҳай-ҳай, бир

айтдингиз, қайтиб оғзингизга олманг бу сўзни» деди, «рахматли Жанобали акамиз ўғлонлик бўлганларини эшитганда муборак этгали биринчи бўлиб етиб борганларданмиз-а!.. Агар сизди кандидат қилолмасак у кишимнинг руҳи-поклари олдида ким деган одам бўламиз!» Кўклам домланинг ўпка-гина ара-лаш итобини эшита туриб, туйқус мияси чатнаб кетди — «у кишимнинг руҳи-поклари» деган каломдан сапчиб тушди. «Отамнинг руҳи-поклари!.. Отамдаги маслак-муҳаббат!.. Мансабу мартабага мутелик!..» Кўкламнинг мияси яшин тезлигида ишлай бошлади. «Талабалар ётоқхонасидан тинчроқ, ҳолироқ ижарага қувиб борган, сабоқдошлари қатори қишлоққа равона бўлиш нияти-дан қайтарган ҳам у кишимнинг руҳи-поклари, у кишимнинг қонларида кўпир-ган орзу-истаклар эмасмикан?!..»

Кўклам бундай хаёллар осмондан тушмаганини, улар кўнглининг туб-тубини ҳовузга чўккан харсангдек эгаллаб ётганини жуда яхши билар эди. Билар эдию... уни қўзғатмасликка аҳд қилган, ҳамма аламини ўзида ғайриинсо-ний майл туғдирган шармсиз кинодан олишга одатланган эди. Мана, ниҳоят, оғир тош кўчди, уни қўзғатмасликнинг сира иложи қолмади — ҳовузнинг тубида чайқалаётган сув қоп-қора балчиққа беланди...

Кўклам саккиз қиздан сўнг дунёга келган, нуфузли вилоятнинг катта амал-дори бўлмиш отасининг яккаю ягона овунчи ва қувончи экан. Шунча йил сабр-бардошини тегирмонга солиб туйган худованди карим ниҳоят кўнгли ийиб ўғил ато этгани шарафига юртга дастурхон ёзган отаси эл-юрт олдида «Бизнинг ўғил кам деганда шаҳарга ҳоким бўлади!» деб калон сўз айтган жойи бор экан...

Падари бузрукворининг ўша калон сўзини Кўкламга кўп эслатишган — биров астойдил, биров кесатиқларга ўраб-чирмаб эслатган — Кўклам ҳушига келса писанда қилувчиларга қасдма-қасдига: «Нима, Амир Темурдек соҳибқи-рони муаззам ўн ёшли Улуғбекка неча улусни инъом этганда отамдек вилоят раҳнамоси яккаю ёлғиз меросхўрига яхши ният тилашга ҳақ-ҳуқуқи йўқми!» деб ҳаволанишнинг кифтини келтирар, шундай деб отасининг руҳини шод айлагандек бўлар, бундан қувонгани сайин ўзидаги мубталолик балоси отаси-дан бошланган бўлиши эҳтимоли ҳам йўқ эмаслигини ўйлаб кетарди... Тагин ким биледи дейсиз, отаси ўғлим шундай бўлсин деб ният қилмагандир, ахир! «Шаҳарга ҳоким бўлади» деганда мартабали, эл-юртга танилган одам бўлиши-ни кўзлагани аниқ, ҳеч замонда, қаерга борса ўзини одамлардан опқочиб, чекка-чеккада оромкурсилар ишқида ўз ёғига ўзи қоврилиб юришини у дунёю бу дунё ўйламагандир. Бордию Жанобли тонготаров ҳаёт бўлганида, Кўклам дасти дароз отажонининг мёҳрибон паноҳида ўсиб-улғайганида омад бедови-дан тушмайдиган кетворган йигит бўлар, жилла қурса, ҳозиргидай ғалати, бачкана, кўз кўриб-қулоқ эшитмаган телба-тескари майлларга банди бўлиб юрмас эдимиз?

Шаҳарга келиб ўқишга кирганида Кўклам фақат талабалик насиб этгани учун эмас, талабалик баҳона, шаҳарнинг қайноқ ҳаётига шўнғиб кўнгли тубига қозоннинг қурумидек ёпишган — уни дам тотли, дам телба кўйларга солаётган ғайриинсоний майлни унутишни кўзлаб қувонган эди. Аввалига ўйлаганидек бўлди — уйдан, қишлоғидан, туғишганларидан узоқлашдию ҳамма-ҳаммаси-дан қутилганга ўхшади. Мияси тиниқлашди, қабул имтиҳонларини топширишда омад кулиб боққанидан севинчи ичига сиғмай янги танишаётган тенгқурларига кўшилиб, қушдек қанот қоқиб учгиси келди. Ундай деса, омад ўз-ўзидан кулиб боқмади — имтиҳонларда зарур баҳоларни олгунича ҳар кун-ҳар соат атрофи-да гиргиттон бўлаётган домлалар оғзидан бол томиб унинг отасини эслашди. Шундай дамларда Кўкламнинг тинчи бузилар, гўё ўз отасининг фарзанди эканлигини эслашнинг ўзиёқ унга малол келаётгандек туюларди.

Кўклам хаёлларининг идрокдан олис қатларида «Отамда гуноҳ йўқ!» деган иқрорини мустаҳкамлашга кўп уринди: раҳматли баобрў лавозим эгаси, егани олдида, емагани ортида... уйимизни оромкурсига тўлдириб юбормаган... Онасини неча дафъа саволга тутди — тайинли жавоб ололмади, барибир ҳоли-жонига қўймай суриштирди, алҳол онаси тилга кирди: «Отаннинг фикри-ёди идорадаги курсида эди... Қизил суянчиқли оромкурсиларни сенлардан, мендан ортиқ кўрар эдилар, раҳматли...» Ана, Кўкламнинг ўйлагани тасдиқланди — идорадаги мансаб курсиси отасининг жони бўлган! Етса ҳам, турса ҳам ўша

оромкурси тепасида айланиб-ўргилган. Ҳар сафар онаси бошқоронғи бўлганида «ўғил кўрсам, шу курсини мерос қолдираман» деб ўйлаб режалар тузиб юрган, қиз кетидан қиз туғилаверган — йиллар мобайнидаги орзу-ният қонига ўтган ва қарабсизки, ажойиб кунларнинг бирида ўша ботиний орзу-ниятларнинг ижрочиси сифатида Кўкламали туғилган... отасининг дилидагиси тилига кўчган...

Кўклам мулоҳазалар юкининг залворидан бўйнини қисиб қолди: «Отамдан мерос касалликмикан?!» деган шубҳадан эхонаси чиқиб кетди. Бу кашфиёт Кўкламни эсанкиратди. У қаерда, кимнинг ҳузурида турганини, нима ҳақда сўхбатлашаётганини ҳам унутиб, боши эгилиб гавдаси чўкиб қолди. Бундай ташвишдан беҳабар Назиров домла шогирдининг кифтига қоқиб уни юпантирди. «Пича оғирликка чидайсиз, ука... бу ёғи жўнашиб кетади...»

Жўнашиб кетди ҳам... Тақдирнинг бундайин чароғон кўчаларига йўлиқиш Кўкламнинг етти ухлаб тушига кирмаган, осмондан-да бепоёнроқ хаёл уммонида адашиб-улоққан кезларида ҳам хаёлига ташриф буюрмаганди, бундай маъмурлик! Муқаррар, отасининг руҳи-поки қўллади!— хона ўзиники, барча жиҳозлар унинг измида: каравот, устол, устул, устолчироқ, оромкурси... ўзи — ёлғиз. Биров бировниқига қадам босмайди бу ётоқхонада... Назиров домла «шогирдим янаги ҳафта уйланыпти» дея ётоқхонадан жой тўғрилаган, ақс ҳолда бу жой, бу имконият, бу роҳат-фароғат отлиққа йўғ-а!..

Кўкламбой оҳиста каравотга ўтирди, тирсакларини тиззасига, даҳанини кафтига қўйганича бамайлихотир оромкурсини кузатди: ён ва орқа суянчиғи яхлит, ёйсимон эгик, унга беҳад оқ сунъий чарм қопланган... ипакдан-да момиқ-майин-мулойим... таглик — оқ, ҳатто кўз илғамас чок туширилган, кашта тикилган... оромкурсининг оёқлари нозик, токнинг янги кўкарган новдасидек бокира, самбит новдасидек силлиқ, адл... бутун бўй-басти Кўкламнинг вужуд-вужудини маҳв этадиган даражада гўзал, гўё Кўклам Тонгатоврни ақлдан оздирмоқ ё бўлмаса бу фоний дунёнинг қил кўпригидан ўтказиб синамоқ муддаосида кимдир уни қасддан шундайин сулувга қўшиб ҳонага қамаб қўйгандек эди...

Кўклам номсиз бармоғи асабий силкинаётганини сезди. Осма айвонга чиқиб ташқарига — кўчага, ҳар ёққа илашиб-биланглашиб кетган ёлғизоёқ йўлларга, майдончага, йўловчиларга... мовий осмонга аланглади — «тўққизинчи қаватда экан-да, ошиёнимиз!» деб хитоб қилди — оғзининг таноби қочиб, орқага ўгирилди. Шу топда у соатлаб, балки то қоронғи тушгунга қадар янги ошиёнидан кўз узмай туришга рози эди, бироқ кўм-кўк дераза парда ортида ял-ял товланиб, гўё бадани оклигидан уялгандек сукутга чўмган оқ-оппоқ оромкурсини кўриб тоқат қилолмади: икки ҳатлаб хонага кирди, оромкурсининг тепасига келди, кафтларини унинг ялонғоч кифтига қўйди ва оёқларидан мадор аригандек «шилқ» этиб чўк тушди, ён суянчиққа пешонасини босганича оғир-оғир нафас ола бошлади. Шу алфоз алламаҳалгача сукут сақлаб ўтирди, хаёлларини ўз оқимига қўйди — ўтираверди... алҳол, миясида «Нима қиялман?» деган савол туғилгани ҳамона дик этиб ўрнидан турди, «Э, кўзингни оч-е!.. Қанақа йигитсан, ўзи?!» деб бўралатиб сўқмоқчи эди, лаб жуфтлаган жойида оромкурси озор чеккан оҳудек инграб юборди. Кўкламбой бесўнақай ва бўйчан гавдасига ярашмаган хушомадгўйлик билан шошилиб-ўргилиб оромкурсининг елкасига қоқди, тизгинсиз майлларини аёвсиз сўкишга тушганини унутиб устулга оғир чўкди — битмас-туганмас орзуси мустажоб ўсмирдек кўнгли ийиб гўшаи амлокига суқланиб разм солди. Чироқни ёқди, портфелидан сочиғи, соқол қиртишлайдиган анжомлари, қалам-дафтарларини олиб устолга терди. «Бир йиллик режаларни қоғозга тушириб беринг — икки кун муҳлат!» деган эди Назиров домла. «Эртага ёзаман», деди Кўклам бепарво қўл силтаб ва илмий мавзунини эслаб мийиғида кулди. «Инкорни инкор!» Хўб топди-да, мавзуниям!.. «Навий — инкор, Машраб — инкор, Улуғбек — инкор!.. Донишманд зоти борки, ўзидан илгариги тафаккурнинг инкори!.. — Кўклам оғзига келган алломалар номини санай кетди: мўйсафид Афлотун ўсмир Афлотуннинг инкори... Берклини мазах қилган, Декартни икки пулга олмаган Дидро жаноблари, демак, айни чоқда уларни инкор этган... Ёруғ дунё кўзига лаҳаддан торроқ, қоронғироқ кўринган Яссавийнинг олдида бочкадан ҳаловат топган Диогеннинг донишмандлиги чикора!.. Мана, каминаи камтарин ҳам

ҳазрати Ясавийга тенглашолмасак-да, диогенсифатлардан, ушбу хонаи хос мен учун ёруғ дунё — барча орзу-ҳавас, жами донишлик шунда, дея ўтиравераман!.. Режаларимни икки кунда қоғозга туширмайман... қишлоққа қайтиб барча рисоладагидек тенгқурларим қатори уйланмайман... Телбалик бўлса-да, ҳа-ҳа, ҳар қандай кашфиёт бошида телбалик бўлиб кўринади. Эҳтимол, фақир-тирик башоратдирман?!. Ҳозир менинг дард-касалимни эшитган одам кулиши муқаррод, ким кулса кулаверсин, лекин яна ўн-йигирма йиллардан кейин одамзод қавми орасида оромкурсини севиш касаллиги тарқаса нима бўлади? Қани, хўш?!. Вабодек, ўлатдек тарқаса?.. Курси деб одамлар одамлардан безиб кетса, курсидан ором топиш илинжида бола отасининг, ота хотинининг баҳридан ўтса, ёппасига шундай бўлса!.. Ором-курси жиннисига айланиш спиддек ёпишса одамларга... ў-ў!.. ҳозирги меҳроқибатлардаги совуқчилик, инкорни инкорлар ҳолва бўлиб қолади, Кўкла-мали жаноблари!.. Ана ўшандагина инсоният оромкурсига ишқи тушган биринчи одам — Кўклам Тонготаровни эслайдилар... Биринчи одам, биринчилик эса ҳеч қачон қурбонсиз қўлга киритилмайди!.. Инчунин, нима бўлса-бўлар дейману ҳаммасига қўл силтаб кўнглимга қадрдон майлларни қувиб солмайман — барини худо кўтарсин, дейману кўнглимнинг чигил жинкўчаларида адашиб-улоқиб юравераман, ўзим билан... анави, офатижон пари-пайкар билан...

Кўклам кўнглининг овлоқ муюлишлариаро сайру саёҳатни бошлаб юбораётган ҳам эдики, бехосдан қорни ғулдиради. «Епирай! Бу ёқда қорин бор, нафс деган юҳо оёқдан олмасайди», деб фаромуш бўлаёзди, аста ўгирилиб ором-курсига назар солганича тек туриб қолди. Оромкурси худди бошига ёпинган ҳарир рўмолни биров тортиб олгану шу боис уялганидан бош кўтаролмай қолган келинчакдек дув қизариб сукут сақлаб турар ва оппоқ либосга бурканган майин елкалари Кўкламнинг кўзига кузги япроқ янглиғ қалтираётгандек бўлиб кўринди — у бориб айвон эшигини ёпди. Қорни чулдиради. Апил-тапил кўйлак тугмаларини қадаб кўчага отланди, «зумда овқатланиб қайтаман» дедию ётоқхонанинг биқинидаги мўъжаз бозорчага чиқиб пича ҳаялласа хонасини биров эгаллаб оладигандек шошқалоқлашди — дуч келган егулиқдан харид қилиб изига югурди. Хонасига кириб устолга газета тўшаб нон, сомса, қатиқни қўйди — уч-тўрт кишилашиб зиёфат бошлашаётгандай кафтларини шарақлатиб уриб, бир-бирига ишқаб, завқланди. Қатиқни пиёлага солишга сабри чидамай банкаси билан кўтарди.

Қорин ташвишидан қутилган Кўкламбой чанқади, йўлак адоғидаги умумий ошхонага бориб чой қайнатишга, жилла курса, сув келтиришга эринди. «Сабр қилай, ўтиб кетади», деган умидда худованди каримнинг ердаги энг эркатой бандасидек талтайиб каравотга чалқанча ётганича қўл-оёқларини тарвақайлатиб ташлади. Ётган жойидан оқиш шифтга, нимпушти деворга, нимяшил эшикка, сутга чайилгандек оппоқ оромкурсига бот-бот тикилди. Хийла пайт ётди. Шириш уйқу элтаётганини сезиб пича мизғимоққа тутинди, сўнг ижарадаги уйига жўнашни дилига тугди. Аяга «бугун келаман» деган, ортиқроқ ҳаялласа, кўча эшик ёнига чиқиб «ҳақ!» деб ўтирадиган Аянинг хавотирланишига ачинди. Ачинса ҳозироқ тараддудланмоғи керак, аммо-лекин фавқулудда Кўкламбой Тонготаровга шундай бир гўшаи ошиён насиб этса-ю, бу ерда момоқаймоқдек оромкурси ўзини кўз-кўз қилиб турса-ю, биринчи кунда, биринчи кечада уни танҳо қолдириб кетиши инсофданмикан?.. Бу мулоҳазалари устунроқ кела бошлади Кўкламнинг ва Аяникига қайтиш ниятидан тезда айниди, эртанги кунга мўлжалланган юмушларини ўйлади, бугун бирор ишни қойилла-тиб қўймаган бўлса-да, азбаройи босим ҳаяжонлардан толиқди, кўзи илинди...

Кўклам қанча вақт мизғиганини билмади, ширин туш кўриб уйғонган мурғакдек кўз очганида дабдурустан қаерда ётганини идрок этолмади, кўзини пирпиратди, қовоғини ишқади ва... нотаниш, лекин тотли ҳиддан сархуш бўлиб талтайиб, жилмайди. Яна кўзини юмди, ётган кўйи ўйлади: «бу ниманинг иси?» — тополмади, ўйлади — шуури тиниқлашмади, сўнг ирғиб ўрнидан турди, устолчиноқ тугмасини босди. Чироқнинг кенг, айлананусха қалпоғидан урилиб қайтган шуъласи каравотнинг оёқ томонида турган оромкурси устига чойшабдек ёйилди. Оппоқ оромкурси ним қоронғи хонада янаям оқроқ кўринар, бу етмагандай, у худди чироқ шуъласи билан бас бойлашгандай



ўзидан нур таратар, Кўкламнинг назарида у ялонғоч тиззаларини ялонғоч билаклари билан қучоқлаб ўтирган қиз болага ўхшарди...

Кўклам чироқни ўчирди — хонани бояги сеҳрли-нотаниш, лекин ниҳоятда майин ва тотли ҳид қоплади... Кўкламбой бир-бир юриб оромкурси тепасига келди, унинг ёнгинасида каравотга ўтирди — оромкурсининг елкаларига бетини теккизгудек бўлиб уни кузата бошлади. Шундагина у ниманинг ҳиди бу қадар безовта қилаётганини, ҳатто уйқусини қочириб юборганини пайқайди. Бу — сонсиз-саноқсиз одамларни эс-ҳушидан айирган, ман-ман деган давангирларнинг бурнидан ип ўтказиб истаган нағмасига ўйнатган, не-не оқилу донишларнинг инсонийлик мартабасини бир пул қилган ва... Кўкламбой Тонготаровнинг қалбида булардан-да аянчлироқ даҳшатлар уруғини жадал қадай бошлаган оромкурсининг ҳиди эди!..

У оғир касалдан турган одамдек базўр қад ростлади, тиззалари қалтиради ва ўзини бошқара олмаётганидан, тик туришга мадори етишмаётганидан уялмай-нетмай ўзини оромкурсининг устига ташлади...

«Ҳе, ўқиши онсони чиқсин! Қишлоғинга жўна!.. Онанг қон йиғлаб ўтиргандир, сени уйлантираман деб!.. Шунча ўқиганинг каммиди!» деб чакак қоқди Ая. Кўклам тиржайиб тураверди, ётоқхонадан жой беришганини (оилалилар ётоқхонаси деса нақ балога қолади-я!), секин-аста ўшоққа кўчиб ўтишини айтди. «Онамдек бўб қолгансизу Ая, сизни унутармидим, кун ора келиб тураман», деди астойдил кампирнинг кўнглини кўтариб. Аяга берган ваъдаларини дилида такорлаб ҳам келаётганди, кўчма раста ёнида тўрт-беш хотин-халаж орасида қип-қизил деразапарда қўлма-қўл бўлаётганини кўрдию хаёли бўлинди. Кеча оқшом айвончада туриб хона ичига разм солганида тўқ кўк парда оппоқ оромкурсига мутлақо қовушмаганини сезганди. «Чўғдек қизил экан, оламан!» деди у, «Қизил билан оқ бир бирига чунонам ярашадими, хонани яшнатворади!»

Пардаликни қўлтиғига қистириб ётоқхонага етиб келган Кўклам хонасига бир гапириб ўн кулиб кирди: «Хонани яшнатворамиз, сен гул-гул очилиб кетасан!..— Кўклам шундай деб эски пардани ечди.— Қайси дидсизнинг иши-я, бу? Тўқлигини қара! Оппоқ баданингни ҳақорат қилаётганга ўхшайди!.. У дераза тоқчасига чиқди-да, янги пардаликни бир бошдан қисқичларга маҳкамлади. «Чеккасини букмасак ҳам бўлаверади. Муҳими — ранг! Қизил ва оқ, оқ ва қизил! А, лаббай!..» деди у оромкурсига ўгирилиб. Чинданам, оромкурси бирдан ял-ял яшнаб, товусдек товланиб кетди. Оппоқ елкалари, билаклари азбаройи уялганидан қизаргандек кўринар, бунга сари унинг латофатига латофат, тароватига тароват қўшилаётган эди.

Кўклам дераза тоқчасидан сакраб тушиб хонада у ёқдан-бу ёққа юриб, оромкурсини томоша қилди. «Бор шудимни сотсам сотаман — сени кўғирчоқдек ясаиб қўяман,— деди оромкурсига тиккасига. Ҳеч ёққа чиқмайман, унда-бунда Назировга учрашсам бас, бу ёғи сен билан биргамиз-бирга!» Кўклам шундай дея оромкурсининг оқиш-қирмизи елкасини, билакларини силаб-сий-палаб турди-да, талтайиб, ялтоқланиб унга ясланди. Шу чоқ эшик жуда вазмин ва ҳижолатомуз эҳтиёткорлик билан чертилди. Кўкламнинг нафаси ичига тушди. «Бекага ўхшамайди» деди у ичида. «Ким бўлдийкин?.. Қўшнилари бирон нарса сўраб чиқдимикан?.. Биров бировникига қадам босмайди, дейишганди-ку...» Кўклам эшикни очганида остонада бир-бирига икки томчи сувдек ўхшаш, ёш эгизаклардек бир хил кийинган, қадди-басти бир хил ўрта ёшлардаги икки нафар эркак, уларнинг ортида атлас кўйлакли жувон турарди. Кўклам аёлнинг башарасини кўролмади. Иккала эркак қўлида тутган патнусдаги анвойи ноз-неъматларни кўриб беихтиёр кўзи ўйнаб кетди, азбаройи тамшанганини яширолмади ва унутган сўзини бирдан эслагандек илтифотга кўчди:

— Марҳамат!— деб келувчиларни ичкарига таклиф қилди.

Атлас кўйлакли аёл ўнг томондаги эркакнинг елкасига дафтар қўйиб унга ниманидир қитирлатиб ёзди. Кўклам аёл томонга қарамоқчи эди чап томондаги эркак томоқ қириб унинг диққатини тортди.

— Биз оилалилар ётоқхонаси маъмурияти ихтиёридаги «Интизом»чилармиз. Мен — Хизматчи!

— Мен — Вакил...

Кўклам Вакилнинг овози мулойимроқ эшитилганидан унга ғалати кулимсираб қаради.

— Жойлашиб олдим, ташаккур...— деди шундан бўлак сўз тополмай Кўклам. Гапира туриб ҳар икки эркакнинг башарасини таққослади, «Вакил оқ сариқдан келган, Хизматчи қуюқ қора қошли», деди эслаб қолишга уриниб. Сўнг ташриф буюрувчиларнинг авзоидан уларнинг муддаосини англамай таваккал қилди:— Шунча ноз-неъматларни... овора бўбсизлар-да...

У гапиргани сайин атлас кўйлакли аёл дафтарини дам Хизматчининг, дам Вакилнинг елкасига қўйиб қитирлатар, Кўклам «бу нима қилиқ?» деб унинг тагига етолмас, табиий, икки дароз эркак ортида у нималарни ёзаётгани ҳам Кўкламга қоронғи эди.

— Безовта қилганимиз учун ҳижолатдамиз,— деди Вакил тортинчоқлик билан паст овозда.— Қани, меваларга марҳамат... Нокдан олинг. Олма, шафтоли, узумдан... Кўнглингиз тусаганича...

Кўклам «мени калака қилишяпти» деган қарорга келди. «Майнабозчиликни йиғиштиринглар», демоқчи эди Хизматчи тилга кирди:

— Кўк парда қани?— деди у томдан тараша тушгандек ўдағайлаб.

Кўклам кар-соқовдек анграйди. Маъносиз илжайди.

— «Кўк пардани нима қилдиз?» деб сўраяпти бу киши,— саволни изоҳлади бояги мулойимлик билан Вакил.

— Шу ерда, хонада,— деди Кўклам шошиб.— Нимайди?

— Хонадаги ҳар бир жиҳоз қандоқ қўйилган бўлса — шундоқ сақланмоғи керак. Сиз жойлашиб улгурмасингиздан ўзбошимчаликка ўтибсиз,— деди паст овозда, лекин дағдаға билан Хизматчи.

Кўкламнинг астойдил кулгиси қистади.

— Э, пардани айтаяпсизларми, дераза пардани!.. Арзимаган нарсани-я?!

Хизматчи қуюқ қошларини чимириб Кўкламнинг ҳиқилдоғидан олди:

— Бизда арзимаган нарса йўқ!..

— Хонадан айрилмай десангиз интизомга риоя қилмоғингиз шарт...

— Хўп, хўп, хўп,— дея олди Кўклам ташриф буюрувчиларни шаштидан тушуришни мўлжаллаб:— Хўп бўлади, акалар...

— Қизил пардани оласиз!

— Кўкини илиб қўясиз!..

«Тавба-а!.. Фаройиб-ку!» деганча Кўклам ҳушига келолмай, худди биров биқинига гурзи билан туширгандек бели майишиб, ранг-қути ўчиб, оромкурсини унутиб эшикнинг кесақисига суяниб қолди. «Қанақа одамлар, ўзи, улар?.. Анавиниси бўрига ўхшайди-я!.. Начора,.. хоҳишимиз уларга маъқул келмади. Огоҳлантиришди. Агар қулоқ солмасак...» Кўклам қизил пардани олиб, ўрнига кўкини ила туриб бўғзига келган «ажратиб юборишади» деган гапни айтмай тилини тишлади...

Кўклам оромкурси билан аҳду паймон боғлашиб тўрт кун хонадан чиқмади. Назиров домланинг топшириқларини бажармади, Аяникига бормади, лоқал онаизорига икки энлик хат битмади — ундаги англаб бўлмас ғаддор майл бошқа барча одамий туйғуларни инкор этаётган — Кўклам Тонготаров ҳали инсоният қавмига номаълум ана шу кашфиёт-инкорга банди эди... Ҳар куни хў-ў кун ёйилганда уйқудан уйғонар, кўз очган замони ёнгинасида — ёстиғига туташ турган оромкурсини кўриб кўнгли ниҳоятда таскин ва оромлар топар, ўрнидан турмай оппоқ фариштасининг суянчиқларини сийпалар, ухлайверганидан шишиб кетган кўзлари оромкурсининг жамолига хўп боқиб тўйгачгина ўрнидан туриб авайлабгина уни жойига суриб қўяр, ғубор инганми-йўқми, эрталабдан артиб-суртишга тушар, бирда-ярим бозор-ўчарга чиқмаса, ғимирлаб, ғудраниб, хиргойи қилиб оромкурси иккови дилтортар ҳангомалар билан кунларни кеч қилишарди...

Бир сафар одатдагидек кўчадан ғизиллаб қайтаётганди, ётоқхона эшигидан кириб мушукдан қочган сичқондек ўзини лифт ҳужрасига урай деганда қоровул чол ҳай-ҳайлаб тўхтатди уни. Кўклам ортиқча гапга тоқати йўқлигини яширмай афтини бужмайтирганича ортига қайтди. Чол буни сезса-да, парво қилмай илиқ муомала бошлади:

— Ҳа, болам, яшаётганингга бир ҳафта бўляпти-ю, на салом бор — на алиқ. Милтиқнинг ўқидек кирасан-кетасан, чиқасан-кетасан. Қаттан кегансан,

ўзи? Кимнинг, қанақа одамларнинг фарзандисан? Бундо-оқ гаплашайлик, бўтам...

— Ишлар кўп,— деди малҳамдек муомаладан кўнгли ийиб Кўклам.— Вақт зиқ.

— Ҳа, салом-аликка вақтинг зиқлик қилса, лоақал манави хатларни ол — қалашиб кетди-ку, булар.

Кўклам мўйсафиднинг қўлида учта буклоғлиқ варақни кўриб юраги ши-  
ғиллади.

— Уч кундан буён бир ўспирин ташлаб кетади «бериб қўйинг» деб, сен бўлсанг тутқич бермайсан, бўтам.

Кўклам хонага чиққандагина учала хатни очди. «Проф. Назировга учрашар экансиз», деб ёзилган хатга кўз қирини ташладию кейингисини ўқиди:

«Кўкламали! Яхши жойлашдингизми? Саломатлик?.. Режаларимиз нима бўлди?

Назиров».

Учинчи хат варақнинг бир бетини эгаллаганди, Кўклам унинг остида «Дом-лангиз» деган унвонни кўриб бирмунча хотиржам тортиди, нафас ростлаш ниятида оромкурсига ўгирилди. «Шунақа-а,— деди пичирлаб.— Етишдим, топишдим деганда у ёққа чақирган — бу ёқда огоҳлантирган... «Режаларимиз нима бўлди?» эмиш»... Кўклам учинчи хатни олиб кўз югуртира бошлади, узук-юлуқ овоз чиқариб ўқиди: «Тузукмисиз?.. Тинчликми ўзи?.. Нега дарагингиз йўқ? Эки ётоқхонанинг оҳанрабоси бор эканми?..»

— Бор, бор экан!— деб юборди Кўклам топишмоқ топган боладек қувониб.— Мана — оҳанрабо! Мана!

У балетчи раққосалардек ихчам ва қушдек енгил оромкурсини икки қўллаб боши баравар кўтариб гир-гир айлантирди-да, уни жойига қўйиб хатдаги сўнги жумлани такрорлади: «Тезда менга учрашинг...»

Ўша куни Кўклам устулда қимирламай ёзув-чизувдан бош кўтармади. Фикр олишувлари зикр этилган буюк алломалар рўйхатини тартибга келтирди, Арастунинг баҳслари, Цецилийнинг маърузалари, Беруний ва Ибн Синонинг савол-жавоблари юзасидан махсус мундарижа тузди, сўнг бир неча қоғозга... хилма-хил оромкурсиларнинг суратини чизди... хона қоронғилашиб қоғоздаги ёзувлар кўринмай қолаёзганда орқа томонда кимдир чуқур энтикди. Шундагина Кўклам ҳамхонасини хаёлидан чиқариб юборганини, қарийб ярим кун асносида қайрилиб унга қарамаганини эслади. У гуноҳ иш қилиб қўйган гўдакдек қисиниб оромкурсига яқинлашди — сўзсиз-несиз чўк тушганча уни елкасидан қучиб, суюнчиғига пешонасини босди... Қорни оча бошлаганига қарамай уйқуси келаётгани учун ётишга тутинди: ечинди, одатдагидек оромкурсини ёстиғига қовуштиргудек суриб келди-да, кўрпага бурканди... У ётоқхонага келганидан буён биринчи бор ўхлаш олдидан қўлини оромкурсининг елкасига ташламай ётиши эди — оромкурси юз-кўзи билан ўраниб ётган Кўкламалига маънос ва аламли бир назар билан тикилди...

Кўклам эрталаб апил-тапил кийиниб, Назиров домла ҳузурига етиб боргунига қадар ҳеч нарсани ўйламади — кейинги кунларда ҳаётида юз берган ажабтовур ўзгаришларнинг ҳузур-ҳаловатини ҳам, илмий ишлари юришиб кетишини ҳам, Аяникига бормай қўйганию Назировнинг мактубларини ҳам — ҳеч нарсани ўйламасликка уринди. Унинг феълида худди ҳаётда эришмаган орзуси қолмаган, гўё бир умр оқбилак киборлар муҳитида улғайган одамларда учрайдиган намоишкорона такаббурлик пайдо бўлаётганди. Уни ҳаётда қарийб ҳеч нарса ажаблантира олмас, зеро, Кўклам Тонготаров учун оромкурсининг васлигина яккаю ягона ҳаётий маслакка айланган, турмушнинг ҳаловати-таровати, эминлигию эркинлиги фақат ва фақат ушбу маслакка дахлдор бўлиб қолганди. Ким билади, ўша куни Назиров домла аввалига чиройи очилиб, кейин қовоғини уюб қарши олмаганида, кесатибми-бошқа қилибми, «Кўкламалижон» деганида эркаловчи қўшимча Кўкламга оғир ботмаганида, тўрт кунни беҳуда ҳавога совургани, қайта-қайта чопар жўнатганида ҳам, хат ёзганида ҳам ёзиллаб етиб келмагани учун Кўкламни ношудликда айбламаганида, ҳаммаси ҳам майли-я, «Оилалилар ётоқхонасидаги ҳар кунингиз фанимат, хотинингиз йўқлиги учун ҳар дақиқада кавушингизни тўғрилаб қўя қолишади, у хонанинг иштиёқмандлари озмунчами, мен бўлмасам», деб миннат қилмага-

нида Кўклам Тонготаров билан оромкурси ораларидаги апоқ-чапоқлик риштаси икки қовушган дилни қандайин саодат водийларига етаклар эди, бу ёғи бизга қоронғи... Ҳарқалай Назиров домланинг сиқуви Кўкламдаги бояги такаббурлик пайдо бўлаётганди. Уни ҳаётда қарийб ҳеч нарса ажаблантира олмас, зеро, Кўклам Тонготаров учун оромкурсининг васлигина яккаю ягона ҳаётий маслакка айланган, турмушнинг ҳаловати-таровати, эминлигию эркинлиги фақат ва фақат ушбу маслакка даҳлдор бўлиб қолганди. Ким билади, ўша куни Назиров домла аввалига чиройи очилиб, кейин қовоғини уюб қарши олмаганида, кесатибми-бошқа қилибми, «Кўкламалижон» деганида эркаловчи қўшимча Кўкламга оғир ботмаганида, тўрт кунни беҳуда ҳавога совургани, қайта-қайта чопар жўнатганида ҳам, хат ёзганида ҳам ғизиллаб етиб келмагани учун Кўкламни ношудликда айбламаганида, ҳаммаси ҳам майли-я, «Оилалилар ётоқхонасидаги ҳар кунингиз ғанимат, хотинингиз йўқлиги учун ҳар дақиқада қавушингизни тўғрилаб қўя қолишади, у хонанинг иштиёқмандалари озмунчами, мен бўлмасам» деб миннат қилмаганида Кўклам Тонготаров билан оромкурси ораларидаги апоқ-чапоқлик риштаси икки қовушган дилни қандайин саодат водийларига етаклар эди, бу ёғи бизга қоронғи... Ҳарқалай Назиров домланинг сиқуви Кўкламдаги бояги такаббурлик туйғусини эмас, унинг ўзини чунонам эздики, азбаройи Кўклам мувозанатни йўқотди... унинг попуғи пасайди...

У югуриб, югургилаб, зипиллаб кетаётганида тўсатдан Назировнинг айтганларини эсладию таққа тўхтади. Нима деди?! «Ётоқхонадан қавушингизни тўғрилаб қўйишади» дедими?.. Яна... «У хонанинг иштиёқмандалари тўлиб-тошиб ётибди» деди... Демак, оромкурсининг сендан бўлак хушторлари ҳам тўлиб-тошиб ётибди, демоқчи. Мен кетсам ё кетказишса хонага Назиров бошқа шогирдини жойлаштиради, барча жиҳозлар... оромкурси ҳам ўшанинг ихтиёрига ўтади... хонанинг янги эгаси — ким бўлмасин — сўқимдек гавдасини оромкурсига ташлаб, ясланиб, ялтоқланиб ўтиради!.. ётади!.. Оромкурси эса момиқ ва оппоқ қоматини шармандаларча кўз-кўз қилиб нозик елкаси, биллакларини ўша сўқимнинг (Кўклам шундан бўлак ортиқ ҳақоратли таъриф тополмаётган эди!) ихтиёрига бериб тураверади!..»

Бу даҳшатли ўй Кўкламнинг миясини ёриб чиққудек ўртаб юборди, йўл-йўлакай бозорчага шўнғиб ўтишни ҳам унутиб ётоқхона томон шамолдек учиб боришни, хонага қуюндек ёпирилиб кириб эшикни қайта очилмайдиган қилиб қулфлашни, қайтиб инсон бетини кўрмасликни, то оч қолиб, то ҳолдан тойиб ўлиб-нетиб кетгунича оромкурсининг оғушида ўтиришни, оёқларини қучоқлаб ҳаётдан кўз юмишни, башарти қазо вақти етса оромкурсига қўшиб тупроққа қўйишларини сўраб васиятнома қолдиришни кўнглига тугди... ҳовлиқиб хонасига кирди, эшикка беҳол суянганча оромкурсига қаради — тахтадек қотдиқолди!.. У не кўз билан кўрсинки, оромкурсининг устида... қорамтир бир шим осилиб ётар, шимнинг икки почаси оромкурсининг тарвақайламан ён суянчиқларини қучиб шармандали бир алфозда полга қадалиб турарди!..

Кўклам бундайин оқибатсизликни кўриб эси оғди. Азбаройи иродасини қўлга ололмаганидан «Отажон!» деб инграниб юборишига оз қолди. Ич-ичидан қайнаб-кўпириб, аъзои баданига қўйилган ёввойи шиддат таъсирида шимни бутидан чангаллаб юлиб олди, оёғининг остига босиб қаттиқ тортиди — шим тарибли почаси иккига айрилди, сўнг уни дуч келган томонга отди... Кўкламнинг қўл-оёғи шалвираб бошини тиззалари орасига солинтирганича чўк тушди... «Энди қандоқ қиламан?.. Ким деган одам бўлдим?.. Ким мени бу савдоларга гирифтор этди?.. Қачон?.. Қачон қутиламан булардан, бундан?.. Наҳотки тузалмасам?.. Касаллик, хасталикнинг давоси топилар, ахир?.. Ахир бутун умрим телба-тескари бўлиб кетмагандир, мен шўрликнинг?... Шўрлик бўлиб қолдимми, дада?.. Одамлар қатори ўйнаб-кулиб юриш, яшаш шунчалик қийинми?! Наҳотки, «Бас» деб мана шу бачкана қизиқишларимдан воз кечолмасам?! «Бас!» дейману қутиламан... Қутиламан!.. Халос бўламан!.. Хонаси керакмас! Каравотиям, устол-устуллариям бошида қолсин!.. Оромкурсини топганинг отасига лаънат!.. Ҳазор лаънат!.. Берадиган оромларига қўшиб лаънат!.. Ороммиш-а, ороммиш!..»

Кўклам ингради, баданига майда-майда нарсалар тошаётганини яққол сезди, димоғига қўланса ис урди... Кўнгилисиз ҳодиса юз берадигандек юраги ғашланди, бунинг боисини англашга тиришди — уриниши самара бермади —

бехосдан қаттиқ босинқиради: аввал ғўлдираб, сўнг чўчиб, сапчиб ўрнидан турмоққа чоғланди — қимирлай олмади. Нафас олиши қийинлашганини, қўллари тобора мадорсизланиб устидаги кўрпани очиб ташлашга ҳам чоғи келмаётганини пайқади — капалаги учиб кетди!.. Минг машаққатлар билан ёнбошига ўгирилмоқчи эди — гавдаси бурилди-ю, бошини силжитолмади, шундагина у қандайдир нозик, лекин кучли қўллар ҳиқилдоғидан босиб-бўғаётганини сезди! Силтанди, типирчилади, узун, ориқ бўйинни қотилнинг чангалидан бўшатолмади — жони кўзига кўринди! Миясига, «Наҳотки, шу қадар бемаъниларча ўлим топаман!» деган ўй келдию жонҳолатда «Ҳой» деган эди овози чиқмади, яна уринди — овози бўғиқ эшитилди, «Ким?!. Ким борр?!» деганча бўғзидан қўлларни айирди, бир силтовда бошини болишдан узгани ҳамон оромкурси бир газ орқага сурилиб бордию тарақлаб тек туриб қолди. Кўклам аниқ кўрди — оромкурси чайқалиб ағдарилиб тушаёзди, аниқ эшитди — оромкурси ён-верига эмас, балки юқорига — оқшом Кўклам юлқиб олиб итқитган — хона тўридаги девор пойида уйкалак бўлиб ётган шим томон сурилган эди!..

Кўклам каравотдан туриб бўйинини, гарданини силади, кўрққанидан қийналиб нафас олаётгани учун осма айвон эшигини очди ва:

— Шунақами, ҳали! Ниятинг бузуқмиди?!— дея наъра тортди.— Ҳайқириғи йиғламсироқдек туулди ўзига — югуриб бориб шимни олди-да, қорбўрон ўйнаётгандек жаҳл билан думалоқлаб кучи борича осма айвон эшигидан кўчага отди! Дарғазаб бўлиб, оғзи кўпириб ўдағайлади:— Кино бир томоша, унда айб йўқ!— Шундай деди-ю, назарида «айб отамда» дегандек бўлди. Шошиб гапни айлантирди:— Отамда ҳам эмас гуноҳ! Ҳаммаси сенинг касофатинг! Сенга йўлиқдимю бошим ғалвадан чиқмади!.. Зотинг пастилигини билардим-у, тагин ишонгандим: ёнингдан бир қадам жилмай дедим — домладан балога қолдим, жони-жаҳонимни бахшида этишга тайёр эдим — оқибатсизлик қилдинг — мендан кўра хоин шимни афзал кўрдинг!.. Биламан, бошқа биронта сўқим келса ҳам индамай ялпайиб ўтираверасан, кифтингни тутиб! Риёкор! Э, оромкурси бўлмай ҳар нарса бўл!

Кўклам ортиқ ҳақоратли сўз тополмай жим бўлди. У Назиров домланинг



хузурига кириб борганида, домласи қовоқ уюб, дам шогирдининг ранг-рўйи, дам уст-бошини ажабсиниб кузатаётганини сезганда ҳам шу кайфиятда эди. Назиров домла кўзларини лўқ қилиб шогирдини узоқ кузатди-да, ниҳоят оғир «уф» тортиб бехосдан гапга тушди:

— Ҳар йигитга омад кулиб боқади, Кўкламали... Аввал бундайроқ омад келади, одам унга кўникади, сўнг каттароғи насиб этади... Баногоҳ тушган омаддан унча-бунча одамнинг бели майишиб кетади...— Домла ўйга толди. Кўклам гапнинг нишаби қаёққа оғаётганини фаҳмлаганди. Назиров давом этди:— Дуппа-дуруст, эс-ҳушини таниган кишилар, масалан, арзимаган мансабни эгаллайди-да, кўз очиб кўрган курсисига қапишиб олади. Қапишиб олдим, вазифаси, бурчи бир ёқда қолиб мансабидан айрилмасликни кўзлайди. Курсининг этагини кўзига суртадиган одам ҳеч қандай пасткашликдан қайтмайди...

Кўклам «домла оромкурсидан хабардор экан-да», деган хаёлда тамоман бўшаша бошлаганди, Назировнинг мансаб курсисидан сўз очгани мутлақо тасодиф эканини сезди. Назиров домла туйқус бош кўтарди-да, ўгитлари шогирдининг энсасини қотираётганини пайқади ва нечун бу даққи одобномани чўзиб ўтирганига ўзи ҳам ажабланиб, мақсадга кўчди:

— Хуллас, буларга ўзингизнинг ақлингиз етади, Кўкламали, фақат ёшлик қилиб қўйманг деб қўрқаман, ука... Раҳматли Жанобали ака...

«Жанобали акангизни тинч қўйинг!» деб юборишдан базўр тилини тийди Кўклам. Мияси шишиб кетди. «Чидамайман, зиғирча чидамайман. Оромкурсининг оёқларига бош уриб айланиб-ўргиламан, қишлоққа бормаيمان, уйланмайман... илмий ишига — инкорни инкорига ҳам тупурдим!» Кўклам оғзидан чиқаётган сўзларни ўзи эшитмаётган эди, устма-уст хитобдан толиқиб бир зум тин олди-да, ҳозиргина аҳд қилаётган ниятларига тамомила зид қарорга кела бошлади: «Ёшлик қиламанми-йўқми ўзим биламан. Оромкурсига банди бўлмайман. Ётоқхона интизомига ҳам, «Интизом»чиларига ҳам тупураман!.. Ҳа, мен ундай одам эмасман — мен Жанобали Тонготаров эмасман, у кишимнинг ўғлиман, холос. Ўғлиман, ўғли!.. Отам учун жавоб бермайман!.. Мен курсининг оромларидан воз кечаман... баҳридан ўта... оромкурсининг аҳволи нима кечади?.. Узим қандоқ қиламан? Узим...» У тўрт-беш кун асносида танасининг табиий аъзосидек бўлиб қолган оромкурсининг баҳридан ўтиш у ёқда турсини, ундан айрилишни ақлига сиғдиролмади, бинобарин, кўчада ортиқ санғимаёй ётоқхонага ошиқди.

— Ҳамманинг оғзида сен билан менинг ғийбатим,— деб дағдаға билан сўкиб кирди эшикдан.— Нима эмиш — мансаб курсиси не-не одамларни йўлдан оздирган эмиш!.. Сенга ўхшаш курсиларга ҳаддан ортиқ меҳр-муҳаббатнинг охири вой эмиш!.. Сен мени чалғитаётган эмишсан!.. Домлам насиҳатдан бўшамайди, ёшлик қилиб қўймас эмишмиз!.. Хонани эгаллаб олиб ўзбошимчалик қилаётган эмишман. Вой, тавба-ей!..

Кўклам жомадоннусха портфелини каравотга ирғитди, туфлисини ечди ва не кўз билан кўрсинки, оромкурси хонанинг ўртасида — унга терс ўгирилиб турарди. Кўклам гапдан тўхтаб, шамдек қотиб қолди, кўчадан келганида оромкурси биринчи марта ундан бетини, оромбахш қучоғини терс ўгириб туриши эди. Кўкламнинг кўз ўнгида тунги машмашалар гавдаланди. Уларни унутганига ўзидан ажабланди... Оромкурсининг висолини илмий ишидагина эмас, бутун ёруғ жаҳондан афзалроқ ва азизроқ кўрган тунов кунлари оромкурси билан ораларига совуқчилик тушиши эҳтимолини чандон чирансин — хаёлига сиғдиролмас эди, мана, энди ўйлаб кўрса оромкурсининг дийдори ҳафта ўтмай уни ақлдан оздириб қўёзибди. На кунда, на тунида ҳаловат бор!.. У қишлоқдаги онасининг, опаларининг, бу ёқда домласининг, Аянинг баҳридан ўтсаю оромкурсининг оёқларига бош уриб топинса-ю, иззатини билмаган бу малъун унинг жонига қасд қилса?!

Кўклам анчагача ҳовурдан тушмади, оромкурсини туртиб суртиб аламдан чиқмоқчи эди — қўли бормади, уни энгил-бош илинадиган ишкофнинг биқинига сўриб деворга ўгириб қўйди — шундай қилиб хумордан чиқмоқчи ва ишга шўнғимоқчи эди — дам-бадам хаёли оромкурсига кетаверди, эътибор бермай мук тушиб ёзавераман деса оромкурси «ҳиқ-ҳиқ»лаб йиғлаётганга ўхшади. Кўклам буни кўргани сайин айниқса, оромкурсининг оппоқ елкасидан таралаёт-

ган сеҳрли ва афсункор ёғду ундаги қатъиятни поймол қилиш хавфи туғилаётган эди. Кўкламнинг қайсарлиги тутди — у шартта турди, суюкли оромкурсининг орқасидан бориб унинг икки биқинидан кўтарди-да, осма айвончага чиқариб қўйди.

Сал бўш келса, тамом, ҳаммаси қайтадан бошланади, энди бўш келмайди у. Ўзининг нафсониятини ўйлайди... Кўклам ясама салобат билан устулга оғир чўкди. Шу чоқ эшик жуда оҳиста, хижолатларга тўла ўнғайсизланишлар билан чертилди. У сакраб турди, устулни шовқинсиз суриб оёқ учида эшикка қамти келди — қулоқ солди — ташқарида инсон зоти турганга ўхшамади. Шунда у қулоғини эшикка босгудек яқинлашди, қоғоз-қаламнинг элас-элас қитири-қитири эшитилди. «Ўшалар!» деб юборди Кўклам ичида ва ғойибдан келган бир ғазаб ва қутқу билан ботирланди — эшикни шартта тортди. У елкама-елка саф тортиб турган «Интизом»чиларга қараб улугурмай Хизматчи без бўлиб фармон ўқиди:

— Сиз-оилалилар ётоқхонасининг 913-хонасида истиқомат қилувчи илмий ходим Тонготаров Кўкламали Жанобали ўғли ётоқхона қонунлари мажмуасининг 1037 рақамли модда...

Кўклам тутақди. Хизматчининг совуқ афтига мушт муширгудек важоҳат билан ўқрайди.

— Тинчлик борми бу ерда ё йўқми?!— деди ўшқириб.

Йўлак жаранглаб кетди. Вакил шовқиндан ўнғайсизланди-ю, пинағини бузмади. Хизматчи келган жойидан давом эттирди:

— ...нинг 51-бандида қайд этилган шартни қўпол равишда бузганликда айбланасиз!..

— Мени ким бузган?— сўради фавқулodда босиқлик билан Кўклам хўмрайиб.

Вакил билан Хизматчи муддаони тушунмай елка қисиди.

— Мени ким бузган?— саволни такрорлади Кўклам.

Яна жавоб бўлмади. Кўклам тутақиб кетди, бирдан бақирди:

— Шартни бузган бўлсам, эрталаб хотиржам айтилса бўлмасми?! Тунда ҳаловатни бузиш шартми?! Ёки «йўқолинглар!» деб қувиб солайми? Шунини истаяпсизларми?

Кўкламнинг бояги вазминлиги энди «Интизом»чиларга кўчган эди — улар шунча гапни фавқулodда вазминлик билан, балки бетаъсир тингладилар.

— Оромкурсини балконга чиқариб қўйибсиз!..

Кўклам навбатдаги гуноҳи азимидан хабар топиб баттар қуюшқондан чиқди:

— Мен одамманми?

— Одамсиз!

— Хона менга берилганми?

— Сизга.

— Оромкурси шу хонаникими?

— Шу хонаники.

— Шундай экан, оромкурсини қаерга қўяман, нима қиламан — ихтиёрим эмасми?!

Вакилнинг яноғи учди, Хизматчи жавради:

— Сизнинг ихтиёрингиз «Интизом» назоратида... Хона сизга берилган. Оромкурсида қандай ўтириш-ўтирмаслик ихтиёрингиз. Лекин биз чизган чизиқдан чиққан захотингиз хонадан бадарға этиласиз. Курсига зиғирдек қўполлик қилишга йўл қўймаймиз. Асло!

Кўклам наъра тортиб кулди. Вакил билан тил топишишга қасд қилдими югуриб бориб айвончадан оромкурсини кўтариб эшикка келди:

— Шуми?— деди тишлари орасидан туфук сачратиб.— Шундан воз кечсам қутиламанми?!.. Мана!.. Мана!..

У бақириб, сўкиниб оромкурсини йўлакка чиқариб «Интизом»чиларнинг оёғи остига ташламоқчи бўлар — дам тикка, дам ёнбошлатиб, дам қийшайтириб уринар — оромкурси эшикдан сиғмас эди. Кўклам ҳарсиллади, лекин ғазабдан тушмади. Қандоқ бўлмасин оромкурсидан қутилиш чорасини изларди.— Шунинг баҳридан ўтсам қутиламанми?!.. Мана, олларинг! Мана!..

Вакилнинг яноғи ҳар сафаргидан қаттиқроқ учди, буни кўрган Кўклам

«Хизматчи устимга ташланса керак», деб ўйлади, бироқ, мутлақо кутилмаган ҳодиса юз берди: йўлак адоғида аёл кишининг юракни ўртаб қичқиргани эшитилди. Кўклам «биронтасини лифт қисиб қолди» деган ҳавотирда ёрдамга югурмоқчи эди. Хизматчи билан Вакил ярим одим олдинга юрди — уларнинг қўлидаги ноз-неъмат тўла патнус Кўкламнинг йўлини тўсди. Кўклам бўйнини чўзиб қарамоқчи эди лифт ҳужрасида қиз боланинг «Ким бор? Ёрдам беринглар!» деган аламли ноласи қулоқни тешиб юборгудек эшитилди.

— Қиз боланинг номусига тажовуз қилишингиз яхшимас...

Кўклам Вакилнинг гапига тушунмади, Хизматчи унга илова қилди:

— Хотинбоз, бузуқ, деб ёзамиз — бошқа иложимиз йўқ...

«Интизом»чилар Кўкламни урмадилар, сўкмадилар, унга ортиқ танбеҳ бермадилар ҳам — шундай деб қайтиб кетишди, холос. Кўкламнинг вужудига қалтироқ турди, тун билан қаҳратонда қолган одамдек тишлари такиллади — юрмади, судралди — ярим одим ташладими-йўқми — яланг полга юз тубан кулади...

— Ая, қўйинг, ундай деманг, ая,— деб тавба-тазарруни қуюқ қилди у ижарадаги ҳовлига кириб борган заҳоти кампирнинг чакаги очилганидан чўчиб.— Сизни нега унутай, ая? «Оқибатсиз чиқдинг» дейсиз-а, ишим бошимдан ошиб кетди, бугун келаман-эрта келаман деб ҳафта ўтибди-я, аяжон... Бугун кун бўйи сизни ўйладим, домла кетган заҳоти жуфтакни ростладим. Уйингизни, мошхўрдангизни соғиндим, аяжон!.. Ҳаммасининг баҳридан ўтаман, бу ёғига одам бўламан энди, одам!..

Ая Кўкламнинг сўзамоллигига ҳайрон бўлиб зумда жаҳлдан тушди, ҳарбийдан қайтган неварасини бағрига босаётган бувидек на ўпиб, на суйиб тўйди. «Ҳай, менга қара! Вой, шўри-им, рангинг бир ҳолатда бўб қопти-ю! Нима бўлди, ўзи? Касал-пасалмасмисан?» деб қайта бошдан парвона бўла кетди. «Ҳаҳ, ўқиши бошида қосин-а, шундай болани одамгарчиликдан чиқарадиган бўлса!.. Ҳалиям кеч эмас — кет, онанг айлансин, болам, қишлоғингга жўна» деди кампир қақшаб. Юғриб-юғургилаб исриқ тутатди, чойга зира ўқалаб ичирди, яна алланималар қилди. «Етти ёт бегона. Ая шунчалик куюнса, онам не кўйларга тушаётган экан» деган ўй Кўкламнинг ичини тирнади. Дили орзиқиб етди... ярим тунгача Ая билан эзмаланишиб ўтирди. «Уйлансанг, хотининг бир этак бола туғиб берса, қаторлаштире-еб шўтга опкесанг. Уша кунларга етказсин, ўзи...» — деди Ая энгининг учинчи кўзига босиб.

Эрталаб турганида Кўклам онадан янги туғилгандек энгил эди, ёлғиз қолганида бошқаролмайдиган ўй-хаёллари беш кун асносида топган азобларни унутган эди. Ая пиширган қайноқ ширчойдан бир косасини шимириб, кафтларини тўлдириб-тўлдириб ўқиган дуоларини жон қулоғи билан тинглаб, келиб туришга ваъдаларни қуюқ қилиб хайрлашди. «Худо эс-ҳушингдан бегона қимасин — яхши гўшангаларга куёв этиб ували-жували бўгин». Аянинг дуоси Кўкламга нашъа қилди, дам-бадам уни ўзича такрорлади... Уйланади, ўғил-қизли бўлади, ўғли улғаяди, яхши одам бўлади... Ўзига ўхшаб олимликни танлайди ёки... бобосига ўхшаб бирон бообрў курсини эгаллайди. Ахир бобосидан менга, мандан унга ўтадиган қонимиз бир-да!.. — Кўклам ич-ичидан ўйғонган тушунуксиз ваҳмдан илқис чўчиб тушди, азбаройи баданидан совуқ тер чиқиб кетди, шоша-пиша хаёлларини қувиб солишга тутинди — шайтонга хай бериб ўзини тинчлантиришга уринди-ю, «касаллик боламга ўтсачи!» деган малъун савол миясига тигдек суқилди. Зудлик билан ўзини чалғитди — «Бунга йўл қўймайман!» деди комил ишонч билан, ишончи далдасида Аяникидан чиққандаги кайфиятини тиклади — энгил тортди — кун бўйи берилиб, астойдил ишлади, бир неча дафъа хаёлига тирғалган «Интизом»чиларга, боя йўлда туғилган малъун саволга чап берди — «шу ўй каммиди!» деб эски-янги телбавори хаёлларини қўшиб ҳайдади. Домла Назиров у билан бугун ҳар қачонгидан очилиб суҳбатлашди, кулишди, хайрлашаётиб, «бу бошқа гап, Кўкламали» деди мамнуният билан. Домла не боисдан бундай деди — Кўкламга қоронғи эди, лекин у бу ёғини ортиқ ўйлаб ўтирмади — шу дақиқаларда у ҳ а м м а укубатлардан қутилиш чорасини топгандек эди... «Бўш келадиган аҳмоқ йўқ! — деди у ижирғаниб.— Ўғлим касал бўлмайди, йўқ, ўғлимга касал юқтирадиган анойи эмасман. Унақанги пасткаш ҳайвон эмасман мен!.. Туғилмаган ўғлимнинг ташвишини тортмаслик учун ўзим даволанишим керак, ўзим!.. Ўзим даволан-



сам бас, олам гулистон! Қандай бўлмасин, касаллик кейинги авлодга ўтмаслиги шарт!.. Давосини топаман, чорасиз иш йўқ бу дунёда. Ҳаммаси ўзимга боғлиқ, ёлғиз ўзимга!..» Оқшом дорилфунун дарвозасидан чиқаётиб соқол қўйган, араббашара йигитга дуч келди.

— Зиё авлиёдан саломлар!— деб уни тўхтатди «соқол».

Кўклам дабдурустан нима дейишини билмади. «Менда нима юмушингиз бор?» дегандек «соқол»нинг афт-ангорига анграйди ва... шўх ва қув, ўиноқи тим қора кўзларга қараб қолди-да, тўсатдан, «Э... э, Зиёмисан?!» деб шарақлаб кулиб юборди.

— Утакани ёрдинг-ку, Зиё, бу ерда нима қилиб юрибсан?— сўради Кўклам ҳамқишлоғи, ўзидан қуйи синфда ўқиган мактабдоши, қишлоқда «авлиё» лақаби билан танилган Зиёдан.

— Шетта ўқийман-ку, билмайсизми?— деди Зиё тиржайиб.— Қишлоқдан хат бор. Ушани опкелётувдим.

— Қандай хат, тинчликми?— шошиб сўради Кўклам. Хаёлидан худди қишлоқда хунук ҳодиса юз бергану Зиё боядан бери унинг этини ўлдириш учун майнабозчилик қилаётгандек туюлди.— Қани, хат? Кўрсат!

— Э-э, билмадим, йўлда йўқотдим шекилли. Киссадан тушиб қобди,— деди Зиё эснаб.— Чамаси, энангиз сизди уйламоқчи. Эртагаёқ етиб бормангиз, ўзлари келиб обкетар эмиш.


— Ким айтди? Хатни сенга ким берди?— ҳамон ишонқирамай сўради Кўклам. Назарида онаси эртага келиб обкетадию индин уйлантириб қўядигандек юраги орқасига тортиб кетди.

— Э, мана, манави киссанинг тешигига қисилиб қолган экан,— деди Зиё илжайиб. У букилиб, эзғиланган хатни узататуриб товушини сирли оҳанг билан бежаб Кўкламга шипшиди.— Қишлоққа каттакон одам бўлиб борсангиз би-ир гижбадабанг тўй бўларди-да, ака!

Кўклам жавоб бермади, пича эзмаланишдию хаёли паришон хайрлашди, ичи ҳувиллаб ўзини оёқлари ихтиёрига топширди, шуурини бояги дайидево на хаёллар буткул забт эта бошлади... Гижбадабанг тўй икки кунда ўтади — уйланади, келин билан тил топишиб тотув яшайди, рўзғор ташвишларига чалғиб манави савдойи хаёлларни унутади, вақт-соати етиб худо фарзанд ато этса — о-о! Кўклам ўлгудай болажон — ана ўшанда ундан кўра бахтиёрроқ одам бўлмайди дунёда — «уйлантираман» деб хат битган, ҳоли-жонига қўймаган онажонини кафтида кўтариб юради жажжи неварасини қўшиб... Ўғилдирикиздир, фарзанди улғаяди, ўқийди, илмли, эл-юртнинг назарига тушган катта одам бўлади, ўғли кам деганда вилоятнинг бообрў...— Кўкламнинг боши чайқалиб кетди, кўз олди хиралашди, тиниқлашди, «Бообрўликнинг уйи куйсин, оромкурсининг уйи куйсин! Менинг ўғлим қандай одам бўлади?!» деб хитоб қилиб юборди... «Отамдан менга мерос қон унғаям ўтади-ку?! Ўғлим қай аҳволга тушади?.. Менга ўхшаб, ҳойнаҳой мендан бешбатмас... Амалдор бўлмаса-чи!.. Ўқиса, билим олса-ю, амални, мартабани кўзламаса?.. «Интизом»чилар назарига тушмаса?.. Манавинақа ётоқхоналарга қадам босмаса... эҳтимол, Жанобали Тонготаровда айб йўқдир, шўрлик отаси ҳам Кўкламга ўхшаб ич-этини еб адо бўлгандир? Амал курсисига ўтиргану ундан қутилолмаган, ўз билгича иш тутиб амалидан воз кечай деса «Интизом»чилар таъқибидан қутилмаган — икки ўт орасида қолиб, дардини бировга очолмай пировардида юраги дош бермаган... Катта вилоятнинг обрўли зотларидан бўлса-ю, ҳар қадами «Интизом»чилар назоратида турса, оромкурсисидан ўз ҳолича фойдалана олмаса... курсининг ороми қоладими?! Кўклам хаёллар оқимига қўшилиб юрди-юрди, ётоқхонага етди, ичкари кираверишда атайин шошилмай калитни олди, қоровул мўйсафид билан қуюқ саломлашди, ҳатто қўл олиб кўришди, мўйсафид бундан таажжубланса-да, «ҳозир елдек кириб кетади» деб кутганди, йўқ, Кўклам салом-алиқдан сўнг ҳам ошиқмади. Мўйсафид атрофда ҳеч зоғ йўқлигидан фойдаланиб, насиҳатгўйлиги тутди — «Олим болам» деб минғирлай бошлади. Кўклам отахоннинг нуроний чеҳрасига ўлик назарини солиб турди-да, индамай-нетмай эшиги очилган лифтга кирди, тўққизинчи қаватга кўтарилгунга қадар Зиёдан олган хатни ўқимоққа тутинди — хат анча узун эканини, у «Ўғлим!» деб бошланганини кўрди-да, кафтига сиқимлади. Вақти келади, у ҳам вояга етган ўғлини рўбарўсига ўтказиб, «Ўғлим!» деб

насихат бошлайди, «Жон, ўғлим!» дейди, «Кўзингни оч, эс-ҳушингни йиғгин, отам», дейди, кўп ва узоқ гапирди: «Намунча одамови бўлмасанг, рангингни қара, одамларга қўшилгин, ўйна-кул, нималарни ўйлаб сиқилиясан? Шаҳарга жўнатай, ўқишга кирасан — чалғийсан, болам... Уқишши битириб қайтсанг, ке, қўй, бундайроқ жойда ишлайверасан, менга мартабанг эмас, соғлигинг керак... уйлантирай, неvara кўрай...» Уғли бошини кўтариб унинг кўзига тик чекаётганини сезган Кўкламнинг ичи тилка-тилка бўлай дейди, азобларга тўла кечинмаларидан ўзи ҳам оғиз очолмайди, ўғли ҳам... «Чурқ» этмай ўтирган ўғлининг кўзларида «Ҳаммаси ўзингиздан, ота. Ўзингиздан ўтган», деган маломатни уқади. У-ў-ўхх!.. Бундай маломатни кўтара олмайди, Кўклам, йў-ўқ, сира-сира, иложи йўқ!.. Кўклам хонага кирган замони туфлисини ечиб, оёғига шиппагини илди. Қўли, оёғи қалтираётганини сезди. «Уғлим!..» деб онаизорининг номасини ўқийша тутинди.— Отанг раҳматли сени — ёлғиз суянган тоғимни... болажоним!.. Кўклам тишларини ғижирлатиб хатни ғижимлади... манглайидан, гарданидан дувиллаб тер қуя бошлади... Онажон! Дада! Ҳаммасидан воз кечаман... ҳушимни йиғаман... ҳеч нарса керакмас, менга!.. Ороми ҳам, обрўси ҳам!.. Тупураман, онажон, ҳаммасига! Касалимни даволатаман, соғаяман, онажон!.. Мана, ҳозир бир ёқлик қиламану тўппа-тўғри табибга бораман, дори-дармонлар оламан... «Эмига тушсин» деб дуо қилинг онажон... Дуоларингиз ижобат бўлсин, муолажа эмига олсин... Айтганингиз келсин, онажон... мана, қаранг, қараб туриб, бир зумда ҳал қиламан, бугун дори-дармон олиб эрта субҳидам кучоғингизга етиб бораман...

Кўклам бамайлихотирлик билан устол устида аралаш-қуралаш сочилиб ётган китоб-дафтарларни тахлади, латта олиб устол-устулни, устолчиروқни артди, дераза токчасини тозалади, каравот суянчиғини артди, сўнг кўз кўзга тушишидан ҳайиқиб юзини тескари буриб туриб оромкурсининг елкасини, ён суянчиқларини эринмай обдон артди, хўрлиги келди... латта қўлидан тушиб алла-паллагача оромкурсининг оппоқ, момик билагини силаб-сийпалади, силади-сийпалади, эркалади — кўзлари юмилиб узоқ тин олди, сўнг йиртқич бир талвасада оромкурсини даст кўтарди, кўтариб бориб оёқ учида осма айвон эшигини авайлаб очди, ташқарига чиқди, чиқди-ю, шу чоқ эшик қаттиқ ва асабий тақиллади — Кўклам бир зум тўхтади, боши узра азот кўтарган оромкурсини оёғининг остига оҳиста қўйди, ҳолсизланиб унга ачиниб тирмулди, оромкурсининг устига чиқди-да, айвончанинг темир панжараси устидан ошиб ўтиб, ўзини пастга ташлади...



(Достонга чизгилар)

О башар, ҳақ сўздир тарихнинг сўзи —  
Бир одам титратди жаҳонни ўзи.

Туркистон қавмидан бир ўғлондир у,  
Юришлар, қасирға узра тикди тув.

Ҳоқонлар, подшоҳлар титрайди — ожиз;  
«— Жаҳон — бир, подшоҳ — мен, мен ўзим ёлғиз!»

Тож-тахтлар емрилди, жаҳон чўкар тиз,  
Йўлларида қолмас шаҳарлардан из.

Қиличидан минглаб тўкиларди бош,  
Карвон-карвон олтин, орда — қон, кўз ёш...

Самарқандки, жаннат, туташ боғ-бўстон,  
Мустаҳкам саройлар, энг гўзал осмон.

Арабдан бошланиб ҳиндуга қадар,  
Хунармандлар бунда ўйганлар мармар.

Тошлар тарашлаган ва қуйганлар ғишт,  
Яратганлар «Боғи шамол» ва «Биҳишт».

«— Ҳттуз оғоч келур боғ-роғларим бор!» —  
Мақтанса-да Темур, дунё унга тор!

Ҳашаматли уйлар, сўлим гўшалар,  
Салобатли масжид ва мадрасалар... —

Денгизнинг, ҳавонинг рангида ёнар,  
Асрлар кечса-да, ўчмас бу ранглар.

Тун ва кун қорилар ўқирлар қуръон —  
Темур хоҳиши бу, узилмас бир он.

Шаҳрисабздан у чиққан саркарда,  
Қудрати қуёшга солади парда.

Расталари рат-рат — Темур ижоди,  
Уй ёлғиз ҳарб эмас, зар ва тижори.

Шоҳилар, ипаклар, маржон, марварид,  
Кашмирий шолларга мунтазир харид.

Мана, имом борур — кеккайган калла,  
Банорас тўн ерда, саватдай салла.

Беклар бири отда, бири пиёда,  
Ўтарлар бозордан, ғурур зиёда.

Отларда жавоҳир терилган жабдук,  
Савлатлар баланд-ку, кўнгуллар қурук.

Бекзода, шаҳзода растада сероб,  
Саҳардан туядай шимирар шароб.

Қолишмас баъзи бир хонимлар, пинҳон —  
Қимизми, шарбатми — кайфи зўр чандон.

Ямоқдўз чоллар бор, тўнлари ямоқ,  
Қиш-ёз машаққатда, ташвиши томоқ.

Косиблар, бўзчилар аҳволи хароб,  
Бойларга оқади мой, эт ва шароб.

Майдонда дарбозлар... Халқ тўла, ғуж-ғуж,  
Ўйинлар фалакда гўё кўз боғич.

Кўз боғлар Хитой ҳам — усто ва маккор,  
Тонг қотганлар қилур ҳайратин изҳор.

Қирларда йилқилар Темурга қарар,  
Дулдулдай чопқирлар — жийрон, оқчибар.

Кенг бедазор бўйлаб кўркам таралган  
Биялар қимизга махсус бойланган.

Нақшкор масжидлар ва мадрасалар  
Осмонга тақалган, тўшалган мрамар.

Мударрислар сероб, ҳар миқёсда бор,  
Бири — машҳур олим, бири — нодон, хор;

Афлотун, Арасту эзиб ичилган,  
Алжабр, ҳандаса минг қат бичилган;

Хурофий ботқоққа шўнғиган бири,  
Бирига очилмиш коинот сири.

Толиби илмлар йиртиқ кавшда,  
Малла ёқа, бўз тўн, дарди ўқишда.

Афсус, курсоғи ҳам, ҳамёни ҳам пуч,  
Аммо ёрқин фикр кўнгулларда ғуж.

Бекзода шогирдлар тулпорлар минган,  
Сувсардан телпаклар, тўнлари чакман.

Тўрва соқол, сабза муртлар — бари бор,  
Давралар тиғиз-ку, ҳужралар ҳам тор.

Қуръон тиловати, фан-музокара,  
Галма-гал боради машқ, мушоира,

Фалсафадан бошлар «жанг» талабалар,  
Ечилмас, чигалдир баҳс-калавалар.

Тиззаларда араб, форс битма китоб,  
Бир зум тинмас жанжал, дўк, ҳазил, хитоб...

Темур мадрасага келурди боз-боз,  
Илмни, динни у қилурди эъзоз.

\* \* \*

Саройда кенг хона... Хаёлда Темур...  
Фикрлар қуюни айланур, учур.

Манглай кенг, каттадир унда ўйхона,  
Коинотни қамрар ҳар кун бир ғоя.

Унинг кўрки деса бўлур соқолин,  
Қомати нақ чинор, кенгдир ёғирин.

Сувсар телпагида ёнади гавҳар,  
Зарриндир кийими, белида ханжар,

Ўтирар сукутда, қайнайди фикр,  
Мана, эшик оға товушсиз кирур.

Минг дафъа букилиб сўрар ижозат,  
Темур бош тебратиб, қилур ишорат.

Таъзимда вазирлар, беклар саждада,  
Қоида билан жой олурлар аста...

Бир оғиздан: « — Ҳазрат, тўйлар муборак!  
Оллоҳ — бир, ҳоқон — бир, бизда шу тилак!»

« — Қуллуқ, тақсирлар! » — дер Темур илтифот  
Билан, аммо хаёл кучар коинот.

У ўйланиб, сўнг дер: « — Куз келмиш яхши,  
Қуёш тантанаси — худо хоҳиши.

Сўзлай, саркардалар, тутингиз пинҳон!..»  
« — Қуллуқ, ҳазрат, — дерлар — тинглаймиз бажон!»

Бир оз сукутдан сўнг сўзлайди Темур:  
« — Шарқда биров қолди — золим ва хунхўр, —

Маълумдир сизга у...» « — Биламиз, ҳазрат!  
Биламиз: дев қўлли, курашда бақват.

Сизга келолмас тенг, қайишар бели,  
Қақшатурмиз уни, биз — Турон эли!»

Кўз югуртиб: « — Балли, — дер Темур мағрур, —  
Золимдир Чин-Мочин ҳоқони — манфур.

Албатта, енгурмиз, имоним комил,  
Оллоҳнинг амри бу, лашкарим қобил!..»

Денгиздан кўпирар, сўзлари кескин,  
Қўллар ҳаракатда, фикрлар тошқин.

« — Чин юрти узра биз бошлаймиз зўр жанг,  
Қиличларни асло бостирмаймиз занг.

Ҳоқони — бир махлуқ, бемаъни ғурур,  
Жазоси қилчимда, оллоҳга шукур.

Отлар жангда пишган: ҳиндларни қирдик,  
Тўхтамишхон қочди — ўрмонга қувдик.

Олмос ўткирлиги — қилчимиз шони,  
Жилвасидан титрар ҳар юртнинг хони.

Ўлкамиз Туркистон — толедир баланд,  
Онатўли шоҳин қилмадик писанд.

Ёдимда Елдириб — ўтириб филда —  
Қиличлашмоқчийди; ах, ботир тилда.

Қалтираб тиз чўкди — бўлди асирим,  
Кўмсайман шу онни, сўзлаймен сирым.

Бир куни тупроққа кирурмен, аммо  
Оқсоқ Темурники мангу ер-само!

Момақалдироқлар — менинг овозим,  
Чақмоқларда ҳамон кўрурсиз изим.

Зилзилаларда ҳам юрур қудратим,  
Қайғурманг дафн этиб, мени, элатим!..»

Темур ғазабда гўё бир вулқон,  
Кўзларида оташ, қайнар унда қон.

Шу он кескин буйруқ аскар бошига:  
«— Ҳозирлаб келтиринг вазир қошига —

Пўлатдан аслаҳа, ўзим кўрармен!»  
«Ҳазратим, қуллуқ! — дер. — Тайёр қилурмен.

Энг моҳир усталар хизматимизда,  
Дўзах ағдарурмиз душманимизга!»

«— Аскарлар — қаҳрамон, сизга офарин,  
Отлар тақаси ҳам бўлажак заррин.

Бўлғай сизга равшан орзу ва мўлжал,  
Ёвларга — харобат, бизга — зўр ўлжа!

Чин юрти бош-оёқ бари бўлғай забт,  
Ясаймиз култепа, парчаланур тахт!»

Барлослар ўлтирмиш: сувсар телпақлар,  
Шоҳи салла, зарбоп тўнларда беклар.

Қаторда — Оқбўғи Баҳодир Тобон,  
Жаҳонгир барлос-у Муҳаммад Қозғон.

---

Ойбекнинг билим уфқи кенг ва теран бўлган. Адиб асарларини варақлар эканмиш, унинг Маҳмуд Торобий раҳнамолигида мўғул зулмига қарши кўзғолон бўлиб ўтган XII асрдан то XX асрга қадар кечган ўзбек халқи тарихини мукамал билгани ва ўз асарларида акс эттирганини кўрамиз.

Аммо, шу билан бирга, унинг нигоҳи, улкан тарихий масофага чўзилган ўзбек халқи тарихининг темурийлар даври билан боғлиқ воқеаларини кўпроқ қамраб олишга қаратилди. Навоий сиймоси эса қонли ва қоронғи воқеаларга бой тарихимиз қаъридан бамисоли бир қуёш бўлиб унга нур сочди, унинг меҳр-муҳаббатини қозонди.

Ойбек Алишер Навоий исмли буюк уммонни ташкил этган дарё ва жилғаларни темурийлар даврининг ҳаётбахш заминидан ахтарди. Аммо Ойбек яшаган давр унинг ғоявий ниятларини, хусусан, Амир Темур ва темурзодалар билан боғлиқ мақсадларини реаллаштиришга мутлақо имкон бермади.

Ойбек умрининг сўнги йилларида Заҳириддин Муҳаммад Бобур тўғрисидаги достонининг айрим лавҳаларини ёзар экан, унинг хаёлида нафақат Бобур, балки у яшаган тарихий муҳит ҳам тобора жонланиб, темурийлар салтанатининг ранг-баранг манзаралари унинг кўз олдига келди. Шу тарзда, у, айни бир вақтда ҳам Амир Темур, ҳам Бобурга бағишланган икки достон устида иш олиб борди. Аммо у, бир томондан, хасталиги туфайли, иккинчи томондан, «Алишернинг болалиги» қиссаси ҳамда «Гули ва Навоий» достони билан банд бўлгани сабабли бу икки асар устидаги ишни орқароққа сурди. Адиб архивидаги ҳужжатларга қараганда, у 1968 йил-

Сайфиддин барлос-чи, қиёфа — кўчқор,  
Жангда гўё қуюн — Музаффар Учқор.

Гапларда қоида, мавқе риюя,  
«— Ҳазрат, не десангиз — муқаддас ғоя!»

Дер Жаҳонгир барлос — барлослар пири,  
Кексадир, жанг кўрган, машҳур жанг шери.

«— Хитойлар кучликми, биз ундан кучлик?  
Ҳоқонлар кўп, аммо умри уч кунлик.

Ҳозирлик зимдан денг, йўқса иш чигал,  
Тилсизлар йўллансин ёв томон жадал».

Темур кулар, қўлда Хитой мактуби:  
«— Буни иблис ёзмиш, арзимас дўқи.

Оламда машҳурдир қўлим, кудратим,  
Йўлбарс барлосларим аскар-шухратим!»

Номани бурдалаб, қаҳқаҳа отар,  
Беклар ва барлослар кулар, думалар.

«— Ер-курра қўлимда, сиқсам ушалур,  
Истасам йўлимда хонлар тўшалур!»

Мана бор Иброҳим ва Ҳамза барлос,  
Товланар тўнлари — кумуш банорас.

Ёшлари элликда, бақват, кенг яғрин,  
Касб этганлар ғурур, тилиб ёв бағрин.

Ҳамзанинг ярқирар ханжар белида,  
Иброҳимда қилич зар нақш қинида.

Салмоқлаб сўзлайди таъзимда Ҳамза:  
«— Успиринлар кўпдир, мўйлови сабза.

Даркордир тарбия, машқ қиличбозлик,  
Уғлонлар бўлмасин қизлардек нозик.

Арабларни кўрдик, қилсуяк, пачоқ,  
Майдонда биз ҳоким, ёв доим қочоқ».

Иброҳим барлос ҳам уни тасдиқлар,  
Янграйди дуолар такрор ва такрор.

---

да «Алишернинг болалиги» қиссаси билан бирга «Бобур» достонини ҳам тугатмоқчи бўлган. Бу икки асардан сўнгги ниятлари эса Бухоронинг 1910—1920 йиллар даври ҳақида бир романи ёзиш ҳамда Амир Темур ҳақидаги достонини тугатиш эди. Афсуски, ўша йилнинг 1 июлида унинг эшигини қоқиб келган ўлим бу ижодий режаларни пайҳон қилиб ташлади.

Ҳурматли муштарийлар эътиборига ҳавола қилинган «Темур» достонига чизгилар адибнинг турли кайфияти ва ҳолати талаби билан ёзилган айрим лавҳаларни ўз ичига олади. 60-йилларда ҳам Темур тўғрисида асар ёзиш расмий адабий сиёсатга зид бўлгани сабабли Ойбек ўз одатига қарши ўлароқ янги достоннинг тархини пишитиб олмаган. Шунинг учун ҳам унинг қандай воқеалар тасвиридан иборат бўлиши, унда Амир Темур образининг қайси қирралари акс этиши мумкинлигини айтиш қийин. Достоннинг мавжуд лавҳалари Ойбекнинг Амир Темур сиймоси ички зиддиятдан — улуғлик ва қонхўрлик, кудрат ва келгуси муқаррар парокандаликдан иборат эканига урғу бермоқчи бўлганини кўрсатади. Чамаси, адиб Амир Темур неваралари орасида ўзига, ўзининг руҳий ва маънавий оламига яқин бўлган икки зот — Улуғбек ва Халил Султон образлари орқали, бир томондан, улуғ амирнинг ички зиддиятларини янада кучайтирмоқчи, иккинчи томондан, уларнинг, шунингдек Навоийнинг ҳам, Амир Темурсиз майдонга келмасликларини, кейинчалик улар фаолиятида ярқираган ижобий нуқталар Амир Темур сиймосида ҳам мавжуд бўлганини кўрсатмоқни ният қилган.

Наим ҚАРИМОВ,  
филология фанлари номзоди.

« — Жосуслар сероб, бу — махфий маслаҳат,  
Зилзила солурмиз келганда фурсат.

Жаноблар, дунёда ёлғиз бир ҳоқон,  
Гар лозим — дарёлар тўлиб оқар қон!»

Кулар Темур мамнун, кўзда табассум,  
« — Султониядаги Қорабоғ сўлим...» —

Уйлайди Улуғбек, хотираларин —  
Кўз ўнгида ўтмиш саҳифалари.

\* \* \*

...Турарди Улуғбек, босган оёққа,  
Аммо унинг фикри учган узоққа.

Ачаси Сароймулк билан бир замон  
Бобосин жўнатиб Ҳиндистон томон,

Афғондан қайтганин ўйлайди шу тоб,  
Хаёллар илашур, қўлтиқда китоб.

Темур чақиради: « — Келсин мударрис!  
Эшиқда ҳамиша югурдак махсус.

Дақиқа ўтмайди, мударрис ҳозир,  
Тахт олдида таъзим билан эгилур.

Эгнида кўркам тўн, савлати баланд,  
Вазирни, нозирни қилмайди писанд.

Ёши қирқларда, арабча ўкур,  
Форсийча, туркийча маъносин тўкур.

Сўзлар эди Темур турли мавзуда,  
Ҳозиржавоб олим дер тавозеда:

« — Ҳоқоним, суюрмен юлдуз оламин,  
Ўкурмен, турк, форс, араб каломин».

Темур мамнун дейди: « — Билгич экансиз,  
Ўқитинг Мирзони, олим қилинг сиз.

Ўргатинг туркию араб, форсийни,  
Хўб пишсин, кузатинг доим дарсини.

Қалами қиличдай бўлсин кўп ўткир,  
Сизга аён дейман бизнинг бу фикр».

Мударрис қуллукда бошини эгур:  
« — Ҳазрат, Мирзо фикри олмосдан ўткур.

Чақмоқ суръати-ла тафаккур учар,  
Идроки, зеҳни зўр, фалакни кучар...»

.....  
.....

Варақлар китобни. « — Ўқурмисиз дарс?»  
« — Ҳазратим, вазифа бермиш мударрис».

« — Ўғлим, билим асло бўлмайди ортик,  
Мен эса қиличим қилурмен тортиқ!»

Шаҳзода Улуғбек қилади таъзим,  
Темур кучоқлайди: « — Бўл ҳоқон азим!»



« — Саройга марҳамат!» — дейди Улуғбек,  
Темур қўзғаларкан, ортда барча бек.

\* \* \*

...Шафтоли олмалар туташ хиёбон,  
Гуллардан еру кўк бари гулистон.

« — Набира ўғлонлар қилиқларини  
Кўрайлик, олайлик саломларини».

Куёвлар кичиги роса ўн яшар,  
Қилмишидан мамнун, кулгуси тошар.

« — Юринглар, борайлик улуғ Мирзога!»  
Беклар интизордир ҳар бир садога.

Хиёбонлар ўтиб, гул кошонага,  
Кирурлар барчаси катта хонага.

Гуллар, қушлар — бари олтин жавоҳир,  
Таланган бу санъат ҳиндларга доир.

Гўзал бу қасрнинг бўёқлари зар,  
Дарчалар кунгура, тўшалган мармар.

Қайнона Гулшодбегим қаршилар,  
Чуқур таъзим билан қат-қат саломлар.

Ҳоқоннинг кўп суяр келини будур,  
Кимда бор бундаги савлат ва ғурур?!

Келинлар ясанган, ёнар безаклар,  
Қуршаган бегимлар, ёш канизаклар.

Четроқда бир тўда кекса бегимлар,  
Ҳар бири юлдуздай жон олғур қизлар.

Ўртада келинчак, шаффоф зар рўмол,  
Саломга эгилган — новдадай ниҳол.

Темур ҳовуч-ҳовуч олтин тангалар —  
Сочади, думалар ерда янгалар.

Зиғирдай келинчак — Улуғ қаллиғи,  
Пардадан кўринур яноқ яллиғи.

Улуғбек юзидан ўчмас табассум:  
« — Наҳотки ўн ёшда куёв мен ўзим.

Ё раббим, бу, албат, бобомнинг иши,  
Бугун тўй, эрта жанг — нуқул ташвиши!»

Ҳокон жуда хурсанд, дер: « — Улуғбегим!  
Қутлуғ бўлсин қаллиғ Гулоғабегим!

Тахтинг ҳам, бахтинг ҳам мисли Ҳимолай,  
Ишончим зўр, сенда ярқирар манглай!

Забт этгин илм-урфон хазинасини,  
Чизгин фалакиёт харитасини!»

Қизаради тагин Улуғбек шу тоб,  
Қўллари кўксида, қўлтиқда китоб.

« — Энди сен улғайдинг, кирдинг ўн ёшга,  
Юз яша, дуч келма қиличга, тошга.

Бир кўлга қурол ол, бир кўлга қалам,  
Бил руҳим дуогўй, ҳеч тортма алам!»

Барлослар «Омин» деб кўлни кўтарур,  
Барчаси кўлларин юзларга сурур.

Улуғбек қизариб, ерга тикар кўз,  
Аммо дарҳол тайёр унда жавоб сўз:

« — Хон бобом, ҳазратим, минг дафъа қуллук,  
Не айтсангиз — қонун, табаррук буйруқ!

Мударрис йўл очди юлдузлар томон,  
Ақлимни, кўнглимни банд этди осмон.

Фалак сирлари кўп, дунё бепоён,  
Ҳақиқатни излаб чекурмен фиғон...»

Кексалар шивирлар: « — Ё раб, бу жужук  
Шаҳзодалар ичра ақли энг тўлуқ...»

Улуғбекнинг азиз бошига бир кун  
Қилич тушажагин билсайди бугун —

Темур ҳозирданоқ дўзах ясарди,  
Ер куррасин издан отиб ташларди!

Кўллар боғда, бошга қилич келганда,  
Ожизлик алами қалбни тилганда,

Оқсоқ Темур хоки нечук чидади,  
Ҳазаби қабрни ёриб чиқмади?!

\* \* \*

«Вазирлар сўзлашга сўрайлар руҳсат:  
« — Ун кун тўй, тўқдингиз кўп нози-неъмат.

Мисли йўқ доврўғи тутди фалакни,  
Келинлар қочирар ҳури малакни.

Жаҳонда сиз якка, толеъ кўп баланд,  
Элларни, ёвларни қилмайсиз писанд.

Бахтингизга, ҳазрат, ҳеч тушмагай дарз,  
Қутлуғ остонада қуллук бизга фарз!»

Дастурхон тортилди, тотли таомлар,  
Қази, кабоб, норин, ширин ҳалволар...

Темур хуш тотимли гулобдан олур,  
Бир япроқ қазидан тамадди қилур.

Меҳмонлар ошайлар, тўхтатиб сўзни,  
Шимириб устма-уст мойли қимизни.

Узоқда янграйди мусиқий садо —  
Темур буйруғидир, этурлар адо.

Шарбатлар, шароблар нақ сувдай оқди,  
Кўзғаларкан Темур, барча дув қалқди.

Иккинчи келиннинг қасрида ҳоқон,  
Вазирлар, беклар-ла бўлади меҳмон.

Бунда ҳам қаршилар ниҳол келинчак,  
Қамишдай қомаги — нафис бир чечак...

Шу тарик беш келин берур саломлар,  
Гидамлар, гулларга тўлур саройлар.

\* \* \*

...Оқсоқ ҳокон юрар-қовоғи солиқ,  
Беклари орқада, сукутга тўлиқ.

« — Саройларни кездик, бўлдик кўп хурсанд,  
Кўринмади Халил Султон қайда банд?  
Танга сочдик, бўлдик кўп зиёфатда,  
Султон йўқ, қайлиғи гўё зулматда?!»  
Кимдир шивирлайди, дер: « — Олий ҳазрат,  
Чодирда ёлғиздир, ютубдир ҳасрат!»

Темур йўл олади оқ чодир томон,  
Беклар туриб қолди, барчаси ҳайрон.  
Кичкина чодирда... қўлида қалам,  
Утирурди Султон... кўзларида нам.  
Сапчиб қаршилайди у бобосини,  
Салом, тавозе-ла эгиб бошини.  
Шаҳзодалар ичра бу Халил Султон  
Ҳислари энг нозик, завқи нақ осмон.  
Ўн олти ёшида ҳиссиёт — денгиз,  
Шеърят ошиғи, тунлар уйқусиз.  
Сатрлар қуюлур, ранг-ранг қофия,  
Сирғалур қалами, тинмас сония.  
Банд этмишди шу он шеърларнинг сеҳри,  
Қалбида чайқалур ёр ишқи, меҳри.


Темур: « — Дарагинг йўқ, сўзла-чи, қочоқ?!»  
Шаҳзода кўзидан ёш оқар — булоқ:

« — Уринурмен, бобо, ғазалларим ёр,  
Маъшуқамга мактуб ёздим, ишқим зўр.  
Айтай сирим: кўнглим бир фақир қизда,  
Дард кўп, телбадурмен ёрнинг ишқида.  
Севгилим излайман, учар хаёлим,  
Қавжирайди, бобо, билмайсиз, қалбим!  
Фаришта каби қиз, мўмин-муслмон,  
Айби — қашшоқ қизи, эмасдир султон.  
Қуёшдир қалбимда, севаман уни,  
Ишқида ёнурмен, билингиз бунни.  
Мана бу ғазаллар ул ҳақиндадир,  
Хом эса-да, бобо, чин қалбимдандир!..»

Темур айтар: « — Ўғлим, тут қилич-қалқон,  
Пирмуҳаммад Ҳиндни қилмишди талқон.  
Қиличидан ҳатто фил бўлмиш пора,  
Эл олдида бўлмас асло юз қора.  
Султон Муҳаммаддай йўқдир бир жасур,  
Мард ва эпчил жангда, ажаб тиғ сурур.  
Ҳиндда қиличбозлар оз эмас эди,  
Барин кирдик, лашкар қонларда сузди.  
Қани машқ, Отабек қайга кетибди?  
Шеър билан, айт-чи, ким тахтга етибди?  
Бу оламда ёлғиз Оқсоқ Темур бор!»

...Султон тиз чўккан, жим, йиғлайди зор-зор.  
Темур жаҳлдадир — момақалдироқ,  
Бекларни босади хавотир, титроқ.  
« — Тарқалсин барчаси, қақирурмен сўнг!»  
Буюрди вазирга, товуш дағал, тўнг.  
Кутар шокилали катта оқ чодир,  
Туйнугин самога тирашга қодир —

Бу Шаҳрисабздан чиққан саркарда  
Қудрати қуёшга солади парда...



Муҳаммад Али

## Ҷаббардорлар

Тарихий роман <sup>1</sup>

Учинчи қисм

ИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

Жанги Лой

Икки мамлакат — Мовароуннаҳр ҳукмдори билан Жета хони ўртасидаги адоват, низо охир яна тўқнашувга олиб келди.

Илёсхўжа ҳали ҳануз бир нарсани тушунмайди: зукко, косанинг тагидаги ним косани илғай оладиган падари бузрукворидай бир хон наҳотки Темурнинг қандай одам эканлигини англаб етмаган бўлса? Турк амирлари ичида Туғлуқ Темурхонга энг кўп фитна уюштирган, бошқа амирларни Жетага қарши гиж-гижлаган ҳам ўша амир-ку? Энг ашаддий душман, қаттол ёв, захри қотил морни қандай бағрида асраган экан падари бузруквори!.. Ана шундай баттолга Шаҳрисабз амирлиги бир эмас, икки марта топширилса-я! Бу Туғлуқ Темурхоннинг катта хатоси эканлиги шубҳасиздир. У Темурнинг ширин сўзларига, қуюқ ваъдаларига ишонган-да... Мана энди ҳамма ишни лойқалатаётган, ўта қайсар ва қув Темур яна Жетага қарши бош кўтармоқда. Амир Ҳусайн уни ўзининг ўнг қўли қилиб тўғри йўл тутди. Унга суянса бўлади, аммо ишониб бўлармикин?.. Жангда енгиб чиқса, Темурни тутдирадир, отасига қилган хоинликлари учун баттолни дорга осдирадир, ҳа, Илёсхўжанинг биринчи қадами шу бўладир, кейин бошқа юмушларига қўл урадир...

Илёсхўжа қўшини билан Тошкентдан унча олис бўлмаган Чинос атрофларида чодир тикди.

Мовароуннаҳр ҳукмдори Амир Ҳусайнга Жета хонининг ҳар бир ҳужуми, Мовароуннаҳрга бўлган даъвоси бир келгинининг даъвосидай туюларди. Агар Илёсхўжа мамлакатни боз тасарруфига олса, у ҳолда яна писиб қочишлар, музтарликлар, сипоҳ олдида ночорлигу улус қошида хорликлар Амир Ҳусайннинг насибасига айланади. Улусдан келган хирожу ўлпон, бойликлар қўлдан кетади, салтанат ожизликка юз тутди. Эҳ, душманиннинг юзида табассум кўрмоқдан оғир нарса йўқ! Темур, амирлашкар, куёви, аммо уни дўст бўлиб қолади деб ким айта олади? Унда ким у, душманми? Бу чақмоқ хулқли, қатъиятли, таваккалчи, бало-қазоларга беписанд қарайдиган шаҳрисабзлик амир ҳамиша диққатни ўзига тортиб туради. Мовароуннаҳр салтанати ҳукмдо-

<sup>1</sup> Охири. Боши ўтган сонларда.

ри аввало Амир Хусайндир, ҳамма Амир Хусайннинг куч-қудратини билиб қўймоғи зарурдир, жумладан салтанатнинг ўнг қўли, ўша доврүк таратиб бораётган амирлашкар Темур ҳам!

Бир куни Давлатшоҳ бахши билан Ики Темур ҳаллослашганча Темурнинг уйига кириб келишди.

— Темурбек!— деди Давлатшоҳ бахши.— Хукмдорга айтингиз, салтанат йўлида фидойилик кўргазмаяпсиз, деб бизларга, сизнинг йигитларингизга товон солаётми? Буни қандай тушунса бўладир?

— Сизга оғир ботишини ўйламай қилган ишидир бу...— гапга қўшилди Ики Темур.

— Бир оғиз хукмдорга сўз денгиз...— давом этди Давлатшоҳ бахши.— Бизга товон солмасин...

— Бўлдимми, уйғур?— гапни кесди Темур.— Ҳамма гапни айтиб бўлдингми? Биронтаси қолмадимми?

— Айтиб бўлдим, амирим, айтиб бўлдим...

— Амир Хусайн хукмдордир, хукмдор фармони ижро этилмоқ учун бериладир... Товонни тўлашдан бошқа чора йўқ...

Темур бошқа ҳеч нарсга демади. У гап йигитлару товонда эмаслигини яхши биларди. Амир Хусайн шу баҳона амирлашкар Темурни яна бир камситиб олмоқчи. Навбатдаги қитмирлик холос...

Йигитларнинг товонни тўлашга қурблари келмас эди, Темур тездан белидаги олтин камарини ечиб, Давлатшоҳ бахшига узатди, ўзидаги пулга чақиш мумкин бўлган нарсанинг ҳаммасини берди. Ҳатто заифаси Улжой Туркон оқанинг йирик ёқут кўзли тилла балдоғини ҳам қўшиб юборди. Қимматбаҳо бу балдоғни синглиси Улжой Туркон оқага Амир Хусайннинг ўзи инъом этганди. Салтанат хукмдори тилла балдоғни таниди-ю, аммо: «Буни нега қўшдинглар, менинг синглимга кўрманам эди-ку, қайтариб беринглар!» демади, мартабаси олий хукмдорнинг қатъияти, сўзининг залвори нечуқлигини кўрсатмак учун шундай қилди. Евуз ва бешафқат Амир Хусайннинг бундоқ юксизлиги Темурни беҳад ғазаблантирди, бироқ ўзига ўзи: «Хукмдор не десалар жонидир!» деб қўя қолди.

Уйга қайтганда, яхши кўрган балдоғидан айрилган аёл нолиб, минғир-минғир қила бошлади:

— Оғажоним ҳам қизиқ экан-да... Битта темиртак балдоғни синглисидан ортиқ кўрипти! Узининг кўрманаси бўлмаса ҳам майлийди...

— Овзингни чиқарма! Айб бўлади!..— деди Темур энди гапхонаси очилиб келаётган Улжой Туркон оқага.— Ҳали битта балдоқ экан-ку, хукмдор учун ўнта бўлса ҳам нисор этмакка тайёремиз!

Темурнинг бундай қилганига сабаб, Улжой Туркон оқа бирдамас-бир қизиқ устида хотин кишилигига бориб, бу гапни Амир Хусайнга айтиб қўйиши мумкин, деб ўйлади. Иккинчидан, эркак кишини хотин кишига ёмонлашдек қабиҳ ишни ўзига ор деб билди.

Темурнинг Амир Хусайн билан танишуви ҳижрий етти юзу олтмиш учинчи йилга тўғри келади. Ун ёшидан бошлаб ов ва урушларга қатнаша бошлаган Темур қароунаслар била жеталар орасидаги курашга аралашиб турадиган бўлди. Жета хонлигидаги мўғуллар Мовароуннаҳрдагиларни ҳақоратлаб «қароунас», яъни дурагайлар, деб атайдилар. Мовароуннаҳрда эса мўғулларни босқинчи эканликларини назарда тутиб, «жета», яъни қароқчи деб пастга урадилар. Темур вазиятга қараб гоҳ қароунаслар томонга ўтар, гоҳ жета тарафини олар, дўстлашиш, қариндош бўлишга, ёмон билан муроса қилишга тиришарди. Ҳамиша кўтаринки руҳда юрадиган Темур, ҳатто енгилиб турса ҳам, шериклари тарк этиб танҳо қолса ҳам ўзини йўқотмасди. Уша Амир Хусайн билан танишган йили жуда оғир кечди. Мурғоб бўйида туркман қабилалари билан жанг қилиб юрган икки амирнинг омади юришмай, Мохон қишлоғида ҳоким Алибекка асир тушиб қолдилар. Олтмиш икки кун давомида амирларнинг аҳволи ит ётиш, мирза туриш бўлди. Темур Амир Хусайннинг тутқунликдаги ҳолини кўриб ачинди.

— Узингизни кўп уринтирманг, Хусайнбек!— деди Темур.

— Улдирадир бу Алибек деганингиз!— руҳи тушиб зорланди, қисик кўзлари яна ҳам қисилиб кетган Амир Хусайн. Унинг гўштдор чап юзи учиб турарди.— Еввойига ўхшайди, гапга тушунмайди. Олам кўзимга тор...

— Бу кунлар ўтиб кетадир, кўнгилни чўктириш эр кишининг юмуши эмас...

— Кимсан, Мовароуннаҳр хукмдори Амир Қозоғоннинг набираси, томири теглихтахла хонадонга бориб уланадиган, юрт сўрашга муносиб Амир Хусайндай жангарининг мана бу ерда, сассиқ бир оғилхонада сичқондай писиб ётишини кўрингиз!..— бўғилиб деди Амир Хусайн.— На пешкаш қилмакка бир нимарса бордир, на таркашда ўқ...

Турғунлигига путур етган шеригига ҳайрон қараб турган Темур ўзгачароқ ўйларди. Ҳозир-ку, бир туркманнинг қўлида, оғилхонада банди бўлиб ётишибди, чархи кажрафторнинг шевалари кўп, тонгда яна нимани аён айлар экан? Дунёнинг иссиқ-совуғини кўриб, ундан тажрибалар кўтармак лозимдир, айниқса тўртта одамни бошқармак умидида бўлган киши шундоқ қилсин. Иши чаппа кетса, ови бароридан келмаса, кимдир ғанимлик зоҳир этса, Амир Хусайнга ўхшаб: «Мен фалондирмен... Бундоқ аҳволга

тушдим... Бевафо дунё...» деб кўз ёши қилиб ўтириб бўладими? Ахир бу гардуни дунда ўнтадан тўққизтаси душман бўлса, бунга ажабланиш на ҳожат? Унтадан биттаси дўст чиқса, дўппингни осмонга от! Иккитаси дўстлашиб кетса — омадинг, йўқ эса кимдан ўпка қиласен? Унтадан ўн биттаси душман бўлиб турганда ёвузлик қилсалар, нега ҳайрон қоласен? Ғанимдан ёруғлик тилайсанми? Ундай ёруғлик тезак гуллаганда бўлади!..

Дунё хиёнатчи хотиндир, унинг хушторлари кўп... Шундоқ дунёда сен ўзингни ўзинг эҳтиёт қилмоғинг зарурдир. Талашиб тортишмасанг, ҳар нарсадан қуруқ қоласен, сен алдамасанг, сени алдайдилар, сен ўлдирмасанг, сени ўлдирадилар... Ҳар кимнинг камчиси ўз қўлида бўлсин, чунки камчи ўтадиган жойини ўзи билади... Темур ёш бўлса ҳам бунинг барини кўриб қўйди, бошидан кечирди.

«Эҳ,— деб хаёлга чўмди Темур,— Амир Ҳусайнга ўхшаганлар бир дамлик роҳат бандаларидир, уларда эртани ўйлаш йўқ... Уйлашмайди ҳам! Худод таоло насиб этиб унга салтанат тизгинини берса, Мовороуннаҳрнинг очу яланғоч элининг бир қорнини тўйдирган бўларди! Самарқандни, туғилиб ўсган юртини обод қиларди!..»

Ушанда икки амир Алибек асирлигидан эсон-омон чиқиб олдилар... Аммо қўлла-рида ҳеч вақо йўқ, уч қоққан кунжутдай шомирзаи қоққуруқ эдилар. Ногаҳон Муборакшоҳ деган бадавлат бир туркман уларга кўмакка келди, от-улов берди, йўл харажатларини кўтарди. Кейин Темур эгачиси Қутлуғ Туркон оқа музтарлиқда қолган амирларни қўллаб-қувватлаб юборди, ишлар юришиб кетди... Сеистон волииси нуфузи кучли икки амирни ўз душманига қарши жангга чорлаб элчи юборди. Элчининг қўлида бундоқ нома бор эди: «Ғанимларим менга зулм қилиб, қўлимдан етти қалъамни тортиб олдилар. Амирлар, агар мenden душман қўлини қисқа қилар эканлар, аскарига олти ойлик озиқ-овқат етказар эрдим...» Уша жангларда Темур ўнг қўли билан ўнг оёғидан жароҳатланиб, оқсоқланадиган бўлиб қолди. Шундан кейин одамлар унга Оқсоқ Темур, Темурланг деб лақаб қўйдилар, орқаворотдан шундай атай бошладилар. Бу лақаб Темурга ёқмас, эшитса ғаши келар, ўзини ҳақоратлангандай ҳис қиларди. Аммо на-чора?..

Мана энди Солисаройдаги қурултой қарорига кўра, душманни мамлакат сарҳадида қарши олгали чиққан Амир Ҳусайн ва амирлашқар Темур бошчилигидаги Мовароуннаҳр қўшини Сирдарё бўйидаги Чиносга яқин Оқар мавзеида қўним топди.

Амир Ҳусайн чодир хушҳаво баланд бир тепага ўрнатилди, ўнгда Сирдарё кўри-ниб турар, Тошкент томон текислик бўлиб, ям-яшил майсалар билан қопланганди. Жойни Темур танлади, ростдан ҳам бу ердан чор атроф кафтда тургандек равшан кўзга ташланади. Ана, олисда дарё буралиб оқади, чапда жойлашган Чинос қишлоғи яшилланиб қолган дарахтлар туфайли уфқнинг қошига тортилган ўсмадай кўм-кўк кўринади. Аскарлар тепа айланасини қуршаб ётдилар.

Темур Амир Ҳусайн манзилидан қуйроқда, ярим фарсаҳ масофадаги адирликда чодир тикди. Ёнбағирлик чодир-олачиқларга тўлиб кетди. Қўйиларда аскарлар чоп-лонларини ерга ташлаб ҳордиқ олар эдилар; ким хиргойи қилар, ким қалқонини ялти-ратиш учун қум билан ишқалар, бошқа бирови эса эртанги жанг олдидан садоқдаги найзаларни назардан ўтказаркан, айримларининг учига қайроқ уриб, қурчут қилмоқ билан овора эди.

Темур душман ҳолини билиб келишга жўнатишган айғоқчи гуруҳнинг қайтишини кутиб турарди. Ниҳоят гуруҳ қайтиб келди. Гуруҳнинг бошлиғи Жоварчи ўғлон тез-дан маълумот берди:

— Ёғий лашкарининг чўғини билиб келдик, Темурбек!— Жоварчи ўғлоннинг ёши Темурникидан катта эди. Улуғ уруш жамалғасини қилибдир. Йигирма мингча бор, вале бизнинг қўшинча бўлмас... Ёғий енгилур, чунки...

Жоварчи ўғлоннинг ҳамма хислати бир томон эди-ю, сергаплиги бир томон эди.

— Кўп сўз бошни эгадир...— деди Темур манглайи тиришиб. Амирлашқарнинг ўткир кўзлари душман тарафга тикилди.— Ёғий енгилгандан сўнг дерсен бу гап-ларингни... Ҳозир эса мухтасар қил!

Душман лашқари таърифига ҳали кириб улгурмаган Жоварчи ўғлон, бир оз тутил-ди-да, бўлуклар, бўлук бошлиқлари, бўлукларнинг жойлашишлари ҳақида икки оғиз-икки оғиздан маълумот берди.

Амирлар қаерга борсалар, хоҳ сафар бўлсин, хоҳ жанг, аҳли аёли, чўриларини доим ўзлари билан олиб юрардилар. Амир Ҳусайн билан кўришиб, бўлажак жанг расамадини келишиб олиш учун бораётган Темур Сароймулкхонимни ҳам учратмоқ умидида эди. Икки амир суҳбатни бошлар эканлар, Темур чодирнинг ичида ўлтирган Сароймулкхонимга назар ташлаб улгурди, иттифоқо, Амир Ҳусайннинг завжаси ҳам шуни пойлаб турганди. Улар, асосан, нигоҳлар, кўз қарашлар воситасида сўзлашарди-лар, чунки ўзга бир имкон ҳам йўқ, бўлмоғи мумкин ҳам эмас. Амир Ҳусайндай кўрс, дағал одам бир нимани сезиб қолгудай бўлса, фожиа юз беради. Қозонхоннинг қизи буни яхши фаҳмлайди, биринчи марта Самарқандда, Чорсу майдонида кўришишган бўлса, шундан бери улар хаёлан кўп бор учрашдилар, сўзлашдилар. Мана, ҳозир ҳам Темурнинг нигоҳи дерди: «Қачонгача?...» Сароймулкхоним нигоҳи жавоб берди: «Ноу-мид шайтон ахир...»

— Хусайнбек!— Темур Қозонхоннинг қизига узоқ тикилиб қолмаслик учун, кўзини Амир Хусайнга қадаб олди.— Душман ўрдугоҳига йўллаган тингчиларим, қуловузларим келиб етдилар... Бебахт оёғини жанг майдонига қўйган Жета лашкарбошиларининг кимликлари аён бўлди...

— Кимлар экан?— сўради қуруққина Амир Хусайн. У чодир олдидаги заррин тахтада йироқларга тикилиб ўлтирар, ўзини амирлашкарнинг сўзларини атайлаб безътибор тинглаётгандай кўрсатарди. Мовароуннаҳр ҳукмдори шу палла олдида катта саваш турган, ҳаёт-мамот жангига кираётган кишига ўхшамас, балки собитлиги бўшашган, маъракаи майдонга қадам қўймай мағлуб бўлган сипоҳийни эслатарди. Темур ҳайрон бўлди. Наҳотки, ҳукмдор ёғий қўшинининг аҳволи, аскар ясоли ҳақида, вазият хусусида ҳақиқатни билмакчи эмас?

— Маълумингизким,— давом этди Темур.— Ана бу адирликка чодир тикмасдан бир ой олдин ғаним лашкари тузугидан хабар келтирмак учун тингчилар юбориб эрдим... Жета лашкари беш бўлукка бўлинмишдир. Биринчи куч — Куч-Темур Бекчик ўғли, иккинчиси — Темур Нўбкан, учинчи — Сариқ баҳодир, тўртинчи — Шункум баҳодир, бешинчисини Туғлуқхўжа бошқарадир. Буларнинг бари йигирма минг аскардир...

— Илёсхўжа элчилари нима бўлди?— гапни кесди Амир Хусайн.

— Қайтиб келишди.

— Нечун уларни қатл этдирмадингиз?— ҳукмдорнинг овози яна ҳам йўғонроқ чиққандай туюлди.— Айтиб эрдим шекилли. Элчиларга омонлиқ берманг, токим бизим ҳақда маълумот еткура олмасинлар деб...

— Хусайнбек!— иложининг борица ўзини босиб жавоб қилди Темур.— Элчига ўлим йўқ... Чингизхон элчиларини ўлдирган Муҳаммад Хоразмшоҳнинг нодонлик қилганини жумла жаҳон кўрди. Мамлакатимиз ёт оёқлар остида топталди, улус азиятда қолди, ғурурлар қора ер бўлди...

— Темурбек... элчиларни ўлдириш лозим, деб нодонлик қилибмиз-да... Сиз ўлдирмай, донолик аён этибсиз...— Амир Хусайннинг овози заҳархандага тўла эди.

«Менинг шон-шавкатим кучайгани, лашкар олдида, эл-улус кўзида обрўйимнинг ошгани унинг ғашини келтирмакда,— деб ўйлади ўзича Темур.— Мен унинг мақсадига кўп бордим, эрса ул меним муродимга бир йўл ҳам келиб қўймади. Меним салтанат ғайратим ошганлигини кўриб, унинг ҳасад томирлари қўзғалаётир... Нияти мени ўлдириб йўқотишдир...»

— Мен Муҳаммад Хоразмшоҳни айтдим чамаси... Сўнг элчиларни қайтариб юборишимнинг важи улғудир. Аввалан, бу элчилар Мовароуннаҳр қўшинининг аҳволотини билмакка келгандир, айна пайтда уруш бошланиши хусусида Илёсхўжа номасини еткурдилар...— хотиржам деди Темур.— Мен элчиларнинг кўнгилларини овлашни бурюдим, кўзларини бўяб, аскарларимизни ҳар хил либосларда икки қайталаб олдиларидан ўткардим... Қуролу аслаҳанинг энг мўтабари ғанимга ҳийла-найранг ишлатмакдир... Элчилар Илёсхўжага бориб кўрганларини ошириб айтадир, улар сўзининг маҳобати ҳали ўз кучини кўргизур, иншоолло...

Амир Хусайн индамади.

Шу пайт тепада ниманингдир патирлагани эшитилди. Икки амир ҳам беихтиёр осмонга қарашиди. Тўмиғдай ҳам булут йўқ мовий осмон шу қадар тиниқ эдики, беғуборлигидан кўз қувонар, кўнгил яшнардир. Потирлаган нарса иккита бургут экан, иттифоқо, улар урушишиб, амирлар тепасига келиб қолишганди. Бургутлар бир-бирига аёвсиз чангал солишар, бир-бирининг кўзини чўқишга уринишарди. Иккиси ҳам тўқ кўнғир рангда, иккисининг ҳам боши малла... Амирлар маҳлиё бўлишиб, ўзларича бургутларни ажратиб танлаб олишган, ҳар ким ўз бургутининг энгиги чиқшини истарди. Жанг қаттиқ кетди, бургутлар човут солганда, рақибини қаноти билан қаттиқ урарди. Амирларнинг устига патлар тўкила бошлади. Шу лаҳза дарё томондан от солиб келаётган чопар кўринди. От урушиб ётган бургутларга кўзи тушиб, қаттиқ кишнаб юборди. Қушлар ажралишдилар-да, бир-бирини қувиб, адир томон лапанглашиб учиб кетдилар. Энди улар ўша ёқда, қайдадир урушни давом этдиришса ажаб эмас...

Уша бургутлар Темурга Амир Хусайн билан иккисининг руҳлари бўлиб туюлди. Икки амир бу ерда бўлсалар ҳам уларнинг руҳлари қайдадир олисда бир-бирлари билан адолат талашурлар, бир-бирларининг кўзларин чўқурлар, қанотларини қайирмакка уринурлар... Уларнинг бургутлардан фарқи, фақат кўзга кўринмайдирлар, пинҳона жанг қиладилар...

— Искандари Зулқарнайн вали тили билан деюрмен, амирим!— чопар эллик қадам нарида отдан тушиб, Амир Хусайн ўлтирган тахтага яқинлашди.— Сойликнинг нариги томонида ёғий лашкари саф тортаётир!..

Амир Хусайн чопарга жавоб бериб улгурмади, Темур шитобан сўз олди:

— Хусайнбек! Бас! Савашиш бошланур! Ижозат берсалар, қўшиннинг баронғор қисмини идора этсам... Душманнинг уч бўлугини, яъни Куч Темур Бекчик ўғли, Темур Нўбкан ва Сариқ баҳодирлар лашкарига ўзим юзма-юз чикурмен! Туғлуқхўжа билан Шункум баҳодир бўлуқлари ўзингиз бошлиқ жавонғор лашкар тарафиндан кунпаякун бўлмагига аминмен!..

Улар душманга қарши баробар ҳужумга ўтишга келишиб олдилар. Темур чаққон-лий билан тўбичоққа минди-да, ўзининг чодирини жойлашган адирга қараб от сурди. Кетишда чодир томон бир қаради, аммо бу сафар Сароймулкхоним нигоҳини тута олмади.

Қозонхоннинг қизи амирлашкар Темурнинг кетаётганини билди, атай қарамади. У чодир ичида икки амир ўртасида бўлган гап-сўзни эшитиб ўлтирди. Малика яна бир марта мамлакат ҳукмдорининг феъли торлигига, қўполлигига имон келтирди, Темур олдида Амир Ҳусайн тутуми учун ўзича изза бўлди. Шаҳрисабзлик амирнинг каломларида мантиқ кучли, унинг айтганларига ишонасен, Амир Қозоғон набираси гапларида эса косанинг тагида нимкоса аён кўриниб туради, у асл мақсадини пардалашни билмайди, пинҳон нияти ошкор бўлиб қолаётганини хаёлига ҳам келтирмайди. Ҳукмдорми, бас, барча нарса салтанатда ҳукмдорнинг деганича бўлмоғи керак, деб ўйлайди. Бунинг нотўғри эканини аёл боши билан ҳатто Сароймулкхоним ҳам тузуккина англаб турибди. Темурнинг фикрлари, мушоҳадаси, аксинча, тош босадиган гапларга бой, ишонимлидир. Хўш, Темурни ёқтирмаслигини ўзига билдирмак лозиммикин? Шаҳрисабзлик амирнинг кучайиб бораётган нуфузини бундоқ йўсинда тўхтатиб бўлармикин? Агар ким кимнинг томонини олади, деб холис бир гап ўртага ташланса, мамлакатдаги амирларнинг ўндан тўққизи, шубҳасиз, Темур томонига ўтиб кетади. Шу ваздан унга илиқ гап айтиб, алдаб, кўнглини овлаб, салтанат йўлида шаҳрисабзлик амирнинг нуфуз-эътиборидан оқилона фойдаланмакни ўйлаш даркор... Лекин бунини Сароймулкхоним қандай айтади!..

Бир таом пишарчалик вақтга қолмай Темур ўз чодирини ёнига қайтиб келди. Амир Ҳусайн билан мулоқот унинг дилига тош бўлиб ботди. Кўнглининг хижиллиги ҳукмдорнинг тутумидан эмас, балки шундай нохуш воқеа, катта муҳорабанинг олдида юз берганидан эди. Ҳарқалай, бу яхшилик аломати эмас...

Темур доводий совутини эгнига илди, белига мисрий қиличини боғлади, бошига пўлат дубулғани кўндириб, қўлига қалқонини олди, тўбичоққа миниб, чодир атрофида уймалашиб, фармонни кутиб сергак турган қўшинга қаради. У жангга қаттиқ тайёргарлик кўрганди, кўнгли хижиллигидан ғайрати бир оз чекингандай бўлди. Аммо шу ондаёқ ҳиммати қўзғолиб, ўз-ўзига деди: «Сен душман илигидан зафарни олмак учун ўртага чиқдинг. Бас, ўлимдан қўрқиб, урушдан чекиниш мустаҳиқ иш эрмас. Ё душманинг энгиб зафар олурсен, ё майдонда кунинг етиб, бори нарсадан кутулурсен! Душманинг Амир Ҳусайндир, Амир Ҳусайнни энгмоқ учун аввал Илёсхўжани бир ёқли қилмоғинг керак! Дадил бўл!»

Темур лашкарни бир-бир назардан ўтказди. Лашкар етти бўлукка бўлинганди. Биринчи бўлукда — Амир Жоқу барлос, иккинчисида — Амир Сулаймон барлос, учинчисида — Амир Ҳиндука; бу Илёсхўжадан юз ўгириб, Темурга бош эгиб келган лашкарбошидир. Кейин Шайх Муҳаммад, бешинчиси — Амир Жамолиддин, олтинчиси — Ики Темур, еттинчиси Тун салтанати фуқароси Аббос баҳодирлар; бари бўлуқларнинг тепасида эдилар. Лашкарбошиларнинг барчаси Темурнинг ўлим ўртоқлари саналарди. Тўпбузар сипоҳийлар, лашкарсиндираар аскарлар атрофни тутиб кетган; жавшан кийган паҳлавонлар, жанжалкаш ўғлонлар ушлаб олган найзаларнинг ярақлаши кўзни оларди. Ҳамма жанг бошланишини кутарди.

Темур сойлик томон қаради. Ярим тош масофа нарида чанг-тўзон кўтарилди. Демак, Илёсхўжа қўшини жангга кириб келмоқда. Мовароуннаҳр қўшинлари амирлашқари нимагадир ишора қилди:

— Нақоралар нидоси, бурғуларнинг садоси фалак қулоғини қар қилсун!

Чодирдан ўнг томонда бурғу чалинди! Шу лаҳздаёқ Амир Ҳусайн тарафдан келган бурғу овози унга жўр бўлди. Сўнг у ёқдан карнай тортдилар, бу ёқдан ҳам карнай сас қилди, бамисоли кўк тосига гўлғула тушди. Энди навбат нақораларга етди. Икки тарафдаги нақоралар баробарига уч бор рез бердилар. Бу жангнинг бошланганини билдирарди.

— Оллоҳумма фансурна алал қавмил кофирин! <sup>1</sup> — калима келтирди Темур. Сўнг овозининг борича қичқирди: — Олға! Ур-ҳо-ур! Еғийга! Еғийга!

Амир Ҳусайн чодирини томондан ҳам «Ур-ҳо-ур!» садолари эшитилди.

Тарихда «Жанги Лой» номи билан машҳур бўлган қонли жанг бошланди. Бу воқеа ҳижрий 766 йил рамазон ойининг биринчи кунинида <sup>2</sup> юз берди. Ҳар икки томон баҳодирлари қийқириқ солиб жангга кирдилар.

Уч кун давом этган жангнинг биринчи куни Мовароуннаҳр лашкарининг Амир Ҳусайн бошқарган жавонғор қисми ҳам, Темур қўл остидаги баронғор қисми ҳам, Илёсхўжа аскарларини хийла шошириб қўйдилар. Ғалаба яқин эди. Айниқса Темур топқирлик кўргизди. Фанимининг уч бўлугига қарши ўзининг еттига бўлук сипоҳларини кетма-кет юбориб турди. Қўшин олдида тадбиркор, синамол, ёши катта аскарларни тайин этди, ёшларни эса уларнинг кейинига жойлаштирди. Йўқ эса, жанг кўрмаган

<sup>1</sup> «Парвардигор, кофир қавми устидан ўзинг бизни ғолиб қил!» (араб.)

<sup>2</sup> Милодий 1365 йил 22 май.



ёшлар-да ёв қаршисида бирдан шижоати сўниб қолиши мумкин. Эҳтиёт чораси сифатида пусуғда<sup>1</sup> қўшин ҳам қўйиб қўйди.

Дастлаб ёғий лашкарининг ҳировул бўлугини пароканда қилдилар. Аскарлар қиличининг дами душман оловини тағин ҳам ловиллатиб юборди, найзаларининг узун тили «уруш» сўзидан бошқасини билмасди. Сўнгра чоповул ва шоқовул тўплари чопқулашга киришди. Темурнинг ўзи ғўлда туриб олға интилди. У аскарларга илҳом бермак учун майдонга ўзини ураб, ҳар сафар жангга кирганда жонини ҳалокат гирдобига отарди. Биринчи ҳамладаёқ ғўлда турган Илёсхўжанинг ишонган лашкарбошиси Тўлан Буғо тўпини бузиб, ортга чекинишга мажбур қилди.

Чап ёнида Амир Жоқу барлос бўлуги, ўнг ёнида Амир Ҳиндука аскарлари майдонга сурон соларди. Ҳар икки томондан кўп одам нобуд бўлди, сойлик маҳшар даштига айланди. Тўлан Буғо тўпи тарқатиб юборилгач, ғўл аскари чекиниб, Жета қўшинининг ясоли бузила бошлади. Душман туғи йиқилди.

Сойликнинг чапида Амир Ҳусайн бошқарган жавонғор қўшин ҳам илғорлик намойиш этди, унинг аскарлари Туғлуқхўжа билан Шункам баҳодир бўлуқларини маъракаи майдондан суриб чиқардилар.

\* \* \*

Қош қорая бошлагач, ҳар икки томон қўшини ҳам эртасига қаттиқроқ саваш қуришни дилга тугиб, ҳордиқ олгани ўз манзилларига чекиндилар. Отлар туёғи, аскарлар қадамидан кўтарилган чаңг-ғубор, яна жанг қўпармикин, дея ҳадискирагандай ерга кўна олмай, узоқ вақт майдон узра муаллақ туриб қолди.

Иккинчи кунги жангда вазият буқаламунлик қилди — лаҳзалик зафар гоҳ Мовароуннаҳр қўшини, гоҳ Жета лашкари томонида бўлди. Ўзи жангга кирган Илёсхўжа бир нарсага эътибор берди. Куч-Темур Бекчик ўғли, Темур Нўбкан ва Сариқ баҳодирлар Темур билан савашимоқда, вале икки кунда кўрган талофати ачинарлидир.

Темур Нўбкан лашкаридаги Тўлан Буғодай баҳодир ҳам ёғий зарбасига чидай олмай, тўпи тарқаб ночор қолибди. Аммо Туғлуқхўжа билан Шункум баҳодирлар Амир Ҳусайн сипоҳийларини майдоннинг четига қисиб қўйди.

Иккинчи қўшин манзилга қайтганда, салга кўнгли ийиб кетадиган Илёсхўжа лашкарбошилар ичида мақтаб, Шункум баҳодирга деди:

— Не сирким, сиз Амир Ҳусайнни майдон четига қисдингиз. Вале Тўлан Буғо тўпи тарқаб ўзи сичқонсифат бўлибди. Важи не?

Шункум баҳодир, йигирма беш ёшлардаги шошқалоқроқ йигит, Тўлан Буғо олдида кўкси тоғдай кўтарилиб, томоқ қирди:

— Ахир ҳар аскаримнинг тиши шамширдан, чаңгали найзадандир. Уларга оллонинг ўзи бас келсин...

Тўлан Буғо жангда мағлуб бўлганидан аламда эди, энди уни «сичқонсифат»га чиқаришиб қўйишмоқда. У қоплонникига ўхшаган кўзларини ерга тикди-ю, лом-мим демади.

— Ҳа, Шункум баҳодир бугун Амир Ҳусайнни майдон четига қисди, — гапга қўшилди Куч Темур Бекчик ўғли. — Эртага суриб чиқарадир! Хо-хо-хо!

— Хоним! — сўз олди Сариқ баҳодир, хоннинг тағойиси. — Тўлан Буғо, сизнинг азамат лашкарбошингиз... Сичқон деб йигит кўнглини чўктирманг!.. Мана, сичқон йилида туғилган Темур не жанглар кўргизур ахир!

— Ҳа, ҳа, ўз номи билан буқа-ку! Сичқон эмас!

— Лашкарбоши қайда-ю, сичқон қайда!..

— Омад — бевафо хотин, лаҳзада юз ўгириб кетади. Тўлан Буғодан ҳам бир юз ўгирди-да!.. — дейишарди бошқа лашкарбошилар ҳам.

Тўлан Буғо бу гаплардан ўзини баттар хўрланган сезди. Йигирма еттига кирган Тўлан Буғо мард йигит эди, мард жигари куйса ҳам кулиб туради.

— Хоним! — деди шахдам, қоплонникидай кўзлари чақнаб. — Эртага ғанимларни қочишга мажбур этганимда не кўйга тушар эканлар, дедиму, бунини ўз бошимда кечириб кўрмакчи бўлдим... Ҳа, ҳеч ким сичқон кунига тушмасин экан!..

Илёсхўжа ўйламай гапириб қўйгани учун ичида хижолат чекди. Баҳодирни ҳамманинг кўз олдида хор қилиш инсон боласига ярашмайдиган иш эканлигини англади.

Жета ўрдугоҳида бўлиб ўтаётган бу ҳазил-мутойиба гапларнинг сабаби бор эди, иккинчи кундан кейин Илёсхўжа қўшинининг устунлиги сезила бошлади.

Мовароуннаҳр лашкарининг жавонғор қисмида ўн мингдан зиёд аскар бор эди. Амир Ҳусайн жангнинг биринчи куни, сидқидил саваш қурган бўлса-да, иккинчи куни атай жанг тизгинини тортиброқ қўйди. Темур бундан беҳабар баронғорда қаттиқ жонбозлик кўрсатар, ғаним аскарини жанг сарҳадигача қувиб борарди. Утган йили Солисаройдаги қурултой вақтидаги бир гап доим Амир Ҳусайннинг ёдида туради. Ўшанда

<sup>1</sup> Пистирма маъносида.

у: «Жета хони булин саваш қурурмиз. Балки шу жангда қазо камонидан отилган бирор ўқ тегиб... Темур ҳам ўз оёғидан йитиб кетар...» деб орзу қилганди. Амир Ҳусайннинг ўзи Темурни чирқиратиб қиличдан ўтказиши мумкин, аммо бундай қилишга ўртадаги аҳд-паймон йўл қўймайди, ахир улар иккиси Қуръонни ўпиб, бир-бирови билан дўст тутинишган...

Йўқ, иш Амир Ҳусайн ўйлагандай бўлиб чиқмади. Ҳамон Темур бешикаст майдонда жавлон уриб юрибди. Ана, Темур ўққа учди, мана, Темур ҳалок бўлди, деган хабарни кутиб турганди, бирдан чопар келиб қолди. Ҳукмдор қувониб кетди.

— Мовароуннаҳр салтанати амирлашқари: «Нечун ҳукмдоримиз Амир Ҳусайн маъракаи майдонга кирмайдилар? Еки сиҳатлари йўқми? Билиб кел!» деб елдирдилар...

Амир Ҳусайннинг гўштор ўнг юзи пириллай бошлади, қисиқ кўзлари қисилгандан қисилди. Чопарни ҳайратда қолдириб бошлаб сўкинди:

— Э... амирлашқарингни онасини!..

Чопарнинг қулоғи, иттифоқо, яхши эшитмас эди:

— Нима дедилар?..

— Тилингни тий! Жаллод!! — ғазабдан қичқирди ҳукмдор.

— Фармонингизга мунтазирман, ҳақоним! — деди жаллод.

— Кес мунинг тилини! — Амир Ҳусайн овози машъум жаранглади. — Тилини тиймоқни яхши ўрганиб олади!..

Жаллод ҳайрон урган бегуноҳ чопарга ташланди. Икки сипоҳий жаллодга ёрдамга келди. Чопарнинг қўлларини ортга қайириб ерга ётқиздилар, тилини шамшир билан шарт кесиб ташладилар. Оғзи қонга тўлган чопарни Темурга қайтариб юбордилар.

Бу воқеа Темурнинг тўлай деб турган сабр косасини тўлдирди. «Бу қандай гап? Биринчи чопаримни ҳақоратлар билан «сийлашган» эди. Иккинчисининг тилини кесибдилар... Амир Ҳусайн не истайдир ўзи? Тилаги недир? Вожаб!..» Амирлашқарнинг ғазаб томирлари қўзғолди, кўзларда даҳшатли учқунлар чақнади. У ҳозир бориб Амир Ҳусайнни тириклай ғажиб қўйгиси келди, аммо ғазабини тийди, бу ёғи—маъракаи майдон, мамлакат тақдири ҳал қилинаётган жанг бораётир, лаҳза сусткашлик ҳалокатга баробардир. Ёғийнинг ҳам қадам олиши кечагидан кўра бугун тетикроқ туюлади. Устига устак, Мовароуннаҳр қўшинининг жавонғор томони ожизлик қилмакда. Мана, иккинчи куни енгилди, талофатлар кўрибди...

Учинчи кун эрталаб яна жанг бошланди. Осмонда пайдо бўлган булут кўнгилларни хира қиларди. «Мўғулларнинг оқсоқоллари жада тошини ишлатибди, дуони тесқари ўқишиб, тошни сувга солишибди. Осмонда булут шундан пайдо бўлибди. Энди ёмғир ёғар эмиш!» деган хабар яшин тезлигида Мовароуннаҳр лашқари томонга ёйилди. Лекин ёмғирдан дарак йўқ эди.

Темур бугун жангнинг учинчи куни эканлигини унутмасди. «Уч—куч бўлсин, пуч бўлмасин!» дерди ирим қилиб. Бу маънода Амир Ҳусайн ундан ҳам ошиб тушарди. Иккинчи куни жангнинг бориши Мовараннаҳр ҳукмдорини қониқтирмади, унинг қўшини манзилга чекиниб, зўрға жон сақлади. Икки кун давомида улар Темур билан кўришмадилар, ҳар ким ўз чодирида, ўз томонида ёғийдан кўз узмаган ҳолда, соқ-сергак туришди.

Мовароуннаҳр қўшини ҳал қилувчи жангга кирди. Энг аввал узоқдан ўқ отишлар бошланди. Сафлар тобора яқинлашиб, навбат найзаларга етди. Ёв аралашиб кетгандан кейин, аскарлар қиличу ойболтани ишга солдилар. Тиш-тирноғи билан душманга ёпишиб, ёқалашиб, бўғишдилар. Ҳар ким: «Ўлсам ўламан, аммо ёвга ён бермайман!» қабилида савашарди. Водий суронга тўлди. Амир Ҳусайн тахтдан сойликка қаради: ўнг томон то дарёнинг бўйларигача, олдинда эса душман ўрдугоҳигача ғира-шира чанг-тўзон тутиб кетибди, отларнинг зорланиб кишнаши, қиличларнинг жаранги, кишиларнинг фарёдини эшитиш мумкин эди-ю, аммо ўзларини кўриб бўлмасди.

Бирдан шамол кўтарилиб, кўкда булут қуюқлашди, осмон ғазабидан қиличини қинидан чиқарди — чақмоқ чақилди. Ёмғир бошланди. Севалаган ёмғир бора-бора қаттиқ селга айланди, бирпасдан кейин жанг майдонини қоплаган чанг-тўзондан асар ҳам қолмади. Сел майдонда ариқча-ариқча бўлиб оқар, отларнинг юриши қийинлашар, аскарлар эса ҳар қадамда тойиб йиқиларди. Жета аскарлари топқирлик кўргизишиб ўз устларига қалин кигизлар ёпиниб, қурол-аслаҳаларини ёмғирдан асраб жангни давом эттирдилар. Мовароуннаҳр аскарлари очик ёмғирда қолиб кетдилар, ҳўл тегиб, жанг аслаҳалари ҳам ишдан чиқди. Душман қўшини устун кела бошлади. Шу пайт Амир Ҳусайндан чекиниш ҳақида фармон етди.

— Битта юраксиз ўн юраклига бош бўлса, ўн битта қўрқоқ пайдо бўлар эмиш. Бир юракли ўн юраксизга етакчи эрса, ўн битта мард майдонга кирармиш... — ғижинди Темур сойлик томон алам билан тикиларкан, жангда ғолиб чиқишдан батамом умид узиб.

— Эй!.. Вақтида қочиб қолмоқ ҳам бир зафардир! Ики Темур! Аббос баҳодир! Амир Жоқу барлос! Амир Ҳиндука! — деб қичқирди у омон қолган бўлук бошлиқларига. Амир Сулаймон барлос, Шайх Муҳаммад ва Амир Жалолиддинлар эса майдонда жон бердилар. Сел кўзни очиргани қўймас, ҳаммаёқ шалаббо, шилта, ҳўл бўлганди.

— Отларни ортга бурингиз! Ортга!!!

— Ортга! Ортга!!!

Мовароуннаҳр кўшини шошилинич ортга чекина бошлади. Қаттиқ жала ёғишига қарамай, Жета хони кўшинларининг ғолибона сурони бутун сойлик узра баралла эшитилиб турарди.

## ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

### Худобанданинг ақлдан озиши

Самарқанд ҳоқими Садр Сулаймон бу кеча ухлолмай чиқди. Аввало, Қора арлотга ваъда қилинган Жаҳон етиб келмади. Сирли саройдан чиққан ароба қароқчилар қўлига тушиб, қиз ғойиб бўлибди. Соқчиларни эса ўлдириб кетибдилар... Чорсу майдонининг четидаги бостирмада Ғунчачи бегимнинг хор-зор бўлиб ўлиб ётгани уни баттар ҳангманг қилди. Ғунчачи бегим Жаҳонни кузатиб келаётган эди. Булар қаерда ажрашди, Ғунчачи бегим қандоқ қилиб Чорсуга келиб қолди, уни ким ўлдирди?.. Жаммазабон девонбегининг айтишича, жуда қийнаб ўлдиришган эмиш... Ароба қани? Бу кимларнинг кирдикори экан? Жаҳон қаерда? У Жаммазабон девонбегига, қизининг уйига келган-келмаганини суриштиришни топширди. Ҳамма нарсанинг калити ўша билан боғлиқ...

Унинг устига ўғли Худобанда бобилхонада бир ожизани бўғиб ўлдирибди. Синглиси эмиш... Қаердан билади синглиси эканлигини?.. Хўш, синглиси бўлса, нега энди ўша билан дуч келиб қолади? Нега тақдир шуни раво кўради?..

Шаҳарда ҳам ҳар хил одамлар кўпайиб кетди, турфа ювқисизлар қарор топди. Сарбадорман, деб бош кўтарган қаланғи-қасанғи, қўсқилар ҳаммани бесаранжом қилишмакда. Буларнинг бари ўшаларнинг иши, Садр Сулаймонда шак йўқ бунга. Энди у сарбадорларни бартараф этишга қаттиқ киришиши керак! Жета хони билан муҳораба тугагач, Соли саройдан катта қўшин қақиртириб, сарбадорман деганни битта қўймай бир ёқли қилади. Уёғини ўзи билади...

Самарқанд ҳоқими шундай пала-партиш хаёлларга ғарқ бўлиб ҳовлида юрганда, ғуломлардан бири Абумансур келганидан хабар берди.

— Айт, тез келсин! Келсин!

Овози ингичкадан келган, бу шилпиқ муллавааччани Жаммазабон девонбегига тавсия қилди. «Садоқатда тенги йўқ йигит султоним! Эътиқоди мустаҳкам, айтган сўздан қайтмайди. Нима топшириқ десангиз, ўзини ўйламай ижроси билан машғул бўлади. Вақти келса, отасини ҳам аямайди...» деди Жаммазабон девонбегига.

— Мени қандоқ кўрсангиз, бунга ҳам шундоқ кўраверинг!

Самарқанд ҳоқими Абумансурга бир-икки юмуш буюриб кўрди. Иши пишиқ, ёмон эмас... Мақлаб қўйди. Бир кун хизматини тақдирлаб беш дирҳам ҳадя қилди. Абумансур дарҳол миннатдорчилик изҳор этиб, қўл қовуштириб: «Кучугингиз қаторидамен! Ёт десангиз ётамен, тур десангиз турамен, султоним!» деди. Садр Сулаймонга айна шундоқ кучук керак эди.

— Абумансур! — жиддий оҳангда деди Самарқанд ҳоқими. — Сен менга айғоқчи, «кўз» бўлишинг лозим. Эл ичида, мадрасада, кучада, тўй-маъракада юрганда, салтанатга тош отиб айтилган, менинг шаънимга отилган гапларнинг барини дил қулоғингга жойлаб ол. Лекин, билиб қўй, бу гапларни дунёда фақат икки киши биладир, мен ва сен! Уқдингми? Жаммага ҳам айтиш йўқ!

Ишнинг бу қадар очиқчасига кетишини кутмаган Абумансур аввалига шошиб қолди. Ким-ким, нақ ҳоқимнинг ўзи унга юмуш буюраётир, сирдошликка чорлаётир! Сен умр бўйи кутган фурсат етди, Абумансур! Бахт қуши ёнингга учиб келди, тутсанг тутиб қолдинг, бўлмаса ўзингдан кўр!

Абумансур жон ҳолатда деди:

— Бош устига, султоним, бош устига! Елдай елиб, югуриб хизматингизни қилурмен! Хонадонингизнинг холисона хизмати ва давлатингизнинг бандалиги рўйхатига киритганингиздан бағоят шодмен!

Шундан кейин Садр Сулаймон Абумансурни Қавомиддин қози маҳкамасига ишга жойлаштириб қўйди, мақсад маҳкама сир-асроридан бохабар бўлиб турмоқ эди. Абумансур Садр Сулаймондан мирзолик маошидан ортиқроқ ақча олар, табиийки, шуни оқлашга тиришарди.

Қавомиддин қози ҳам анойилардан эмасди, у сопини ўздан чиқармоқчи бўлиб, Абумансурни Самарқанд ҳоқимига айғоқчи қилиб қўймоқни кўнглига тугди. Юмшоқ феъл, пишиқ, эгилувчин бу йигитни гапга киритиш мумкин, деб ўйлади. Темирни қиздириб, ҳар мақомга солса бўлади.

— Маошинга яна беш дирҳам қўшамен... — деди қози бир куни. — Кўп ақлли йигит экансен, илло, назмга ҳам мойиллигинг бор эркандир. Вақти келиб мансабингни ҳам кўтарурмен... Хе-хе-хе!..

Абумансур гап қаёққа кетаётганини аввал фаҳхламади. Сўнг мақтовлардан эриб кетди:

— Бош устига, қозикалон жаноблари, бош устига! Устозимсиз, хизматингизга тайёрмен! — ялтоқланди кўзлари йилтираб.

— Қандоқ хизмат бўларди? Нима, мен сени ановининг оёғига тахтакач боғла, ур, дермидим? Хе-хе-хе! — Қози овозини пасайтириб деди. — Йўқ... Сен кўча-кўйда, мадрасада, айниқса Самарқанд ҳокими ҳузурда бўлганида меним учун кўзлик, қулоқлик вазифасини ўринлатиб берсанг, девдим...

— Жоним омода, қозикалон жаноблари! — ўрнидан сапчиб турди Абумансур. У тақдир ҳимматидан бениҳоя мамнун, икки тарафлама ўйинни давом этдирди. У чавгончига ўхшарди, фарқи шунда эдики, чавгон майдонида икки саф курашар, икки дарвозабон бўларди, Абумансур эса ҳар икки саф ўрнида бир ўзи ўйнаши керак, икки дарвозабон ҳам кўриқлаши, айна пайтда икки дарвозага тўп уриши керак... Чавгонда тўпни тепиш, рақиб чавгонини ушлаш, синган чавгон билан ўйинга кириш тақиқланади. Абумансурга эса қоида йўқ... фақат қайси саф қолиб келади. — Самарқанд ҳокими сафими ёки Самарқанд қозиси сафими? Буни ҳеч ким билмасди. «Ўйинчининг ўзи ҳам қум ўрага тушиб қолган чумоли аҳволида эди, тирмашиб вазиятдан чиқай дерди, чиқолмасди.

Кичиклигидан катта шоир, фозилу фузало бўлмакни орзу қилган Абумансур бу юмуш осмондаги ойни олишдек мушкул нарса эканлигини сездди. Кўп байтлар битди, аммо байтлари байтдан<sup>1</sup> ташқари чиқмади. Муллаваҷчаларга ўқиб берса, маъқул бўлмаганини дарров англади, чунки бу шеърларда чўғ йўқ, руҳсиз, улар сўзбозликка мисол эдилар холос. Яқинда хоразмлик муллаваҷчалардан бири уйига борган экан. «Муҳаббатнома» деган дoston олиб келибди, шоир Хоразмий иншо этган. Дoston шу кунларда Хоразмда жуда машҳур эмиш. Уқиб кўрдилар, ҳар сўзи тиллога тенг, равон, тиниқ, жуда энгил ёзилганга ўхшайди. Абумансур ўзига дostonдан бир нусха кўчириб олди. Ана буни шоир деса бўлади! Унинг Хоразмийга ғойибона ҳасади келди. Начора...

У айрим одамлардай бой-бадавлат яшамоқни истарди, лекин бунинг учун ҳам имкон йўқ... Унда бора-бора одамларга, атроф муҳитга, ҳаётга нафрат уйғона бошлади, одатан меҳру муҳаббатга, мурувватга тўлиши керак бўлган қалб ҳасаду аламларга, кек раскка бағир очди. Натижада ҳамма нарсага ғаш келадиган, бировларнинг ютуғини, яхшилиқларини кўролмайдиган одамга айланди. Бировнинг юзидаги табассум унинг кўзига ёш келтирарди. «Одамларнинг қиналганларини кўрсам роҳат қиламен!.. Уларни бир-бирига уриштириб, бесаранжом қилиб қўйиб, панадан томоша айлаш энг олий фароғатимдир! Одамлар тинч юрса, тинчим бузилур. Барчани остин-устун қилурмен, менсиз ҳеч кимнинг юмуши битмайдир, ҳокимнинг ҳам, қозикалоннинг ҳам! Амир Ҳусайн мени билмайдир, билса Солисаройга олиб кетадир...» деб ўйларди ўзича бу беозоргина туюлган ёвуз руҳ.

Мана, ҳозир ҳам Садр Сулаймон ҳузурига келар экан, Абумансур кўп гапларни айтишни ният қилди. Чиндан ҳам бу гал унинг Самарқанд ҳокимига айтадиган турфа гаплари бор.

— Кел, Абумансур! — қаршилади йигитни Садр Сулаймон. — Кел!

Абумансур югуриб бориб, букилиб, Самарқанд ҳокими чопонининг пешини кўзига суртди, сўнг орта чекинди.

— Турфа янгиликлар бор, султоним! Аммо энг зарурини айтмакни лозим кўрамен... Бир қошиқ қонимдан кечасиз...

— Айт, кечдим.

— Тун салтанатида тўпалон, шов-шув, тўпалон... Абомуслим деган гадо ғойиб бўлибди. У Тун салтанатида — салтанат эмиш! — хазиначи экан... Хи-хи-хи! Бировлар салтанат пулини олиб қочиб кетди, деган ўйда, ўзгалар эса бунга нима дейишини билмай ҳайрон...

— Нечун қайндайдир иприсқилардан сўз очасен? Бошқа сўз қуриганими?

— Султоним, сабр қилсинлар! Ҳамма гап ўша иприсқида-да! У ғойиб бўлгандан сўнг, Тун салтанати фуқаролари, сарбардорлар жамоаси аъзолари шаҳарни кезиб чиқдилар, аммо уни ҳеч қаердан топиб бўлмади...

— Ажабо, қаерда экан у бадбахт? Одамлар кейинги вақтларда тез-тез ғойиб бўлиб қолишяпти-я... — Садр Сулаймон хаёлидан Жаҳон воқеаси ўтди.

— Ҳамма гап ўшанинги қаердалигида-да... — Абумансурнинг каламуш башарасига ёқимсиз табассум ёйилди. — Кеча ғира-шира пайт кўчада келаётсам, сипоҳийлардан иккитаси олдимда сўхбатлашиб боришмоқда. Аввалига эътибор қилмадим, нима кўп, сипоҳийдан кўпи йўқ, ўшалардан бири-да, деб ўйладим. Бирдан «ҳокимнинг ўғиллари», «Худобанда» деган сўзларни эшитиб қолдим. Қадамимни секинлатиб қулоқ сола бошладим. «Ҳаммасини ҳамирдан қил суғургандай бажардик, ўзиям билмай қолди!» деди бири. «Ҳокимнинг ўғиллари ҳам мамнун бўлдилар... Беш динордан ҳада қилдилар...» «Ўзи ўша одамам айиқдек экан-а, зўрға тутдик!» «Биласанми? — сўради би-

<sup>1</sup> Сўз ўйини: «байт» сўзи, ҳам шеърый сатр, ҳам маъносини беради (араб).

ринчиси шеригидан. — Уша Худобанданинг отаси эмиш!» «Садр Сулаймон-ку, унинг отаси?» «Йўқ-да! Самарқанд ҳокими уни боқиб олган... Ҳақиқий отаси ўша экан...»

— Бас! Нималар деяпсен? — чинқириб юборди Садр Сулаймон, елкасидан худди совуқ сув қуйгандек бадани жимирлаб кетди. — Оғзингни юм, оғзингни! Уғлимни бадном қилма!

— Бир қошиқ қонимдан кечасиз, дегандим... — эслатди Абумансур, ичида Самарқанд ҳокимини изтиробга солиб қўйганидан мамнун эди. — Сипоҳийлар гапини айтаётирмен холос...

— Ҳе, айтмай ҳар нарса бўл, ножинс!

Самарқанд ҳокими жойида туролмай қолди. Жимлик чўкди.

— Ҳали ўзимнинг гапимни айтганим йўқ... — ерга қараб деди Абумансур. — Аввало, мен бу гапларга ишонмадим. Сипоҳийлардан билганим шулки, Худобанда ўша кишини тутдириб, Кўксарой тагидаги зиндонга солибди. Ҳар куни ҳолидан хабар олар экан...

— Зиндонга солиб... хабар олади? Сен қайдан биласен?

— Бугун Худобанда ўшани кўргани борганда, мен панада биқиниб турдим. Ҳамма гапларни эшитиб олдим, — деди Абумансур дастрўмолини олиб шилпиқ кўзларини артар экан.

Садр Сулаймон Худобанданинг сўнги кунларда жуда безовта ва серманак бўлиб қолганини эслади. Мана, бугун ҳам, сабоқдан келибоқ, қўлида тугунми, нимадир бор эди, яна қаёққадир йўқолди. Демак, у зиндонга борар экан-да...

Бир пайт қараса, улар, эсларида йўқ, гулзорнинг ёнгинасида, йўлакда тўхтаб қолишибди, наридан-бери ғулломлар у ёқдан-бу ёққа ўтиб туришибди.

— Бу ёққа юр! — деди у Абумансурга фикрини яширмай ва меҳмонхонага бошлади. У ҳар сафар меҳмонхонага кирганда баҳри дили очилар, кўнгли равшан тортарди. Аммо бу сафар маҳобатли меҳмонхонанинг мовий деворлари ҳам, унга нақшинланган жозиб, напармон, оқ, қизил гуллар ҳам, нафис, нилийранг дарпардалар ҳам нурсиз кўринди.

Улар хонтахта ёнига тиз чўкдилар. Абумансур ҳикоясини бошлади. Воқеа бўлган экан.

Абумансур Арк кўчасида юз қадам масофача нарида Худобанданинг шитоб кетаётганини кўрди. Пойлади. Худобанда Аркка кириши билан, Абумансур уни кўздан қочирмаслик учун қадамини тезлатди. Худобанда қаттиқ ҳаяжонда бўлса керак, ён-верига эътибор бермасди. У дарвозадан кириши билан чапга бурилди...

Садр Сулаймон чидамади:

— Э, мунча каловланасан? Уша кўрган ерингдан гапириб кетавер!

— Хўп, хўп...

...Худобанда зиндонга кириб борди. Қоронғилигидан Абумансур уни кўрмай қолди, айни пайтда ўзини ҳам биров илғай олмасди, бу жиҳати яхши бўлди. Зиндонбон уни Самарқанд ҳокими ўғли билан бирга деб хаёл қилди шекилли, индамади. Худобанда зиндон эшигига борди, хира шам ёруғида ҳалиги одам кўринди. У панжарани ушлаб, Худобандани таниди-ю, қувониб кетди:

«Қани ганак? Ё лошқанот! Бунча ҳусни қайдан олдинг, эй худонинг бандаси? Тўхта, бир кўриб олай!»

Абумансур шамнинг хира ёруғида маҳбуснинг соқол-мўйлов босиб кетган юзини, айниқса ўнг чеккасида ёнғоқдек бўртиб чиққан нарсасини аниқ кўрди, Худобанда эса орқа ўгириб турарди.

«Сиз Ахсикентданмисиз?»

«Ахсикентдан...»

«Исмингиз Жалойирбекми?»

«Қаердан биласен? Ё олло!..» ҳайратга тушди маҳбус.

«Ҳокимнинг ўғлисиз...»

«Ие, ие? Валий экансен-ку?»

«Заифангизни Сулувбика дердилар... Марғинон ҳокимининг қизи...»

«Ие! Ие!..»

«Шерўғлон деган ўғлингиз бор эди...»

«Ҳай, ҳай!.. Бор эди... Бор эди...»

«Қизингизнинг оти Ширин бика...»

Маҳбус чидамай зиндон эшигига ёпишди:

«Тўхта! Кимсен? Буларни қаердан биласен?»

Худобандадан энди сас чиқмади. Юрак-бағри эзилган маҳбус қўлларини панжарадан узатиб, Худобанданинг ёқасидан олди ва нидо қилди:

«Қандай биласен барини?! Қайдан биласе-е-ен? А-а-а-а-а!..»

У ҳўнграб юборди. Шам ёруғида Худобанданинг ҳам елкалари титрай бошлади. Иккита эркакнинг хотинчасига йиғлаши кулгили эди. Йиғи орасида Худобанда: «Мен ўғлингизмен! Уша расво ўғлингиз!» деб қўяр, аччиқ ҳақиқатни шу йўсинда ошкор айлар эди. Маҳбус бўлса: «Шерим! Шер ўғлим!» дер эди холос.

Ота-бола узоқ шундоқ ҳолда қолдилар. Маҳбус ичкарида, Худобанда ташқари-

да. Худобанда калит билан эшикни очиб ичкари кирди. Улар бир-бирларининг ба-  
ғирларига отилдилар. Йиғи тўхтамасди, иккиси ҳам ботинан бир қарорга келдилар  
шекилли, ниҳоят кўз ёшларини артдилар. Худобанда деди:

«Ота! Падари бузрукворим! Мен сизни кўпдан излаб юрардим. Хайриятки топ-  
дим. Мен бир нарса демагунча шу ерда истиқомат этурсиз, эл кўзидан йирокда, майда-  
чуйда миш-мишлардан четда... Не қилмакни ўзим айтамен...»

«Ўғлим! Шерим! — деди маҳбус. — Сен ҳоким зурёдисен. Ажабки, мартабанг-  
дан тушмабсен... Ҳозир ҳам Самарқанд ҳокимининг ўғлисен... Онангдан хабар топ-  
дингми? Синглингдан-чи? Бечоралар қайда экан?...»

«Оҳ, синглим! Синглим!.. Топдим...»

«Худога шуқур, синглинг ҳам топилибди!..»

«Оҳ!.. Ундан оғиз очманг, оғиз, падари бузрукворим! — Худобанда ўртаниб га-  
пирарди. — Чархнинг ҳасратли ўйини мени не кўйларга солмади! Мен одам эдим,  
мени ҳирси кўпган бир ҳўкка айлантирди, шармандаю шармисор қилди!..»

«Нималар деясан? — маҳбус танг қолди. — Мени қўрқитма болам!»

«Бобилхонада, о... синглим, йўлимдан чиқибди, йўлимдан! Мен ғофил унинг қўлла-  
ридан ушлабмен! Шайтон измига кирмакчи бўлибмен! Бир баҳя қолибди! Хайриятки,  
худо мени асради! Мен унинг икки кураги орасидаги норини кўриб қолдим, тезда  
ўзимнинг кўкрагимга қарадим! Икки нор бир-бирига ўхшар эди... Мени ўлдиринг,  
мени-и-и!..»

«Ўхшар эди... ўхшар эди...» Маҳбус энтикиб шундан нари ўтолмасди.

«Синглимни топган еримда, ундан айрилдим!.. — Худобанда оҳ уриб давом эт-  
ди. — Сўраб суриштирдим... Ахсикент, Қумариқ, Зомин, Самарқанд... Ширин бика  
ўйин бўлиб бобилхонага тушибди... Не чорам бор, айтинг не чорам? Унинг оламда  
яшашга ҳаққи йўқ, деб ҳисобладим!..»

«Нима-нима?! — ҳаприқди маҳбус. — Нима дединг?...»

«Яшашга ҳаққи йўқ, деб ҳисобладим... Оламдаги барча нопокликларни фақат  
бир нарса, ўлим поклайди холос. Ва... синглимни ўз кўлим билан бўғиб ўлдирдим,  
дуои раҳматини олдим...»

— Бу даҳшатли гапни эшитиб, султоним, Худобандага раҳмим келиб кетди...

— Кейин нима бўлди, у ёғини сўзла! — Садр Сулаймон ўғли Худобанда фожиаси-  
дан қаттиқ ҳаяжонга тушди; у воқеани охиригача билишни, билгач, нима қилишнинг  
ташвишини чекарди.

«Маҳбус бу гапларни эшитиб, ҳушидан кетиб қолди. Худобанда унинг ҳушини  
жойига келтириш учун сув қидириб, ташқарига отилди Мен, у кўриб қолмасин, деб  
олдинроқ тез чиқиб кетдим... Қолганини билмаймен...»

Самарқанд ҳокими Абумансур ҳикоясини эшитиб оғир ўйга чўмди. Унинг бирдан-  
бир топган ўғли Худобанда мана бундай маломатларга қолиб ўлтирса! Ўзи ягона ўғил  
бўлса, Самарқанд ҳокимининг иқбол ва салтанат сандиғидаги яккаю ягона дур! Э,  
парвардигор, Садр Сулаймондай бир бегуноҳ банданга нима қасдинг бор? Нечун эл  
ардоқлаб, эъозлайдиган бир одамни, мамлакат аҳли ҳурматлайдиган саромади за-  
мона, бамаъни бир кадхудони қурт-қумирсқадай авом олдида бунчалар хору хокисор  
қилурсен ахир? Энди бутун аҳли Самарқанд, шаҳар ҳокими бошига тушган савдодан  
нақл қиладир, оғзига кучи етмаган ҳар ножинс бирга иккени кўшадир, игнанинг учидай  
гапга фил ҳавосатини берадир...

— Султоним!.. — ҳокимнинг хаёлини бўлди Абумансур.

— А?... Садр Сулаймон чўчиб тушди. — Ҳа... Сўзла-чи...

— Худобанда билан маҳбус не фикрда тўхталганларини ҳам билиб келаман.

— Бу қандай бедодликки, энди бир қўсқи чиқиб менинг ўғлимни ўзиники қилиб  
олмакчи бўладир? Ўғлим деб оғиз кўпиртириб эл ичра юрадир? Не ҳадди бор? Не  
ҳадди бор? Жамма?

Садр Сулаймон кириб келган Жаммазабон девонбегига негадир:

— Кўксаройга! Зиндонга! — деб чинқирди.

Самарқанд ҳокими зиндон эшигида ёнидагиларни қолдириб, ўзи ичкари кирди.  
Биқик ҳавода нафаси қисилгандай бўлди. Зиндонбон Худобанданинг келишларига  
кўникиб қолганди, лекин зиндонга оёқ изи босмайдиган шаҳар ҳокимининг ташрифи  
бечорани шошириб қўйди.

— Ялангоёқ гадога олиб бор! Лекин Худобанда билмасин! — буюрди ҳоким.

Кимдир келганлигини сезган Абомуслим панжарага яқинлашди. Садр Сулаймон  
шам ёруғида миқтидан келган бақувват, соқол-мўйлови ўсиб кетган, ўнг чеккасида  
ёнғоқдек нарса бўртиб чиққан сочлари патак бир тараққосни кўрди.

Абомуслим Самарқанд ҳокимини таниб қаттиқ таажжубга тушди.

— Эй, гадо! — ўдағайлашдан бошлади гапни Самарқанд ҳокими. — Нечун сен  
Худобандани менинг ўғлим, деб даъво қиласен? Танингни зиндонда чиритиб юбора-  
мен, даюс!

Абомуслимнинг қоп-қора юзига табассум ёйилди.

— О... Худобанда — менинг ўғлим...

— Бас! Бу гапингдан тийил, эй бетга чопар!  
— Йигирма йилдан сўнг топдим... — сўзларди маҳбус бепарво.  
— Не олсанг ол, мол оласенму, зар оласенму... Аммо Худобандани тинч қўй! Ҳар хил гапинг, чўпчагинг билан ёш боланинг бошини оғритма!  
— Чўпчак... Узга ҳақиқатларнинг юзтасига тенг келадиган чўпчак-да...  
Абомуслим ўз фикрида қаттиқ турар эди. Самарқанд ҳокими ишни ими-жимиди ҳал этиб, ёпди-ёпди қилиб юбормоқчи эди, бўлмади. У қозихонага йўл олди.

\* \* \*

Шу куни оқшом Қавомиддин қозининг сипоҳийлари Жаммазабон девонбеги билан Абумансур этагида зиндонга кириб келдилар. Зиндонбоннинг одамлар серкатнов бўлиб қолганидан тобора ҳайрати ортиб борарди.

— Бошинга бахт қуши қўнай деб турибди, эй гадо! — деб бошлади сўзини Жаммазабон девонбеги, ўлжасини чўчитиб юбормаслик учун айёрлик қилаётган тулкига ўхшаб. — «Қани ганак? Ё лошқанот!» деган сўзларни яхши кўрар экансен. Ганак ҳам бўлади, лошқанот ҳам...

— О, мен бу сўзларни ўғлимни топдим у эсимдан чиқариб юбордим!.. — деди самимий Абомуслим.

— Сен Худобандани ўғлим дер эмишсен... Бундан сенга нима фойда? — Жаммазабон девонбеги давом этди. — Худобанданинг султонимнинг ўғли эканлигини Самарқанд тугул, бутун Туркистон, етти иқлим биладир. Сен уни менинг ўғлим, деганинг билан, ким ишонадир? Аксинча, ўзинг кулги бўлиб қоласен... Ҳамма, шундай офтоб-жамол йигитни ким ўғлим дегиси келмайди, битта қўсқи гадо ҳам шундоқ деса, дебди-да, нотавон кўнгилга қўтир жомашов, деб масхара қилади...

— Худобанда — менинг ўғлим... Унинг исми Шерўғлон...

— Уғлинг эмас... Яхши ўйлаб кўр... — деди қатъий Жаммазабон девонбеги. — Хуллас, гап бундай... Султоним сенга катта бойлик ваъда айлайдир, бир қишлоқнинг волиёлигини ҳадя этадир, яйрайсен, гадолик жандасини эғнигдан бадар улоқтирасен!.. Бир қишлоқнинг волиёлиги-я!

— Уғлимни топиб, оламга подшо бўлгандекман... — мағрур деди Абомуслим. — Наҳотки подшоликни ташлаб, кичик бир қишлоқ волиёлигини танласам!..

— Бошинга бахт қуши қўнай деб турибди, рози бўл!..

— Рози бўл!

— Рози бўл! — дейишди бошқалар ҳам.

— Йўқ! Йўқ! — деб юборди Абомуслим. — Уғлимнинг кўкрагидаги нори худди ўзи! Воз кечмайман! Воз кечмайман! Ҳамманг жўна! Жўна! — у икки қўли билан панжарани ушлаб қаттиқ силкита бошлади. Жез панжара қисир-қисир қиларди.

— Шундоқми? — Жаммазабон девонбегининг ўсиқ қошлари чимрилганидан кўзларини тўсиб қўйди. — Итнинг калласини лаганга солувдик, юмалаб кетди-ку...

Унинг ишораси билан зиндон эшигини очдилар. Олти сипоҳий бир бўлиб Абомуслимни дўппослай кетдилар, кимдир дарра билан урди, кимдир тегди, муштлади. Абомуслим аввал баравар солишди, аммо бас келолмади. «Ўзимникини ўзимники десам калтак есам-а...» дерди ҳайратда. Қандайдир зарба келиб кўзи аралаш пешонасига тегди, кўзида ўт чақнаб кетди! Абомуслим охир букчайиб ўтириб қолди.

— Айтганларингизга розиман, демагунингча шундай бўлади, билиб қўй! Уз фойдасини билмаган аҳмоқ!..

Эртаси куни чоштвоҳда Жаммазабон девонбеги билан Абумансур меҳмонхонага кириб келганларида Садр Сулаймон танҳо ўзи хаёл сурганча деразадан олисларга тикилиб турарди. Зарафшон тоғларига ҳам баҳор нафаси етибди, ёнбағирлар ям-яшил рангга бўялибди... Унинг ўша ёқларга боргиси келиб кетди, бироқ шу ондаёқ бунинг иложи йўқлигини ҳис қилди. Аслида доғгоҳга бориб, бия ва қулунларни тамғалатмоғи ҳам лозим эдику-я...

— Келдингми? — йўтал овозини эшитиб, тоғлардан кўзини олди Самарқанд ҳокими. — Биламен, гадо рози бўлмади... Энди бошқа гап чиқиб қолди, ўғилларим. Бошимга кулфат тушди! Гапимга яхшилаб қулоқ солинглар, ақлли йигитсизлар. Сўнги кунларда менинг яккаю ягона ўғлим Худобанда восвос касалига дучор бўлибди, ажабки эс-ҳуши жойида эмас... Кўпдан кузатиб юрардим, аммо кимсага ёрилмас эдим. Энди чора қолмади...

— Йўғ-э! — деди ҳайратда Жаммазабон девонбеги. — Наҳотки? Султонзода-я?

— Ҳа, энди чора қолмади... Бу нарсани элга маълум этмасак, кўп нохушликларга сабаб бўлади... Йўқ эса, Худобанданинг ҳар бир айтган гапига ишона бошлайдилар. Унинг эса анчагина эси айниган. Мен сўйлашиб, гапларини англамадим... Эс-ҳушидан мосуво одам оғзига не келса шуни дейдир. Жунуни кўзиб, ўзининг ким эканин ҳам билмай қоладир... Дам мен подшонинг ўғлимен деса, дам гадонинг ўғлимен, дейдир. Зарафшонни тескари оқизадурмен, деса ҳам мумкин. Ҳа... кўргилик... — Самарқанд

ҳокими уҳ тортди. — Эй, парвардигор, якка-ю ёлғизимни ҳам кўп кўрдингми? Уғлим пешонамга сиғмай қолдимми?.. Э, бевафо дунё!..

— Укинманг, султоним! — юпатди Жаммазабон девонбеги. — Дардини берган эгам шифосини ҳам берар...

— Ёмон бўлибди, ёмон бўлибди... — деди Абумансур.

— Эл-улус сиз билан биз айтганчалик тушунмас, турфа миш-мишлар пайдо бўлар... Барчасининг олдини олмоғимиз лозимдир. Начора, пичоқни ўзимизга урадурмиз! Якка-ю ёлғизимнинг ақлдан озганини элга ўзимиз ошкор этадурмиз... Эвоҳ! Токи унинг айтган гапларини бир телбанинг гапи деб англасинлар, инobatга олмасинлар! Жамма, сен одамларингга, буюргил, бозорга боришсин, сен Абумансур, қозихонада, мадрасада одамлар орасида ушбу аччиқ гапни айтинлар! Хайҳот, — йиғламсинди Самарқанд ҳокими, — Садр Сулаймоннинг ўғли Худобанда жинни бўлибди!.. Бу не деган сўз, эй ёронлар!.. Э, худо, нималар қилиб қўйдинг!..

— Ўзкент томонларда бир ажойиб табиб бор, дейишади, — далда бериш учун деди Жаммазабон девонбеги. — Ушанга кўрсатиш ҳам яхши самар бергай, иншооло...

— Термиз отага олиб бориш лозим. Бир зиёрат этиб келса, бор инсу жинслардан фориг бўлур, деб умидвормен... — деди Абумансур. Энди шундай улкан давлат меросхўри бўлмак ҳар қандай бечоранинг ҳам эсини ўзидан бегона қиладир...

— Уғлим! Якка-ю ягона ўғлим! — дер эди холос Самарқанд ҳокими.

Ёмон гапнинг қаноти бор, деганларидай, тезда бутун шаҳарда: «Самарқанд ҳокими Садр Сулаймоннинг ўғли Худобанда ақлидан озибди», деган хабар тарқалди.

## ИГИРМА УЧИНЧИ БОБ

### Йўқликдан қайтиб келган қиз

Бошига тиллақош қўндирган, оппоқ ҳарир кўйлак кийган, келинчалардай ясанган Жаҳонни кўрганда, ёприлиб келган қувончга бардош беролмай Қорасоч биканинг тиззаларидан дармон кетди. Абубакр Калава уни қўлтиғидан тутиб қолмаганида йиқилиши аниқ эди.

— Сизга нима бўлди, эй феъли юмшоқ? Мана, қизингиз соғ-саломат келди, шунга шукр қилинг... — далда берарди ота аммо, ўзи ҳам кўз ёшларини зўрға тийиб турарди. Абубакр Калаванинг қувончи икки томондан эди, аввало, Жаҳон соғ-саломат топилди, иккинчидан, бу ташвиш бутун Самарқанд сарбадорлари жамоасини жипслаштирди, бало-қазо олдида уларни бир жону бир тан қилиб қўйди. У бўйи бўйига тенг бўлиб қолай деган қизининг манглайдан ўпди.

— Вой менинг шаддод қизим! Тўмарис қизим!.. — кўнгли ийиб дерди Қорасоч бика Жаҳонни бағрига босиб тўймай, кўз ёшлари эса кулча юзларини тинимсиз юварди. Йўқликдан қайтиб келган Жаҳон ҳеч нарса демас, онасининг бағрига бош қўйганича, отасига эшиттирмай унсиз йиғларди. У меҳрибон отасини, ғамгузор онасини не ташвишларга солмади, лекин айби нимада? Агар кўзга яқин бўлса, сулув бўлса, унда не гуноҳ? Энди у бир нарсага аниқ ишонди: одам ҳар қандай шароитда ҳам бош эгиб қолмаслиги керак экан, курашмоғи жоиз, шундагина орзусига эришади, инсонлиги оқланади. Агар Жаҳон шаддод бўлмаганида Ғунчачи бегимнинг қора чангалидан омон-эсон чиқиб кета олмасди. Ана, қанчадан-қанча у тенгли бегуноҳ қизлар ўша ерда хору нотавон ётурлар, керак пайтда буюмдек сотурлар, нокерак пайтда қайчидек бир четга отурлар!.. Аммо уни қутқарган биринчи галда отасининг дўстлари, Самарқанд сарбадорлари ва албатта... Мавлонозода!.. Оҳ, у севганини тезроқ кўрсайди!..

Она-болалар йиғлашиб кўришишиб, кўнгиллар ўрнига тушгач, дастурхон ёнига ўтирдилар. Абубакр Калава деди:

— Индин эрталабга ароба айтиб қўйганмен, Қосим аравақашнинг ўғли аробасини олиб келади. Онаси, отамнинг боғига борурмиз. Отам набираси Жаҳоннинг савдосидан хийла ташвишга тушганлар... Бориб, ул зотни зиёрат айлаб қайтурмиз... Жаҳон у жойларни кўриб, ёзилиб ҳам келади... — Кейин қўшиб қўйди: — Камонмерган билан Мавлонозодалар ҳам бизларга ҳамроҳ бўлишади.

Қорасоч бика бу гапдан мамнун бўлди. У, қирқ кундирки, ота-онасининг олдиларига боролмаган, қаттиқ соғинган эди.

— Отажонимдан айланай! Мен бовом билан энамни жудаям кўргим келганди! — дея юраги ёрилгудай қувонди Жаҳон. — Қандай яхши! Энди уларни кўриб келамен! Бовоси Абдумавлон юз боғини кўриб келишнинг ўзи олам-жаҳонга бергисиз бир шодлик эди, Мавлонозоданинг ҳам бирга боришини эшитиб, қиз тақдирнинг буюк илтифотига ичида шукрлар қилди.

Эртасига пешинга яқин меҳмонлар келиша бошлади. Аввал ҳолвачилар маҳалла-



си оқсоқоли Ҳалвойи ёстиқдоши Ашур биби билан кириб келишди. Ашур биби кўришиб бўлгач, турфа ширинликлар, қандолатлар ўралган дастурхонини Қорасоч бикага тутқазди.

— Нима қилардингиз, эгачи, овора бўлиб?.. — деди Қорасоч бика дастурхонни оларкан.

— Вой, оворагарчилиги борми! Бирам суюндим, бирам суюндим! — самимий сўзларди Ашур биби. Асли панжикетлик бу муштипар тожик аёли билан Қорасоч бика яхши ўртоқ эдилар, борди-келдилари узилмасди.

— Вой, онагинанг қоқиндик! — эркалади Ашур биби Жаҳоннинг юз-кўзларидан ўпиб. — Тўйингда ўйин-кулги қилайлик, болам. Ҳа, бутун ширинликлар биздан, бир чакмоқ қандиям бошқа ердан олмайсан... Қодир амак қилиб берадилар, хотиржам бўл!

Жаҳон уялиб бошини эгди.

— Айтганингиз келсин! — миннатдорчилик билдирди Қорасоч бика ва Ашур бибинини ичкарига етаклади.

Кетма-кет Уста Кулол хотини Жаннатой, Лакшман эса Читрабону ва Кумарлар билан кириб келдилар. Ҳаммалари Жаҳоннинг омон-эсон топилганини эшитишиб, Абубакр Калава билан Қорасоч бикани қутлашга шошилишганди. Аёллар ичкарига йўл олдилар, эркаклар ёзги айвончага йиғилдилар. Кумар ҳовлининг этагида, ўчоқнинг олдида куймаланиб юрган Жаҳоннинг ёнига борди ва қизга кўмаклаша бошлади. Жаҳон ширингина қилиб: «Айланай укажонимдан!» деди-да, Кумарнинг пешонасидан ўпиб қўйди.

— Кумаржон! — деди Жаҳон меҳр билан. — Ушанда, Чорсуда мени олиб қочганларидан кейин нима бўлди?

— Мени қаттиқ тепдилар... Сиз кетганингиздан кейин йиғладим... Опажон, Ахий Жаббор акам сизни топаман деб, кўп уриндилар...

— Қайси Ахий Жаббор аканг?

— Ана бор-ку, учли қалпоқ кийиб юради... Жуда яхши акам... — тушунтирди Кумар. — Ёнида пичоқ тақиб юради. Мўйлови бор...

— Мавлонозода акангни ҳам кўриб турдингми? — Кумар билавермагач, тузукроқ эслатди. — Ҳалиги, толиби илм... Чиройли кийиниб юради... Мадрасада ўқийди. Бор-ку!..

— Ҳа... Кўриб турдим.

— Яхши...

— Опажон, биласизми, сизни қандай қутқардик? — Кумарнинг кўзларида ўт чакнади. — Мен ҳам қатнашдим. Рамазон айтдим...

— Ие? Рамазон айтдим?..

— Ҳа-да! Сирли саройни шундай топиб олдик-да!.. Опажон, — бирдан шивирлашга ўтди Кумар. — Ахий Жаббор акам-чи, сизни жуда яхши кўради, Ҳа...

— Нималар деяпсан? — бу гап хуш ёқса ҳам, Жаҳон сездирмади.

— Биласизми, сизни кўрса, ёки номингизни эшитса, қизариб кетади, шошилиб қолади... Жуда яхши акам-да... — Кумар нимагадир илтижо қилгандай, ялингандай гапирарди. — Яхши акам...

— Бўлди, бу гапларни қўй! — кулди Жаҳон. — Вой ўлмасам, қозон куйиб кетади! Кумар, оловни торт! Тез бўл!

Жаҳон капкирни олиб қозондаги паловга қаради.

Ёзги айвончада ҳам сўхбат қизгин эди.

— Тожкент томондан хабарлар борми? Жета хони билан уруш ниҳоясига етиб қолгандир? — сўради Уста Кулол Абубакр Калавадан.

— Мовароуннаҳр ҳукмдорининг қўли баланд эмиш... — жавоб қилди Лакшман.

— Шундай бўлсин, ишқилиб! — Абубакр Калавар маҳалланинг бир юмуши жиҳатидан қозихонага борганида қозикалон оғзидан эшитган гапни айтиб берди. Жангнинг биринчи кунни Мовароуннаҳр лашкари ёғийни хийла тинкасини қуритган эмиш. Келган чопар шундай депти.

— Подшоларга ёлғиз уруш керак экан, ҳақиқий уруш бандалари деб ана ўшаларни айтса бўлади, — кулди Лакшман. — Биз, ҳиндлардаги зўр китоблардан «Махабхарата» билан «Рамаяна» каби дostonларни тингласангиз, шу олам фақат жангу муҳорабадан иборат экан-да, дейсиз...

— Урушнинг урушдан фарқи бор, феъли яхшилар, — деди Абубакр Калава. — Мана, кўрингиз: агар мен қўшнимникига бостириб кирсам, бундай урушни қўшним тугул, замон-замон, авлоду аждоқлар қоралайди, лаънат ўқийди. Аммо биров меникига бостириб қиради, менинг уйимда катталиқ қила бошлайди. Мен қараб тураменму? Йўқ, ўзимни ҳимоя қилиш учун, уйимни асраш учун қўлимга қурол оламен, саваш қурамен!.. Бундай урушни замон-замон, авлод-аждоқлар қўллаб-қувватлайдилар. Шундай қилмаслик инсонликка тенг эмасдир...

— Қани биров уйимизга бостириб кирсин, нима қилар эканмен! — хезланди Уста Кулол беихтиёр энгларини шимариб, худди ҳозир жангга киришиб кетадигандай. — Қани, кириб кўрсин!

— Кечаги Чорсу майдонида бўлган издиҳомда такрор ўлпон тўлашни йўқотдик. Бу

катта гап, эй феъли равшанлар! Бу Самарқанд сарбадорларининг улкан кудратини кўрсатади. — якунлади сўзини Абубакр Калава мамнун.

Меҳмонлар кетишга қўзғолганларида қош қорая бошлаган эди.

f \* \* \*

Эртасига чошгоҳга қолмай Кумушкентга, Абдумавлон юз боғига қараб йўлга равона бўдилар. Қорасоч бика билан Жаҳон эшак аробага чиқиб олдилар, эркаклар олдинроқда борардилар. Наддофлар кўчасидан Обимашҳад ариғигача йўл узоқ эмасди.

Абубакр Калава Хўрдак Бухорий билан Мавлонозодани Абдумавлон юз боғига таклиф этишининг сабаби бор. Унинг нияти, шаҳардан ташқарида, назарлардан четда жамоа, улус ташвишлари хусусида сўйлашиб олиш, ҳаракатлар равишини аниқлаштириш, фикру мақсадни, шижоатни бир жойга қўйишдан иборат...

Яқиндаги ўлпон жанжалидан кейин Самарқанд сарбадорлари сир пардасидан ёруғликка чиқди, борлиги олам-жаҳонга ошкор бўлди. Жамоа сафига қўшилувчилар ҳам кўпая бошлади. Баски, бу жамоани бошқармак, бир йўлга солмак лозимдир. Ҳозир сарбадорларнинг вакиллари шаҳарнинг ҳамма маҳаллаларида бор. Ҳатто Термизу Шаҳрисабз, Бухорою Тошкентдан кишилар келиб сарбадорларга қўшилмакларини изҳор этадилар. Наддофлар маҳалласининг оқсоқоли, Самарқандни фозил шаҳарга айлантирмак, оқил жамоа тузмак орзуси, энди хаёллар қучоғида ортиқ қола олмаслигини ҳис қилади. Бу орзу энди ана бу Ургут тоғларидан парвоз этган бургутдай оламни кенг қамрамоғи керак... Аммо у бургут кўнар жойин билурми?..

Обимашҳад бир-икки бурилишлар ҳосил қилгач, уч қақиримча масофадан кейин яйловга чиқиб борарди. Атрофда баҳор нафаси кезар, табиат ажабтовур безанган... Абубакр Калава, сал бемалолроқ сўзлашмак маъносида бўлса керак, катта эшакка миниб олиб, аробани ҳайдаб бораётган Қосим аравакашнинг ўн икки яшар ўғлига буюрди: — Олдинга ўт, ўғлим! Лекин йироқлашиб кетма!

Халачўп нуқшидан эшак юришини тезлатди. Аробада, қалин кўрпачада ўлтирган Қорасоч бика бошига эрининг яктагини ташлаб олган; ёнида Жаҳон, фавқуллодда шодлиги чексиз; она-бола шивирлашиб гаплашиб боришарди. Қиз гоҳ-гоҳ Мавлонозода томон кўз қирини ташлаб кўяр, икковлари ёнма-ён бораётганларига ҳеч ишонгиси келмасди.

— Кумушкент сафаридан мақсад битта, — деди шу пайт Абубакр Калава, оҳиста қадам ташлар экан. Майин эпкин эсарди. — Мақсад битта, эй феъли пишиқлар!.. — давом этди Абубакр Калава. — Хўш... Улусни бахтли, саодатли қилиш истаги сусайиб қолмадими? Сарбадорлик эътиқодимиздан чекинмадикми? Мана шу борада сизлар билан кенгаши бир жойга қўймак фурсати келди. Шу дақиқагача жуда кўп сўз кетди, амал ҳақида калом оз бўлди...

Орага жимлик чўкди. Норғил Хўрдак Бухорий қўлларини орқасига қилганча ерга тикилиб борарди. Мавлонозода бошини ғоз тутиб йироқларга боқар, олдинда кетаётган аробага қараётибдимми, ёки олисдаги адирлар пойида ястаниб ётган ям-яшил қишлоқларни томоша қилаётибдимми, билиб бўлмасди.

— Сўз кўп кетди, вале амал мутлоқ йўқдир! Сиз ҳақсиз! — Абубакр Калава фикрига қўшилди Хўрдак Бухорий бўйдоқ ўсмирлардай овози дўриллаб.

— Маъзур тутсинлар, бу гапга унча қўшила олмаймен... — эътироз билдирди Мавлонозода, аробадан кўзини узиб. Ароба йигирма беш қадамлар нарида борар, Жаҳон қандайдир қизиқ бир нарсани Қорасоч бикага сўйлай бошлаганди.

— Важи не экан?.. — сўради Хўрдак Бухорий.

— Важи, биз шаҳримизда анча-мунча юмушни ўринлатдик, деб айта оламен...

— Нечук юмушлар?..

— Нечук юмушлар, дейсизми?.. — изоҳ бера бошлади Мавлонозода. — Аввало, жамоамиз пайдо бўлди. Самарқандда неча минг кишилар жамоа фуқаролигини орзу этиб, бизнинг ҳужра эшигин қоқадирлар. Тунов кунги ўлпон жанжалидан кейин айниқса кўпайди. Сўгин, «Хайрия» ташкил этилганлиги ҳам улғу бирлик аломатидир. Ташвиш кишиларни бирлаштирадир. Булар сўз эмас, амал деганимиздир. Мен ушбу сўзни Самарқанд сарбадорлари жамоаси котиби сифатида айтаётирмен...

— Барибир булар, ҳали сўз... — ўз фикрида қатъий эди камонмерган.

— Илмда аввал сўз бўлган, деган ақида машҳур... — ён бермасди Мавлонозода ҳам. — Ҳамма нарса сўздан бошланади... Сўзу амал!..

Мавлонозода шу ерда ўзининг котиблиги хусусида гапирди. Авваллари Абубакр Калава билан пинҳона қадр талашиб, доимо: «Нега у сарбадорлар жамоаси оқсоқоли бўлади, ҳолбуки мен шунга лойиқмен!» деган хаёлларга борар, котиблик рутбаси унинг иззат-нафсига теккандай туюларди. Яқинда юз берган бир ҳодисадан кейин бундай хаёллардан тийиладиган бўлди. Гап шундаки, уни бир кунги, бу ҳали Жета хони билан муҳораба бошланмасдан аввал эди, оқшомда Темурнинг эгачиси Қутлуғ Туркон оқа хонадонига қақриб кетдилар. У Арк кўчасидаги кенг ҳовлига кириб борганида Аббос

баҳодирни кўриб ҳайратга тушди. Энди унда гадонинг жандасидан асар йўқ, эғнида бекларга хос либос, бармоқларида узук, ёнида эса исфаҳон қилич...

«Нечун мени бундоқ кўриб ҳайрон қолурсен, эй муллавачча?» — ишшайди Аббос баҳодир андишасизларча.

«Гадоликни тарк айладингизму?» Мавлонозода кечаги гадонинг бугун ўзини бу қадар бетакаллуф тутишидан ўнғайсизланиб сўради.

«Асло! Одам боласи ҳеч қачон гадоликдан қутула олмайди! — масҳараомуз кулди Аббос баҳодир. — У бир умр нафс гадоси!»

Улар меҳмонхонага кириб бордилар. Шифти баланд кенг меҳмонхона тўрда; Темур пар ёстиқларга ёнбошлаб ўтирарди. У Мавлонозода ҳурмати ўрнидан турди, ўткир кўзларида яқин қариндошни кўрганда пайдо бўладиган меҳр чақнади. Бошини ғоз тутганча Мавлонозодага кучоқ очди:

«Жигарим! Омон-эсонмисиз?»

Мавлонозоданинг кўнгли увалгудай бўлди. Падари бузрукворни ўтиб кетган бўлса ҳам, ҳали-ҳануз ёлғизликни сезгани йўқ... Қуллуқ, Темурбек ҳамisha хабар олиб туради, чақадан ҳам қарашадир...

Шу асно Қутлуғ Туркон оқа кириб келди. Ўттиз уч ёшлар чамасидаги ўрта бўйли хушрўй бу аёл, ҳамал кирганига қарамай, ҳали ҳавонинг заҳри синмаганлигидан, пахталик қизил кимхоб тўн кийиб олганди. Ҳол-аҳвол сўрашдилар.

«Сабоқларингиз нечук, Нодирбек?» — сўради Темур.

«Қулуқ! Емон эмас...»

Бошқа савол-жавоб бўлмади. Барча ноз-неъмат тўла дастурхонга қаради, бир оздан кейин бир қўйнинг гўштини ўртага олиб келиб қўйдилар.

«Иинининг пойига сўйдирдим бу қўйни... — деди Қутлуғ Туркон оқа. — Яхши-яхши еб ўлтирингизлар!..»

«Самарқандда сарбадорлар жамоаси не юмушлар қилмакда? Сиз, билишимча, бу издиҳомдан бохабарсиз, Нодирбек?..»

Мавлонозода дарров Аббос баҳодирга қаради. Сарбадорларнинг кор-ҳолидан Темурбек огоҳ экан, бунда Тун салтанати фуқароси Аббос баҳодирнинг хизмати йўқмикин?

«Самарқандни фозил ва обод шаҳарга айлантирмак — биз сарбадорларнинг эзгу ниятимиздир, Темурбек оғал!»

Темур билан Мавлонозода ўртасидаги фарқ олти ёш эди холос. Шунга қарамай амир мадрасасининг толиби илми олдида кўпни кўрган, дунёни бир қайириб олган кадхудоларга менгзар, Мавлонозода буни сезар эди.

«Жамоага оқсоқоллик қилишни Абубакр Калавага қўйиб берингиз! — қатъий деди Темур. Ажабо, у Мавлонозода кўнглидаги шубҳаларни қайдан билибди? — Ҳали ишлар олдинда чирой кўргизадир. Сиз, котиб мартабасида бўлмагингиз жойиз. Ҳали ёшсиз. Олло таоло бандасини бир нарсада кам кўрса, бошқа нарсада ўрнини тўлдириб беради...»

«Самарқандни фозил шаҳарга айлантирмакни бизлар муаллими соний Абу Наср ал-Форобий ат-Туркийдан ўргандик, — дея Мавлонозода давом этди. — Бешинчи иқлимдан бўлган Самарқанд етти иқлимга донғи кетган шаҳар, етук жамоа рутбасини олғусидир! Биз сарбадорларнинг, фозилу фуқаро, рунуду авбош, гадо-ю дарвишнинг ниятимиз ушбудир!..»

«Абу Наср ал-Форобий ат-Туркий... Саромади замона... — хаёлга чўмди Темур. — Фозил жамоа ҳақидаги рисоласи беқиёс... Ўқиб, мадад олурсен... Жамоа тузмакни, юрт бошқармакни ният қилган ҳар оқил ул рисолаи бошига қўйиб ётмаги керак... Сиз сарбадорларга омад тилаймен! Аббос баҳодир! Майли, агар сарбадорлар Садр Сулаймонга қарши исён қилмакчи эканлар, қилсунлар! Бу икки кўзли бир қоп гўшт, нопокликларга йўл қўймиш, бобилхона очдириб, ҳар мусулмоннинг ғурурига, иззат-нафсига тегадиган иш қилмиш... Қўстантия, Қоҳира, Бағдодда бўлса, нечун Самарқанд улардан улги олмоғи керак?.. Бу шаҳарда уламоу машойихлар қадри тушганлигидан далолатдир... — Темурнинг қалин қошлари чимирилди. — Бешубҳа, Самарқанд сиз айтгандек, етти иқлимга донғи кетган шаҳар, етук жамоа пойтахти рутбасини олғусидир!.. Вақтисоатида... Иншоолло!..»

Мавлонозода Темурни фақат қилич бандаси, жанг-жадалдан бошқа нарсани билмайди деб ўйларди, унинг муаллими соний рисоласини ўқиганлигини эшитиб, очиги, лол қолди. Темурнинг Самарқанд ва Садр Сулаймон ҳақидаги фикрлари ҳам толиби илмни қаттиқ ўйлантириб қўйди.

Аббос баҳодир эса бир нарсани англай олмади: «Темурбек Самарқанд сарбадорларини қўллаётирми? Уларнинг ҳокимиятга, яъни Темурбекнинг ўзига қарши чиқишларини маъқул деяётирми? Ахир улар бориб турган душманнинг ўзи-ку? Уларга имкон келса, на Амир Темурни омон қўяди, на Амир Ҳусайнни!..»

Аммо сиёсий ишларнинг тўққиз улушини кенгашга қўйиб, бир улушини қиличга қолдиришга ўрганган Темур бошқача ўйларди. «Бу дунё даштини кезмак — ўмбадўмба жойда юрмакка баробар. Асло тинчи йўқдир. Ўзинг токим ҳокими мутлоқ эмас

экансен, босган қадамингда ривож бўлмас. Юрт эса Амир Ҳусайндай бир келгинди амир илгида хор-хокисор... Бунга чидамак учун тоғдек юрак керак бўлур. Ҳукмдорга қарши не бўлса — Темурга ҳушдир. Самарқанд сарбадорлари агар шаҳарни идора эта бошласалар, Амир Ҳусайнга катта зарба берган бўладилар... Инчунин, Темур бу хуружга ривож бердирмаги лозим, ниятини Самарқанд сарбадорлари жамоаси котиби Нодирбек ибн Яҳё орқали амалга оширсин... Сўнг барчасини ўзига боқинтирмак чорасини қилур...»

Темур Мавлонозодага юзланди:

«Кўнглим сарбадорлар тарафиндадир. Ўз вақти-соатида ушбу оқ сўзимни барчасига етурунгиз. Аммо ўзлари билсин, ўзганинг билмаги шарт эмас...»

Мавлонозода қувониб кетди. У Темурни ҳар нарсани етти ўлчаб бир кесадиган амир деб билади. Самарқанд сарбадорларининг нияти унга маъқул бўлган экан, бас, Абубакр Калава, Мавлонозодалар тўғри йўл танлашибди-да!

Садр Сулаймон мадрасасининг толиби илми бир неча кун ўша суҳбат таъсирида юрди, лекин ҳеч кимга ҳеч нарса демади, зеро фурсати ҳам келмаганди.

— Мавлонозода, афсуски, амал деганингиз сал тош босмай турибди-да! — Хўрдак Бухорий жилмайди. — Ҳозир тушунтирмакчи бўламен. Амал деганда мен аниқ ижро этилган юмушни англаймен. Хўш... Самарқанд фозил шаҳарга айландими? Йўқ... Эл-улус бахтли, саодатли бўлдики? Йўқ... Сарбадорлар дадил бир ишга илик суна олурмилар! Дейлик, шаҳарни обод этиш, етима-есир турмушини яхшилаш, ҳар хил урушларга барҳам бериш, эл-улусни илму урфон чаманига бошлаб олиб бориш, фаҳшу разолатга чек қўйишлар ҳақида оғиз кўпиртирадирмен...

— Бу юмушлар, сиз ҳасиз, ҳали бўлгани йўқ... — тан олди Мавлонозода.

— Ҳа, ўлманг! Мен сўз кўпу амал мутлоқ бўлмади, деганимда ана шуларни назарда тутгандим...

— Хўш... у ҳолда не қилмак керак? — сўради сарбадорлар жамоаси котиби, у бир оз қизиша бошлади. Жаҳон ҳам кўринмай қолди, ароба тепалик ортида ғойиб бўлди. — Қани, айтинг-чи, не қилмак лозим? Не?

— Мен ҳам шуни ўйлайдирмен... — деди Хўрдак Бухорий.

Абубакр Калава улар баҳсига аралашмади. Гапининг очиғи, бундан буёғига у ҳам нима қилмак даркорлигини аниқ тасаввур этолмайди. Бир нарсани яхши билади, ҳоқимиятни қўлга олмак энг биринчи вазифадир. Садр Сулаймонга бориб: «Қани, ҳоқимиятни беринг, Кўксаройдан чиқинг!» деса, у кўнмаса керак... Еки шайхурраис Абу Али Сино айтганлардай, қўлга тиг тутиб, қилчига таяниб, туғён кўтариб ҳоқимиятни тортиб олмоқ лозиммикин? Сабзаворда сарбадорлар қандоқ қилиб юрт бошига келиб қолишди? У ерда мўғуллар зулми халқни шунга мажбур этди, ҳар бир касни сарбадорга айлантириб юборди. Бизда-чи? Мўғуллар босқини, амиру беклар зулми, ҳоқимлар зулми қадр-қимматимизни чақага тенг қилмакда. Эл-улус қул ўрнида, балки ундан ҳам нигун... Ўзи тандир-тандир нон ёпадир, аммо тўйиб нон емайди, кийим тикадир, ўзи киймайди...

— Абубакр оға! — мурожаат қилди шу пайт Хўрдак Бухорий. — Биз жамоа бир бўлиб Садр Сулаймондан ҳоқимликни тортиб олишимиз керак! Ўзга йўл йўқ!

— Қандоқ қилиб тортиб олгаймиз? — Мавлонозода Жаҳон воқеасидан сўнг «Қора арлот» лақабли бу «садри жаҳаннамга нафрати ортан эди. Тарвузга салла ўратиб қўйилгандай, занчалиш овозли бу одам наҳотки ёвузлигу қабиҳлик тимсоли сифат туғилган бўлса? Ахир Садр Сулаймоннинг чухралари бир талай, Солисаройдан сипоҳий чорлатади... Сўнг Самарқанднинг сарбадор бўлмаган маҳаллалари оқсоқоллари уни қўллайдилар. Қавомиддин қози ҳарчандки ҳоқимлик даввосин қиладир, вале ҳоқимни йиқитмакда кўмак берса мумкин...

— Йўқ! — сўзни кесди Хўрдак Бухорий. Унинг сўзларида сипоҳий қатъияти сезила бошлади. — Қозикалонингиз узоқдаги қуйруқдир, қуйруқ бўлганда ҳам, унча мунчага тутқизмайдиган қуйруқдир... Узимиздан қолмайлик. Бир чора ўйладим. Агар изн берилса, биз маҳалламиздан бир биродарим билан Камонгарон қишлоғига бориб келсак... Унинг хеш-ақраболари шу қишлоқда туришади. У ерда ҳарбий аслаҳалар, ёй совчилар кўп, сарбадорлар ҳам бор. Мингта камон, ўқ-ёй, найза буюртирсам... Ҳақини «Хайрия»дан оламиз. Келтириб сарбадорларга тарқатсак. Сўнг Кўксаройга юриш қиламиз!

Мавлонозода таклифининг оқилона эканлигига тан берди.

— Менинг ақли қосирим ҳам, қўлга тиг олмай туриб, бирон нимага эришмак мушкул, деб турибди. Камонмерган маъқул сўзни дедилар. Бир лаҳза ариқ бўйида тўхталик... — таклиф қилди шерикларини Абубакр Калава.

Улар Обимашҳад ариғи бўйида ям-яшил майсаларга тиз чўқдилар. Обимашҳад лойқаланиб тўлиб оқар, Самарқанд ва ундан нариги ерларга обиҳаёт элтарди. Анҳор ғаройиб жунбушга келган, буни Самарқанд сарбадорлари жамоаси раҳбарлари ўз кўзлари билан кўриб туришар, Обимашҳаднинг баҳор қутқуларидан тўлиб-тошиб айқириши бамисоли улар руҳиятининг инъикосидай туюларди.

— «Бирлашмакнинг пойдевори учтадир, яъни, қасамёд, иттифоқ ва аҳд-паймон-

дир» деганлар, донишмандлар! — деди Абубакр Калава ариқдан кўзини олиб. — Ушбу ҳолатда ҳар бир кишининг бирликка қўшган улуши аниғу аён бўлур. Киши ана шу уч шарт туфайли шерикларига қарши бормайдир, бошига иш тушганда уларни ёлғиз ташлаб қўймайдир, музаффарият учун от сурадир, дўстларини мағлубият балосидан асрайдир!

— Аҳд-паймон этайлик! — деди Мавлонозода дадил.

— Қасамёд қилайлик! — сас берди камонмерган.

— Иттифоқ тузайлик! — Абубакр Калава ҳам қўшилди.

Теварак-атрофда ҳеч ким йўқ, мовий осмонда кезиб юрган бир савам пахтадекки-на оқ булут ва кўтарилиб чоштгоҳга келиб қолган офтобгина уларни кузатиб турарди.

— Абубакр оға! — мурожаат қилди Мавлонозода. — Мен авваллари қон тўкилиш тарафдори эмасдим, юмуш зинҳор шу нохуш ҳолга бориб тақалмасин, қондим. Илло, йўли битта эканлигига, яъни зулмга тиг кўтармак лозимлигига имон келтирдим... Биз сарбадорларни ёқлагувчилар кўп... Амирлар ҳам бор ҳатто... ҳа...

— Амирлар? Йўғ-е! А?

— Амирлар дедингизми, эй феъли тўғри?

— Ҳа, амирлар бор! — Мавлонозоданинг сўзлари қатъий жаранглади. — Фақат мен буни икковингизга сўйлайдирмен... Мамлакат ҳукмдорининг ўнг қўли, Шаҳрисабз ва Қарши амирами амирлашқар Темурбек ана шундоқ...

— Наҳотки? — деди Абубакр Калава бу янгиликдан қувонишни ҳам, ташвишлианишни ҳам билмай.

— Бу чўпчакни қўяйлик! Жужуқларни лақиллатиш мумкиндир, аммо биз катта одамлармиз-ку...

— Зинҳор чўпчак сўзламаётирмен! — қизиша бошлаганидан Мавлонозоданинг пешонасида тер пайдо бўлди. — Зинҳор! Бор гапни айтадурмен! Мана, амир не дейдилар: «Кўнглим сарбадорлар тарафиндадир. Вақти-соати келганда ушбу оқ сўзимни барчасига еткурингиз. Аммо ўзлари билсин, ўзганинг билмаги шарт эмас...»

— Сиз қаердан эшитдингиз? — шубҳаланиб сўради камонмерган. Мавлонозода бу шубҳани сезди, у Абубакр Калавага қараган эди, иттифоқо, унинг қўй кўзларида ҳам гумон аралаш шундоқ савол кўрди.

— Арк кўчасида, — аниқлик киритишга шошилди Мавлонозода, — амирнинг эгачиси Қутлуғ Туркон оқа чорбоғида бўлдим. Темурбек келган эканлар. Уша ерда сўз Самарқанд сарбадорлари хусусида айланди. Тепамда олло турибди, амир бизнинг корҳолимиздан шунчалар бохабар эканларки, кўриб ҳайрат бармоғини тишладим! Мен ўзим ҳеч қачон сирларимиз ҳақинда оғиз очмаймен...

— Темур қаердан билар экан?... — қизиқди Абубакр Калава.

— Ана шу менга қоронғудир... — деди Мавлонозода. Унинг сидқидилдан гапираётганини кўриб туришса ҳам, ўртада пайдо бўлган қандайдир ишончсизлик пардаси муносабатлар оинасини хиёл тўсиб қўйган эди.

— Амир билан танишлигим кўнглингизга шубҳа солиб қўйди, сезиб турибмен... Асло шубҳага ўрин йўқдир, азизлар...

Мавлонозода амирлашқар Темур билан алоқалари ҳақида хотиржам гапириб берди. Унинг самимий гаплари орадан шубҳани кўтаргандай бўлди.

— Хўш... Агар Амир Темур бизнинг жамоани қўлласса, нимаси ёмон? Амирнинг бундоқ қилувида мантиқ бор, — деди ўйланиб Абубакр Калава. — Унинг келгинди амирлар ҳоқимиятига қаттиқ хусумати бор деб эшитамен... Бизнинг жамоа келгиндилар зулмига қарши қаратилмишдир. Шундоқ маънода мақсадлар бир нуқтага йўналмиш. Мавлонозода, биз амирнинг тутумини нур устига аъло нур бўлибди, деймиз. Сарбадорларни қўллашмисини сарбадорлардан ўзга биров билмасин, дейиши ҳам амирнинг тўғри кўнглигидан далолатдир, иншоолло...

Ариқда катта ўрик шохи оқиб келарди. Афтидан сув бирон ерда тўғонни уриб кетганди, кейинроқда яна турли-туман шох-шаббалар кўринди.

— Замон оқими ана шу ариқнинг бўтана сувидай шиддаткордир, — деди Абубакр Калава. — Лекин сиз билин биз, анови шох-шаббаларга ўхшаб қолмаслигимиз лозим, балки оқимини ўз илгимизда сақлай оладиган бўлмоғимиз керак...

Улар яна йўлга тушдилар. Сўхбат тўхтамади.

— Абубакр оға! Инсон хаёл бандасидир... Дейлик, Садр Сулаймонни ҳоқимликдан мосуво этдик. Ҳоқимият нечук бошқарилур?..

Хўрдак Бухорийнинг бу гапи айни мудоа бўлди.

— Ушбу сўхбатимиздан ниятим ҳам асли шу эди, — жилмайди Абубакр Калава. — Етук жамоа қурмак, тенгликни тарғиб этмак, дунёвий неъматларни жамоа фуқаролари орасида баробар баҳам кўрмак, инсон табиатига зид муҳораба-ю уруш изини қуритмак лозим. Ахир етук жамоани ўзида мужассам этган, бахт-саодат калитини илгида маҳкам тутган, кишиларни тенгхуқуқли, бир-бирига хайру саховат қўлини чўзган шаҳар бизнинг ниятимиздир! Самарқанд сарбадорлари жамоаси ана шунга интилулар!.. Бу йўлда, аввало, оқсоқол тайинланиши жоиздир...

— Фозил шаҳар жамоаси оқсоқол — ўзингиз бўлурсиз...

Мавлонозода ҳам бу гапни қувватлади.

— Уэр, жамоа оқсоқолига муносиб одам ўн икки фазилатга эга бўлмоғи лозим, муаллими соний шундоқ дейдилар... Инчунин, фозил шаҳарда, сарбадор эътиқоди бўйича сардор ҳам йўқ, сарнигун ҳам... Ҳамма тенгҳуқуқлидир...

— Абубакр оға! Сизда жамоа сардорига зарур жаъми ўн икки фазилат етарлидир...

— Етарлидир! — қўшилди камонмерган.

— Эй, феъли дурустлар, қулоқ беринг. Сизда жаъми фазилатлар бор, дейсиз. Кошки эди, шундоқ бўлса!.. — Абубакр Калава чин дилдан афсусланиб давом қилди. — Шундай кишининг тўрт мучаси соғ бўлиши лозим. Фақир эса бундай даъводан йироқмен. Сўзи тиниқ, каломи равшан бўлсин... Бунда ҳам чорасизмен... Бир ишни амалга ошираётганда журъатли бўлсин, шиддат билан ишга киришсин... вале каминада шиддат азалдан камдир. Кўрган-билганини хотирада яхши тутсин... хотирам сустликда тобора илғорлик кўргизур. Динор, дирҳам янглиғ турмушнинг ўзга афзалликларидан нафрат қилсин... ҳамиша ҳам нафрат етишмайди...

— Йўқ, йўқ! Сиз камтарлик қилмоқдасиз! — камонмерган эътироз билдирди. — Сиз чиндан ҳам жамоамиз сардорисиз!

— Азизлар! Муаллими сонийга дил берайлик. Ул зот айтурларки, шунча фазилатга эга киши топилмаса, икки киши бўлса-ю, бири доно, иккинчиси қолган фазилатларга эга бўлса, икки киши бошқариши мумкин. Борди-ю, бир гуруҳ одамда ушбу фазилатлар, яъни, бирида — донолик, ўзгасида — яна бири жам бўлса, ўша шаҳарни бошқара олади... Афсуслар бўлсинким, — бош чайқади Абубакр Калава, — бугунги кунда айрим жамоа сардорларида ўн икки фазилатдан бири ҳам йўқ, аммо улар юрт бошқармак ҳавасида фарқу мустағриқдирлар, феъли ёмонлар!..

Мавлонозода Абубакр Калаванинг ҳалол ва ростгўйлигига қойил қолди. «Унинг ўрнида бошқа одам бўлганда, — ўйлади у, — икки таклифдан кейиноқ, майли, шаҳарни бошқарсам бошқарибман-да, деб қўя қоларди. Эл-услусни ўйлаган, кўпнинг умидини авайлаб-ардоқлаган покдомон одамгина шундоқ сохта даъволардан тийилишга қодир!..»

— Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик» достонида, — завқ билан давом этдирди сўзини Абубакр Калава. — Кунтуғди Ойтўлдига бундоқ дейди: «Мен ўлтирган курсининг оёғи учтадир, шу вайдан ҳам хотиржам ўлтирибмен. Уч оёқли нарса силжимас бўладир, устивор, тўғри ва рост турадир...» Инчунин, феъли улуғлар, Самарқанд сарбадорлари фозил жамоасини ҳам уч киши бошқаруви лозим, деб ҳисоблаймен. Бас, ул уч киши кимлардир? Улар — Хўрдак Бухорий, Мавлонозода ва фақирингиз...

Бу гапни на камонмерган, на толиби илм кутган эдилар. Биринчи бўлиб Садр Сулаймон мадрасасининг толиби илми: «Йўқ! Йўқ!» деди, чунки Темурнинг «Оқсоқоллик даъво этмангиз!» деган гапи эсида турарди. Хўрдак Бухорий ҳам эътироз билдирди, аммо Абубакр Калаванинг қуйидаги сўзларидан кейин, иккиси ҳам бир нима дея олмай қолишди:

— Уч киши демакнинг боиси бордир. Бунда бирида йўқ фазилат иккинчисида бўлур, иккинчисида йўғи учинчисида бўлур. Бир-бирининг изидан келиб, шаҳарни бошқаришда бамисоли бир тану бир жон бўлиб, бир кишидек фикр қиладирлар, юртни бошқарадирлар... Инчунин, биримиз, камина, ўрта ёшлардаги анча-мунча оқ-қорани кўриб қўйган кадҳудо, иккинчимиз, камонмерган, ўттиз бешга кирдилар, айна қирчиллама йигитлик, жўмардлик фаслига қадам қўйдилар, учинчимиз, Мавлонозода — ёш, умр чаманининг навбахорида бир дунё орзулар оғушида томир қўймак, барг ёзмакка шайланган бақувват ниҳол, илм, жўшқинлик ва шиддат унинг болупаридир, ўсмак, камол топмак эътиқодидир. Агар оқ-қорани кўриб қўйган бир оқсоқолнинг тажрибаси, қирчиллама йигитнинг шижоати-қуввати, толиби илмнинг жўшқинлиги, билими бир ерга жам бўлса, наздимда фозил шаҳарнинг сардори шу бўладир...

Энди ҳеч ким ҳеч нарса демади.

\* \* \*

Обимашҳад ариғи сал тепаликда жойлашган, баланд девор билан ўралган яшнаб ётган боққа кириб ғойиб бўлди. Дарахтларнинг ям-яшил ранги бирам тиниқ эдики, кишининг ҳаваси ортар, бугина эмас, шу боққа кириб, оралаб юргиси келиб кетарди.

Кунбеткай дарвоза ёнидаги паст токчада, шойи кўрпача устида Абумавлон юз ҳасса тяниб ўлтирибди. Қосим аравакашнинг ўғли эшакни аробадан чиқариб ўтлатишга олиб кетибди, Қорасоч бика билан Жаҳон эса ичкарида эналари Хосият биби олдиларида эдилар. Меҳмонлар югуриб бориб боғбон билан кўришмоққа тутиндилар, аммо саксонлардан ошганига қарамай ҳали бардаму баққуват Абдумавлон юз қалин, оппоқ соқолини селкиллашиб ўрнидан туришга улгурди.

— Уғлим! Жон ўғлим!

Қучоқлашиб кўришар экан, Абубакр Калава қайнотасининг елкалари чиқиб қолганини сездди. Ҳа, умр ўтмакда...

Барча ҳовлининг четидаги, Обимашҳад ариғининг бўйидаги сўри томон йўналди.

Дастурхон ёзилди, таомлар қўйилди.

— Уғлим, — деди Абдумавлон юз, — биласиз: биздан сал юқорилаб борилса, Кумушкент қишлоғи келади. Мен, тўрт-беш йил бўлди, ҳовлидан чиқмаймен, лекин атрофдан келишиб зиёрат қилиб кетишади, шукур... Бу фуқаро, авомуннос Амир Ҳусайн сиёсатидан бисёр озурдадирлар. Халқни эзмак, хор қилмак ҳоқиму амирларнинг суйган юмуши бўлиб келган, воҳасрато! Мана, яқинда ҳукумат босқоқчилари қишлоққа келишибди...

— Ҳа... Шаҳарда ҳам қаттиқ жанжал бўлди, бу... — Абубакр Калава мухтасар қилиб Чорсу майдонидаги ўлпон жанжалини гапириб берди.

— Юрт валламати Жета хони билан сўғишмак истар экан, бу унинг хоҳиши, — оҳиста давом этди Абдумавлон юз. — Хўш, бунга Кумушкентдаги бечора чорикорнинг не доҳиллиги бор? Шаҳардаги наддофнинг, кулолнинг не алоқаси бор?.. Босқоқчилар Кумушкентга келиб солиқ йиға бошлашибди. Ҳовлиларга кириб, қўлга не илинса, олиб кетиша ётишганмиш... Бирортаса гапга кулоқ солишмасмиш. Ҳа, қизиқ бир воқеа содир бўлибдир, — Абдумавлон юз кулди. — Босқоқчилардан бири, кимгадир: «Қани, уйингда не бўлса олиб чиқ!» деб буюрибди. «Уйимда ҳеч нарса йўқ!» жавоб берибди у. «Яширма, яширганнинг ҳам топиб оламиз, уй экан-ку, ҳатто чалворингни ҳам текшириб кўрамиз!» дебди. Уй эгаси, жонидан ўтиб турган экан: «Майли, текширинг, чалворимдан чиққаням сизники, олаверинг!» деб юборибди. Деҳқонни тинтув қилишиб, ўзини зиндонга солишибди. Лекин одамлар: «Нима чорамиз бор?» дегандек жим туришармиш... Уларнинг бор-будини олишиб кетишармиш, булар жим туришармиш...

— Э, одамларимиз қўй, қўйдан ҳам юввош... — алам билан деди камонмерган. — Орият йўқ десанг, орият кучли... Ишга келганда бундоқ... Нега шунақа, ҳайронмен...

— Қўрқоқ одамларимиз, қўрқоқ, Хўрдак оға! Қўрқоқлик тўғуси қон-қонимизга сингиб кетган! «Бўжи келди!», «Бўжи келди!» деб болаларни қўрқитамиз... Билмадимки, бунинг чораси недир... — қўшилди Мавлонозода.

— Қўрқоқ эмас, андишали, — гапга аралашди Абубакр Калава. — Ҳа, бизнинг элимиз андишали, кетини, оқибатини ўйлаб, юз-хотирни эсдан чиқармай фикр юритадиган эл. Шуну билган айрим андишасизлар, нима деса ҳам бўлаверади, бу элни таҳқирлаш мумкин, уни қул қилиш мумкин, томорқасига тош отиш, ҳақорат қилиш мумкин, деган ўйга борадилар. Халқимизда шундоқ хикмат бор: «Андишанинг отини қўрқоқ атаманг!» деган... Жуда мазмуни терандир!

— Мана, мен еттинчи мучални ҳам, иншооло, ўринлатдим, саккизинчисига ҳам ўтдим, уғлим. Насиб этса, ўнинчисини ҳам кўргим бор... — Абдумавлон юз белидан дуррасини олиб елпина бошлади. — Тажрибаларим қаймоғидан сўзласам, бизнинг одамларимиз кўпроқ ўзини ўйлайдиган одамлар бўлиб чиқмоқда. Ҳоким бўлса бойимакни, сарватини оширмакни ўйлайди, ҳамма жойга ўз одамларимни қўйсам, дейди. Улусни ўйлаш йўқ, бева-бечорани, етим-есирни ўйлаш йўқ... Шунинг учун ҳам ўзим тинч бўлсам бўлди, деган сохта фалсафа этагидан тутайди, дунёни сув босса тўпнига чиқмайди. У ҳоким экан, оддий чорикор-чи? Қўшнисига ўғри тушса, дод-войни эшитиб турса ҳам, эшитмаганга олади. У ҳам бу маънода юрт ҳукмдоридан фарқи йўқ, ўзим тинч бўлсам бас, дейди. Ахир, у ўғри бугун қўшнининг уйига тушди, сен индамадинг, у индамайди, бас, ўғри эртага сенинг уйингни шилиб кетади, чунки билади: у индамайди, бу индамайди, ўнинчи индамайди... Алқисса, улусимиз кишиларида бирлик йўқ, ажратиш кучли... Энг катта фожиа мана шундадир, болаларим...

Боғбоннинг гаплари барчани ўйлатиб қўйди. Ҳеч ким лом-мим демас, ҳар ким ўз хаёли билан банд... Орадаги жимликни Обимашҳаднинг суви бузиб турар, бу сув Абубакр Калава назарида ҳар қачонгидан ҳам ҳозир инсон умрига ўхшаб кетди. Ёраббий! Умрнинг тез оқишини! Беомон оқишини! Асов оқим! Бунчалар суръату шиддат фаслида инсон бирон нима қилиб улгура олиши мушкул-мураккаб-ку! Ошиғич умрда шошлинча юмушни ўринлатмак қийиндир. Аммо Абубакр Калава авлоди, унинг дўстлари — Самарқанд сарбадорлари жамоаси ана шундай шиддатли замон суръатига суръат қўшмак учун дунёга келгандир, бу осмонда ойқиндай нур таратиб турган офтоб мисол буюк ҳақиқатдир!

— Валинеъмат, улусимиз кишиларида бирлик йўқ, ажратиш кучли деганингизга сал эътирозим бор... — деди Абубакр Калава. — Тан олмай илож йўқ, бизлар шундоқмиз, юрт суриштириб кетамиз, уруғ суриштирамиз... Аммо бу бир қарашда... Кенг феъл улусимиз, халқимиз аслида сарбадордир, у адолат учун туғ кўтаришга қодир! Фақат улусни кўтармак мушкул, уни уйғотмак мушкул... у бамисоли туя — чўккан жойида узоқ қолиб кетади, атрофидан тўнғизу улоқ, кучугу хўтик, тойчоқ ва ҳақозалар шаталоқ отиб, тупроқ сачратиб, чангитиб, унга ғубор қўндириб ўтиб кетади, у кенг-феъллигидан барига парво қилмайди, қолиб кетдим деб куйинмайди. Лекин кўтарилса-а... унга оллонинг ўзи бас келсин! У ёнидан ўтиб кетган кучуги чўққа, хўтигу улоқнинг ўн қадамини бир қилиб еладир, манзилга барчасидан олдин етиб борадир!

— Жуда ҳам мақтаб юбордингиз... — жилмайди камонмерган.

— Зинҳор, мақтамадим!.. — камоли ишонч билан сўзларди Самарқанд сарбадорлари жамоаси оқсоқоли. — Фақат, улус биринчи галда қорнини тўйғазиш ташвиши

билан банд, бир тишлам нон топмак қайғуси унинг қўл-оёғини боғлаган. Адолат, эрк ҳақида ўй сурмакка фурсати йўқ... Иншоолло, ушмундоқ фурсатлар етишмакда...

— Хўш, ҳозир Самарқанд сарбадорлари не юмуш била бандлар? — сўради боғбон.  
— Эй феъли улўғ, биз сарбадорлар сиз орзу қилгандек фозил жамоа бунёд этмак орзусидамиз! — қўлини кўксига қўйиб таъзим айлади Абубакр Калава. — Мана, қошингизда ўша жамоа сардорлари...

Шундан сўнг сарбадорлар жамоаси ҳаёти, шаҳардаги вазият ҳақида сўз кетди.

Мавлонозода бошининг қаттиқ қизиб кета бошлаганини сезди. Ҳа, мадрасада шунча сабоқ олиб, онги, шури бугунгидек ёришмаган, фикри тиниқлашмаган эди. У ҳамма нарсага ўзгача кўз билан қарай бошлади. Жуда кўп нарсалар — сарбадорлар сардорларидан бири бўлиши, жамоа бурчи, Темурнинг айтганлари, Абдумавлон юзнинг улус борасидаги ўкинч тўла сўзлари, андишанинг отини қўрқоқ атамаслик ҳақидаги ҳикмат... бари-бари битта каллага сиғишни истамасди. У бошига оғриқ кирганини айтмади, боғ сайрига бундай баҳона топди:

— Мен бобонинг боғларига ҳавас қўйдим... Изожат берилса, озгина томоша қилиб келсам...

— Тўғри қиласиз, болам! Йўлда чарчаб келгансиз. Боғни бир айланиб чиқсангиз баҳри-дилингиз очилади.

Мавлонозода Обимашҳад бўйидан боғ ичкарасига қараб юрди. Турфа боғ Садр Сулаймон мадрасаси толиби илмини ҳайратга солди. Тўрт танобча келадиган бу боғда дарахтлар расамади билан қатор қилиб экилган. Мана, икки қатор кета-кенгунча олма, энди гуллаш арафасида, ана у ерда нок, бир қатор бодом ҳам бор, бодом гулини тўкиб бўлибди. Чаман-чотир гуллаган ўриклар... Шафтолилар ҳам улاردан қолишмайди, нопармон гуллари яна ҳам нафис, нозикроқ... У шафтолининг бир гулини олмоқчи бўлиб билмай қўл чўзганди, ярадор қўли оғриб кетди. Бобилхона кўчасидаги ўтган кунги воқеани эслади. Ҳа, ўша кун ҳам улкан сабоқлардан бирига айланди. Қирқ кун ғойиб бўлган қизни топдилар, мана, саяий-ҳаракат, собитлик, бирлик нималарга олиб келади...

Шу пайт йигит кимнингдир нафасини сезгандай бўлди. Уттиз қадамча нарида ишқомдан майин кулги овози эшитилди... Эшитилдими, эшитилмадимми?.. Жимжит. Фақат шафтолидаги чумчуқ чирқиллаб сукунатни бузади. Мавлонозода беихтиёр ишқом томон қадам ташлаганини билмай қолди. У ишқом қаторига ўтди. Ҳеч ким йўқ... Йигит кейинги қаторга ўтиб улгурмаган ҳам эдики, кулгу овози энди орқадан келди. Мавлонозода бу овозни яхши танийди, у бир умрга йигитнинг жон қулоғига, балки вужуд-вужунига муҳрланиб қолган Жаҳоннинг овози! Йигит ортга қайтди. Ишқом панасига яшри-ниб олган Жаҳон Мавлонозодани кузатиб турар, йигитни «ўйнатётгани»дан яйрарди.

— Адашиб қолибсиз. Ҳолвачилар кўчаси бу ёқда эмас... — деди овози жонон пиёладай жаранглаб Жаҳон. У яшринган жойидан чиқиб, рўмоли билан оғзини беркитганча самимий куларди. Қиз бошига такана ташлаган, эғнида янги кўйлак... Худди бурноғи йил бозорда Рўзи аттор дўкончаси олдида қандай бўлса, шундай, гўё орадан икки йил ўтмагандай... Фақат қизнинг ранги сал олингандай туюлди.

Мавлонозода бир лаҳза ўзини унутди. Наҳотки қаршида ўша ойлар давомида бир кўришни орзу қилган, ўйлайвериб тушларида ҳамсуҳбат бўлган қиз?.. Нечун йигит Жаҳон сари талпинадир? Нияти не экан? Шу санам билан умр йўлларида бирга кетмоқми, бир ёстиққа бош қўйиб, умр чаманини обод этмоқми? Мавлонозода ҳали бу томони-ни ўйламайди. У ҳозирча бир соҳибжамолни кўрди, кўнгли шундан сув ичди, мафтун бўлди, мафтун! У ёғни билмайди, у ёғи нима бўлишини дунёда ҳеч ким билмаса керак...

— Нега жим қолдингиз? Тилингиз боғландими, мулла ака?..

Ҳа, Мавлонозода бу тенгсиз чиройни кўриб лол бўлиб қолди. Ажабо, қизнинг ҳимматига қаранг, йигит тилини боғлаб қўйиб, яна «тилингиз боғландими» деб сўраб ҳам қўяди. Йигит ҳам ҳол сўрамоқчи бўлади, аммо беҳол бўлишдан қўрқади. Лайли-Мажнунлар ҳам узоқ хижрондан сўнг, учрашганларида фақат бир-бирларига тикилар эканлар, тиллар боғлангандан кўзлар сўзлашишар эмиш. Мавлонозода ҳам ҳозир Мажнунсифат эди, Жаҳон бўлса Лайливаш... Самарқанлик лайли-мажнунлар Кумушкетдаги бир хилват боғда ана шундай учрашиб қолдилар.

Энди қиз ҳам кулгидан тўхтаганди, зеро сас ҳам чиқмаслиги керак, сўрида ўлтирганлар уларнинг овозларини эшитишлари мумкин, балки эшитишгандир ҳам... Аксига олиб шабада ҳам шу ёққа эсмоқда. Қиз ҳушёр тортди. Мавлонозода лом-мим демас, кўзларини Жаҳоннинг нур лимиллаб турган кўзларига тиккан, фақат кўзлар бир-бирига сўз отарди:

«Ҳа, қочоқ! — дер эди Жаҳон. — Бир кўриниш бериб қочиб қолган киши!»

«Қочоқ эмасмен! — жавоб қиларди Мавлонозода. — Қочган оҳуни қувиб юрган овчимен!»

«Шунчалар ташлаб қўясизми? — ўпканди Жаҳон. — Мен сизга нима ёмонлик қилдим ўзи?..»

«Сен жону жаҳонимсен, Жаҳон! — ўзини оқлай бошлади йигит. — Сен азоб тортмадинг, мен азоб тортдим.»



«Уртамизда нима бор?..»  
«Уртамизда ишқ бордир, ишқ!»  
«Ишқ... нима у?»  
«Ишқ — сену мен...»  
«Сену мен, деганингиз ким?»  
«Сену мен? Самарқанд сарбадорлари жамоаси оқсоқолининг гўзал қизи — Жаҳон, фақир — бир бечора толиби илм Нодирбек...»  
«Сиз бечора эмассиз! Севган киши бечора бўла олмайди, у паҳлавонга айлангусидир!»  
«Рост айтасен:

Муҳаббатдан нор нурга айланур,  
Муҳаббатдан дев ҳурга айланур...»

«Нега шафтолининг гули нопармон?..»  
«Севгани билан висолга шайланибди чоғи...»  
«Нечун осмон хушрўй ва зангори?...»  
«Севиб қолганидан, Жаҳон...»  
«Нечун ботаётиб шафақни қизил қонга бўяйди?...»  
«Севганига етолмай қон ютиб ўтганлигидан...»  
«Илоё, қон ютмайлик, мулла ака!»  
«Илоё, қон ютмайлик, доно қиз!»  
«Бир умрга сизни дейман, арслоним!» дерди Жаҳон.  
«Бир умрга сени дейман, Жаҳоним!» дерди Мавлонзода.  
Йигит билан қизнинг хаёлий айтган сўзлари уларнинг назарида оламни тутиб кетганди, ҳар бир сўз тоғлардан, боғлардан, даралардан, чўллардан, қишлоқлардан ошиб, коинотни тўлдириб акс садо берар эди:

«Сизни дейман, арслоним!..  
«Арсло-о-о-ним!..»

«Сени дейман, Жаҳоним!..  
«Жаҳо-о-о-ним!..»

## ЙИГИРМА ТҮРТИНЧИ БОБ

«Ўлим поклайди...»

Худобанда вақт пешинга яқинлашиб қолганда сабоқдан чиқди. Арк кўчасида болалар уни кўришиб: «Ана жинни!», «Ана жинни!» деб калака қила бошлашди. У дўқ-пўписа қилган эди: «Жиннилиги кўзиди! Қоч, жиннилиги кўзиди! Тишлаб олади!» деб ура қочдилар. Мадрасада ҳам муллаваачалар унга ғалати назар билан қараб-қараб қўйишадиган бўлди. Фақат Мавлонозода буни билдирмади, шунингдек Ахий Жаббор, Ҳасан чиноқ, Бобо Султонлар ҳам ҳеч нарсани сездиришмайди.

«Ақлдан озишимга ҳам сал қоляпти... — дерди ўзига-ўзи Худобанда. — Тақдир, пешонанинг торлиги сабр косамни тўлдирмакда... Синглимни бу қабиҳ дунёдан кеткизиб дуосини олдим... Падари бузрукворимни эҳтиёт айлаб, кўздан четроқ, зиндонга киритиб қўйдим. Энди қандоқ қилиб отам билан Самарқанддан бош олиб чиқиб кетмак қайғусида қисинадурмен... Ахсикентга кетамиз, ота юртга...»

У жузвдонини тутганича ҳовлига кириб борди. Кирар экан, орқадан, олдиндан, ён тарафдан, уйларнинг ичидан, тандирнинг ёнидан унга ошқора ва пинҳона нигоҳлар қадалганини сизди. Аввало дарвозанинг олдида эшикоғабоши бир муддат унга тикилиб қолди, саломлашгач, ўз юмушига йўналди. Қўлида заррин юган ушлаган мирохур унга қараб-қарамай сайисхона томон шошилди. Чап томонда ичкаридаги ўчоқлар ёнида турган баковулбоши унга салом берган бўлди. Дастурхончи гулдор лаганда буғи чиқиб турган таомни олиб меҳмонхонага ошиқар экан, истар-истамас: «Буюрсинлар! Буюрсинлар!» деб ўтиб кетди.

Шу палла эшикоғабоши меҳмон бошлаб кирди, бу эғнида совут, бошида дубулға, гуппидан келган, семиз Диёрбақр қурчибоши эди. Садр Сулаймон жангга кетаётган Амир Ҳусайндан: «Самарқандда тартиб сақлаш учун сипоҳ қолдириб кетмасангиз бўлмайди, султоним!» деб туриб олди. Мамлакат ҳукмдори рози бўлди. Қурчибоши ўшандан бери ўзининг элликта сипоҳийлари билан Самарқандда яшайди. У ниҳоятда қўпол, муомаласи дағаллигидан, тўғри гапи ҳам ҳақоратдай туюларди. Диёрбақр қурчибоши хушбичим Худобандага суқ билан тикилди:

— Сипоҳий бўлгунг йўқми? Ҳм-м... Аммо эс бутун бўлмоғи керак...

Қурчибоши гапига жавоб ҳам кутмай, пишиллаганча Худобанда ёнидан ўтиб кетди. Йигит бунга ҳам чидади. У бугун Самарқанд ҳокими уйга меҳмон чақирганини фаҳмлади. Меҳмонхонадан мусиқа садоси, кишиларнинг овози эшитилиб турарди. Ўз бўлмасига ўтаётганда, меҳмонхона саслари истаса-истамаса қулоғига чалина бошлади. Садр Сулаймон гапирарди:

— Яккаю ягона ўғлим... Шундоқ бўлиб қолди...

— Худонинг меҳрибончилиги... — буни афтидан шайхулислом Абулворис Самарқандий айтди, овоз ўшаникига ўхшарди.

— Кишини беҳурмат қилар даражага бормакда, — деди яна Самарқанд ҳокими. — Гаплашсам, қўрқиб гаплашадиган бўлиб қолдим. Нима деса, хўп, хўп, сеники тўғри, деб қутуламен...

— Менга қўйиб берсангиз, оёғига тахтакач боғлаб, эсини киритиб қўярдим-а! — арраникига ўхшаган овоз қозикалон Қавомиддинники эди. — Эркалатиб юборилган-да, эркалатиб юборилган... Хе-хе-хе!..

— Ақлидан озган, ҳа, ақлидан озган... — деб қўйди имом Қутбиддин.

— Шундай хушқад йигит... Муллавачча... Ажаб... Ажаб... — гапга қўшилди мударрис Хожа Лутфуллоҳ.

— Маъзур тутсинлар... Агар менинг жигарпорам шундоқ қиладиган эрса, эл олдида оқ қилиб юборар эдим! — деди яниб қозикалон.

— Оқ қилиб ўлтирмасдим, ўз қўлим билан қиличдан ўтказардим! — қўшимча қилди қурчибоши.

Бу гапларни эшитган Худобанданинг ёниб кетишига оз қолди. У Жаммазабон девонбегининг келаётганини кўрди-ю, бўлмасига йўналди. Бўлмада узоқ ўлтиролмади, тўрт девор уни сиқиб келаётгандай бўлаверди. Умрининг ўн олти-ўн етти йили ўтган, қачонлардир туғилган уйим деб ҳисоблаган хонадоннинг нечоғлик бегона эканлигини ҳис қилди. Бир пайт иккита қўли ошиқчалик қилаётганга ўхшади, кейин билса, уларни қўйгани жой тополмаётган экан...

Худобанда аллақандай бир шуур билан девордаги қилични ёнига осди-да, бўлмадан чиқди. Уйланиб ўтирмай меҳмонхонанинг қўш табақа нақшин нигор эшигини очиб, ичкарига қадам қўйди. У нега шундай қилаётганини билмас, лекин шундай қилмасдан туролмаслигини ҳам тузук англарди. У нимадир қилиши керак эди. Худобанданинг важоҳатини кўрган Жаммазабон девонбеги югуриб унинг олдида келди:

— Султонзода! Тинчликми? Узингизни босинг! Сизга нима бўлди?..

Худобанда қўрқиб кетган девонбегининг афтига қараб, ўзини кўзгуда кўргандай бўлди: наҳотки унинг оқсариқдан келган юзлари яна ҳам оқарган, қоп-қора чиройли кўзлари чақчайган эса? У дарров ўзини ўнглади, зўр-базўр жилмайди деди:

— Менга ҳеч нарса бўлгани йўқ... Ассалому алейкум!

— Кел, ўғлим, кел... — тараддудга тушиб деди Худобанданинг киришини ҳеч кутмаган Садр Сулаймон.

Меҳмонлар тўрдаги катта хонтахта атрофида ўлтиришар, шайхулислом, қозикалон, қурчибоши, имом ва мударрис ўзаро суҳбатда машғул эдилар. Худобандани кўриб, улар ҳам қотиб қолдилар. Мусиқа тинди.

— Ота бор жойга кирмак фарзандга нораводир, дейдилар машойихлар... — деди қозикалон жимликни бузиб.

— Ота бор жойга кирмак-ку, фарзандга нораво, бу ҳақ, — қўшилди мударрис. — Фарзандга, ҳатто ота ўлтирган унинг томига чиқмак ҳам ножоиздир. Гуноҳ бўладир...

— Йўқ, йўқ! — гапга аралашди шайхулислом. — Фарзанд шундоқ қилганда падари бузруквори ҳимматини аямасин, шунга рози бўлсин. Гуноҳга йўл кесиладур. Иншоолло, Худобанданинг ўзи ҳам катта йигитдир, ушмундоқ анжуманларда иштирок этиш эмас, балки гуллатиши мумкин бўлган йигит... Кел, ўғлим, кел! Ўтир!

Худобанда лом-мим демай пойгак томондаги шоҳи кўрпачага тиз чўкди.

— Ахир ота рози — худо рози, деган гап бор... Қаранг, қайси бир нодир даврон айтган доно фикр-да бу! Хе-хе-хе! — қозикалон шундай дегач, дастурхонга қўл юборди.

— Ҳадисда дейилмишдирки, Муҳаммад алайҳи-с-саломнинг ёлғиз ўғиллари бор эрқандир, — деди шайхулислом Абулворис Самарқандий. — Қосим отлиғ. Ўғиллари етти ёшга тўлганда, бир куни уйга Азроил келибдир. Ҳақ таоло эгам, Муҳаммад алайҳи-с-саломдан зурёд қолмаслиги керакдир, йўқ эрса, расулдан кейин пайғамбарлик даъвосини қилур, дебдурлар. Ва Азроилга, бориб Қосимнинг жонини ол, деб буюрибдилар... Азроилни кўриб, ҳовлида ўйнаб юрган Қосимнинг этлари жунжикибди. Расул ўғилларига уйга киришни буюрибдилар. Аммо ўғиллари, йўл бошласинлар, деб унамайдир, падари бузруквори ортидан уйга қирадир. Қосим отасининг тиззасида ўлтирган пайтда Азроил унинг жонини оладир...

— Ана одобу ана ахлоқ! Мударрис бўладирган экан-а! Ажаб... Ажаб! — гўё ҳадисни биринчи марта эшитаётгандай ҳайратда деди Хожа Лутфуллоҳ.

— Етти яшар бола-я! Худо берган-да, худо берган! — гап қўшди имом Қутбиддин.

— Агар омон қолганда, Алидан ҳам ўтадиган саркарда бўлиб етишарди-да! — афсуслангандек сўзланди Диёрбакр қурчибоши.

— Қозикалонликни ҳам уддалай оларди-да!  
 — Шайхулисломликни ҳам!  
 — Шаҳар ҳокимлигини ҳам бошқарарди, юртага подшолик қила олар эди, агар шу ёшида қазои кадар ўқиға учрамаганида...  
 — Палаги тоза, палаги! Ҳамма гап палакда!..  
 Ҳамма бир-бирига шундай деб турганида, Худобанда туйқусдан ўртага савол ташлади:  
 — Палак тоза бўлмаса-чи? Палак?.. А?..  
 — Ие! Ундоқ дема, ўғлим! Шаккоклик қилма! — ҳапқирди Садр Сулаймон.  
 — Ёки... палаги бошқа бўлса-чи?  
 — И-и-и-и!.. Ана холос! Ана холос!  
 — Ажаб... Ажаб...  
 — Бу нима деганинг? Ножинсларнинг гапини дема!  
 Худобанда бу гапларга парво қилмади.  
 — Айтинг-чи, шайхулислом бува, бир палакнинг тагига бошқа ёқдан хамак олиб келиб кўйсалар... ўсадими?  
 — Мен палаги тоза деб, одам боласини айтаётирмен... — шайхулислом Худобанданинг мантиқли гапларини кўриб, унинг ақли жойида эканлигига ишона бошлади. — Мен расулллоҳ зурёдлари хусусида гапирдим, болам...  
 Худобанда қаттиқ кулиб юборди.  
 — Мен ҳам қовун палагини айтаётганим йўқ... — Худобанда кулгудан тўхтаб давом этди. — Мен ҳам одам боласини назарда тутмакдамен...  
 — Шаккоклик қилма, ўғлим! Шаккоклик қилма! Гуноҳ бўлади-я! — дерди Садр Сулаймон.  
 — Гуноҳ?! Гуноҳ дегани нима ўзи?.. — Худобанда отасига тик қаради.  
 — Ие! Ана! — кўзлари чақчайди имомнинг. — Унинг жиннилиги кўзий бошлади...  
 — Ўғлим, сенга нима бўлди? Нима бўлди?.. Юзимни ерга қаратма!..  
 — Майли, не деса кечиринг, Садри Жаҳон! — деб ўтга сув сепмакчи бўлди Хожа Лутфуллоҳ.  
 — Кечирдим... Кечирдим... Минг марта кечирдим...  
 Худобанда тагин кулиб юборди.  
 — Мени кечирармишлар!.. Мени-я? Нимамни кечиради? Мен не гуноҳ қилдимки, кечирадилар? Ё йўқ гуноҳни кечириб мумкинми? Мен иниларимни Ургутга юбориб нобуд этдимми? Не-не шўрликларнинг ёстиғини қуритдимми?..  
 — Ана, бошланди! Айтмадимми? Пойма-пой гапларни кўрдингизми? — куйиниб деди Садр Сулаймон. — Бири бирига боғланмайдир... Энди оғзидан боди кириб шоди чиқади...  
 — Э, буларнинг бари билан сенинг нима ишинг бор-а, бола! — афсусланди кимдир.  
 — Туппа-тузук жинни экан, — деди қозикалон. — Эркакларнинг ишига нега аралашсан, эй хумпар!  
 — Жуда бетавфиқ эканлар-ку... — дағдаға қилди Диёрбакр қурчибоши. — Катталарни ҳурмат қилиш кераклигини билмасмусен?..  
 — Садр Сулаймон тўғри айтибди, жинни бўлганича бор...  
 — Афсус, афсус.. Худо адаштирибди-да... Адаштирибди...  
 — Қўй энди! Қўй! Шайтонга ҳай бер! — дердилар атрофдан.  
 Аммо Худобанданинг сира шайтонга ҳай бергиси йўқ эди.  
 — Мени боқиб катта қилган отам Садр Сулаймон олти ёшимда мени Нишопурдаги кул бозоридан сотиб олганди. Нега энди Азроил расулллоҳнинг ўғли янглиғ ўшанда менинг ҳам жонимни олиб қўя қолмади, деб ўксинамен! Шунча азоб-уқубатларни кўрмаган бўлармидим!.. Кичиклигимдан ота-онамдан мосуво... Менинг кимлигимни биласизларми ўзи? Самарқанд ҳокими Садири Сулаймоннинг ёлғиз ўғли Худобанда!.. Хо-хо-хо!.. Менинг отам эса Самарқанд ҳокими эмас, Самарқанд гадоси! Ҳа, ҳа, гадоси! Мен отамни топдим... Топдим... Топгунча уни билмай калтаклатдим ҳам... Калтаклатдим!.. Мана буни гуноҳ деса бўлади! Гуноҳ! Гуноҳ! Гуноҳ!..  
 Худобанда ўзини қўйгани жой тополмасди.  
 Жаммазабон девонбеги барини эшик тагида жим кузатиб турарди.  
 — Сипоҳ чақиртирайми, ҳоким ҳазратлари? — сўради бу кутилмаган воқеадан ҳайрон Диёрбакр қурчибоши. — Бу ёғи қандоқ бўлди?..  
 — Жамма! — чинқириб юборди Садр Сулаймон. Жаммазабон девонбеги Худобандага ташланмоқчи бўлди.  
 — Яқинлашма! — Худобанда шарт қиличини чиқарди. — Сапчадай каллангни узиб ташлаймен!  
 Жаммазабон девонбеги жойида тўхтади. Худобанда жаҳл устида ортиқча бақириб-чақириб юборганини сизди, ҳамма ўлтирганларга кулги бўлиш ёмон, булар эса Самарқанднинг казо-казолари...  
 — Эй йигит! — деди самимий оҳангда Диёрбакр қурчибоши. — Ўз отам дейсан,

боқиб олган отам дейсан... Самарқанд ҳоқимидай машҳури офоқ бадавлатнинг ўғли бўлиб яшаш ёмон эканми? Қандингни уриб юравермайсанми?..

— Йўқ!... Менга сохта нарсанинг ҳожати йўқ! — Худобанданинг сўзлари қатъий жаранглади. — Бу ёлғончи дунёда ҳеч бўлмаса ўзлигинг чин бўлсин, ҳеч бўлмаса!.. Ўзлигингни йўқотма!..

Атрофдагилар унинг гапларига тушунмай ҳайрон боқиб турар эдилар.

— Мен ахсикентлик ҳоқимзода Жалойирбек ўғли бўламен, Худобанда эмас, Шерўфлондирмен!..

— Ие! Жалойирбекнинг ўғлимен, дейдирму?

— Шерўфлон?..

— Ростдан ҳам эси бир ёқлама шекиллик...

— Қани кутайлик-чи, яна бирон янгиллик чиқиб қолар... Ҳозирча у ҳоқимзода ўғлимен, демакда... Қани...

— Э, нима фарқи бор? — бўғиларди Диёрбакр қурчибоши Худобанданинг қайсарлигига тушуна олмай. — Ҳозирю ҳузурини ўйласангчи!

— Худобанда болам! — деди шайхулислом Абулворис Самарқандий. — Сен яхши, оқил йигитсен... Садр Сулаймонни қаттиқ хафа қилдинг. Сени боқиб катта қилган одамга ҳеч бўлмаса миннатдорчилик билдирмак ҳалолликнинг бир йўлидир. Лекин сенинг тутуминг инсон боласига ярашмайди. Мана, олдимизда падари бузрукворинг сенга ҳеч қаттиқ тегмади, аксинча, барча оғир гапларингни чидам билан эшитди. Кичиклигиндан умид билан катта қилган одамга буларнинг бари оғир ботади-да!..

Худобанда энди индамас, юрагимдагини шоша-пиша тўкиб солганлигидан, ичи бўм-бўш бўлиб қолганди. Нечандир бирданига ўзининг гапирган гаплари ўзига маънисиз туюлди. Нега гапирди? Кимга гапирди?.. Унга ким ишонади? Энди тўғри гапига ҳам ишонишмайди, ҳатто Худобанданинг Худобанда эканлигига ҳам! Ишонишмайди... Энди бари бир...

— Мен ўғлимдан хафа эмасмен... — сўз олди бирдан Садр Сулаймон. — Қизишиб гапирди, майли. Ҳаммангизнинг олдингида бир гапни атай. У Абомуслим деган бир гадони топиб олиб, шу менинг отам, дейди. Бу ақлсизлик нишонасидир. Бу фикридан қайтсин, мени дашномлардан халос этсин...

Атрофдан маъқулловчи овозлар эшитилди, чунки ҳамма Садр Сулаймон билан Худобанда ўртасида юз берган мужмал ва мантиқсиз можародан энсаси қотган, зериккан, кимни ёқлашни билмай бир-бирига ҳайрон боқар эди. Ҳамма бу кўнгилсиз машмашанинг тезроқ тугашини истарди.

— Ўғлимнинг айби йўқ... — деди яна Садр Сулаймон. — Ҳамма айб ана ўша, менинг чиройли ўғлимни ўзиники қилмоқчи бўлган, изидан юравериб ҳол-жонига қўймаган бадбахт гадода! Ана ўшанинг жазосини бериш керак! Бас, эртага Чорсу майдониغا бутун Самарқанд аҳли тўплансин! Қурчибоши, сипоҳларингиз тартибни кўриқласунлар. — Садр Сулаймон энди ўғли олдида гуноҳкор ота сифатида эмас, балки Самарқанд ҳоқими мартабасида гапирарди. — Ҳамма, Абомуслим эл олдида, Худобандага ўғлим, деб тўхмат этганини, ёлғон гапирганини бўйнига олсин, ўз оғзи билан айтсин! Шунинг билан Худобандани ҳам, мени ҳам маломатлардан халос этади! Йўқ эса, боши дорга тортиладир!..

— Иншооло! Иншоолло! — қувонди ҳамма.

«Худобанданинг эси бор... Рози бўл, ўғлим, рози бўл!» дейишиб, йигитнинг елкасига қоқиб қўйдилар. Аммо йигит ҳеч нарса демади...

Меҳмонлар кўзғолганда, уларнинг ҳар бирига совғаю тансуқот тўла тугун тутқазиб юборилди.

\* \* \*

Эртаси куни Чорсу майдони чошгоҳдан гавжумлаша бошлади. Ҳоқимнинг жарчилари шаҳарнинг ҳамма кўчаларига кириб чиқдилар ва бундай гап тарқатдилар: «Абомуслим деган гадо Самарқанд ҳоқимига тўхмат қилиб, унинг шаънига тегадиган, иззатнафсини булғайдиган қадамлар босди. Хусусан, ҳоқимнинг ойдек гўзал ўғлига даъвогар бўлиб, менинг фарзандимдир, дейишигача борди. Ёмони, Худобандани бунга ишонтириб ҳам олди. Бу бетаҳоратнинг чораси Чорсу майдонида кўриладир. Ҳамма Чорсу майдонига-а-а!..»

Чорсу майдонининг ўртасига тахтадан эни йигирма газ, бўйи ўн беш газ супа қилинди, пойида дор ҳам тикилди. Супа атрофи Диёрбакр қурчибоши сипоҳийлари билан ўраб олинганидан, одамлардан ҳоли. Қурчибошининг ўзи эса от минганча у ёқдан-бу ёққа юриб турибди. Наддофлар кўчаси томонда баланд бўйли Абубакр Калаванинг кичик салласи кўзга ташланади, унинг теграсини сарбадорлар ўраб олишган. Майдоннинг ҳар ер-ҳар ерида Тун салтанати фуқаролари, толиби илмлар юришарди. Хотинхалажлар ҳам бир томонни эгаллаганди. Қорасоч бика, Жаҳон, Читрабону, Ашур биби, Жаннатойлар, Дадаалининг хотини Умриниса бир-бирлари билан гаплашиб туришарди.

Кумар Жаҳон опасинг олдида эди. Гўштор юзли, дўрдоқ лабли маззанг хотин эса Қорасоч бикалар ёнига келиб: «Сақич оласанми? Игна оласанми?» деб молини бозорга солар, пайдан фойдаланиб қолмоқчи бўларди. Кўз олдиларида машъум дор турса ҳам, аёллар уни эсдан чиқариб, маззанг хотин молларини томоша қилишар, яхши-ёмонлигидан сўз юритишарди. Кимга тўй, кимга аза...

— Сардор! — Хўрдак Бухорий Абубакр Калавага мурожаат этди. Обимашҳад бўйидаги суҳбатдан кейин сарбадорлар жамоаси оқсоқолини сардор дейишадиган бўлди. — Камонгарон қишлоғидан ҳозирча беш юзта камон ва қилич олиб келдик. Ҳаммаси тарқатилган, бунда, тўннинг остида...

— Жуда соз, камонмерган! — жавоб қилди сардор. Абубакр Калава ҳам сўнгги пайтларда ўзгарган, сажиясидаги юмшоқлик ўрнини қатъият эгаллаган, у кўпчиликнинг тақдири ўзи билан боғлиқ эканлигини билар, раҳбарнинг сўзи отилган ўқдай тўғри ва қайтмас бўлиши лозимлигини англади.

Тун салтанати фуқаролари қаттиқ ҳаяжонда эдилар. Улар бир ойдан бери йўқотиб қўйишган дўстлари Абомуслимни ниҳоят кўражақларидан қувонишса, бошқа томондан унинг жазога маҳкум этилиши эҳтимолидан кўнгиллари хуфтон бўларди.

— Нега бировнинг ўғлини ўғлим дейди? — ҳайрон деди Тун салтанатининг янги фуқароларидан бири.

— Гапнинг йўғида гап-да!.. — деди бошқаси.

— Ўғил керак бўлса, мени ўғил қилиб олсин, розиман! — қўшилди гапга йигирмаларга бориб-бормаган бир йигит. — Отамни ҳам билмайман, онамни ҳам эслай олмайман... Мени биров туғмаган...

— Сизлар Абомуслим оғани танимайсизлар, — деди шу пайт келиб қолган Ахий Жаббор. — У ҳалол одам... Шунӣ ёдингизда тутинг.

Чорсу майдони одамнинг кўплигидан тирсиллар даражага келди. Арк кўчаси томондан ўн чоғли сипоҳ қўл-оёғига занжир солинган Абомуслимни олиб кела бошладилар. Майдон гувилларди. Абомуслимнинг аввалги шижоати йўқ, қадам олиши ҳам сушт эди. Калтак зарбидан кўзлари ногирон бўлиб қолган, атрофни яхши кўрмасди. Қадрдон Чорсу майдонини одам билан лиқ тўлганлигини ғалағовур овозлардан тасаввур қилди. Уни супага чиқардилар. Кўриб Ахий Жабборнинг юраклари эзилди, унинг назарида айиқдай лапанглаб юрадиган Абомуслим ўрнига қийноқлардан кичик тортган, қаттиқ уринган бошқа бир бечора одамни олиб келиб қўйишганди. Озиб-тўзиб кетган Абомуслимни таниб бўлмасди.

Бир оздан кейин Арк кўчасида Самарқанд ҳокими Садр Сулаймон шайхулислом Абулворис Самарқандий, Қавомиддин қози, мударрис Хожа Лутфуллоҳ, имом Қутбиддин, кўп маҳаллаларнинг оқсоқоллари, имомлар, шаҳарнинг турфа бадавлат кишилари пайдо бўлдилар. Худобанда Садр Сулаймоннинг ёнида келар, Чорсу майдонидаги издиҳомга ҳайрат билан қараб қўярди. Улар супанинг тепа томонида ажратилган жойда тўхталдилар. Самарқанд ҳокими тахтага ўхшаш гулдор курсида ўлтирдилар. Улар шу аснода томоша кўришга келган кишиларга ўхшаб кетардилар, кимдир жилмайиб қўяр, кимдир нимадандир хохолаб куларди ҳам.

— Халойиқ! — деди супа устига чиққан Қавомиддин қози майдонга юзланиб. Турли жойларга қўйилган одамлар унинг сўзларини илиб олишиб, яна нарироққа етказар эдилар. — Маълумким, салтанат кўшинлари шу кунларда юрт сарҳадида ёғийга сичқон инини минг танга қилмақдаурлар, иншооло, музаффарият туғи шубҳа-гумонлар булутини ёриб, умиднинг ёрқин осмонига чиқажак! Илло, мамлакат султони Амир Ҳусайн бошлари омон бўлсин!

— Бошлари омон бўлсин! — кичқирди Абумансур, у супанинг орқа томонида, «казо-казо»лар ичида турарди.

Ҳаммадан ҳам Диёрбакр қурчибоши сипоҳийлари қаттиқроқ бақирар эдилар.

— Жаннатмакон Самарқандимизда осойишталик ҳукм сурмоғи зарур, илло шаҳримиз, юртнинг бош шаҳридир, ўзгалар ибратни ундан олурлар. Надоматлар бўлсинки, шаҳримизнинг ўзи нотинчдир, мен сизга айтсам... — Қавомиддин қози бир томоқ қириб олди. — Амир Ҳусайн ғолиблик тожини кийиб, муҳорабадан мағрур қайтганда унинг табарруқ кўзларига не юз билан қарар эканмиз, бас, ҳукуматга ўлпон йиғиб бера олмадик, юзимизнинг шувитлиги қаддимизни букадир... Албатта, бу ерда, биз, тартибот оғаларининг айбимиз бир шаҳарга етарликдир... Илло... Абомуслим деган бир бетавфиқу бетаҳорат таъвияю тараққос, худо урган, пайғамбар ҳассаси билан туртган, мана шу нас босган бир кимса Садр Сулаймондай бир зотнинг пушти камаридан бўлган ўғилларини менинг ўғлим, деб даъво қилармиш! Хўҳ-хў!

— Йе! Бу нима қилгани?

— Ҳа, унинг ўғли! — бақирди Ахий Жаббор. — Ўғли! Ўғли!

— Ўғли эмас! Ўғли эмас!

— Ростдан ҳам гадонинг даъвоси тухматдир, юртнинг бообрў кишиси шаънига отилган иснод тошидир... — давом этди қозикалон. — Бу гадо билмайдурки, унинг тоши теккан жойида парча-парча бўладир, илло бир парчаси қайтса, унинг ўзига кифоя қиладир. Мен, Самарқанд қозиси Қавомиддин, айтар сўзим, ҳукмим шулки, бундай

тухматнинг жазоси битта — уни дорга тортмоқ лозим! Токи уни улус кўрсин, ўзига хисса чиқарсин! Илло...

Қозикалон сўзини тугатолмади. Ҳар ёқдан: «Жазосини тортсин!» «Нега дорга тортасиз, ўзи ўлай деб турибди-ку!» «Баттар бўлсин!» «Раҳм қилинг!» қабилада турли овозлар ёғилди.

— Инсоф деб лоф урасиз, хўпам гердайиб турасиз! Қани инсоф? Қани диёнат? Қилганингиз бари хиёнат! — бақирди Ахир Жаббор.

Худобанда супанинг орқа томонида, «казо-казо»лар қаторида турар экан, Абомуслимдан кўз узмасди. Айни шу пайтда ўзини Мавлонозода кузатаётганидан беҳабар эди. Мавлонозода ҳозир Худобанданинг кўнглидан нималар кечаётганини билгиси келарди. Дўсти нималарни ўйлаётган экан?

— Мусулмонлар! — издиҳомга мурожаат қилди шайхулислом Абулворис Самарқандий.

Ғала-ғовур пасая бошлади. Сарбадорлар ҳам шайхулисломнинг сўз олганини кўриб, бир-бирларини сукут сақлашга даъват этдилар. Тун салтанати фуқаролари ҳам шундай қилдилар. Шайхулислом давом этди:

— Мусулмонлар! Самарқанд қозиси Қавомиддин Абомуслим деган гадо хуссида ўз ҳукмини ҳаммамизга ҳавола қилдилар. Ҳар қачон ҳам гина-кудуратга ўрин бўлмасин, кибру ҳавога навбат... Ла калъул-жиболи бил-ибари айсару мин ихрожил кибри минал-қулуби, демишлар ҳадисда. Яъни, диллардаги кибру ҳавони кетказишдан кўра тоғни игна билан ағдармак осонроқдир... Ун саккиз минг оламни яратган парвардигорнинг қарами кенг, иншоолло! Ана бу деворнинг тагида ўрмалаб, ўз тирикчилиги кўйида юрган беозор кумирсқа ҳам худонинг бир махлуқидир. Абомуслим ҳам бундан истисно эрмас... Эгилган бошни қилич кесмас, дейдилар. Инчунин, Абомуслим ўз даввосидан кечиб, Худобандани ўғлим дейишдан ўзини тийса, уни дорга тортмакка ҳожат қолмагай. Ушанда у ҳам Садр Сулаймон обрўйини, ҳам Худобанда шаънини аяган бўладир, ҳам ўзи жон сақлайдир!..

Шайхулисломнинг гапи тугар-тугамас, шу пайтгача жим турган Худобанда, у сипоҳийлардай қилич тақиб олганди, супа устига чиқиб келди. Садр Сулаймоннинг нафас олиши тезлашди, Мавлонозаданинг юраги гурсиллаб ура бошлади. Қорасоч бика ёнида турган Жаҳон — у Худобанда ҳақида ҳам Мавлонозодадан, ҳам Кумардан эшитган эди, Кумар батафсилроқ гапириб берганди — ташвиш билан супа томон тикилди. Тун салтанати фуқаролари эса: «Жим! Жим» дегандай бир-бирларини туртишди. Майдонга сув сепгандай жимлик чўкди.

— Тақдир пешонага нимани ёзган бўлса, ўша бўлади. Бошқа йўл йўқдир... Шайхулислом бува тўғри айтдилар, мен гадонинг ўғли эмасмен, ҳоким зурёдимен! — деди дона-дона қилиб Худобанда.

Майдонни қий-чув босди.

— Худобанданинг ақлигини қаранг! — деди кимдир.

— Ақлли! Ақлли! — тасдиқлади бошқаси.

— Тегли-тахтли хонадонда ўсган йигит!..

— Кам бўлмасин! — деган овозлар эшитилди.

Садр Сулаймон чехрасига табассум югурди, Қавомиддин қози билан Абулворис Самарқандий: «Ана, кўрдингизми!» дегандай бир-бирларига мамнун қараб кўйдилар. Жаммазабон девонбеги билан Абумансур Худобанда гапини ғижиниш билан қарши олдилар. «Энди ўзингга келдинг, ўғил бола!» деб кўйди аста Диёрбакр курчибоши. Мавлонозода дўстининг айтганини дуруст англай олмади, негадир юрагининг бир жойи ачишди. Ахий Жаббор қаттиқ ранжиди: «Пул-мол деб отасини ҳам унутиб юборадиганлардан экансан-да, ўзи аввали ҳам тутуминг мёнга ёқмасди!»

«Худобанда наҳотки сарбардорлик эътиқодидан қайтган бўлса?» ўйлади Абубакр Калава, чунки унинг назарида Худобанда ёлғон сўзлади, бу эса сарбадор эътиқодига ётдир. Ҳаммадан ҳам оёқ-қўли кишанда бўлган Абомуслим танг қолди-ю, пичирлади:

— Ие... гадо... ҳоким... ўғлим...

У атрофни яхши илғамас, одамларни фақат овозидан танирди. Худобанда гапирганда «Ўғлим!» деб талпинишига оз қолди. Бироқ ўғлини хижолат этмаслик учун ўзини тийди.

Худобанда майдонга боқиб, ўзининг сўзини сарбадорлар ва рунуду авбошга унчалик ёқмаганини сизди, дўсти Мавлонозода қоп-қора қошларини чимириб, унга тикилиб турарди. Худобанданинг кейинги гапи эса супанинг орқасидагиларни ҳам, майдонни тўлқинлантриб ётган издиҳомни ҳам турфа бир ҳайратга солди:

— Мен гадонинг ўғли эмасмен, ҳоким зурёдимен, дедим... — Худобанда бир оз жим қолди. — Чиндан ҳам ҳоким зурёдимен. Эл-улус билиб қўйсинларки, мен ҳоким зурёдимен, вале Самарқанд ҳокими Садр Сулаймон зурёди эмас, балки Ахсикент ҳокими Саъди Акбар ўғли Жалойирбек зурёдимен!..

Майдонни сурон қоплади. Сарбадорлар, гадолар, рунуду авбош Худобанданинг бу сўзларини қий-чув билан кутиб олдилар:

— Яша, ота ўғил!  
 — От чопса гумбурлар тоғнинг дараси, сўзнинг ростин айтар йигит сараси!— кичкирди Ахий Жаббор.

— Э... иккита отанг бўлса нима? Яхши бузоқ икки онани эмади, дейдилар. Юрабер-да!  
 — Унинг ўрнида бўлганимда, маза қилиб юраберардим!— деди кимдир.  
 — Ушанинг учун ҳам сен унинг ўрнида бўла олмайсан-да!— кесатди бошқаси. Худобанданинг гапи хотин-халажлар орасида ҳам муҳокама эди:  
 — Суқсурдай йигитнинг бошига тушган кўргиликларга қаранг, эгачи!— бағри увалди Ашур бибининг.  
 — Улсин эркаклар ҳам, боласини ташлаб кетаверишади...— кўшилди Жаннатой. Қорасоч бика Ашур биби билан Читрабонуга деди:  
 — Ҳоким буванинг ўзи ўғли йўқ экан-да, а? Нимага? Мен ўғли бор деб юрардим. Бу гапни эшитган Жаннатой нимадир демоққа оғиз жуфтлади-ю, бирдан Жаҳон ёнларида эканлиги эсига тушиб, Қорасоч биканинг қулоғига нималардир шивирлади. Қорасоч бика эшитаркан: «Вой, ўлсин! Оббо, урди худо! Ҳм... Ҳм...» деб қўйди қиз боладай қизарганича.

— Эй, Худобанда!— чинкирди шу пайт Абумансур.— Ахсикент ҳокимининг зурёдимен, дейсан. Синглинг, бир қориндан талашиб тушганинг билан ўйнашганингга не дер экансен? Қалайсен, ҳоким зурёди?  
 — Ё худо!...— инграб юборди Абомуслим.— Ўзинг асра!..  
 — Ҳай-ҳай! Оғзингни юм! Оғзингни юм! Оғзингга тош!— чидолмади Садр Сулаймон ва шарт ўрнидан туриб, супа томон юра бошлади.— Ўғлим! Хонумонимни кул қилма!  
 У Худобандани қучоқлаб олди. Абомуслим эса, ногирон кўзларини уларга тикиб турарди.  
 — Ўғлим! Кўрар кўзим ҳам сен, ёруғ юзим ҳам сен!— дер эди Садр Сулаймон.— Бошқа кимим бор?..  
 Худобанда лом-мим демасди.  
 — Улус олдида не деган одам бўламен? Қандоқ бош кўтариб юрамен? Тузим ҳурмати... Сени одам қилдим ахир...  
 Супанинг устида қизиқ манзара ҳосил бўлди. Ўртада нечундир юраги тошга айланиб бораётган Худобанда, чап томонда Худобандага меҳр қўйган, меросхўрим, ўғлим деб ишониб юрган Самарқанд ҳокими Садр Сулаймон; ўнгда не-не йиллар ўғлидан жудо бўлган ва ниҳоят тақдирнинг марҳамати билан ўғлини топган бечора Абомуслим... Бутун Чорсу майдони уларни кузатиб турар, кўриб биров ҳайратда, биров ғазабда, бошқаси гапнинг нимадалигини тушунмай ёнидагидан сўрар, ўзгаси эса ҳокимнинг ўртага чиқиб қолганидан кулар эди.  
 — Ўғлим!— деди Абомуслим.— Омон экансен, тинч экансен, менинг бахтим шу... Садр Сулаймон Худобанданинг жим турганини кўриб, энди Абомуслим ёнига келди.  
 — Эй гадо! Бунча «ўғлим»лайсен? Менинг ўғлимни тинч қўй! Бўлмаса шармандангни чиқарамен! Ўз оғзинг билан «Ўғлим эмас!» деб айт! Айт! Айт!..  
 Абомуслим индамади.  
 — Эй, халойиқ! Кўрдингизми? Сукут — аломати ризо!  
 Худобанда Чорсу майдонига қаради, ажабо, одамларнинг чеҳралари чаплашиб кетгандай бўлди, аниқ кўролмади. Унинг қаршисида фақат Садр Сулаймон турарди, у йирик гавдаси билан Абомуслимни Худобандадан тўсиб олганидан Абомуслим йўқдай тасаввур туғиларди. Абомуслимгина эмас, Садр Сулаймон ундан бутун оламни тўсиб олганди. Ана унинг кенг пешонаси, чиройли қирқилган мўйлаби, калта қирқилган соқоли... Худобанда шу дамгача бир нарсани англай олмайди. Хўш, унинг бошига шундай кунларни солган ким? Тақдир. Ҳа, тақдир... У нимага боғлиқ? Тирик одамга... Тирик одам ким? Фақат Садр Сулаймон! Атрофда чунки ҳеч ким йўқ... Ҳа... Демак, Худобанда бошига тушган азобу уқубатларда фақат мана шу, тарвузга салла ўратиб қўйилгандай одамнинг айби бор. У пул бандаси, бойлик, давлат бандаси...  
 Худобандани хаёллар олисга олиб кетди. Ахсикентда унинг отаси қимор ўйнаб, хотини, бола-чақаси, уйини ютқазиб қўйди... Нишопурда уни қулжаллобдан Садр Сулаймон сотиб олди. Нега сотиб олади? Отаси Абомуслим бошидан кечирган уқубатлар... Шўрпешона синглиси Ширин бика... Хорлик... Зорлик... Ким айбдор бунинг барига?..  
 Худобанда ҳозир танҳо қолганди, оламда танҳо... Олдида унинг қисматида, Абомуслим, Ширин бика тақдирида юз берган фожеалар бадали бўлиб фақат Садр Сулаймон турарди!.. Садр Сулаймон!.. Бошқа ҳеч ким, ҳеч нарса йўқ — Чорсу майдонини тўлдирган издиҳом ҳам, инсонни тупроққа қормоққа яратилган розолатли олам ҳам... Ҳеч ким йўқ...  
 Бирдан Худобанда тиш орасидан деди:  
 — Улим поклайди!..

Бу сўзларни ҳеч ким эшитмади. Қай кимдир эшитиб қолганда ҳам, унга бир телбанинг гапи-да, деб қараган бўларди.

— Ўғлим!— деди шу пайт Абомуслим.— Мен розиман, сен ушбу ҳокимни падари бузрукворим дегин! Ҳурмат қилгин! Омон бўлсанг, тўрт мучанг соғ бўлса бўлди... Менга бошқа нарса керакмас...

Майдонда яна сурон қўпти.

— Баракалла!— деди Абомуслимга шайхулислом.

— Ҳукмни бекор қиламен!— эълон қилди қарорини қозикалон.

— Дордан қўрқди гадо, дордан!— писиллатди кимдир.

— Тўғри қилди Абомуслим! Тўғри қилди!— маъқуллади Абубакр Калава ҳам.

— Подшолардай сахий!— мақтанди Ахий Жаббор.

Садр Сулаймон курашда енгиб чиққан паҳлавондек суронлар остида Худобандага ўгирилди, унинг юзида табассум ўйнади.

— Ана, ўғлим! Ана!.. Ҳақ қарор топди! Қарор топди!..

Самарқанд ҳокими қувониб Худобандага қаради-ю, ўғлини танимади. Унинг кўзлари чақчайган, юзлари оппоқ оқариб кетган, мисқоли салланнинг печи сал чувалиб, елкасига тушганди. Йигит ҳеч нарсани эшитмас, тили фақат даҳшатли бир калимани такрорларди холос:

— Улим поклайди!..

Худобанда рўпарасида Садр Сулаймон эмас, балки бир ажабтовур махлуқни, девни кўргандай бўлди. Бу дев ҳамма нарсани беаёв ютиб юборадиган балои офат, юхо нафсли махлуқ... Махлуқ унга қараб таҳдид қилиб келарди. Худобанда шуурсиз чекина бошлади, бироқ орқасида туби йуқ жарликни кўрди. У фурсатни қўлидан бермади, чекинса — жарликка қулайди, чекинмаса, дев ютиб юборади. Хайҳот!.. Шартта қиличини сўғурди-да, ҳалиги девнинг бошига солди!

— Улим поклайди!!!

Воқеа кўз очиб юмгунча бўлиб ўтди. Бутун майдондагилар «Воҳ!» деб юборишди. Ҳеч ким бундай бўлади деб ўйламаган эди. Қилич Садр Сулаймоннинг тарвуздай бошини танидан жудо қилганди. Кесилган бош юмалаб Абомуслим оёғининг тагига тушди. Лекин гадо ҳокимнинг бошини кўрмасди.

Диёрбакр курчибоши сипоҳларига буюрди:

— Тез Худобандани тутинг!!! Жинни-ку!..

Сипоҳлар қўлида қилич ўйнаб турган Худобандага орқадан билдирмай аста яқинлаша бошладилар.

— Етим кўзи асрасанг, оғзи-бурнинг мой этар, етим бола асрасанг, оғзи-бурнинг қон этар...— деди хаёлга ботиб шайхулислом.

— Қилмишига яраша...— Қавомиддин қози анграйиб қолганди.

Майдондан келаётган садолар бошқача эди:

— Омон бўлсин Худобанда!

— Очофатни ўлдириб савобга қолди, савобга!

— Чинданам ҳоким ўғли экан!

Найза тутган сипоҳийлардан бири Худобандага яқин бориб қолган эди. Худобанда орқадан келаётган хавфни сезиб, шарт ўгирилди. Шу пайт сипоҳийларнинг ортида қандайдир сур-сур бошланди, сипоҳийлар билан сарбадорлар курашарди. Иприлган тўлқин кутилмаганда найзали сипоҳийнинг елкасидан қаттиқ туртиб юборди! Заҳри қотил найза Худобанданинг кўксига санчилди!

— Оҳ! Отажон!..— ингради Худобанда қўлидаги қиличга таянар экан, аммо қўлидан дармон кетиб борарди.— Нобуд бўлдим!..

Мавлонозода, Хўрдак Бухорий сарбадорлар ёқдан, Ахий Жаббор, Ҳасан чиноқ, Соҳиб Чангал, Калтатойлар ҳар жой-ҳар жойдан супа томон интилдилар. Оломон жазавага тушиб борар, унинг орасидан ёриб ўтиш осон эмасди. Ҳасан чиноқ бир сипоҳий билан олишиб қолди, шу пайт бошқаси унга найза ўқталиб кела бошлади. Ҳасан чиноқ кўрмас эди.

— Чиноқ! Енингга қара!!!— қичқирди Ахий Жаббор. Лекин Ҳасан чиноқ ёнига қараб улгурмади. Иккинчи сипоҳий гадонинг биқинига найза урди. Ҳасан чиноқ «шилқ» этиб одамларнинг оёғи остига тушди. Одам қалинлигидан шеригига кўмакка боролмаган Ахий Жабборнинг юрагини совуқ ялаб ўтди.

Абомуслим кўзи кўрмаса ҳам Худобанданинг «Нобуд бўлдим!..» деганини эшитди, нохуш нарсани ҳис қилди-ю, оҳиста занжирларини жаранглатиб ўғли ётган жойга кела бошлади. Йўлда у нимагадир дуч келди, бу йирик бир одамнинг гавдаси эди, йўлида Садр Сулаймоннинг гавдаси ётарди. Садр Сулаймоннинг тириклигида ҳалал бергани етмагандай, ўлиги ҳам Абомуслим йўлида ғов эди. Етиб келган Ахий Жаббор Абомуслимнинг қўлидан тутди ва Худобанда томон етаклади. Гадо ўғлининг устига ўзини ташлади.

— Ўғлим! Мен нобуд бўлай! Сен яшагин, ёшсан!— нола қиларди гадо ногирон кўзларидан ёш қуйилиб.— Энди топганимда сени йўқотаманми?..

Худобанда нимадир демоқчи бўлар, оғзига келган қондан гапиролмай қийналарди.



— Менинг гуноҳларим учун сен азоб чекдинг, ўғлим!— зорланарди Абомуслим ўғлининг юз-кўзларидан ўпар экан.— Наҳотки, қачондир йўл қўйилган хатонинг қайти-ми бўлади-я? Наҳотки, қачондир босилган нотўғри қадам бир кун келиб ўчини олади-я? Наҳотки, қилинган мудҳиш хато ҳеч қачон кечирилмайди?.. Наҳотки, кечирилмайди?.. Инсоннинг ҳар қадами ўлчовли эканини шу ёшга келиб англаб турибмен... Оҳ, шуни аввал билганимда эди, билганимда эди!.. Ўғлим! Энди билиб босамен қадамимни, сен ўлмасанг бас! Е, худо! Қилган гуноҳларимнинг чораси не? Чораси не?..

— Улим поклайди...

Худобанда қийинчилик билан шу сўзларни деди-ю, жон таслим қилди.

Шу пайт Абубакр Калава, Мавлонозода, Шаҳриёр, Шотабиб, Диёрбакр қурчибоши, қозикалон, шайхулислом, Жаммазабон девонбеги бари супа олдига етиб келишди.

Абомуслим ўғлини қучоқлаб олди. Гапирай деса тили айланмасди:

— Сен ўлма... мен ўлай... сен ўлма... мен ўлай... мен...— деди-ю, ўша лаҳзада Абомуслимнинг жони чиқиб кетди! Ҳамма супада ётган уч ўлика жим қараб турарди. Супа пастидаги ноумид қолгандек мунғайган дор оша майдонда сурон пасайиб борарди.

— О, қисмат!— деб юборди шайхулислом Абулворис Самарқандий ўзига-ўзи айтгандек қилиб.— Баҳоваддин пиримининг айтганлари бўлди-я! Садр Сулаймон фарзанд илгидан қаза топди... Қараминг улуғ, э парвардигор!

— Худобанда ўлдирмади, Худобанда қўли билан худо жазолади,— деди кимдир.— Садр Сулаймоннинг тутуми наинки инсон боласига, ҳатто худога ҳам ёқмади...

Чорсу майдонидаги фожеа ҳамманинг оғзига эди. Ҳамма Худобанда билан Абомуслим — энди топишганда бир-биридан жудо бўлган бечора ота-болалар тақдирига ачинарди.

Самарқанд сарбадорлари, Тун салтанати фуқаролари Абомуслим билан Худобандани Чокардиза қабристонига ёнма-ён қабрга қўйдилар. Еруғ дунёда бир-биридан Мосуво ота-бола энди мангу бирга бўлишлари кўнгилларга сал-пал тасалли берарди. Бу маъшум воқеа сарбадорлар билан Тун салтанати фуқароларини яна ҳам жисплаштириб қўйди.

Садр Сулаймонни катта дабдабаю асъаса билан Чорсу майдонида, хонақоҳ ёнида ўзи ясатиб қўйган қабрга дафн этдилар. Мавлонозода дўсти Худобанда учун уч кун аза тутди.

Чорсу майдонидаги воқеадан кўп ўтмай бетўхтов айланиб турган чархи фалак ўзга ҳангомаларни келтириб чиқарди. Самарқанд аҳлини энди ўзга фожиалар кутарди.

## ЙИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ

### Самарқанд остонасидаги жанг

Эрталабдан қирғиякнинг шамоли эсди, кейин ёмғир савалаб ёғди, хайриятки, кўп ўтмай тинди. Куз фасли бошланмоқда эди.

Чинос ёнида Амир Ҳусайн қўшинларининг мағлубиятга учрагани ҳақидаги маъшум хабар Самарқандга қандай етиб келганини ҳеч ким билмасди. Бу гапни биринчи бўлиб Тун салтанати қулоғи, соҳибул хабар Бобо Султон айтди. Абомуслим билан Худобандани дафн этишиб кўнгиллари қайғуга тўлган фуқароларга бу дард устига чипқон бўлди. Кўплар: «Ҳой, оғзингга қараб гапир!» дейишди. Соҳиб Чангал: «Нега ёлғон гапириб, ҳаммани чалғитасан?» деб ўшқирди. Шаҳриёр Бобо Султон гапида жон борлигини идрок этди. Маълум бўлишича, бир чопар Қаршидан келиб, Қавомиддин қозига айтиб кетибди. Амир Ҳусайн билан амирлашкар Темур қолган-қутган лашкарини олишиб ўша ёққа ўтиб кетишганмиш...

— Мен айтмакчи бўлган ҳақиқат асли бундоқдир...— деди Бобо Султон.— Ҳозир Амир Ҳусайн юртни ҳимоя қилмакка ҳам қодир эмас... Шул ваздан у аҳли аёлини Жайхуннинг у томонига жўнатмоққа қарор қилибдир. Амир Ҳусайн шул ниятини Темурбекка айтибдир. Темурбекнинг жавоби бундоқ бўлибдир: «Гарчи дарёнинг нариги томонига кўчиб кетишга қарор қилинган эрса-да, юртни ташлаб кетмакка кўнгил бўлмайди, чунки у душман ва келгиндилар оёғи остида топталадир. Дарҳол қўшин тўплаб, қайтадан душман билан юзлашайлик!» Бунга бўй бермаган Амир Ҳусайн Шаҳрисабздан Солисаройга келибдир, келибоқ аҳли аёлу одамларини дарёнинг нариги қирғоғига ўтказибдир ва қиру адирларни босиб ўтиб, Шибертуда иқомат айлабдир. Ҳамма жойга хабарчилар қўйиб, мабодо Жета кўшини яқинлашгудай бўлса, Ҳиндистон томон чекинмоқни хаёл этибдир...

Бобо Султон рост айтди. Амир Ҳусайн Шаҳрисабздан жўнаб кетганидан кейин Темур бутун эътиборини аскар тўплашга қаратди, етти қўшиндан иборат черик жамлади. Мақсад аҳволни ўнглашдан иборат эди. Темурхўжа ўғлон, Жоварчи ва Аббос баҳодирларни илгор расми билан Самарқандга юборди. Улар Кўҳак деган жойда душманиннг Кепак Темур, Широул ҳамда Ҳожибек ўғли Инкачоқ бошлиқ илгор қисмига дуч келиб енгилдилар. Жоварчи деган аскарбоши эса ҳийлага учиб, душман томонига ўтиб

кетди. Бу воқеани эшитган Темура ҳали давлат ишларида тўсиқлар мавжудлигини англади, оқибатда у ҳам юртни ташлаб кетишга мажбур бўлди. Мамлакат ана шу йўсин ўз ихтиёрига ташлаб қўйилган, ҳимоясиз қолган эди.

— Даҳшатли гап шуки,— тугатди сўзини Бобо Султон,— Жета қўшини Чинос жанидан сўнг ҳеч бир тўсиқсиз Самарқандга бостириб келмакда!

Ҳаммани ваҳима босди.

— Душман бостириб келмакда!

— Жета қўшини келиб, ҳаммани ўлдирадир!

— Қул қиладир, хор-зор қиладир!

— Бас, эй аҳли фуқаро!— қичқирди вазири аъзам Насафий.— Валинеъмат шаҳаншоҳим сўз демачилар!

Тездагина майдонга жимлик чўкди. Шаҳриёр ичига қўрғошин солинган таёғини сандиқ четига бир уриб қўйди-да, сўз бошлади:

— Салтанатимизнинг жонфидолари! Сиз аввало Тун салтанати фуқаросидирсиз.

Салтанатимиз, маълумингизки, Самарқанд сарбадорлари жамоасига кирадир. Инчунин ҳар бирингиз сарбадордирсиз! Самарқанд сарбадори!..— Шаҳриёр шундан сўнг ваҳимага тушмасликни уқтирди, биринчи галда бу маъшум хабарни сарбадорлар жамоаси сардори Абубакр Калавага еткурмак зарурлигини айтди.— Тонг отиши билан Ахий Жаббор ҳаялламай Наддофлар маҳалласига чопадир, унга шу вазифа юклатиладир. Насафий Ҳалвойи маҳалласига, Суқрот Нозим Меҳмет қаҳвахонасига, Шотабиб Уста Кулол маҳалласига, Бобо Султон Лакшманга, Қамариддин мадраса талабаларига, Соҳиб Чангал бозор аҳлига бу хабарни етказсинлар. Йўлларда учраганлар билан нохуш хабар хусусида баҳс айлаб борилсин. Ўзга фуқароларимиз шаҳар оралаб жумла мўминларга кўнгилларга тоғдай дард ортгувчи маъшум хабарни ёйсинлар. Барча чопарлар бир жиҳатни назарда тутсинларким, бу хабардан сўнг идрок ва фаросатнинг тақозо этувига кўра, барча Чорсу майдонида йиғилуви ҳам таъкидлансин. Сўнги сўз шулким, шаҳармардондан Тун салтанатининг барча фуқароси Чорсу майдонида жам бўлсинлар...

Тонг отар-отмас Тун салтанати фуқаролари шакароб сепилган сувдек бир лаҳзада шаҳарга сингиб кетдилар. Ахий Жаббор Наддофлар кўчасига қадам қўйганда кун чиқа бошлади, у офтобни кўчада қаршилади. Кўчада ҳали одам сийрак. Ниҳоят у Абубакр Калаванинг кўш табақали дарвозасига етиб келди-да, оҳиста тақиллата бошлади.

Дарвозани Жаҳон очди.

— Ассалому алайкум!..— деди бундоқ бўлишини кутмаган Ахий Жаббор ўзини йўқотаёзиб.

Жаҳон фақир йигитни таниди, бу ўша, тўйда илондан қўрқиб қочганида, фавқулодда ёнига бориб қолган йигит. Кумар шу йигит ҳақида гапиради-да! Ана, Кумар айтгандай, йигит Жаҳонни кўриб қизариб ҳам кетди...

Йигитнинг каловланиб қолиши қизни завқлантириб юборди. У алик олди-да, чиройли кўзларини Ахий Жабборга тикди:

— Падари бузрукворимда юмушингиз бормиди?..

Ҳа, йигитнинг юмуши бор... Жуда муҳим юмуши бор...

— Ҳозир бомдоод намозини ўқишмакда... Кириңг!

Ахий Жаббор орқасига ўгрилиб хиром этган офатининг қизининг навниҳолдай қади-қоматига тикилди. Гўзалликнинг юксак чўққисига камолга етган ушбу сарв жуда йироқ, унга кимсанинги қўли етмайди. Уни фақат олислардан томоша қилмак мумкин. Унда ҳам — насиб этса...

— Билурмусиз...— Ахий Жабборнинг овозидаги ташвиш оҳанги қизни сергаклантирди.— Бошимизга бало ёғилмакда, балои офат! Шаҳримизга душман бостириб келмакда!..

— Душман?!— Жаҳон қошларини чимирганча тўхтаб, йигитга ўгирилди.

— Мўғул қўшини бугун-эрта шаҳримизни ишғол этадир. Бобо Султон деган фуқаромиз шу гапни топиб келди. У алдамайди. Шаҳриёр ҳаммамизни шаҳарнинг турли ерларига юбордилар...

— Амир Ҳусайннинг қўшини қаерда экан?

Ахий Жаббор қизнинг саволидан ҳайратда қолди. Қиз бола қўшин ҳақида сўрайдирми?..

— Мамлакат қўшини мағлублик жандасини эғнига илибдир...

— Э, аттанг! Э, аттанг!— деди шу пайт Абубакр Калава, у аллақачон айвонда туриб бўлаётган гапларни эшитиб турарди.— Ахий Жаббор, қани, Чорсу майдонида кетдик! Э, аттанг!..

Мўғулларнинг бостириб келаётгани ҳақидаги хабар бутун Самарқандни оёққа турғизди. Ҳамма каттадан-кичик яна Чорсу майдонида тўпланди. Жоме масжидининг олдида, Тун салтанати тахти турадиган жойда минбар тикладилар. Издиҳомда турли тоифадаги одамлар бор эди, аҳли аъён ҳам, толиби илм ҳам, сипоҳ ҳам, косибу ҳунарманд ҳам, дарвиш ҳам, гадо ҳам... Биров минбарга яқин йўламас, ҳар ким ўзича фикрлар, аниқ бир қарор йўқ, ким нима дейишни билмасди. Абулворис Самарқандий

шайхулислом, Қавомиддин қози, мударрис Хожа Лутфуллоҳ, имом Қутбиддин, Жаммазабон девонбеги, жуда кўп маҳалла оқсоқоллари, имомлар жим туришар, бу ногаҳонда ёприлган бало-қазога не чора қилмак лозимлигини билишмас, Диёрбакр қўрчибоши эса тонгдаёқ сипоҳийларини йиғиб: «Биз танг аҳволда музтар Амир Ҳусайн ҳазратлари ёнларида бўлмагимиз жоиздир!» деб, Солисаройга жўнаб қолганди. Босиб келаётган қаттол душман ваҳимаси, унинг эртами-индин шу ерда бўлиши эҳтимоли юракларни сирқиратар, ҳамманинг кўзига дунёни қоронғу қилар эди.

Минбарга Самарқанд сарбадорлари жамоаси сардори Абубакр Калава яқинлашди.

— Эй, аҳли мусулмон! Эй, феъли яхшилар!— майдонга мурожаат қилди Абубакр Калава.— Инсон боласининг бошига турли синовлар тушадир, у синовлардан обрў ила ўта олмағи даркордир. Бугун бошимизга ана шундай синов тушди, синов эмас, кулфат... Она юртимиз хавф исканжасида, она шахримиз душман оёғи остида хор бўлмақ эҳтимолида...— қутилмаганда унинг овози бўғилди, товуши яхши эшитилмай қолди.— Мавлонозода! Нечундир ўзимни нохуш сезадирмен, қаттиқ шамоллаш асорати бу... Сиз барчага жамоамиз аҳду қарорини етқурингиз, эй феъли барқарор!

— Бажону дил!— деди белига зарҳал қинли қилич боғлаб олган Мавлонозода майдонга юзланиб.— Ё машаралмуслимин! Куч-қудратда беқиёс душман, душман бўлганда ҳам ким денг, кофирлар! Улар мусулмонлар хонумонлари ва жонлари қасдига хезланиб келаётир. Амир Ҳусайн билан Темурбекнинг юлдуз нишонли лашкарини, афсуслар бўлсинки, қайира олган душман шахримизга юз тутиб турибдир...

Майдондаги сурон тингандай бўлди, Мавлонозаданинг ўктам овози Чорсу майдонининг пучмоқ-пучмоқларига ҳам етиб борарди.

— Эл-улусдан божу хирож олган, ўлпон саришталаган Амир Ҳусайн барини тасаруф этишда ўз билгича йўл тутадир, аммо мана бундай қора кунда қорасини кўрсатмайдир ва балки, жумла мўминларни ҳаққа топшириб, кофирлар олдида жуфтакни ростлаб қоладир...

— Амир Ҳусайн эмас, Амир бетайин экандир!— чертиб-чертиб деди Ахий Жаббор. Унинг баланд овози барчага эшитилди.

— Сичқон инини минг тангага сотиб олган амирнинг шўри қурсин!

— Амир Темурбек-чи?..

— Самарқандни ҳимоя қилишмай қочиб қолишибди-ку!

— Саваш қураман, деб ўлпон йиғмакка моҳир!— Лакшман қичқирган бўлса ҳам, унинг пўк овози ёнидагиларгагина эшитилди холос.

Мавлонозода давом этди.

— Аҳвол тақозоси шундоқки, агар биз совға-салом, ҳадяю тансуқот, мол-ашё инъом этсак ҳам омон қолмоғимиз гумон. Қаттол душман раҳм-шафқат нималигини билмайдир. Ундан яхшилик кутмак, тошдан сув чиқмагига интиқ бўлмак билан баробардир. Эй, мусулмонлар! Маҳшар кунини эсдан чиқармайлик. Айтинг-чи, ичимизда адолат ишини ҳимоя қила оладиган, аҳли аъёну авом олдида, юрт олдида, улус қошида ўзини жавобгар сеза оладиган бирор валлават борми? Бизларга, бошингни кундага қўй, деса, бош эмас, балки бутун тану жонни ҳам бахшида этиб, хизматига кира оладиган бирор мард инсон борми орамизда?..

Чорсу майдонига фавқулдда жимлик чўкди. Ҳамма шаҳар казо-казоларига қарар, улардан эса бир садо чиқмас, оғизларига толқон солиб олишгандай жим боқиб туришарди. Халойиқ толиби илмнинг сўзларидан сеҳрланиб қолгандай сукутда... Сўз айтмоққа бировда журъат бўлмади. Яна Мавлонозаданинг ўзи гапирди:

— Модомики, ҳеч ким шундай жавобгарликни бўйнига ола олмас экан, битта йўл қолади... Бордию Самарқанд сарбадорлари жамоаси, юртимизни топтатмаймиз, босқинчиларга қарши сўнги нафас қолгунча жанг қиламиз деса-ю, мана шундоқ масъулиятни ўз зиммасига олса, қўллаб-қувватлаб, кўмак берасизларми, ёки йўқми?..

— Кўмак берамиз! Мени ёзинг!— деди бўйнига камон осган йигит.

— Сарбадорлар яшасин! Мени ҳам қўшиб қўйинг!

Шу пайт Қавомиддин қози одамларга мурожаат қилди:

— Эй мусулмонлар! Шундай катта мамлакат ва давлатни ҳимоя қилиш, Жета қўшинидай беомон душманга бақамти келиш подшолар ва уларнинг ноибларига тегишли юмушдир... Лекин уларга тобе бўлган бечора кишилар бу ишнинг уддасидан чиқа олармукинлар? Уйлаб кўрайлик! Етти ўлчаб бир кес, дейдилар, илло...

Қавомиддин қозининг гапи оғзида қолди:

— Бу гапга қўшилиб бўлмайдир!

— Уддасидан чиқади! Эса Амир Ҳусайндан мадад кутамизму?— қабилида норозилик саслари майдонни тутиб кетди.

Энди шайхулислом Абулворис Самарқандий сўз олди:

— Азизлар! Ҳаммамиз ҳам, иншоолло, худонинг бандасидурмиз... Бандага хос фикр қилмагимиз жоиздир. Агар уйга ўт тушса, у ёниб ётган бўлса, қандоқ ўчираар эканмиз, деб кенгашиб ўтирилмайди, вақт қўлдан кетиб қоладир. Оқиллар ўйланиб ўлтирмай, қўлига пақирда сув олиб, ўтни ўчиришга шошиладирлар. Фи аййи, суратин ма шаа раккабак, демишлар олло-таоло! Яъни, бу калима маъноси: «Сени шу ҳолда,

сенинг хоҳишинга кўра шундай пайдо қилди...» деганидир. Самарқанд сарбадорлари улўғ юмушни эгниларига олибдирлар, кам бўлмасинлар! Зеро, ҳақ-таоло уларни ўзларининг хоҳишига кўра шундай пайдо қилибдир...

Абубакр Калава энди жим туролмади. У қийналиб бўлса ҳам бундай деди:

— Юртимизни душмандан асрашга, бирлашмакка қасамёд этайлик! Қасамёдни унутсак, хотинларимиз бизга ҳаром бўлсин!

«Маъқул!» «Маъқул!» деган овозлар эшитилди. Шайхулислоннинг гапи қозикалонга, Жаммазабон девонбегига хуш келмади. Абумансур шайхулислон билан яқин бўлиш лозимлигини англади. Мударрис Хожа Лутфуллоҳ қози сўзлаганда ҳам, шайхулислон сўзлаганда ҳам «Ажаб... Ажаб...» дейишдан нари ўтмади. Имом Қутбиддин эса фақат: «Ана холос! Ана холос!» дер эди.

— Эй Самарқанд аҳли!— деди Мавлонозода. Унинг овози бу гал яна ҳам залворли чиқди.— Каломни қисқа қилурмен. Сарбадорлар жамоаси андоқ фикр қилур. Зудлик билан, айни шу дақиқадан бошлаб, камина шаҳар аҳолиси рўйхатини тузурмен, уйланганлар қанча, бўйдоқлар қанча, ажнабийлар қанча, ғайридин қавмлари қанча, мусофирлар қанча... Илло барчамиз шу тупроқ тузини тотар эканмиз, юрт тақдири учун баб-баравар масъулдирмиз...

Мавлонозоданинг сўзидан сўнг одамлар минбар томон ошиқа бошладилар, ҳамма рўйхатдан ўтишга шошиларди.

Сўз навбати Хўрдак Бухорийга етди:

— Одамлар!— деди у.— Рўйхатдан ўтмоқдан аввал ҳарб интизоми хусусида сўзимизни яхши англаб олингиз. Интизомни бузган киши ўша жойда қиличдан ўтказиладир. Бир юзини гуноҳга тутган киши иккинчи юзини жазога бурмаги мақбулдир. Шаҳар дарвозалари, раҳналарига кўриқчилар қўйилсин. Ҳамма кўчалар то Чорсу майдонигача бир неча жойда чеплар, бандлар билан боғлансин, тўсиқлар тиклансин. Чеплар устида ёйандоз, ўқчилар, мерганлар учун шинаклар қолдирилсин. Кимки қайси юмушга тайинланган эса, жойидан бир қадам ҳам нари жилмасин. Кечасию кундузи жойида қолмаги ўқтирилсин. Ҳатто шериклар бошига кулфат тушибди, кўмакка бормак лозим деган хаёлда, ўзига берилган жойни қолдириб кетиш жиноят деб ҳисоблансин. Ҳовлига, бола-чақалар ёнига бориб келиш, мўғуллар билан сўзлашиш каби интизомсизликлар қатъиян ман этилсин. Ҳеч кимга ўз ҳолича жанг қилмакка рухсат берилмасин. Жангга кирмак борасида махсус довул садоси жаранг берур!

Одамлар рўйхатдан ўта бошладилар.

— Исмингиз?— сўради Мавлонозода баланд бўйли йигитдан.

— Тоштемир.

— Қайси маҳалладан?

— Хожа Кафширдан. Нима юмуш топширилса адо этурман.

— Уйланганмисиз?

— Уйланганман. Бир ўғлим бор... Кекса отам, онам бор.

— Сиз шаҳарнинг ичида бўлурсиз,— деди Мавлонозода.— Жангга лозим бўлиб қолса киражаксиз, кекса ота-онангиз, ёш болангиз бор экан...

Тоштемир нимадир демоқчи эди, Мавлонозода:

— Гап тамом!— деб кесиб қўйди.— Ҳалвойи оғал! Сиз соқа<sup>1</sup> сафини идора этурсиз.

Қўшинингизга Тоштемирни олингиз!

Ҳалвойи ёзиб олди.

Рўйхат шу хилда давом этди. Қўшиннинг баронғор қисмини Хўрдак Бухорий, жавонғор қисмини Ахий Жаббор бошқарадиган бўлди. Илғор қисми Мавлонозода чекига тушди. Вақт зиклигидан рўйхат маҳалиёқ жангчилар сафларга бўлиб ташланди. Мавлонозоданинг қўли қўлига тегмас, иш билан одамларга қарамас ҳам эди.

— Исмингиз?— сўради у навбатдаги жангчидан.

— Жаҳонгир!

Мавлонозодага овоз таниш туюлди. Бошини кўтариб, рўпарасида ўнг томонига қилич осган, совут кийган ўн саккиз ёшлардаги ингичка мўйлабли йигитга қаради. Йигит жуда келишган, дубулғаси ўзига ярашиб турарди. «Ажойиб йигитларимиз бор-да!» деб қувонди Мавлонозода. Унинг анграйиб турганини кўрган йигит кулиб юборишига оз қолди, эшитмади шекилли, деб ўйлаб, бидирлади:

— Жаҳонгир! Беклар маҳалласидан. Ота-онам бор. Ҳали уйланганим йўқ, бўйдоқман... Қилич чопаман, найза отаман...

Мавлонозода ҳамма саволга бирданга жавоб берган бу йигитни қаерда кўрганини сира эслай олмади. Яхшироқ тикилиб қарагиси бор эди-ку, аммо фурсат йўқ, унинг устига шу пайт орқадан кимдир ёғжиниб: «Нега гапга солсан? Тезроқ ўт!» деб бетоқат бўла бошлади. Сухбатга диққат қилиб турган Абубакр Калава Жаҳонгирга яқин келди-ю, тикилиб қолди. Ажаб! Сал тўлароқ бўлса, нақ Шамсулмулкнинг ўзи бўларди қоларди. Одам ҳам одамга шунчалар ўхшайдими? Беклар маҳалласиданман, дедими? Ҳа, шаҳарнинг у томонидан экан-да...

<sup>1</sup> С о қ а — тасодифий ҳужумлардан сақланиш учун қўшин ортига қўйилган қисм.

— Ҳа, амак! Жуда тикилиб қолдингиз, бировга ўхшатдингизми дейман?— сўради Жаҳонгир шартта.

— Йўқ, ўғлим... Жуда чиройли йигит экансан-да! Шунга қараяпман. Қилични эса чап томонга тикмоқ керак, сен ўнг томонингга тикиб олибсен...

Жаҳонгир қиз болалардай уялиб кетди.

Абубақр Калава бирдан йигитни таниди. Ана холос! У қизи Жаҳон-ку! Ана бу эғнидаги кўктемир ҳам Абубақр Калаванинг совути. Сиғмай қолганидан, сандиққа ташлаб қўйганига кўп йиллар бўлди. Илгари ҳам қизининг бир неча марта олиб, ҳавас қилиб кийганини эшитганди. Демак, онаси пинҳона олиб берар экан-да. У Жаҳоннинг тутумидан ташвишланди, қиз бола нарса... Жанг йигитлар иши бўлса... Шу ерда шартта сирни очиб, Жаҳонни жангдан олиб қолмоқчи бўлди. Бирдан яна ўйлаб қолди: «Жаҳон-ку ёшлик қилиб «йигит» бўлиб жангга шайланибди. Бўлар иш бўлибди. Жаҳонни асли кейинги пайтларда эҳтиёт чораси сифатида йигитчасига кийинтириб қўйишмоқда эди. Элга ташвиш тушиб, ҳамма сафга ёзилиб, шаҳар мудофаасига бел боғлаб турганда Абубақр Калавадай оқсоқол, кадхудо фарзандини муҳорабадан олиб қоламан деб ўлтирса... Улус бунга нима дейдир? Одамларнинг шахтини қайтариб қўймайдирми? Ўзи ҳаммани мудофаага, ватанпарварликка чорлагани ҳолда, фарзандини аяса... Йўқ, бу мумкин эмас! Шамсулмулк бўлганда-ку, Жаҳон қатнаш-маса ҳам бўлар эди. Энди илож йўқ. Оғасининг ўрнига бир аскар... Юртни ёв босиб келганда уйда ўлтиролмаган «ожиза» анчайин йигитлардан устундир. Энди бу ёғи дим-дим, сир очилмаслиги керак...»

Сарбадорлар жамоаси оқсоқоли тикилавериб Жаҳонни хижолат қилмасликка тиришди. Лекин мўйлабни ҳам зуптагина қилиб қўйибди, таниб бўлмади... Абубақр Калава ичида қизининг жасур ва шаддолигидан ғурур тўйди.

Мавлонозода Жаҳонгирнинг ёшлигини назарда тутиб, соқа сафига киритди. Аммо йигит рози бўлмади:

— Йўқ, мени илғор қисмга киритасиз!

— Бирон дайди ўқ тегиб ўлиб-нетиб кетманг, деймен...

— Ўлсам, шу юртни деб ўламен!

— Ёш экансиз...

— Ватан, юрт ёш-қарини танламайди, юрт учун ёш ҳам, қари ҳам бир хилда фарзанддир!

Мавлонозода у деса у деди, бу деса бу, Жаҳонгир айтганида туриб олди.

— Айтганига йўқ деманг, Мавлонозода! Илғор сафга қўшинг! Шундоқ ўғиллар борлиги улусимиз толедир!— деди Хўрдак Бухорий Жаҳонгирнинг қатъий саботидан кўнгли сув ичиб.

Жаҳонгир Мавлонозода бошқарадиган илғор сафга қўшилди.

Ногаҳон юртга келган бало-қазо, қаттиқ ёмғир борлиқдан чанг-ғуборларни босиб кетганидай майда, шахсий гина-кудуратларни бир четга суриб ташлади. Олдинда улкан ташвиш турарди. Шу важдан ҳам Абумансур рўйхатдан ўтмоқ учун келганида Мавлонозода хурсанд бўлди ва уни Ахий Жаббор бошқарадиган жавонғор сафига киритди.

Мавлонозода рўйхатни уч кун давом этдирди, бутун шаҳар аҳлини ҳисобдан ўтказди. Ҳар кимнинг жойи, вазифаси белгилаб чиқилди. Камонгарон қишлоғидан олиб келинган қиличу камонлар етганича қўшинлар аро тарқатилди. Ким қўлига таёқ олди, ким тош... Кўчалар челлар билан боғлангач, шаҳар собит истеҳком қиёфасига кирди. Душман хавфини эшитгандан кейин шаҳарда ҳеч ким мижжа қоқмади. Самарқанд сарбадорлари ҳаёт-мамот жангига шайланар эдилар.

\* \* \*

Чинос ёнидаги ғалабадан сўнг ҳаволанган Жета қўшини, мамлакат ҳукмдори Амир Ҳусайннинг юртни ташлаб қочганидан хабардор эди, шу сабабли шошилмай мамлакат ичкарисига қараб юрди. Илёсхўжа қўшини йўлларда қўниб ҳордиқ олди, Зомин билан Жиззахни талади, одамларини қул қилиб Мўғулистонга жўнатди. Илёсхўжа ҳеч қаерда қаршиликка учрамади, аслида бундай тўсиқ бўлишини ҳаёлига ҳам келтирмасди. Олдинда Самарқанд турарди. Жета хони яхши билади, Самарқанднинг шимолий дарвозалари бобокалон Чингизхон босқини замонида бузиб ташланган, шаҳар ҳозирда қўрғон билан дуруст ўралмаган, унга кириш бағоят осондир. Туркистоннинг бош қалъаси олингач, Шаҳрисабз, Қарши, Солисаройга, ундан Балхга ўтадир. Темур билан алоҳида ҳисоб-китоби бор, Амир Ҳусайн билан эса алоҳида...

Жета қўшини Самарқанднинг Ҳолвачилар кўчасига чошгоҳ пайтида кириб келди. Шаҳар сокин, гўё ҳамма кўчиб кетгандай туюлади. Чорсу майдонига олиб борадиган Ҳолвачилар кўчаси очиқ қолдирилган, қандолат расталари бўш, одам зоти кўринмасди. Ур-қо-ур солиб қийқириб бораётган душман қўшини Чорсу майдонига чиқай деган ерда улкан тўсиққа дуч келди. Кўча мустаҳкам чеп билан беркитилганди. Тўсилиб

қолган отлар кишнашиб бир-бирига халақит бера бошлади, орқадан бораётган жангчилар эса олдинда кўчабанд борлигидан беҳабар отларига қамчи босардилар. Бир фарсахча масофада тиқин ҳосил бўлди, ҳеч ким ҳеч қаёққа қимирлай олмасди.

Шу пайт Чорсу томондан кучли довул саси эшитилди. Самарқанд мудофааси бошланди. Биринчи бўлиб кўчанинг охиридаги чеп «тил»га кирди, душман устига ўқлар ёмғири ёғилди. Бандни Мавлонозода бошлиқ сарбадорлар кўшинининг илғор қисми кўриқлаб турарди. Мавлонозода камонини олиб душмандан бирини — толиби илм назарида ўша аскарларга буйруқ бериб турибди, бошига бўрк кўндирган, совутга ўралган отлиқ баджаҳл мўғул лашкарбоши бўлса керак,— шинақдан туриб нишонга олди. Бу палла лашкарбоши ортига ўгрилди, юракка мўлжалланган ўқ унинг курагига тегиб отдан қулаб тушди.

— Ёғийга ит ўлими!— қичқирди Мавлонозода.

Наърали садоларга садолар уланди:

— Ит ўлими!

— Ур-ҳо-ур!

Ҳамма шинақлардан ўқлар отила бошлади. Жаҳонгир ҳам катта шижоат кўрсатди. Хийла мерган экан, Мавлонозода унга тан берди, ўқи хато кетгани йўқ. Аммо ўзини эҳтиётсизроқ тутарди. Бошни кўтармаслик ҳақида буйруқ бўлса ҳам, саваш қизиғида у билмай бирдан ётган жойидан туриб кетди. Отларнинг кишнаши, қилчларнинг жанранги, сурон остида ҳеч ким ҳеч нарса эшитмасди. Мавлонозода шитоб эмаклаб бориб Жаҳонгирнинг қўлидан шарт тортди-да, ерга ётқизди:

— Нима қиялсан?! Эсинг жойидами?! Бошинг кетади-ку, нодон!

— Аёна бу ёғийни кўринг! Бандга тирмашиб чиқмакчи бўладир! Ушани тепаданок саранжом қилмакчийдим!— деди Жаҳонгир.

— Чиқсин, бандга чиқсин! Қўявер! Чиқади-ю, боши оёғимизнинг тагига тушадир, ўзга йўл йўқ! Ўлимига чиқадир, баттол, ўлимига!— дея ҳаллосларди Мавлонозода.— Билиб қўй! Темир қондани бузсанг, бошинг кетадир, ҳа!

Мўғуллар энди зарба қайси томондан келаётганини билиб қолишди. Улар шинақларни мўлжаллаб камондан ўқ ота бошлашди. Ҳалимқул шиҳна бирдан ёнидаги Соҳиб Чангалнинг шилқ этиб йиқилганини кўриб қолди. Дайди ўқ шинақдан ўтиб унинг томоғидан тегибди!.. Соҳиб Чангал тил тортмай жон берди. Ҳалимқул шиҳна найзани олиб ташлади. Эроний йигит уни юзини қиблага қаратиб ётқизиш қўйди. Фурсат йўқ, жанг давом этарди.

Энди Ҳолвачилар кўчасининг икки томонидаги пусуғлар ишга тушди. Сарбадорлар кўшинининг баронғори Хўрдак Бухорий аскарлари душманнинг чапидан, Ахий Жаббор бошлиқ жавонғор қисми ўнгдан ҳужумга ўтдилар. Ҳар иккиси ҳам мўғулларни ичкарига қўйиб юборишлари, душман илғор қисм билан тўқнашгач, жангга киришлари лозим эди. Душманга икки қанотдан, томлардан найза-ўқлар ёғилди, қуроли йўқ сарбадорлар мўғулларни қора калтак ва тошбўрон остига олдилар.

Илёсхўжа лашкарбошиларидан Тўлан Буғо бутун кўшинга бақирди:

— Пистирмада қолдик! Ёғий бизни бўғмоқчи! Ортга! Ортга!!

Турли томондан қилинган ҳужум мўғулларни шошириб қўйди. Бундай қаршилиқ бўлишини кутмаган душман катакка тушган йўлбарсдек ўзини у ёқдан-бу ёққа ота бошлади.

«Ортга!», «Ортга!» деган овозлар ёғий сафини пароканда қилди. Эртасига қаттиқроқ саваш қуришни дилга туккан Жета кўшини ортга чекинди. Икки мингга яқин ҳалок бўлган мўғул аскарлари кўчада қолиб кетди. Чекинаётган кўшинга ҳамла қилган Хўрдак Бухорий билан Ахий Жаббор аскарлари юзга яқин жангчини асир олдилар, ҳарбий ўлжалар қўлга тушди.

Чорсу майдонида манзил қурган Абубакр Калава кўшин бошлиқларини тўплади. Ҳамманинг руҳияти яшнаган, дили равшан.

— Қаттиқ саваш қурдингиз, эй феъли ўткирлар!— деди сардор.— Бировнинг юртига бостириб келган ғанимга адолатдан дуруст сабоқ бердингиз! Ҳар ким ўз жойида бўлсин, ҳордиқ олиб, чигилини ёзсин. Илло жанг тонг билан тикланур. Мушт еган душман кўтосдай қасоскордир. Хўш... жудоликлар юз бердимми?

Биринчи бўлиб Хўрдак Бухорий сўз олди:

— Менинг сафимдан ўн беш жигаргўшамиз оламдан кўз юмди. Тун салтанати фуқароларидан беш нафар, толиби илмлардан тўрт нафар, ғайридинлардан икки нафар, камонгаронликлардан тўрт нафар...

— Йигирма нафар қарчиғайимиздан айрилдик...— ҳисобот берди Ахий Жаббор.— Наддофлардан тўртта, ҳолвачилардан бешта, қаландарлардан учта, гадолардан бешта, толиби илмлардан иккита, битта гунг йигит... Яхши йигит эди.

— Эллик нафар аскаримиз ҳалок бўлди...— деди Мавлонозода.— Соҳиб Чангалдан айрилиб қолдик. Ун беш нафар толиби илм, йигирма нафар Тун салтанати фуқароси, тўққиз нафар кулоллардан, қолганлари турли қавм кишилари эди...

Кейин ўлжаларни тақсим қилиш бошланди.

— Бешдан бирини одатда ҳукмдор олади,— Абубакр Калава кўшин бошлиқларига

қаради.— Аммо, феъли яхшилар, сиз барчага баробар тақсим айлангиз! Бу сарбадорлар расм-русумидир...

Машварат алламаҳалгача давом этди. Сўнг қўриқчилардан бошқа барча уйкуга кетди... Фақатгина Абубақр Калава ухламади. Майдонни айланиб посбонларни кўздан кечирди. Мавлонозода аскарлари олдида Жаҳонгир ҳам посбонлик қилаётган экан. Сарбадорлар сардори жанг давомида ҳеч кимга билдирмай қизидан бохабар бўлиб турди. Ҳозир эса ундан ҳол-аҳвол сўраб қўйгани ўша ёққа юрди.

Чўпон ота тепалигида чодир тиккан Жета хони Илёсхўжа аҳволни билиб қаттиқ дарғазаб бўлди:

— Салтанат ҳукмдори Амир Ҳусайн қочиб кетган бўлса... Темурбек қочиб қолган бўлса... Кимга қарши от сурдингиз, эй Тўлан Буғо? Кимга қарши от сурдингизу кимдан қочдингиз? Бир пайт сичқон деганимизга кўнглингиз чўкиб кетганди. Хе-хе-хе-хе! Кимсан, Жета хонининг Тўлан Буғодай лашкарбошиси қандайдир сарбадор деган қаланғи-қасанғи, кўсқи одамлардан қочиб ўтирибди. Энди бўйинида бўлади!.. Туғасен!— Илёсхўжа охириги сўзларини зуғум билан айтди.

Жангда енгилиб, кўзига дунё тор бўлган Тўлан Буғо ориятнинг кучлилигидан бу гапларга чидаб туролмади. Шартта қиличини суғуриб Илёсхўжа томон отилди. Шункум баҳодир кўпдан бери унинг авзоини кузатиб турарди. Тўлан Буғо ўрнидан туриши биланоқ, ён томондан боши аралаш қилич солди. Қилич Тўлан Буғонинг ўнг елкасини бўйнидан айририб қўйди.

— Даюс!— деди Тўлан Буғо. У энди Шункум баҳодир томон ўгрилди ва қадам қўймоққа уринди. Шункум баҳодир ҳайқииб ортига тисланди, яна қилич солмоқчи эди, улгурмади, Тўлан Буғо бир қадам босди-ю, гурс этиб йиқилди.

Илёсхўжа тахтада жим кузатиб ўлтирарди. Бугунги мағлубиятнинг ўзи нохуш эди, аммо Тўлан Буғодай баҳодирдан айрилиши унга бағоят оғир ботди. Бу яхшилик аломати этмас!..

— Эртанги кун жанги жилови Шункум баҳодирга тутқазиладир!

Хон бошқа сўз демади.

Шундан сўнг ҳамма уйкуга ётди. Чўпон ота тепасида баркашдай ой чиқди. Ғир-ғир тунги шабада эса бошлади.

\* \* \*

Эртасига мўғуллар жуда эҳтиёт бўлиб ҳужум бошладилар. Улар кўча охиридаги бандгача бордилар-да, нечундир, бирдан орқага қочиб қолдилар. Бу ҳайрон қоларлик ҳол эди. Сарбадорлар буни кўриб, ҳеч нарсага тушунмадилар, мўғулларга нима бўлди, мағлубиятни тан олиб жанг майдонини ташлаб қочдиларми, деган хаёлга бордилар. Қувонганлар бўлди. Мўғуллар шу орада шаҳардан ташқарига чиқиб кетишди. Кўча тинчиб қолди.

— Хайрият!— қичқирди жангчилардан бири банднинг орқасидан.— Уруш тинди! Тинди!

— Тинди-и-и!..— қўшилди бошқа жангчи.

— Душман ўз оёғидан йитди!— деди Жаҳонгир.

— Нима, уруш тугадими?..— ҳайратда сўради ёш жангчи. У Ҳалвои қўшинидан, соқадан илғор қисмга бугун ўтказилган эди.— Мен урушга кирмай туриб-а?

— Ҳеч бўлмаса душманнинг ортидан қувайлик, нега қараб турибмиз? Ётган жойимизда тилка-порасини чиқарайлик!— ҳайқирди эроний йигит.

— Тилка-порасини чиқарайлик!— қувватлади Жаҳонгир ва тез чепдан ошиб ўта бошлади. Бошқалар унга эргашди.

Баронғор аскарбошиси Хўрдак Бухорий илғор қисмдан жангчиларнинг банддан ошиб ўтаётганини кўрди, дарров уларнинг ниятини фаҳмлади: қочган душманни қувиб боришмоқчи! У Дадаалига буюрди:

— Тез ана бу жангчиларга айт, жойларига қайтишсин! Душман ўзини қочган кўрса-тиб турибди. У ҳаммамизни шаҳардан ташқарига чиқариб олмоқчи! Кейин осонгина қиличдан ўтказмоқчи! Бу кўчманчиларнинг суйган усулидир. У айёрлик қилмакда! Ҳозир яшиндай ортига қайтадир! Тез бўл! Чоп!

Дадаали кўчанинг ўртасига чиқиб олдинда келаётган Жаҳонгирнинг йўлини тўсди:

— Қайт! Ғаним алдовига учма! У қочмаган, балки ўзини қочганга солган! Қайт!

Мавлонозода боқса, Жаҳонгир, келишган йигит тагин интизомни бузиб, ҳамманинг олдида душманни қувишга ундаб бораётир! Унга бир неча жангчи эргашган ҳам. Бунинг бари йигирма-йигирма беш қадам нарида содир бўлмоқда. Илғор қисм лашкарбошисининг кўзлари ғазабдан чақнади.

— Жаҳонгир!— Малозода бир сакраб чепдан ўтди-да, йигитга етиб олди.— Интизомни барбод қилганинг учун жазойингни тортажаксен! Начора!

У шартта қиличини суғурди-да, Жаҳонгирга ташланди. Бир чеккаси, лашкарбоши

қатъиятини кўрсатиб қўйиши ҳам керак эди. Жаҳонгир бўш келмади, у ҳам қиличини қўлига олди. Терак бўйи кўтарилган офтоб қиличини ярақлатиб юборди. Уртада қиличбозлик бошланди. Эпчилликда ким илғор эканлиги сезилмасди, Жаҳонгир рақибининг ҳужумини усталик билан қайтарар, ўзи ҳам ҳужумга ўтарди. Атрофдагилар аралашини ҳам, аралашмаслики ҳам билишмас, бирор кор-ҳол юз бермасин, деб ташвиш чекишарди холос.

Мавлонозода ҳеч устунликка эриша олмаётганидан жаҳли чиқа бошлади. У интизомни такрор бузган бу ўзбошимча аскарнинг таъзирини бериб қўйиши лозим! Токи барчага яхши сабоқ бўлсин, интизомни бузиш, русумга риоя қилмаслик нималарга олиб келишини билиб қўйсинлар! Мана унинг бир ҳамласи нишонга тегиб, нимадир жаранглаб кетди. Қилич кўктемирга тегиб қайтганди, Жаҳонгирнинг устидаги темир зирх унчамунча зарбани кўрдим демасди.

Жаҳонгир деганимиз ҳам тинмасди. Холисанилло айтганда, қиз бечора чарчаб қолди, аммо орият юзасидан Мавлонозода билан баробар олишарди. Одатда кураш пайтида юз берадиган қизгинлик, иштиёқ, жаҳду жадаллик васвасаси уни ҳам қамраб олди. Аммо унга қийинроқ: биринчидан, у савашда Мавлонозодани аяб боради, чунки рўпарасидаги йигитнинг кимлигини билади. Мавлонозода эса, аксинча, рақибининг кимлигини билмайди, шунинг учун аямай қилич ўйнатади.

Шу пайт Хўрдак Бухорий шошилиб улар томон кела бошлади, чапдан Ахий Жаббор ҳам унга қўшилди.

— Тавбанга таянасен ҳали!— тиш орасидан дерди Мавлонозода ҳансираб.—Кечирим сўрамагунингга қўймаймен!

Жаҳонгир эса жангга берилиб кетиб кечирим сўрашни хаёлига ҳам келтирмасди. Мавлонозода ниҳоят рақибининг бошини мўлжаллаб қиличини ёнламасига солди! Жаҳонгир чап бериб қолди. Қилич дубулғанинг учига тегиб, учириб кетди, қизнинг қора сочлари кўктемирнинг устига ажабтовур ёйилди! Қиличбозлик қилаётган йигит йигит эмас, қиз экан... Қиз бўлганда ҳам ким денг? Жаҳон! Ҳамма оҳ уриб юборди! Ҳайратга фарқ Мавлонозода қиз бола билан жанг қилганига ер ёрилмайди-ю, ерга кирмади! Етиб келган Хўрдак Бухорий Жаҳоннинг жасоратига тан берди:

— Баракалла! Сен қиз бола эмас, мард йигитлар қаторидасен!

— Ие! Ие!— дер эди холос Ахий Жаббор...

Мавлонозода тездан ўзини қўлга олди, қиличини қинга жойлади-ю, югуриб бориб Жаҳоннинг дубулғасини учиб кетган еридан олиб, таъзим билан қизга тутди:

— Сиз енгдингиз! Мағлублик жандасини эгнимга илурмен. Мана, бошим! Бир қошиқ қоним ихтиёрингиздадир...

Банднинг орқасидаги жангчилар орасида шов-шув кўтарилди:

— Қиз бола экан-а? Қаердан келган у?

— Қиз боланинг қиличбозлик қилишини кўринг!

— Тўмарис! Тўмарис!

Жаҳон дубулғани кийди, у нимадир демоқчи эди, бирдан мўғулларнинг сурон солиб, от чоптириб келаётгани эшитилди.

— Ҳамма жой-жойига!— бақирди Хўрдак Бухорий.— Мўғуллар ҳийладан иш чиқмагач, тагин бостириб келишмакда!

— Ҳамма жой-жойига!— такрорлади Мавлонозода ҳам ноқулай вазиятдан қутулганига шукрлар қилиб...

\* \* \*

Шункум баҳодир бошчилигидаги мўғул лашкари тагин бостириб кела бошлади. Тагин чепнинг орқасидаги Мавлонозода лашкари шинақлардан ҳужум қилди. Хўрдак Бухорий билан Ахий Жабборнинг аскарлари мўғул қўшинини икки ёндан қисти қафасга олдилар. Ёвга ҳассалар ҳам отилди, палахмонлар ишга тушди. Сурон кечгача тинмади. Ҳар икки томондан ўлганлар бўлди.

Иккинчи кун ҳам иш чиқаролмаган душман, учинчи куни шаҳар аҳлидан совғасалому тансуқот талаб қилди. Бу гапни эшитган Абубакр Калава бундай деди:

— Уларга берган ҳадяю тансуқотимиз омонат жонларидир. Бошқа берадиган нарсамиз йўқ!

Мўғул лашкари энди шаҳар атрофини талаб, одамларни қул қилиб олиб кета бошладилар. Бу пайт Илёсхўжага нохуш хабар етди: мўғул аскарларининг отларига ўлат тегибди, майдон ичида бари бирдан ўлиб қолаётганмиш. У тезда Шункум баҳодирни чорлатди.

— Эй, улуғ хон!— тез чўкиб деди Шункум баҳодир.— Отларимизга қирғин келди! Тўртдан бир улудан ортиги қолмади, сипоҳлар пиёда қолишди. Отлиқ шаҳарни ола олмадик, пиёда нечук қилурмиз? Қўшин ичра хавфу ҳарос шабадаси эсадир, ожизлик ва саросималик саслари эшитиладир...

Илёсхўжанинг қовоғи тушиб кетди. Устига устак, юртдан келган хабар ҳам Илёс-



хўжанинг тезроқ қайтишини тақозо қиларди. Юртда тахт учун пинҳона кураш бошла-  
нибди. Афсус, барча юмушлар тагин кейинга қолди. Самарқанд, Қарши, Шаҳрисабз,  
Солисарой, Амир Ҳусайн ва Темур билан ҳисоб-китоблар... Замон такрор найранг  
кўрғазди...

У жанг оқибатидан хурсанд эмаслигини, кўнгли қаттиқ чўкканини яширолмади.  
Хоннинг аҳволи жуда аянчли эди.

— Савашни тўхтатинг!— фармон қилди Илёсхўжа.— Юртга!..

Жангнинг тиниши ҳақидаги хабар қўшинга чақмоқдай тез тарқалди.

Маънисиз жанг-жадаллардан ҳориб-толган, оилаю бола-чақаларини соғинган си-  
похийлар бир-бирларини: «Юртга ёнғаймиз! Юртга ёнғаймиз!» деб табриклашар,  
қувончларини яширишмасди.

Қайтиш бошланди. Борлар отларини миниб олдилар, йўқлар тиркишларни орқала-  
рига боғлаб, ўз диёрларига пиёда юз қўйдилар. Бу мўғулларнинг сўнги бор хуружлари  
эди, ўша-ўша улар Туронзаминдан бутунлай илик тортиб кетдилар. Мўғул босқинчила-  
рининг оёғи юртдан батамом узилди. Чингизхон истилосидан бошланган, қарийб юз  
эллик йил давом этган мўғул истибдодига чек қўйилди. Буни Самарқанд сарбадорлари  
адо этдилар.

## ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ БОБ

### Жоме масжидидаги хутба

Жума куни Самарқанд аҳли Жоме масжидига, пешин намозига йиғилдилар. Мас-  
жид ҳовлиси мусулмонлар, косиблар, сарбадорлар билан тўлди. Имом Қутбиддин  
суннатдан кейинги фарзи айнни бошлашдан аввал сомеларга юзланди, дона-дона қилиб  
хутба ўқимакка турди. У, одатда, хутба ўқиганда, бидирлаши йўқолиб кетарди:

— Аҳли мусулмонлар! Подшолик шукуҳисиз, ғолиб, мард Самарқанд аҳли ушмун-  
доқ жаррор ва ғаддор аскарлар билан бошма-бош келдилар. Ғанимнинг шиддату  
иддаоларига баробар тарзда турдилар. Илло, Жета сипоҳининг музаффарият ила  
истило кўллари шаҳар иқомат хайлининг номусу молларига тега олмади... Ҳукмдорлар  
шавкату шижоатига муносиб черик ва аларнинг ноиблари саъи ҳаракатлари билангина  
бўладирган амлоку моурус муҳофизати ғолиб жамоанинг қўлидан келди. Мангу мунг-  
сиз эгамнинг марҳаматидан душманнинг қизил юзи сариғ бўлди, хуфтон кўнгиллар  
фаришта жамолидай ёришди...

— Иншоолло!— деб қўйди мударрис Хожа Лутфуллоҳ.

— Ёришди, ёришди!— дейишди сарбадорлар.

— Улуснинг суянчи, мўминларнинг таянчи Амир Ҳусайн ўз жонини сақлайман  
дебон, бор жаҳонини ташлаб, юртни аждаҳо оғзида қолдирмакка кўнди. Бас, даврон  
дийдаси, кўҳна дунё кўзи кўрсинким, Самарқандни бало-қазодан омон сақлаб қолган  
жамоа сарбадорлар жамоасидир! Анинг тепасида фикру тадбирда оқил Абубакр  
Калава, саодатманд Мавлонозода, доворак Хўрдак Бухорий камонмерган турдилар.  
Худои таоло аларнинг шаънларини пок этсин, домонини олудаликдан сақласин, обрўла-  
рини жаҳонларга тенг қилсин! Омин!

Ҳамма «Омин!», «Омин!», «Тенг қилсин!» деб дуога қўл кўтарди. Сурон қўпди.

— Самарқанд сарбадорлари сардори Абубакр Калава шаҳар султони, тангри  
таоло унинг умрларини зиёда қилсин,— давом этди имом Қутбиддин.— Юрт маснади-  
га минадир, баским, биз бул айёмдан эътиборан, яъни тарих етти юзу олтмиш еттинчи  
йилда, илон йили, сафар ойида, ўн бири, жума оқшомида унинг муборак номини хутба-  
га қўшиб айтадурмиз ва жумла мўминларни яхши дил юзидан огоҳ этадурмиз! Ҳар  
жума номлари хутбада зикр этилуру ва танга зарб қилинур!

Масжид ҳовлиси суронга тўлди:

— Буюрсин! Буюрсин! Султонимиз омон бўлсин!

— Одил пошшо! Одил пошшомиз яшасин!

— Олло-таоло марҳаматидан фориг тутмасин!

— Омин! Омин!

Олдинги қаторда чўкка тушиб ўлтирган шайхулислом Абулворис Самарқандий  
чархи кажрафторнинг бундоқ шеваасидан ҳайратда, бошини қуйи эгиб ўлтирарди. Қаво-  
миддин қози Абубакр Калавадай бир яланг-оёқнинг шунчалар мартабага эришганига  
чидай олмас, дунёнинг кўзи кўр эканлигига яна бир карра имон келтирар, у ҳам дарди  
ичида эди. Маҳаллаларнинг бойлари эса индашмас, кўргилик-да, дегандай бош тебра-  
ти ўлтиришарди холос. Абумансур Жаммазабон девонбеги ёнида чўк тушганди.  
«Абубакр Калава юрт бошига чиқди, у қозикалондан баланддир. Бас, мен ўшанга йўл  
топмоғим жоиз...» дерди ўз-ўзига ва қулай пайт пойларди. Сарбадорларнинг чеҳралари  
очиқ, улар тақдирнинг бу қадар илтифотидан бағоят мамнун эдилар.

Қавомиддин қози кутилмаганда минбарга яқин келди.

— Имом Қутбиддин хутбани чиройли ўқидилар, илло зиммаларидаги бурчни ухдаладилар. Самарқанд не-не ҳукамо кўрмади, ҳе-ҳе!.. Мана букун давлат курсисида қарор топган ардоқли Абубакр Калава улар орасида энг мўтабар, энг манглайи ёруғ одил пошшолардан бўлғуси, иншоолло, худодан шуни тилайдурмиз... Инчунин мўтабар ҳукмдоримиз Самарқандда шаҳар ҳукмдорига хос шавкату шижоатга эга бўлмоғи лозимдир.— Қозикалон сукут сақлади.— Султон зудлик билан Наддофлёр кўчасидан Арк кўчасига Самарқанд ҳокими хонадонига кўчиб ўтишлари керак. Биз, шаҳар ақобиру аъёнлари, ушбу сўровимиз инobatга ўтадир, дебон умидвормиз, илло...

— Умидвормиз!

— Бандасига тўғри келса, худо ҳам ол қулим, дейди!..

— Пошшо эгамга аён ҳаммаси!..

— Ҳукмдоримиз раҳматли Садр Сулаймон хонадонига кўчиб ўтадир. Илло, девони олий, девони амлок, девони мушриф барчаси Кўксаройда жо бўлмишдир. Садр Сулаймон хонадони, дедик... Илло кўнгилларига заррача келмасинки, киши хонадонига қадам ранжида қилурманму, деб... Ушбу хонадон, аслан уники ҳам эмасдир, бу ўзганинг ёдгоридир... Хе-хе-хе! Дерларки, ҳовли Кепакхон замонидо бино бўлмиш...

Қозикалон узоқ гапирди. У Садр Сулаймон замонидо авому улус аҳволи бағоят оғирлашганидан сўзлади. Авом-ку авом экан, ҳатто ўзи каби мансабдор бир одамнинг ҳам ҳеч косаси оқармагани, яхшиларнинг хор-зор бўлгани, закоту хирожнинг бемаза қовун уруғидай урчиб кетгани, ноҳадан йилига неча марталаб ўлпон йиғилишини айтиб ўтди. Самарқанд ҳокимининг нуфузи ниҳоятда кучли эканлигини, қозикалондай одамларнинг кўп сўзлари ерда қолиб кетганидан нолиди. Энди барини яхшиламак учун янги ҳукмдорнинг саъй-ҳаракати лозимлиги, ўзи ҳам шу йўлда белини маҳкам боғлашини билдирди ва бошқаларни ҳам сидқидил бўлишига, иншоолло, оллони эздан чиқармасликка чақирди.

— Ажаб,— деди Хожа Лутфуллоҳ аста қози сўзини тугатгач, имом Қутбиддинга,— Садр Сулаймон замонини янги ҳукмдор олдида қорага бўяб ташладилар-ку қозикалон жаноблари? Намунча беқарорлик? Ахир Садр Сулаймон Самарқанд ҳокими бўлганда, ҳозиргидек эсимда, биринчи хутбадан сўнг ҳам Шоҳмалик қавчин замонидан норизо бўлиб гапирган, янги ҳукмдорни улуғлаб кўкларга кўтарган эдилар... Бор-йўғи шунга икки йил бўлмакда ҳоло! Энди бўлса аксинча...

— Ушанда ҳам,— пичирлади имом Қутбиддин,— янги ҳукмдорни Шоҳмалик қавчин хонадонига кўчиб ўтмакка биринчи бўлиб даъват этмиш эди...

— Косам оқармади эмиш... Ажаб!— яна мударрис сўз олди.— Қозикалон ўзларининг нопок ишларига илонлар пўст ташлайдир. Ришвахўрлик, фаҳшбозлик унинг сўйган касби, бу маънода Садр Сулаймондан қолишмасди, Хонлиқ оқа хонадонидан оёғи узилмасди... Ажаб... Ажаб... Сўзлагани тил айланмайди! Е олло!

— Нимасини айтасиз, Хожа Лутфуллоҳ! Тағин янги ҳукмдор келса, бу замон устидан ҳам арз қиладир, оғзига сиққанича мағзава тўқади!..

— Имонсизнинг иши бу, имонсизнинг иши!— мударрис қўл силтади.— Қози даъвогар бўлса, арзингни олло эшитсин, деган мақол шундан қолган...

Жаммазабон девонбеги қози сўзларидан ҳайратга тушмади, аксинча, тўғри қилди, деган фикрга келди. Ахир янги ҳукмдорнинг қошида ишончга кириб олиши керак-ку! Ишончга кирмакнинг йўли, девонбеги назарида, учта, яъни: аввалги ҳукмдорни ёмонламак, унинг айбларини кўпиртирмак ва янгисига хушомад қилмақдир. Аслан, бу уч нарсанинг аввалги иккиси бўлса кифоя, шу иккиси учинчисини исбот қиладир, бошқача айтганда хушомад дегани шулдир. Учови қўшилиб садоқатни пайдо этадир. Жаммазабон девонбеги ана шундай садоқат эгасидир, деган мартабага эришса кифоя. Унинг қозикалон сўзларига ғаши келган жойи бошқа: нега бу гапларни девонбегидан олдин айтадир? У Садр Сулаймонни Жаммазабон девонбегидан ортиқ билмайди-ку? Асли кўп нарсаларни билгувчи Худобанда эди, у ҳам тупроқ маҳаллалик бўлиб кетди...

— Ҳоким ҳазрат олийлари!— мурожаат қилди Жаммазабон девонбеги Абубакр Калавага қарата.— Садр Сулаймон яхши одам эдилар, ер бориб айтмасин... Лекин феъл-атворида эл-улус норозилигига сабаб жиҳатлар борлиги, мана, қозикалон сўзларидан ҳам аён бўлди. Улус ҳақиға, салтанат ҳақиға хиёнат бобида ул зотнинг олдиға тушадигани йўқ. Эзбаройи гуноҳлари кўплигидан ул киши уятдан юзларини тупроқ остига яширдилар...

Жаммазабон девонбеги гапининг сарбадорларга, янги ҳукмдорга нечук таъсир қилмоқда эканлигини билмоқ учун туташ ўсиқ қошларини чимириб Абубакр Калавани қидирди. Абумансурга эса худди шу нарса — Жаммазабон девонбегининг ношукурлик қилиб айтган сўзлари керак эди. У пайт келганини билди, янги ҳукмдорга садоқатини кўрсатиб қўймоқчи бўлди:

— Бу сўзларга ишонмангиз, султоним!— деб қичқирди у.

Ҳамма Абумансурга қаради.

— Ишонмангиз, султоним! Садр Сулаймоннинг гуноҳлари кўп, худо ҳам кўргизди, у ўзи боқиб олган яшувача дастидан ўлиб кетди. Аммо ўша гуноҳларнинг ярми Жаммазабон девонбегига тегишлидир. Ўзим гувоҳман, қишлоқлардан олинган хирожнинг

ярмини ёнига олиб қоларди, ҳокимга эса раиятни ёмонларди, ҳоким тафтиш айламасди. Ҳокимнинг гуноҳлари кўплигидан юзини тупроқ остига яширди, деди. Аммо тупроқ остига яширай деса, Жаммазабон девонбегида юз йўқ, нимани яширади?..

Жаммазабон девонбеги Абумансурнинг бундоқ қилишини ҳеч кутмаган эди, шошиб қолди:

— Ие... ие... Абумансур! Туз-намак бўлувдик... Кўзинг шилпиқлашиб юрардинг, одам қаторига киритувдим сени, туз кўр қилгур! Ит семирса эгасини қопади, деган мақол бор... Бас қил, эй ҳўл бало!

— Мақолингиз ўзингизга сийлов!— девонбегининг биққидай семизлигига ишора қилиб деди Абумансур. У ҳамманинг олдида Жаммазабон девонбегини талашга турди. Унинг айғоқчилиги қолмади, иккиюзламачи деб атади, охирида янги ҳукмдор бундоқ кишилардан эҳтиёт бўлишлиги лозимлигини уқтирди. «Тўғри! Тўғри!» деб қувватлашар эди уни одамлар. Қавомиддин қози ҳам Абумансурнинг безбетлигидан ҳайратга тушди: «Оббо, занғар-ей!— деди ичида ўзига-ўзи.— Гап келди, деб чолворини ҳам ечиб юборди-ку? Тавонига тахтакач боғлаб жиш бўлгунча калтаклатадиган хилидан экан-ку, хумпар! Билмас эканмен...»

Хутба жанжалга айланиб кета бошлади. Имом Қутбиддин издаҳомни тинчитмак мақсадида деди:

— Эй, аҳли мусулмон! Бировнинг маъракасини азага айлантирмакни ўйлаган ҳар қандай кас нодон саналадир. Бул маскан ҳар ким ўз душманига нафратини изҳор этадиган жой эрмас... Бул жой масжиддир, мангу мунгсиз эгамнинг кўргизган илтифотига беадад шукр айлайдиган жойдир! Фақат фақирнинг эмас, балки етти пуштимнинг ҳам савоби куймасин деган киши ушмундоқ жанжалу мубоҳасадан тийиладир! Шундоқ кунларга етказганига шукрлар келтиради! Шайтонга ҳай беринг, мусулмонлар!

— Маъкул сўзладилар, имом домла!— деб қичқирди Дадаали.

— Имонни унутмайлик! Тоат-ибодатимиз куйиб кетмасин!

— Мусулмонлар! Суронга эрк бермангиз!— деди шайхулислом Абулворис Самарқандий.— Филҳақ, аввалги ҳоким замонида эл-улус азият тортиди. Авом оч-юпундир, эл осмон дастурхонидаги куёшу ой патириндан ўзга бутун нон кўрмасди. Аммо гап бошқадир. Маълумингизми, пешин намозини бажо келтирдик. Хутба ўқилди. Имом-хатиб Қутбиддин юрт маснадида оқилу доно Абубакр Калава чиққанлигини аён этди. Бас, биз ўтганни қўяйлик, янги ҳукмдоримизни муборакбод айлайлик!

Атрофдан маъқулловчи овозлар эшитилди.

Абубакр Калава олдинги қаторда, Уста Кулол, Хўрдак Бухорий, Мавлонозода ва Ҳалвойилар ўртасида чук тушганди. У пахтағуллик жома кийиб олган, бошида кичик салла, чўяндай қора юзидан қувонганини ҳам, ташвишланганини ҳам билиб бўлмас, гоҳ-гоҳ шоп мўйловини силаб кўяр, қўй кўзлари жиддий боқарди. Одамларнинг гапларини синчиклаб эшитар, у гапларнинг ўзига алоқадор эканлиги кўнглининг қаеригадир жизиллаб тегар, вужуди яйрарди. Масжид ҳовлисини тўлдириб турган одамлар, бутун шаҳар аҳли, казо-казоси энди унинг бир оғиз сўзини кутиб турибдилар. У султон, Самарқанддай машҳури жаҳон гулистон шаҳар султони, одил пошшоси! Шаҳар мана энди фозил шаҳар бўлажак! У юрт маснадига минди, бас — ҳамма юмуш кўзланган йўлда рўёбга чиқажак! Фармон айлайди, вассалом!

Абубакр Калава атрофига, дўстларига қаради: энди улар шаҳар ҳокимининг фармонида мунтазир бўлишади, дўстлари, сарбадорлар, ҳамма — қозикалон ҳам, шайхулислом ҳам, бошқаси ҳам! У баланд кўшкни тасаввур қилди — чиройли ойнаванд нақшин кўшқда тахт қўйилган, унда Абубакр Калава ўлтирибди, пастда эса бутун шаҳар аҳли — уларнинг ичида дўстлари ҳам бор, унга меҳр тўла кўзларини тикишган... Улар фақат бир одамни — юрт султони Абубакр Калавани кўрадилар холос. У эса одамларга эмас, олисларга боқади, вужудида ҳам ҳокими мутлақлик, ҳақ, ихтиёр, ирода, иқтидор туйғуларидан ўзини бақувват сезади... Ҳокимият инъоми, фармон қила билмак наъъаси, бахти унга насиб этди, унга, Самарқанд сарбадорлари жамоаси оқсоқоли, кечаги наддоф, бугунги юрт султони Абубакр Калавага, одил пошшога!

Самарқанд ҳокими Абубакр Калава бундоқ хаёллардан ҳайрон бўлди, улар кўнглига ўғринча кириб олгандилар. Ўғринча кирган нарса қичиб кетмасликка ҳаракат қилади. У бошқа одамга айланиб қолганга ўхшади, нечундир ёт хаёлларни ўзидан ҳайдаб юбора олмади, тўғрисини айтганда, ҳайдашга уринмади. Юрт султони бундоқ хаёллар одамни яккалантириб қўйишини, эл-улусдан айириб юборишини ҳозирча билмасди. У хаёллар — кибру ҳаво, бемаҳал келган ғурур хаёллари эди.

Одамлар эса гапдан тўхтамасдилар, Самарқанднинг манглайи ёруғ шаҳар эканлиги, унинг жуда кўп ҳукмдорлар кўргани, фирдавсмонанд маконга айлангани, Чингизхон истилосидан сўнг вайрон булгани, Кепакхон, Тармаширин, Амир Қозоғон, Амир Абдулла, Амир Ҳусайн салтанати ва ниҳоят, мана одил подшо юрт маснадига мингани бора-сида сўз кетди. Абубакр Калавини султони ислом дейилди, етти иқлим шаҳаншоҳи, арзандаи само, ғолиби ғаним деб аталди. Гап орасида одил подшонинг фазилатлари ҳам айтиб ўтилди. Мавлонозода нотиклар сўзидан Абубакр Калавадек саллани кичикки-на қилиб ўраб юриш ҳам ажойиб фазилат эканлигини билиб олди. Одил подшонинг

турган-битгани фазилат экан, соҳиби илм, ақли тийрак, фасоҳатманд, чаққон, зеҳни солим, уйғун таъб, дўстига содиқ, тавонолиғ унга ёрдыр... «Муаллими сони Абу Наср ал-Форобий фозил шаҳар сардориди ўн икки фазилат ҳам бўлсин, дегандилар. Абу-бакр Калавада ҳозирнинг ўзида фазилатлар ундан ошиб кетди-ку? Демак шаҳарга бир ўзлари ҳокимлик қиларму эканлар? У ҳолда Хўрдак Бухорий ва Мавлонозода нима билан машғул бўлурлар?.. Фозил шаҳарни уч киши бошқарурми ва ё бир киши?...» Мавлонозода ана шуларни хаёлидан кечирди.

— Эй, аҳли мусулмон!— деди яна имом Қутбиддин.— Машойхлар дерларки, юрт соҳиби, тахтга минган зот ҳамма жиҳатдан ибрат эгаси бўлмоғи жойиз. У жангларда ботир, арслон юракли, қоплон билакли, айниқдай ҳийлакор, буқадай қасоскор, нор туядай кекчи, зағифондай сергак, сорлочиндай кўзи ўткир, инсондай комил бўлмоғи даркор! Мана, юрт эгаси Амир Ҳусайн андоқ бўла олмади, валлоҳ, анинг зиён-заҳмати буткул мамлакат баробаридадир. Бас, айрим каломлардан кўнгилларимиз тугилиб қолди. Тугилган кўнгилни султон сўзи ёзадир. Ҳокимимиз фуқароларидан икки оғиз сўзларини дариғ тутмасинлар! Дариғ тутмасинлар!

— Мунтазирмиз! Одил пошшомиз исмига яраша адолатли бўлса кифоя!— қичқирди сарбадорлар.

— Мунтазирмиз! Сўзласин!— қўшилишди Тун салтанати фуқаролари.

— Одил пошшо сўзласин!— ҳайқирди толиби илмлар.

Ҳамма Самарқанд ҳокими Абубакр Калавани минбарга чорлаб сас берарди. Шайхулислом Абулворис Самарқандий бу фаройиб издиҳомга боқиб, ҳайрат бармоғини тишлар эди. У, мана, бешинчи мучални ҳам ўринлатиб қўяй деб турибди, не-не хутбалар иштирокчиси бўлган, не-не ҳукмдорлар, салтанат эгалари номини зикр этганларини кўрган. Аммо хутбанинг бундоқ хилини илк бор кўриши. Ҳа, ҳа, илк бор кўриши! Одатда пешин намози адо этилган, фарзи айнини бошладан олдин ўқиладирган хутба мухта-сар, ҳар қандай баҳсу муноқашадан холи бўлгучи эди. Бу сафар эса хутба жанжалу тортишувга айланиб кетди. Ҳа, ўзга замон келди, сарбадорлар замони. Уларнинг расм-русми не деса, бош эгмоқдан ўзга чора йўқ...

Самарқанд султони, сарбадорлар сардори Абубакр Калава Наддоф сўз айтмакка тараддудланганда масжид ҳовлиси сув қуйгандай жимжит бўлиб қолган, сукунатни Чорсу майдонининг у четида, бозор дарвозаси рўпарасида қий-чув ўйнаб юрган болакайларнинг шовқинигина бузар эди.

— Муҳтарам Самарқанд аҳли! Мусулмонлар! Дину ислом ақобирлари! Юртнинг улуғу кичиклари! Бугундан эътиборан билингизким, эй феъли яхшилар, янги замон келди, сарбадорлар замони! Термизу Фарғона, Тошкенту Бухоро аҳлидан элчидан элчиб етишиб, бизнинг йўлимизни тутмакчи эканликларини холисанилло билдиришмакда. Сарбадорларнинг эътиқодларидан бири ушбудир: «Ҳокимлар зулму истибдод туғини юксак кўтарадилар. Агар ҳақ-таоло қўллаб юборса, биз истибдод туғини йиқитгаймиз, зулм зангини ҳаёт оинасидан кеткизгаймиз. Борди-ю, енгилсак, бошимиз дорга тортилсин! Сарбадор!»

— Сарбадор!— гувиллади масжид ҳовлиси.

— Сарбадорларнинг саъи-ҳаракати ила юртимизда ҳуррият насими эсди, Илёс-хўжадай ғаддорнинг нопок қадами етмади, золим ва беандиша жамоанинг илдизи кесилди...— Абубакр Калава бир оз ўйлаиб давом этди.— Сарбадорларнинг эътиқодларидан бири ушбудир: «Заминдорлар, бойлар, барча ерларни, мулкни идора этурлар, ҳаётнинг ноз-неъматларига соҳиблик қилурлар. Тасарруфоти ўз билгила-ричадир. Сарбадорлар улардан ана шу бойлигу сарватни тортиб олгусидир ва барчага — толиби илму гадога, косибу заминдорга, мусулмону ғайридинга баб-баравар тақсим айлайдир. Ҳамма тенг бўлмоғи даркордир. Дўкону тегирмон, мадрасаю хонақоҳ, карвонсарою бозор — бари-бари сарбадорларнинг умумихтиёрига топширилур. Баски, шаҳар бир-икки кишиники эмас, авомунносники бўлур, эй феъли аълолар! Барча бир хил либос кюр, бир хил таом тановул қилур. Инсонлар бирдай туғилдилар ва шунга кўра улар тенг ҳисобланурлар. Бизлар барча кишиларни тенг ҳуқуқли қилмак, ҳаёт, ноз-неъматларини жамоа ўртасида баб-баравар баҳам кўрмак учун тиним билмайдурумиз ва чекинмайдурумиз. Борди-ю, бу йўлда мағлуб бўлсак, бошимиз дорга тортилсин! Сарбадор!»

— Сарбадор!

— Муаллими соний Абу Наср ал-Форобий, ватандошимиз, фозил шаҳарни орзу қилмиш эди,— давом этди сўзини сарбадорлар султони.— Фозил шаҳарда зоҳирий вазифа шаҳарни мудофаа этмак, истилочилардан омон сақламакдан иборатдир, ботиний вазифа — улусни бахтли-саодатли қилмакдир. Бахт-саодатга эса йўл маърифат боғидан, тарбия чаманзоридан ўтадир, эй феъли хушлар! Шаҳарни фозил шаҳарга айлантирмак йўли, обод этмак чораси савдо ила ҳалол манглай теридадир. Улуснинг ўзи сайлаган ҳукмдор улусга хизмат қилар. Фозил шаҳарда ҳукмдор ҳам бўлмас, тобе ҳам. Сарбадорларнинг эътиқодларидан бири ушбудир: «Самарқандимизни фозил шаҳарга айлантирурмиз, унинг эли бахт-саодат соҳиби бўлур! Агар шундоқ қутлуғ йўлда толе биздан юз ўгирса, бошимиз дорга тортилсин! Сарбадор!»

Бу гал қудратли садолар шаҳарнинг пучмоқ-пучмоқларигача етиб борди. Сарбадорларнинг ғолибона саслари еру кўкни тутиб кетди.

Бирдан ҳамманинг кўзи гуллик кигизни кўтарганча ҳаллослаб келаётган мамнун Жаммазабон девонбегига тушди. Гап шундаки, янги ҳукмдорнинг юрт маснадига чиқиш маросимида яна бир фасл бор бўлиб, хутба ўқилгандан сўнг султон кигизга ўтқазилмоғи керак. Жаммазабон девонбеги бир ғулумни уйга ғизиллатиб, кигиз олдириб келди. Одамлар унга ташландилар, ҳамма ҳам ҳукмдор солинган кигизнинг бир барида тўтмоқдан умидвор эди.

Абубақр Калавани кигизга ўтирғиздилар. Кигизнинг бир учини Мавлонозода, Хўрдак Бухорий, Уста Кулол, Ҳалвойи ушладилар, иккинчи чети шайхулисом Абулворис Самарқандий, Қавомиддин қози, Жаммазабон девонбеги, мударрис Хожа Лутфуллоҳ, имом Қутбиддин ва Абумансурлар қўлида бўлди. Учунчи четини Шаҳриёр бошлиқ Тун салтанати фуқаролари, тўртинчи четини толиби илмлар — Калтатой ва бошқалар, Дада-али ҳам шу ерда эди, ушлаб борардилар. Кигизнинг чеккаларини ушлаганлар беадад бўлиб, ҳамманинг чеҳрасида хурсандчилик ва ҳайрат аломатлари сезилар, ҳамма кигизга ҳеч бўлмаганда қўл учини теккизиб қолишга уринарди. Бунинг бошқа сабаби ҳам бор эди, маросимда четда туриш хатарли саналар ва янги ҳукмдорга душман экан-да, деган фикр уйғотиши мумкинлигидан чўчишарди.

Абубақр Калава кигизда ўлтирар экан, хаёлига ҳалиги кўшк келди: ана, у тахтда ўлтирибди, пастда эса бутун шаҳар аҳли унга меҳр тўла кўзини тиккан. Улар фақат бир одамни Абубақр Калавани кўрадилар холос. Самарқанднинг одил пошшоси эса уларга эмас, олисларга боқади, ҳокими мутлақлик, ҳақ, ихтиёр, ирода, иқтидор туйғуларидан ўзини бақувват сезади...

Издихом сурон ичида Чорсу майдонида чиқди-да, хонақоҳ олдида ўтиб, Арк кўчасига — Самарқанд ҳокимларининг доимий маскани Кўксаройга қараб юрди.

## ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ БОБ

### Сарбадорлик кўчасида

Самарқанд султони Абубақр Калаванинг оиласи Наддофлар маҳалласидан Арк кўчасидаги ҳоким Садр Сулаймон ҳовлисига кўчиб ўтди. Кўчиришда бутун шаҳар аҳли қатнашди. Айниқса, Тун салтанати фуқаролари, оддий касиблар, авомуннос ҳайҳотдай хонадонга худди ўзлари кўчиб ўтишаётгандай хурсанд эдилар.

Абубақр Калава энг аввало қошига баковулбошини қақиртирди:

— Бу айёмдан бошлаб ҳар куни дошқозонда кунлик ош қайнамоғи лозим!—буюрди ҳоким.— Ҳар куни! Токи ҳар бир сарбадор курсоғини шу ерда тўйғизсин! Ҳозир дарров қозон ос!

— Маъқул, ҳоким бува!— ортига тисарилганча деди баковулбоши.

— Катта-кичик ким келса меҳмон қил. Уқдингми?

— Уқдим, уқдим...— баковулбоши яна таъзим қилди.

Пешинга қолмай кўчиб бўлишди. Ҳовлидаги хиёбонда, чап томондаги боғ ичида, ҳавзи арзиз бўйида, олтин олма тагида, ташқарида дарвоза олдида кўчада жойлар қилинди. Ҳаммага ош тортилди. Сарбадорлар султонининг ўзи ҳам одамларга қўшилиб таом еди. Бу нарса янги ҳокимнинг обрўсини ошириб юборди.

Барча тарқалгач, Абубақр Калава ҳовли айлана бошлади. Катта шинам ҳовли... Уртадан ичкарига хиёбон кетган, хиёбонда юриб борилса, чапда боғ келади, ўнгда катта ҳавзи арзиз. Қирғоқлари қўрғошин бу ҳовузда ҳамиша сув лиммо-лим, тўрт бурчагида тўрт кумуш устун, уларга кумуш ҳалқачалар орқали ипак арқонлар тортилган, арқонларда ичига ҳаво тўлдирилган чарм кўрпалар... Ҳовуздаги нилуфарлар буларнинг барини кўриб, ҳайратдан кўзларини катта-катта очиб қолишган...

Абубақр Калава олтин олма ҳақида ҳам эшитганди. Лекин, афсуски, дарахт бор шуқуҳини йўқотган, унда на олтин мевалар, на турфа қушлар кўринади, танасига қопланган заррин лаппакчалар ҳам шилиб олинган. Сарбадорлар султони дарғазаб бўлди, буни Жаммазабон девонбеги қилган, деб ўйлади... Кунбеткай бир ошёнли, икки ошёнли иморатлар, баҳаво меҳмонхона ёнида ўтар экан, панжарагулчин зинали баланд ойнаванд кўшк унинг диққатини тортди. Ажабо! Жоме масжидидаги хутба вақтида хаёлига келган чиройли нақшин кўшк шу эмасми? У мана шу кўшкдаги тахтда ўлтирадими ҳали? Ҳа, ҳа, шундоқ, пастда эса бутун шаҳар аҳли унга меҳр тўла кўзларини тикишган... Улар фақат бир одамни — Самарқанд ҳокими Абубақр Калавани кўрадилар холос. Ҳоким олисларга боқади, ҳокими мутлақлик, ҳақ, ихтиёр, ирода, иқтидор туйғуларидан ўзини бардам, бақувват сезади...

У панжарагулчин зинадан оҳиста кўшкка кўтарила бошлади. Кўпдан одам юрмаганидан зина ғичирлаб тебранар эди. Сарбадорлар султони кўшкка чиқиб борган ҳам эдики, ҳовлига Мавлонозода билан Хўрдак Бухорийлар кириб келдилар. Улар ҳам

Абубакр Калавага ўхшаш пахтагуллик жома кийиб олишганди, бу либос сарбадорларнинг ягона кийими деб қабул қилинди. Бозоркўча, Наддофлар, Куллар кўчаларидаги чеварларга фақат пахтагулли жома тикиш топширилди, Мавлонозода — у соҳиб девон этиб тайинланганди, — назорат остига оладиган бўлди. Хазиначи Нозим Меҳмет барининг пулини давлат хазинасидан тўлайди, сарбадорлар жамоасида ҳам шу вазифани уддалаганди, яна унга давлат хазиначилиги юклатилди. Хўрдак Бухорий салтанатнинг амирлашқари этиб тайинланди, сарбадорларнинг тенглик эътиқодига кўра жавшану дубулғаси устидан пахтагулли жома кийди. Шаҳарда ҳамма — султондан тортиб гадогача эркагу аёл яқдиллик белгиси сифатида шу кийимда юришарди.

— Сарбадор! — деди Мавлонозода қўлини мушт қилиб боши узра кўтарар экан. Сарбадорлар кўришганларида шундоқ қилишар, мушт бирлашиш рамзига айланганди.

— Сарбадор! — Хўрдак Бухорийнинг йўғон овози ҳам соҳибдевор овозига жўр бўлди.

Сарбадорлар султони Абубакр Калава пастга қаради — икки дўсти унга салом бериб туришибди, улар ҳам кўшкка чиқишни кўнгилларига тугишгандай... Бошқача бўлиши мумкинмас. Бу ҳокимият кўшк, юрт тепасида турган кўшк. Унда фақат бир кишига жой бор, икки ёки уч киши сиғмайди, бордию сиғганда ҳам кўшк кўтара олмайди... «Нималарни ўйлаётирмен ўзи? — деди ичиди Абубакр Калава. — Нега ғалати хаёллардан кутула олмай қолдим? Шубҳа-ғумон балоси менга қайдан ёпишди? Ахир биз Кумушкент йўлида Обимашҳад бўйида буни келишиб олган эдик-ку! Самарқанд сарбадорлари салтанатини уч киши бошқармоғи лозим, яъни султон, соҳибдевор, амирлашқар, вассалом!..»

Абубакр Калава бирдан негадир Абумансурни эслади. Ҳали Наддофлар кўчасида эканидаёқ қидириб борган эди у. Янги ҳукмдорнинг ишончини қозонмак мақсадида Самарқанд султонини жуда кўп гаплардан огоҳ этди. Жумладан, раҳматли Садр Сулаймон билан боғлиқ сирлар, унинг бойликлари, йилқилари хусусида, Жаммазабон девонбеги кирдикорлари, Қавомиддин қозининг номақбул юмушлари борасида сўзлаб берди. Абубакр Калава Абумансурга хутба вақтидаёқ эътибор берган, чаққон кўринган бу йигитни давлат ишларига тортишни ўйлаб қўйганди. Унинг гаплари, ажабки, Абубакр Калава билган, эшитган гапларга мос келарди. «Агар мени юмушга олсангиз, не юмуш бўлса ўринлатурмен, — Абумансур сарбадорлар султониди ўзига нисбатан мойилликни сезиб дадилланди. — Мавлонозодани ҳам яхши билурмен... Қозикалон, шайхулислом, шаҳар бойларини танирмен. Агар менга хуфия саф тузишга ижозат айлангангиз, бизнинг саф фақат сизга бўйинсунса, шаҳримиз осойишталиги кафилини олурмен... Не гап бўлса, фақат сизга айтурмен, сизнинг кенгашингизга кўюрмен! Баднияту бадкорлар, иншоолло, давлатингизга хавфу ҳарос сола олмай!..» Абубакр Калава Сабзавордаги сарбадорлар давлати подшоши Хожа Али Шамсиддин Чашмий олиб борган сиёсатнинг жуда қаттиқлигини эслади. Бордию ақобиру черикдан бирор кишини қақиртириб қолса, у одам подшо ҳузурига боришдан олдин уйида васиятнома ёзиб қолдирадди. У тинғчилар, жосуслар сафини кенгайтирди, саф кишилари жамоа ичиди юрар, давлат, подшо ҳақидаги турли миш-мишлар, гапларни оқизмай-томизмай етказиб турарди. Абубакр Калава ҳам шундоқ қилишни ўйлаб юрар, аммо бунга фурсати бўлмасди. «Сен сайилда ҳам тартибот учун азият чеқдинг, биламен... — деди у Абумансурга. — Шундай бир хуфия саф туз. Ҳаммани кузатиб юрасен, Мавлонозодадан то сўнги фуқарогача. Билганингни фақат менга еткурурсен. Хиёнат этганининг танаси саккиз пора қилинадир. Улуфани хазинадан олурсен. Уқдингму?...» «Уқдим, султоним, уқдим! — Абумансур эгилиб Абубакр Калава тўнининг пешини шилпиқ кўзларига суртди. — Умримнинг охиригача қуловузлиғни, содиқ итингиз бўлиб хизматингизни адо этурмен. Битта бошим салтанатимиз йўлида фидо бўлсин! Аммо сайил чоғидаги ҳимматингиз бутун эл оғзида дostonдир, султоним!» Абумансурнинг эгилувчан, юмшоқ супургилиги сарбадорлар султонига ёқиб қолди.

Ана шундан сўнг у Кўксаройга бориб, жуда кўп гапларни гапириб турадиган бўлди. Йигирма одамдан иборат хуфия саф тузди. У Хўрдак Бухоридан эҳтиёт бўлиш лозимлигини, Мавлонозоданинг мадрасада ўқиб юрган пайтлариданоқ ўзини ҳаммадан баланд олишга уринишлари борлигини айтди. «Менинг салтанатга яқинлигим Мавлонозодага хуш келмайди, чунки ҳасадгўйдир, ичи кўмир янглиғ қорадир... Буни ўзингиз синамоғингиз мумкин, ул мени бегумон сизга ёмон отлик қиладир... Ушанда ўзингиз хулоса чиқариб олурсиз. Менинг эса, худо шоҳид, сизга яхшиликдан ўзга бир корим йўқдир...» Абумансур бир кун келиб Мавлонозода ўрнини олмоқ ниятида эди.

— Сарбадор! — жавоб қилди Абубакр Калава кўшқдан.

— Чорсу майдонида бутун эл интизор кутиб туришибди, султоним! — деди соҳибдевор Мавлонозода. — Тун салтанати фуқаролари...

— Улар фуқаролик жандасини сарбадорлиқнинг пахтагуллик жомасига алмаштиришмакчи! — мамнун сўз қўшди амирлашқар Хўрдак Бухорий.

Абубакр Калава кўшқдан тушгунча, сайисхонадан учта от келтирдилар. Аммо сарбадорлар султони деди:

— Тулпорларга ҳожат йўқ... Пиёда борурмиз. Салтанатда тенгликка асло путур етмасин, эй феъли пишиқлар!

Улар Арк кўчасига чиқдилар. Кўчада ҳамма сарбадорлар либосида юрар, бир-бирига «Сарбадор!» дейишиб, кейин салом-алик қилишиб ўтиб кетишарди.

— Черик тузиб бўлдингизми, амирлашкар?— деб сўради йўл-йўлакай сарбадорлар султони.

Хўрдак Бухорий ҳозирча минг аскардан иборат черик тузганлигини, ҳали бу кўзланган мақсаднинг ўндан бири ҳам эмаслигини айтди-да, деди:

— Бугун Тун салтанати фуқаролари бизнинг черикка аскар бўлиб кирадилар, Шаҳриёр билан аҳдимиз бордир...

Сарбадорлар султони черикнинг кийим-кечаги, қурол-аслаҳаси билан қизиқди. Сўнг соҳибдевор Мавлонозодага юзланди:

— Девон юмушлари нечукдир?

— Бисёр аълодир, султоним!— Мавлонозода девондаги вазиятдан хабар берди.— Девони амлок, девони мол юмушлари Уста Кулол оғага юклатилди, ул киши салтанатдаги жаъми молия ташвишлари, даромаду буромад, закату бож ишларини идора этадир.

— Тамға, бож не йўсинда белгиланур?

— Аввалги замонда косиблар салтанат учун маълум мол тайёрлаб беришга мажбур этилган,— деди соҳибдевор.— Жун, ипак, пахтадан бўлган буюмлар, гилам ва кўндан ишланган нарсалар, тиш, кетмон, теша, арра, мих, арава, кулолчилик асбоблари ана шулар жумласига кирадир. Камонгар, шамширгар, тиркишдўз, тийргарлар, ҳоқим сафарга отланди дегунча, девонга аслаҳалар етказиб беришган, аммо ҳақини хазинадан эмас, вилоятдан тушган солиқлардан олишган. Кўп ҳолларда солиқ тушмаганидан ҳақсиз қолишган. Уста Кулол оғага уқтирилдиким, усталар молини олиб келиши билан, баҳоси берилсин. Сўнгра тамғанинг миқдори тенг яримга қисқартирилди. Жузъя солиғи бекордир. Умуман, бисёр солиқлар шарият асосида бўлмаганидан муомаладан чиқарилди...

— Аворизот, ихражат деган солиқларга ҳам ҳожат йўқ,— деди сарбадорлар султони соҳибдеворнинг юмушларини маъқуллаб.— Зеро, биз муҳораба бошламай-миз, саваш қурмак табиатимизга зиддир. Бу закотлар эса уруш пайтидаги харажатларни қопламатқа ўйлаб чиқарилгандир...

Шу пайт амирлашкар гапга аралашди:

— Салтанатда биронта ҳам одам тархон унвонида юрмаслиги жоиз. Давлат солиғи катта-кичикка бир хилдир. Тенглик эътиқодимиз ҳам куни тақозо этадир. Унутмангиз! Тархонмен, деб ҳам нарсдан бош тортувчилар бор!

— Англадим!— деди Мавлонозода.— Тағин. Салтанатда мардикорлик мажбурий бурч саналарди, бир рисолада кўзим тушмиш эди, сосонийлар замонида Эронда бегар ҳам дер эканлар. Улус бу мажбуриятдан ҳам халос бўлди. Барча мамнун...

— Нур устига аъло нур! Солиқларни камайтирганингиз ўринлидир, инчунин салтанат юмушлари ҳашар йўли билан адо этилув, ота-боболардан қолган удумдир. Кенгаш ҳам шуни маъқул кўрди...— Сарбадорлар султони хурсанд бўлди.

Бундан бир ҳафта олдин салтанат кенгаши тузилди, унга султон соҳибдевор ва амирлашкардан ўзга, Уста Кулол, Қодир Ҳалвойи, шайхулислом Абулворис Самарқандий, Лакшман, Нозим Меҳмет, Исоқ этикдўз, Жаммазабон девонбеги, Қавомиддин қози, имом Кутбиддин, Абумансур ва Шаҳриёрлар киритилди. Кенгаш салтанат олдида турган айрим масалаларни кўрди. Жумладан, шаҳарнинг кўрки ва чиройи Жоме масжидини таъмир этмак жоиздир. Бунинг учун салтанатнинг энг моҳир гилкору кошинпази, наққошу дурадгори бу юмушга бош қўшулар. Уста Кулол маҳалласи яхши ғишлар жамлаб берадир. Кўксаройнинг ўзи ҳам таъмирга муҳтож. Карвонсаройнинг бир девори дарз кетиб қулаш хавфи бор. Кулоллар маҳалласидаги масжид томи тушиб кетган. Ҳолвачилар кўчасида жуда кўп ўйлар мўғуллар босқинидан вайрона ҳолга келган. Бозорнинг анча юмуши бор, хусусан, учта тимнинг томини очиб ташлаб янгидан ёпиш зарурдир, мол бозорини ўраш лозим. Кеш дарвозаси ҳам ночор аҳволда... Бироқ киш кириб қолди, қаҳратоннинг қора куниди лой ушлаш кишига малол келади, қантар офсин, кунлар ҳам сал илисин, ўшанда бу табаррук юмушга киришилса мумкин. Унгача жи-ҳозларни шай этмак керак. Сўнг шаҳарни кўрғон билан ўрамак зарур. Шаҳриёр кўрғон қилмак ишига мутасаддиликни Насафийга беришни таклиф қилди, чунки у моҳир муҳандисдир, ота-боболари хоразмшоҳлар пойтахти Гурганж шаҳрини тиклашда қатнашишган... Кейин гап шаҳардаги қабристонларни обод қилиш хусусида кетди. Шоҳизинда билан Чокардиза қабристонлари қаровсиз ҳолда ётибди.

— Айни пайтда,— деди Қавомиддин қози,— инсоф ҳам лозимдир. Раҳматли Садр Сулаймон шаҳарнинг қоқ ўртасида, Арк кўчаси бошидаги хонақоҳ ёнига дафн этилди. Ҳоким ўзига чиройли мақбара қурдирди, қабристонларга эса қарамади...

Гапга Ҳалвойи аралашди:

— Шаҳар ўртаси — ҳамма зиёрат қиладиган жой, у ерга шайху авлиёлар, табаррук зотлар қўйилса эҳтимол... Лекин Садр Сулаймондай бир нопоку ножинс одам, ўлган-

ларнинг ортидан ёмон гапириб бўлмайти-ку, олло кечирсин, Чорсудай майдонга муносиб келмай турибди...

— Улганга майли-ю, бу тириклар шаънига ёмон...— деди Уста Кулол.

— Шаҳар ўртасидан чиқармак лозим...— қувватлади Абумансур.

Фақат шайхулислом Абулворис Самарқандий рози бўлмади:

— Улганни безовта қилмак муслмончиликка ярашмайдиган бир юмушдир. Со- ниян, фалон подшо вақтида фалончини қабридан чиқартириб ташлабди, деган гап ҳам бағоят хунукдир...

Бироқ бу гап эътиборсиз қолиб кетди. Кеча Садр Сулаймоннинг жасади хонақоҳ ёнидаги мақбарадан олиниб Шоҳизиндага дафн этилди. Аммо Самарқанд аҳлида сарбадорлар давлатининг ушбу тадбири яхши таассурот қолдирмади. Ҳарқалай Абу- бакр Калава шуни қалбан сизди, бошқалар эса бир нима дейишга журъат этолмади.

Сарбадорлар султони салтанатда уч нарсани манъ этиш хусусида фармон чиқарди. Биринчиси — дабдабаю ҳашам, ортиқча зеб-зийнатга берилиш, исрофгарчилик, ўғир- лик, иккинчиси — бангу чоғир, гиёвандлигу майпарастлик, учинчиси, фоҳишабозлик, ғарлик... Абубакр Калава қизи Жаҳон ғойиб бўлган кунларни эслади. Жаҳондай не-не қизлар шу дамгача қонун-қоида оёқлари остида хор-зор бўлгани, бундай нопок ишни даромад манбаига айлантириб олган корчалонлар диёнатсизлиги Наддофлар маҳалла- си оқсоқолининг иззат-нафсига қаттиқ тегди. Шаддод ва суюкли қизи ҳам сал бўлмаса ўшалар қўлида қолиб кетарди, хайриятки сарбадорлар уни қутқариб олдилар.

Сарбадорлар султонининг ушбу фармони ҳамма томонидан маъқул дейилди...

— Сарбадор!— деди шу пайт кимдир. Абубакр Калаванинг хаёли бўлинди. Кўча- нинг у томонида Ҳалимқул шиҳна бир неча одам билан келарди. Сарбадорлар султони уни зўрға таниди.

Тун салтанати подшосининг одатдаги тахти турадиган жойда одам гавжум. Салта- натнинг барча фуқароси жам, энг қизиғи, биринчи марта кундузи йиғилишган эди. Бошида дубулға шаклидаги латта қалпоқ, эгнида етмиш ямоқ мағрибий намат тўн, чўзинчоқ юзли, патак соқол Шаҳриёр увадаларга ўралган фуқаролар орасидан сарба- дорлар султониغا пешвоз чиқди. Унинг ёнида Ахий Жаббор, Насафий, Аббос баҳодир, Холиқберди, Суқрот, Қамариддин, Бобо Султон, Шотабиб ва бошқалар бор эдилар.

— Салтанатимизга хуш келдингиз!— деди Шаҳриёр.

Сарбадорлар султони майдонни тутиб кетган одамларга қаради. Кейинги пайтлар- да Самарқанддаги Тун салтанати доврўғини эшитиб Тошкенту Бухородан, Термизу Балхдан, Хўжанду Фарғонадан, атроф мавзелардан кўплаб ғариблар, тарки дунё қил- ганлар келишиб салтанат фуқаролигини қабул қилган эдилар. Бугун уларнинг бари бир ота-онанинг болаларидай тўпланишибди.

— Сарбадор!— Абубакр Калава шундай деди-да, қўлини мушт қилиб боши узра кўтарди.

— Сарбадор!— ҳайқирди ҳамма, муштлар сафи майдонни тўлдирди. Суронни эшитишиб бозордаги одамлар ҳам ташқарига чиқишиб томоша қила бошлашди.

— Тун салтанати фуқаролари!— мурожаат этди соҳибдевор Мавлонозода.— Хаё- тимиз зулматдай қора маъносида салтанатингизни Тун салтанати деб атаб, то ёруғликка чиқмагунча шундоқ қолмоққа аҳд қилган эдингиз... Сарбадорлар салтанати кенгаши- нинг фармони билан Тун салтанатидан ёруғликка чиқдингиз, энди Тун салтанати йўқ, энди сарбадорлар салтанати бор! Сиз энди сарбадор бўлдингиз!

— Сарбадорлик муборақ!

— Муборақ! Муборақ!— деган овозлар янгради. Фуқаролар бир-бирларини қут- лар эдилар.

— Сарбадорлар салтанати девони барчангизга сарбадорликнинг пахтагулли жома- сини тухфа этадир!

Ахий Жаббор шеър тўқиб юборди:

**Бизлар энди сарбадормиз!  
Эл сафида биз ҳам бормиз!**

Биринчи бўлиб Шаҳриёр ҳамманинг кўз олдида етмиш ямоқ мағрибий намат тўнини ечди. Тун салтанатига уч йил бўлган бўлса, шунча муддатда бир марта ҳам ечилмаган тўн ечилди. Абубакр Калава пахтагулли жомани Шаҳриёрнинг эгнига солди. Ҳамма ёқдан қувончли садолар эшитилди. Сарбадорлик либосини кийган Шаҳриёр «Сарбадор!» деб кичқирди. Сўнг навбат Насафийга етди, сўнг Ахий Жабборга... Аббос баҳодир либосини алмаштираётганда соҳибдевор Мавлонозода Амир Темурни эслади. Душмандан енгилган мамлакат ҳукмдори Амир Ҳусайн ва амирлашкар Темур ҳозир қаерда эканлар? Улар сарбадорларнинг Самарқандда салтанат ўрнатганларидан боха- бардурлар, албатта... Аббос баҳодирдан сўраб билай дейди, аммо фурсат йўқ... Шуб- ҳасиз, Амир Темурнинг хабари бор, чунки Аббос баҳодир Самарқандда юрибди-ку! Хўш, билса нима? Темур сарбадорларни қўллашини Қутлуғ Туркон оқа уйида Мавлоно- зодага ўзи айтди-ку. Ҳозиргидек эсида турибди: «Кўнглим сарбадорлар тарафиндадур.



Вақти соатида ушбу оқ сўзимни барчасига еткурингиз. Аммо ўзлари билсун, ўзганинг билмаги шарт эмас...»

— Сарбадорлик либоси қутлуғ бўлсин!— деди соҳибдевон.

— Қуллуқ, қуллуқ!— жавоб қилди Аббос баҳодир, яна бирон нарса сўраб қолмасин, деган маънода, шитоб одамлар ичига ўзини урди.

Кўп ўтмай майдонда битта ҳам фуқаро қолмади. Ҳамма томонда пахтагулли жома кийиб олган сарбадорлар юришарди.

— Сарбадорлар! Замон жонбозлари!— майдон узра бирдан амирлашкар Хўрдак Бухорийнинг йўгон овози эшитилди.— Сарбадорлар салтанатининг шан-шукуҳли, зафар яроқли чегири барпо этилмакда, токим кўрганда ҳар қандай душманнинг саботига путур етсин! Черикка бош қўшган давлат хазинасидан улүфа олур. Эй, шижоат бандалари, сарбадорлар давлати ҳимоясига туриб, баҳодирлик дубулғасини бошингизга қўндингиз, бас, лашкарсиндирад аскар сафини қурч айлангиз!

Биринчи бўлиб сарбадор Ахий Жаббор отилиб чиқди:

— Мени ҳисобга олингиз, эй сарбадорлар салтанати амирлашқари! Бор шиддатимни сарбадорлар давлати душманлари то суворий отидан паст тушиб, пиёда бўлмагунча нисор айлайдирмен!

Сарбадорликка ўтган Тун салтанати фуқаролари энди қий-чув қилишиб, сарбадорлар салтанати аскарлигига ёзила бошладилар.

\* \* \*

Чорсу майдонида бўлаётган шовқин-сурон Хонлиқ оқа хонадонига баралла эшитилиб турарди.

Садр Сулаймоннинг фожиали ўлиmidан кейин Хонлиқ оқа хонадонидан ҳам файз кетди. Давлат бошига сарбадорлар келишгач, аҳвол кескин ўзгарди. Нечундир мижозларнинг қадамлари сийрак тортди. Тушум кам. Унинг шаҳарда бир кун ҳам тургиси келмай қолди.

Хонлиқ оқа аслида Самарқанд ҳокимининг ўлиmidан мамнун бўлиши керак эди, чунки ўн бир йилдан бери тўплаган пули энди қарзининг ярмини қоплаган, бу аҳволда яқин-ўртада ўн минг динорни йиғиб беришнинг имкони кўринмасди... Мана, йигирма тўрт йилдирки, у Фессалоники шаҳрини тарк этган, отаси Мирикос билан онаси Ҳабиба ўша ёқда қолишган, Самарқандга келганига ҳам ўн олти йил бўляпти. Унинг она юртига кетгиси бор, айтган сўзига содиқ Хонлиқ оқа бундан қайтгани йўқ. Бу орада Садр Сулаймон қазо камонидан отилган ўққа учраб оламдан кўз юмди, уни хонақоҳ ёнидаги ўзи тайёрлаб қўйган мақбарага қўйдилар. Лекин энг ёмони шу бўлдики, сарбадорлар куппа-кундузи ҳокимнинг ўлигини мақбарадан олиб Шохизиндага дафн қилишди. Бу инсон шаънига ярашмайдиган юмушдир, начора ҳар ким эканини ўрар экан. Эл-улус назарида бу нарса сарбадорларга нисбатан нохуш миш-мишлар келтириб чиқарди. Аммо Хонлиқ оқа назарида ҳали бу жуда кам... Агар унга қўйишса, бу очофат ҳаромхўрни ўлигини пора-пора қилдириб, оч бўриларнинг олдига ташлатган бўларди. Шунга ҳам шукр этсин бу муртад! Худобандадай сўқсур йигитнинг умрига ҳам шу зомин бўлди. Эсиз йигит! Не-не дилдорлар анжуманини офтобдек ёритиб, обод этмакка қодир йигит! Мард экан, синглиз Жоннигорнинг бу қадар хору абгорлигини кўриб чидай олмай, канизанки ҳам азобдан халос қилди, лат еган иззат-нафси ҳам таскин топди. Охири Садр Сулаймоннинг бошини қилич билан узиб ташлади. Э, худо, эртага нима бўлишингни билмайсан, ўз паноҳингда асра!

Шўрлик Хонлиқ оқа энди не қилсин? Кимга суясин? Бу «касби» ҳам жонга тегди. Умрида бу ишни қилмас эди, аммо Садр Сулаймонга ўчакишиб нопок йўлларга кирди. Киришликка кирди, хўп, бу ёғига энди эсини ўнгласин. Бироқ Самарқанд ҳокими тириклигида, кетаман, деб юрган Хонлиқ оқа, ажабки, энди бунга шошилмасди. Кетадида бир кун, қаёққа шошилади? Озгина харжга етгулик жамалға қилсин, сўнг бу офат шаҳардан кетади. Албатта кетади!..

Бугун Қавомиддин қозининг ташриф буюрадиган куни. Қош қорайгандан сўнг, биров бировни танимайдиган бўлганда келади. Кўнглига қўл солиб кўради. Агар унга ёқса, Хонлиқ оқада бир режа бор...

Қавомиддин қози Жоме масжиди ёнидаги хира фонус ёқилганидан хийла кейин кириб келди. Иккиси хос хонага кирдилар. Қозикалон хомуш, дили нимадандир хиралиги кўриниб турарди. Хонлиқ оқа унинг атрофида парвона бўлиб қолди. Пахтагулли жомасини ечиб олар экан:

— Ўлсин, шуям кийим бўлмай! Ярашмабди... — деди. — Ким ўйлаб топди шуни?

— Мана шу ялангоёқ, супраси нон кўрмаган ювиндихўрлар! — аламли жавоб берди Қавомиддин қози. — Илгимга тушадир ҳали! Барининг товонига тахтакач боғлаб, савалатиб хумордан чиқурмен!

— Шундоқ, гадоларга ҳамма нарсани бериб қўйиб ўлтирасизларми? Қани у давлат деб ёнадирган беклар?.. Амир Хўсайнга чопар ёллатиб, сипоҳ олдириб кунпаякун

қилмайсизларми ер ютгурларни?.. — Хонлиқ оқа жаҳл аралаш сўзлар экан, терилган ингичка қошларининг ўртасида, ўнг қошга яқинроқ жойда бўртиб чиққан гилосдек қора холи ўйнаб турарди. Агар қўшни хонада турган одам бўлса, Хонлиқ оқанинг йўғон овозини фарқлай олмай, иккита эркак киши суҳбатлашишмоқда, деб ўйларди.

— Э, Амир Ҳусайннинг ўзи сичқоннинг инини минг тангага сотиб оладиган бўлиб юрибди-ку! Хе-хе-хе!.. Жонини сақлаймен, деб Жайхуннинг у сорига қочибдир... Вале ани чорлаб киши юбортирдим, илло... — Қозикалон саллани ечиб бир четга қўйди.

— Вой, ўлсин! Давлат қўлнинг кири деганича бор-да, четганини билмай қола-сан... — Хонлиқ оқа мавзуни ўзгартирмоқчи бўлди: — Бегим, бир режам бор эди-да... Оламда якка-ёлғиз суянчиғим ўзингизсиз...

Қавомиддин қози Хонлиқ оқага қаради: тип-тиниқ мовий кўзлар ўн саккиз яшар қизларникидай жозибали, юпқа лаблари табассумга мойил, эгнида баданга ёпишиб турадиган волойи аҳмар аталмиш ҳарир кўйлақдан ўзга либос йўқ... Қозикалон уни шу кўйлақда кўпроқ ёқтирарди. Бобилхона бекаси буни биларди. Қирмиз ипак мато Хонлиқ оқанинг чехрасига уриб, яна ҳам чиройли қилиб юборган... Қавомиддин қози уни бағрига тортганини билмай қолди.

— Нима режа экан? — сўради у.

— Мени бошқа бирон шаҳарга жойлаб қўйсангиз, дедим. — Хотин атай орқага олди. — Сарбадорларингиздан кўрқаман...

— Ҳа, булар динни ҳам поймол этди! — Қозининг кўзлари чақчайди. — Давлат кенгашига бир ғайридинни киритибди. Бундоқ бедодлик қаерда бор? Айниқса, сайилда Ниёз қизиқчи шарият арбобларини масхара этиб элга кулгу қилди. Шайхулислом Абулворис Самарқандий норизолик билдирди, илло сарбадорлар султони Абубакр Калава анга кулоқ солгани йўқ... Кейин биз шайхулислом иккимиз пиёда Кўксаройга қараб кетдик. Диннинг оёқ ости этилиши ул зотни бисёр ранжитмиш: «Худоё, гадо муътабар бўлмағай!» деб юборди у, сарбадорлар тутумини кўриб.

— Эл-улус шундоқ норозимидурлар? — Хонлиқ оқа қизиқиб қолди.

— Амир Ҳусайннинг кишилари шаҳарда кезиб юришибди. Улар маҳаллаларда сарбадорларнинг динга қарши кирдикорларини улусга англитиш билан банд... Буни кўрғилким, кенгашда мен, шайхулислом, қолганлари анови гунгурсдай Уста Кулол, Ҳалвойи, Хўрдак Бухорий, Мавлонозода, толиби илм... Тағин Исоқ этикдўз, илонбоз ҳинди Лакшман, майхоначи бир гадо... Мен улар билан бир кўчада юрмакка ҳазар қиламен! Лекин начора...

Хонлиқ оқа диркиллаган қўймичини ўйнатиб нариги бўлмага ўтди, бир оздан кейин чиқди-да, келиб атай қозикалоннинг юнгли кўкрагига эркаланиб ўзининг таранг кўрагини босди. Қавомиддин қози оловланиб кетди! Хотин дарров ўзини тортиб, дастурхонга тиз чўкди.

— Андак тамадди этиб олинг, бегим! Таомларнинг тафти кетадир...

— Тамаддини сўнг қилурмиз... Бу ёқдан тафт кетмасин, дўндиқ! — деди тараддудга тушган қози ва Хонлиқ оқани ўртасига жой солинган дарчасиз кўшни бўлмага ундай бошлади.

— Йўқ, сиз менинг айтганимга кулоқ солмадингиз... — нозланди хотин.

— Қачон?.. Қайси?.. Хе-хе-хе!..

— Йўқ...

Қавомиддин қозининг иши ошиғич эди, у Хонлиқ оқани даст опичиб, қўшни бўлмага кирди-да, саккиз қават кўрпага урди...

Шу пайт кутилмаганда кўча дарвоза қаттиқ тақиллади. Бобилхона оғалари дарвозани очмай: «Ким?» деб сўрашди, чунки келганлар ҳарқалай мижозлардан эмас, улар ўзларини бундай туттишмайди.

— Оч дарвозани! Сарбадорлар салтанати султони Абубакр Калава фармони билан барчангиз ҳибсга олиндингиз! Оч дарвозани, хунаса!

Дарвоза очилди. Қуролланган, пахтагулли жома кийган кишилар ичкарига ёпирилиб кирдилар. Чап томондаги хонадан «Нима гап?» деб югуриб чиққан иккита бобилхона оғасининг ҳам қўллари боғланди.

— Бобилхона бекаси қайда? Қани Хонлиқ оқа?

Ҳали ҳеч нарсага улгурмаган Қавомиддин қози бу овозни таниди: у сарбадорлар салтанати амирлашқари Хўрдак Бухорий эди.

— Унинг алоҳида хос бўлмаси бордир эй амирлашқар! — жавоб берди ингичка овоз. Ие! Абумансурнинг овози-ку! Қозикалон бу иприсқи овозни ҳар қандай шовқинсурон ичидан ҳам ажрата олади.

— Дўндиқ! — деди у шоша-пиша туриб махсини оёғига илар экан. — Мени бу ерда кўрсалар расво бўлур! Илло, менга ортдан чиқиб кетишга бир йўл кўрсат! Тез!

— Бегим! — ёлворди Хонлиқ оқа. У аллақачон кийиниб олган, оёқда турарди. — Булардан кўрқаман, деб айтгандим-а! Буларнинг қўлидан мени ўзингиз қутқармасангиз, ким қутқарадир? Жон бегим, қозикалонсиз, оғзингизнинг ели...

— Мен бу ердан чиқиб олай ахир! Кейин кўмак берурмен... Маишатлар қура-  
миз ҳали... Илло қутқариб олурмен! Дўндик, эсинг борку...

У сарбадорлар бу ерда кўриб қолишса гап-сўз бўлишдан қўрқди. «Қимсан, ша-  
ҳарнинг қозикалони, бобилхонадай жойни қатоғон этмак ўрнига, ўзи «Бахраманд»  
бўлиб турар экан-да, дейишлари аён. Айниқса шайхулисом Абулворис Самарқан-  
дий билмаслиги лозим, унда ер ёрилиши керак-да, қозининг кириб кетмоғи даркор  
бўладир. Миш-миш, майда гап урчийдир. Бундай тавқи лаънат душманга ҳам насиб  
этмасин!»..»

— Мени ҳам олиб кетасиз, бегим! Булар ҳаммани ҳибсга олишмоқчи...— унинг  
хаёлини бўлди Хонлиқ оқа. — Ёввойиларнинг қўлида қолдирманг! Дўндифингизнинг  
аҳволи не кечади ахир?..

Қози энди алдашдан бошқа чора тополмади. Акс ҳолда бу эси йўқ, бурнининг  
тагидан нарини кўрмайдиган махлуқ ҳар нарсага қодирдир. Шу дам қозикалоннинг  
ақли йилдирим тезлигида ишмоқда эди. «Бас энди, Амир Хусайннинг қайтишини ку-  
тиш бефойдадир, чиқибоқ уйга борадир, бола-чақасини олиб ўзи мамлакат ҳукмдо-  
ри Амир Хусайннинг олдига жўнайди, сарбадорларнинг жаъми кирдикорларини  
айтиб-айтиб хумордан чиқади. Ҳатто қўшин билан бирга қайтадир, иншоолло, яна  
унинг мартабаси зиёда бўладир...»

— Дўндик! — Хонлиқ оқани бағрига олиб хотиржам деди Қавомиддин қози—  
Розимен! Мен ҳозир чиқамену ўзимнинг сипоҳларим билан келиб сени ажратиб  
оламен!

Бечора хотин бу гапларга ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмасди.

— Йўқ! Мени олиб кетасиз, дедим, олиб кетасиз! — Хонлиқ оқа бирдан қозининг  
қўлидан маҳкам ушлаб олди. — Қўйиб юбормайман...

— Ҳазиллашяпсанми? Ҳазилингни қўй... Хе-хе-хе!..

— Ҳазили йўқ! Бўлмаса, бақираман! — хотин шаллақиликка ўтди.

Қози Хонлиқ оқага қаради: ҳалигина ўн саккиз яшар қизларникидай жозибали  
боққан мовий кўзлар чақнайиб хиралашган, юпқа лаблар қимтилган...

— Мени ҳам олиб кетасиз! Бўмаса қўймайман!

Ташқарида шовқин-сурон кучайиб борар, бўлмалардаги фоҳишаларни бир жойга,  
мижозларни бошқа жойга тўплашарди. Сарбадорлар Хонлиқ оқани қидиришар, бир-  
биридан: «Йўқми?» «Уша ёкдами?» деб сўрашаётгани эшитилар, бу эса Қавомиддин  
қози юрагини тобора сиқарди.

— Бўпти! — деди у Хонлиқ оқага. — Олиб кетамен... Орқа эшик борми? Тез кўрсат!

— Бор! Бор! Бегим, бор! — қувониб кетди хотин. — Бўлмадан чиқиб, чапга уй таги  
билан юрамиз... Сарбадорлар ўнгда қолади. Деворга етиб олсак бўлди, ўша ердан  
мақбарага йўл чиққан!..

Қозикалон таниб қолмасликлари учун салласини ўрамай, жома ичидан белига  
боғлаб олди. Хонлиқ оқа дурра берди. Бошга дурра ўрамоқчи эди, фурсат кетмасин  
деб, белбоққа қистирди. Хотин шитоб барча шамларни ўчирди. Атрофни қоронғулик  
чулғади. Улар бирин-кетин ташқари чиқдилар.

Хайҳотдай ҳовлининг ҳар жой-ҳар жойида машъала тутган сарбадорлар кезиб  
юришарди. Улардан бири фавқулодда яқингинада экан, машъала ёруғида уларга қараб  
кела бошлади.

Қавомиддин қози билан Хонлиқ оқа чапга бурилишга улгуришмай саросимада  
қолдилар. Сарбадор пахтагулли жомадаги қозини ўзимизникилардан деб ўйлаб, парво-  
сизгина:

— Бобилхона бекаси ўша ердамикин? — деб сўради. — Буёқларда йўқ...

Ортдан машъалали икки сарбадор ҳам унга эргшиб келарди. Қавомиддин қози  
шошиб қолди. У қўлга тушган ўғридай ночор эди, қочай деса қайга қочади, курашай  
деса, бир ўзи шунча сарбадор билан қандай курашади, улар кўпчилик... Хонлиқ оқа  
унинг ортида яшириниб турганча дир-дир қалтирарди. Қозикалоннинг боши қотди!..  
Тез бир қарорга келиш керак эди... Кутилмаганда у белидан дурранни олди, шартта  
ўгрилиб, ортида ҳанг-манг бўлиб турган бечора хотиннинг оғзига тикди-да, икки қўлини  
маҳкам ушлади. Хонлиқ оқа аввалига ҳеч нарса тушунмади, «Нима қиляпсиз?!» де-  
гандай, даҳшат тўла кўзларини Қавомиддин қозига тикди. Воқеа лаҳзада бўлиб ўтди.

— Шу ерда экан!.. — овозини ингичкартириб қичқирди қози, гўё бобилхона бека-  
сини тутган бўлиб. — Мана! Зўрға тутдим... Илло!.. Қани, тезроқ ушлангиз!..

Сарбадорлар келиб Хонлиқ оқа қўлларини ортга қилиб боғладилар-да, фоҳишалар  
бўлмасига олиб кета бошладилар. Хотин типирчилар, нимадир демоқчи бўлар, оғзига  
дурра тиқилганидан гапиролмасди.

Қавомиддин қози чархи кажрафторнинг ўйинларига қойил қолди. Хонлиқ оқа яхши  
ниятда берган дурра, ажабки, ўзининг оғзига тиқилди, ялангоёқларнинг кийими пахта-  
гуллик жома эса қозининг жонига оро кирди. У Хонлиқ оқани олиб кетишган сарба-  
дорлар ортидан бориб, дарвоза олдида тўпланишиб турган сарбадорларга қўшилиб  
кетди. Ҳеч ким ундан шубҳа қилмади. Бир оздан сўнг тўлдан сирғалиб чиқди-да, уйига  
жўнаб қолди.

Остин-устин

Самарқанд сарбадорларининг доврўғи бутун Мовароуннаҳрга ёйилди. Барча эл шу ҳақда гапирар, аслан тобе кишиларнинг ҳокимларга хос жасорати хусусида сўз юритарди. Сарбадорларнинг мўғуллар устидан ғолиб келганликлари хабари тез орада Арабу Ажамга тарқалди.

Қиш ярми ўтиб қолган, ҳавонинг совуқлигига қарамай, сарбадорларнинг юмушлари қизгин эди. Соҳибдевон Мавлонозода, уни вазир ҳам дердилар, раҳнамолигида бир неча тадбирга қўл урилди. Улар сарбадорлар султони Абубакр Калава, амирлашкар Хўрдак Бухорий ва Мавлонозода иштирокида келишиб олинганди.

— Салтанатимиз кишиларида бойлигу ҳашам, ортиқча зеб-зийнатга берилиш, исрофчиликка йўл тутиш манъ этиладилар, — деди сарбадорлар султони. — Бу нарсаларнинг бари тенглик эътиқодига зиддир. Ҳаммининг қорни баробар тўйсин...

Сарбадорлар салтанати пешволари Кўксаройда, девонхонада суҳбатлашмоқда эдилар. Абубакр Калава тахтда, амирлашкар билан соҳибдевон унинг рўпарасида ўлтиришарди.

— Шундоқ-ку... — эътироз билдирди Мавлонозода. — Аммо қандоқ қилиб кишилардан зеб-зийнати, бойлигу ҳашамни тортиб олурмиз?..

— Салтанат йўлида тортиб олинадир. Барчаси хазина учун зарурдир. Битта ҳам киши оралатмайсиз, фақирдан бошлаб ортиқча нарсаларни хазина учун йиға берасиз...

— Бадавлату сарватмандлар англашилари, — гапга қўшилди амирлашкар. — Аммо бир тоифа борким, уларга эҳтиёт юзасидан ёндошмак жоиздир...

— Очиқроқ десинлар, амирлашкар!

— Мен аҳкоми динни назарда тутаман. Эл-улус ҳамиша улар сўзига қулоқ осадир. Уларни ранжитмак нохуш ҳодисалар келтириб чиқарадир, деймен...

— Амирлашкарнинг сўзлари ўринликидир, — ўз фикрини билдирди соҳибдевон Мавлонозода. — Султони, камина ҳам бу хусусда бир андиша қулидурмен...

— Нечун андиша қулидурсиз, эй феъли чиройли?

— Шаҳримизда аҳли мусулмон ичра, сарбадорлар динни поймол этар эканлар, таом бир, либос бир, ҳатто... заифалар ҳам умум бўладир эркан, қабалида миш-мишлар қанот боғламишдир...

Сарбадорлар султонининг қўй кўзларида ғазаб учқунлари чақнади:

— Валлоҳ! Заифалар ҳақидаги сўз қайси феъли баднинг сўзидур? Анингдек, фиску фасод бандасини тўрт пора қилмак ҳам камдур!... Не дейсиз, амирлашкар? Миш-мишдир бу, миш-миш, эй феъли улуғлар!

— Миш-мишларни ҳарқалай сарбадорларнинг дўстлари демайдилар. Миш-мишу нохуш гапларни ғанимлар тарқатадур холос, — жавоб қилди амирлашкар.

— Ушмундоқ вазиятда, — асил мақсадга кўчи соҳибдевон, — амирлашкар айтган тоифага чиндан ҳам эҳтиёт бўлиб ёнлошмак талаб этиладир...

— Хўш? — сарбадорлар султони соҳибдевонга синчков тикилди.

— Мен ҳам аҳкоми динни, шариат устунларини ўйлаб андишага бораман. Шайхул-ислом Абулворис Самарқандий, мударрис Хожа Лутфуллоҳ, имом Қутбиддинлардан тортиб ҳар маҳалланинг имомию сўфисигача ҳоли қудрат улус кўзинда сўз ва нуфуз соҳибидилар. Уларни ранжитмак нодурустдир. Зеб-зийнат, бойлигу ҳашамни тортиб олишда салтанат уларга тегмаслиги лозим. Ҳеч бўлмаганда улусдан сўнг, энг охириг навбатда бу тоифага ўтилса... Ушанда улар салтанат султонининг фармонини барчага келган тўй эканлигини, иншоолло, англаб етурлар ва ранжимакдан тийилурлар...

— Нечун энди сиз айтган тоифага тегилмайдур экан? — қизишиб деди сарбадорлар султони. — Улуснинг елкасида истиқомат қилаётганлари учунми? Сарвати ошибтошиб ётгани учунми, а, феъли яхши? Саҳардан то оқшом пахтанинг гардини ютиб тирикчилик қилаётган наддоф, лойдан қўли чиқмай оқ ем бўлган кулол, қандолатпаз, этикдўз, тийргар, камонгар, нонвой, жувозчиларнинг не айби борки, бирлари икки бўлмайдир? Кечагина сарбадор бўлган гадонинг не гуноҳи бор? Тенглик эътиқодига тескари ҳар қандай режа гул очар экан, бас, билингким, ул салтанат сарбадорлар салтанати эрмас!..

— Султони! — деди яна Мавлонозода. — Салтанатнинг ушбу тадбири, эҳтимолки, аҳкоми динни ранжитмас ҳам... Аммо аёнки, бу қилган ишимиз улус кўзида ранжитиш ўрнига ўтадир... Ажабки, ўша наддоф кулол, қандолатчи, этикдўз, гадо салтанат бу юмушларни улар учун қилаётганини англаб етармикин?

Сарбадорлар султони соҳибдевонга ҳайрат билан қаради:

— Бу нима деганлари!.. Англаб етадилар, албатта!

— Қўрқаменким, салтанат улус деб жон куйдирадир, аммо буни улус англамоғи мушуқулдир... — қатъият билан ўз фикрини давом эттирди соҳибдевон. — Шариат пеш-

волари улуснинг сифингучи кишилари. Биз улус сифинадирган, топинадурган кишиларга зуғум этиб, эл ихлосини қайтариб қўймасак, бас...

Амирлашкар Хўрдак Бухорий шу ерда бундай деди:

— Уша улус ҳурмат этадиган кишиларки, салтанатга бўйсунар эканлар, буни улус кўриб итоат камарини белига маҳкамроқ боғлайдир. Ихлос эса ҳамиша тоатнинг ҳамсо-яси бўлиб келган...

— Бошқа бир андишам ҳам бор... — деди Мавлонозода, энди у ҳақда гап тамом деган маънода. — Ҳозирнинг ўзида улус ичида шундай овоза юрибди...

— Қандай овоза? — сўради сарбадорлар султони.

— Сарбадорлар давлати гўё ғайридинлар давлати эмиш. Илонбоз Лакшманни назарда тутишмакда шекилли...

Абубақр Калава жилмайди:

— Абу Наср ал-Форобий муаллими соний айтадиларки, фозил ва етук шаҳарлар фуқароси турли диний эътиқодга сифинсалар ҳам, бир хил бахт-саодатга, бир хил ёруғ мақсадларга интилишлари мумкин... — Сарбадорлар султони тахтнинг ёнидаги лавҳдан бир рисола қўлига олди-да, варақлаб, тағин жойига қўйди. — Ғайридинлар шаҳри-мизда истиқомат қиладурган кишилардир. Улар оздирлар, салтанатимизда, тенглик эътиқодига кўра уларнинг вакили бўлсин. Агар ўшал қавмда бир жанжал кўпса, тинди-радурган шул бўлур... Бордию тенглик эътиқодимизга бўйсунмайдурган эса, ғайридин тугул муслмоннинг ўзи ҳам сарбадор бўла олмайди!

— Муаллими соний рисоладини ўқиганмен, аммо...

— Ва ё сиз... шаҳримизнинг фозил шаҳар эканлигига шубҳангиз бормудир?.. — Сарбадор султонининг саволи кескин бўлди.

Соҳибдегон Мавлонозода ҳаёлга чўмди: «Фозил шаҳарда инсоннинг камолга етуви диний биқикликка, қандай дин тарғиб этилувига асло дахли йўқ, зеро, бу фозил шаҳардир. Ғайридинлар давлати, деган овозалар эса фозил шаҳарга хос эмас. Бас, Самарқанд ҳали фозил шаҳар рутбасига эришмабдирми? Фуқароси бир-бирини ғийбат этса, демак, беодоб шаҳар даржасидан чиқа олгани йўқ экан-да?»

— Шубҳасиз, шаҳримиз фозил шаҳарга айланаётир... — жавоб қилди Мавлонозода ҳаёлидагини айтмай. — Фозил шаҳар ихтиёрийликдан обод бўлади, деб ҳисоблаймен, султоним! Зинҳор зўрма-зўракилик, мажбурийлик усулларига ён бериб қўймайлик...

— Фуқарони мажбурий бирлаштирмак ҳам лозимдир, дейдилар муаллими соний... — изоҳ берди амирлашкар Хўрдак Бухорий.

— Тўғри-ку... Улус олақуроқ оломондан иборат бўлиб қолмасин, деймен. Яқдил-лик тарафдоримен холос... Улус эса оломон даражасида... — тушунтирмоқчи бўлди фикрини Мавлонозода.

Сарбадорлар султони индамади. У ўрнидан турди-да, амирлашкар билан соҳибде-вон орасидан девонхона ўртасига қараб юрди. Ҳа... Давлат, фозил шаҳар, тенглик, бахт-саодат, бирлик... Мақсад бир хил, аммо тушуниш ҳар хил... Баҳслар бўлмаги табиий, энг муҳими интилиш бир, ғайрат бир, сарбадорлар султонига шу керак...

— Салтанат йўлида бойлигу ҳашам, зеб-зийнатни тортиб олишни фақирдан бош-лайсиз... Тенглик эътиқодимиз шуни тақозо этадир. Ҳаёт ноз-неъматлари олдида сарба-дорлар султони гадо билан бир хил мартабага эгадир. Ахир авлоди бани башар бир йўсинда туғилар, бас, бир йўсинда бахтли бўлсинлар! Ҳар бир ҳовлига кирилсин, сарба-дорлар салтанати фуқароси нечта эканлиги рўйхатга ҳам олинсин. Иншоолло, барча сарватманду аҳкому дин ҳам улги олурлар. Сарбадорларнинг тенглик эътиқодига бўйсунмаган ҳар кас, динидан қатъий назар, қиличдан ўтказилур!

— Аммо,— эътироз билдирди амирлашкар,— соҳибдевоннинг гапларида жон борким, қаюиду русумни барчага, балки, бирдан қўллаш ўринсиздир. Ахир парварди-гор ҳам беш қўлни баробар этиб яратмаган...

— Агар беш қўлни баробар этиб яратмаган бўлса, бу беайб парвардигорнинг яккаю ягона айбидир, эй феъли барқанорлар! — Абубақр Калава тахт ёнига келди. — Мана бу тахтнинг нечоғлик безатилганини кўрингиз: лаълу дуру забаржаду зар... Шун-чалар ҳашам бир султонга жоизму? Барин териб олурсиз ва давлат хазинасига ташлар-сиз. Сўнг, Садр Сулаймон ҳовлисидаги олтин олма танаси заррин лаппакчалар билан қопланган, мевалари лаълдан марвариду қушчалари олтиндан эди. Лекин қани улар? Жаммазабон девонбеги уйини тафтишга олингиз. Сўнг қозикалонга ўтингиз, сўнг шай-хулислом, сўнг сарватмандларга...

— Аввал сарватмандлардан бошлайлик, — таклиф этди Мавлонозода.

— Кимдан бошламак, майли, соҳибдевонга ҳавола этилур, лекин бир киши ҳам қолмасин. Фозил шаҳар аломатларидан бири маърифату тарбия. Самарқанд ҳоқими хонадонига катта кутубхона мавжуддир. Инчунин кўча томондан эшик очиб, ундан барча сарбадорлар баҳраманд бўладурган қилайлик...

— Мадраса бунёд этмак зарурдир, — маъқуллаб гапирди Мавлонозода. — Садр Сулаймон мадрасаси бағоят ошиғич қурилганидан, бино чўккан, орқа девори нурашга мойилдир. Мактаблар очмак даркор, токи авлод соҳиби илм бўлсин... Муаллифлар топайлик. Ўзим ҳам собоқ бермагим мумкин...

— Хуш айтдингиз, Нодирбек, мен ҳам шул ҳақда сўзламакчи эдим, — қувватлади амирлашкар Хўрдак Бухорий. — Черигимиз улус йигитлари билан тўлсин, машқу интизоми аъло бўлсин...

Ўртага жимлик чўкди. Ҳамма гап айтиб бўлингандек эди.

— Султоним! — Мурोजаат қилди соҳибдеворон яна. — Тафтишдан маълум бўлдики шаҳримизда Садр Сулаймон ва ўзга бадавлат кишиларда бисёр қуллар бордир. Яна Жета лашкаридан тушган асирлар бор... Уларни ҳам тенглик эътиқодига кўра назардан ўтказамизми?

— Асло! — рад этди кутилмаганда сарбадорлар султони. — Улар ўз номи билан қуллардир. Олло уларнинг манглайига қул бўлиб яшашни битган, начора...

— Олло уларни қул қилиб яратмаган-ку... — сўз қўшди орага амирлашкар.

— Бағоят тўғри! Шу ваҳждан, уларнинг олдига ушмундоқ шарт қўйилур: агар ўзларини яхши тутса, соҳибининг ишонч-ихтиёрини олса, қуллик тавқи лаънатидан халос этилур, эй феъли пишиқлар!

Шу асно девонхонага Абумансур кириб келди, у ёнига осиб олган қилич дастаси пахтагулли жомани туртиб турарди.

— Сарбадор! — деди у муштани баланд кўтариб. — Ассалому алейкум!

Салтанат пешволари алик олдилар.

— Мовароуннаҳр султони Амир Ҳусайн ва амирлашкар Амир Темурдан элчи келмиш, султоним!

Бу кутилмаган янгилик эди.

— Лоҳавло вало қуввато! — деб юборди Абубакр Калава. — Мовароуннаҳр султони билан элчи келмиш?..

— Қаерда экан Мовароуннаҳр султони? — сўради ҳайратда амирлашкар Хўрдак Бухорий.

Мавлонозода индамади, бу хабардан ҳайратга ҳам тушмади. У бошқа нарсадан ҳайрон: «Ажабо, бу «кўршапалак», каламуш башара қандай қилиб Абубакр Калавадай ҳалол, тўғриси одам кўнглига йўл топди? У кенгаш аъзоси бўлиб олди, мана, ҳозир ҳам, салтанатнинг уч раҳбари улус ташвишларидан сўз олишиб турганда, бетакаллуфларча бостириб кириб келди. Нимасига ишонадир бу фосиқ банда? Наҳотки, унинг қора кўнгли эканини сарбадорлар султони сезмайди?..»

— Шу онларда Мовароуннаҳр султони Солисаройда эркандир, — жиддий деди Абумансур. — Бир қошиқ қонимдан кечсангиз, элчини олиб кирсам...

— Кечдим! Олиб кириг! — ижозат берди сарбадорлар султони.

Абумансур таъзим қилганча орқаси билан юриб чиқиб кетди. Орадаги жимликни соҳибдеворон бузди:

— Султоним! Бир нарса ваҳждан хаёлингизни бўлурмен...

— Хўш, эй феъли равшан, хўш?

— Фақирга падари бузруквор даражасидадурсиз... — хижолат бўлиб деди соҳибдеворон. — Вале бир ўтинчим бор: Абумансурни салтанатга яқинлаштирмак хатардир... Аминменки, унинг дўстлиги гумон даражасидан нари ўтмайди. Мадрасадан билурмен...

Сарбадорлар султони индамади. Дарров Абумансурнинг: «Мавлонозода ҳасадгўйдир, ичи кўмир янглиғ қорадир. Буни синамоғингиз мумкин, у мени бегумон сизга ёмонлайди...» деган сўзлари ёдига тушди.

— Ахий Жаббор ҳам Абумансур ҳақида, деворнинг ости, кўчанинг пасти, томнинг усти билан юрадиган хилидан экан, деб сўзлаганди, — гапга қўшилди амирлашкар Хўрдак Бухорий. — У Ахий Жаббор қўшинида саваш қурганди...

«Ахий Жаббор сайилни бузиб дарра ейишига оз қолувди, уни ҳам Абумансур тутиб олганди... — хаёлидан кечирди Абубакр Калава. — Ахий Жаббор албатта у ҳақда дуруст сўзламайдир-да...»

— Киши хусусинда фикр юритмак учун, уни яхши билмак лозимдир. Йўқ эса, биров ҳақида сўзланган ҳар қандай гап тухматга айланмоғи бир бахяликдир... — Сарбадорлар султони бошқа сўз қўшмади.

Бу гап соҳибдеворон Мавлонозодага ботиб кетди. Боплаб майдакаш ва ночор Абумансурнинг Садр Сулаймонга, айна пайтда Қавомиддин қозига хизмат қилгани ҳақида, каззобу ёлгончилиги хусусида, бедаво ҳасад қулининг кирдикорлари тўғрисида сўзламакчи бўлиб оғиз жуфтлади. Аммо Абумансурнинг элчи Давлатшоҳ бахши билан кириб келаётганини кўриб, тўхтаб қолди.

Давлатшоҳ бахши югуриб келиб тахт пойига бош урди, сарбадорлар султони жомаси пешини ўпди. Сўнг ортага чекинди-да, қироат билан деди:

— Мовароуннаҳр султони онҳазрат Амир Ҳусайн ибн Мусаллаб ибн Амир Қозоғон ва соҳибқирон амирлашкар Амир Темур Самарқанд сарбадорлари ҳукмдори Абубакр Калава сарбадорийга дуои салом йўллайдилар ва олло-таолодан барча мўмин-мусулмонларга солимлиқ тилайдилар!

— Хуш кўрдик! Самарқанд сарбадорлар давлати ҳам Мовароуннаҳр султонига омонлик тилайдир! — деди Абубакр Калава.

Давлатшоҳ бахши сарбадорлар салтанати пешволарига синчков назар солди. Барчаси бир хил пахтагулли жома кийишган, иккисининг бошида салла, бирида дубулға, дабдабали салтанат соҳибларига асло ўхшашмасди. У Амир Ҳусайн ва Темур номидан Абубакр Калавага зарбофт чопон, заррин камар, турнабел қилич ва Самарқандни идора этишга берилган найча қилиб ўралган ёрлик топширди.

— Юрт амирлари, — деди Давлатшоҳ бахши, — сиз сарбадорларнинг ҳалокат гирдобида жондан кечиб жавлон урганингиз учун, юртни беомон душман чангалидан омон сақлаб қолганингиз учун ушбу иноят либоси билан сийлайдирлар. Сарбадорлар салтанати барпо этганлигингиз ўринлидир, бу йўлда Мовароуннаҳр султони ва унинг амирлашқари сизга кўнгилларида асло кин сақламайдирлар, зеро кўнгиллари ёруғ ёзга етишган осмондай беғубордир. Кайвоннишон амирлар малолсиз даврон сурмагингиз, салтанат ишларига ривож бермагингиз мумкин деб ҳисоблайдирлар ва салтанат даҳлсизлигин буткул кафолатин олурлар...

Самарқанд сарбадорларининг боқинчилар устидан ғалабаси хабарини Темурга биринчи бўлиб Аббос баҳодир етказди. Мавлонозода, сарбадорларнинг музаффарияти Темурни қувонтиради, деб ўйлади, чунки амирнинг «менинг кўнглим сарбадорлар тарафиндадир...» деган сўзлари эсида эди, шу сабабдан ўзи суюнчли хабарни етказишни Аббос баҳодирдан ўтинди. Бу пайт Темур ўзининг кичик кўшини билан Балх ёнида чодир тиккан, Амир Ҳусайн чекиниб Шибертуда тўхтаганди.

Қавснинг ўрталарида, қиш кириб йўллар ёмонлашган палла, икки амир Қундуздан жануброқда Боғлонга яқин жойда учрашдилар. Машварат узоқ давом этди.

— Амирлар қила олмаган ишни уддалаган сарбадорлардан ҳайқимоқ лозим...— деди Амир Ҳусайн. Унинг бўғиқ овози яна ҳам бўғиқроқ эшитилди.

— Бу оламда-ку, Ҳусайнбек, ҳар нарсадан ҳам ҳайқимоқ лозим, сиз тўғри сўзладингиз...— маъқуллади Темур.

— Аммо буни ҳаммадан пинҳон сақламоқ керак...

— Пинҳон сақламоқ ҳақидаги сўзнинг ўзи ошкоралиқдир...

Амир Ҳусайн Темурга ажабланиб қаради:

— Сўзингизни англамайдурмен... — Мовароуннаҳр ҳукмдори ўйланганча деди. — Аслида сарбадорларнинг бир танобини тортиб қўймак ҳақида сўз юритсангиз бўларди. Аммо Самарқанддай исён ва туғён қадами билан ўлчанган маконни забт этмакка қўшини қувват қайда?.. Бу ёқда бўлса, қиш қиличини қайраб остонада турибди...

— Ҳусайнбек! Емонлик ҳамиша ҳам одамнинг қўлидан келадиган нарса... — эътироз билдирди Темур. — Ававал яхшилик йўларини қидириб кўрайлик... Уз ахволимизга бир боқайлик-да, фикр этайлик... фойдадан холи бўлмас...

— Бу нима деганлари, Темурбек? — йигирма тўққиз ёшли амирнинг дунё кўриб қўйган оқсоқоллардай сўйлаши Амир Ҳусайннинг ғашини келтира бошлади.

— Адолат кўзи билан қаралса, — хотиржам давом этди Темур, — биз сарбадорларнинг танобини тортиб қўйишга шошилмаслигимиз керак... Аксинча, улар билан дўст бўлмоқ лозим, мўғулдай қаттол душманни бир ёқли қилган ботирларни ўз одамларимизга айлантирмак зарурдир...

Темур сўзлар экан, Амир Ҳусайннинг кўнглидан: «Ҳа, сарбадорлар билан бир бўлиб, мени гулдон этмоқчи эканингни сезиб турибмен... Сарбадорлар билан дўстлигини яхши билурмен, Темурбек! Бу ёқдагиларни анойи билма!» деган сўзлар кечди.

— Хўш... Нима қил, дейдилар? — ўсмоқчилаб сўради у.

— Бунинг йўли битта, — деди Темур қатъий, — Самарқанд сарбадорлари султони Абубакр Калавага, соҳибдевон Мавлонозода ва амирлашқар Хурдак Бухорийларга шаҳарни бошқаришга маншури давлат<sup>1</sup>, зарбофт чопон ва турнабеллик қилич йўлайлик!

Амир Ҳусайн алам аралаш инграб юборди:

— Темурбек, мени мазах қилаётирмусиз? Мен энди киммен? Мен кечаги душманларни зир титратгувчи Мовароуннаҳр ҳукмдори эмас, балки мўғулдан калтак еб қочган бир амирмен холос... Афсус... Менинг ёрлигиму чопоним, совға-саломим энди кимга ҳам керак, кимга ҳам керак!.. Юборганимда ҳам ким уларни олади-ю, ким унга қулоқ осадилар?..

Амир Ҳусайн сабрсизлик билан у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

Темур Амир Ҳусайннинг ожизу умидсиз ҳолга тушганини кўриб, ичида «Бечора!..» деб қўйди. «Эси!.. Юртнинг тақдирини мана шундоқ бир маҳлуқнинг қўлига тушиб қолган! Эси!.. Сарбадорларнинг эса йўриғи бошқа... Сарбадорлар жасур ва мард кишилардир! Улар Самарқандни пойтахт этдилар. О, Самарқанд!.. Менинг ҳам бирдан-бир орзуим Самарқандни пойтахт айламак, оламга танитмак, давлат тузмак эди... Сарбадорлар худди шу йўлдан борурлар... Улар билан тил топмак керак...»

— Ҳусайнбек! — Шиддатли гапирди Темур. — Умидсизликка тушмайлик! Ноумид шайтон, деганлар. Сиз Мовароуннаҳр ҳукмдорисиз, Амир Қозоғоннинг зурёдисиз! Ҳали биров сиздан тахтни тортиб олган эмас!..

<sup>1</sup> Давлат ёрлиғи.

Темурнинг сўзлари Амир Хусайнни руҳлантириб юборди.

— Шундоқ, шундоқ, Темурбек! Рост айтасиз, тахтни биров тортиб олган эмас!.. Ололмайдими ҳам!..

— Бас, биз Самарқанд сарбадорларига элчи юбориб, кўлига шаҳарни бошқаришга ҳуқуқ берадиган маншури давлат, зарбофт чопон, заррин камару турнабеллик қилич тутқазайлик. Элчига шуни ҳам уқтирайлик: аввало, сарбадорларнинг ҳоқимиятини ўз қўлларига олганликлари мақбул қадамдир. Уларнинг ушмундоқ тутумларидан юрт амирлари зинҳор ранжиганлари йўқ... Амирларнинг хоҳиши сарбадорлардек юртпарварлар тарафиндадир. — Темур жим қолди. — Шундай йўл тутмоқ аслида бизлардан жойиз. Бу салтанат учун керак...

Амир Хусайн тинглар экан, Темурнинг гаплари самимийми, самимий эмасми, билолмади. Шунга қарамай, у Темурнинг таклифига рози бўлмай иложи йўқ эди. «Чиндан ҳам мамлакатда сарбадорлар энг катта кучдир... — деб ўйлади Амир Хусайн. — Ҳозирча тан олишга тўғри келади... Ҳозирча... Балки бу Темурбекнинг ўйинидир? Уйин бўлса, ўйин-да... Аммо Темурбекнинг сарбадорлар билан бирлашиб кетишига йўл қўймаслигим керак!.. Уйиннинг энг катта шарти ушбудири...»

Амир Хусайн уч бор қарсақ урди. Амир Мусо кирди.

— Самарқанд сарбадорлари номига маншури давлат тайёр этилсин!.. Бугуноҳ элчи юборилсин!

Амир Мусо фармонни ижро этгани чиқди.

...Давлатшоҳ бахшининг Самарқандга элчи бўлиб келиш тарихи ана шундай эди.

— Олийҳиммат амирлардан бағоят миннатдормиз, ҳиммат кўргизибдилар... — деди сарбадорлар султони. — Қадри баланд амирларга еткурингким, биз сарбадорлар салтанати ҳеч кимга ёмонлик тиламаймиз, бировга кўз олайтирмаймиз. Тилагимиз фақат яхшиликдир, барча салтанатлар билан дўстлигу дорилмонликда яшашидир. Биз Тошкенту Ахсикентга, Термизу Бухорога, Сабзавору Кирмонга, Ҳироту Бадахшонга элчилар юбордик, хусусан Самарқандда сарбадорлар салтанатининг барқарор эканлигидан хабар еткурдик, муносабатимизни уруш эмас, дўстлик доирасида бунёд этмакни ўтиндик. Агар хоҳишлари бор эса, бизлар билан бошни битта қилсунлар, деб тайинладик... Амирларнинг элчи юбориб совға-салом ила сийлашлари уларнинг ҳам, иншолло, шундоқ фикрда эканликларини тасдиқлайдир...

Давлатшоҳ бахши маъқул дегандай таъзим қилди. Мавлонозода ичида Темурдан мамнун бўлди. Бегумон, бу яхшилик фақат ундандир, зеро Амир Хусайндай дағалу кўрс одам хаёлига бундай оқил йўл келиши мушкулдир. Фақат амирлашкар Хўрдак Бухорийгина ўйлашиб қолди: икки уришқоқ ва жангари амирнинг бу ишлари чин дилданми ёки ҳийлами?!.. Унга қолса, шарт Давлатшоҳ бахшини тутдириб нимта-нимта қилдирарди, аммо элчига ўлим йўқ-да... «Улар адо этолмаган ишни биз адо этдик. Улар ёвдан шапа-лоқ еб қочдилар, биз эса ўша ёвни енгиб турибмиз... — ўйларди амирлашкар. — Ман-тиқ юзасидан, сен қилолмаган ишни мен бажардим, қабилида фикр юритилса, унда... сарбадорлар амирларнинг ашаддий душмани бўлиб чиқади-ку? Наҳотки, Самарқандай улкан шаҳарда давлат тузганимиз, даврон сурмагимиз, чекка-чеккада писиб, қочиб юрган амирларга хуш келса? Ҳамиша тахт даъвогарлари бўлиб келган одамлар, наҳотки, тахтда ўзгани кўриб мамнун бўлсалар?...» Бунга ақл бовар қилмасди. Амирлашкар бу ўйларини элчи кетгандан сўнг албатта султону соҳибдевонга айтмоғи керак.

Абубакр Калава уч бор қарсақ урди. Қўлида қаламу қоғоз мулозим кирди. У ҳам пахтагулли жомада эди. «Ажабо, — деб ўйлади Давлатшоҳ бахши, — бу нечук давлат-ким, султони ҳам, мулозими ҳам бир хил кийинурлар? Адолат либос билан белгила-нурми?...»

— Сарбадорлар табиятан инсофлидирлар, — элчига деди Абубакр Калава. — Биров ипак мато юборганда, тикан туғиб қайтармайдилар. Ҳазиначига айтинг, Мавлонозода! Қарши шаҳрида истиқомат қилувчи амирлашкар Темурга зарбофт тўн, ясатиғлиқ от, тўққиз чодир, тўққиз хачир, тўққизта қул тўхфаи тансуқот этилсин!

— Бош устига! — жавоб қилди соҳибдевон ва мулозимга нималарнидир уқтира бошлади.

Мулозим барини ёзиб олди.

Давлатшоҳ бахши юкуниб тисланганча девонхонадан чиқди. Абумансур унга эр-гашиди.

— Бунда не юмуш-ла машғулсен? — сўради Давлатшоҳ бахши ҳовлида Абумансурдан.

— Мулозимлардан биримен... — деди Абумансур айёрлик билан.

— Нима, мулозимлик ҳам мансаб бўптими? Катта мартабаларга эришмакни тилармусен?

— Тилармусен? — ишшайди Абумансур. — Катта мартабаларга эришмакни орзу-ламаган нодон ҳали туғилмаган бўлса керак...

— Ҳм... Мовароуннаҳр султони, унинг соҳибқирон амирлашқари олдида сенинг юзингдан ўтинмоғим мумкин... Мартабалик бўлурсен... — Давлатшоҳ бахшининг қисيق кўзлари яна ҳам қисилди.



Абумансурнинг шилпиқ кўзлари эса каттароқ очилди.

— Мендан не тиларсиз? Очиқроқ сўзлангиз!

— Сарбадорлар салтанати аҳволотидан сўзлаб берсанг, бас! Ихлосингни амирлашкар Темурга еткурурмен, эътиборинг ортадир... Яхшилигимни ёдингдан чиқармасанг бўлди...

Давлатшоҳ бахши чиндан ҳам тинғчилик касбининг соҳиби, Темурнинг қуловузлари ичида энг тажрибалиси, суяги қотгани эди. Абумансурнинг кўзлари ўйнаб туришидан дарров мунофиқлигини сеза олди. Бирор жойга гап етказиб турмоқ учун асли мунофиқ бўлмоқ керак.

— Худо урсин, эсимдан чиқмайди! — ишонтирди Абумансур. — Сизга айтадиган гапларим кўп... Фақат... четроққа чиқайлик. Деворда ҳам қулоқ бор, дейдилар...

Улар икки отга миниб Арк кўчасидан кунботишга қараб юрдилар. Темур элчиси Давлатшоҳ бахши гарчи туноқшом Қутлуғ Туркон оқа хонадонига қўниб, Аббос баҳодир билан сарбадорлар салтанати хусусида суҳбат қуриб, кўп нарсани билиб олган эса-да, Абумансурнинг айтадиганлари ҳам фойдадан холи бўлмас деб, ўйлади.

\* \* \*

Давлат ишлари соҳибдевор Мавлонозода билан қўмондон Хўрдак Бухорийни шундай қамраб олдики, бош қашувга қўл тегмасди. Сарбадорларнинг тенглик эътиқодига бўйсунган ҳолда улар Шаҳриёр, Уста Кулол, Ҳалвойи, Нозим Меҳмет ва сипоҳийлар гуруҳи кузатувида давлатманд кишилардаги ортиқча бойлигу ҳашам, зеб-зийнатни салтанат хазинаси фойдасига мусодара этмоққа киришдилар. Ишни сарбадорлар султони Абубакр Калава айтганидек Кўксаройнинг ўзидан бошладилар, сўнг Садр Сулаймон хонадонига ўтдилар. Аввало меҳмонхона остидаги ертўлани калити йўқлигидан эшигини кўпориб очдилар. Олтин, инжу, дур, марварид, ёқут, забаржад, феруза тўла олтига туясандиқ чиқди. Еттинчиси Абумансур кўмагида Жаммазабон девонбеги томорқасида кўмилган жойидан топилди. Девонбеги Самарқанд ҳокими ҳовлисидаги олтин олмани ҳам шилиб олганлиги аниқланди. Унинг бойликлари тортиб олинди, хазинага ўтказилди. Ўзини эса, улус ҳақиқа хиёнат қилганликда айбланиб, Чорсу майдонида шаҳар аҳли кўз ўнгида қатл этилди.

Жаммазабон девонбеги воқеасидан сўнг шаҳар сарватмандлари қўрқиб қолдилар ва бор-будини ўзлари хазинага келтириб бера бошладилар.

Қавомиддин қози Хонлиқ оқа хонадонидан эсон-омон чиқиб уйига келгач, зудлик билан йиғиштиринишга тушди, зарур анжомларни олди. Кечанинг икки ҳиссаси ўтиб, шаҳар сукунатга чўмганда, у аҳли аёли, ғуломлари билан пана-пастқам йўллардан Солисаройга қараб жўнади. Мирзо Қавомиддин қози оламда бирдан-бир суянчи Мовароуннаҳр султони Амир Ҳусайнга сиғиниб борадир, сарбадорларнинг бутун разил ишларини битта қолдирмай сўйлаб берадир...

Сарбадорлар Қутлуғ Туркон оқа хонадонига ҳам кирдилар. Бу ҳақда сарбадорлар султони Абубакр Калава билан Мавлонозода ўртасида тортишув ҳам кечди.

— Бу хонадонни четлаб ўтсак... — таклиф қилди соҳибдевор. — Ҳар нечук Темурбекнинг эгачиси...

— Ўзимнинг уйимни четлатмадим! — сарбадорлар султони қатъий деди. — Адолат тарозисига путур етмасин ахир!.. Бари сарбадорлар салтанати хазинаси учун қилинур! Бизнинг энг ёмон одатимиз кимгадир енгиллик қилмак, айрмак йўлидир. Салтанат олдида ҳамма бирдир — султон ҳам, гадо ҳам, меним ёстиқдошим, Шамсулмулкнинг онаси ҳам, Темурбек эгачиси Қутлуғ Туркон оқа ҳам... Хотирингиздадир, муаллими соний дейдилар: «Жамоа бошлиғи адолатни севсин... Ҳам ўзининг одамларига, ҳам ўзгаларга бир йўсинда адолат кўргизсин!»

Шайхулислом Абулворис Самарқандий ҳовлиси Кўрчилар кўчасидан бориладиган Хожа Абди Дарун маҳалласида жойлашганди. Маҳалладаги уйларни оралаб юрган сарбадорлар шайхулислом хонадонига ҳам бетакаллуф киришиб, анжомларни сарҳисоб қилмакка турдилар. Одат бўйича, эликта қўйдан бештаси, тўрт қоп ундан бир қопи, икки қоп гуручдан бир қопи, тўрт қоп буғдойдан бир қопи, қирқта косадан ўнтаси, олтиш газ кимхобдан ўн беш газ хонадоннинг ўзига қолдирилларди. Ҳовлида ҳамма нарса уйқи-туйқи ҳолда, саришталик издан чиққан. Пахтагулли жома кийган шайхулислом чўққи соқолини силаганча устун нақшин нигор ишланган айвонда ўлтирар, гоҳ-гоҳда: «Не кунларга қолдиг-а!» деб қўяр, ғизиллаб уйга кириб-чиқиб турган сипоҳийлардан кўз узмасди. Дуркун сарбадор йигит ичкаридан бир тўп оқ матони кўтариб чиқди.

— Юз газ оқ сурп экан... — деди у соҳибдеворга қарата.

— Йигирма газини қолдирингиз! — жавоб қилди соҳибдевор.

— Кафанликларингизга яраса бўлди... — ўзига-ўзи айтгандай деди бирдан шайхулислом кутилмаганда. Ҳамма эшитди.

Мавлонозода нимадир демоққа оғиз жуфтламоқчийди, ундан олдин амирлашкар Хўрдак Бухорий сўз бошлаб қолди:

— Шайхулислом жаноблари! Қошингизда муридлар эмас, салтанат одамлари

турганини ёдингиздан чиқармангиз! Сарбадорлар ҳар нимарсадан инсонни юқори қўюрлар. Бу олинган нарсалар умумники, бир газ кимхобни султон ўзига олмайди, бир дона буғдойни соҳибдевор тасарруф этмайди. Барчаси хазинани тўлдирур. Хазина тўла бўлса, эл тўқ бўлур. Бу амирларо беклар ўлпон деб, божи хирож деб, ушр деб улусдан тортиб олган мол-дунёдан фарқлидир. Улар ўша ҳоқиму амирнинг ёнчиғини обод этган. Биз эса барчасини улусга расамади ила қайтиб беражакмиз...

— Улус ташвишини чекмак ўзгача бўлур... — эътироз билдирди шайхулислам Абулхорис Самарқандий, олтмишларга бориб қолганига қарамай, дадил ўрнидан турди. — Раҳматли Садр Сулаймон билан кўп баҳслашар эрдим. Менинг гапим, ажабо, унга ҳам ёқмасди. Ҳукмдор улус бошини силамак ўрнига ранжитадир, улусни мушти билан силаган ҳукмдорнинг ҳоли вой...

— Сарбадорлар салтанати барча юмушни улусни деб йўлга қўяётир, тақсир! — Мавлонозода жилмайишга уринди. — Улусга сиздан бошқа бошпанасиз ана бу гадо ҳам кирадир...

— Бошпанаси бўлмаса, фақирда не айб? — тажанг деди шайхулислам. — Оллога ёлборсин. Оллодан сўрасин. Бир кирдикори оллога ёқмабдирки, шу кўйга тушибдир... Амирзода Абдулла замонида юртнинг улуғлари қувғину мискинликда умр кечирди, фозиллар обрўи қора ерга тенг бўлди, оқилларни ҳар томонга сарсону саргардон этдилар. Дорилғурур ҳавосига берилган амирлар қайда энди?..

— Бу Амирзода Абдулла замонида эди... — изоҳ берди амирлашкар.

— Сарбадорлар-чи? Йўқ, улар қувғин қилмаётирлар... — Шайхулислам истеҳзоли кулди. — Аммо фуқаронинг мол-мулки тортиб олиниб, улус қошида беобрў этилмакда. Кенгашда ҳам айтгандим. Кўпларнинг боши қазо қиличи остида қолди... Айримлари жон сақлаймиз деб аҳли аёлини олиб ўзга юртларга риҳлат қилдилар. Қавомиддин қозикалон, мана, қочиб қолибди. Буларнинг бари қувғиндан баттар ахир! Салтанат қарор топдими, ҳукмдор мамлакат улуғларини, фозилу фузалоларни тахт атрофига жам этмаги ва бу кишиларнинг ақл-идроки, саъи-ҳаракати, шижоатини юрт фаровонлиги йўлига бурмаги лозим! Водариғо, қачон шундай кунлар келур?.. Э, тангрим! Ман тасаддара қабла авониҳи фа қад тасаддо ли ҳавониҳи!..

Соҳибдевор Мавлонозода шайхулислам айтган ҳадис маъносини чақишга уринди. Уринди-ю, тагига етиб, бадани музлаб кетди! Ҳадис маъноси бундай эди: «Кимки вақтидан олдин, бошлиқликка лаёқати бўлмай туриб бошлиқ бўлиб қолса, у ўзининг хорлигига мутасадди бўлади». Демак, шайхулислам фикрича, сарбадорлар давлат бошида бўлишга лаёқатсиздир, улар ҳали фурсати келмай туриб салтанат тепасига чиқиб қолдилар ва... улар одамлар кўз олдида хор бўладилар... Демак... Демак...

Соҳибдевор дабдурустдан бунга жавоб беролмади. Шайхулисламнинг келтирган ҳадисда теран мантқиқ бордай эди. Унинг хаёлига кўп китоблардан ҳадислар, нақллар келди. Қуръон сураларини эслади. Аммо шайхулисламнинг ҳадиси ажабки, нимаси биландир унинг тилини боғлаб қўйди. У бирдан иккиланаётганини сезди... Шу пайт ғойибдан салтанат олдида султон ҳам бир, гадо ҳам, деган садо келгандай бўлди. Шундай деганида, сарбадорлар султони ҳақ, ҳақдир! Мавлонозода ўз фикрини мустаҳкамлаш учун Қуръоннинг Худ сурасидан бир оятни хотирлади: «Фастақим камо умирта», яъни «Сенга буюрилган иш устида қоим тур, адо эт!» Оят соҳибдевор кўнглига ишонч туйғуларини солди, шижоат томирлари қўзғолди:

— Ўзини мамлакатнинг улуғлариданмен, деб ҳисоблаган одам аввало фақирларга, гадоларга, оч-юпунларга ён босмаги жоиздир... — деди Мавлонозода. — Келсин, шўрлик одамларга кўмак берсин. Сарбадорлар бева-бечора, ночор қосибу гадолар, жумла надомат бандаларини қўллаб-қувватлайдилар. Ҳар сония авомуннос, рунуду авбонинг ёнини оладир. Кимки улуснинг кифтига чиқиб олиб озор еткизса, ўзи хор бўлур. Чингизхон замонидан бери улусимиз ёт оёқлар остида топталди, беку амирлар, аёну ақобирлар, ҳоқиму қозилар шўрликнинг ризқини ўз билгича қийдилар, бойдилар, едилар, ичдилар. Сиз улуснинг тили йўқ, деманг, тили бордир, кўзи йўқ деманг, бордир, зиллату сафолатни аён кўрадир!

Шайхулислам эътироз билдирмоқчи эди, соҳибдевор қўймади:

— Бечора улусимиз, элимиз! Ул кавак-кандикларда яшади, тангри-гаоло офтобнинг нури каби умумий инъомни хосу омга етказганида ҳам, ундан бебахра қолди. Шукрлар бўлсинким, энди бечораларнинг ҳам кўксига шамол тегди, сарбадорлар шунинг учун дунёга келдилар. Улар бу йўлга кирдилар, бундан қайтмайдилар! Муҳаммад алайҳиссалом «Ал-фақру фаҳри» каломини бағоят хуш кўрадир эрканлар. Хонадонингиздан ортиқча бойлигу ҳашамни, зеб-зийнатни олсак, сарбадорлар элни ранжитадурлар, дейсиз, фақир бўлмакдан ор этасиз, қўрқасиз... Фақирлик расулллоҳга фаҳр саналмиш эрди, умматларига озор даражасида эркан-да?..

Шайхулислам қотиб қолди! Соҳибдеворнинг ҳар бир сўзи унинг аъзои баданини тешиб ўтгандай бўлди. Фавқулодда ғазабдан кўзлари қисилди, қўлидаги тасбиҳ беҳол титрай бошлади.

— Куфр кетманг! Ёшсиз! Куфр кетманг! Астағфуриллоҳ! — дер эди у.

— Сарбадорлар юртни бошқаришга лаёқати бор эканлигини, чамаси исбот айла-

дилар. Хотирларидан кўтарилмаган эса, фақир Чорсу майдонида бутун машаралмуслимин олдида, ичимизда адолат ишини ҳимоя қила оладирган, улус қошида ўзини жавобгар сеза оладирган бирор валломат борму, дедим. Сиз айтган мамлакат улуглари ломим демадилар. Фақат сарбадорларгина адолат иши ҳимоясига отландилар, душман йўлини кесдилар. Инчунин одамлар кўз олдида хор бўлмадилар, балки уларнинг хокисор бошлари азиз бўлди...

— Бас! Бас! Бир гапдан қолинг! — дер эди шайхулислом Мавлонозоданинг ҳадис маъносини англаганидан ҳайратда. Ахир шайхулислом бу ҳадисни сарбадорларга дашном сифатида эмас, балки ўзига-ўзи таскин ўрнида айтган эди-ку!

— Тақсир! Гап келганда отангни аяма, дейдилар, — Мавлонозода тобора қизишар эди. — Сиздай мўтабар зот тағин Чорсу майдонида улус олдида тап тортмай Худобандадай бегуноҳ йигитни ўз отасидан юз ўгиришга ундадингиз, билмадимким, бунинг гуноҳи кимгадир... Жанобларидек нурул-миллати ваддин шайхулислом Абулворис Самарқандий шаҳар ҳокимига Хонқали кўчасида дор ал-кихоб очдириб, фахшу зино гуллашига йўл бериб қўйдилар... Билмадимким, бунинг гуноҳи кимгадир...

Шайхулислом энди чидолмай қолди:

— Навзанбиллоҳ!.. Дор ал-кихоб эмас, раҳматли Садр Сулаймоннинг чорбоғларидан бири эди... Чорбоғим деган... Бировнинг чорбоғи билан не ишимиз бўлур?.. Мен... Мен...

Асаби таранг тортилган шайхулислом Абулворис Самарқандий қизиқ устида пахтагулли жомани ечди-да, ҳовлида турган соҳибдевор Мавлонозоданинг оёғига ташлади! Сўнг устундаги миҳга илинган сурранг тўнни намойишкорона олиб кийди. Ҳаво хийла салқин эди.

— Мен сарбадорликдан ихрож бўлдим! Бас! Шу ёғи ҳам кифоя қилур! Олганларингизни қайтармасангиз ҳам майли! Мени тинч қўйсангиз бўлди! Менга охират даркор, охират!..

Шайхулислом сарбадорларни дуоибад қилмакчи бўлди-ю, яна ўзини босди. «Дуоибадни англайдирми бу зиндиклар!..» хаёлидан ўтказди у.

Орага ноҳуз жимлик чўкди. Ичкарига кириб-чиқиб турган сипоҳийлар ҳам тўхтаб, воқеа не билан тугаркин, деб илҳақ эдилар. Улардан бири чопиб келиб Мавлонозода пойида ётган сарбадорлар либосини ердан кўтарди. Жимликни амирлашкар Хўрдак Бухорий бузди:

— Тақсир жомани ерга отмадилар, балки ҳаммамизнинг юзимизга тарсаки тортиб юбордилар...

— Оёқ учида кўрсатдилар... — гап қўшди Шаҳриёр.

— Лойи пишитилмаган бўлса, катта хумлар тез синади... — деб қўйди Уста Кулол аста.

Ҳайратдан лол бўлиб қолган соҳибдевор Мавлонозода ўзини ўнглади-ю, салтанат пешволарига хос вазминлик билан қатъий деди:

— Сарбадорлар эътиқодига кўра, тақсир, сиз ушбу тутумингиз учун саккиз нимта қилинмоғингиз даркор эди, зеро муқаддас либосимизни оёқ ости этдингиз... Бу шунчаки матоҳ эмас, унинг замирида ҳурлигу эрк туйғулари мужассамдир. Афсуслар бўлсинким, ўша туйғуларимиз лат еди, иззат-нафсимиз топталди... Аммо биз қиличимизни қинидан чиқармасликка билагимизда куч топа олурмиз, сизга жазо бермакдан тийилурмиз! Йўқ эса, сизга дин йўлида шаҳид кетган зотнинг шон-шухрати тақилур, бу эса адолатсизлик бўлур эди. Сиз қилган гуноҳнинг жазоси ўзгадир. Сарбадор эътиқодига бўйсунмас экансиз, унда салтанат фуқаролигидан мосуво этилурсиз. Бас, Самарқанддан бадарға қилинурсиз! Бир кирдикорингиз оллога ёқмабдирки, шу кўйга тушдингиз!..

Лаҳза ўтмай сарбадорлар бирин-кетин ҳовлидан чиқиб кетдилар. Ҳанг-манг шайхулислом Абулворис Самарқандий устунга суялиб:

— Сизларга худо бас келсин! Худо бас келсин! — деганча қолаверди.

Қор учқунлай бошлаган эди.

\* \* \*

Самарқандда сарбадорларнинг қилган ишлари бутун Мовароуннаҳрга ёйилди. Айниқса, тартибот хусусида қатъий ва кескин олиб борилаётган тадбирлар, бирга минг қўшилиб, ваҳимали тусга кирар, эшитганни бешубҳа даҳшатга соларди. Шаҳарнинг ўзида эса кўп кишилар, асосан ўзига тўқлар қўрқув исканжасига тушиб қолдилар. Бойлигу ҳашамдан айрилган аламзадалар турли миш-мишлар тарқата бошлашди. Сарбадорларни биров «худосизлар», деб атади, биров «ёвузлар» деди. Буларнинг ичиде талайгина Амир Ҳусайннинг одамлари бор эди. Аммо ҳеч нарса сарбадорларни ўйлаган ниятларидан қайтара олмасди. Чоғир ичувчилар билан гиёвандлар ҳам пана-паналарга писиб кетишга мажбур бўлдилар. Кўкнорию нашавандлар, майпарастлар айб устида қўлга тушса, жазоси ўлим эди. Ана шундай кишилардан ўн олтитаси Чорсу майдонида қиличдан ўтказилди. Самарқанддан кетганлар ҳам бўлди.

Сарбадорлар ҳақида олди-қочди гаплар тарқатиб юрган оғзига кучи етмаганлар учун яна бир баҳона топилди. Гап шундаки, Хонлиқ оқа хонадонидаги канизаклар ҳибсга олингандан сўнг, барча фоҳишаларни Хонқали кўчасидаги темир дарвозали ер ости саройига қамадилар. Уша кунни бўлмаларда тутилиб қолган айш-ишрат ишқибозларидан ўн киши ҳам қўлга тушди. Уларнинг бари сарбадорлардан эдилар. Тонгсаҳар чопарлар қуйидаги сўзлар билан одамларни Чорсу майдонида чорладилар:

— Одамлар-одамлар! Эшитмадим деманглар! Имонини ютган, динини сотган, бузуқи, фоҳишабоз, сафоҳат эгаси валади зинолар сарбадорлар шаънини ерга урганликлари сабабли қатл этилулар!

Эл қатлгоҳга оқиб келди. Зиногарларнинг дод-войига ҳеч ким қулоқ солмади, улар даҳшатли жиноятчилар сифатида бошлари танасидан жудо қилинди. Авом барчасига лаънатлар ўқиди.

Орадан бир ойлар чамаси вақт ўтди. Сарбадорлар хонадонларни оралаш билан бўлиб, фоҳишаларни унутдилар. Мана энди, фоҳишаларга қандай жазо бермак лозим, деб ўйланиб қолдилар.

— Фоҳишанинг энг содда жазоси қозикқа ўтқаздурмоқ! — деди амирлашкар Хўрдак Бухорий. — Манглайдан кўрадир...

— Фаҳшу зино элни бузадир, улусни издан чиқарадир... — маъқуллади соҳибдевори Мавлонозода. — Зеро кутлуғ юмушларга қаратилган ҳаётнинг қути, кўнгил шижоати солимул аъзо қуввати шаҳвоний тарафиндан пажмурда ҳолга келур, не-не шиддатлар синур...

Мавлонозода эсига бир нарса тушиб, ботинан изо тортди. У Худобандага шерик бўлиб қачонлардир Хонлиқ оқа хонадонида меҳмонликка борганди. Худобандани билмайди-ку, лекин у бўлмага кириб девордаги бетавфиқ суратларни кўриб қаваси жўшган, хушбичим нозанинга кўзи тушиб оловланган, оқшом айшини сурган... Бошқа қадам изи босмаган. Худо шохид. Соҳибдеворнинг Хонлиқ оқа хонадонига нафрати яна бошқа нарса билан боғлиқ, шу нарса ҳақида эслаганда юраги орқага тортиб кетай дейди. Агар сарбадорлар Жаҳонни, унинг жону жаҳонини қутқариб қолмаганларида... Йўқ, йўқ, Мавлонозода у ёғини ўйлай олмайди, у ёғи нима бўлиши тасаввурга ҳам сизмайди! Ваҳшат! Бу хонадон йўқолмоғи керак! Шундай жазо топилсинки, улус сабоқ даражасида кўрсин!

— Султоним! Ҳар бирини битта байталнинг думига боғлаб даштга ҳайдаб юбормак лозим, токи лоши қарға-қузғунларга ем бўлсин!

— Ҳар бирингиз бузуқ ахлоқ, ҳирс жорияларини жазога мустаҳиқ ҳисоблайсиз, эй феъли яхшилар! Булар улус бошига битган балодир... — Сарбадорлар султони Абубакр Калава девонхонанинг шифтига тикилди. — Бу жаҳаннам янглиғ чоҳдир, унинг туби кўринмайди. Улуснинг, халқнинг не-не соҳибақл мардлари, жонбозлик этгувчи ўғиллари бу гирдобда ғарку мустағриқ бўлдилар. Афсус!.. Не-не оқиллар ушмундоқ исрофгарчиликдан тийила олмадилар. Бари қилғилиқ улусга бўлди, шўрлик улусга! Сарбадорлар салтанатида бундоқ ўйинларга ижозат йўқ! Салтанат барчасидан покланур! Ортиқ қуввату қут, ғайрату шижоат улус, салтанат фаровонлигига қаратилур. Кечмишу келар кунни ўйлайлик. Улус иқболи олдинда, иншооло! Иқболга етишмак, бахт-содатга эришмак учун халқнинг етти яшаридан етмиш яшаригача соғлом, сиҳҳати аъло бўлмоғи лозим. Салтанат ҳақими Шотабиб, носоғ вужудни даволамак учун вужуднинг ўзига озор берилур, илло бу озор вужуднинг дарддан аригандаги фароғатдан юз чандон камдир, дейдир. Биз носоғ вужудимизга озор еткурмакдамыз, зеро соғлиқ фароғати унинг эвазидир... — Абубакр Калава чўяндай қора юзларини даструмоли билан артди, қўйиб юборган калта соқолини силади. — Хонқали кўчасининг охирида сайхонликда катта чоҳ қазилур...

— Чоҳ?.. — сўради амирлашкар...

— Чоҳ... Фоҳишаларнинг барчасин ўша чоҳга ташлатурмизу тириклай кўмдириб юборурмиз! Худобанда барча гуноҳларни ўлим поклайди, дер эди. Бас! Бобилхона санамларининг гуноҳларини ҳам ўлим поклайди!..

Фоҳишаларнинг даҳшатли қисмати ҳеч кимнинг кўнглини юмшатмади. Одам чиқа олмайдиган катта ўрага ташланган Хонлиқ оқа бошлиқ йигирма аёлнинг дод-фарёди осмон-фалаклар қатини тўлдириб юборди. Барининг бўйнига тош осилган, қўллари орқасига қилиб боғланганди. Имом Қутбиддиннинг фатвоси билан ҳамма бир қисм бўлса ҳам ўрага тупроқ ташлашга шошилди. Тупроқ тортаётганларнинг кўзларида ёш тўлиб турар, аммо ўз ишларида давом этардилар... Ниҳоят фоҳишаларнинг юзини тупроқ яширди, шўрликларнинг қулоқларни қоматга келтирган чинқириқлари ҳам эшитилмай қолди...

Хонлиқ оқа хонадонидаги бўлмалар деворларидан беодоб суратлар қириб ташланиб, қайтадан таъмир қилинган, бошпанасиз ғарибларга тақсимлаб берилди.

Бир қизга икки совчи

Самарқанд сарбадорлари султонининг нури дийдаси Жаҳон бика Наврӯз байрамига анжуман чақириш мақсадида мактуб битиб, танишу нотаниш қизларга юбормакда эди. Мактубларни эпчил ва чақон Кумар таширди. Режа бўйича, қизлар султон хонадониди меҳмонхонада йғилишиб, сўнгра Конирилга йўл олишади. Эл қатори ўйин-кулгуд қилишади, кўкламни муборақбод этишади. Бир ҳафта аввал чакса буғдойни онасидан сўраб олиб, ундиришга қўйди. Ўзлари алоҳида сумалак пиширишади. Эртақ ва қиссаларга қулоқ тутишиб, навбахор ҳақида кўшиқлар куйлашади, ёр-ёр айтишади. Кўк чучвара пиширишади, айниқса ичига нўхат солинган ялпиз сомса ажойиб. Шунинг учун ҳам Ашурбининг қизи Гуландом Жаннат холанинг қизи Тиниғой деган дугоналарига ёзган мактубларида бирига кўк чучвара, бирига ялпиз сомса тайёрлашни ўтинди.

Қуёш ҳамал буржиги кирган кунда кеча билан кундуз тенглашади. Ана шу кун фарвардин ойи ёки ҳамалнинг биринчи айёми ҳисобланади. Наврӯз байрами олти кун давом этади. Жаҳон бика Наврӯзнинг қандай пайдо бўлганлиги ҳақида қизиқиб сўраб кўп нарсаларни билиб олди. Ривоятларга кўра, Эрон подшоши Жамшид темирни эритиб қурол ясашни, уй-ҳаммомлар бино қилишни, ип йигириб тўқиб либос тикишни кашф этибди. У кишиларни салоҳияти-ю касбига қараб гуруҳ-гуруҳларга бўлибди. Ниҳоят, бир куни тахт ясатиб ўлтирибди-да, кўкка парвоз этибди. Улус бахтиёр, ғам-андуҳни унутиб подшошни қутлабди. Воқеа фарвардин ойининг биринчи куни бўлиб ўтган экан. Ўшандан бери бу кун Наврӯз деб байрам қилинаришиш...

Самарқанд сарбадорлари тарихда Наврӯзни биринчи марта кутиб оладилар. Сарбадорлар байрамга қаттиқ ҳозирлик кўришмоқда. Ҳали фурсат борлигига қарамай, қордан бўшаган жойларни тозалаш, уй-жойларни саришталаш, узоқ-яқиндаги қариндошлар, ёр-дўстлар билан дийдорлашиб келиш, марҳумлар қабрини зиёрат этиш бошланиб кетди.

Жаҳон бика меҳмонхонада ўтирган эди. Абубакр Калава жума намозидан қайтиб келди. Қиз байрам ҳақидаги режаларини айтиб берганди, падари бузруквори беадад қувонди:

— Соз бўладир, қизим, соз бўладир! Айниқса, дугоналаринг билан байрам қилсанг, яна ҳам яхши!

— Валинеъмат қиблагоҳим, мен дугоналаримга ҳарб санъатини ўргатсам дейман... Қирқ қиз бўлиб юрамиз!.. — Жаҳон биканинг сўзида шаддодлик баробарида эркалик оҳанглари ҳам бор эди.

— Майли, қизим, майли! Ҳар нечук, эрдир, аёлдир, ўзини ўзи ҳимоя эта олгани мақбул иш, бунинг зарари йўқдир... — Абубакр Калава қизининг бошини силади. — Юртни ҳимоя этишга ҳарб сирларини эгаллаган қизлар ҳам керакдир... Сўнгра сен султон қизисен, ўзгаларга намуна бўлмагинг даркор...

Шу пайт остонада Қорасоч бика пайдо бўлди. Бели қисик узун пахтагулли жомадан қади-қомати хушбичим кўринар, маликаликка энди ўрганиб келаётган Қорасоч бика сажиясида озроқ кибру ҳаво, ғурур пайдо бўлганлиги сезиларди. У қизини бағрига олди:

— Ҳозиргача ҳам сенинг майдонда соҳибдевон йигит билан қиличбозлик қилганингни ўйласам, юрагим орқасига тортиб кетади!.. Вой, қизим-ей! Жўхориларнинг бошини олиб, терак билан қиличбозлик қилиб юрганинг ҳам дуруст бўлган экан-а! Яхши бўлган экан-а, қизим!

— Ҳа... Жаҳоннинг сарбадорлар сафига ёзилгани, саваш қургани барчани ҳам танг қолдирди! — деди Абубакр Калава. — Обрўйимни сарбаланд этди, шаънимни кўкларга кўтарди. Ахир мен сарбадорлар султонимен, авому улус нафақат ҳар бир тутумимдан, балки болаларим, яқинларим ҳаракатларидан ҳам эзгулик қидирадир, фидойилик излайдир. Жаҳоннинг мардлиги таҳсинларга муносибдир! Шамсулмулк, Жаҳонни савашга юбориб, сиз ҳам тўғри қилибсиз, эй феъли яхши!..

— Билмай қолибман... Кетиб қолибди... — дер эди содда Қорасоч бика.

— Мен бир пайтлар Тўмарис ҳақида сўзлаб берганимда, мана шуни орзу этгандим. Ҳозир ҳамма сарбадорлар султонининг довурак қизи Жаҳон бика ҳақида сўзлайдир, қувонадир... «Султоннинг паҳлавон қизи Жаҳон бика!» деб суюнадир. Фақат ясоқ қондасини бузмаслик жоиз. Ўшанда эпчиллик қилиб қолмасанг, Мавлонозода қиличидан қазои қадарга йўлиқишинг ҳеч гап эмас эди, худо сақласин! Бу ерда у ҳақ-да...

Жаҳон бика жилмайганча бош эгди: «Севиклимнинг қўлида ўлмакка ҳам тайёрман!..» деб қўйди ичиди қиз.

Абубакр Калава Қорасоч бикадан Наврӯзга тайёрланиш хусусида сўради.

— Ҳазиначи Нозим Меҳметга айтдим, — сарбадорлар султони мамнун эди. — Олти кун давомида сосонийларга ўхшаб (кулоллар, наддофлар, кўрчилар, ҳолвачилар, сипоҳлару толиби илмлар ва заифларни айтамен) ҳар куни бир тоифага тортиқ улашилур. Амирлашкар Хўрдак Бухорий ҳам фармон қилдиким, Наврӯз куни барча маҳбус-

лар зиндондан озод этилур. Сўнгра Наврўзнинг олтинчи куни султон хонадони эшикларини фуқароларга ланг очиб қўйилур. Авом қўлига не кирса, не хоҳласа олиб чиқиб кетсин. Сарбадорлар расм-русумида бу одат бордир. Алқисса, Конигилда катта сайил бўладир. Аёллар ҳам иштирок этсунлар... Мана, Жаҳон дугоналарини байрамга таклиф этаётир...

Шундай қилиб, сарбадорлар султони хонадонида ҳамма янги йилни кутиб олиш ташвиши билан бош оғритар эдилар.

Одатий кунлик ошдан сўнг, хонадондан одамлар оёғи тортилди. Жаҳон бика меҳмонхонадан туриб тагин Мавлонозоданинг зорли нигоҳини тутиб олди. Бир қарашда олам маъно уқди қиз! Яна уқолмаган жойлари ҳам қолди назарида... Таомни тановул айлар чоғида Ахий Жаббор ҳам бир дам меҳмонхона томонга тикилди. Лекин Жаҳон биканинг кўзи тушди-ю, шопмўйлов йигит дарров ерга қаради. Ҳамма тарқалди.

Бир оздан кейин Кумар кириб келди.

— Айланиб кетай укажонимдан! — эркатлатди болани қиз. — Мактубларни топшириб келдингми?

— Топшириб келдим... Олиб келдим... — деди Кумар кўзлари ўйнаб.

— Ие, қайтариб келдингми? Ким олмади? — ҳайрон сўради қиз.

— Йў-ў-ўқ... — Кумар кулди. — Сиз берган хатларни эгаларига топширдим...

— Унда, олиб келдим, деганинг нимаси?

— Олиб келдим-да... Сизга бошқа одамдан хат олиб келдим...

Жаҳон бика шоша-пиша Кумар узатган «найча» хатни олди-ю, ёзиб ўқий бошлади. Хатда дуои саломдан сўнг мухтасар қилиб қуйидаги сўзлар ёзилган эди: «Бугун-эрта муборак хонадонингизга совчилар борурлар... Фақирни илжойи бўлса, қўллаб юборурсиз, деб умид қилурмен. Ёлғиз илинжим ўзингизсиз... Ҳа, десангиз жону жаҳоним ободдир, йўқ, десангиз, замон-замоним барбод...»

— Вой, укажонимдан айланай! — деди яна Жаҳон бика Кумарнинг манглайдан ўпиб. Хат қиз юрагининг тубида ардоқлаб юрган хушбахт орзунинг элчисидай туюлди.

— Наврўзга қатнашман, деб ёзибдирми, мулла акам?

— Ҳа, ҳа... мулла акам катта Наврўз байрами қилмоқчилар... — деди қиз кулиб.

Кумар озроқ жим қолди-да, бирдан опасига суйкалди:

— Опажон, Ахий Жаббор акам сизни кўп сўрайдилар...

— Кўп сўрайдилар?

— Ҳа... Ҳар сафар сиз билан кўришганимдан сўнг, мени пойлаб турадилар. «Кумар, опанг нима дедилар?» «Опангнинг соғлиқлари қалай?» деб сўраганлари сўраган... Мен гапириб бераман. Ахий Жаббор акам кўзимга тикилиб «Ҳм... Ҳм...» деб турадилар. «Опанлар пешонамдан ўпиб қўйдилар...» деб мақтанаман. «Пешонаси ёруғ йигит бўласен... Қаердан ўпдилар? Кўрсат!..» дейди. Кўрсатаман. Ахий Жаббор акам ҳам худди ўша ердан ўпиб, хўрсиниб қўядилар...

— Шундоқми? Қизиқ экан-а... — Жаҳон бика хаёлга чўмди.

— Ахий Жаббор акам, — деди негадир Кумар маъюс, — сизни жуда яхши кўрадилар... Биламан...

— Энди-чи, — деди қиз гапни бошқа ёққа буриб. — Мана бу хатларни олиб, Ҳолвачилар маҳалласига бориб кел! Шер йигит-да бу, шер йигит!

Эртаси куни чоштгоҳда сарбадорлар салтанати амирлашкар Хўрдак Бухорий билан Уста Кулол Жаҳон бикани Мавлонозодага сўраб совчи бўлиб келдилар. Абубакр Калава совчиларга, кенгашиб кўрайлик, олдида акаси бор, Кумушкентдаги бобосининг розилигини олишимиз даркор, шаддод қизинг раъйини ҳам билмак лозим, деб жавоб берди.

Бир ҳафтадан кейин Жаҳон бикани сарбадорлар салтанати соҳиб-девони Мавлонозода Нодирбек ибн Яҳёга унаштирдилар. Расмга кўра, нон ушатилади. Тўй Наврўз байрамидан кейинги шанбада ўтказиладирган бўлди. Жаҳон бика ўзида йўқ мамнуну масрур, тўйнинг яқинлигидан ҳаяжонда эди. Мавлонозода назарида эса вақт тўхтаб қолгандай, кунлар имиллаб ўтарди.

Бу орада кутилмаган воқеа содир бўлди. Ун кунлар ўтар-ўтмас Давлатшоҳ бахши бошлиқ уч одам султон хонадони дарвозасини тақиллатиб кириб келди. Уларнинг қўлларига дастурхон, ота-онага, қизга сарполар бор эди. Элчининг саройга эмас, тўғри хонадонга келиш сабабини дабдурустдан англаб етмадилар. «Юмуши шошилинич бўлса керак-да... — хаёлидан ўтказди Абубакр Калава. — Нома олиб келгандир...»

— Энди ота-боболардан қолган удум... — деб гап бошлади Давлатшоҳ бахши дуои фотиҳадан кейин. — Қизли уйга бош эгиб келиш Одам Атодан қолган. Қутлуғ остонангизга совчи бўлиб келдик, оппоқ тўшли ғозингизга овчи бўлиб келдик! Жез кўнглингизни эритайлик, қолган ишни юритайлик, деймиз...

— Келсангиз, мақсадингиз ёр бўлсин, эй феъли яхшилар! — ҳайрон сўзланди Абубакр Калава.

— Қадимлардан султону амирлар ҳамиша бир-бирига қиз олиб қиз берган, қуданда бўлган, томир ёйиб даврон сурган... — йироқлардан тушди Давлатшоҳ бахши. — Мовароуннаҳр султони Амир Хусайн ибн Мусаллаб ибн Амир Қозоғон Самарқанд

сарбадорлари султони Абубакр Калава Сарбадорий билан қуда бўлмоқни ният этди. Маълумингизким, уч ой аввал фақирингиз кайвоннишон Амир Ҳусайн ва соҳибқирон амирлашкар Темурбек номидан элчи бўлиб келиб эрдим. Алалхусус, салтанат бино этганлигингиз жоизлиги борасида, амирларнинг сизга кўнгилларида зинҳор кин сақла-маслиги ҳақида пайғом еткурдим. Амирлар салтанат юмушларига ривож тилаб, унинг дахлсизлигига кафолат берганларким, бу офтоб мисол ҳақиқатдир, маншури давлат эса илгингиздадир. Инчунин, Мовароуннаҳр султониға сарбадорларнинг яккаю ёлғиз дил-банди, оқилаю доно, сулув ҳам барно жигаргўшаси Жаҳон бика қўлини сўраб келдик... Бу нарса икки султонгина эмас, балки икки салтанатнинг дўсту қариндошлиги йўлида ташланган қадамлардан яна бири бўлғай иншоолло...

Абубакр Калава ногаҳоний таклифдан ҳайратда қолди. Унга мамлакат султонининг ўзи оғиз очмоқда, қуда бўлмоққа чорламоқда... Кечаги Наддофлар маҳалласи оқсоқо-ли бугун ана шундай шарафга эга бўлиб турибди! Аммо... Унинг қизи Жаҳон бика ҳақи-да Амир Ҳусайн қайдан билади? Ким унга таърифладийкин? Нега бирдан қуда бўлмоқ-қа уриниб қолди?... Лекин нима бўлганда ҳам Мовароуннаҳр султоннинг ушбу тутуми фақат дўстлик маҳсадида қилинган ишдир...

Воқеа асли бундоқ бўлганди. Давлатшоҳ бахши уч ой аввал Самарқандға келганида Абумансур унга кўп нарсаларни гапириб берганди. Абумансур Мавлонозодаға қаттиқ ғарази борлигидан, уни элчиға ёмонлади, такаббурдан олиб ифвогарға солди, фитначиға чиқарди. Абубакр Калава ёмон одам эмас, аммо у лақма, ҳаммани ўзидай деб ўйлайди, унга ҳам ишонаверади, бунга ҳам... Амирлашкар Хўрдак Бухорий бағоят хавфли одам, айёр, ундан қўрқиш керак... Шу тахлит у сарбадорларнинг ҳар бириға тавсиф бериб чиқди. Кейин бирдан мавзунни ўзгартирди:

— Сарбадорлар султонининг ҳуснада танҳо қизи бор, — деди Абумансур тамшаниб, ичида душмани Мавлонозодани қаттиқ ўйиб олаётганидан хурсанд. — У қиз ҳам гўзалдир, ҳам жасурдир, мўғуллар билан жангда йигитлар ичида баббаравар саваш қурди. Бутун улус ул қизнинг таърифида оғиз кўпиртирадир... Исми ҳам ўзига мос — Жаҳон бика! Жаҳонға бергисиз! Эши ўн саккиз-ўн тўққизда... Шираға тўлган анордай етилган... Наҳ Амир Ҳусайн ҳарамини беэмоққа қодир бир гули раъно...

Амир Ҳусайн элчининг жуда кўп гаплар қатори Жаҳон бика ҳақидаги таърифини эшитиб мамнун бўлди. Бутун сая-ҳаракат қудратли сарбадорларни чўчитиб қўймас-лик, уларни хотиржам этиш йўлида қилинмоқда, хусусан Самарқандни бошқариш ёрлиги, зарбофт чопон, заррин камару қилич шу важдан юборилди. Ҳаракат зое кетгани йўқ, сарбадорларнинг кўнглида амирларға нисбатан ҳурмат ва ишонч пайдо бўлди. Энди агар Абубакр Калаванинг қизини Амир Ҳусайнға сўраб борилса, бу юқоридаги режаларнинг давоми бўлади, сарбадорларни ҳар қандай шубҳаю ҳадикдан яна бир қарра халос этади...

Амир Ҳусайннинг ҳисоб-китоби жуда тўғри эди. Сарбадорлар султони Абубакр Калава совчиларға деди:

— Биз Мовароуннаҳр султонининг дўстлик-қариндошлик ришталарини боғламоқ йўлидаги ниятларини бағоят қадрлаймиз, эй феъли дурустлар! Ҳали бир қизимиз экан-ку, агар ўн қизимиз бўлса, ўнтасини ҳам бахшида этмакка тайёрдирмиз...

— Қуллуқ! Қуллуқ! — миннатдорчилик билдирди Давлатшоҳ бахши.

— Зеро Амир Ҳусайннинг шундоқ совчи юбориши унинг дўстлигию хайрихоҳлиги-дан далолатдир. Қуллуқ... — Абубакр Калава ўйланиб қолди: «Не деб жавоб берсам? Қизимизнинг боши боғлиқ, десам, бизданам ортиқ эканми ўша, деб иш қадр талашишға айланиб кетади. Бошқача жавоб бермак зарур, баҳона лозим...» — Мусулмончилиги-мизда аввал катталарни уйли-жойли қилмак жоиздир, сўнг кичикларни... Катта ўғлимиз Шамсулмулк Сабзаворда мадрасада таҳсил оладир... Ҳали уй кўрмаган... Унинг бошини икки қилмай туриб, синглисини узатсак, тўғри бўлмас, деймен...

— Энди қизнинг оғаси ижозат берса мумкин... — йўл кўрсатди Давлатшоҳ бахши.

— Оғаси Сабзаворда... Яқинда таҳсилини поёниға етказиб келадир...

Гап тугаб қолганлиги сезилди. Таомдан сўнг Амир Ҳусайн совчилари кетмакка ҳозирландилар.

\* \* \*

Сарбадорлар салтанатидан турли юртлар, подшоликларға юборилган элчилар бирин-кетин қайта бошладилар. Аввало, Тошкенту Ахсикентға, Хўжандға борган элчилар келишди. Барчаси Самарқандда сарбадорларнинг тахтға минганларидан беҳад қувонганларини билдиришган, совғаю тансуқот йўллашган эди. Шаҳар атрофидаги қишлоқларнинг оқсоқола кадҳудолари салтанатға тобеликларини айтишиб, итоату ихлос камарини белларига маҳкам боғлаганликларини аён этдилар. Кундузак қишлоғи оқсоқо-ли Холмат сўфи Абубакр Калава билан қучоқлашиб кўришар экан, қувониб деди:

— Хайрият, ҳайрият! Оҳимиз худоға етиб, салтанат очу юпун сарбадорлар қўлиға ўтди. Қишлоғимиз одамлари барчаси хурсанд!

Хартанг қишлоғи оқсоқоли Қора Қўчқор икки оёғи фалаж бўлиб ётиб қолганди. У Самарқандга қишлоқ имомини вакил қилиб юборди. «Бир ботмон толани бир ярим ботмон қилиб бойга ўтказайлик, деб таклиф этганда, мендан қаттиқ дашном еганди. Келгани уялган...» деб қўйди ўзича Абубакр Калава.

Уч ойча аввал Хўтандан Яманга бораётган карвон Самарқандда тўхтаган чоғида Ҳалимқул шаҳна сарбадорлар салтанатининг элчиси бўлиб қўшилиб олганди. Абубакр Калава Самарқанд сарбадорлари номидан Сабзавор сарбадорлари султони Хожа Али Муайядга мактуб юборди. Ҳалимқул шаҳнанинг сафардан қайтиб келганини айтишганда, Абубакр Калава саломхонада ўлдирар эди. Сарбадорлар султонининг юраги гурс уриб кетди! Ҳалимқул шаҳна ўғли Шамсулмулкдан ҳам хабар олиб келиши лозим эди.

— Балли, балли! — деди у Ҳалимқул шаҳна билан кўришаркан. — Жуда шитоб қайтибсанми, эй феъли тузук?

— Сабзаворга етиб борганимизнинг бешинчи куни Чинмочин карвони келиб қолди. Бир ҳафтадан сўнг жўнар экан... Юмушларни битирдим у қайтиб келавердим...

Ҳалимқул шаҳна сарбадорлар давлати баёнини қилди, Хожа Али Муайяднинг жавоб мактубини топширди. Абубакр Калава мактубга кўз югуртирди. «Сабзавор сарбадорлари Самарқанд сарбадорлари тантанасидан бағоят мамнундирлар ва икки давлат ўзаро теран биродарлик робитасини боғламоғи зарурдир... — дейилган эди мактубда. — Ёвларга қарши яқдиллик шiorимиз бўлсун!..»

— Шамсулмулкдан ҳам дуои салом келтирдим, — деди Ҳалимқул шаҳна. — Ўзи тинч, жони басаломат. Насиб этса, саратоннинг сариқ кунларигача Самарқандга бутунлай бориб қоламен, деб кишини қувонтирди...

Абубакр Калава Шамсулмулкнинг мактубини ўқишга тушди. Одатдаги дуои саломдан сўнг Сабзавор мадрасасининг толиби илми бундай ёзганди:

«...Самарқандда сарбадорлар салтанати қарор тоғганини эшитиб бошим кўкларга етди! Сабзаворда ҳар икки одамнинг бири шу ҳақда ёниб сўзлайдир... Бу, филҳақиқат, тарихда ўхшаши бўлмаган салтанатдир. Падари бузрукворим, билурсиз, тарихнависликка мойиллик кўргизурмен. Сабзаворга келибменким, «Сарбадорлар тарихи» номли рисола битмак орзуида эрдим. Кўп одамлар билан сўйлашдим. Энди бўлса, она шахрим Самарқандда худди шундоқ салтанат дунёга юзма-юз келмиш, салтанат тепасида падари бузрукворим барқарору устивор эрмиш! Ғариб юртда маъюсу мусофир ўғлингиз «Сарбадорлар тарихи» рисоласини иншо этмак билан соғинчлардан қон кўнглини обод айлайдир... Бир юпанчим бордирким, башарият тарихида ноёбу нодир ҳодиса бўлмиш Хуросон ва Мовароуннаҳр сарбадорларининг эзгу юмушлари авлод-авлодларга ҳам етиб боражак, улар учун олис маёқ вазифасини бажаражак. Нозиксухан шоир Ибн Ямин Фарюмадий бир қитъасида, эрк мен учун худди томоғимда тўхтаб қолган нонни ютишга керак бўлган сувдай зарурдир, деб таърифламишлар. Сарбадорлар ана шу эрк учун алам чекдилар. Вале эрк ўшал бир қултум сувдай бўлса, ташналикни боса олгаймикин?..»

Ибн Ямин саксонинчи баҳорни қарши олдилар. Кексаликнинг темир панжаси ул зотнинг пок домонидан тутиб, бирон ёққа силжишга қўймайдир. Дуои саломингиздан бағоят мутаассир бўлдилар, Самарқанд сарбадорлари салтанатини эшитиб камтарин бошлари нақ осмонга етди. Тирикчиликлари Сабзавор мадрасасининг кичик бир хужрасида кечадир. Зиёрат айлаб келдим. «Хуросонда икомат айламак мушкул бўлиб қолди, болам, — дедилар. — Бунда об-ҳаво ғам билан тўлиғдир. Шеърларимни дурдай йиғдим, аммо бирор ҳоким бурда нон бермади. Авваллари ўйламай кундузи ҳам шам ёкиб қўярдим, энди бўлса тунда ёққани ҳам йўқ... Бор садаф йўқ дурри Адандан яшироқдир. Энди фақирлик йўлини танладим. Ешлик шижоатимни, илҳомимнинг селини, билагимнинг кучини, умримни сарбадорлар ишига бахшида қилдим, заррача бўлсин иккиланиб турмадим. Ҳижрий 743 йилда, эллик олти ёшимда, Зова шахрида, бир илгимда қалам, бир илгимда қилич, сарбадорлар сафида саваш қурдим. Уша талотўпда ёнимдаги ёлғиз девоним йўқолди. Ўзим асир тушдим... Асирликдан қочиб тагин сарбадорларга келиб қўшилдим. Афсус... Йўқ, девоним йўқолганига ёки асир тушганимга афсус чекмайдурмен, йўқ! Вале шунча ҳаракат, орзу, элтигрос, шижоату шиддат, завқу илҳом бенаф кетганига вовайлолар қилурмен! Фуқароси тенг ҳуқуқли, бахт-саодатга эришган, дориломон фозил жамоани орзу қилган эдим, менгина эмас, муаллими соний Абу Наср ал-Форобий ҳам армонда оламдан ўтдилар... Афсус!... Сен тарихнависдурсен, ўғлим, рақам этгилким, Хуросонда мутағоллиблар ўз оёғидан йитдилар, мўғул ҳукмронлиги поён топди, ҳайҳот, ўзимиздан золимлар қизди!.. Бир-бирини ўлдирди, бир-бирининг пайини қирқиш... Не-не асил зотлар бевақт кетдилар. Шайх Халифани дорга осдилар, Шайх Ҳасан Журийга пичоқ урдилар, Дарвиш Азизни шахид қилдилар, Хожа Али Шамсиддиннинг ҳаёт шаъмини сўндирдилар... Жаҳон ҳокимлари ва сарватмандлари учун русум бўлган мол олиш, жон олиш тўхтамади, адалат тулпорига тушов солиб қантардилар, ғирромлик қирчанғисин бўш қўйдилар...»

Эй, падари бузрукворим, Ибн Ямин кўп сўзладилар, хотирамда қолганларини келтирдим. Илло, рисоламда барчасин тўлиқ ёзурмен, худо омонлиғу қувват берса...»

Абубакр Калава мактуб давомини ўқий олмади. Уч йил аввал Сабзаворда бўлгани,



фасоҳатманд шоир билан суҳбатлари кўз олдидан бир-бир ўтди. Ибн Ямин ўшанда бунчалар умидсизликка тушмаганди. Нега шундай бўлди экан?..

Мажхул туйғулардан Абубакр Калаванинг юраги увишди.

\* \* \*

Ҳалимқул шаҳнанинг айна Сабзавордан қайтиб келган кунлари Қавомиддин қози ҳам оилаю кўч-кўрони билан қиш чилласида ушук еб Солисарой шаҳрига етиб борди...

Чинос яқинидаги мағлубиятдан сўнг чекиниш шитобига тушган Амир Ҳусайн, шиддатни сусайтирмай Амударёдан ўтиб Шибурту шаҳрига бориб нафас ростлади. Амирлашқар Темур эса юртни ташлаб кетолмай Қаршида тўхтади. Икки амирнинг аслида кўнгиллари тубида мўғуллардай баттол душманни даф қила олган мард сарбадорлардан хавотирлари бор эди. Мовароуннахрдаги сиёсий вазият мантиқан шуни тақозо қиларди. Аммо амирларнинг элчиси сарбадорларнинг олдидан совға-саломлар билан мамнун қайтиб келди. Натижанинг кўнгилдагидек бўлиб чиқиши Амир Ҳусайннинг ҳокимиятга боғланган умид шаъмини боз ловуллади. Амирларнинг одамлари Бадахшон, Боғлон, Андхуд ва Шибурғон вилоятларида аскар жамлаш билан машғул бўлдилар.

— Амирим! — деди Қавомиддин қози, суҳбат амир ўрдасида борарди. — Ёдингизда бордир, ана шу сарбадор деган қаланғи-қасанғилар хусусида, илло, фақир неча бор онҳазратга оғиз очган эрдим... Раҳматли Садр Сулаймон бисёр юмшоқ феъл одам эдилар, жойи жаннатдан бўлсин... Бепарво бўлдилар...

— Амирлашқар Темурбек уни бир қоп гўшт дер эди... — Амир Ҳусайн истамайгина деди.

— Бир қоп гўшт! Бир қоп гўшт!.. Хе-хе-хе! — Ўрдани қози калоннинг арра овозидай кулгуси тўлдирди. — Илло, онҳазрат... Самарқанд ҳокимлигини камина тилаганда инъом этганингизда сарбадорлар бунчалар ўзбошимчалик қилмаган бўлардилар! Мен ҳар бирининг товонига тахтакач боғлаб, жиш бўлгунча савалатар эдим! Хе-хе-хе!..

— Эзгуликнинг кечи йўқ, унинг баҳоси пасаймайдир... — Амир Ҳусайн маънодор жилмайди. — Кеча инъом этмаган эрсак, бугун инъом айлайдурмиз...

Солисаройга етгунча йўлларда уриниб ўзини хийла олдириб қўйган Қавомиддин қози амирнинг гапини эшитиб бир қоп семиргандай бўлди. У ўрнидан туриб таъзим бажо келтирди:

— Танамда жоним борица хизматингиздамен, амирим!

— Сарбадорларнинг ҳоли нечукдир?

— О, у бадбахтларни айирмаймен! Барчаси ашаддий душманларингиз! — қозикалон куйиниб деди. — Шундоқ бўлмаса, сизнинг жумла мўмин аъёнларингизни авом олдида хор қилиб гадоларга тенг этармиди? Сарватмандларни ўлдириб, шайхулисломдек оқилу доноларни бадарға қилишармиди? Ахир Самарқанддай жаннатмисол шаҳрингиз нақ дўзахнинг ўзидай остин-устун бўлиб кетди-ку! Фаросат эгалари шаҳардан қочиб қутулдилар... Не-не бегуноа кишиларнинг ёстиғи қуриди! Илло, сарбадорлар раҳнаомаларининг ҳар бири жазога мустаҳқиқдир!

— Абубакр Калава — сарбадорлар султони... — сўради Амир Ҳусайн. — Пахта тозаловчилар маҳалласи оқсоқоли эмишми?..

— Булбулнинг қанотидай маҳаллага оқсоқоллик қилган бетавфик бутун Самарқандга султонмен, деб даъво этса-я! Ор-номус бўлса, шундоқ дейдирми? Ҳа, у ҳаддидан ошиб, беиболарча ҳурмат оёғини обрў доирасидан чиқарди! — Қавомиддин қози йўқотган нарсасини топгандай кўзлари чақнади. — Ёзда шаҳарда ўлпон йиғмакчи бўлдик. Чорсу майдонида игна ташланса ерга тушмайди, одам тирбанд. Ҳаммамиз ўлпоннинг зарурлигини, мамлакат ҳукмдорининг Жета хони билан саваш қурмакчи эканлигини, барчаси юрт фаровонлиги йўлида қилинаётганлиги хусусида сўйладик... Ҳатто ўшанда бақиравериб томоқни ҳам оғритиб қўйибмиз, хе-хе-хе... Биз-ку шундоқ қилиб турибмиз, бу Калава баттол нима дейди денг? «Амир Ҳусайн бошламакчи бўлган уруш куппа-кундузи қилинган ўғирликка тенг», дейди! Шундай сўзлаб, қўсқи, одамлар кўнглига қутку солди, равон оқиб турган сувни лойқалатди. Одамлар, ўлпон бермаймиз, деб туриб олди...

— Абубакр Калава бошлаб берди, денг? — тишини ғижирлатди амир.

— Ўша! Мўғул бостириб келаётганини эшитган шаҳар аҳли Чорсу майдонига йиғилди. Сарбадорларнинг яна бир раҳнамоси Мавлонозода, бир қошиқ қонимдан кечасиз, амирим, сизнинг шаънингизга оғизга олиб бўлмайдиган каломларни деди...

— Нима деди, сўзланг! — ўшқирди амир.

— «...Эл-улусдан бож олиб ўлпон саришталаган Амир Ҳусайн барини тасарруф этишда ўз билгича йўл тутадур, аммо мана бундай қора кунда қорасини кўрсатмайди... Жумла мўминларни ҳаққа топшириб, кофирлар олдида жуфтанин ростлаб қоладир...» деди. Сўнг ҳамма: «Ундоқ амирнинг ҳолига вой!», «Амир Ҳусайн эмас, Амир бетайин экан!», «Қочаётиб шаҳарга бир кириб ҳам қўймади...», «Сичқон инини минг тангага сотиб олган...» деб...

— Бас! — Қавомиддин қози сўзини кесди Амир Ҳусайн, унинг гўшдор ўнг юзи асабий пириллай бошлади.

— Густоҳлик қилдим, узр... Узр... илло... Айтишим керак эмас эди... — дерди холос ўрнидан туриб кетган қози.

— Э, ўтиринг! Нега турасиз? — жеркиб ташлади Амир Ҳусайн. — Шуңча фисқу фасодни каллада қозиб юрган экансиз-да...

Қавомиддин қози кўрқиб кетди. У, садақат кўргизамен, душманларимни Мовароуннаҳр ҳукмдорига ёмон отлиқ қиламен деб, меъёридан ошириб юборганини билмай қолди. Амир Ҳусайннинг гапи эса дард устига чипқон бўлди:

— Жоме масжидда сарбадорлар султони номига хутба ўқилганда нима деганингиз ёдингиздами?..

— Нима дебмен, амирим, нима дебмен? — таъзим қилиб турганидан қозининг жуссаси кичрайиб кетгандай кўринди.

Амир Ҳусайн Давлатшоҳ бахшидан — элчи эса Абумансурдан эшитган эди — билганларини бир-бир эслаб, деди:

— «...Самарқанд не-не ҳукамо кўрмади... Мана бул кун юрт маснадига ўлтирган ардоқли Абубақр Калава улар орасида энг мўътабар, энг манглайи ёруғ одил пошолардан бўлғусидир...» Одил пошшо! Бу гапни айтган чоғингизда хаёлингиз қаерда эди? Ҳалиги сўзингиз билан булар орасида фарқ ер билан осмонча-ку? У гапларни бошқа одам деганму? Ва ё эй ножинс! — бирдан сенсирашга ўтди дарғазаб Амир Ҳусайн қозининг ёқасидан тутиб. — Мовароуннаҳр султонини фаросати йўқ бир пандавоқи деб ҳисобладингму? Сувга олиб бориб суғормай олиб келмакчи эдингму? Сенга ўшаганлар тилёғламалик қилиб, ботинида бошқача ўйлаб, зоҳирида ўзгача сўйлаб, салтанатим асосини кўпардилар, барбод этмакка уриндилар! Эҳтимол сени сарбадорлар султони Абубақр Калава тинғчи, қуловуз этиб юборгандир? Тириклай терингга сомон тиктирамен!.. Муттаҳам!..

Аъзои бадани музлаб кетган Қавомиддин қози воқеанинг бундоқ тус олишини сира кутмаган эди. Ажабо, хутбадаги гаплар қочқину қувғинда юрган амирга қандоқ етиб келди экан?.. Кўрқувдан қалт-қалт титраган қози миқтидан келган гавдасини тахтада ўлтирган Амир Ҳусайн оёғига ташлади:

— Пойингизнинг гарди бўлай, амирим! Оламда сиздан ўзга суянчим йўқ! Раҳм-шафқат қилинг! Мен сардафтари ғурбат, қошингизга паноҳ излаб келдим! Қосаи чубин олиб гадолик эт, десангиз, этайин! Илло... Тавба-тазаррудан ўзга даъвойим йўқдир. Даъвойим йўқ, амирим! Даъвойим йў-ў-ў-ўқ! — Қавомиддин қози ерга қапишганча ўкраб йиғлаб юборди. — Қасам ича-а-а-ма-ан!..

— Бас! — деди Амир Ҳусайн қозининг аррадай овозидан кўнгли бағоят беҳузур бўлиб. — Қасамга не ҳожат! Агар одамлар ичган қасамларида турганларида бугун мағрибу машриқ оёғим остида бўлур эди!..

— Бир эмас, ўн қасам ичай! — Қози сал ўзини ўнглаб олди. — Мен сарбадорларнинг жосуси эмасмен! Аксинча, улардан бурни қонаган бир одаммен. Менинг бойлигимни, бор-будимни тортиб олмакчи бўлдилар! Қоғиб қутулдим! Сиз ҳайдасангиз, қайга борамен? Энди қайга борамен, амирим, бу ортиқча бошимни қайга урамен?!.

Амир Ҳусайн индамади. Кап-катта одамнинг кўз ёши қилиб оёқ остида ўралашиб юриши унга ҳам кулгили туулди, ҳам аянчли...

— Амирим! — Қавомиддин қози энди йиғламасди. — Мана, эллика бориб қолдим... Бобонгиз раҳматли Амир Қозоғон замонидан буён сиз мансуб бўлган мазкур табаррук хонадоннинг холисона хизматини қилурмен, илло давлатингиз бандалиги ҳисобидамен. Вақт-бевақт тилимизда деган бўлсак дегандирмиз... аммо дилимизда фақат Сулаймон мартабали, офтоб пешонали Амир Ҳусайннинг беҳадду-ад дуоси, зикри устивордир. Озроқ ўзларига миннат этмакка ҳақлидурмен. Кексалик манзилгоҳига қадам кўйганимга қарамай, белимни жон билан боғлаб, хизматингиз жомасини эгнимга ташлаб келдим...

Шу пайт Самарқанддан совчиларнинг қайтиб келганликларидан хабар бердилар. Давлатшоҳ бахши илдам тахта пойига бориб юкунди.

— Бир қошиқ қонимдан кечасиз, онҳазрат!

— Кечдим! Айт айтадиганингни! Бўримни, тулки!

— ...

— Нечун имиллайсен? — Амир Ҳусайннинг қисик кўзларида таҳайюр белгилари сезилди.

— Уттиз беш йилдирки, ер юзида бош кўтариб юрибмен... — гапни узоқдан бошлади Давлатшоҳ бахши. — Ҳали бирон ерда қоқинмадим... Амирим, бу сафар овга бориб, ўлжасиз қайтдим, на чора?

— Ҳа, сарбадорлар султони Абубақр Калава бир қизини биздан аядими? Арзимас эканми? — пичинг қилди Амир Ҳусайн.

— Йўқ... Қизнинг оғаси бор экан... — тушунтирди совчи. — Ҳали уй кўрмаган, Сабзаворда таҳсил олармиш. Акадан олдин сингилни чиқаришга ийманадилар... Ваҳжлари шу холос...

— Ҳм... — пишқириб қўйди Амир Ҳусайн. — Абумансур қалай? — сўради сўнг бирдан.

— Яхши... Ҳамма режа айтганингиздек йўсинда...

Гапга жим қулоқ солиб турган Қавомиддин қози Абумансур номини эшитиб ҳайратда қолди! Амир Ҳусайн, мамлакат ҳукмдори, қозикалон қўлида ишлаган нопок шилпиқ бир йигитни қаердан биладир? Ё раб, бу қандай йигит ўзи? Инсми, жинсми, шайтонми?..

— Сарбадорлар султони бир жигарпорасини олиймақом амиримдан азизроқ кўрибдир-да... — деди пайтдан фойдаланиб Қавомиддин қози. — О, ғуруру кибру ҳаво бандаси! Ўзини билмаган нокас! Султонга қизини бермас! Пайт келар, амирим, ул менинг илгимга тушар... Оёғига тахтакач боғлаб жиш бўлгунча калтактатурмен! Зиндон қилурмен!

Амир Ҳусайн ўрнидан турди. У чуқур хаёлга чўмган, худди атрофдагиларни унутгандай туюларди. Бари менинг гапларим таъсири деб тушунган қозикалон руҳланиб кетди.

— Абубакр Калава агар қизини бермас, ҳеч амиримнинг кўнгиллари чўкмасин! Мана менинг гулдай-гулдай икки қизим бор — Меҳр Султонхон ва Қутлуғ Нигорхон. Ҳар иккисин ҳам сизга бахшида айлашга шайдурмен! Сайлаб олинг, йўқ эса, ҳар икки қизим ҳам сизнинг бош-кўзингиздан айлансин, амирим! Хизматингизни қилсин!..

Қавомиддин қози ўзини бир лаҳза мамлакат ҳукмдори Амир Ҳусайннинг қайн отаси деб тасаввур қилди: ўҳ-ху... «Ана ҳукмдорнинг қайн отаси келмакда» дейди бири. «Қайн ота эмас, ота деявер!» дейди бошқаси. Барча унга йўл берган, ҳурмат этган, назарига тушиб қолай деб шошилган...

— Давлатшоҳ! — деди бирдан Амир Ҳусайн қозининг гапларини гўё эшитмагандай. — Шитоб тайёрлан-да, Қаршига йўл тут! Амирлашкар Темурбекка етказилким, шай турсун! Тезликда қўшин билан етиб борурмен!

— Бош устига, онҳазрат! — жавоб қилди Давлатшоҳ бахши. — Бугуноқ йўлга чикурмен!

Амир Ҳусайннинг сабри чидамай ташқарига йўналди. У ҳозироқ қўшин бошлиқларини чақиштириб, зудлик билан сафар анжомини шайлашга буюрмоқчи эди.

Қавомиддин қози қизлари хусусидаги таклифига Амир Ҳусайннинг муносабатини била олмай доғда қолди...

## УТТИЗИНЧИ БОБ

### Конигилда

Ҳижрий 767 йил кириб келмоқда эди. Янги йил ҳамиша кўнгилларга фараҳ олиб келади, деб ҳисоблайдилар. Эски йилда рўёбга чиқмаган орзулар янги йилда жамол кўргизса ажаб эмас, деб умид қиладилар.

Сарбадорлар Конигилда ўтказиладиган Наврўз байрамига катта ҳозирлик кўришар, бўлажак томошаю базми жамшиднинг завқи-шавқи билан яшардилар.

Қорасоч бика тўй ташвиши билан овора, Ашурбиби, Жаннатой ва Умринисаларни кўрпа-тўшак, дорпечу сўзана тайёрлаш юмушларига чорлаган. Жаҳон бикани унаштирганларидан сўнг, Мавлонозода ҳар кунлик ош пайтида бўладиган «кўз уриштириш»лардан ҳам бенасиб қолди. Қиз қочиб, кувёга кўринмасди.

Сарбадорлар султони Абубакр Калава хуфия саф бошлиғи Абумансур иккиси вақти-вақтида кийимларини ўзгартиришиб кечаси пинҳона шаҳар кезишади, кундузи бозор айланишиб, савдо-сотик, нарх-наво боришини кузатишади. Мана бугун ҳам улар боққолчиликдан аллоф дўконига ўтишди, ундан заргарликка, кейин дон-дун бозорига...

Абубакр Калава ўн динор солинган ҳамёнини бозорга кириб кетаётиб дарвоза олдиди атайлаб тушириб қолдирди. Салтанатда ўғрилигу ғоратга қарши қонун амалдами, йўқми эканлигини билмоқ учун шундай қилди. Бир оздан кейин бозорда икки жарчи: «Одамлар! Одамлар! Эшитмадим деманглар! Ким ҳамёнини йўқотди? Ичида ўн динор пули бор? Ким ҳамёнини йўқотди? Ичида ўн динор пули бор», — деб бақириб-чақириб юрганини кўрдилар. Ҳамма ёнини пайпаслар, ҳеч ким ҳамёнини меники, демасди.

Сарбадорлар султони бориб ҳамёнини оларкан, хуфия саф бошлиғига деди:

— Мана сарбадорлар эътиқодининг улуғланиши! Сарбадорлар юртида ўғрилигу ғоратга йўл йўқ, киши ҳақига хиёнат қилинмайдир. Кийим-кечагидан тортиб емагигача барчанинг ҳуқуқи тенгдир!..

Наддофлар маҳалласи оқсоқоли Абубакр Калава умр бўйи ана шундай ҳалол салтанатни орзу қилди ва ниҳоят она шаҳри Самарқандда эзгу ниятига етиб турибди.

— Тенг ҳуқуқли деган эътиқодимиз бор-ку, султоним, афсуски, кўпларга ёқмай-дир... — деди Абумансур Чорсу майдонига чиққанларида. — Самарқанднинг ярмидан кўпи бой-бадавлат, ўзига тўқ одамлар. Бунга турли мансаб эгаларини қўшингиз, имом, сўфи, оқсоқоллар бор... Тенгҳуқуқлик эътиқоди барининг ҳамёнига зиён бўлди...

— Бўлсин! Бўлсин-да, эй феъли тузук! — гапни кесди Абубакр Калава. — Сенинг гапинг ҳам соҳибдевон Мавлонозоданинг гапларига уйқаш... У ҳам шундай одамларга тегмайлик, айримларини қолдирайлик, девди...

Абумансур Мавлонозода номини эшитиб, афтини бужмайтираркан, шилпиқ кўзлари қисилиб кетди:

— Мени маъзур тутинг... Мен хуфия сафингиз сардори... Фақат сизни, салтанатимизни ўйлаймен. Мавлонозода, гарчи қуёвингиз, бироқ унинг ниятлари пок эрмас... У салтанатга ҳоким бўлмоқни ўйлайди...

— Тўхмат этма! — ғазбланиб кетди Абубакр Калава. — Тўхмат этма! Агар бир марта тўхмат этганинг билиниб қолса, хуфия сафингга суф бўлади! Ҳа!..

— Ёлғон айтсам каломулло урсин! — деб юборди Абумансур. — Мен сарбадормен, ёлғон сўзлаш этиқодимда йўқ!.. Борини сўзлаймен! Амирлашкар Хўрдак Бухорий яхши одам, аммо ҳеч кимга, ҳатто сизга ҳам ишонмайди... Дўстлиги йўқ... Қуловузларим шундоқ дейишади. Уста Кулол девони молни ўз билгича тасарруф қилиб ётибди. Нозим Меҳмет кечалари уйида майхўрлик айлар эмиш... Қодир Ҳалвойи, сарбадорлар султони бўлгандан бери Абубакр Калава билан гаплашиб бўлмай қолди, деб ёзғириб юрганмиш... Морбоз Лакшман...

— Бутун ёр-дўстларимни душманга чиқариб қўйдинг-ку, эй феъли бад?! — Абубакр Калаванинг жаҳли чиқа бошлади. — Шунча одам ёмону биргина сен яхши бўлишинг мумкинми? Сен ҳеч кимга ишонмайсен, сенинг дўстлигинг йўқ, сен ҳаммани ёмонлаб юрганинг юрган... Сен!... Сен!..

Сарбадорлар султони, кўчадалиги эсида йўқ, Абумансурнинг ёқасидан олиб силкилай бошлади. Воқеа Чорсу майдони ўртасида пешин чоғи бўлиб ўтмоқда эди. Рўпарадан келаётган уч ёш сарбадор қарашса, икки дарвиш, ота-бола бўлсалар керак, мусофирлар, нимадандир ранжиб жанжаллашишмоқда... Иш мана ёқаллашишга бориб етди.

— Қўйинглар! — тинчлантирмоқчи бўлди сарбадорлардан бири. — Мусофир экансизлар... Билиб қўйинглар, Самарқанд сарбадорлар салтанатида уруш-жанжал деган нарса бўлмайди. Ман қилинган... Бас қилинг, йўқса султон навкарлари даррасини еб қоласиз!..

Пахтагулли жома кийиб олган ёш сарбадорлар ўз йўлларига равона бўлдилар. Ҳанг-манг Абубакр Калава улар кетидан қараб қолди.

— Султоним! — Абумансур вазиятдан чиқиш учун шаллақиликка ўтди. — Менга ишонмасангиз, мени қувиб юборинг! Ёки анови минорадан ташлатинг! Розиман! Кечни кеч демай, кундузни кундуз, салтанатингиз шаъни деб жонимни жабборга берсаму, бундоқ маломатларга қолсам... Ўзи шунақа, савобнинг таги тешик, ҳа... Бундан кўра дунёдан кўз юмиб кетмоқ аълороқдир!

Ўтган-кетганининг яна эътибор қила бошлаганини кўрган Абубакр Калава лом-мим демай Арк кўчасига қараб юрди.

Сарбадорлар султони ҳовлига кириб келганида яна бир дилхирачилик юз берганини кўрди. Панжарагулчин зинали баланд ойнаванд кўшк қулаб тушган, атрофида одамлар ўймалаган, кимдир ойна синиқларини териб олар, кимдир ёғочларни йиғарди. Абубакр Калава яқин бориб қаради. Кўшк турган устунни катта бир каламуш қирқиб юборибди. Кўшк қулаганда қоча олмаган каламушнинг ўзи ҳам устун тагида қолибди. Ана, кемирилган устуну, каламушнинг тумшуги, бақрайган кўзи... Ажабо, каламуш шу пайт Абубакр Калавага... Абумансур бўлиб кўриниб кетди! Бу каламуш-ку кўшкни қулатди, у каламушбашара нима қилмоқчи экан? Сарбадорлар салтанатини тўбдан кўпгармакчими, фишқу фасод билан кемирмакчими?.. Амир Ҳусайн элчиси билан кўп қаймоқлашиб юрибди, дедилар, аммо Абубакр Калава эътибор қилмади. Мавлонозоданинг сўзларига ҳам қулоқ солмади...

Абубакр Калава кийимларини алмаштириб, меҳмонхонадан эндигина чиққан эди, ғуломлардан бири найча қилиб ўралган номани келтириб берди. Нома Амир Ҳусайндан экан. Унда бундай ёзилганди:

«Мовароуннаҳр султони Амир Ҳусайн Самарқанд сарбадорлари султони Абубакр Калавага дуои салом йўллайди, салтанат ишларига ривож тилайдир. Бизнинг сизга тўла эътимодимиз бордир, сизларни ўзга амиру беклардан ортиқ кўрурмиз. Инчунин, сиз билан дийдорлашмак нияти дилимизда барқарордир. Иншоолло, Наврўз кунлари меҳрингиздан баҳраманд бўлғаймиз. Биз то Ўрдани Кониғил яйловига олиб бормагунча сиз истиқболга чиқмангиз, ўзингизни уринтирмангиз. То дийдор.

Солисарой. Ҳижрий 767 йил, ражаб ойи ўн иккинчи куни».

Юқоридаги икки воқеадан кўнгли хижил бўлиб турган сарбадорлар султони, нома баҳонасида амирлашкар Хўрдак Бухорийни уйига чорлатди.

Норғул, баланд бўйли амирлашкар меҳмонхонага кириб келганида Абубакр Калава деразадан йироқларга, баҳор сепини ёя бошлаган тоғларга қараб турарди. Амирлаш-

карнинг назарида эски қадрдони сарбадорлар султони бўлгандан бери анча озиб қолгандай туюлди. Салтанат юкини елкада тутмоқ осонми?

— Қўшқ қулабдими? — сўради у. Иккиси хонтахта атрофига тиз чўкишди.

— Ҳа... — деди Абубакр Калава, у негадир ҳорғин эди. — Қўшқ қулабди... Бугун ҳам бозорни хуфия айланиб келдим...

У ҳамён воқеасини гапириб берди.

— Ундан ҳам қизикроғини эшитинг! — давом этди сарбадорлар султони. — Уч кун аввал, эгнимда жанда, белимда кашкул, елкамда тўрва, термизлик дарвиш бўлиб, ҳассага таяниб бир ўзим шаҳар кездим... Ҳеч ким танимайди. Чорсуда бир одамни тўхтатдим-да, ундан сўрадим: «Бу юртнинг подшоши ким?» Ҳалиги одам бепарво деди: «Э... Абубакр Калава деган бир қусқи, қаланғи-қасанғилардан...» «У сенга нима ёмонлик қилди? Ёқмайдимми?» «Ёқмайди! Ҳамма тенгхуқуқли, деди. Уйда ҳар пешинда кунли ош пишади... Ҳаммага бир хил кийим берди...» «Ие! Бунинг нимаси ёмон, э феъли фалат?» дедим. «Ялқовлар кўпайиб кетди, тайёр ош... Текинхўрларнинг куни туғди, Текин кийим... Бунинг барини фозил жамоа қураман, деб ўша султон ўйлаб топди, гўрингда тўнғиз кўпгур! Бу аҳволда тезда ҳамма нарсани еб бўламиз, очарчилик бошланади...» Жаҳлим чиқиб кетди: «Мени танийсанми?» деб сўрадим. «Йўқ!» жавобини олдим. «Мен, — дедим, — ана шу юрт султони Абубакр Калава бўламен!» «Сен ҳам мени танийсанми?» сўради у бирдан. «Йўқ!» «Мен машҳур Саттор жиннидурман. Йилда уч марта жиннилигим кўзийдир. Бугун биринчи марта жинни бўлишим!» Мен кулиб юбордим. Жинниман, дейди-ку, гаплари соғ одамнинг гаплари...

— Қизик... — деб қўйди амирлашкар Хўрдак Бухорий. — Очарчилик бошланади, дейишида жон бор... Демак, салтанат қўшини машқини пиштмоқ, санъатини оширмоқ устида ғайрат кўргизмак лозим. Йўллар қуриши билан сарбадорлар салтанати доирасини кенгайтирмак учун юришларга чиқиб, бойлик орттирмак, юрт қўшмак даркор. Биринчи галда Мовароуннаҳр ҳукмдори билан ҳисоб-китобни аниқ этиб олурмиз...

— Мовароуннаҳр ҳукмдори билан ора очиқ, назаримда... — деди Абубакр Калава.

— Менимча, ора очиқ эмас... — қатъий эътироз билдирди Хўрдак Бухорий. — Биз уларнинг шаҳарни бошқаришга юборган ёрлиғу чопону қилричига маҳлиё бўлиб қолмайлик! Улар юрт сўраб келган амирлар, ҳатто Амир Ҳусайн билан Амир Темур бирига дўст эмас, пайт топса бир-бирининг пайини қирқишади. Аммо ишончим комилки, улар сарбадорларга асло дўст эмаслар!

— Йўқ, эй феъли яхши! — сўзни кесди Абубакр Калава. — Узингиз ўйлаб қаранг. Улар мўғулларга қарши туғ кўтардилар, енгилдилар. Биз ҳам мўғул билан саваш қурдик, енгдик. Душманамиз бир бўлди. Шу ваҳждан ҳам икки амир бизга элчи йўллаб, дўстлик изҳор этишмакда. Бизларнинг ёмонлик қилмаслигимизни билишади...

— Ёмонлик-ку қилмаймиз... Аммо уларнинг элчи йўллаб, дўстлик изҳор этишлари замирида ўзга нарса бор деймен... Улар биздан кўрқишади. Ҳа, ҳа, кўрқишади! Мана гап нимада! Ахир мўғуллардай қаттол душман изини қуритган лашкардан ким ҳам кўрқмайди? Баттол амирлар эса олдини олиб тилёғламалик қилишмакда холос, бизни содда фаҳмлашмоқда... Мана, кўрасиз!

— Нечун шундоқ деб ўйлайсиз, эй феъли қаттиғи?

Амирлашкар Хўрдак Бухорий масалани астойдил тушунтиришга уринди.

— Сиз билан биз, унда-бунда юрт бошқармаган, илгида сиёсат жилловини тутмаган содда кишилармиз, наслимиз хону амирга бориб уланмайди ҳам... Улар эса Туғлуқ Темурхондай хонга ҳам чап бериб, доғда қолдирган амирлардир. Буни унутмайлик. Бизга ҳам ҳийла қилишмаётганмикини?.. Агар шундай йўл туттишмаса, Мовароуннаҳр тупроғида фозил жамоа тузишга қурби келган мард сарбадорлар авлоди икки амир устига бостириб бориб, бир кундаёқ енгиб қайтишмайдимми? Улар ана шундан кўрқишади! Шунинг учун шаҳарни бошқаришга ёрлиқ юборишибди! Ол-а! Бизга у ёрлиқнинг нима кераги бор? Шаҳарни бошқариш ҳуқуқини ўзимиз қон билан, жон билан олдик! Амир Ҳусайннинг ёрлиғи бўлмаса ҳам шаҳарни бошқараверамиз! Гапни мухтасар қилсам, илгари ҳам айтгандим, имзозат бўлса, Наврўздан кейиноқ биринчи галда амирлар устига юриш бошласам!.. Улар бор экан, сарбадорлар салтанати осойишта бўла олмайди!..

— Дўстмен, деб турсалар, эй, феъли барқарор, устига қандоқ қилиб қўшин етаклаб борасиз? Душманлик зоҳир этса, бошқа гап эди...

— Содда бўлмайлик! — деди амирлашкар қуноиб. — Улар билдирмай душманлик қилишади!.. Амирлар тутуми муаллим сонийнинг ушбу ҳикматини ёдга туширади: «Ғолиблар ҳамиша бир-бирловини йўқ қилади, чунки ўзгани камолга етмаган ҳисоблайдилар, ўзи учун хатарли деб қарайдилар». Улар кечаги ғолиб эди, эсингиздами, икки йил аввал Чорсу майдонида, Шоҳмалик қавчинни хор-зор қилиб ўлдирдилар. Бизлар эса бугунги ғолибмиз... Нахотки икки ғолиб бир-бирини тан олса, бир-бирига дўстман деб талпинса!.. Ишониб бўлмайди!..

Сарбадорлар султони ўйланиб қолди. «Агар Амир Ҳусайн дўст бўлмаса, Жаҳон бикага совчиликка одам кўярмиди? Қуда-андачиликни йўлга қўйиш қариндош-уруғ бўлмоқ дегани-ку! Демак, амирнинг нияти холис... Аксинча, совчиларга рад жавобини

бериб, Мовароуннаҳр ҳукмдори ранжитиб қўйилди. Энди Амир Ҳусайн ҳар қанча ўпка қилса арзийди. Мен дўсту қариндош бўлмакчи эдим, истамадингиз, дейди. Шунга қарамай Кониғилдаги учрашувга таклиф этиши Амир Ҳусайн томонидан кўргизилган катта ҳимматдир, олижанобликдир... Ўзини хокисор тутиб, дўст қадрини кўтариш шунчалик бўлади-да...»

— Мана Амир Ҳусайндан бир нома келибдир... — деди сарбадорлар султони ва номани ўқиб берди.

— Султоним! — амирлашкар қаттиқ ҳайратга тушганини яширмади. — Ақли қосирим дерки, биз Амир Ҳусайн ва Темурбеклар билан дийдорлашувдан воз кечишимиз жоиздир... Бу таклиф ҳйла эмасмикин деган шубҳадамен...

Абубакр Калава жилмайди.

— Узлари ҳам бисёр гумонпарастликка берилибдилар, деймен... Жуда ҳар нарсадан ҳам шубҳа қилавермасунлар!..

— Билмадим, билмадим... Аммо номанинг ушбу ерига назар этинг: «Биз то Ўрдани Кониғил яйловига олиб бормагунча сиз истиқболга чиқмангиз...» — Амирлашкар бошини тебратди. — Англамайдирмен, не дегани бу?..

Сарбадорлар султони энди қаттиқ кулиб юборди.

— Наҳот англаш мушкул бўлса? Амирлар сизу бизнинг қадримиз юзасидан шундай қилишмакда! Ҳурмат нишонаси бу, амирлашкар, ҳа, ҳа! Узлари хону амир авлодидан бўлишларига қарамай биздек оддий фуқароларни эъзозлаб, ҳурматимизни жойига қўйиб кутиб олишмоқчи!..

— Нега энди, — эътироз билдиришдан тўхтамасди амирлашкар. — Улар биз сармақандликларни ўзимизнинг Кониғилда мезбондек кутиб олишади? Биз, нима, ўз юртимизда ўзимиз меҳмонмизми? Ана шунга ҳайронмен... Аслида-ку, Кониғилга уларни келтириш уёқда турсин, ҳозирги жойларига қувиб бориб изини қуритардим, менга қолса...

Сарбадорлар султони билан амирлашкар узоқ тортишдилар. Ниҳоят Хўрдак Бухорий деди:

— Сиз борсангиз, мен ёлғиз юбормаймен албатта... Енингизда бўламен! Охири бахайр бўлсин ишқилиб, султоним... Фақат бир шарт: биз билан қўшин бўлмоғи зарур! Сарбадорлар султони розилик билдирди.

\* \* \*

Наврўз арафасида Амир Ҳусайн билан Темурнинг Кониғилда ўрда тикканлари ҳақида хабар келди. Сарбадорлар салтанати кенгаши аъзолари Абубакр Калава, соҳибдевор Мавлонозода, амирлашкар Хўрдак Бухорий, Уста Кулол, Қодир Ҳалвойи, Лакшман, Нозим Меҳмет, Исоқ этикдўз, Шаҳриёр, Абумансурлар Ахий Жаббор бошчилигида, яхши қуролланган қўшин кузатувида катта совға-саломлар билан Кониғилга жўнадилар.

Абубакр Калава тонгсаҳар Қорасоч бика ва Жаҳон бикани янги йил байрами билан қутлади. Дам ўтмай байрам қилиб қизлар кела бошлашди. Сумалак пишишини кўришга ошиққан, кайвони хотинлардан турли чўпчагу қизиқ гаплар эшитишни орзу қилган қизлар эса кечаданоқ ҳовлидаги катта ўчоқ атрофида парвона эдилар. Қорасоч биканинг қистови билан қизлар сумалакка алоҳида қозон осишмади, қозонларни бир қилиб юборишди.

Кўклам қуёши чарақлаб ётган кўҳна шаҳарда байрам кайфияти ҳукмрон. Бир неча томондан сув кириб турадиган уммонга ўхшаган Чорсу майдони Наврўз сайлига ошиқаётган чоллар, кампирлар, эркагу хотин, тул-туғсоқ, бола-бақралар билан тўла. Саккиз кўчадан майдонга кирган пахтагулли жома кийган одамлар тўлқини Кулоллар кўчасини тўлдириб Кониғилга оқади. Дорбозлар бир кун олдиноқ қулай жой топиб, ўланзорда дорларини тикиб бўлишган. Йўлда отини гижинглатган улоқчиларни, курашга шайланган полвонларни, морбозларни учратиш мумкин. Ана, биров хўроз кўтариб олган, биров ит етаклаган... Улар «жанг»ларда қатнашишмоқчи. Машҳур Ниёз қизиқчи ҳам жўралари билан сайилга бормоқда. У йўл-йўлакай қизиқчилик қилиб одамларни кулди-рар, кўз қисиб, ҳар хил қилиқлар кўрсатиб, болақайларнинг юракдан чиққан қийқи-риқларига сазовор бўларди. Одамлардан бири:

— Тўкилдихон ҳам боряптими? — деб сўради.

— Ҳа, Буралдихон ҳам, Толмабўйинхон ҳам боришяпти! — жавоб берди Ниёз қизиқчи.

Абубакр Калава ўз сафдошлари билан Кониғилга қадам қўйишмай туриб Амир Ҳусайн чодирга кўзлари тушди. Баланд тепаликка қирмизи барқутдан тикилган чодир яшил тусга кириб келаётган яйлов манзарасида ажабтовур маҳобатли ва гўзал кўринарди. Сайҳонликка қўйилган сўрида машшоқлар соз чалишар, мусиқа садолари мусаффо осмонга тараларди.

Амирлашкар Хўрдак Бухорий от жilовини тортди ва Ахий Жабборни чақирди.

— Лашкарбоши! — деди буйруқ оҳангида секин. — Қўшин билан икки юз қадам берида қўнингиз. Шарт шу: келишганимиздек, агар мен пахтагулли жомани ечиб силкитсам, тез от солиб бостириб борасиз, биз хавфда қолган бўламиз. Уқдингизму? Қўзингиз биз ёқда бўлсин!

Гарчи Абубакр Калава билан узоқ суҳбатлашиб, Конибилга келишнинг мусбату манфий томонларини тарозига солиб кўрган бўлса ҳам, амирлашкар Хўрдак Бухорий барибир кўнглидаги шубҳа-гумонлардан қутула олмади. Ким билсин, амирлар хаёли не? Олисдан пахтагулли жома кийганлар келаётганини кўрган Амир Хусайн:

— Ана сарбадорларингиз, Темурбек! Самарқандда салтанат тузган ялангоёқлар! — деди заҳарханда аралаш. — Салтанат эмиш!..

Нечундир Темурнинг ғаши келди, аммо билдирмади:

— Ортида қўшин ҳам бордир...

— Қўшин? — сергакланди Амир Хусайн. — Улар не истайдилар?

— Оллонинг ўзига аён... — жавоб берди Темур. — Ё уларнинг кўнгиллари эгривирми?.. Йўқ... Қўшин қолди...

Сал фурсатдан кейин меҳмонлар истиқболга чиққан Давлатшоҳ бахши Самарқанд сарбадорларини бошлаб келиб қолди. Машшоқлар «Шодиёна» куйини чалдилар. Биринчи бўлиб тепаликка сарбадорлар султони Абубакр Калава кўтарилди. Айни шу пайтда барқут чодир ичидан Мовароуннаҳр ҳукмдори Амир Хусайн чиқиб келди.

— Ассалому алейкум! — деди Абубакр Калава, у Амир Хусайнга қараганда баландроқ эди. — Наврўзингиз қутлуғ бўлғай!

— Ваалайкум ассалом! — алик олди амир. — Сизга ҳам қутлуғ бўлғай!

Пахтагулли жома кийган сарбадорлар султони билан эгнига зарбофт арғувоний тўн ташлаган Мовароуннаҳр ҳукмдори қучоқлашиб кўришдилар.

— Одатда майдонларда қилич билангина кўришадиган ҳокимларнинг қучоқлашиб туришлари ғалати... — деди аста амирлашкар Хўрдак Бухорий ёнидаги Уста Кулолга.

— Ҳа, ғалати кўриняпти... — деб қўйди ўзини бегона сезиб турган Уста Кулол ҳам. — Лойи пишитилган бўлсин, ишқилиб...

Абубакр Калава энди Темур билан ҳамоғуш бўлди.

— Бошингиз омон бўлсин, Темурбек!

— Айтганингиз келсин! Салтанат ривож топсин! — деди Темур.

Диёрбакр қурчибошидан кейин, навбатда... Қавомиддин қози турарди. Амир Хусайн уни атай зиёфатга таклиф этган, қозикалон ростдан сарбадорлар зулмидан қочиб келганми ёки уларнинг қўйган одамими, шуни билмакчи эди.

— Ие! — ҳайрон бўлди Абубакр Калава. — Ўзларини йўқотиб қўйгандик... Шу ерда эканлар-да?..

— Хе-хе-хе! Наврўз айлаб келгандик, илло...

Бу палла Амир Хусайн Мавлонозода билан кўришарди-ю, зимдан кўзи қозикалонда эди.

Сарбадорлар Амир Мусо, Амир Кайхусров ва бошқа амирлар билан кўришгач, чодир олдида ёзилган катта дастурхон атрофида бахмал кўрпаларга тиз чўкдилар. Дастурхонда одам жонидан бошқа ҳамма нарса бор. Бутунича қайнатилган икки катта қўй ўртани эгаллаган. Икки лаганда тасма-тасма кесилган ғарчча думба ёғ оғиздан сув келтиради. Оқ майизу қора майиз, асал, турли мурабболар, тутталқон кўзларни қувнатади, жигари хаста кишилар дил қувватини оширадиган олтиндай беҳиларнинг бўйи димоғларга хуш ёқади.

Аввалига суҳбат қовушмади. Кечаги наддофу кулол, ҳолвачию этикдўз юрт ҳукмдорининг маҳобатли саропардаси олдида ўзларини бегона сезишар, амирлар билан сарбадорлар орасидаги катта жарлик жарлигича қолмоқда эди. Амир Хусайнга бу ёқмас, даврада тезроқ хушчақчақ кайфият ҳукмронлик қилишини истарди. Амир Хусайннинг ҳисоби бўйича, биринчи кун сарбадорларни яхши меҳмон қилишлари, уларда бирда-ярим шубҳа-гумонлари бўлса, тарқатиб юборишлари зарур, қолаверса, амирларнинг сарбадорлар салтанатига дўст эканликларига ишонтиришлари керак, токи бу ялангоёқлар ҳадиксирамайдиган, қўрқмайдиган бўлсинлар. Иккинчи кун эса Темурга ҳам билдирмай сарбадорларни шарт тутиб қўйдай бўғизлатади-да, Самарқандга юриш қилади...

Амир Хусайн соқийга буюрди:

— Андак қизиб олайлик, ҳамал захри ўтиб кетди-ку!

— Оз-оздан олайлик!.. — Қўшилди Амир Мусо.

Соқий четига «ас-сабр», «ал-модда» деб ёзилган косаларга майи нобу шарбатдан қуйди. Турфа майларни кўриб, Нозим Меҳметнинг кўзлари ўйнаб кетди. Шу палла фуломлар тандирдан янги узилган, буғи чиқиб турган кўк сомса олиб келдилар.

— Сарбадорлар май ичмайдилар... — деди Абубакр Калава. — Бизда ман қинган...

— Майнинг ози буюрадир, деганлар улуғлар... — Темур даврадагиларга қаради. — Бугун Наврўз сайли. Сайил майсиз бўлмас. Зеро майни, четига «сабр берсин»,

«узоқ умр кўринг» деган тилаклар битилган косаларда нўш айлаймиз... Бори яхшиликдур.

— Бу тилакларнинг нохуш жойи йўқ шекилли... — деди Амир Ҳусайн ҳам.

Ўртага ғалати жимлик чўкди. Жимликни биринчи бўлиб амирлашкар Хўрдак Бухорий бузди:

— Мезбонларни ранжитмайлик... — шундай деди-ю, кўнглидан майга бир нима қўшилмаганмикин, деган ўй кечди.

— Оз-оздан раводир... — муносабат билдирди Мавлонозода. У йиғиндан хурсанд, хаёлида шанба куни бўладиган тўй манзаралари жонланарди.

«Раводир!» «Раводир!» деган овозлар эшитилди.

— Бугун ҳамалнинг биринчи куни, Наврўз айёми, сиз Самарқанд сарбадорлари Мовароуннаҳр ҳукмдори меҳмонидурсиз! — босиқ деди Амир Ҳусайн. — Сиз Мовароуннаҳрни мўғул оёғидан тозалашда чунон саъи-ҳаракат кўргиздингизким, бунинг баҳоси улуғдир! Инчунин сизларга эътимодимиз зўрдир, мардлингизни яхши қадр этурмиз... Бу айём жангу жадални унутингиз, салтанат ташвишларини бир четга отингиз! Фароғат, ҳордиқ чоғидир... Наврўзингиз қутли бўлғай!

Амир Ҳусайн шундай деди-да, қўлидаги косани сипқориб юборди. Бошқалар ҳам унга эргашдилар. Бир оздан сўнг косалар яна бир давра айланди. Дастурхонга энди каклик қовурдоқлар тортилди. Машшоқлар тўхтаб қолган жойидан олдилар, «Наврўзи Ажам» янгради. Май, нуқли таомдан сал баданлари қизиган, чеҳралари ёришган меҳмонлару мезбонлар энди нарида хиромон айлаб ўйнаётган офатижон раққосага тикилиб қолдилар. Кимлар унинг рақсига махлиё, ким эса нозик адо қадди камолига... Навбат катта ашулага келди, икки ҳофиз қўлларига ликопча олишиб, кучли ўктам овоз билан бутун Кониғилни жаранглатиб, ашула айта бошладилар. Базми жамшид авжига чиқди.

Майнинг сеҳри, дастурхон шарофатию ўйин-кулгулар билан даврада кайфияту руҳиятлар тенглашгандай бўлди. Мовароуннаҳр ҳукмдорининг барқут чодир олдида ўзларини ноқулай сезган сарбадорлар май таъсирида хийла дадилланиб қолган эдилар. Май ҳам муҳаббатга ўхшаб барчани тенг қилиб қўяди. Абубакр Калава Темур билан сўзлашарди, иккисига боқиб, уларнинг фикри бир жойдан чиқаётганини кўриш мумкин эди. Абумансур қошлари чимирилган Амир Ҳусайнга астойдил нималарнидир тушунтирарди. Хўрдак Бухорий ҳам сархуш бўлганча ҳар қандай шубҳа-ғумонларнинг ўринсиз эканлигига ишона бошлади.

Буғи чиқиб турган қовурилган ширвоз гўшти тортилгач, даврада яна майкоса айланди. Қийқириқ, ўйин-кулгу то шомгача тинмади...

— Наврўз сайли олти кун давом этадир, — деди Амир Ҳусайн. — Тонг билан сизларни яна шу ерда кутамиз. Сайилни келган жойидан бошлаймиз... Сайилнинг каттаси эртага бўлади... Улоқ томоша этамиз, полвонлар курашини кўрамиз... — Мовароуннаҳр ҳукмдори хуш кайфиятда эди. — Фақат бир нарса... Эртага қўшинга ҳурлик берингиз, токим улар ҳам наврўздан баҳраманд бўлиб қолсинлар. Ўзларингиз келсангиз кифоя, вале дўст оғушига келурсиз...

Амир Ҳусайн уч бор қарсақ чалди. Амирлашкар Хўрдак Бухорий бирдан сергак тортди. Ҳамма чодир эшигига қаради. Унта ғулом кетма-кет табассум ила сарбадорлар учун сарполар кўтариб чиқдилар. Биринчи зарбофт тўн сарбадорлар султони Абубакр Калавага кийгизилди. Иккинчиси соҳибдевон Мавлонозода, учинчиси Хўрдак Бухорий елкасига ташланди. Сарбадорларнинг барчаси ана шундай қимматбаҳо сарполар олдилар.

Ахий Жаббор бутун кун давомида Амир Ҳусайн саропардаси ёқдан кўз узмади. Бироқ амирлашкар Хўрдак Бухорий бирон марта ҳам пахтагулли жомасини боши узра силкитмади... Устига устак, эртага қўшинга ҳурлик берилганини, лашкар ҳам сайил қилиб, ҳордиқ олиши лозимлигини айтдилар...

\* \* \*

Самарқанд сарбадорлари султони Наврўз сайлидан қайтиб келганда, шом тушиб қолганди. Қорасоч бика билан Жаҳон бика аллақачон уйда эдилар. Ҳовлида сумалак пиширилган катта қозон тўнкарилиб қўйилганди. Қозонни кўрди-ю, Абубакр Калава тўйнинг эртаси куни гавжум ҳовлининг ҳувиллаб қолиши кўнглини қандай сирқиратса, ўшандай ҳолга тушди. Тўхтамай ётоққа шошилди, қаттиқ ҳориган эди. У бунини кун бўйи бир жойда қоқилиб ўтиришдан ёки хийлагина майхўрлик қилганидан эмас, балки игнанинг бир устида бориб келгандек бўлганидан деб билди. Ҳар қалай амирлар билан мулоқот ҳазилакам иш эмас... Амирлар ва сарбадорларнинг дўст бўлмоғи улус учун бахт-саодатдир...

Абубакр Калава қаттиқ уйқуга кетди. У ғалати туш кўрди... Мана шу ҳовли эмиш. Ҳовлида қулаб тушган кўшк атрофида Мавлонозода, Хўрдак Бухорий, Уста Кулол... хуллас ҳамма дўстлари тўпланган. Ҳаммалари жам эгнига пахтагулли жома ташлаган муаллимий соний Абу Наср ал-Форобийга тикилиб туришар, ул зотнинг сўзларини тинглар



эмишлар. «Фозил жамоа қурганларингизни эшитиб кўргани келдим, қулун, — дер эмиш Абубакр Калавага қарата. — Киши қонини тўкмак, ҳибс этмак фозил жамоага ярашмайди. Кимсага тиғ кўтармак бадхўйликдир. Бу оллоҳга ҳам ёқмайди. Сизлар кўпларнинг умрига зомин бўлибсиз, кўпларни озурда этибсиз... Тенг ҳуқуқли жамоа хусусинда фалсафа сўқасиз, вале қулларни занжирдан фориг айламайсиз, қулун...» Муаллими соний кўп гапирган эмиш. Абубакр Калава ҳаммасини эслай олмайди. Ниҳоят ал-Форобий қўлларидаги китобни очиб, ниманидир ўқий бошлабди. Абубакр Калаванинг кўзлари ҳам китобнинг қўйидаги сўзларига тушибди: «Фозил шаҳар сардориди жаъми фазилатлар бўлса-ю, донишманд бўлмаса, шаҳар ҳалокатга юз тутадир...» Шу ерда қизиқ ҳол рўй берди. Китобнинг «Донишманд бўлмаса, шаҳар ҳалокатга юз тутадир... шаҳар ҳалокатга юз тутадир... ҳалокатга юз тутадир...» сўзлари жаранглаб, бутун Самарқандга таралармиш! Бирдан «ҲАЛОКАТ» сўзи саҳифадан кўчиб чиқиб, йириклашиб Абубакр Калава кўзларини ёруғ олам-жаҳондан беркитиб қўйибди! Кўз олдини зулмат қоплаб олибди. Қўлогиди эса муаллими сонийнинг ўша сўзлари йироқлаша бориб, охири эшитилмай қолганмиш...

Абубакр Калава чўчиб уйғонди. Гира-шира тонг отиб келарди. Майдан оғриган бош озроқ беҳузур қилмоқда эди. «Босинқираб қолибман-ку... — деди ўзига ўзи калима келтириб. — Салтанат юмушлари билан бўлиб муаллими сонийни ҳам фаромуш этдим. Рухлари безовта бўлибди...»

Сарбадорлар султони ўрнидан туриб таҳорат олди. Жойнамозни ёзиб, бомдод намозини ўқишга тутинди. У бугунги тоат-ибодатини астойдил муаллими соний Абу Наср ал-Форобийга бағишлади. Намоздан кейин ҳам қимирламай, узоқ тиловат туширди. Сўнг қўлини фотиҳага очиб, дуосини:

— Аъзама қадраху каррама важҳаху,<sup>1</sup> илоҳо омин! — сўзлари билан якунлади.

Эрталабки салқин, баҳор ҳавосининг сеҳрими ёки ихлосу ибодатнинг шарофатими, ҳар қалай Абубакр Калава хийла енгил тортди. Энди бош оғриғи ҳам тарқаган, кўнгли ёришиб, ноҳуш тушни ҳам унутгандай эди.

Офтоб найза бўйи кўтарилганда Самарқанд сарбадорлари салтанати кенгаши аъзолари Чорсу майдони орқали Кониғил томон йўл олдилар. Гарчанд кечаси майхўрликдан озгина ланжлик бўлса ҳам, ҳамма тетик, бугун бўлажак зиёфату маишатнинг завқу ҳавоси дилларни аллаларди. Айримлар кечаги сайил тафсилотларидан сўзлашар, таассуротларни ўртоқлашар эдилар. Айниқса, Абумансур жуда хурсанд, каламуш башарасига табассум ёйилиб, сарбадорлар шаънига мақтов гаплар ёғдирарди.

— Биз, сарбадорлар, андоқ қудратлимизки, ҳатто Мовароуннаҳр ҳукмдорининг ўзи меҳмонга чорлайдир! Қўрқишадир, ҳа, бизлардан ҳайқишадир! Бу шундоқ кўришиб турибди. Мен сизга айтсам, Мовароуннаҳрда яккаю ягона ҳоким бўладирмиз ҳали, мартабаларга эришадурмиз!

— Бисёр хурсандсиз Абумансур? — сўради ғаши келиб соҳибдевон Мавлонозода. — Ваҳҳи не экан? Билсак бўладирми?

— Ваҳҳи? — Абумансур отини соҳибдевон томон бурди-да, секин деди: — Ахир яқинда дўстимизнинг тўйларида қайфу сафо айлайдурмиз... Хурсандчилигимизнинг ваҳҳи шу!.. Қувонмайликми ё?.. А?..

Абумансур шундай деса ҳам, аммо ичида бошқача ўйларди: «Кимнинг тўйида ким сафо айлашини ҳали кўрасен! Сенинг қайлиғинг Жаҳон бика билан ўзим айш-ишрат қурамен! Узим қозикалон бўлиб, Самарқандда давру даврон сурамен!..»

Мавлонозода индамади. Чунки у тўй, қайлиғи ёки ўзи, пинҳон ишлари ҳақида бировлар билан ошкор гаплашишни хуш кўрмасди.

Сарбадорлар гавжум Чорсу майдонидан, Кулоллар кўчасидан ўтиб Кониғилга яқинлашиб боришарди. Улар шу палла ўзлари куйган, ёнган, севган, қадрлаган она шаҳар Самарқанд билан бир умрга хайрлашаётганларини, Кониғилга бўлган юриш дунё билан видолашув эканлигини хаёлларига ҳам келтирмас эдилар...

Амир Ҳусайн чодир олдида бугун кечагидан кўпроқ одам тўпланганди. Одатдагидек сарбадорлар ташрифига «Шодиёна» куйи чалинди, карнай, сурнай ва ноғора авж пардага чиқди. Мамнун сарбадорлар, ҳеч нарсадан беҳабар, эллик қадамча бериди тўхтадилар. Отдан тушар эканлар, Амир Ҳусайннинг саропардадан чиқиб келганлигини, кеча дастурхон ёзилган ерга етганда, уч бор қарсак урганини эшитдилар. Шу палла ҳукмдор «Отил!» деб қичқирди. Қаёқдандир норғил-норғил аскарлар пайдо бўлиб, хайратда қотиб қолган сарбадорларга ташландилар. Кўз очиб юмгунча ҳаммасини қуролсизлантириб, қўлларини орқасига боғладилар. Фақат Абумансурга тегмадилар, аксинча, у амирлашқар Хўрдак Бухорийни, Мавлонозодани банди қилишда аскарларга кўмак берди:

— Бадбахт! Сотқин! — тиш орасидан деди Мавлонозода. — Ҳақиқий башаранг энди очилди!

Абубакр Калава бу гапни эшитди-ю, Мавлонозоданинг «Абумансурни салтанатга

<sup>1</sup> Улуғ қилсин мукоррам қилсин, маъносида (араб).

яқинлаштирамак хатардир...» деган сўзларини эслади. Афсус... Сарбадорлар султони алданганларини кеч билди.

— Не қилмакдасиз, эй феъли ғалатлар? — деди у аскарларга. — Эй, Амир Хусайн, бу не қилиқ? Мардлар ишими бу найранг? Ҳеч нарсани англамайдирмен!..

Амир Хусайн ҳеч нарсани эшитмагандай жавоб бермади. Амирлашкар Темур эса негадир кўринмасди.

— Лойи пишитилган бўлсин, ишқилиб, дер эдим-а... — деб қўйди Уста Кулол.

— Тахири чиқиб кетди-да... — ўксинди Ҳалвойи.

— Салтанат чокидан кетди, чокидан! — алам билан деди Исоқ этикдўз. — Тоб ташлаб юборди, эсиз...

— Сизга нима ёмонлик қилдик, ҳибсга оласиз? — қичқирди бирдан Нозим Меҳмет бутун фожиани англаб етиб. — Не истайсиз ўзи?

У одати бўйича бурнини ушлаб қўймоқчи эди, қўлига чилвир ботди.

— Нима ёмонлик қилдик?.. — қўшилди Лакшман ҳам.

Тақдирнинг бу ўйинига ҳайрон қолган Мавлонозода ўз-ўзига деди: «Нима бўлмакда ўзи? Сарбадорлар амирларга душманлик зоҳир этмадилар-ку! Ахир Хусайн-ку, тўғри, у феъли бад бир махлуқ, ҳатто Жаҳон бикага совчи юбортирибди, ножинс! Ҳай, у билан ҳисоб-китобни соҳибдевор кейинга қўйиб қўйган... Аммо Темурбек-чи? Темурбек қаерда? Нега Темурбек кўринмайдир? «Кўнглим сарбадорлар тарафиндадир...» демаганмиди?.. Мавлонозода кенгаш аъзолари олдида, Абубакр Калава билан амирлашкар Хўрдак Бухорий олдида нима деган одам бўлди энди? Ахир бу гапни Обимаш-ҳад ариғи бўйидаги суҳбатда Мавлонозода айтган, шерикларини Темурга ишонтирган эди-да! Аҳд-паймон-чи? Ахир ҳар иккиси оталари гувоҳлигида, то ҳаёт эканлар, бир-бирларини қўллашларини изҳор этиб аҳд-паймон айладилар. Аҳд-паймон эмас, қуруқ сўз экан-да? «Фақат юлдузларгина бу дунёда абадул абаддир, — деганди падали буз-қуввори Яҳё Ҳасан барлос. — Улар умр деган оқар дарёнинг сўл томонида макон қилради, бизлар бу қирғоқда қолаверамиз. Дарё эса азим дарёдир, Қурдум дарёдир. Дарёнинг у ёғида туриб, пайт келганда, сенга қўл узатмайди, бунга ёдингга сақла!..» Мавлонозода шу пайтгача бу сўзларга тушунмай келганди, мана энди тушунди...»

Амирлашкар Хўрдак Бухорий лом-мим демас, ҳозир сўзининг шамолга сочилган қумдек бенафу бейоғида эканлигини билар, тишини тишига қўйганча саропарда томонга қараб турарди. Гапирмадлигининг яна бир жиҳати, унинг Абубакр Калавага айтган ҳадигу гумонлари барчаси исботланди. Бу ҳақда оғиз очса, сарбадорлар султонига таъна бўлиб туюлмасин, деган андишага борди, дўстини аяди. Бусиз ҳам унинг аҳволи аён... Ана, саропарданинг рўпарасида шитоб баланд дор тика бошладилар. Ўттиз етти ёшга кирган амирлашкар Хўрдак Бухорий ёш туриб ўлиб кетишдан қўрқмайди, бир бошга бир ўлим ҳамиша бор. Фақат фозил жамоа қурмак, элни бахт-саодатга еткурмак орзуси амалга ошмай қолаётганидан ва бунга эса ўзлари, ҳа, ёлғиз ўзлари айбдор эканликларидан жони ачирди холос. Аксига олиб, бугун лашкар ҳам тарқатиб юборилган, ғофил аскарлар сайил қилиб турли жойларда юрар эдилар.

Сарбадорлар султони Абубакр Калава ногаҳоний ғазабдан тили боғланиб қолган, инсон зотининг бу қадар маккору айёрлиги, тақдирнинг буқаламунлигидан ҳайратда эди. Кечаги зиёфату мана бу фалокат... Кеча улар амирлар билан бир дастурхон атрофида ўлтирган, машат қилган эдилар. Бугун эса, ана бу саропарда билан мана бу тикилаётган икки дор ўртасида даҳшатли тубсиз жарлик ётибди. Шу пайт Қавомиддин қозининг арра овозидай кулгуси эшитилди. Нега қозикалонни омон қолдирди? Абумансур-чи? Сарбадорлар салтанати хуфия сафи сардори бўлиб туриб, ғаним учун от сурган экан! Ё раббий! Сарбадорлар султони ўзини тўғрисиўз, ҳалол деб билади... Наҳотки тўғрисиўз, ҳалол одамга кун йўқ бу оламда? У Амир Хусайн билан Темурларга ишонди, йўқ эса, Хўрдак Бухорий айтганига кўнганда, бундай фалокатга йўлиқмасдилар. Аттган дейдиган жойи шуки, сарбадорларнинг сардорлари дорга тортилмадилар, балки фозил жамоа орзуси, улусни бахт-саодатли қилмак ғояси, тенгҳуқуқлилиқ аъмоли, мақсади, нияти дорга тортилади! Халқ такрор калтабин, мартабалар ишқибози ўшал мансабпараст, ҳокиму амирларга қўл бўлиб қолаверади, қолаверади... Барча айб Абубакр Калавада, ҳа, авлодлар билиб қўйсинларким, Самарқанд сарбадорлар салтанати инқирози фақат Абубакр Калава бўйидадир! У амирларга кўр-кўрона ишонди, менинг ниятим яхши бўлгач, ёмонлик кўрмайман, деб ўйлади. Ёнида қиличи борларга ҳеч ишониб бўладими, эй Абубакр Калава!

Сарбадорлар султониининг қорайиб кетган юзига аччиқ кулгу ёйилди.

Чодир ичида ўлтирган Амир Хусайн мамнун, қисқ кўзларида кулгу ўйнар экан, дунёда энг ашаддий душмани бўлган сарбадорларни осонгина қўлга туширганига ишонмасди. Яна у Мовароуннаҳрнинг яккаю ягона ҳоқими!

— Салтанат тузган ялангоёқлар! Хе-хе-хе! Тахтга миниш осон эканми? — кулди Амир Хусайн. — Тахтимга кўз тикканлар ана шундоқ қон ютадир! Шағолни шер боласисен, деб алдадилар, у ишонди, шервачча деб қақирсалар, маҳлиё бўлиб чоғга тушганини билмай қолди. Узидан кетишининг оқибати шулдир. Заковатсиз кишилардан йилқи афзал!

Амир Хусайн «тахтимга кўз тикканлар...» деганда ғойибона Темурга ҳам теккизиб ўтди. «Жуда ўзингдан кетма, бир кун сен ҳам шундай аҳволга тушасен» қабалида маънони жойлади у назарида ўзининг гапига. Иттифоқо, амирлашкар Темур саҳар шаҳарга эгачиси Қутлуғ Туркон оқаникига кетган, улар Наврўзинг иккинчи куни Шоҳизиндага бориб азиз-авлиёларни зиёрат этишни дилга тугишганди. Икки ой олдин вафот этган Темурнинг завжаси Улжой Туркон оқа ҳам шу ерга дафн этилганди. Амир Хусайн пайдан фойдаланиб қолмоқчи эди. Икки амир ўртасида пинҳона кураш ҳеч тинмас, ҳар ерда ҳар лаҳза давом этар эди.

Қавомиддин қози билан Абумансур ёнларига аскарлардан олишиб сарбадорлар раҳбарларининг дорга осилишини билдиргани шаҳарга кетдилар.

Абумансур тўрт аскарни етаклаб, бошқа кўчаларни оралаб, кейин Арк кўчасига боришга қарор қилди. Унинг мақсади гўзал қиз Жаҳон бикани қўлга киритмоқ эди. «Абубакр Калава ҳам, Мавлонозода ҳам дорга тортиладир... — деб ўйларди у от чоптириб борар экан. — Энди Абумансур олдида ҳеч қандай тўсиқ йўқ! У Жаҳон бикага уйланиб, даври даврон суради! У мана шундай кунларни орзу қилиб яшади. Хайрият, ниятга етди!..» Унинг шилпиқ кўзлари қувончдан юмилди.

Бирпасда машъум хабарни эшитиб, дор атрофига одам ёғилиб кетди. Бу томоша сайилдаги жаъми томошалардан кескин фарқ қиларди.

Нақоралар қоқилди. Ташвишли садолар юракларни сирқиратиб ўтди. Саропарда олдида қўйилган тахтда Мовароуннаҳр ҳукмдори салобат тўкиб ўлтирибди, атрофда эса Бадахшону Боғлон, Андхуд ва Шибирғон, Қаршидан йиғиб келинган қўшин саф тортган. Дор теварагида Самарқанддан, узоқ-яқин қишлоқлардан сайилга келган одамлар туришарди. Улар ичида сарбадорлар ҳам бор.

Амир Хусайн издиҳомга қараб деди:

— Эй, аҳли Самарқанд! Маълумингизким, бадбахт мўғул билан юз берган жангда бевафо омад биздан юз ўгириб, чекинишга мажбур бўлди. Ҳукмдорингиз Жайхуннинг у томонида, амирлашкар Темурбек эса бу томонида аскар йиғиб, кучдан қолган салтанатни оёққа турғизмак ташвишида кўп азият чекди... Юртнинг улуғлари шундоқ машаққат гирдобига ботган бир пайтда Самарқандда бир тўда ялангоёқ, гадо, рунуду авбош ўзларини сарбадор атаб, фақат Чингизхон авлодларига мансуб бўлган ҳукуматга қасд қилиб, иқтидор курсисига ўлтирдилар, ярим йил мобайнида идора этдилар. Қуввату ихтиёрлари кўп бўлган бу ялангоёқлар бошларига ғурур боди хаёли тушиб, жасорат оёғини ўз ўрнидан баландроқ кўтардилар ва ғазабли, ёвуз қўлларини қон тўкишга, фасод чиқаришга чўздилар... Ҳукуматга тажовуз айлаган бадхулқ бандалар, давлат ишларига ғайридинларни ҳам аралаштириб, дину муслмончиликни поймол этишда илғорлик кўргиздилар, расамадни буздилар...

Саропарда ёнидаги одамлар орасида мударрис Хожа Лутфуллоҳ, имом Қутбиддин, шайхулислам Абулворис Самарқандийлар ҳам бор эдилар. Шайхулислам Совғончи қишлоғига бадарға қилингандан бери мударрису имом билан илк бор учрашиб тургандилар.

— Бало-қазосидан сақласин, бало-қазосидан сақласин! — дерди имом Қутбиддин.

— Сарбадорлар ўзлари ёмон одам эмас эдилар, — сўзланди шайхулислам афсус билан. — Аммо юрт бошқаришни билмасдилар, ахир ота-боболари юрт бошқариб келишмаган...

— Ажаб... Ажаб... — демакдан нарига ўтмасди мударрис.

— Чинос жангига бораётиб, раҳматли Садр Сулаймондан сарбадорлар ҳақида ташвишли гаплар эшитиб юрдим... Бир кун қолиб, бори тўнғбўйинларни қиличдан ўтказиб бормагим лозим эди. Эсини ўнглар деб йўлдан қайрилмадим. Ҳимматимизни англашмади бу қўсқилар! Аксинча, ўлпондан бош тортишди, муҳорабаимизни ғоратга чиқаришди, қочиб қолган амирларнинг ҳоли вой, деб аюҳаннос солишди. Бу оламда ҳар нарсанинг жавоби бордир... Мовароуннаҳр хони Қобулшоҳ фармони билан ўзларини сарбадор деб атаган гумроҳлар дорга тортиладир! Ахир сарбадорларнинг эътиқоди «бошимиз дорга тортилсин» деган сўзларда жам эмиш-ку... Фармон ижро этилсин!

Амир Хусайн Темур қайтгунча сарбадорларни саранжом этиш ташвишида эди. Ноқоралар овози кучайди. Биринчи бўлиб сарбадорлар султони қўллари боғлиқ Абубакр Калавани дорга олиб бордилар. У ҳеч нарса демас, қўй кўзлари одамлар оша йироқларга, тоғларга тикилган, уларда афсус-надоматдан белги кўринмасди. Ҳа, олам кенг, бепоён, аммо ҳозир бу оламдан бор-йўғи беш-олти лаҳза қолган эди холос... Унга бир нарса қаттиқ ботди, одамлар ичидаги сарбадорлар сийрак тортгандай кўринди, сабаби, айрим сарбадорлар пахтагулли жомаларини ечиб қўлтиққа урган эдилар. Водариғ!

Аскарлардан бири унга сиртмоқ солмоқчи бўлди. Абубакр Калава бўй бермади.

— Шошилма, эй феъли хунук! Битта бош бўлса, сеники бўлур!

Иккита аскар унга ёпишишиб қийнай бошладилар. Шу пайтгача индамай ўтирган Амир Кайхусров аскарларга ғазабли қичқирди:

— Нечук султонни хор қилурсен? Тийил! Гуноҳкор бўлса ҳам ул сарбадорлар султонидур! Абубакр Калава калима келтирмакчи! Имкон бер!

Аскарлар чекилдилар.

— Улусимиз, халқимиз сарбадордир! — деди Абубакр Калава. — Ҳокимлар зулму истибдод туғини юксак кўтардилар, афсус, биз зулм туғини йиқа олмадик, зулм занги ҳаёт оиналаридан кетмади... Барчани тенгҳуқуқли этиб бўлмади. Самарқандни фозил шаҳарга айлантириб улгурмадик... Сарбадор ота-боболар хатоси сарбадор фарзандларга сабоқ бўлсун! Биз ҳозирча енгилдик... Қутлуғ йўлда мағлуб бўлдик. Бас, бошимиз дорга тортилсин! Сарбадор!

Абубакр Калава энди мағрур бошини сиртмоққа тутиб берди. У охириги марта Конибилга қаради, Самарқанд томонга тикилди, бир лаҳза Қорасоч бикани, қизи Жаҳон бикани эслади, Шамсулмулкни ҳам.. Сарбадор хожа Яҳё Қурробий эсга тушди. Сабзаворда сарбадорлар мўғул хони Туға Темирхонни Урдасига бориб меҳмон бўлиб, ўлдириб қайтгандилар. Бу ерда эса сарбадорларни меҳмонда ўлдиришмоқда... Тақдирнинг тескари ўйинлари... Бирдан ўйлар, хотиралар кесилди, сиртмоқ бўғиб, ёруғ жаҳон қоронғи бўлди қолди...

Амирлашкар Хўрдак Бухорий бир оғиз ҳам сўзламади, фақат дор тагида мағрур туриб «Сарбадор!» деб гулдираб овоз берди...

Камонмерганнинг дордаги паҳлавон гавдасини кўрган Амир Мусо: «Шундай лашкарбошиларинг бўлса экан, — деди ўзига ўзи. — Паҳлавон бекорга кетди-я!..»

Нодирбек ибн Яҳё — Мавлонозода, сарбадорлар салтанати соҳибдевони ҳам умрининг саноқли онлари қолганлигини билди. Эндигина йигирма тўрт ёшга кирган йигитнинг орзу-ҳаваслари бир олам эди, икки-уч кундан кейин Жаҳон бика билан тўйи бўлиб ўтарди... Йўқ, йўқ, бари энди ортда қолди! Тақдир уни ўзгача сийлашини лозим топди. Аммо у зинҳор ўксинмайди. Умрини сарбадорларнинг улўғ эътиқоди йўлида балоғардон қилди. Юрт ташвишини чекди, эл-улус ғамини еди. Бир ўғил учун шу кифоя қилур, иншооло... Аммо Темурбек қаерда? Темурбек?..

Қошлари тутиб ёнгандай қоп-қора, олифта мўйлаби бор Мавлонозода бошини ғоз тутиб дор тагига қараб юрди. Дорга тикилди-ю, бир пайтлар Лакшманнинг уйида кўз олдига келган дорни эслади. Ажабо, ўшанда дорда аввал Мавлонозоданинг мисқоли салласи осилган, кейин салла бошга айланиб қолган эди. Мана, яна дор... О, қисмат!

Шу топда:

— Тўхта!!! Тўхтангиз!!! — деган кучли овоз эшитилди.

Ҳамма овоз келган томонга қаради. Уч юз қадамлар нарида шаҳардан кимдир от чоптириб келарди. Бу Темур эди. У Шоҳизинда қарбистонига бориб, эндигина Қусам ибн Аббос мақбарасини зиёрат этиб чиққан, Улжой Туркон оқа қабрига эса ҳали ўтолмаган ҳам эди. Одамларнинг оғзидан: «Конибилда фалокат юз берибди! Сарбадорларни дорга тортишмоқда экан!» деган сўзларни эшитиб қолди. Эгачиси Қутлуғ Туркон оқага қараб:

— Яна Амир Ҳусайн иш кўргизибдир!.. — деди-да, узр сўраб шитоб Конибилга от қўйди.

— Нега тўхтадинг?! Ос дорга, даюс!!! — бақирди Амир Ҳусайн.

Дор тагидаги навкар каловланиб Мавлонозоданинг бўйнига сиртмоқ сола бошлади. Одамлар дам дорга, дам иш суст кетаётганидан гижинган Амир Ҳусайнга, дам эса узоқдан отига қамчи босиб келаётган Темурга қарар эдилар.

Рикобдор чопиб бориб амирлашкарга отдан тушишга кўмаклашди. Темур ҳеч ким билан салом-алик қилмай тўғри дорга қараб юрди. Баланд бўйли чорпахил амирлашкарнинг шиддат билан келаётганини кўрган навкар беихтиёр ортига тисарилди. Темур ранглари оқариб кетган Мавлонозоданинг бошини сиртмоқдан чиқарди ва паства олиб тушди. Бу пайт нариги дорда Уста Кулол билан Ҳалвойиларни осиб бўлган эдилар.

— Бу ёғи қандоқ бўлди, Ҳусайнбек?! — сўради Темур, ниҳоятда дарғазаб эса-да, билдирмасликка тиришиб. — Бу бечора сарбадорларнинг гуноҳи не? Булар ҳам худонинг бандалари-ку?..

Амир Ҳусайн тахтада ўтирар экан, Темурнинг бирдан келиб қолиб ишга халал берганидан ранжиганини яширмас, Темурга боқмай, ҳадеб навкарни жеркир эди:

— Ландовур! Латта! Олиб бориб йигирма дарра урингиз! Сендайларнинг орқасиндан салтанат пароканда, турли ялангоёқлар юртни эгаллашга уринмоқда!..

— Ҳусайнбек!!!

Темурнинг кучли овози ҳаммани ўзига қаратди. Улжой Туркон оқанинг тўсатдан вафот этиши ораси асли яхши бўлмаган икки амирнинг ўзаро муносабатларини ортиқ чигаллаштириб юборди. Сарбадорлар воқеаси бунга кўшимча бўлди, ўрталаридаги сиркани тагин ачитди...

— Ҳусайнбек! Сиздан сўраётирмен: сарбадорларнинг гуноҳи не? — Темур тахт олдига яқинлашди. — Бу қандай мусулмончилик ахир?

— Аҳ-ҳа!.. Темурбек!.. Мана энди кимлигингиз аён бўлди! — деди кутилмаганда Амир Ҳусайн. — Сиз ҳаммиша менинг тутумларимга қаршилик этиб келдингиз! Биламен, мен сизга ёқмаймен!.. Ҳа!..

— Гапни опқочманг, Ҳусайнбек! — энсаси қотди Темурнинг. — Гап сарбадорлар устида кетмоқда, сиз ҳақингизда эмас!..

— Узингиз опқочмоқдасиз гапни, Темурбек! Тўртта-бешта ялангоёқни деб, орамизга совуқчилик тушиб турибди...

Бўлаётган гаплардан амирларнинг ҳар бири ўз ҳолича иш тутишлари кўриниб турарди. Нариги дунёнинг оғзидан қайтиб келган Мавлонозода атрофга аланглар, бу остин-устун оламга ҳайратда боқиб, ўзича пичирларди: «Нега дўстларим ўладилар, мен омон қоламен?» Ҳеч кимнинг у билан иши йўқ, ҳаммининг хаёли икки амирда эди. Бирдан Жаҳон бика йигитнинг ёдига тушди. Ҳа, у шу қизни деб тирик қолиши керак! Қизнинг ҳоли не кечди экан?.. Кўнгли ғаш йигит одамлар орасидан аста сирғалиб чиқди, қайдандир қилич топди-ю, тўғри келган отни миниб, шаҳар томон учиб кетди.

— Мен сўзимнинг эгасимен, Ҳусайнбек! — деди Темур вазминлик билан. — Ун сўзни сўзласанг, бирини айтғил, тўққизини тийғил, дейдилар. Бас, тўққизини тийиб, бирини айтғаймен, ўшал сўзимда турғаймен...

— Нима, Мовароуннаҳр ҳукмдорининг сўзи иккитадирму? Ул айтғон сўзида турмасму?

— Буни бандаси билмайдир, олло биладир, илло айтмайдир, — киноя билан жавоб қилди Темур. — Қуръони каримни ўртага қўйиб дўсту биродар бўлдик... Шундан сўнг, Чакчек дараси ёнида қўлга тушириб ўлдирмоқни ўйладингиз... Салтанат хизматини яхши адо этмади, деб баҳона қилиб, менинг йигитларимга товон солдингиз... Чинос ёнидаги жангда атайлаб сусткашлик этдингиз, энгилмоғимиз сабаби ёлғиз ўшалдир! Яна, душманнинг бирор ўқига учар деб кутдингиз... Чопаримнинг тилини кесиб, оғзини қонга тўлдириб жўнатдингиз... Барча-барчасини пинҳона бағримни ўймоқ учун қилдингиз!..

— Зинҳор! Зинҳор! Мен ҳаммага бирмен, менга хосу ом баробардир! — ён бермасди Амир Ҳусайн. — Аммо мени сарбадорларга бунчалик меҳрибончилик кўргизиётганлигингиз ҳайратга соладир... Улар билан қилган аҳд-паймонларингизни бузиб қўйдимми, деймен, а, Темурбек?..

— Сарбадорлар мард одамлардир, олло олдида айтадиган сўзим шулдир! Мен мардларча тан берурман! — деди Темур. — Сиз билан биздай амирлар қилолмаган ишни ўшалар адо этдилар, юртни душман ғоратидан асраб қолдилар! Сиз билан биз эса, Ҳусайнбек, андоқ қилодурмиз, бундоқ қилодурмиз, деб, биримиз Амударёнинг у томонида, биримиз бу томонида жонимизни сақладик... Сўнг бизлар уларга маншури давлат юбордик... Улар бизларни одам деб ўйладилар, ишондилар... Ишониб Кониғилга келдилар, дилларида ёмонликни ўйламадилар... Биз шундай, яхшиликка нима билан жавоб бердик?.. Дорга осиб билан!.. Билингизким, бундай ноинсофликни оллоҳ кечирмайдир! Келажак авлодларга Амир Темур ўз улусининг одамларини ўзи дорга осибдир, деб масал бўлганим алам қиладир холос... Афсус, ғафлатда қолдим... Бир умр юрагимга тош бўлиб ботадир бу нарса! Чунки сиз яна менинг бағримни ўйиш учун бегуноҳ сарбадорларни дорга тортдирдингиз!..

Ҳамма жим, ҳеч ким орага қўшилолмас эди. Амир Ҳусайн Темурнинг мантиқли гапларини эшитиб, оранинг узил-кесил бузилишин пайқади, уларни бирлаштириб турган синглиси энди йўқ...

— Э-ҳа... билмабмиз-да, Темурбек... Сарбадорлар сизнинг дўстларингиз эканку... — Амир Ҳусайн шартта шаллақиликка ўтди. — Биламен! Мени пандовоқи деб ўйламангиз, биламен! Сиз кўпдан бери тахтимга кўз тикасиз, ўзингизга бино қўйиб, Мовароуннаҳрга хону хоқону шаҳаншоҳ бўлиб даврон сурмакчи бўласиз... Мен эса йўлингизда ғовмен!.. Энди сарбадорлар билан тил бириктириб Амир Қозоғон зурёдини орадан кўтармакчи эдингиз! Худди шунинг учун ҳам сиз Самарқандга маншури давлату у-бу юборайлик деб, эсингиз кетди-да! Шунинг учун ҳам, сарбадорларнинг ҳоқимиятини, ўз қўлларига олганликларини мақбул ҳисобладингиз-да! Нима, улар ҳоқимиятни сизга беришмоқчи эдиларму? Аҳд-паймон ё шундоқ эдимму?..

Темурнинг бир лаҳза тили боғланиб қолди, лекин дарров ўзини ўнглади:

— Туғлуқ Темурхон Мовароуннаҳрга бостириб келганда менга ўзининг бобоси Қобулхон билан менинг бобом Қочувли баҳодирларнинг аҳдномасини кўрсатган эди. Уша пўлат тахтачада шундай сўзларни ўқигандим: «Хонлиқ Қабулхон авлоди қўлида, амирлашкарлик эса Қочувли баҳодирхон болаларида бўлсин, улар бир-бирлари билан ёвлашмасинлар». Аввалроқ эса, саккизинчи пуштим Қорачор нўён Чингизхон қўлида амирлашкар бўлгон... — Темур Амир Ҳусайнга тик боқди. — Э, Ҳусайнбек! Мен амирмен, иншооло, амирлигим ўзимга етадир, менга амирлашкарлик ота меросдир, ҳар доим амирлашкарлигимни қилурмен! Борди-ю, оллоҳ юрт бошқаришни фақирга насиб этса, билсунларким, мен ўзимни хон, ҳоқон ё шаҳаншоҳ деб атамасмен! Асло! Менга ёлғончи шон-шуҳрат, сохта обрў ҳожат эрмас! Мен Амир Темурмен... Амир Темур бўлиб қоламен!..

Темур гапирар экан, беихтиёр қўли қиличга бориб қолар, Амир Ҳусайн эса ўрнидан туриб кетай дерди. Икки томоннинг амирлари эса, иш қиличга бориб тақалғудай бўлса, нима қилиш кераклигини ўйлаб, шай ҳолда қараб турар эдилар. Амирлар бир-бирларига ён бермасдилар. Темур авваллари бундай ҳолларда шайтонга хай бериб, кечириб кетаверарди. Ҳозир эса ундай бўлмади:

— Бас! Сўзини иккита қиладиганлар билан ортиқ бир йўлда юрмасмен! — қатъий деди Темур.

Амир Ҳусайн ҳам қараб турмади. Темурдан амирлашкарликни олиб, ўрнига Амир Мусони тайин қилди. Амир Мусо бундан хижолат эди.

«Яхши бўлмади!» «Хунук бўлди!» дейишди одамлар.

Темур Аббос баҳодирга буюрди:

— Сарбадорларни Шоҳизинда қабристонига дафн этурмиз... Оллонинг буюргани бу начора... Куллу нафсин заиқатул мавт...<sup>1</sup>

Аббос баҳодир Шаҳриёр, Нозим Меҳмет, Лакшман, Исоқ этикдўзлар ҳаммалари биргалашиб дафн ишлари билан машғул бўлдилар. Кониғилдаги наврўз байрами ҳам азага айланди.

\* \* \*

Тўрт аскарни ёнига олиб кўчаларни оралаган Абумансур от бошини ниҳоят Арк кўчасига бурди. Хаёлида дўндиқ қиз Жаҳон бика, Самарқанднинг олди қизи, кўрку ҳуснда ягона ҳурилиқо... Садр Сулаймондай ҳоким орзу қилган дурри якто... Сарбадорлар салтанати соҳибдевонига унаштирилган барно... Ҳатто Мовароуннаҳр ҳукмдори уйланмоқчи бўлган офатижон санам!.. Мана энди ҳамма етишолмаган нозик адо гул на ҳукмдор, на ҳоким, на соҳибдевон бўлган Абумансурга насиб этиб ўлтирибди! Югурганники эмас, буюрганники! Садр Сулаймон чарс қизнинг ўзини рози қилинлар, кейин олиб келинлар, деганмиш... Ўзи рози бўладирми? Рози қилиш йўлини Абумансур жуда яхши биладир. Айш-ишрат қилади ҳали, базмлар қуради...

Абумансур сарбадорлар салтанати султони хонадони дарвозаси олдида тўрт аскарни қолдириб, дадил ичкари кирди.

— Ҳой, ким бор?

Жавоб бўлмади. Йигит бориб меҳмонхона эшигини очди. Лаҳза ўтмай рўпарадаги бир ошёнали уйдан Жаҳон бика чиқиб келди.

— Нечун беижозат қадам қўйдингиз? — сўради қошларини чимириб қиз ҳайратда. Вужудидан ғайрат ёғилиб турган, пахтагулли жома кийган дўндиқ қизни кўриб Абумансур ҳаваси баттар ортди. У еб қўйғудай бўлиб тикиларкан:

— Фалокат юз берди, ойимқиз, фалокат! — деди йиғлағудай.

— Нима?! Қандай фалокат? — сўради жон ҳолатда қиз...

— Амир Ҳусайн хоинлик қилди! Барча сарбадорларни дорга осдирди! Сарбадорлар султони Абубакр Калава ҳам, амирлашкар Хўрдак Бухорий ҳам, қайлиғингиз Мавлонозода ҳам... Бошқалар ҳам дунёдан кўз юмдилар... Мен қочиб келдим...

Ичкаридан чиқиб келган Қорасоч бика совуқ хабарни эшитиб, ўзидан кетди. Жаҳонбика аясига қараб югурди.

— Аяжон!.. Аяжон!.. — Юраги увалди шўрлик қизнинг.

Худди шу пайт Кониғилнинг бир бурчагида дунёдан беҳабар сайил қилишаётган Ахий Жаббор, Бобо Султон, Шотабиблар фожиадан огоҳ бўлишиб дор томон чопдилар. Рўпарадан, дор ёқдан гуррос-гуррос одамлар қайтиб келишарди. Одамлардан сўрашган эди, саккизта сарбадор бошлиғи дорга осилди, Мавлонозодани Темур дор тагидан олиб қолди, деган жавобни беришди. Абумансурдан гап очгандилар, одамлар, кўрмадик, деб елка қисишди. Нечундир Ахий Жабборнинг кўнгли увишди. У шитоб шаҳарга қараб чопди, дўстлари ҳам унга эргашишди.

Қорасоч биканинг юзига сув сепдилар. Узига келган она Жаҳон бикани кўриб, ҳолсизгина:

— Қизим... — деди-да, бошқа гапга қурби келмади. Онаизорнинг кўзларидан дув-дув ёш тўкиларди.

— Ойимқиз! Тезроқ қочмоқ керак! — деди шошилтириб Абумансур. — Амир Ҳусайн битта ҳам қўймай сарбадорларни қиради! Мен сизга кўмак бергали келдим...

Жаҳон бика жавоб бермади. У бирдан бу каламуш башара йигитни таниб қолди. Чорсу майдонидаги сайилда йўлини тўсган, Мавлонозоданинг айтишича, Амир Ҳусайнга жосуслик қилган, Жаҳон бика ҳақида хотинпараст амирга гап етказиб қизиқтириб қўйган ҳўл бало, ножинс мана шу бўлади!

— Ойимқиз, гап бундай... Яхшиликчасига менга тегишингизни сўраймен! — деди бирдан Абумансур юзини сидириб. — Мавлонозода бўлса ўлиб кетди... Умид қилманг! Эрта-индин тўйи бўлишини кутиб турган бечора қиз учун бундан ортиқ жазо, бундан ортиқ даҳшатли фожа бўлиши мумкин эмас эди!

— Қизим... — деб қўйди яна аяси, кўзидан ҳамон дув-дув ёш оқарди.

— Қани кетдик! Қочмоқ керак! — энди буйруқ оҳангида деди йигит.

Жаҳон бика аясининг дийдагирён кўзларини оҳиста артиб қўйдида, индамай ичкарига кириб кетди. Йигит қизнинг етилган қадди-қоматига суқ билан қараб қолди.

<sup>1</sup> «Ҳар бир тирик жон ўлим шарбатини тотеди» (Куръони каримдан).

Ушбу асно дарвозада қолган аскарлар шовқин кўтариб кириб келдилар.

— Нима гап? — ўшқирди аскарларга Абумансур.

Аскарлардан бири шоша-пиша деди:

— Дарвозадан бир сарбадор кирмакчи бўлди. Қўймадик. Биримизни шаҳид қилди... Ана, бостириб келмакда!..

Абумансур кириб келаётган сарбадорни кўриб, турган жойида қотиб қолди!

— Мавлонозода?! Дордан қочдингми ҳали, даъюс! Аҳ-а! Сени тутиб, ҳали тортиқлик ҳам бўлурмен чоғи! Қани, бос йигитлар!

— Мени ўлди, деб ўйладингми? Сен ярамас ниятингга ета олмайсен! — ғазабдан юзлари оқарди Мавлонозаданинг. — Энди жаъми қилган гуноҳларингни бирваракай ювасен! Сендай бадбахтдан улусни фориг этмак мен учун савобдир!

Мавлонозода Абумансурга шердай ташланди! Ичкаридан шу пайт кўктемир кийган, қилич таққан Жаҳон бика чиқиб келди.

— Қадамингиз қутлуғ бўлсин, эй подшо йигит! — деди қиз, қайлиғининг омонсонлигига бир қувонса, кўмакка етиб келганига икки қувониб. У бир кучига ўн куч қўшилганини сезди ва шиддат билан жангга киришди!

— Сурон! Сурон! Сурон!

— Қизим... — дерди ҳолсиз Қорасоч бика қиличлар жарангидан ваҳимага тушиб.

Дийдаси қотиб кетган Мавлонозода аёвсиз жанг қиларди. У Абумансур билан қиличбозликка киришар экан, бир кўзи Жаҳон бикада эди. Ногаҳоний келган ғазаб, бемисл фожиа алами қизни жўшдириб юборди. Ҳаракатларининг чаққон чиқаётганига қизнинг ўзи ҳам ҳайрон эди.

— Отил! Ғаним устига отил! — шерикларига далда берарди Абумансур.

Мавлонозода Абумансурни ҳовуз томон қисиб борди, аммо иккита аскар ундан соқ-сергак туришни талаб қилар, натижада кучи бўлиниб кетмоқдайди.

— Сурон! — деди қиз бирдан ва рақибига қилич урди. Ешгина аскар шилқ этиб қулади. Икки аскар энди қизга ташланишди. Мавлонозода чекинаётиб, қизга қарайман, деди-ю орқада турган катта ғўлага қоқиниб кетиб йиқилди.

— Аҳ-ҳа! — қувончидан қичқириб юборди Абумансур. — Энди кучинг битди, дордан қочган даъюс! Сени ўлддириб, ҳали Амир Ҳусайндан сийлов ҳам кўрамен!

У Мавлонозаданинг юрагини мўлжаллаб зарб билан қилич урди! Мавлонозода қочиб қолди, аммо қилич чап елкасига тегиб ярадор қилди. Оғриққа парво этмаган йигит ўрнидан турди-ю, фавқулодда бир куч билан ўзи рақибига қилич солди. Биқинидан қилич еган Абумансур «Иҳ!» деб йиқилди. Мавлонозода Жаҳон бикага кўмакка ошиқди. Бокса, қизнинг дубулғаси учиб кетган, ўзи ҳам ниҳоят ҳолдан тойганди. Мавлонозода улгурмади, ярадор бўлган қиз, яна бир қилич теккандан сўнг инграганча ерга қулади!

Мавлонозода энди икки аскар билан савашисга турди. Бири оғир жароҳатланганидан харининг устида қўзилиб қолди, унинг аста-секин жони чиқиб борарди.

— Қизим... — деб қўйди яна Қорасоч бика...

Мавлонозода иккинчи аскарни ҳам саранжом этди. Шундан кейингина ўзининг ҳам аҳволи танлигини сезди. У гандираклаб Жаҳон бика ёнига борди. Қизнинг сочлари ер билан битта бўлиб ётарди.

— Жоним-жаҳоним! — деди у хансираб. — Биз ўлмаймиз! Асло ўлмаймиз! Умримиз узоқ бўладир...

— Узоқ бўладир... — тасдиқлади қиз кўзларини базўр очиб йигитга термиларкан.

Йигит қайлиғининг бошини кўлларига олди. Умрида биринчи марта уни яқиндан томоша қила бошлади. Ана, ўнг юзидаги чиройли холи, юзи... бир пайтлар нур лимиллаб турган кўзлари...

— Тўйимиз бўладир... — хаёл сурарди йигит.

— Тўйимиз... — қизнинг бошқа сўз дейишга ҳоли йўқ эди.

Беҳуш Абумансур ўзига келиб, йигит билан қизнинг суҳбатлашаётганларини кўрди, кўрдию ҳасад томирлари кўзғалди, судралганча Мавлонозодага яқинлаша бошлади. Куёв-қайлиқлар эса бундан беҳабар эдилар. Абумансур охириг кучини тўплаб Мавлонозода бошига қилич урмоқчи бўлиб чоғланган ҳам эдики, кимдир орқадан унинг ўзига пичоқ солди! Абумансур инграганча ортга ўгрилди: олдида Ахий Жаббор турарди!

— А-а-а!.. — деди-ю, Абумансурнинг жони чиқиб кетди. Унинг каламушникига ўхшаган башарасида киноями, заҳархандами, англаб бўлмайдиган бир кулгу қотиб қолганди.

Ахий Жаббор куёв-қайлиқларга қараб турар, уларнинг ҳам умрлари санокли қолганлигидан ичида унсиз йиғларди.

— А... Ахий Жаббор... — деди зўрға Мавлонозода. — Дўстим, биродарим...

Жаҳон бика ҳолсизланиб борар экан, Ахий Жаббор номини эшитиб базўр кўзини очди ва йигитга қараб ташаккур, миннатдорман, дегандай бир жилмайиб қўйди-да, яна кўзларини юмди...

Ахий Жабборнинг юраги қалқиб кетди, бардоши чидамай, ўкраб юборишга оз қолди. Наҳотки, юрагининг тубида пинҳон асраб юрган олтин севгиси, йўқ севгилиси, ўн

гулидан бир гули ҳам очилмай оламдан кўз юмса?! Бу қандай разолат? Бу қандай адолатсизлик? Эй, бевафо дунё! Ҳайҳот!..

— Қизим... — деди яна Қорасоч бика. У остонода эшик кесақисига суянганча маъносиз кўзлар билан термилиб ўлтирар, ёшли кўзларини энди ҳеч ким артиб қўймас эди.

— Биз узоқ... умр кўрамиз... — деди Мавлонозода.

— Узоқ... — дея олди холос Жаҳон бика.

Кув-қайлиқлар пешинга бормаи бир-бирларига талпинганларича Ахий Жаббор қўлида жон бердилар...

Қорасоч бикани ўрнидан турғизишмоқчи бўлишганди, тегишлари билан кулаб тушди. Онаизор аллақачон ўлиб қолган эди...

Мавлонозода билан Жаҳон бикани Шоҳизинда қабристонига, сарбадорлар ёнига дафн этдилар. Қорасоч бикани уларнинг бош томонига қўйдилар. Дафн маросимда Шаҳриёр, Нозим Меҳмет, Ахий Жаббор, Насафий, Сукрот, Шотабиб, Бобо Султон, Калтатой, эроний йигит, Рўзи аттор ва бошқа кўп кишилар қатнашдилар.

Ахий Жаббор қабристондан қайтиб келгач, Чорсу майдонида бир лаҳза тўхтади. Кечагина оламдай кенг яшнаб турган шаҳар бугун кўзларига жуда тор кўринди. Юраги сиқилди. Шаҳарда тургиси келмай қолган йигит тездаёқ бошини олиб белгисиз ёққа ғойиб бўлди...

1984—1989 йиллар



Мен жамоа хўжалигида ишлайман. «Шарк юлдузи» журналини 1969 йилдан буён мунтазам ўқиб келаман. Унинг ҳар бир сонини интиқ бўлиб кутаман. Айниқса, кишда у жуда азиз бўлиб қолади. Изғиринлар ва қорлар фаслининг узун кечаларида қизиқарли асарларга берилиб, дунёни унутишдан ортик бахт бўлмаса керак.

Журналдаги тарихий мавзуларга бағишланган чиқишларни мириқиб мутолаа қилдик. Бундан буёғига яна Саъдий Шерозий, Бедил, Яссавий, Сўфи Оллоёр каби буюк боболаримиз яратган жавоҳирот намуналаридан бериб борилса... Севикли журналимизда шу пайтгача яхши асарларни ўқиб келдик, бундан кейин ҳам шундай бўлишини истаймиз.

**М. ИСМАТОВА,**

Бухоро вилояти, Ромитан ноҳияси

\* \* \*

«Шарк юлдузи»нинг 5-сонида босилган анкета саволларига қуйидаги тартибда жавоб бермоқчиман:

1. Деҳқонман.

2. Журнални 1969 йилдан буён ўқийман.


3. Кейинги йилларда айрим сабабларга кўра обуна бўлолмадим. Ҳозир эса топиб ўқишнинг чорасини тополмаяпман. Наиллож, ҳар бир сонини икки сўмдан сотиб олишга мажбур бўляпман.

4. Кейинги йилларда эълон қилинган асарлар ичида «Юлдузли тунлар», «Кунда», «Икки эшик ораси», «оқ бино окшомлари» кабилар менга маъқул бўлди.

5. Фикримча, пахтакорлар дилига оз бўлса-да таскин берадиган, ижтимоий ҳаётимизда амалга оширилаётган ишларнинг ҳақ ё ноҳақлигини ёритадиган мақолаларни босавериш керак. Очиғи, қуруқ гап кўпайиб кетди. Ип эса жуда суст. Истагим, ёзувчилар биз каби деҳқонларнинг ҳаётини рўйи-рост тасвирловчи асарлар ёзишса, келиб биз билан суҳбатлашишса, кўнглимиздаги гапларимизни айтсак...

6. **М. ТОҒАЕВ.** Андижонданман.





Хосият Бобомуродова

## ЎЗИМГА БЕР МАНГУ АЗОБНИ

### Сир

Оғиздан оҳиста ўрмалаб чиқди,  
Тишлаб қололмади ўттиз икки тиш.  
Ҳатто тўсолмади йўлини лаблар,  
Сўнг сонсиз болалаб кетдилар «миш-миш...»

Хилватда шивирлаб айтилган эди,  
Озодлик тегди-ю, шошиб югурди.  
Ноёб мол топилди сўзфурушларга,  
Қулоққа, қўлтиққа, чўнтакка кирди.

Жуда кучли экан тотиш хислати,  
Ўч, кин, ҳасад, ғийбат — бари ёпишди.  
Қўшди ҳар ғаразгўй ўз бисотини —  
Гўё қоронғуда кўрлар топишди.

Даҳшатли қуролга тенглашди осон,  
Келди эгасига қарши шайланиб.  
Ўқдай куйдирди гоҳ, ханжардай тилди,  
Юргизмайин қўйди тўрга айланиб.

Тўрки, ҳар тугуни ўч-ла тугилган,  
Силкиса тўкилар тухмат, кир, алам.  
О, ундан қутулмоқ ўлимдан қийин —  
Чулғаниб ётибди саноксиз одам.

Юрак, сақламадинг нега сиригини,  
Бунча бўшлиқ қилдинг, эси йўқ оғиз?!  
Энди шиладилар сенинг терингни,  
Ялмай ютади ғийбат — ялмоғиз!  
Юрак, сақламадинг нега сиригини?..

### Қушча

Мени парвоз қилмоққа ундаб,  
Бунча тинмай кўкларга оддинг.  
Қаттиқ сиқма, беролмайман тоб,  
Панжаларинг елкамга ботди.

Эгам, ахир, кетолмам учиб,  
Йиқилаяпман отганинг сари.  
Кетсин десанг, қўйгин-да ечиб  
Оёғимдан ишқинг занжирин.

## ЁЛҒОН МОНОЛОГИ

Жо эт мени ўзингга, қоғоз,  
Яшир бўю бастимни, конверт.  
Бега ишва, бега мени ноз,  
Нишон, етсам кўзларингга сурт.

Серёғ, сергўшт, бекорчи тиллар  
Маза қилиб чайнаб кўришди.  
Олтинлар-ла безанган қўллар  
Сувим сиқиб ўйнаб кўришди.

Яширмоқ-чун кирдикорларин  
Чорасизлар мени яратди.  
Ўраб ширин-ширин сўзларга,  
Ғийбатчилар тилига ортди.

Ва, ниҳоят, етдим мен сенга,  
Эй дили кўр, эй кўзлари кўр.  
Таскин бергил энди ўзингга,  
Менинг билан узоқ суҳбат қур...

\* \* \*

Кечир!

Ўзимга бер мангу азобни,  
Ҳар тонг вужудимга ниналар санчсин.  
Ҳар нина кўзимга урсин ғазабин,  
Ғамим йўл изласа, сўзларим қочсин.

Кечир!

Қасдин олсин мендан садоқат,  
Қўлларин юрагим қонига ювсин.  
Қалбимни ингратган пушаймонларим  
Бошимни олгувчи жаллодлар туғсин.

Кечир!

Мени ҳар тун ўлдирсин қалам,  
Ҳар тонг дорга оссин ўзим битган сўз.  
Кўксимда ўзига ин курсин алам,  
Ризқимни япроқдай узиб турсин куз...

\* \* \*

Сен мени унутдинг.

Йўллар унутмади —

Ҳаёлимни сенга бошлаб кетдилар.

Дардларингни тўкиб сол дея

Барги хазонларни ташлаб кетдилар...

Сен мени унутдинг.

Гуллар унутмади —

Юрагим қонига бўялди улар.

Сарғайган рангимни бўлиб олишди,

Шерик бўлди нозик қайғумга гуллар...

Сен мени унутдинг.

Туллар унутмади —

Тунлар оҳ уришни ўргатди кулиб

Ва ҳажринг ғамидан ўлмасликни-ю,

Ширин орзуларни отмоқни юлиб...

Сен мени унутдинг.

Йиллар унутмади —

Ҳадя қилди менинг сочларимга оқ.

Манглайимга сендан хотира чизди,

Тинмайин ўргатди яшамоқни тоқ.

Сен эса унутдинг...

\* \* \*

Ўртадаги ипни кесолгани йўқ

Бир-биридан тигдор кунлар ханжари.

Ҳар бири кўксимга ташлаб ўтди чўғ,

Зичроқ ҳалқаланди меҳринг занжири.

Бу кунлар — олислаб кетмоқ учунмас,

Бағрингга соғиниб қайтмоқ учун йўл.

Инжима, дўст, мени хуш кузатиб қол,

Худди турналарга силкигандай қўл...



Қамчибек Кенжа

## БУ—ТОШҚИН, ҚАЛБИНГГА ОҚИБ КИРАДИ

### Муҳаббатни гуноҳ десалар!

Зорим кўпу оҳим-да кўпдир,  
Кўнгилларда паноҳим кўпдир,  
Балки менинг гуноҳим кўпдир,  
Муҳаббатни гуноҳ десалар!

Булбул бўзлаб, йиғлар-ку хун-хун,  
Гўрида тик турмасми Мажнун,  
Ошиқлар мум ютади нечун,  
Муҳаббатни гуноҳ десалар!

Лолаларга завол бўлмасми,  
Санамларга увол бўлмасми,  
Умр эрмак, малол бўлмасми,  
Муҳаббатни гуноҳ десалар!

Фақат ишми қаро шомгача,  
Миш-мишлару ҳадик тонггача,  
Оғулашиб бизни қонгача,  
Муҳаббатни гуноҳ десалар!

Кўпаймасми «ғамхўр», «ҳотам»лар,  
Ўғай бола, ўғай оталар,  
Билмаса — чин, билса — хато...лар,  
Муҳаббатни гуноҳ десалар!

Унда, ахир, овунч қолурми,  
Меҳр-шафқат, соғинч қолурми,  
Ёки фақат ўкинч қолурми,  
Муҳаббатни гуноҳ десалар!

Хотиржам, тинч яшай олмайман,  
Ниятимга эришолмайман,  
Дунё билан келишолмайман,  
Муҳаббатни гуноҳ десалар!

### Кулмагин

Кечалар мунғайиб қошингга борсам,  
Сирим ошкор этиб, кўнглимни ёрсам,  
Кўзларим тасалли кутиб ёлворса,  
Сен менинг ҳолимдан кулмагин, эй дўст!

Дил ишин оқшоми, саҳари бўлмас,  
Ошиқнинг барибир, сарвари бўлмас,  
Суйганлар тилининг заҳари бўлмас,  
Сен менинг ҳолимдан кулмагин, эй дўст!

Бу — тошқин, қалбингга оқиб киради,  
Чўғ бўлиб, вужудинг ёқиб киради,  
Ёзу қиш чақиндай чақиб киради,  
Сен менинг ҳолимдан кулмагин, эй дўст!

Унинг кулги, ҳазилларга тоби йўқ,  
Сариқ рангга, қизилларга тоби йўқ,  
Фармонларга, нозирларга тоби йўқ,  
Сен менинг ҳолимдан кулмагин, эй дўст!

Бу дард-ла шоҳ куйган, гадолар куйган,  
Бир жони минг бора фидолар куйган,  
Иккала дунёси адолар куйган,  
Сен менинг ҳолимдан кулмагин, эй дўст!

Юрак рози, банд устига банд тушсин,  
Бу — оташ майдони, мардга мард тушсин,  
Сенинг ҳам қалбинга шундай дард тушсин,  
Сен менинг ҳолимдан кулмагин, эй дўст!

\* \* \*

Мен ўзимга ачинмайман,  
Ачинмайман сенга ҳам.  
Фақат жоним ачийди,  
Бўлақларга бўлиниб,  
Сенга, менга ва яна  
Кимларгадир мўлтириб  
Ғариб бўлган меҳрга.

\* \* \*

Қўланкамни пайқаб қолдим  
бир кун кўчада —  
елар эди изимдан,  
ўх, бечора терга пишиб, ҳаллослаб.  
Жуда-жуда раҳмим келди:  
кўланкам ва ўзимга...


\* \* \*

Бор ақчага сотиб олинган  
нордон, тахир мевага менгзар  
севгисиз умр.  
Есанг тишу вужуд қамашар,  
лекин, емай  
илож ҳам йўқдир.

\* \* \*

Кечиккан аҳд-паймонлар ҳазилга ўхшар,  
Бу — ҳаёт ўйини, таги зилга ўхшар.  
Кўнгиллар қалтироқда, ақлу ҳуш ҳуркак,  
Бахту зорлик қоришиқ фаслга ўхшар.





Раъно Розикова

## ИККИ ҲИКОЯ

### Адирдаги қизғалдоқ

Машина ялтираган текис асфальт йўлда енгил учиб бормоқда. Бу йўлнинг ҳар бир муюлиши-ю, саф тортиб турган икки четидаги ҳар бир дарахт таниш, азиз. Ойнадан кирган шамол эркалаб сочларимни тўзғитади, радиодан майин куй таралади.

Мақолаларим бирма-бир вилоят газетасида чиқа бошлади. Сўнгги пайтлар шеърларим ҳам онда-сонда кўриниб қолаяпти. Йигирмага кирган қизлардан ким шеър ёзмайди? Баҳор, севги, табиат гўзалликлари ҳаяжонлантириб, кўлингга қоғоз, қалам тутқазади. Ёзмай кўр-чи, ҳисларинг бўғиб, юрагингни ёради!

Мана, газета учун расм ҳам сўрашипти. Ростини айтсам, суратга тушишни ёмон кўраман. Доим галдаги мажбурият тақозоси билан тушган суратимни кўлга олиб, ҳаётда тузукроқман-ку, дея ўзимни овутишга уринаман. Бурним пучуқдек бўлиб қоладими-ей ёки анови куни бўйи сақич чайнаб юрган чайқовчи хотинларни эслатувчи товоқбет бўлиб... Бу гал ҳам шу аҳвол. Кўзларимни чирт юмдим-да, жўнатиб юбордим. Газетага бўлаверади! Яна... «Қозонда бўлса, чўмичга чиқади-да!» деб койинаман. Лекин йигирма ёшли қизлардан ким ўзини хунукман, деб тан олгиси келади?!

Рўпарадаги кўзгудан аксимга қараб қўяман.

Гўзал эмасман, лекин...

Куйдиради кўзларим!..

Ҳм! Баъзида ўлгудек енгилтак бўлиб кетаман-да. Ўзимни ёмон ҳам кўриб қоламан кейин ўша дамларни эслаб! Газетадагилар бўлса... менга ишониб, шаҳар тикув фабрикасида неча йиллардан бери илғорлар йўлбошчиси бўлиб меҳнат қилаётган бир аёл ҳақида ёзиб юборишимни сўрашипти. Уни излаб кетяман.

Яна рўпарадаги кўзгуга қараб қўяман. Бу гал ўзимнинг аксимни кўриш учун эмас. Кимсасиз, жимжит йўлда ортингдан машина келяптими, йўқми билиб турганинг яхши. Мендек хаёлга берилувчан ҳайдовчи учун бу, айниқса, муҳим. Хаёлга чўмганингда ёнингдан кутилмаганда навбатдаги машина «ғи-ир» этиб ўтади-да, юрагинг шувиллаб товонингга тушиб кетади.

Бутун эътиборимни йиғиб, хаёлларимни ҳам бир жойга тўплаб, йўлга боқаман. Аммо бу йўлдан юрак оғриғисиз ўта олмайман...

Болалик пайтларимда кўп бетоб бўлаверганлигим сабабли, энг бахтли даврларим касалхоналарда, ота-онам, укажонларимдан айрилиқда ўтди. Қўм-сашдек мураккаб туйғуни мурғак қалбим билан ўша дамлар ҳис этганимни, ўртанганимни ҳозир ҳам аниқ эслайман. Уйга, азиз бувим, отам-онам, укажонларим бағрига қайтишни, висол онларини орзу қилган лаҳзалар кўз ўнгимда мана шу узундан-узоқ йўл, мана шу саф тортиб турган кўм-кўк дарахтлар гавдаланаверар эди.

Биринчи гал нақ икки йил ўз шахримдан олисда бўлдим. Ана шундаги қайтиш лаҳзалари ҳозир ҳам ҳеч бир тиришувсиз хотирамда тикланади. Автобус тўла одам. Дадам мени орқа ўриндиққа аранг ўтқазиб қўйди-да, ўзи олдинга ўтиб кетди, курорт деган жойга етгунимизгача тик туриб борди. Мен бўлсам атрофимда чайналиб, писта чақиб, бир-бирларини туртиб-суртиб, баъзида бе-маъни гапларни шанғиллаб кетаётган одамлар йўқдек, ҳеч нимани сезмай-эшитмай азизларим томон элтувчи йўлга термулганман. Ниҳоят, уйга қайтаётганимга ишониб, юрагим севинчдан ҳовлиққан. Ушанда аэропортдан биз истиқомат қилган курорт деган жойгача бўлган масофа менга саккиз километр эмас, узундан-узоқ бўлиб, автобус эса судралиб-имиллаб, эмаклаб кетаётгандек бўлиб туюлган.

Ҳозир дарахтлар сийраклашгандек, унда... баҳайбат, осмонга бўй чўзган-декмиди, осмонни тутиб тургандекмиди? Адирлар қизғалдоқлардан қип-қизил, осмон мовий... мусаффо, қараб туриб бошинг билан шўнғиб кетгинг келади! Қордек оппоқ, тўда-тўда баҳор булутлари янада соф, куёш нурида ипакдек товланади. Мовий осмон ҳам, булутлар ҳам шундай яқин, кўл узатсанг, етадигандек. Болалиқда ранглар ёрқинроқ кўринади деймиз. Ундай эмасдир... Шаҳримизда ўшанда ҳозирги бир-бирига мингашгудек бўлиб кўчаларга сиғмай кетган бунча транспорт қаёқда эди дейсиз?! Кўкка туну кун қоп-қора тутунларини пуркаётган бунча корхона қаёқда эди дейсиз?! Ҳозир мовий осмон, ипак булутларни қиш кунлари — унда ҳам онда-сонда кўрмасангиз, ёзда кўриш...

Чалғидим. Ниҳоят, дадам билан уйга етиб келамиз. Аяжоним (ҳозир олисда бўлганимда аяжонимни эсласам, қайсидир касалхона деразаси ёнида йиғлаб юбормасликдан ўзини зўрға тутиб, менга мўлтираб термулиб тургани хаёлимда намоеън бўлаверади), укажонларим, кўни-қўшниларим атрофимни қуршаб олишади. Қайлардандир ҳаллослаб бувижоним етиб келади. Мен ўтирган курси қаршисида тиз чўкиб, мени иссиқ бағрига олади. Қора дурраси кумуш сочларини очиб сирпаниб елкаларига тушади. Кўзларидан дув-дув ёш оқади. Рўмолининг четига кўзларини артиб, қўнғир сочларимни пешонамдан нари суради, юзимга юзини босади:

— Қўғирчоғим! Аслгинам! Омон келдингми? — бир зум юз-кўзларимга термулади, сўнгра ич-ичидан эзилиб, мени яна бағрига босганича хитоб қилади: — Оллоҳ! Шу гўдакда нима қасдинг бор?! Э... бевафо дунё!..

Мен ана шунда ўн яшар қизалоқ эдим. Бувижонимга набиралик малҳам бўладиган сўзларни айтадиган вақтим. Аммо мен касалхоналардаман, бувижоним эса...

«Э... бевафо дунё!» — дейди ич-ичидан эзилиб. Бевафо дунё!.. Қийинчиликларни енгиб ўтиб, тақдир зарбаларидан ғолиб чиқиб, турмуш ташвишларидан биров озод бўлиб, яшашга шайланганингда ёки соғлиғинг ҳеч нимага ярамайди ёки умр ўтган бўлади...

\* \* \*

Илғорликнинг гашти бўлганидек, ўзига яраша ташвишлари, қийинчиликлари ҳам бор экан. Яна бунга звено бошлиқлиги қўшимча.

Малика субҳи-саҳар куёш билан тенг туради-да, пастда, адирлар этагида ястанган дала томон ошиқади. Йўл-йўлакай дугоналари, звеноси аъзоларини ширин уйқудан уйғотиб эргаштиради. Қизалоқлардек адирдан чопқиллаб тушиб, дарҳол ишга шўнғиб кетишади. Йигитлар — ёрлари урушга кетишганидан бери, чопиқ қилган ҳам, эгатларга сув қуйган ҳам, пахта терган ҳам ўзлари — қизлар.

Расул эрта баҳор кўнгиллилар сафига қўшилиб жангга жўнади. Малика бўлса тўрт гўдаги билан қолди. Мана, ёри кетганига ҳам оз фурсат бўлмади,

ундан дом-дарак йўқ. Хатни танимаса, қандай хабарлашсин! Шундайликка шундайку-я, лекин...

Сокин куз кириб, кунлар салқинлашиб қолган бўлса-да, пайти қиём қуёш осмондан олов пуркайди. Бошингни, елкаларингни жимирилатиб куйдири бошлайди. Чанқайсан, аммо ишни бир лаҳзага бўлса ҳам тўхтатишга кўзинг қиймайди... Фақатгина пешонасидан оқиб тушган тер маржонлари киприкларига қўниб, унга халақит бера бошлаганидагина қаддини ростлаб, қўлидаги момиқ пахтани сиққанича, қўли орқаси билан пешонасини артади. Угирилиб, дугоналарига қараб қўяди. Улар анча ортда қолишган. Дугоналаридан шунча йироқлашганидан мамнун, яна чаққон ҳаракатлар билан пахта теришга тушади. Колхозда унга меҳнатда тенг келадиган йўқ. Малика яна орқага қарайди, қизларга боқиб, кулиб қўяди. Лекин кулганида қуришган лаблари тортишиб, унга сувни эслатади. Бечора қизлар ҳам чанқашгандир, толиқишгандир. Эҳ, қизлар, қизларжон! Зебу зийнат, ўсма-сурмани унутган, пахтазорларда сарв қомати букилган қизларжон! Мол боқиб, адирларда сомон йиғиб, бошларига қўйиб келишади. Оқшомлар мойчиरोқ ёғдусида ўтириб, нималарнидир тикиб, чеварлик қилишга ҳам мадор топишади. Маликанинг-ку тизилиб турган тўрт фарзанди бор, умрларини берсин! Бу қизлар-чи?! Ишқилиб, йигитлар омон қайтишсин. Ҳазрати Аюб қўллаб-қувватласин! Бу кунлар ҳам ўтиб кетар. Ҳазрати Аюбнинг Қизбулоғига тушиб, яна гўзал, нафис бўлишиб, ёрларига эркаланиб юрадиган кунлар ҳам келар...

Дейдиларки, қадим замонларда Ҳазрати Аюб бетоб бўлиб қолибдилар, баданларини яра тошмалари қоплаганмиш. Дунё кезиб, бу балодан фориг бўлолмабдилар. Бир куни Кўгарт водийси бўйлаб кезаётганларида, сеҳрли овоз қулоқларига чалинипти:

«Бандам! Шу адирдан сув чиқади, ана шу сув сенинг дардинга даво бўлади!» Ҳазрати Аюб тоғ томон йўл олибдилар, дардлари тутиб, баданларидан томган қонлар ўрнида қизғалдоқлар очилипти. Ниҳоят, адирга етиб, ҳассаларини ерга урибдилар. Ана шу ердан иссиқ сув отилиб чиқиб, у кишининг дардларига даво бўлганмиш. Ҳазрати Аюб шундан сўнг шу адирларда қолиб кетганмишлар...

Яна дейдиларки, шу ерларда бир гўзал яшаган эмиш. Йиллар ўтавераркан-у, унинг ҳусни сўнмасмиш. Лекин ота-она, яқинлари вафоти унинг юрагини ўртаб, юзига ажин чизиқларини тортибди. Ана шунда қиз булоқда ювиниб, яна гўзал — тенги йўқ гўзал бўлиб қолганмиш. Ушандан бери бу сувнинг номи Қизбулоқ деб аталармиш...

«Ҳазрати Аюб қўллаб-қувватласин сизларни!»

— Малика!

Хаёллари бўлинганидан норози, у қаддини ростлади. Яна ўша Аъзам!..

— Канторга ўт, иш бор! — амр қилди от ўйнатиб.

Малика индамади. Нафрат тўла кўзларини унга бир зум тикди-да, яна пахтага энгашди.

«Ўтиб бўпман! Ярамас!»

Расулнинг ошнаси, фақат ошнаси эмас, дўсти! Бригадир! Бригадир бўлдию... Расулнинг излари катта йўлдан ҳали ўчиб улгурмай, Маликанинг изига тушди. Қаёқдан чиқади, Малика ҳайрон. Юрган йўлида, рўпарасида пайдо бўлаверади.

«Ярамас! — ғижинади яна Малика. — Расул билан кўрпа талашиб катта бўлишган... бир бурда нонни бўлашиб еган кунлари бор... Эй!»

\* \* \*

Кеч куз. Осмон қовоқ уйиб турибди. Кимсасиз адир қўйнида эртами-индин қор ёғишидан дарак бериб, қарғалар шовқин солишади.

Малика қайсинглиси Норниса ва Йўлчи акасининг қаллиғи Саодат билан сомон йиққани чиқишган. Малика билан Норниса қўлларида супуриб-сидириб, тимдалаб бўлса ҳам бир рўмондан хашак, янтоқ, қовжираган барг тўплаб, бошларига тугунларини ортишди.

— Саодат! Саодат-у! — қичқирди Норниса атрофга аланглаб.

Шу топ Саодат халтасини кўтариб, ҳаллослаб тепаликдан югуриб тушди.

— Бўлдиларингми?

— Қаёқларда юрасан-а? — норозиланди Норниса бошидаги тугунини тўғрилаб туриб. — Ҳозир келмасанг, кетворардик!

Саодат ҳаяжонланиб, ортига қараб-қараб қўйди, сўнгра сергакланиб, тўрвасини ерга ташлади:

— Шу ерда туриб турсин, мен бир зумда!..

Қоқилиб-суқилиб, паст томон югурганча дарахтлар ортида кўринмай қолди.

— Унга нима бало бўлди? — ҳайратланиб Саодат кетган томонга тикилди Норниса.

Қайлардандир, тепаликдан отлар дупури келди. Малика билан Норниса тўхтаб, ўша томонга қарашди. Тепаликда уч чавандоз кўринди.

— Тўхта! Тўхта! — амр қилди чавандозлардан олдиндагиси.

— Тўхтаб турибмиз, қочаётганимиз йўқ, — зарда қилди Малика чавандозларнинг яқинлашаётганини кузата туриб. Олдинда от ўйнатиб келаётган Аъзамни у аллақачон таниган эди!

— Бизлардан қочиб қутулмайсан! — деди у ишшайганча отнинг жловини тортиб.

Шерикларидан бири отдан тушди, аёлларга юзланди.

— Оч тугунингни!

— Вой тавба! Сомонни кўрасизми? — таажжубланди Норниса итоаткорона тугунини ерга қўйиб.

— Сен ҳам оч! — деди Аъзам қамчиси билан Маликани нуқиб.

Малика истеҳзо билан Аъзамга қараб, тугунини ерга отди:

— Керак бўлса, ўзларинг очиб, кўриб олинглар!

Учовлон тугунларни ечиб, сомон ва хашакларни ер билан бир қилишди. Саодатнинг халтасини ҳам силкишди. Халтада, сомон остида яримлатиб бошоқ терилган эди.

— Мана, ниҳоят, қўлга тушдинг! — чўк тушган ҳолатда кўзлари чақнаб, ёлғиз Маликага мурожаат қилди Аъзам.

— Халта бизники эмас! — қичқирди Норниса, Аъзам томон дадил қадам ташларкан.

— Тушингни бориб энди сувга айтларинг. Ким ишонади? Жинойтнинг устидан чиқдик, — деди чавандозлардан иккинчиси, бошоқларни яна халтага сола туриб. — Бизники эмас дейди-я!

Аъзам ҳамон ўтирган еридан бошоқ ўйнаб, Маликага қувончини яшира олмай ғолибона тикиларди.

— Ҳа, бу менинг халтам! — деб юборди туйқус Малика.

Аъзам ўрнидан туриб кетди:

— Биласанми... бу учун қамалиб кетишингни! — дағдаға билан, лекин тугилиб-тутилиб деди Аъзам.

— Эртами-индин қор остида қолиб кетади, барибир, — журъатсизгина гап қистирди Норниса. — Узиб олинмаган-ку, ўғирланмаган-ку... ана, сочилиб, оёқости бўлиб ётибди ҳар ер-ҳар ерда... Ким теради...

— Мумкин эмас! Ётса ётмаса, мумкин эмас! Колхознинг мулки!

...Кейин суд бўлди. Маликанинг тўрт гўдаги тўрт томонда чирқиллаб қолди, буни биров инobatга олмади. Расул қон кечиб, фашистлар билан олишгани кўнгиллилар қаторида кетганини ҳам ҳеч ким ўйлаб ўтирмади. Уч йилга озодликдан маҳрум этишга қарор қилиниб, Маликани олис шаҳарга олиб кетишди. Саодат бўлса... ўша кун қочиб кетгани бўйи ярим йилча уй-жойини, болаларини, виждонини унутган кўйда қайлардадир яшириниб юрди...

Норниса айтганидек, икки-уч кундан сўнг қор ёғди. Адирлар бағрида у ер-бу ерда ғалла йиғинидан сўнг тўкилиб-сочилиб ётган бутун бошоқлар қорнинг тагида қолиб кетди. Маликанинг тўнғичи — энди ўн учга қадам қўйган Олимхўжа ўшанда кўзларидан дарё-дарё ёш оқиб, адирлар орасида кезиб юрди. Дадасининг эски этиги билан қор тепиб, бошоқларни топди, уларни қўлига олиб, алам билан узоқ-узоқларга ирғитди...



...Ҳозир бу ер — курорт. Узоқ-яқиндан беморлар келиб, шифобахш сув ичиб, қанча-қанчалари дардларига даво топиб кетишади. Уруш йиллари эса бу ерда госпиталь бўлган...

...Олимхўжа рус тилида ўз она тилидек бемалол сўзлашишни қачон, кимдан ўрганганини эслолмайди. Ёши кичиклигига қарамай, ўша йиллари мажлисларда тилмочлик қилган.

— Отанг ким? — сўради бир мажлисдан сўнг ундан бошқа шаҳардан келиб қолган адвокат киши — Гинзбург.

— Отам Сталинград остонасида ҳалок бўлди, — Олимхўжа бир парча бўздан онаси тикиб берган халтани елкасидан олди-да, китоблари орасидан кичик қоғоз чиқариб, бояги кишига узатди.

Гинзбург қоғозни қўлида авайлаб тутиб, овоз чиқариб ўқиди:

— «Жалолобод район қўшма ҳарбий комиссариати. Сизнинг отангиз гражданин Ҳакимов Р. ҳарбий қасамга содиқ ҳолда, жасорат ва мардлик кўрсатиб, Социалистик ватан учун бўлган кескин жангларда 1942 йилнинг 19 ноябрь куни қаҳрамонларча ҳалок бўлди.» — Адвокат унсиз бироз турди, сўнгра қоғозни Олимхўжага узатди. — Укаларинг нечта?

— Учта укам бор, синглим Хосият энди тўртга киряпти...

— Ҳм... Отангни руҳини койитмай юрибсан, сендан яхши одам чиқади, бу аниқ. Онанг ишлайдими?

— Онам... — Олимхўжа бошини қуйи солди, қоғозни яна китоби орасига яшириб, халтани елкасига илди.

— Хўш, онанг қаерда ишлайди ёки ишламайдими?

— Онам қамоқда. Бир йилдан ошди...

Гинзбург Олимхўжа қаршисида чўкка тушди, болани тирсақларидан тутиб, унинг нигоҳини излади.

Олимхўжа юзини ўгирди, беун йиғлади. Кўз ёшлари юзини ювиб, кўйлагига тома бошлади.

Гинзбург унинг қўлини қаттиқ қисди:

— Эркаксан-ку! Эркаксан, дўстим! Қани, ўзингни қўлга ол... Энди менга ҳаммасини бирма-бир айтиб беришинг керак. Ҳозироқ! Қани, юр!

Гинзбург Олимхўжани столи ёнига ўтқазди, стол устига нон, қанд, эзилган картошка, чой қўйди.

— Ол, еб ўтир. Шошмасдан, бир четдан менга гапириб бер.

Олимхўжа ҳеч нарсага қўл теккизмади. Гинзбург бирин-кетин папирос тутатиб, алланималарни ёзиб ўтирди. Ниҳоят, ёзганларини папкага солиб, ўрнидан турди.

— Онанг келади, мен буни шу ҳолда қолдирмайман! Э... бундай қилиш ярамайди, дўстим, нега ҳеч нима емадинг?

— Раҳмат, — деди Олимхўжа стол устидаги нарсаларга ўғринча кўз қирини ташлаб қўйиб. — Мен борай, уйда укаларим. Сигирни ҳам соғиш керак...

— Тушунарли, — Гинзбург столдан нон, қанд солинган ликобчани олиб, Олимхўжага юзланди. — Қани, оч халтангни!

— Керак эмас! — елкасидаги халтани ёнига қисди Олимхўжа.

— Сенга керак бўлмаса, синглинга керак! Оч халтангни!

\* \* \*

— Ў-ў... Олимхўжа, ў! — қичқирди кимдир хуфтон пайти.

Олимхўжа ғўнажинни етаклаб, оғилдан чиқди.

— Шаҳарга тушгандим, бозорга, — улардан бир неча ҳовли нарида яшган Иномхўжа ака ҳовлининг қоқ ўртасида туриб олиб, гап бошлади. — Қайтишда қарасам, Маликахон йўлда ўтирипти. Темир йўлдан яёв келяпти, шу бир-икки чақирим қолганда, мадори етмапти шўрликнинг. Бир амаллаб олиб чиқмасак... Оёқлари шишган. Ҳазилми, ҳалиям беш-олти чақиримни шу дармон билан босиб ўтипти...

Олимхўжа шошиб қолди. Бегона кишининг овозини эшитиб уйдан югуриб чиққан укалари Алихўжа билан Хосият чуғурлашиб, ирғишлай бошлади:

— Бувим келяпти!  
— Бувижоним келяпти!  
— Ұ-ў, ҳалиги Юсуф тоғанни эшагини сўрайинми, деб турибман, — дўпписини олиб, ялтироқ бошини силади Иномхўжа ака. — Берармикан-а? Олимхўжа яна бироз карахт бўлиб турди, кейин уй томон қаради:  
— Анор!  
— Опам қатиқ сотгани кетди! — деди Алихўжа.  
Олимхўжа арқонни унга ушлатди.  
— Ма, оғилхонага олиб кириб, боғлаб қўй! Эшигини беркит!  
Ўзи чопганича кўчага чиқди. Орқадан Иномхўжа ака қичқирганича қолди:  
— Ҳой, шошманг, муштдек бошингиз билан уни қандоқ қилиб олиб чиқасиз?!

Юраги бўғзига тикилган, оёқлари олдинга босиш ўрнига уни орқага тортар, чалишар, аммо ҳамон югуриб борар, хуноб эди.

Ойисининг оқ рўмолини узоқдан кўрди. Қадамлари баттар сийраклашди, энтикиб, бир дарахтга суянганча ойисига термилиб қолди.

Она йўл четида, тупроқда ўтирганча нуқул оёқларини силар эди. Демак, ҳалиги кишининг хатлари керакли жойни топиб, керакли қўлларга тушипти, инobatга ўтипти. Онасини уч йилга қамашган эди, мана, бир ярим йилда қайтиб келипти.

— Буви-и! Бувижоним!

Ойиси у томон ўгирилди. Қўлини пешонасига соябон қилиб, кўзларини қисди.

— Олимхўжа?! Сенми, болам! — Йиғлаб юборди. — Сенга қарши ўрнимдан тура олмайман, кел, ўзинг бағримга кел.

Олимхўжа аста-аста юриб, онаси ёнига чўк тушди, юзини унинг иссиқ бағрига яширди. Хўнграб йиғлагиси келди, онасини аяди.

— Узингла келдингми, болам? Иккимиз кетолмаймиз, туролмайман. Шунча йўлни босиб ўтиб, бир неча қақирим қолганида оёқ зорманда бўйсунмай қўйди!

— Мен ўзим... ўзим сизни олиб кетаман, бувижон!

— Шу жуссанг билан қаерга ҳам етардик, болажоним. Сенга озор бергунча, эмаклаб кетмайманми! Оёқларим шиши бироз қайтсин, шилинган ерларини рўмолим билан танғиб ташлайман, менга бир шохни синдириб, ҳасса ясаб бера қол.

Олимхўжа онасини опичлади, тупроқ кечиб, тепага, адирлар сари қадам ташлади...

\* \* \*

Ҳаётнинг узундан-узоқ, ўнқир-чўнқир йўлларида гоҳ шошиб, гоҳ судралиб бораркансан, ортингда бир-бир қадрдон одамларинг, ардоқли ҳис-туйғуларинг, ёрқин орзуларинг, армонларинг қолиб кетаверар экан. Қачон орқага ўгирилсанг, уларни кўрасан, ўша йўлни хаёлан қайта-қайта босиб ўтиб, яна ўша ташвишлар, юрак оғриқларини туясан.

Ҳозир бу ерга текис асфальт йўл ётқизилган. У адирлар орасида тўлғониб оқаётган мовий дарёга ўхшайди. Онда-сонда машиналар у ёқдан-бу ёққа, бу ёқдан эса пастга, адир этагида жойлашган шаҳарга томон ўтиб туради. Пиёда юрувчилар кам, табиат билан юзма-юз, яккама-якка қолгувчи баъзи хаёлпарастларни ҳисобга олмасанг, бошқа кимса кўринмайди.

Машиналар ўтмоқда. Ҳеч ким кечмиш воқеалардан, шу йўлда ҳали ёш, ўн бешга тўлмаган боланинг тўкилган кўз ёшларидан, қадр қиммати топталган бегуноҳ бир аёлнинг ғам-аламларидан воқиф эмас. Фақатгина мен машинамни йўл четида тўхтатиб қўйиб, хотиралар ўтида қоврилиб ўтирибман.

Бувижоним қазо қилганида ёш қизалоқ эдим; унда ҳам уйда эмасдим... Ёнида бўлган кезларим, бувимдан фақат эртак, қизиқ-қизиқ ҳангомалар, афсоналарга тўла воқеалар кутардим. Бувим эса кўпинча Ҳазрати Аюб дардларига даво истаб мана шу ерларга келганларида қадамларидан тўкилган қонлардан қизғалдоқлар униб чиққанини ҳикоя қилар эди... Жабрдийда жувон, укалари учун ҳам ота, ҳам она ўрнини босган ва ниҳоят, ойисини опичлаб, адир томон

бораётган боланинг кўз ёшлари томган ерлардан нима униб чиқди экан? Булардан ҳам қизғалдоқ унганми?!

## Унутилган қўшиқлар

Қадим замонларда бу ўлка қушлар макони бўлган экан. Тиғиз ўрмонзорлар, кумуш қояли тоғлар бағрдан ўтган ўйноқи дарёлар, ойна кўлларни ўраб олган кўм-кўк қамишзорларни ўзларига макон қилиб олган қушлар хониши шу қадар оромбахш, шу қадар жозибали эканки, дунёнинг бошқа бир жойида бундай қўшиқлар учрамаслиги туфайли ўлка Най-Наво номи билан оламга донг таратипти. Бундан хабар топган одамлар секин-аста ўз юртларини тарк этиб, бу ерларга кўчиб кела бошлашипти. Ўрмонзордаги дарахтларни уй-жой қуриш, рўзгордаги керакли буюмлар ясаб олиш учун кеса бошлашипти, ойнакўл атрофини яшашга маъқул топиб, қамишзорларни йўқ қилишипти. Не замонлардан бери қаршиликларсиз бир меъёрда оқаётган дарёларнинг оқимини ҳам ўзгартириб юборишаверипти. Энди кўркам диёрнинг иқлими ҳам ўзгара бориб, кўпгина қушлар учун бу ерда яшашга шароит қолмабди. Шу сабаб, қушлар бу ўлкани тарк этиб, иссиқ ўлкаларга учиб кетишибди. Лекин қушларда она диёрга меҳр, ташналик ҳисси ривож топганиданми, одамлар тилида айтганда, ўзларининг «киндик қони» тўкилган ерда зурриёди дунёга келиши ниятини қонунга айлантириб олишибди. Қисқагина ёз давомида юрт нафаси, кўркига мафтун бўлиб яшаш учунгина эрта баҳордан тоғлар, денгизлар, қорли чўққилар оша учиб келиб, хазон фасли полапонларини эргаштирганча, ортга қайтишни одат қилишибди.

Аммо баъзи қушлар ўшанда ҳам бу ўлкани тарк этишолмапти. Насллари йил сайин қаҳратонларда қирилиб кетар даражага етса ҳам, умидланиб, бир-бирларига суяниб яшайверишибди. Уларда она диёрга садоқат ҳисси биз одамлардагидек, юксак экан. Ким билсин, балки бу ҳис одамларга ўша қушлардан ўтгандир...

Шундай қилиб, бу ерда яшаб қолган қушлар туридан бир галаси Мовий қушлар номи билан танилган экан. Шу қушлар оиласида бир ёз, одамлар таъбири билан айтганда, Қизгина-қуш дунёга келипти. У улғайиб, балоғат ёшига, севги ёшига тўлибди. Унинг митти қалбини ширин орзу-истаклар ром эта бошлапти. Лекин, одамларнинг айтишларича, Қизгина-қушнинг қандайдир айбими, хасталигимми бор эканки, унга мафтун бўлганлар орасида уни ўз оиласи бекаси қилмоққа розилик бериб чорлаган бир мард топилмапти. Камчиликларини инобатга олмаганда, у барибир хушовоз, кўзга кўримли эканлигидан, оиласи аъзоси қилмоққа юраги бетламаганлар, ундан воз ҳам кечишни истамай, гўзал маъшуқа бўлиб қолишини ундан сўрай бошлашипти. Уша замонларда — қушлар орасида ҳам — бундай муносабатлар ўрни бўш эмас экан-да!

Худди шу йили ёзда олис юртлардан Бегона қушлар учиб келиб, Қизгина-қуш кўз очган ин ёнгинасида ўзларига макон қуриб, бола очиб, уларни парвоз этишга чорлаб, ажойиб қўшиқлар куйлай бошлашипти. Фасли хазон нафаси уфурга бошлаганда эса, гала-гала бўлиб, кўкка кўтарилиб, кўздан ғойиб бўлишибди. Қизгина-қуш ҳам улар кетидан осмону фалакка талпинибди. Инлари ёнма-ён бўлганлигидан Қизгина-қуш беихтиёр уларнинг қўшиқларини севиб, улар ҳаёти билан яшай бошлаган экан-да. Бундан ташқари, Бегона қушлар Ўғлони унга кўнгил қўйиб, уни ўз юртига чорлаган экан.

Она Қуш қанотларини ёйиб, қизининг йўлини тўсипти:

— Э, тентаккинам, ёшлик-бебошлик қилма! Енгилтаклик қилма! — Кўзларига ёш қуйилипти унинг. — Болажоним! Шу элда туғилгансан, шу эл орасида яшаб, ғамини чекиб, шодлигига шерик бўлмоғинг лозим! Мовий қушлар ҳеч замонда ўз юртларидан воз кечиб, олислардан, гуллаган диёрлардан бахт излашмаган!

— Онажон! — кўзларини ерга қадабди Қизгина-қуш. — Менинг дардим сизга ошкора... Мен уни севаман! У мени ўз оиласига чорляпти. Унинг диёрини кўргим келаяпти! Дунёда яралганимдан бери, ҳали ўз қўшиқларимизни англаб етмай туриб, улар ҳаёти, уларнинг қўшиқлари билан яшадим. Мен уларга жўр бўлгим келяпти!

— Жони бошқа дард билмас. Уларнинг қўшиқлари ўз қўшиғингдек бўлмайди ҳеч қачон, болажоним, тушун...

Аммо она у деса, қизи бу депти. Ниҳоят, қизини раъйдан қайтара олмаслигига кўзи етган Она Куш, уни Мовий қушлар салтанатининг шоҳи томон бошлапти. Шоҳ балки қизни бу йўлдан қайтарар, деб умидланибди.

— Қароринг қатъий бўлса, бўтам, бу диёрга қайта қадам қўймас даражада кетишингни англаб етдингми? — сўрабди шоҳ Қизгина-қушдан.

— Англаб етдим!

— Қадим замонлардан қўшиқларимизга ўзга садо аралашмаслигини, мовийлигимизга ўзга жило юқмаслигини муқаддас билиб, асраб келганмиз, — дебди шоҳ. — Одамлар ҳаётимизга аралаша бошлаганларидан сўнг, қутлуғ эътиқодимизга шикаст етди. Сен ҳам шу йўлни маъқул кўрибсан, бўтам, майли, йўлингга ғов бўлмаймиз... Бизнинг жазоимизсиз ҳам сен ўзингни, қалб ва рунгингни дўзах азобиға тайёрляясан... Бор. Боравер...

Қизгина-қуш нозик қанотларини силтаб-силтаб, кўкка парвоз этиб, Бегона қушлар галасига қўшилиб, Ўғлон-қуш паноҳида учиб кетибди. Бегона қушлар юртига етиб келиб, улар ҳаёти билан яшаб, улар чеккан ғамни чекиб, уларнинг шодликларига шерик бўлиб, улар куйлаган қўшиқларни куйлаб, севиб-севилиб яшайверипти.

Бироқ жазирама ўлканинг иқлимига кўника олмагани туфайлими, аввалдан бир оз заиф бўлганиданми, тез орада мажруҳланиб, инида миҳлангандек мўлтираб ўтирадиган ҳолға тушибди. Севиклиси уни эъозлаб-авайлаб, атрофида парвона бўлганидан, бунга у қаттиқ ўкинмабди. Йиллар ўтгани сайин диёрини, элатини онда-сонда эслаб... Кейинчалик бутунлай унутиб ҳам қўйибди. Ана шунда...

Кунлардан бирида полапонлари — болажонлари қанотларини ёйиб, парвоз этишаётганини кузатиб ўтирганида, қаердандир нотаниш, аммо Қизгина-қушнинг юрагини бир лаҳзагина ҳаяжонда қолдирган хониш элас-элас эшитилипти.

— Бу қандай қўшиқ? Ким куйляпти? — сесканибди Қизгина-қуш.

— Ҳа, буми? — сергакланипти севиклиси. — Ким билсин... Адашган биронта қушдир-да!

Уша кундан бошлаб Эр-қушнинг ҳаловати бузилибди, зероки ёрининг бу хониш эшитилган кезлар кўзларидан мунг аримас экан. Эр-қуш қачонлардир уни мафтун этиб, ортидан эргаштира олган ажойиб қўшиқларини яна куйлаб, ҳар қачонгидан кўпроқ фидойилик кўрсата бошлапти. Лекин Қизгина-қушнинг кўнглига қайта йўл топа олмабди.

— Азизим, сенга нисбатан эътиборим сусайдими? Кўнглингга бирон озор бердимми? Нима бўлди? — Охири сабр косаси тўлиб, сўрабди Эр-қуш.

— Нега бундай хаёлларға боряпсиз?

— Кўзларингни мунг тарк этмай қўйди, бунга бардош бера олмаяпман, азизим!

— Мен сиздан ҳамиша миннатдорман, ҳаётимдан хурсандман, бахтиёрман! Ишонинг! — Қизгина-қуш шундай депти-ю, унинг кўзларидан икки томчи ёш чиқиб, Эр-қушнинг қанотиға инипти.

— Ёлғон... ёлғон ораламасин ҳаётимизға, азизим!

— Мен ҳам шунинг тарафдориман. Билсангиз эди! Тушунтира олсам эди...

Эр-қуш тушунибдики, адашган қушнинг овози ўзининг болалик кунларини, ота-онасини, диёрини Қизгина-қушнинг ёдиға соляпти. Бу овоз янграган сайин, унинг қалбидан бир парчасини юлқиб-узиб олиб кетяпти. Шундай давом этаверса, ёрини йўқотиб қўйиб, хонумони куйишини ҳис этибди Эр-қуш.

У шундан сўнг бир куни адашган қуш — Мовий қуш томон йўл олибди. Оқиқчасига гаплашмоқчи бўлибди. Мовий қуш:

— Сизға бунга англаб етиш мушкул, ниҳоятда мушкул, дўстим, — дебди унга. — Сизлар бу нарсаға анчайин жўн қарайсизлар. Бизнинг маънавий дунёмиз чигалроқми, қон чақириғи бизда қудратлироқми, шунақа. Қондошинг томон тартаверади. Биз ҳозир у ёқда эмасмиз, бу ёқларда ҳам йўқмиз...

Лекин шу суҳбатдан сўнг хониш эшитилмай қолибди. Бир неча кун шундай бўлибди. Сўнгги пайтлар ўзича хониш қилишни одат қилган Қизгина-қуш ҳам бор иродасини йиғиб, сукутға чўмибди. Лекин орадан бир ҳафтами, кўпроқми вақт ўтгач, бир куни қанотларини шунчаки силкитиб, аста ёйиб, кўкка томон чўзипти. Ажабо, қанотлари унга бўйсунибди. У бундан — ҳам ҳайратланиб, ҳам қувнабди. Эр-қуш ҳам севиниб, унга парвона бўла бошлапти. Бироқ шу пайтда

қаердандир, яқин бир жойдан яна хониш эшитилибди.

— Бу ким? — сўрапти таажжубланиб-хуркиб Қизгина-қуш.

— Мовий қуш бу, — дебди севиклиси.

Ана шунда Қизгина-қуш қанот қоқипти. Яна, яна. Ниҳоят, парвоз этибди. Ини атрофида бир-икки айланиб, учаётганига ўзи ҳам ишониб-ишонмай, юраги ҳовлиқипти.

— Қулайсан, жоним, эҳтиёт бўл, қўна қол тезроқ! — ёлворибди унга ёр-йўлдоши.

Аммо Қизгина-қуш сезибдики, нафасини ростлаш учун бир лаҳзагина инига қўнса, бас, куч-қудрати сўниб, яна қанотлари қайрилиб, инига миҳланиб қолиши аниқ.

У ақл бовар қилмас даражада қанот силтаб-силтаб, кўкка интилиб, қўшиқ эшитилган томон учибди-кетибди.

Эр-қуш бу ҳолатни кўриб, шаҳд билан кўкка кўтарилиб, қорли қоя томон учиб, тоғнинг ўткир тиғига ўзини урипти...

Бу воқеаларнинг гувоҳи бўлган Бегона қушлар шоҳи Мовий қуш билан Қизгина-қушни тутиб келишларини буюрипти. Уларни тутиб келишгач, ўт ёқишни амр қилибди. Гур этиб гулхан кўкка бўй чўзибди. Юракни бурдаловчи, бу ўлка-ларда камдан-кам эшитилган хониш — унутилган қўшиқлар жўр овозда бир лаҳзагина атрофни тутибди. Кейин... Шоҳ қай кўз билан кўрсинки, гулхан чўққисидан алоҳида-алоҳида икки нур сизиб чиқиб, фалакка интилгач, қўшилишиб, бир тутам мовий нурга айланиб... Мовий қушлар диёри томон учиб кетибди...

Бор гап шу.

\*



\*

## Юнон файласуфлари ҳаётидан

Бир файласуфдан сўрадилар:

— Шоҳ нега сени ёмон кўради?

У жавоб берди:

— Ҳукмдорлар ўзларидан ақлли кимсани ёқтирмайдилар.

\* \* \*

Бир файласуф:

— Инсонлар икки оёқли арслондан эҳтиёт бўлмоғи керак, — деди. Арслон деганда у подшоҳларни кўзда тутган эди.

\* \* \*

Искандар Зулқарнайн аскарлари ичида қўрқоқлик қилувчи, жанг пайтида пусиб ётувчи аскарининг исми Искандар эканидан хабар топиб, унга шундай деб танбеҳ берди:

— Ё жангда ботирлик қилиб ном қозон, ёки исмингни ўзгартир, токи одамлар иккимизни адаштириб юрмасинлар...

\* \* \*

Баҳайбат девору қўрғонлар билан ўралган шаҳарни кўриб, бир файласуф шундай деди:


— Бу эркаклар эмас, аёллар яшайдиган макон экан...

\* \* \*

Бир файласуф-зоҳид подшоҳдан танга сўради. Подшоҳ:

— Танга инъом қилиш ҳукмдорларнинг обрўсини туширади, — деди. Шунда файласуф ундан олтин инъом қилишни сўради.

— Олтиннинг эса зоҳид учун ҳеч ҳам зарурати йўқ, — деб жавоб берди подшоҳ.



Салим Ашур

## ЮРАГИМГА ЭЛТАР ЙЎЛ

\* \* \*

Кўм-кўк дарахт, кўм-кўк мамлакат,  
Қушлар қўниб кетгувчи ошён.  
Яшил туғлар тутган раият,  
Фалакка йўл солган кўк исён.

Кўм-кўк тож-тахт — тунда сарғимтил  
Бойўғлилар қўниб олурлар.  
Отилмаса агар тош, яшин  
Юртда ҳоким бўлиб қолурлар.

Кўм-кўк фонус, кўм-кўк фаввора,  
Сарғаяр илк кирпич — кўк қаср.  
Қадим юртни қилар тўрт пора  
Зардолуд ўт — арғувон аср.

\* \* \*

Булутлар —  
пайғамбардай осмондан тушиб келади,  
Бургутлар —  
фариштадай учар фалакка.  
Болақай жаҳонни унга белади,  
Она чиқиб кетган эди элакка.

Мақсудини унутиб,  
Тушидан сўзлар аёл:  
«Миннатли нон егандан  
Тошни тишласам ҳалол...»

Дунёга ям-яшил байроқлар сочиб,  
Қирдан эниб келди бир авлод майса.  
Буғдой доналари кўзларин очиб,  
Кўтариб чиқдилар бир қучоқ найза.

Дўстга зор,  
Душманга хор қилма деб,  
Яхшида йўқ,  
Ёмонда бор қилма деб.

Сўзлар —  
илонлардай судралиб борар,  
Гирвод боғлаб қўйган само кўзини.  
Ёзиб ёруғ куннинг қора қулочин,  
Лочин  
шўр кўпчиган пешонага отди ўзини.

Ҳилол — илоннинг тили,  
Ҳар учидан томар дур.  
Чорлайди сомон йўли,  
Ярим ойга қараб юр.

Булутлар —  
пайғамбарлардай осмондан тушиб келади.

\* \* \*

«Хайр!» —  
капалакдай учди лабингиз,  
Менинг сўзларимга киради титроқ.

Кафтингиз қалқондир жоним ўқига,  
Менинг қўлларимга киради титроқ.

Ой каби кетяпсиз...  
Дарахтман — узолмам занжирларимни,  
Менинг йўлларимга киради титроқ.

Ўтиб кетмоқдасиз... Ой сари.

\* \* \*

Осмон яна тўлиб кетди,  
Яна тошиб кетди осмон.  
Юраккача етди, етди  
Суяккача тиғи ҳижрон.

Ватан олис, юртим олис,  
Меҳр узоқ, ишқ узоқ.  
Балки кутар мени бир қиз,  
Кўзёшлари оқизоқ.

Исинади чувоқда қуш,  
Уфқ оша кун оғар.  
Излаб юрдим, юрдим беҳуш,  
Ёмғир ёғар, қор ёғар.

Эҳтимолки, дарёларда  
Менга битган хат оқар.  
Менсиз қолар дунёларда  
Қор ёғар, ёмғир ёғар.

## Орқага

Шамолдай бурилдим, лекин йўқ  
На из, на йўл.  
Буғдойзор ёқалаб бир чизик —  
Енгининг ичидан чиқиб қочган кўл.

Айвонимда ёнмади чироқ — мен чекиндим уйимни олиб.  
Этагимга йиғлаб ёпишди — мени олиб кет деб томорқа.  
Қимирлатди ерни зилзила — қимирлатди қалбни ҳаяжон.  
Қимирлатди халқни қалб — кетдим юрагимни излаб орқага.

Булутлар тўлқин-тўлқин,  
Юлдузлар сўлғин-сўлғин.  
Юлиб пастга итқитилган юлдузжон  
Панжалари орасида бир парча сиёҳ осмон.  
Юрагим қолган йўлим — титрар бармоқ учида,  
титрар бармоқ учинда.  
Ҳар саҳарда қуёш билан бир сафарга чиқаман — юрагимни  
кўргани.  
Қуёш баландлигидан қалбимга кўз ташлайман — юрагимга  
қарайман.

Сувлар қайтмаса қайтмас, шамол қайтмаса қайтмас,  
Мен изимга қайтаман, мен ўзимга қайтаман.

Аммо менинг йўлим йўқ: қайси томонга борай, қайси тарафга  
юрай,

Юрагимга элтар йўл, изим йўқ-ку тупроқда.  
Юрагимга элтар йўл қиз қалбининг ичида,  
қиз қалбининг ичинда.

Киприкларим тирнайди тонгни,  
Йиртилади тонгнинг тўрваси.

Қушларнинг сўзлари тўкилар шовуллаб,  
Тўкилар дунёнинг бор қиёфаси.

Юлдузлар хира-хира,  
Тун гули сўлар-сўлар.  
Кундузлар тийра-тийра — ёруғ осмон кунжида,  
ёруғ осмон кунжинда.

\* \* \*

Хонтахтанинг битта оёғи кетган,  
Кераксиз ва митти қўлтиқтаёқдай.  
Пиёла лабига юлдуз бир чертган,  
Чойнак кўсак каби очилсайди-ай,  
Жангда синган пичоқ, нақадар зўрсан!

Дастурхон — мен қочиб келган мамлакат,  
Бирорта тош йўқми кўксимга урсам?!  
Мендан юз ўгирди ой чаноқлари...  
Кўнглим кўчасида базмлар қурсам,  
Дастурхонда фақат нон ушоқлари.

Олов, юрагимни илитиб бергин,  
Суюгим хўрликда музладилар-ай.  
Хаёлларим янглиғ кўпайгин, гугурт,  
Ойдан хабар келтир, тилингдан ўпай,  
Калтакесак, сўнгра кипригимни ют.

## Қоғоз кема

Қалқиб кетма, оқиб кетма, Кетсанг мени олиб кет! Қоғоз кема, манзил етмай, Баҳрларда қолиб кет!	Кимга ташлаб кетдинг мени? Менинг муродимга ет. Эй севгининг бўйи, эни, Майли, ёниб, чўкиб кет.
--	--

Эй нажотдан ҳалол томчи, Само янглиғ оқ елкан. Сендан айру кўп алдамчи, Соҳил синиқ — тонг елган.	Дунё бўлолмас сенга юк, Жоним монанд титрама. Кўзёшимни тамуйга тўк, Хаёлимни судрама.
--	---

.... Қалқиб кетма, оқиб кетма,  
Кетсанг мени олиб кет!  
Қоғоз кема, манзил етмай,  
Баҳрларда қолиб кет!





Асрор Мўминов

## АГАР БИР КУН МАЙСА БЎЛИБ...

### Ўхшашлик

Жумбоқ шу:— Бир одам эзилар ғамда...  
Унга топиш керак нажот йўлини.  
Ўйладим, имкон йўқ сира оламда,  
Ҳатто кўтаришга жиндай кўнглини.

Охир шаҳар бердим айтган кишига,  
Жавобни эшитиб бўлдим ҳангу манг.  
Гўё, ғамли кунлар кирган тушимга,  
Ўйғониши керак экан у одам.

Ёрим ташлаб кетди... Мени қайғудан  
Энди ҳеч бир тадбир қилолмас халос.  
Кошки бу туш бўлса. Мени ўйқудан  
Ўйғониб кетмоқлик қутқарар, холос.

### Эзар

Қалбимни ишқдан мерос пинҳон нишонлар эзар,  
Қуш каби бир лаҳзалик меҳмон ҳушонлар эзар.

Тушимга ҳам чеки йўқ чўл-биёбонлар кирар,  
Бир ёққа юрай десам пайҳон хазонлар эзар.

Токай яшашим керак дардимни ичга ютиб,  
Эркимни тарк айлаган жайрон замонлар эзар.

Тавофга борар эсам изларини соғиниб,  
Васл дамларимга гувоҳ мезбон маконлар эзар.

Бу бошима жудолик ғамлари етмасмиди,  
Ҳаётда учрайдиган ёмон томонлар эзар.

Азал-абад насибдур муҳаббат шаънига тош,  
Баъзи юраги кесак гапдон нодонлар эзар.

Эй Асрорий, асроринг ошкора этдинг нега,  
Энди ҳолингни сўраб ҳолдон ёронлар эзар.

## Армон

### I

Агар бир кун булут бўлиб қайтсанг дунёга,  
Мен шамолга айланардим ўшал бахтли кун.  
Қўлларимда кўтарганча сиғмай самога,  
Сен хоҳлаган томонларни кўрсатмоқ учун.

Агар бир кун майса бўлиб қайтсанг дунёга,  
Мен булутга айланардим ўшал бахтли кун.  
Ёмғиримни сепар эдим сендай гиёҳга,  
Ёзнинг иссиқ кунларида яшнатмоқ учун.

Агар бир кун кийик бўлиб қайтсанг дунёга,  
Мен тоғларга айланардим ўшал бахтли кун.  
Осмонўпар тўсиқ қўйиб аҳли риега,  
Яйрашингга қулай имкон яратмоқ учун.

Агар бир кун ўзинг бўлиб қайтсанг дунёга,  
Мен ҳаётга айланардим ўшал бахтли кун.  
Барҳаётлик бериб сендай пари сиймога,  
Бу дунёни ном-нишонсиз тарк этмоқ учун.

### II

Мен юрак дардимни баҳорга айтдим,  
Қизғалдоқлар ила қабрингни кўмар.  
Мен юрак дардимни чинорга айтдим,  
Қуллуқ қилиб, қабринг қошида турар.


Мен юрак дардимни булутга айтдим,  
Қабрингга мен каби тўкар селоб ёш.  
Мен юрак дардимни сукутга айтдим,  
Узун тунлар сенга бўлади сирдош

Мен юрак дардимни ҳилолга айтдим,  
Қабрингга мен аби маъюс тикилар.  
Мен юрак дардимни шамолга айтдим,  
Қабрингни мен каби авайлаб силар.

Мен юрак дардимни офтобга айтдим,  
Ҳар куни қабрингни ёруғ этади.  
Мен юрак дардимни китобга айтдим,  
Сенинг хотирангни ёдда тутати.

Шукур, юрагимда қолмади дардим,  
Энди менинг қабрим армон тўлдирмас.  
Чунки «у дунёда ишонганларим,  
Севгилим қабрини ёлғиз қолдирмас.





## Боштин ёротқой оламе

Топмадим аҳли замон ичра бир андоқ ҳамдаме,  
Ким замон осебидин бир-бирга айтишсоқ ғаме.  
Кимки даврон соғаридин дам-бадам хуноб ичар,  
Ғам йўқ ар ҳар дам ғамин айтурға топса ҳамдаме.  
Чарх узукнинг ҳалқасидур, лек ҳар кавкаб анга,  
Қатл учун остида қилғон захр пинҳон хотаме.  
Йўқ фароғат даҳр ароким, шомдин сочин ёйиб,  
Ёғдуруб ашкин тутар ҳолингға ҳар тун мотаме.  
Гар будур олам, кишига мумкин эрмас анда ком,  
Ҳақ магарким, ком учун боштин ёротқай оламе.  
Йўқ вафо жинси бани одамда, бўл навмедким,  
Сен вафо кўрмак учун халқ ўлғуси йўқ одаме.  
Нукта нозук бўлди асру, бўлғай эрди кошки,  
Шаммае бу рамздин зоҳир қилурға маҳраме.  
Дарду захм ўлмиш ичу тошим, қадаҳ қуй оғзима,  
Соқиё, кўксума лойидин доғи ёқ марҳаме.  
Давр аро суҳбат бу янглиғдур, Навоий, тонг эмас,  
Нолаю фарёди бирла гар тузар зеру баме.

Олам ва одамзод орасидаги сирли муносабатлар мантиғи ҳамиша Алишер Навоий ижодининг марказида тургани маълум. Олам яшашга бопми? Одам унда бахтиёр бўла оладими? Ҳаётдаги одамлар аввало одамийми? Жаҳон аҳлида рисоладаги ОДАМ борми? Олам шундай қолаверадими ёки уни ўзгартиришга қодир инсон яраладими? Одамлар вафо нималигини биладиларми? Бир-бирларига вафо қиладиларми?..

Даҳо шоиримизнинг «Топмадим аҳли замон ичра бир андоқ ҳамдаме» мисраси билан бошланадиган ғазали ана шу ижтимоий муаммолар юзасидан фикр юритишга бағишланган. Шоир жамиятни инсоф, адолат, вафо ва одамийлик ришталаридан тўқилган ғаройиб «ғалвир»дан ўтказишга чоғланди. Ғалвир бир силкингани ҳамоно... унда не на олам, на одам қолади!

Алишер Навоий «Навосиз улуснинг навобахши бўл!» шиорини дастур қилиб олиб, жамоат арбоби ва даҳо санъаткор сифатида элига бир умр хизмат қилди: салтанатни ва одамларни ўзи истагандек кўриш учун сўнгги лаҳзагача жон чекди...

Ғазалда эса, ана шундай фидойи киши — элнинг маънавий раҳбари қўлидаги бўш ғалвирга боқиб, гоҳ ўкириб дод солади, гоҳ унсиз инграйди...

Топмадим аҳли замон ичра бир андоқ ҳамдаме,  
Ким замон осебидин бир-бирга айтишсоқ ғаме.

Замондошлар орасида давр кўргиликларини айтишиб, дардлашадиган бир ҳамдам йўқ. Ахир:

Кимки даврон соғаридин дам-бадам хуноб ичар,  
Ғам йўқ, ар ҳар дам ғамин айтурға топса ҳамдаме.

Даврон қадаҳидан лаҳза-лаҳза зардоб ичадиган кимса, ҳеч бўлмаса ўз дардини эшитадиган бир ҳамдам топса, изтироб чекмаса ҳам бўларди.

Ўрта асрлардаги мукамал одамнинг фожиаси ҳам шу. Алишер Навоийнинг шахсий фожиаси ҳам шу: замон фалокатлари ҳақида дилдан ҳасратлашадиган улфат йўқ! Зотан, фалак дастидан қону зардоб ютиш бир азоб бўлса, дарду ғамингни бировга тўкиб сола олмаганинг, ундан ҳам ўтиб тушади.

Фалак — осмон ҳалқаси, юлдузлар инсоният учун қандай хизмат қилади? Лирик қаҳрамон кутилмаган ўхшатишлар асосида қуйидагича теран мулоҳаза юрита бошлайди:

Чарх узукнинг ҳалқасидур, лек ҳар кавкаб анга  
Қатл учун остида қилғон захр пинҳон хотаме.

Фалак — узук ҳалқасидир. Лекин ундаги юлдузларнинг ҳар бири кишиларни ўлдириш учун ичига захар жойланган узук муҳридир.

Шоҳона узукни тасаввур этайлик: узукнинг олтин гирдишига бир неча инжу қадалган ва ёзув битилган кўзлари бор. Узук шоҳга муҳрлик вазифасини ҳам бажаради. Айни пайтда узукнинг ҳар бир кўзи остига захар зашириб қўйилган. Ахир ўтмишда қанчадан-қанча шоҳ ва шаҳзодалар бир-бирларини захарлагани маълум. Шоир фалак ва юлдузларни узук ва унинг кўзлари даражасигача кичрайтирса ҳам, ундан келадиган фалокатларни бўрттириб тасвирлайди.

Ана шундай фалокатлар тимсоли бўлган фалак доираси остида инсон ҳоли не кечади? Ҳаётда осойишталик ва фароғат борми ўзи?

Йўқ фароғат даҳр ароким, шомдин сочин ёйиб,  
Ёғдуруб ашкин тутар ҳолингга ҳар тун мотаме.

Жаҳонда осойишталик йўқ. Шунинг учун ҳам фалак ҳар тун тўсдай қора сочини ёйиб, кўз ёшларини тўкиб сенинг ҳолингга мотам тутади.

Олам ҳақида маълум тасаввур ҳосил бўлди. Хўш, энди шу олам яшашга муносибми? Бунда инсон учун бахт-саодат ва шодлик деган эзгу нарсалардан асар борми? Ижтимоий ҳаёт ақлга, инсоф мезонига мувофиқми?

Гар будур олам, кишига мумкин эрмас анда ком,  
Ҳақ магарким ком учун боштин ёротқой оламе.

Олам шундай яралган экан, киши мақсадига эриша олмайди. Балки тангри қайта бошдан янги бир олам яратар?!

Алишер Навоийдек ўз даврининг асл фарзанди, тасаввуф маъносида айтсак, худо жамоли фидойиси тангри яратган оламни мақсадга номувофиқ топмоқда ва бутунлай янги — инсон бахт-саодатга ета оладиган бошқа дунё яратилишига умид боғламоқда...

Мавжуд олам инсонга бахт бера олмас экан, ундаги одамларнинг ўзи қандай? Одамларда меҳр-оқибат, вафо борми?

Йўқ вафо жинси бани одамда, бўл навмадким,  
Сен вафо кўрмак учун халқ ўлғуси йўқ одаме.

Одам фарзандида вафо йўқ. Сен умидингни узавер. Чунки Оллоҳ биргина сени вафо кўрсин деб бошқача бир одам яратмайди.

Оллоҳ бунёд этган Оламда бахтиёр яшаш мумкин эмас. Нажот қаерда ўзи?

Нукта нозук бўлди асру, бўлғай эрди кошки,  
Шаммае бу рамздин зоҳир қилурға маҳраме.

Бу масалани ёритиш, талқин қилишнинг ўзи ўта нозик, қийин. Кошқийди ана шу рамз-асрорлардан озгинасини англайдиган, ўртоқлашиши мумкин бўлган сирдор топилса... Афсуски, у йўқ. Шу туфайли лирик қаҳрамоннинг ичи дардга тўла. Бу дунё ғам-аламини бир лаҳзага бўлсин унутиш учун фақат биргина йўл — май ичиш. Шоир:

Дарду захм ўлмиш ичу тошим, қадаҳ қуй оғзима,  
Соқиё, кўксума лойидин доғи ёқ марҳаме.

Ичим дардга, таним жароҳатларга тўлди. Эй соқий, оғзимга қадаҳни қуйгин-да, қуйқасини кўксимга малҳам қилиб сур...

Ҳа, олам ва одам қисматига ўзини масъул деб ўйлайдиган мутафаккир ана шундай маънавий ва жисмоний изтиробда яшади. Шунинг учун унинг сўзлари, фикрлари жамият асосларига бориб тақалади.

Давр аро суҳбат бу янглиғдур, Навоий, тонг эмас,  
Нолаю фарёди бирла гар тузар зеру баме.

Улуғ шоирнинг бундай юксак фикрлари ўз замонаси ва келажак учун ҳамisha долзарблигини сақлаб қола олади. Бу ғазал ёзилганига беш асрдан ошяптики, илғор инсоният ҳамон одам бахтиёр бўла оладиган, кўпчилик саодат топадиган олам орзусида яшаб, курашмоқда. Мутафаккир шоирнинг «бошдан янги олам яратиш» орзуси бугунги кунда ҳам асл фарзандларнинг фикрини банд этиб, уларни курашга даъват этмоқда.

**Ваҳоб РАҲМОНОВ,**  
филология фанлари номзоди.

----- \* \* -----

## Форс донишмандлари ҳаётидан

\* \* \*

Бир донишманд деди:

— Доно одам ҳамма ердан яшаш учун манба топа олади, тентак эса бу манбани фақат отасининг уйидангина излайди.

\* \* \*

Хусравдан сўрашди:

— Уғилларинг ичида қайси бирини кўпроқ ёқтирасан?

У жавоб берди:

— Уз сўзида собит турувчи, беорликдан ҳазар қилувчи ва улуғ мартабага мунтазам интилувчи ўғлим кўнглимга яқиндир.

\* \* \*

Бузургмеҳр деди:

— Бу дунёнинг адолатсизлиги шундаки, у инсонни меҳнатига яраша тақдирламайди, ё хизматини ошириб баҳолайди, ё камситиб.

\* \* \*

Ардашер деди:


— Ҳукмдорлар ғазабланган пайтларида ҳам гуноҳкорга нисбатан шафқатли бўлмоқликлари керак. Токи гуноҳкорни энг муҳим нарсадан маҳрум қилиб қўямасинлар...

\* \* \*

Подшоҳ ғазабланиб Бузургмеҳрни қатлга буюрди. Буни эшитган Бузургмеҳрнинг қизи уйдан ялангбош чопиб чиқди, дор тагига борганда эса рўмол ўраб олди. Подшоҳ бунинг сабабини сўраганда, қиз шундай жавоб берди:

— Отам ҳузурида бошяланг туриш ҳурматсизликдир...





«БОБУРНОМА»НИНГ 460 ЙИЛЛИГИГА

## МУКАММАЛ НАШР ЙЎЛИДА

Жаҳон маданияти тарихида шундай улуғ сиймолар борки, асрлар ўтиши билан улар қолдирган мерос тобора кўпроқ кишилар хонадонига кириб боради, қалблар тўридан жой олади, дунё халқлари адабий ҳаётининг ажралмас қисмига айланади.

Бобурнинг адабий мероси ҳеч қачон ўзининг тарихий-маърифий, илмий қиммати-ни йўқотган эмас. Унинг асарлари Шарқ ва Ғарб тарихчиларининг диққатини тортиб келаётир.

Беназир ижодкорнинг XV—XVI аср ўзбек тилининг ноёб обидаси, ўзбек насрининг нодир ёдгорлиги, тарих, жуғрофия, этнография ва фаннинг бошқа соҳалари ҳақида қимматли маълумот берувчи машҳур «Бобурнома» асари ўнлаб жаҳон халқлари тиллари-га таржима қилиниб, турли миллат китобхонларининг кўнгил мулкига айланган.

Унда XV аср охиридан XVI асрнинг 30-йилларига қадар, 12 ёшга қадам қўйган Бобурнинг тахтга чиқишидан то Афғонистон, Ҳиндистонни эгаллаб, катта салтанатни барпо этишигача бўлган воқеалар қаламга олинган. Муаллиф ҳар қайси йил ҳодисалари-ни алоҳида-алоҳида ҳикоя қилган.

Асарнинг ёзилиши ёки тартиб берилиш вақти ҳақида турли хил мулоҳазалар мав-жуд. Муаллифнинг эса бу тўғрида аниқ бир ишораси йўқ. Шунга қарамай, «Бобурно-ма»ни мутолаа қилиш, хорижий тиллардаги таржима ва тадқиқотларни ўрганиш, асар-даги манбалар, ёзилиш услубини диққат билан кўздан кечириш китобнинг 1525—1530 йиллар орасида битилганига ишонч уйғотади.

«Бобурнома»нинг француз таржимони Паве де Куртейль инглиз шарқшунослари Лейден ҳамда Эрскиннинг фикрига қўшилиб, «Бобурнома» шоир ҳаётининг сўнгги йил-ларида ёзилган ва асар тугалланмай қолган, деган фикрни илгари суради. «Бунга асл нусха ва форсий таржималарнинг тўла эмаслиги далилдир»,<sup>1</sup> дейди таржимон: «Тузуки Бобурий» ёки «Бобурнома» Ҳиндистонда ёзилганга ўхшайди»,<sup>2</sup> дея таъкидлайди инглиз олимаси Беверж хоним.

«Бобурнинг эсдаликлари турли вақтларда битилган кўринади. Асарнинг Фарғона қисми х о т и р а асосида тикланиб, Ҳиндистон ишғол қилингандан кейин т а ҳ р и р қилинган бўлса, қолган қисмлари хомаки матн асосида ёзилганга ўхшайди»<sup>3</sup> (барча таъкидлар бизники — Н. О.).

Бундай мулоҳазалар келиб чиқишга, фикримизча «Бобурнома»нинг бизгача етиб келган тўла нусхаларидаги услубнинг и к к и х и л л и г и сабаб бўлган.

Бу икки хилликнинг боиси шундаки, Бобурнинг ворислик туфайли тахтга ўтиришдан то Шайбонийхондан шикаст еб, Афғонистонга юзланганигача бўлган давр воқеалари маълум даражада, у м у м и й тарзда баён қилиниб, айрим ўринларда кейинги йиллар-да юз берган ҳодисалар ҳам тилга олиниб борилади. Асарнинг Ҳиндистон қисмида эса вақт аниқ кўрсатилади, ҳафтанинг қайси куни эканлиги, айрим ҳолларда эса воқеалар куннинг қайси пайтида содир бўлгани алоҳида таъкидланади. Бу ҳол асар 1525—1530 йиллар орасида, Фарғона ва Кобул қисмлари эса хотира асосида битилганлигидан далолат беради.

Масалан, муаллиф 909 (1503—1504) йил Афғонистон воқеалари тўғрисида сўзлар экан, Ҳиндистонда Султон Иброҳим Лўдийни енгганини таъкидлаб, уни қуйидагича баён этади: «Мен аксар Ҳиндустон черикларигаким келдим, гузарлар била ўтдим. Бу нав-

<sup>1</sup> Қаранг: Ҳиндистон тарихи. Профессор Жон Давсон томонидан нашрга тайёрланган. Калькутта, 1872, 13-бет.

<sup>2</sup> «Бобурнома»нинг туркий қўлёзмалари. «Ройл Азиатик» журнали. 1900 й., июль, 441-бет.

<sup>3</sup> Лейн Пуул. Бобур. Оксфорд, 1899, 13-14-бетлар.

батким, келиб Султон Иброҳимни босиб олиб, Ҳиндустонни фатҳ қилдим, Нилоб гузаридин кема била ўтдим».

Бу далолат муаллифнинг ҳижрий 909 йил воқеаларини Ҳиндистонда ёзганига ёки аввалги ёзганларини таҳрир қилганига шубҳа туғдирмайди.

«Тарих санаи 925 ҳ. (1519) даким, Чағонсаройниким келиб олдим, тавоф қилиб эдим». Бу ерда ҳам Бобур Афғонистон воқеаларини ўқувчига эслатиб ўтаётир.

Бобурнинг 47 йилу 10 ой умр кўргани, 36 йил давлатни бошқаргани бизга маълум. «Бобурнома»нинг асл нусхаси ва кўчирилган қўлёзмаларида ана шу давр мобайнида юз берган воқеалар жамулжам бўлиши керак эди. Афсуски, айрим воқеаларнинг қисқа, айрим ҳолатларда тўла эмаслиги туфайли салкам 18 йиллик тарих баёни китобда ўз аксини топмаган. Натижада «Бобурнома» чала ва номукаммал асар ҳолига келиб қолган. Масалан, унда ҳижрий 910 йил, 915 йилдан 925 йилгача, 927 йилдан 932 йиллар оралигидаги ва 936—937-йиллардаги воқеалар баёни жуда қисқа берилган. Баъзан эса бутунлай йўқ.

Асардаги узилишлар олимларни турли тахмин, тусмолларга етаклади, ҳар хил фикрлар ўртага ташланди. Айниқса, инглиз шарқшуносларидан Ж. Лейден, В. Эрскин, Л. У. Кинг, А. С. Бевериж хоним ҳамда француз таржимони Паве де Куртейлнинг «Бобурнома» воқеаларини таъмирлаш йўлида олиб борган меҳнатлари таҳсинга сазовордир. Улар орасида Бевериж хоним таржимаси ва тадқиқоти алоҳида ўрин тутди. У нисбатан мукамаллиги, илмий аниқлиги билан шарқшунослар эътиборига тушди. Ҳозирга қадар Ҳайдарободда сақланаётган қўлёзма, барча таржима ҳамда илмий тадқиқот ишлари учун асосий нусха вазифасини ўтаб келаётир. Бевериж хоним даврий узилишлар давомида бўлиб ўтган воқеаларни тиклаш учун тарих, этнографияга оид 30 дан ортиқ, ҳайвонот ва ўсимликлар оламига оид 20 га яқин, 15 дан ортиқ ишончли луғат ҳамда бошқа ноёб манбаларни қиёслаб чиқди. Бобурнинг ҳарбий юришларини акс эттирувчи харитани тиклаш учун 40 га яқин ишончли картографик объектларни синчиклаб ўрганди ва асарнинг матний, далилий жиҳатдан яхлитлигини таъминлашга ҳаракат қилди.

Воқеалар тадрижидаги узилишлар, даврий камчиликлар ҳақиқатан ҳам «Бобурнома»нинг мукамал нусхалари барпо этилмасдан туриб, айрим тасодифий сабабларга кўра йўқолиб кетганлигидан далолат беради. Зотан, айрим воқеалар, кичик белгиларни-да жиддий эътибор билан баён этишга интилган Бобур бир неча йиллик тарихий воқеаларни четлаб ўтолмас эди.

Ҳақиқатан ҳам, «Бобурнома» бизгача чала, тўлиқ бўлмаган бир асар ҳолида етиб келган. Уни турли-туман тилларга ағдарган кўп сонли таржимонлар қўлларига тушган ҳар хил нусхалардан фойдаланишган, натижада воқеалар моҳияти бузилган, изчиллик заҳа топган, жумлалар тушиб қолган ёки меъёрига етказиб таржима қилинмаган.

Лейден, Эрскин, А. С. Бевериж хоним ҳамда Паве де Куртейль таржималарининг таҳлили бир қанча манбалар ёрдамида даврий жиҳатдан хийла тўлдирилганини кўрсатса-да, ўз навбатида, уларда ҳам бир қатор жиддий нуқсонларга йўл қўйилган. Паве де Куртейлнинг шаҳодат беришича, йиллар изчиллигидаги узилишлар асл нусхада ҳам, форсча таржимада ҳам мавжуд. Бу узилишларни бартараф қилишда инглиз шарқшунослари кўп хизмат қилдилар. 1921 йилда Дублин дорилфунуни араб ва форс тиллари факультетининг профессори, ҳинд тарихи мутахассиси, шарқшунос Льюкас Уайт Кинг томонидан «Бобурнома»нинг баъзи бир мулоҳазалар билан бойитилган, қайта таҳрир қилинган, тавсифланган нашри юзага келди. Олим инглизча таржимани нисбатан мукамалроқ бўлган французча таржима билан қиёслаб чиқиб, кўпгина жойларида тўлдиришлар, аниқликлар киритади, асар яхлитлигини таъминлашга интилади. Бундан ташқари у, Бобурнинг Урта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистондаги юришларини акс эттирувчи харита тузиб, китобга илова қилади. Олимнинг ўзи тузган изоҳ ва шарҳлар 4000 дан ошиқдир.

Л. У. Кинг асардаги шеърий парчалар кимнинг қаламига мансуб эканини ҳам аниқлаб, изоҳлаб берган. Қуйида ана шу тўлдирилган, қайта тикланган ўринларидан айрим намуналар келтирамиз. Зеро, улар асарнинг мавжуд ўзбекча ва русча нашрлари учун ҳам асқотади, деган умиддамиз.

## ҲУМОЮН МИРЗОНИ БЕТОБЛИҚДАН ХАЛОС ЭТИШ УЧУН ПОДШОҲ ҲАЗРАТЛАРИНИНГ ЎЗ ҲАЁТИНИ БАХШИДА ЭТИШИ

Бобур Мирзонинг Аградан қайтиши, унинг шимолий-ғарбга қилган юриши ва ўлимидан сўнги тўрт-беш ой орасидаги воқеаларни қизи Гулбадан бегим ва тарихчи Абул Фазл фақат оилага дахлдор ҳодисалар билан тўлдиришга ҳаракат қилишган. Муаллифлар қайд этган шундай воқеалардан бири Ҳумоюн Мирзонинг бетоблиги бўлиб, подшоҳ ҳазратлари бутун бир давлатларини ва салтанатини ўғли Ҳумоюннинг ҳаётини сақлаб қолишга бағишлаган эди. Мазкур воқеанинг тафсиلى шундай: Ҳумоюн Санбалда шоҳ бўлган пайтида қаттиқ асаб касаллигига чалинади; уни дарё орқали Аграга олиб келишади, сўнг опаси уни Митҳарада кутиб олади. Ҳеч қандай муолажа, дори-дармон қор

қилмагач, Бобур Шарқ одатларига мувофиқ касал одамнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун анъанавий ақидага мувожаат қилади: «Ғараз будурким, дунё молидин яхшисини тасаддуқ қилмоқ керак. Бас, ўшал Олмоским (Кўҳи нур), Муҳаммад Ҳумоюнға иноят қилиб эрдингиз, тасаддуқ қилмоқ керак». У гуноҳсиз қизларининг пок номларига қасам ичиб, тўшақда ётган Ҳумоюннинг атрофида уч марта айланиб, худога илтижо қила бошлади: «Худоё, агар жон ўрнига жон бериш мумкин бўлса, менки Бобурман, умри-жонимни Ҳумоюнга бағишлайман». Бу маросимни бажариш вақтида жаннатмакон ҳазратнинг тоблари қочиб, титроқ босиб ва муножоти ижобат бўлганини тасдиқлаб, йиғлаб деди: «Мен кўтардим ҳар не дардинг бор! Мен оғир юкини олдим!» Шу куннинг ўзидаёқ Ҳумоюн подшоҳ ўз бошларидан сув қуйиб, ташқарига чиқдилар ва кўргани келганларни қабул қилдилар, подшоҳ Бобомнинг тоби қочгани туфайли уни ичкарига олиб кирдилар. Яқин икки-уч ой (касал бўлиб) ётиб қолдилар», деб таъкидлайди Гулбадан бегим. Ҳеч шубҳа йўқтурким, Бобурнинг маросим вақтида сидқидилдан тангри таолога муножот этгани ва ишонч билан ҳаётини бахшида қилгани ижобат бўлган эди; бундан ташқари кўплаб далиллар ҳам унинг ўғлига бўлган садоқатини намоён этади. Шу ерда йиғилганлар ҳам, унинг худога илтижо қилиб қурбонликка ҳаётини бағишлаганига ишонишлари керак эди, чунки Ҳумоюн Санбалдан қайтиб келганда, подшоҳ ҳазратларининг касали оғирлашиб, уч кундан кейин ўткинчи дунёдан абадий дунёга кўчган эдилар.

## Бобурнинг вафоти

Гулбадан бегимнинг шаҳодат беришича, ҳазрат подшоҳнинг вафотидан олдинги оилавий ташвишлар орасида Гулранг бегим билан Эсон Темур Султон, Гулчеҳра бегим билан Тўхта Буға Султоннинг тўйлари масаласи ҳам бор эди. Гулбадан бегим яна Мирзо Ҳиндолни кўриш учун чопар юборгани, Ҳиндол мирзо отасининг вафотидан кейин ташриф буюргани ҳақида ёзади. Ҳеч қандай дори-дармон кор қилавермагач, Ҳумоюнни Санбалдан чақиртирадилар. Отасининг ўлимидан тўрт кун олдин у Аграга етиб келади; эртаси куни Бобур саройидаги ҳамма амирларни чақиртириб, Мирзо Ҳумоюнни ўз меросхўри деб тайинлаб, унга бўйсунуш, садоқат билан хизмат кўрсатишларини васият қилади. Унинг сўзларини Абул Фазл яқунлаб, шундай дейди: «Қозию уламолар билан суҳбатда бўлинди. Ҳумоюнга сахий ва ҳақиқатгўй бўлиш, мулкни асраб эҳтиёт қилиш, хато ўтса узр сўраб, гуноҳкор бандаларнинг гуноҳидан кечишдай қимматли масалаҳатлар берилди. Ва у (Бобур): «Агарда улар шунга лойиқ бўлсалар-да, ҳеч қачон уламоларингга қарши чиқма», деб хитоб қилди. «Дарҳақиқат, — деб ёзади тарихчи, — аълоҳазрат, жаннаточиён ўз фарзандларидан кўп жафо чекса-да, аммо бирон марта ўч олмади». Гулбадан бегим ўзининг «Ҳумоюннома»сида фирдавсмакон ҳазратнинг васиятларини қуйидагича таърифлайди: «Эртаси куни ҳамма амирларни чақириб айтдиларким, кўп йиллардан бери Ҳумоюн Мирзога подшоҳлигимни топшириб, ўзим Зарафшон боғининг бир бурчагида турсам, деган фикрим бор эди. Худонинг карами билан ҳамма нарсага эришдим. Лекин мана шу мақсадимни соғ пайтимда қилсам, деган эдим, афсус. Касаллик мени эзиб қўйди. Сизларга васиятим шулки, ҳаммангиз Ҳумоюнни менинг ўрнимда, деб билинглар ва унинг султонлигини камситманглар. У билан мувофиқ ва ҳамжиҳат бўлинглар. Худодан умидим борки, Ҳумоюн ҳам одамларга ўз қиммати ила маъқул келгай. Яна, Ҳумоюн, ака-укаларингни, ҳамма қариндош-уруғ ва ўз одамларимизни сенга, сени эса худога топшираман», дедилар. Тўққиз юз ўттиз еттинчи йил жумодул-аввал ойининг бешинчи куни — душанба куни ҳазратнинг вафот тарихларидир... Фарзандлар, яқин қариндошлар ва бошқа одамларнинг бошларига қора кун тушди», деб давом этади Гулбадан бегим.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг жасадини ҳозирги Тожмаҳал рўпарасидаги Оромгоҳга дафн этишди (у вақтда Боғи Нурафшон дейилган). Хўжа Муҳаммад Али Асасни подшоҳ ҳазратлари мазорига мутавалли қилиб тайинладилар, кўплаб ҳофиз ва қариялар беш вақт намозни жамоат билан ўқиб, хатми қуръон қилиб жаннатмакон ҳазратнинг арвоҳига бағишлаб турадиган бўлишди. Секрини (ҳозирги Фатҳпур) ҳамда 5 лақдан ортиқ экинзорни ҳам ҳазрат мазорининг вақфи қилиб бердилар. Моҳим бегим икки ярим йил мобайнида ҳар куни икки маҳалдан овқат пишириб, ўзи бош бўлиб, ҳазрат шарафига мазорга келиб тарқатдилар.

Бобурнинг васиятига кўра, жасадини Кобулга келтириб, ўзи танлаган боғда дафн қилишди. Қабри устига на бирон бино, на бирон дарахтнинг сояси тушиб турмасди ва ҳеч қандай шайхга ҳам ҳожат йўқ эди. Заҳириддин Бобур аввалроқ Ганг қирғоғидаги Оромбоғнинг ўртасига, муваққат тайёрланган макбарага дафн этилган. Аградан Кобулга унинг хоки туроблари қачон кўчирилганини аниқлай олмадик, деб ёзади таржимон. Гулбадан бегимнинг ёзувларидан маълум бўлишича, Мирзо Комрон ҳижрий 946 (1539) йилда Аграга фирдавсмаконнинг қабрини зиёрат қилгани келган. Жавҳарнинг маълумотларига қараганда, жасад Кобулга ҳижрий 952 (1544) йилдан аввал кўчирилган. Кобулга отасининг жасади кўчирилаётган пайтда Ҳумоюн Комрон Мирзонинг ноҳўя гапирганидан хафа бўлиб, Бибига сўзлаган экан. У бева Афғоний оғача, Биби Муборика



бўлиб, унинг саройдаги хатти-ҳаракатлари ҳақида Гулбадан бегим батафсилроқ ёзган. Бобурнинг оиласи Аградан Ҳиндол Мирзо соқчилигида, Қазвиндаги мағлубиятдан кейин — 1539 йил еттинчи июнда чиқиб кетган. Жасадни Кобулга олиб борганлар дарров ортларига қайтиши ва Қазвинни қўлга киритиши шарт эди. Бобурнинг мақбараси учун танланган пешайвонли боғ Кобул тепалигининг ёнбағрида жойлашган эди. Бобурнинг бир неча замондошлари Аградан Кобулга келганида унинг мақбара-боғини зиёрат қилиб, гуллар билан ўраб кетишарди. 1646 йили Шохжаҳон мақбара ёнига мачит қурди; Жаҳонгир ҳам у ерга кўп ташриф буюрган, гарчи қурилиш ишларида қатнашмаган бўлса-да, у майдондаги оппоқ мраммар устунга нақш ўйдирган ва Бобур шарафига мадҳиялар, зарур маълумотларни ёзиб қўйишни маслаҳат берган.

Мақбаранининг икки томонида кичикроқ сағаналар бор. Булар Ҳиндол, унинг қизи Руқия Султон бегим, Ҳумоюннинг ўғли Муҳаммад Ҳаким Мирзо, Шохжаҳоннинг қариндоши Гавҳарнисо бегимнинг даҳмаларидир. Ўтган асрнинг 30-йилларида Александр Бернс мақбара ва боғни зиёрат қилгани боради ва уни диққат билан ўрганади. Унинг ҳамроҳи Мунши Мохан Лал ўша жойларнинг гўзаллигини, ёдгорлик устундаги ўймакори безакларни ва мақбара пештоқидаги сатрларнинг жозибадорлигини қайд этган. Бу икки зиёратчи-сайёҳнинг маълумотлари ва Даниэлнинг боғ ва мақбарани тасвирлаган суратларига кўра, ўша пайтларда қабрнинг бош томонида иккита кетма-кет устун ўрнатилган. Жаноб Хейден ҳам XX асрнинг бошларида боғни зиёрат қилиб, мақбара суратини ишлаган, устунлардан бирида чироқдон жойлашганини таъкидлаган. Устундаги ёзувларнинг мазмуни қуйидагича: «Подшоҳки, унинг тахтидан нури оллоҳ сочилур эди. Бу зот Заҳириддин Муҳаммад Бобуршоҳ эди. Бузурглик, мустақиллик, бахт-саодатлик, ҳаққониятлик, очиққўллигу қавий шон-шавкат баробарида унинг табиатида гуллаб-яшнатиш, фаровон яшаш ва нусратлик мужассам эди. У моддий дунё устидан зафар қучиб, ёритувчи нур бўлди. Узининг ҳар бир зафарига нурга, руҳи оламга қарагандай қарарди. Жаннат эшиги унга очилганида ва Ризвон посбони у хусусида мендан сўраганида, мен шундай жавоб берар эдим: «Жаннат — Бобур подшоҳнинг боқий маконидур».

**Неъматилла ОТАЖОНОВ,**  
филология фанлари доктори, профессор



\* \* \*

Палос ишлаб чиқариш корхонасида ўн сақкиз йилдан буён тўқувчи бўлиб ишлайман. «Шарқ юлдузи» журнаlinesи нлк бор олтинчи синфда ўқиётган пайтимда қўлга олгандим, шундан буён доимий равишда обуна бўламан.

Менга энг маъқул бўлгани, журналда эълон қилинаётган тарихий мавзудаги асарлардир. Аслига мувофик қилиб улар матнини нашрга тайёрлаш, ҳақиқатни асраб-авайлаб оммага етказишнинг машаққатини тасаввур қила оламан, шу боисдан ҳам, сизларга миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Ҳаётимизда камчиликлар ва ифлосликларнинг урчиб кетиши сабабларини ёритадиган, шунингдек, кишиларни поклик ва тўғрилиқка бошлайдиган асарлар кўпроқ ёритилса деган истагим бор. Ешим ўттиз еттида. Беш фарзанднинг онасиман.

**Х. АЗИМОВА,**  
Тожикистон жумҳурияти, Хўжанд вилояти,  
Қайроққум шаҳри, Адресмон қасабаси



## БОБУР

(«Ҳиндистоннинг кашф этилиши» китобидан)

...Афгонлар Ҳиндистонни фатҳ этдилар ҳамда кейинчалик ерли халқ билан аралашиб кетдилар. Олийнасаб ҳоқонлар олдида энди аввало, халқнинг нафратини сўндириш, аҳолини ўз томонига оғдириб олиш вазифаси кўндаланг турарди. Улар мазкур мушкулотни бартараф этиш учун бешафқатлик кўрсатишни бас қилиб, сабр-тоқат кишиларига айландилар, ўзларини бегона босқинчидай эмас, балки ҳиндлардай тутдилар. Бу аввал бошда оддий бир сиёсат бўлса, вақт ўтган сайин аста-секин, ўз-ўзидан умумий жараёнга айлана борди. Шимоли-шарқдан келган кишилар ҳинд муҳити таъсирида ерли халқ билан аралашиб кета бошладилар. Халқ орасида янада қудратлироқ, тафаккур ва турмуш тарзининг уйқашиб кетишига олиб борадиган оқим пайдо бўлди. Аралаш маданият куртаклари юз кўрсатди ва кейинчалик Шоҳ Акбар фаолиятига замин яратилди.

Акбар Ҳиндистондаги империя ривожига катта ўрин тутган мўғуллар сулоласининг учинчи султони эди. Унинг бобоси (Бобур) 1526 йилда Деҳлини забт этган бўлишига қарамай, бу юртда ўзини доим бегонадай ҳис этар ва ростдан ҳам, ҳинд эли у учун бегона эди. У шимолдан бостириб кириб келди, ўша ёқда, Урта Осиёда бу вақтда темуррийлар маданияти гуллаб-яшнаётган ва Эроннинг маданий-маърифий ҳаётига кучли таъсир ўтказётганди. Бобурга ўзи кўниккан дўстона муҳит, Эрон ва Бағдоддан келтирилган фазилатли анжомлар насиб этмади. У шимолий тоғларнинг қорли юксакликларида бетиним кезди, Фарғонанинг ажойиб неъматларини жуда соғинди. У ҳинд юртидаги таассуротлари ҳақида сўзлаб айтгандики, «Латофатеким, Ҳиндустонда бор — улук вилоятдур...»

Бобур Ҳиндистонни фатҳ этгандан сўнг тўрт йил ўтгач, вафот этди. Вақтининг кўп қисмини жангу жадалларга ва истанбуллик машҳур меъмор лойиҳаси бўйича тикланаётган пойтахт — Агра қурилишига бағишлади. Истанбулда Султон Сулаймон ҳукмдор эди, унинг шарофати билан мазкур юртда ажойиб бинолар барпо этилди.

Бобур Ҳиндистонда жуда кам нарса кўрди, унга ёқтирмай муносабатда бўлганликлари туфайли кўп нарсаларни эътиборсиз қолдирди. У бизга асосан Шимолий Ҳиндистон маданиятининг инқирози ҳақида ҳикоя қилади. Ушбу инқироз қисман Темур келтирган талафотлар, қисман кўли гул усталар, олимлар ва санъат аҳлининг жанубга нажот истаб қочиб кетганликлари туфайли содир бўлди. Бу эса ҳинд халқи ижодий қудрати юз тутган ҳалокат ҳақида ҳам гувоҳлик беради. Бобур мамлакатда кўли гул хунармандлар ва тадбиркор кишилар етарли, аммо ижодкорлик ҳамда кашфиётчилик руҳи мискин эди, деб хабар беради. Шу туфайли Ҳиндистон, ҳашаматли, дабдабали турмуш тарзи даражасига кўра Эрондан анча ортда қолди. Бу ҳол, балки, шундай ҳаёт кечиришга табиатан қизиқмасликдан ёки кейинги фожиаги воқеалар оқибатидан келиб чиққанми, билмадим. Уша вақтда ҳиндлар дабдабали ҳаёт кечиришга эронилардан кўра камроқ қизиққан бўлишлари мумкин. Чунки, агар қизиққанларида, турфа, ғаройиб анжомларни Эрондан ҳеч бир қийинчиликсиз олиб келишлари мумкин бўлиб, зеро, икки мамлакат ўртасида доимий алоқалар бор эди. Аммо Ҳиндистоннинг маданий турғунлиги ва заволининг сабаби кейинроқ юз берган воқеалардир, деган фикр ҳақиқатга яқинроқ. Мумтоз адабиётдан ва тасвирий санъат намуналаридан маълумки, бундан аввалги даврларда ҳам, турмуш кечиришининг оғирлиги, ижтимоий аҳволнинг му-

раккаблигига қарамай, яратилган асарларнинг нафислиги ҳайратланарли даражада бўлган. Ҳатто Бобур Шимолий Ҳиндистонни забт этган маҳалда ҳам кўпчилик овруполик сайёҳлар мамлакат жануби — Вижаянагарада санъат ва маданиятнинг фавқуллодда юксак ривожланганлиги ҳақида битиклар қолдирганлар.

Бирок, ҳатто шундай бўлса-да, Шимолий Ҳиндистондаги инкироз жуда ҳайратланарли. Қотиб қолган диний этикоҳ ҳамда ижтимоий ҳаёт тарзи маҳдудликни кучайтирди, тараққиётни бўғиб қўйди. Ислоннинг ёйлиши, ўзгача тафаккурга, ўзгача ҳаёт кечирिशга ўрганиш чет элликларнинг кириб келиши мавжуд этикоҳда ва ҳаёт тарзида акс этди. Ўзга мамлакат кишилари олиб келган барча кўргиликлар кишилар тафаккур доирасининг кенгайишига сабаб бўлди.

Бобур дилбар шахс эди. Уйғониш даврининг ажойиб султони, кучли, тадбиркор киши бўлиб, санъатни, адабиётни, гўзалликни севарди. Набираси Акбар эса янада мафтункорроқ бўлиб, янада кўпроқ фазилатларга эга эди...

## «Дунё тарихига бир назар» китобидан

Оврўпо, Чин-Мочин, Япон мамлакати ва Малайзия дунёсидаги юртлар тарихининг баёни давомида биз ўн еттинчи аср охиригача етиб келдик ва ўн саккизинчи аср бошида тўхтадик. Ҳинд эли тарихи баёнини эса ўн олтинчи асрдан — Бобур замонидан бошлаймиз.

1526 йилда Бобурнинг заифу разил Деҳли султони устидан қозонган ғалабаси Ҳиндистонда янги даврни — Мўғуллар империяси даврини бошлаб берди. У кичик танаффуслар билан то 1707 йилгача, яъни 181 йил давом этди. Мўғуллар империясининг қудрати ва шухрати бутун Осиё ва Оврўпони эгаллади. Мазкур сулоланинг олти намояндаси яшаб ўтгач, у бўлиниб кета бошлади, маратхлар ва сикхлар ўз хонликларини тузиб олдилар. Бунинг устига келган инглизлар марказлашган ҳокимиятнинг парчаланаётганидан, мамлакатдаги тартибсизликлардан фойдаланиб, аста-секин ўз ҳукмронликларини ўрната бошладилар.

Мен сенга Бобур ҳақида баъзи нарсаларни айтиб берган эдим.<sup>1</sup> Унинг ажодлари тўғридан-тўғри Темурга ва Чингизхонга бориб тақалади. У муайян даражада ана шу фотиҳларнинг қудратини ва ҳарбий истеъдодини ўзида мужассам этганди. Бу вақтда мўғуллар Чингиз даврига нисбатан анча тараққий этган. Бобур ҳам энг фасоҳатли ва ориф кишилар сирасига мансуб эди. У диний мазҳабларга мутаассибларча берилишдан холи эди, санъатга, адабиётга ихлос қўйган, ўзи ҳам форсий тилда назм битарди.<sup>2</sup> Гуллари боғларни севар, жазирама Ҳиндистонда туриб, ўзининг Урта Осиёда қолган пурлафат ватанини кўп бор ёдга оларди. «...Тамом боғлари рудқа мушрифтур, бинафшаси бисёр латиф бўлур. Оқар сувлари бор, баҳори бисёр яхши бўлур, қалин лола ва гуллар очилур...» — деб ёзганди у ўз эсдаликларига.

Бобур Самарқанд тахтини эгаллаганида бор-йўғи ўн бир яшар ўспирин эди. Сенинг юртдошларинг бу ёшда мактабга боришади. Султонлик эса мушкул вазифа. Ҳар тарафдан уни душманлар қуршаб олганди. Унга шу ёшида муҳораба майдонларида от суришига, жанг-жадал қиличини тутшига тўғри келди. Тахтини йўқотиб, ўзининг долғали умр йўлидаги жуда кўп саргузаштларни бошидан кечириб, яна қайтиб олди. Шунда ҳам назму наво, санъат билан ошнолигини қўймади. Кобулни фатҳ этгандан сўнг, Ҳинд тоғлари орқали Ҳиндистонга кириб келди. Қўшини оз сонли бўлса-да, у ўша вақтларда Оврўпо ва Ғарбий Осиёда урф бўлаётган ўточар қуролларга эга эди. Жанг қилишга ботинган афғон ҳоқонининг<sup>3</sup> беҳисоб лашкари унинг музаффар қўшини томонидан узил-кесил тор-мор этилгач, Бобур ғолиблик тожини кийди. Бирок бу билан унинг машаққатлари ниҳоя топмади, зеро, тақдирнинг унга атаб ҳозирлаб қўйган ўйинлари кўп эди. Хавф таҳдид солганди, саркардалар шимолга чекинмоқни маслаҳат бердилар, бирок Бобур ўжар эди, айтдики, ўлимга-да юзма-юз борурмиз, бильякс чекинмасмиз. У чоғирни яхши кўрарди. Ушбу хатарли вазиятда чоғир нўш этмакни ҳам тарк қилишга азм айлади, барча хумларни кунпаякун қилишга буйруқ берди. Ниҳоят, ғалаба қуши яна унинг бошига қўнди. Бобур эса аҳдида қаттиқ турди.

У Ҳиндистон салтанатини тўрт йилгина бошқарди, сўнг омонатини топширди. Бу тўрт йил шиддатли жангу жадаллар билан кечди, ором фурсатлари жуда кам бўлди — шоҳ Ҳиндистон учун бегоналигича қолди. Истанбулдан машҳур меъморни чорлатиб, Аграда ажаб бир пойтахт барпо қилдирди. Бу — Буюк Сулаймон Истанбулни қайта тиклаётган вақт эди. Чорловга жавобан, меъморлар устаси Синоп Ҳиндистонга шоғирди Юсуфни юборди.

Бобур қолдирган эсдаликлар бу зотнинг ички дунёсига назар ташлашга ёрдам беради. У бизга Ҳиндистоннинг ҳайвонот олами, набототи, мевалари ва кишилари,

<sup>1</sup> Бу асарни Неру турмада, қизига бағишлаб ёзган эди.

<sup>2</sup> Улуғ шоир, фотиҳ ва мутафаккир Бобур, маълумки, мавлоно Лутфий ҳамда ҳазрат Навоий изидан бориб, туркий тилда шеърлар битган. Неру бу ерда хатога йўл қўйган (тарж.).

<sup>3</sup> Иброҳим Лўдий назарда тутуляпти.

ҳатто қурбақалари ҳақида ҳам ҳикоя қилади. Шунингдек, ўзининг олис юртидаги ажойиб қовунлар, узумлар ва гуллар ҳақида ёзади. Унинг сўзларига кўра, бу юртда унга ҳайрихоҳ ҳеч ким, ҳеч нарса йўқ... Балки тўрт йиллик уруш давомида Бобур халқнинг ҳаётини етарлича яхши ўргангандир? Ёки, эҳтимол, бегона киши учун аҳолининг турмушини тушуниш, англаб етиш қийин кечгандир? Лекин ҳаётнинг маданиятлироқ қатламларига мансуб кишилар янги ҳукмдор билан мулоқотга киришишдан қочдилар. Нима бўлганда ҳам у бир қанча вақтдан бери ҳукмронлик қилаётган афгонлардан ҳам, ерли халқ ичидан ҳам муносиб кишиларни тополмади. Бобур жуда кузатувчан, таъсирчан зот эди. У кириб келган вақтда Шимолий Ҳиндистон заволга юз бурганди.

«Ҳиндустон мамолики,— ҳикоя қилади Бобур,— вазе ва пурмардум ва пурҳосил вилоят воқе бўлубтур. Шарқи ва жануби, балки Ғарби ҳам Муҳит дарёсиға мунтаҳи бўлур. Шимоли бир тоғдурким, Ҳиндикуш ва Кофиристон ва Кашмир тоғлари била пайваस्तтур. Ғарби шимоли Кобул ва Ғазни ва Кандаҳор воқе бўлубтур. Жамиъ Ҳиндустон вилоятининг пойтахти Деҳли эрмиш...»

Шу нарса диққатга сазоворки, Бобур Ҳиндистонни, гарчанд, у ўзининг фатҳ этиши сабабли кўплаб хонликларга бўлиниб кетганига қарамай, бир бутун давлат деб биларди. Ҳиндистоннинг бирлиги ғояси унинг бутун тарихи бўйлаб ўтиб келган ғоядир.

Бобур ёзади:

«Ҳиндустон аввалги иқлимдин ва иккинчи иқлимдин ва учунчи иқлимдиндур. Тўртинчи иқлимдин Ҳиндустонда йўқтур. Ғариб мамлакате воқе бўлубтур. Бизнинг вилоятларга боқа ўзга оламедур. Тоғ ва дарёси ва жангал ва саҳроси, мавозий ва вилоёти ва ҳайвонот ва набототи, эли ва тили ва ёмғури ва ели борча ўзгача воқе бўлубтур... Синд сувини ўтгач, ер ва сув ва йиғоч ва тош ва эл ва улус ва роҳ ва расм тамоми Ҳиндустон тарийқидадур...»

Яна Ҳиндустон бақалари, агарча ўшал бақалардектур, вале бу бақалар сувнинг юзида етти-саккиз қари югурадурлар».

Сўнг у Ҳиндистоннинг ҳайвонот ва набототи ҳақида сўзлаб, алқисса, кишиларга ўтади:

«Ҳиндустон кам латофат ер воқе бўлубтур. Элида ҳусн йўқ ва ҳусни ихтилот ва омизиш ва омаду рафт йўқ, табъ ва идрок ва адаб йўқ ва карам ва мурувват йўқ ва ҳунарларида ва ишларида сиёқ ва андом ва ража ва гўния йўқ ва яхши от ва яхши ит йўқ ва узум ва қовун ва яхши мевалар йўқ ва ях йўқ ва совуқ сув йўқ ва бозорларида яхши ош ва яхши нон йўқ, ҳаммом йўқ ва мадраса йўқ ва шамъ йўқ ва машъал йўқ...»

Беихтиёр Ҳинд ерида ўзи нима бор экан деб сўрагинг келади. Бобур мазкур сатрларни битаётганда, анча асабийлашган бўлиши ҳам мумкин.

«Латофатеким, Ҳиндустонда бор — улук вилоятдур. Ва олтун ва ярмоғи қалин бўладур... Яна бир латофати будурким, ҳар синфдин ва ҳар ҳирфагардин беҳад ва бениҳоят кўпдур. Ҳар иш учун ва ҳар нима учун жами муқаррар ва муайяндурким, оналаридан бери ул иш ва ул нимани қила келгандурлар...»

Мен Бобур эсдаликларининг баъзи жойларидан парчалар келтирдим.

Бобур 1530 йилда, 49 ёшида вафот этди. Унинг ўлими ҳақида эл офзида машҳур бир ҳикоят юради. Фарзанди Ҳумоюн хасталаниб ётиб қолганда у, азбаройи муҳаббати зўрлиги тўфайли ўз ҳаётидан кечиб, Ҳумоюнга бағишлаган экан. Айтадиларки, Ҳумоюн соғайиб кетибди, Бобур эса бир неча кундан сўнг қазо қилибди.

Бобурнинг муборак жасади Қобулга олиб келинган ва ҳаётлик чоғида севган боғига дафн этилган. Ниҳоят, у ўзи орзулаган гулларга... шу тариқа етишди.

Рус тилидан Исажон Султон таржимаси

Феридун Фозил Тулбентчи

## БОБУРШОҲ

(1483—1530)

(Ҳиндистондаги Буюк Турк императорлигининг қурувчиси)

Буюк Ҳинд-Турк давлатининг яратувчиси бўлган Ғози Заҳириддин Муҳаммад Бобур — Темурнинг тўрт авлод кейинги невараси, Умаршайх Мирзонинг тўнғич ўғлидир. Аннаси Қутлуғ Нигорхоним Чингизхон наслидандир.

Заҳириддин Муҳаммад 14 шубат (февраль) 1483 йилда Фарғонада туғилди. Отасининг бевақт ўлими муносабати билан 11 ёшида Фарғона амири бўлди. Ҳали жуда ёш эканлигига қарамай, ҳокимият эҳтиёжи тўфайли амакилари ва тоғаларидан иборат бир

неча ақраболари ила узун йиллар мажбуран уруш олиб борди. Мерос ва тахт юзасидан чиққан бу савашлар теурий шаҳзодалару амирларни жудаям заифлатиб қўйди, бунга муқобил ўлароқ шайбонийларни қувватлантирди.

Бобур зафар ва иқбол кунларига қадар турли-туман можароларни бошидан кечирди; кўрқинч ва таҳликали даврларда яшади. Охир-оқибатда, ўз салтанатини отасидан қолган тупроқлардан узоқ бир ўлкада курди. У ҳаётида дуч келган муваффақиятсизликлардан ҳеч қачон умидсизликка тушмай, доимо ғайрат билан жанговорларча яшади.

«Бир кун келажак, толе менга ҳам кулажақдир. У замон энг қудратли ҳукмдорлардан бири бўлажақман, бунга имоним комил», дерди у.

Бу ишончни у ҳеч қачон йўқотмади. Ниҳоят, кўз тутган кунлар келиб етди. Турк ва мўғул қавмларидан тўплаган аскарий қувват билан у Ҳиндикушдан ошиб ўтароқ 1504 йилда Кобулдан олди ва шу ерда жойлашди. Бобур қўшини қатъий интизом асосида кучайиб борди; аскарий тарафдан ерли халқларга етказилган ҳар бир зарару ҳақсизлик асло кечирилмас эди ва энг оғир жазолар билан жазолантириллар эди — бу ҳам ўрдунинг қувватланишига омил бўлди. У Ҳиндикуш ва Ғазни орасидаги ерларни ўзи билан баробар келган аскарларга ва кўмондонларга тақсим этди. Узбек истилоси (Шайбоний-хон бошлиқ ўзбек қавмларининг теурийлар салтанатини эгаллаш учун олиб борган тахт учун курашлари назарда тутилмоқда — Т. Қ.) боис Самарқанд ва бошқа шаҳарлардан қочган гуруҳларни у янги ерларга жойлаштирди. Шундай қилиб Турк-Ҳинд императорлигининг илк тамаллари қўйила бошланди.

Бобур Кобулни ўзига бош шаҳар — бошкент тайин этди. Афғонлар ҳамда Шайбоқ ҳукмдори Шоҳ Исмоил билан бирлашиб, Шайбоқ хонини мағлуб этди ва унинг ўлимидан сўнг Туркистонга жойлашди. 1511 йилда Мовароуннаҳрнинг баъзи шаҳарларини ва билхосса Самарқанду Бухорони қўлга киритди. Тўртинчи шубат 1519 да Синд дарёсини соллар солиб кечароқ юқори Панжоб ила Шеноб орасидаги мамлакатларга гегемонлигини — ҳукмдорлигини таниттирди. Ҳиндистон устига беш марта ҳарбий сафар этди. Сўнги сафарига Деҳли тахтида ўтирган Иброҳим Лўдий ила 29 нисон (апрель) 1526 да, Панипатда қаршилашиб, жангга киришди. Иброҳим ўрдусининг мавжуди юз минг киши эди. Унинг яна мингта жанг фили бор эди. Ҳолбуки, Бобурнинг ўрдуси 13 минг киши эди, холос. Фақат бу қўшин, кичик бўлишига қарамай, ниҳоятда бирлашган ва мунтазам аскарлардан иборат эди. Жанг ғоятда шиддатли ва қонли бўлди. Иброҳимнинг қари қўшини кўп талофот берди ва енгилди. Иброҳим Лўдийнинг ўлими билан тугаган ва Ҳиндистонга ҳукмронлик йўлларини очган бу даҳшатли урушда Заҳриддин Муҳаммаднинг аскарий ва кўмондонлик қуввати билан бирга қўшиннинг ўточар қуроллар билан силоҳланган тажрибали турк жанговорларидан тузилганлиги ҳам катта аҳамиятга моликдир. Бобур зафарли юришини давом эттириб, Деҳлини, сўнгра Аграни эгаллади ва Буюк Турк-Ҳинд императорлигини қурди.

Бобур шахс сифатида золим эмасди, мағлубларга олийжанобларча муносабат қилар эди... Шундай бир пайт келдики, қўшин ичида бошбошдоқлик бошланди, Ҳиндистон эқлимига тўзмаган турк-мўғул аскарлари ўз юртларига қайтмоқ истагига берилдилар. Фақат Бобурнинг темир каби иродаси уларнинг тўзимсизлигини енгди ва қўшинда яна ягона бирдамлик руҳини яратди. У ўрдуга қарата шундай деди: «Мен сизга зафар йўлларини очдим, ғаниматларга ва неъматларга қовуштирдим. Энди сиз мени ташлаб кетмоқ истайсизми? Майли, кетинг. Мен бир ўзим қолсам-да, йўлимдан қайтмайман». Бу хитобдан кейин ўрдудан айрилганлар бўлмади.

Бобур уста бир сиёсатчи сифатида иш тутди. Узидан олдинги ҳукмронлик қилган эски сулолага мухолиф гуруҳлардан кўпчилигини, ҳатто душман томонининг баъзи энг кучли тарафдорларини ҳам ўзига хайрихоҳ этишга муваффақ бўлди.

Рожалар уни бир ҳукмдор сиймосида танимоқ истамадилар. Бобурга қарши турдилар. Қаршичи рожаларни итоат остига олгандан сўнгра, Бобур Ражпут хони Рано Санго устига юрди. 16 март 1527 да, Кавна ёнида икки ўрду юзма-юз келди. Бобур ўточар қуролларга эга қўшинини мукамал суратда идора этароқ буюк бир тобиечи (тактик) эканини кўрсатди. Сон жиҳатдан кўпчиликни ташкил этган Ражпут ўрдусини бузғунликка, таҳликага солиб, ғалаба қозонди. Бу порлоқ зафаридан сўнгра унга Ғози унвони берилди. У бутун Жанубий Ҳиндистонга ҳоким бўлди, шу билан бир вақтда дунёнинг энг мухташам императорликларидан бири майдонга чиқди. Бобурнинг шахсан ўзи асос солган бу буюк салтанат ўғли Ҳумоюн даврида шиддатли бир қасирғалар ичра тебрана-тебрана невараси Акбар Шоҳ замонида азаматлигу улўғликнинг чўққисига кўтарилди ва ўша юксакликда юз йилларча қойим турди.

Ғози Заҳриддин Муҳаммад Бобур 26 оралик (декабрь) 1530 да, Аграда ўлди. Васиятига кўра, жасади олти ой сўнгра Кобулга келтирилароқ кўмилди, 1646 да унинг мозорига Шоҳжаҳон тарафидан бир турба ёптирилди.

Турк тарихининг энг буюк сиймоларидан бўлган Бобур фақатгина салтанат яратувчиси, закий бир дипломат, моҳир бир кўмондонгина эмас, балки айни замонда илм ва адабиёт соҳасида ҳам устун бир иқтидорга эга ҳукмдор эди. Бобур Чигатой адабиётининг Мир Алишер Навоидан кейин энг атоқли сиймоси ва энг буюк санъаткоридир. Туркча ва форсча шеърлари бунинг далилидир. Асарларининг энг машҳурлари ва айни

замонда Чифатой насрининг энг мукаммал ўрнаги бўлган «Бобурнома» хотирот ва саёҳат туридаги ўлмас асарларидан биридир, у дунё тилларига қайта-қайта чеврилгандир.

Турк тилидан таржима

Тоҳир Қаҳҳор

## Икки мақола ҳақида сўнгсўз

Буюк жанговар ва мутафаккир ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобуршоҳ ҳақида жуда кўп ёзилган; унинг туғилган жойи, шажараси, барпо қилган салтанати тўғрисида турлича фикрлар билдирилган, шахсига турлича баҳо берилган асарлар ғарбу шарқ олимларию адиблари ижодида кўп учрайди. Сиз журналимизда илк марта танишганингиз Жавоҳарлаъл Неру ва Феридун Фозил Тулбентчининг асарлари бу фикримизга яққол далилдир.


Ҳиндистонлик давлат арбоби ва файласуф Жавоҳарлаъл Нерунинг «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» ва «Дунё тарихига бир назар» китобларидаги Бобур шахсияти ва Бобурийларга муносабатда ҳам ана шу турлича, баъзан бир томонлама қарашлар, миллий, шажаравий, насл-насабий нотўғри маълумотлар, шахслар таржимаи ҳолидаги ва воқеалар тартибидаги саналарнинг бузиб кўрсатилиши, жўғрофий атамаларнинг янглиш берилиши мавжуд. Ж. Неру ҳам ўз давридаги баъзи янглиш илмий нуқтаи назарлар боис «Бобурийлар» атамаси ўрнида ҳар доим «буюк мўғуллар» ёки «мўғуллар» сўзини қўллайди. Маълумки, Бобур ўғиллари ўзларини барча давлат фаолиятига оид ҳужжатларда «бобурий мирзалар» деб иш юритишган. Шарқшунос В. В. Бартольд бу хато атаманинг ғарбу шарқда нотўғри тарқалгани ҳақида сўзлаб: «Оврўполиклар Темурни ҳам, унинг ўғилларини ҳам, набираларини ҳам мўғул қавмидан тарқалган деб ҳисоблаб, Бобур салтанати учун «буюк мўғуллар» деган атама тўқидилар» дейди.

Жавоҳарлаъл Неру «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» китобида, масалан, «Афгонлар Ҳиндистонни фатҳ этдилар» деб ёзади, бу ўринда «афгонлар» ибораси замирида Бобур ўрдуси — афгонлар ҳам, турку мўғуллардан иборат мовароуннаҳрликлар ҳам кўзда тутилмоқда. Ёки «Акбар Ҳиндистондаги империя ривожига катта ўрин тутган мўғуллар сулоласининг учинчи султони эди» дейди муаллиф. Маълумки, Акбар Ҳумоюннинг ўғлидир, Бобурнинг неварасидир. Унинг томирида турк ва ҳинд қони оққан, «мўғул» дейилгандан кўра бу ҳақиқатни инобатга олиб сўз айтилганда, албатта, яхши бўларди. Шу ўринда яна: «У (Бобур) шимолдан бостириб кириб келди, ўша ёқда, Урта Осиёда бу вақтда темурийлар маданияти гуллаб-яшнаётгани ва Эроннинг маданий-маърифий ҳаётига кучли таъсир ўтказаётгани» дейилган жумладаги «Урта Осиё» иборасига эътибор берайлик. Бу атама Темур даврида йўқ эди, уни Чор Русиясининг Туркистонга кириб келиши даврида яралганини кўп бор таъкидлаганини, ҳолбуки, Мовароуннаҳр дейилса, тўғри бўларди. Афсуски, бу нуқсонлар муаллифнинг асари Иттифоқимизда қайта-қайта нашр этилаётганига қарамай, ҳозиргача янглиш тарихий маълумотлар сифатида оммага тарқатилмоқда.

Бу каби жузъий нуқсонларга қарамай, Жавоҳарлаъл Неру Бобур ва бобурий мирзаларга муносабатда жаҳондаги кўп тарихчилар ва арбоблар ичида улуғ ватандошимиз ҳақида энг яхши фикр билдирганлардан бири ҳисобланади.

Ж. Нерунинг Бобур хусусидаги асарлари рус тилида ўқувчи китобхонларга, қисман бўлса-да, аввалдан маълум эди. Туркиялик Феридун Фозил Тулбентчининг «Бобуршоҳ» мақоласи эса, каминатомондан таржима қилинди ва юртимизда биринчи марта эълон этилмоқда. Муаллифнинг бу асари унинг «Турк буюклари ва турк қаҳрамонлари» (Истанбул, 1967 йил «Тонг» газетаси матбаасида, «Инқилоб ва Ака китоб уйлари»да босилган) китобидан олинди. Бу тўпلام 150 га яқин турк қаҳрамонлари ва буюклари — миллатга ва мамлакатга устун даражада хизмат кўрсатган, злу юрт учун жонини ва умрини бағишлаган халқ қаҳрамонлари, атоқли олимлар, давлат арбоблари ҳақидаги ноёб асардир.

Турк тарихи ва адабиётида Бобур ҳақида жуда кўп ёзилган, унинг асарлари усмонли туркчага ва янги туркчага ўгирилган ва қайта-қайта нашр этилган. Феридун Фозил Тулбентчи Бобуршоҳ ҳақидаги бу мақолани ёзишда профессор Муҳаммад Фуод Кўприлининг «Ислом ансиклопедиси»да босилган «Бобур», «Чифатой адабиёти» (2-жилд), Ҳикмет Байуринг «Ҳиндистон тарихи» (1-жилд), доктор Ризо Нурнинг «Турк тарихи», Н. С. Баҳорлининг «Турк адабиёти тарихи»дан ва Бобурнинг «Вақое» — «Бобурнома» асарининг туркчага Ҳикмет Байур таржимасидан фойдаланган. Аммо, шунга қарамай; бу муаллиф ҳам худди Ж. Неру каби, баъзи маълумотларни, саналарни кўрсатишда янглишадими, ҳарқалай бунда фақат унинг эмас, унгача бу мавзуда ёзган ўтмишдошларининг ҳам нуқсони бордир, деб қаралса, тўғри бўлар. Қолаверса, бу у қадар муҳим нарса ҳам эмас, ҳамма гап тарихий шахсга тўғри, самимий баҳо беришда. Ўзи ва салтанати дунё юзидан йиқилган ва йиқитилган бир улуғ инсон ҳақида ёзиб (зеро, инсон ва унинг яратганлари барчаси беқарордир), катта бир тарихий давр, бир неча миллатларнинг ўтмишига назар ташлаб, ҳақиқатни айтмоқча, бугуннинг кишиларига етказмоқча уринмоқнинг ўзи хайрлидир.



Жуманиёз Жабборов 60 ёшда



## ҲАЛОЛ ВА КАМТАРИН

Жуманиёз Жабборов бир шеърида ёзган эди:

Ишлатиб бўлинди барча қофия,  
Хизматин ўтади барча вазнлар.  
Шоир чеккасини босиб кафтига,  
Изтироб ичида ёнар баъзида...

Ростдан ҳам ёзма шеърият пайдо бўлгандан бери қофиядош сўзлар, радифлар бир эмас, ўнлаб, юзлаб марта ишлатилган. Янги қофия, янги радиф, янги вазн-оҳанг топиш мумкин эмасдай туюлади. Қайта-қайта ишлатилган нарса киши ғашига тегадиган бўлиб қолади.

Кўп асрлик ўзбек шеъриятида қофия қилинмаган сўз ҳам, оҳангга солинмаган фикр ҳам қолмаган. Демак, ўзбек шеърияти ўз имкониятларини керагидан ортиқ даражада ишлатиб бўлди, энди янги гап айтиб бўлмайди, деган хулосага келиш мумкин.

Жуманиёз Жабборовнинг лирик қаҳрамони ҳам шуни ўйлаб, ташвишга тушиб қолади. Ҳамма шакллар, фикрлар ишлатилган, янги гап қолмаган бўлса, шеър ёзиш керак эмас экан-да. Сенгача айтилган гапларни такрорлашнинг кимга кераги бор?

Аммо шеър ёзилмоқда. Баъзилари севиб ўқилмоқда. Китобхонни ҳайратга, ҳаяжонга солаётир. Дардларига шерик, ҳамдард бўлаётир. Янги фикр, шакл ва оҳори тўқилмаган ифода воситалари бор экан. Демак, ҳар бир ижодкор оламни ўз кўзи билан кўриб, ўз қалби билан ҳис қилиб, шахсий кечинмалари билан ифодаласа, шакл ҳам, мазмун ҳам янгиланаверар экан. Бу ижодкор иқтидорнинг салоҳияти, бойлигига боғлиқ. Имконият қудрати қанча кенг бўлса, шеъриятнинг майдони ҳам ҳайратомуз чексиздир.

Анъанавий ифода воситалари, шакл ва мазмун тарзини янгиллаб, шеъриятга янги руҳ олиб кириш учун, албатта, катта иқтидор керак. Ифода ва фикр доирасини кенгайтиришга қодир шоир катта йўл яратади. Лирик қаҳрамон ҳам шуни тан олади. Шеърий дунёни «бир силкитиб» оладиган даҳо даркор, дейди.

Ҳар баҳорда табиат янгиланиб, яшаргани сингари шеърият ҳам борган сари яшариб, кўркамлашиб, мафтункор бўлиб бораверади.

Жуманиёз Жабборов деганда, биринчи навбатда ҳалол, инсофли, диёнатли, камтарин инсон кўз олдимизга келади. Унинг ўлиб-тирилиб ўзини кўрсатмоқчи бўлганини, ўз сафдошларининг бирини уриб, бирини суриб, босиб-янчиб олға интилганини ҳеч ким кўрмаган бўлса керак.

Камтарликни ҳамма мақтайди. Лекин кўп одамлар манфаат олдида ҳар қандай камтарликни йиғиштириб қўяди. Камтарлик кимнингки табиатида бўлса, андишасизлар олдида кўпинча мулзам бўлиб қолади. Камтарлик бошқаларга фойда келтириши мумкин, лекин камтар одамга кўпинча зарар етказиши мумкин. Камтарлик аслида журъатсизлик эмас, лекин сурбетлар олдида журъатсизга ўхшаб қолади.

Қандай йўл билан бўлмасин ўзини кўрсатишга ишқивоз кимсалар биринчи навбатда шундай беозор одамни босиб ўтишга ҳаракат қилади. Жуманиёз Жабборов раҳбарлик лавозимларида ишлаганида ҳам ўзини ўзгартирмади, курашчан киши ёки арбоб ниқобини кийиб олмади. Асил-айнимас, деган нақл Жуманиёз ака ҳақида тўқилганга ўхшайди.

Унинг феъл-атвори шеърларида ҳам кўриниб туради. Кўпчилик китобхонлар, адабий муҳит кишилари унга хайрихоҳ. Ютуқларидан қувониб, ғамига куйинадиган ҳамдод дўстлари кўп. Аммо у нимагадир хурсанд бўлганда ёки изтироб чеккан дамларда онасини эслайди. Қувончини ҳам, аламини ҳам (кўпроқ қувончини) онаси кўришини истайди. Шундай пайтларда ҳеч қандай илнж-тамасиз, сэмимий суюнганидан онаси йўқлигига армон қилади.

Юрагимда дардларим ниҳон,  
Уртанаман, ёнаман жим-жим.  
Гўё бўрон қайтарган ниҳол  
Тополмайман асло иложин.

Жуманиёз Жабборов қирқ йилдан ошиқ қалам тебратиб, яхшиликни куйлаб келмоқда. Ижод — кайфият билан боғлиқ жараён. Шунинг учун ижодкорнинг ҳамма асари бир хил савияда чиқиши қийин. Аммо ўзига ва ижодига талабчан шоир ўз мухлислари ихлосини қадрлайди. Ихлосини қайтаришни истамайди.

Бугунги кун билан хайрлашар чоғ,  
Эртанги кун билан учрашар маҳал,—  
Ўтган фурсат бўлиб юрагингда доғ,  
Сени хижолатдан қилмасин ўсал.

Кейинги йилларда адабий доираларда «курашчан шоир» деган ибора кўп айланадиган бўлиб қолди. Норозилик руҳи кучли бўлган, фош қилувчи мазмундаги публицистик шеър ёзганлар «курашчан», кечинмаларни бадий бўёқлар билан ифодалайдиган шоирлар гўё курашчан эмас. Адабиёт, хусусан, шеърят нима учун курашади? Сиёсий талаблар учунми ёки гўзаллик-нафосат ва назокат учунми? Халқимизнинг ҳозирги аҳволини ҳисобга оладиган бўлсак, албатта, сиёсий ғоялар зарур. Лекин шоирнинг бутун ижоди сиёсий ғоялардан иборат бўлса, бирёқлама бўлиб қолади. Шеърятда инсон кечинмалари ва бадиият биринчи ўринда туриши керак.

Жуманиёз Жабборов кўпқиррали ижодкор. Мавзу жиҳатдан хилма-хил шеърлардан ташқари «Гулшани», «Тоғлар садоси», «Она ер қўшиғи», «Йўлдаги ўйлар» каби дostonлар, «Ужарлар», «Тўйдан олдин томоша», «Йиллар ўтиб», «Чўл чақмоғи», «Муҳаббат наққоши» сингари қатор саҳна асарлари муаллифи ҳамдир.

Бундан ташқари, у ўзбек китобхонларини жаҳон ва совет адабиётининг ёрқин дурдоналари билан таништиришда самарали меҳнат қилди. Пушкин, Лермонтов, Маяковский, Твардовский асарларини, Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си каби шоҳ асарларни таржима қилди.

Шоир ҳозир ҳам баракали ижод қилмоқда. Юрагида ёшлик завқи жўш уриб турибди. У кишига «Бўш келманг, Жуманиёз ака!» деймиз.

Маъруф ЖАЛИЛ

## ҒУНЧАГА БЕМАҲАЛ ҚОР ҚЎНМАСИН

— Жуманиёз ака! Ҳозир етмиш уч йиллик совет адабиётини таҳлил этиш жараёни қизғин кечмоқда. Тадиқотчилар тўқсон фойиз ижодкорлар дилини хуфтон қиладиган, уларнинг машаққатли меҳнатини чиппака чиқарадиган, виждонини ўртайдиган сўнги, кескин хулосасини — дафн этиш ва холис адабиёт яратиш фикрини илгари сунганини Назаримда, бу фикр анчайин баҳсли, аммо аини вақтида айтилаётир.

— Бундай гапларни мен ўзаро гурунларда эшитиб, матбуотда ўқиб турибман. Ўйлаб кўрайлик, шу кескин хулоса нега бундан йигирма-ўттиз йил олдин туғилмади экан? Туғила олмас эди ҳам. Чунки биз энди-энди адабиётни сиёсий мафкурадан ажратиб олаётимиз. Видолашув, айрилик ҳаммамиз, хусусан биз тенги ва биздан бироз олдин яшаб ўтган ижодкорлар учун катта фожиа. Бу илож, бизга ато этилган умрнинг аини куч-ғайратга тўлган палласи мамлакатимиз ҳаётидаги энг даҳшатли, энг инқирозли йилларга тўғри келди. Уша сарфланган ижодий завқ-шавқни, умрнинг энди қайтариб бўлмайди. Биз нега ўзимизга ёқмаган нарсадан дарров воз кечишимиз, юз ўгиришимиз керак? Етмиш уч йиллик адабиётимиз шунчалик яроқсизми? Наҳотки биронта намуна бўладиган асар топилмаса? Мен бу фикрни бутун адабиётга эмас, социалистик реализм услубига, бу услубнинг байроқ қилинган асарларига нисбатан айтилса тўғрироқ бўлади, деб ўйлайман. Вақтида катта шов-шувларга сабаб бўлган, бу услубнинг кенг поёнлари очилди, янгича адабиёт яратишининг яна бир палласи забт этилди, дея айюҳаннос солиб мақталган асарларини ўқиб вояга етган бизнинг авлод энди унинг жафосини тортмоқда. Етмиш уч йилни тарихдан ўчира олмагани-



миз каби бутун бир давр адабиётини ҳам йўқ қила олмаймиз. Унинг сабоқ чиқарадиган томонлари бор, шукрки, ундан ёшларимиз жилақурса, қандай ёзмаслик кераклигини ўқиб олишяпти. Янги авлод турлича изланишлар қилишаётир, киши руҳиятини турлича нуқтага назарлардан ёритишяпти. Адабиётимизнинг кенжа бўғинида янгича бир руҳий тўлғоқлик бор, самимият бор. Нозик, айрича кузатишлари ярқ этиб кўзга ташланмоқда. Уларнинг шеърларини мутолаа қилиш чоғида фавқуллода таъсирланган кетаман. Назаримда, сиёсатдан холи адабиётни, унинг келгуси тақдирини шулар яратади. Шунданмикин, ҳар-ҳар замон китобларимни варақлаб кўраман, баъзи шеърларимни ўқиб мийиғимда кулиб қўяман, айрим сатрларимдан ҳафсалам пир бўлади. Илгари эса улар менга жуда ардоқли туюларди. Менимча, бутун адабиётни «ерга тикиб» кутулишдан олдин бу адабиётни юзага келтирган сабаблар, шарт-шароитларни излаб кўришимиз керак. Уйлайманки, бу энг оқилона йўлдор.

#### — Сизнингча бунинг сабаблари нимада!

— Бунинг бош сабаби мамлакатимиз ҳаётида ўтказилган сиёсатга боғлиқ. Ҳар қандай адабиёт мавжуд жамиятга, тузумга, сиёсатга бўлган муносабатдан туғилади. Бизнинг сиёсатимиз гуё янги-ча одамни тарбиялаб камол топтиришга қаратилган эди. Адабиёт эса шу сиёсатга хизматкорлик, малайлик қилди. Унинг ғояларини амалиётга жорий этишга, одамлар онгига сингдиришга кучини ҳаргиз аямади. Бадиий адабиётнинг партиявий адабиётдан фарқи қолмади. Партиянинг сиёсатини бирдан бир тўғри сиёсат деб, уни тарғиб-ташвиқ қилди. Салафларимизнинг ҳам анча-мунча кучи шунга сарфланди. Бизлар адабиёт майдонига қадам қўйганда Ойбек, Ғафур Ғулوم, Миртемир, Уйғун ижоди юксак баҳоланарди. Рус адабиётида Тихонов, Светлов, Твардовский, Симонов, Сурков шеърляти машҳур ва яловбардор эди. Биз уларнинг ижодини ўқиб-ўргандик. Уларнинг муносабати издошлари бўлишга интилдик. Дунёқарашларимиз шаклланаётган ўша кезларда ҳаётга танқидий нуқтага назардан қараш гуноҳи азим ҳисобланарди. Бунинг устига 50-йиллар воқеаларининг ҳам қисман гувоҳи эдик. Юрагимизга шубҳа аралашган эди. Наҳотки, бир гуруҳ ўстодлар, биз севган адиблар халқ душманлари бўлса?! Бу ҳодисалардан биз ёш қаламкашлар, демак ҳаётни фақат ёрқин бўёқларда акс эттириш — ягона, тўғри йўл экан, деган хулосага келганимиз аниқ. Шунинг учун биз сиёсат чангалдан омон қолган ўстозларимиз этагидан тутдик. Улар тажрибасига суяндик. Янги социалистик реализм адабиётини шулар яратаётган экан, демак бизлар ҳам шулар қаторида бўлишимиз даркор, деб билдик. Дунёни улар тушунгандай тушунишга, ҳис қилгандай ҳис қилишга ўргандик. Ғафур Ғулумнинг кўкрак тўлдириб, фахр ила айтиладиган шеърлари, Ойбекнинг расмом кўзи билан кўрилаган лирик-фалсафий шеърлари, Шайхзода ва Миртемир шеърлятидаги бепоевлик, Уйғун шеърлятидаги табиатнинг рангин лавҳалари бизга қаттиқ таъсир қиларди. Ижодда меҳнат, партия мадҳ этилган сатрлар қанчалар улугланганини зукко китобхон унутмаган бўлса керак. Бироқ, мазкур ўстодлар ўзларининг барча муваффақиятлари, барча камчиликлари билан ҳам биз учун ғоят қадрли. Чунки шеърят сеҳрини дастлаб уларнинг асарларида ҳис этганмиз, суягимиз уларнинг асарлари завқи билан қотгани сир эмас. Энди сезиб турибмизки, ўша даврнинг ёлғон, ўткинчи туйғуларидан ўзимизни хийлагина тия олмаймиз. Одам меҳнат қилсагина камолотга эришади, меҳнатни севагина у ватанпарвар бўлади, деган бирёқлама ўйлар, қоғиб қолган бир фалсафа талай шеърлар ёзилишига туртки берган.

— Лекин сизнинг бир шеърингизда шундай сатрлар бор: «Шеърлятнинг кенгдир даргоҳи, Уфқ мавзу писандмас унга... Тик киради жангга, қуюнга. Қўрқитолмас дор, сиртмоқ чоғи, Таслим бўлмас дўққа, қувингга. Ҳақиқатдир ёлғиз оллоҳи». Сиз ўзингизни шу сўзларингизга бир текис амал қилганман, деб ҳисоблайсизми!

— Булар менинг шеърлятнинг ўрни қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги ўйларим. Лекин мавжуд сиёсат шеърлятни таслим қилган, тавбасига таянтирган эди. Оллоҳнинг ўзики инкор этилгандан кейин шеърлятни тўфонларга бошлаб бўлармиди? Шеърлят дегани аслида давр билан мунозарага кирадиган қудратдир. Афсуски, бунинг имкони йўқ эди. Овозимиз маълум бир сарҳад ичида қолиб кетди. Бу сарҳадни ёриб ўтаман деган Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповдек забардаст шоирларимиз ҳам қанча уқубат тортишмади. Биз-ку биз, аммо бу тузумга мутлақо дахлсиз яшаш, инсоний туйғуларни авж пардаларда куйлаган ҳазрати Навоийнинг асарларигача қайчиланди. Машраби мажзубнинг дилбар шеърляти неча йиллаб нашр этилмасдан ётди. Қодирий, Чўлпон, Фитрат ижоди билан яширинча танишишга мажбур бўлдик. Шундай улугларнинг ижоди тан олинмагандан кейин, адабиёт бутунлай ўзгача бўлиши ҳақида кўрсатмалар бериб турилгандан кейин бизлар нима ҳам қила олардик. Бизнинг шаклланаётган авлод Достоевский, Есенин, Блок асарларидан бебаҳра эди. Ҳатто жаҳон адабиётининг ўлмас асарлари сифатида тан олинган китоблар ҳам партиявий сиёсатимиз нуқтага назаридан қоралаб босиб чиқарилган экан.

Биз она юрт, она тили ҳақида қороз қоралаётганимизда миллатчи бўлишдан, мавжуд воқеаликка салбий муносабат билдиришда ватанга, халққа қарши бўлиб қолмасдан чўчиб, ижод этардик. Шу боисдан ватан, меҳнат ҳақида жўшиброқ ёзардик. Масалан, Москвада ўқиб юргананда ёзган шеърларимнинг бирида «Кремлнинг юлдузларига рўбарўдир менинг деразам», деган сатрлар бор. Бу топилмадан қанчалик қувониб юрганман. Чунки салафларимиздан бири Кремлни Кэббага қиёслаган эди-да. Муқаддаслаштириш, нурга интилиш ана шундай юзага келган. Иннайке-ини, бу сирадаги шеърларингдан икки-учта бўлмаса китобинг ҳам босилиб чиқмасди. Улар китобингнинг илк саҳифаларидан ўрин оларди. Бу ҳол ҳозир ҳам давом этаётир. Биз тенги қаламкашлар шу йўлдан бир қадам бўлсин, чекина олмадик. Доно «маслаҳатчиларимиз» эса бунга йўл кўйдирмасди ҳам. Лекин шунга қарамай, шеърларимизда меҳру муҳаббат, садоқат, самимият туйғуларини йўқ, деб бўлмас. Чунки биз учун ижод қилишнинг ҳам бирдан-бир мана шу йўли қолган эди.

#### — Ижодингизда меҳр-муҳаббат мавзунининг етакчи тус олиши шундан экан-да!

— Шарқ улуглари яратган адабиётдан англаган дунём шу бўлдики, бу мавзу шеърлятнинг юрагидир. Агар шу туйғудан бенасиб қолмаган бўлсак, бу ўстодлардан олган сабоқларимиздан-дир. Яна ёлғиз қолган дамларимда бу туйғуга илҳақ, маҳтал бўлиб яшадим. Мадақ кўлларига интизор яшадим. Шунданмикин, билмадим, бу ҳақда кўпроқ куйлагим келади. Меҳр-муҳаббат, вафо, умуман кўҳна адабиётимизнинг ажралмас хусусияти, сарчашмаси. Бу мавзуда ёзилган асарлар жамланса, қалин-қалин китоблар юзага келади. Лекин унинг таҳлили кам. Чунончи, бу туйғу

одамзод каби мангудир. Балки бу эътиқод улуг Навоий каби буюкларнинг асарларини, «Шоҳнома»ни ўқиганимда уйғонгандир. Айтолмайман. Шу мавзуни баъдий тадқиқ этишда ҳар бир қаламкаш ўзига мақбул ифода йўсинини танлайди. Ҳуқувчининг назарига тушишга ҳаракат қилади. Мен бунга қанчалик эришганман, бу ўқувчиларга ҳавола. Юртга, одамларга қўлингдан келган яхшилик, меҳру муҳаббатингни бағишлай олиш катта бахт. Бу ҳусусда «Она ер қўшиғи» деган дoston ҳам ёзганман. Аммо барча туйғуларимни қозога туширдим, деб айтолмайман. Бу мумкин ҳам эмас. Зотан, фарзандлик меҳри, она юрт туйғуси ижодкорнинг бир умрлик илҳом манбадир. Қайси бир юртларга бормай, она ватан ҳақидаги ўйларим, ёшлик таассуротларим қайтадан жонланади. Бунинг самараси ўлароқ сафарлар чоғида бир талай шеърлар ёзганман. Баъзиларидан унчалик қониқмайман, уларда мафтункорлик туйғуси етакчилик қилиб қолган. Айримларида эса манзаралар чизиш билангина чекланганман. Айтишим ўринлики, булар ҳақиқий маънодаги шеърга айланган эмас. Уларга каттароқ маънолар юклаш мумкин эди. Дарвоқе, жўғрофий номлар ҳам унга файз бермайди.

— Мен ижодингизни кузатарканман, воқеабандлик асосида битилган шеърларга ҳам дуч келдим. Воқеий шеър ва лирика орасида катта тафовут бор, чамаси.


— Бу саволни беришингиздан мақсад, бир оғиз маънили гапни ифода этиш учун узундан-узун бир воқеани баён қилиб берувчи шеърларни назарда тутаетган бўлсангиз керак. Ҳозир бу хил шеърлар негадир уричиб кетди. Тафовут ҳам шу ерда сезилиб қолди. Аслида, улар бир-бирини тақоза этади. Лирик шеърда воқеа, воқеий шеърда лирика жас-бажо бўлиши керак. Шу ўринда Навоийнинг «Кеча келгумдир дебон...» деб бошланганига машҳур ғазалини яна бир эслайлик. Қанча манзара, ҳаяжон, ҳолат, ҳаракат, алам, орзу, қўйингки, яна қанча туйғулар мужассам бу асарда. Сиз ошиқнинг изтиробли дардларига ҳамдам бўласиз. Томчида қуёш акс этгандай бутун бир инсоний ҳислар олами ўша ғазалда жам топган. Шеърдаги воқелик аслида ана шундай бўлиши керак. Ҳолбуки, куруқ воқеанинг ўзи у қанчалик қизиқ туюлмасин, бу хил кўламсиз ҳақиқий маънодаги шеър даражасига кўтарила олмайди. Шунинг ўзи-ку аслида воқеликка қўрилган, ҳам юксак даражада ҳис этилган лирика. Афсуски, ўзимнинг ижодимда ҳам шакл, маъно, ҳиссиёт, сезги, қиёс, топилмалар уйғунлашмаган, сўзнинг ҳаракатига кўпроқ ўрин берилмаган шеърлар бор.

— Жуманиёз ака! Сиз вақти-вақти билан ғазаллар ёзиб турасиз. Кўплаб форсигўй улугларнинг асарларини меҳр билан таржиима қилгансиз. Шунинг айтиш лозимки, бизда айни маҳалда, бу жанр анча оқсамоқда, ўз рангинини йўқотмоқда. Умуман, шоир учун ғазал ёзиш қийинми, ёки долғали даврнинг бутун манзараларини, нафасини беришда у ожизлик қиладими! Еки бу бизнинг кўҳна адабиётдан йироқлашганимиз оқибатими!

— Ҳамма гапни, замон шиддатини ғазалда бериш мумкин. Кўҳна адабиётимизнинг улкан намоёндалари бунга эришганлар ҳам. Аруз — шеърятимизнинг гўзал вазни, мусиқаси, санъатидир. Гап бу жанрда қандай қалам тебрата олишда. Уни янада сайратиш, ўзбек сўзининг жамики нафосатини ғазалга жоғ этиш мумкин. Унинг имкониятлари беқиёс. Эркин Воҳидов билан Жамол Камол арузда катта муваффақиятларга эришди. Аммо уларнинг маҳорат сирлари кенг ўқувчилар оммасига етказилган эмас. Умуман, ғазалчилигимиз ҳақида ҳам назарий, ҳам амалий йўсиндаги мақолалар керак. Яна тақорлайман, ҳали унинг очилмаган қирралари бисёр. Фақат қофия ва радифининг чегараланган сиртоғидан қутулиб чиқишимиз лозим. Шу ўринда ғазал жанрида яхши уринишлар қилаётган Матназар Абдулҳаким, Тоҳир Қаҳҳорнинг номларини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Қаники, у шеърятимизнинг яна етакчи жанрига айланса, ривож топса, камолга эришаверса. Аруз ўз мўъжизаларини кўрсатади, деган умиддаман. Ҳозир мени бир масала ўйланттирмоқда: арузни бараёнида кузатдимки, ҳар қанча кўп-кўп ёзган билан улардан намуна бўладиган бир-икки асар ёки эллик-олтмиш шеър қолар экан. Шу боисдан, минг шукрки, ўша китобни яратиш туйғуси қалбимни тарк этган эмас. Кейинги пайтда илгари ёзилиб, ҳеч қаерда эълон қилинмаган ҳамда янги шеърларимдан тузилган «Кўнгилдаги гўзал» деган китобим ўқувчилар қўлига етиб борар, деган ниятдаман. Бундан ташқари, Муқимий номидаги театр билан ижодий ҳамкорлики давом эттирялман. Яқинда уларга тўртинчи саҳна асарим — «Менинг оппоқ кабутарларим» деб номланган комедиямни топширдим. Бу аёл меҳнати, аёл тақдир ҳақидаги жиндай кулгили, жиндай аламли достидир. Унинг воқеалари эса шу кунлардан олинган. Яна бошқа яхши ниятлар ҳам бор. Чунончи, ҳаётда ўзини ўша турғунлик йиларида кўп жабру жафо чекканман, деб кўрсататган, аслида эса ўшанда ҳам бинойидек мартабада ишлаган кишиларнинг «аянчли қисмати» ҳам бир асар ёзишга ундайдигандай...

— Самимий сўхбатингиз учун раҳмат! Сизга ўқувчиларингиз номидан мустаҳкам соғлиқ, узок умр тилаймиз! Ниятларингиз ёр бўлсин.

Сўхбатдош Асқар ҲАЙДАРОВ



Иво Андрич,

Нобель мукофоти соҳиби (Югославия)

## ГАВДА

Оғир хасталик туфайли кўпдан бери тўшакка михланиб қолган бўлишига қарамасдан, Петар ҳазрат мабодо бирон-бир шинаванда топилгудек бўлса, ўз саргузаштларини бажонидил сўзлашга тушарди. Ҳазратнинг ҳикоялари қайси жиҳати билан тингловчини ўзига ром этарди — буни тушунтириш қийин. Унинг алланечук донишмандлик руҳи уфуриб турувчи ҳамма ҳикоялари, айни вақтда, кулгили ҳам бўлиб, қурғурнинг ҳар бир сўзи алоҳида жозоба касб этарди-да. Муҳими, Петарнинг сўзлаш йўсини ҳеч кимникига ўхшамасди, шу сабабли унинг ҳикоялари бошқаларникига қараганда мўътабарроқ мазмун касб этарди. Афсуски, эндиликда буларнинг бари абас бўлиб кетди.

Петар ҳазратнинг ҳужраси ҳар хил юрадиган, юрмайдиган соатлар билан тўла. Айримлари бир маромда тикиллар, маълум вақтда жом чаларди. Худди шу ерда қуроллар, қуролларнинг қисмлари; асбоблар, қандайдир майда-чуйда темир буюмлар ҳам уюлиб ётарди. Айтмоқчи, ҳазрат ўз ҳунарини мукаммал эгаллаган бўлиб, ёшлигиданоқ Қурол-соз лақаби билан машҳур эди.

Унинг ҳужрасидаги ғайритабиий ёғоч соат 11 марта жом чалди. Петар ҳазрат ўй сурганича соатнинг жом чалинишини тингларкан, атиги уч-тўрттагина китоб турган, шифобахш гиёҳ қайнатмаси аралаш ракия солинган шиша идиш, беҳи ва олмалар терилган жавонга разм содиб ўтирарди. Жомнинг сўнги жаранги тинмасдан Петар ҳазрат ўз ҳикоясини бошлади.

...Кичик Осиё бўйлаб сургунда юрарканман, кўпгина ғалати мўъжизаларни кўрдим, яхши-ёмон кунларни бошдан кечирдим. Албатта, чекимга кўпроқ кулфат тортиш тушган экан, зеро яшаш қисматимизга битилган бу осмон остида эзгулик сийрак учрайдиган ҳодисадир. Мен у ерда шундай бир одамни кўрдимки, у ёвузликка қўйилган тирик ҳайкал, инсоннинг бошига тушиши мумкин бўлган барча кулфатлар рамзи эди.

Биласиз, қуролсозликка анча-мунча дахлдор одамман. Буюмларни тузатишни болаликдан яхши кўраман, монастирда ҳам шу иш билан шуғулланганман. Қўл тегирмонлари, кулфлар, соатлар, милтиқларни тузатардим. Ҳамиша кимнингдир кунига ярардим. Яхши биласиз, бу дунёда ҳамма нарса эскиради-тўзади, яроқсиз ҳолга келади; бинобарин, биз янги буюм ясаганимизга нисбатан кўпроқ эскисини тузатамиз. Менинг усталигим Аккрада бир қур қўл келди. Қамоқхона назоратчисининг қаҳва туяйдиган ёрғучоғини тузатиб, чархлаб бердим. Қарабсизки, дарҳол машҳур бўлиб кетдим. Кейинчалик менга қамоқхонамизнинг бузуқ кулфларини тузатишни ишониб топширадиган, ҳатто шаҳарга ҳам чақирадиган бўлишди. Дастлаб туркларнинг шаҳар ҳокиминикига, кейин юмушимга эҳтиёж сезган казо-казоларникига ҳам қадам ранжида қилдим. Бир куни мени Чалабий Ҳофизникига таклиф қилишди. Уй бирон-бир кишиникига ўхшамаганидек, унинг соҳиби ҳам бировга ўхшамасди.

Шип-шийдам, сарғиш ранг тоғ этакларида жойлашган бу бутун бошли қаср узоқдан яшил кокил янглиғ кўринувчи қалин тўқай билан қуршаб олинганди. Каттакон дарвозадан ичкарига киргач, унинг атрофи баланд девор билан ўралган уй эканига ишонч ҳо-

сил қилардингиз. Қалъада тарашланмаган тошлардан тикланган минора, бир кўприк ҳам бор эди. Тўқай бағрида соя-салқин боғлар ва булоқлар яшириниб ётарди. Бундай кутилмаган манзара фақат Осиедагина учрайди. Сараевони тарк этганимдан бери чesmанин<sup>1</sup> шалдирашини эшитмагандим. Сувнинг шалдираши менга она тилидай қадрдон, тушунарли туюлиб кетди. Гўё ўзимни Осие қамоқхонасида эмас, Сараевода, монастырь ҳовлисидаги чesма ёнида тургандек ҳис қилдим. Қалъада улуғворлик ва бадавлатлилик излари сақланиб қолганига қарамасдан, ҳар тўқисда бир айб деганларидек, хароблик сезилиб турарди.

Қамоқхона кўриқчиси каминани афтига қараб ёшини билиб бўлмайдиган заҳил юзли, қарашлари сўлгин ва паст овозда гапирувчи кишига топширди. У мени тош зинапойлар бўйлаб, қандайдир йўллар орқали бир хил кулранг тошдан бунёд этилган совуқ, бўм-бўш хоналар оша узоқ вақт бошлаб юрди. Бино пишиқ-пухталиги билан диққатни ўзига жалб қиларди. Ниҳоят, биз ёғоч зиналар бўйлаб минорага чиқдик. У ерда каттакон соат бўлиб, бир кун олдин тўхтаб қолган эди. Ана шу соат туфайли мени қамоқхонадан бу ерга олиб келишганди. Соатнинг қопқоғини очишим билан гап нимадалигини дарҳол фаҳмладим. Венецияда тайёрланган соат механизмида ҳеч қандай қусур йўқ эди, аммо ғилофга ёмон жойлаштирилгани боисидан ичкарига нам кирипти. Бу ё грекнинг, ё арманининг иши экани аниқ эди. Улар бундай ишга ярамайдилар, зеро бу борада қаллоблик кетмайди.

Мен керосин, ўсимлик ёғи, уч-тўрт дона парранда пати ва эгов келтиришларини сўрадим. Қамоқхонада ўзим билан эгов олиб юришга ҳаққим йўқ. Ёш хизматкор буларнинг ҳаммасини келтирди-да, дарҳол кўздан ғойиб бўлди. Мени бошлаб келган бояги заҳил юзли киши эса ёнимда қолди. Соатнинг тағида қайсиямдир қаттиқ ёғочдан ишланган тахталар ётарди. Мен асбобларни шу тахтага ёйиб қўйдим. Тахталардан бири устига йўлбошловчим ўтирди.

Ёши бир жойга бориб қолган, ориқ, бели букчайган бу кишини энди яхшилаб кўриб олишим мумкин. Назаримда у қул эди, эҳтимол, кўп замонлардан, болагидан бери қулдир; сунг ислом динини қабул қилган ва озод этилган бўлса, эҳтимол.

У машҳур турк хонадонларида учрайдиган хизматкорлар тоифасидан эдики, асли кимлиги, қаерлик экани, хонадонда бажарадиган юмуши нималардан иборатлигини ҳеч ким билмасди. Ўз динидан, исму шарифидан, ҳаётидан воз кечган бундай кишилар ҳеч нарсага интилмайди — ҳолбуки атрофдаги жамики нарсалар ўзгаришда: одамлар туғилади, ўлади, уйланади — демак жамият ҳаракатда, улар шу ҳаракатни бошқарадилар. Уйдаги ҳақиқий вазиятни, бисотни, мулкнинг аҳволини, оилавий сир-асрорни, кимнинг нима билан нафас олишини улар бошқалардан кўра яхшироқ билишади. Ҳар кимса улардан хизмат қилишни, ёрдам кўрсатишни, маслаҳат беришни талаб қилади. Улар ҳаммага ёрдам қўлларини чўзар экан, ўзлари учун ҳеч нарса талаб қилмайдилар, сукут сақлайдилар, яна телмуриб турадилар. Ҳамма нарсадан воқифлик ва ҳай ҳарса талаб қилмаслик — уларга азалий муқофотдай... Қуллар ва хорижликлар, муғомбир яҳудийлар ва турклашган кишилар мана шунақа эдилар. Бундайлар кўпинча бадавлат хонадонларни бошқарадилар. Ҳамма нарсадан мосуво: уларда на ҳою ҳавас, на хўжайинларини қулликка солиб қўйган эҳтирос қолган. Бу хизматкор — дарҳол ҳис қилдим — хонадондаги ана шундай кимсалардан, хонаки бадкирдорлардан эди.

Соатнинг қопқоғини очиб, энгларимни шимардим, фикран чўқиниб, ишга киришдим. Мен сукут сақлайман, у ҳам жим. Кўзимнинг қири билан аста назар солдим: қарасам, соат тағидаги кичкина дарча оша пастга қараб турибди.

— Кўрдингми? — кутилмаганда турк мендан сўради.

— Йўқ, — жавоб бердим ишимдан бош кўтаришга журъат қилолмасдан. Мен ҳақиқатан ҳеч нарсани кўрганим йўқ эди, ҳатто у ёқ-бу ёққа ҳам қарашга ботинолмасдим. Кутилмаганда ҳарамдан битта-яримтаси чиқиб қолса нима бўлади деб қўрққандим-да. Турк ғаламис фикр юритяпти деб, менга айб қўйиши мумкин... Унинг нима хаёлга борганини қайдан билай? Айбситадиган бирон-бир иш қилганим йўқ, аммо баъзан арзимайдиган гап-сўз учун калтаклининг, ҳатто каллангдан жудо бўлишинг мумкин.

— Қарайвер, кўрқма, — деди турк, — у ерда хотинлар йўқ. Қарайвер, кейин сенга бир воқеани айтиб бераман.

Мен ишдан бош кўтариб, у кўрсатган томонга қарардим. Пастда, бизнинг тагимиздаги ҳовли юзига гилам тўшланган, гилам устида икки нафар қул ўтирипти — биттаси қорамағиздан келган, иккинчиси қурумдай қопқора. Уларнинг ёнида замбиллар, ёстиқлар ва дўмбиралар кўзга ташланади. Тошдевор ёнгинасида — унинг ортидан қуёш нурлари тушиб турган дарахтлар учи кўриниб турарди — на болага ва на кампирга ўхшаш, умуман, кимлигини билиб бўлмайдиган, сарғиш-кўкиш уст-боши ер билан битта бўлиб ётган одамсифат жонзот ўтирарди. Бошидаги оқ салласини демасангиз, на қўллари, на оёқлари бор — фақат гавданинг ўзи. Гавда жойидан қилт этмайди, фақат салласи силкинади, ғалати тарзда таъзим қилади. Худонинг ўзи кечирсин-у, худди Филипп Браважич ҳаз-

<sup>1</sup> Чесма — сув қувури колонкаси.

ратнинг ўзгинаси. Катта ҳайит муносабати билан ўтказилган ибодат чоғида руҳоний унга исриқ солаётгандай қайта-қайта таъзим қилгани-қилган... Билмадим, нега энди Филипп ҳазрат эсимга тушиб кетди? Худо унинг руҳини шод қилсин, майда гаплиги, афандилигини ҳисобга олганда оққўнғил одам эди, раҳматлик. Аммо турк фикримни бўлиб юборди.

— Тагимиздаги анави одамни кўрясанми? Бу — Чалабий Ҳофиз. Бир пайтлар Сурияни забт этган саркарда. У ҳақда бирон-бир гап эшитганмисан?

— Эшитмаганман. Бу жанобни ҳамиша парвардигор ўз паноҳида асрасин, эшитмаганман. Узоқ юртданман. Бу ёқларга яқинда келдим.

Турк менга таажжуб билан қаради, нигоҳларимиз илк марта бир-бири билан тўқнашди. Унинг кўз қарашлари азият чеккан кишиларникига хос бўлиб, бундай кўзлар фақат насронийлардагина бўлиши мумкин. У умрида Чалабий Ҳофиз ҳақида бир оғиз ҳам сўз эшитмаган кимсага — менга ҳайрат билан тикилди-да, мазкур гавда, унинг тақдири ҳақида ҳикоя қилиб берди.

У сўзларкан, мен ора-сира пастга, ҳовлига назар ташлардим. Қуллар ҳамон тош-тахта устида, сояда ўтиришар, девор ёнида эса Чалабий Ҳофиз — сариқ-яшил ипак либосга чулғанган гавда турарди. Соялар силжиган, қуёш нурлари юзига тушар, аммо у ҳамон қимирламасдан турар, фақат юзини буриб олган эди. Дастлаб у бошини баланд кўтарди — мен бу тақлид мағрур одамни умримда биринчи марта кўришим. Кейин, худди шамолни ҳидлаб, ҳавонинг авзойи бузилишини сезаётган ҳайвон каби бошини секинлик билан чапга, ундан сўнг ўнга ўгирди. Бу ҳаракати чарчаб, ҳолдан тойгунга қадар давом этди. Шундан сўнг бошини бир лаҳза эгди, кейин яна баланд кўтарди ва яна гоҳ ўнга, гоҳ чапга ўгирила бошлади. Минора томон буриларкан, унинг бамисоли пиширилган олмага ўхшаш юзини кўриб қолдим. Унда нафис чарм билан ўралган биргина улкан тиртиқни демасангиз, на бурун, на кўзлар, на лаблар, на соқол ва на мўйлов бор эди.

Ёнимдаги турк бўлса шошилиб, ҳаяжонланиб, тўхтовсиз гапирарди. Дастлаб ун-ғайсизландим: нега энди буларнинг ҳаммасини сўзлаб бермоқда? Аммо сал ўтмасдан тушундим: у менга эмас, ўзига-ўзи сўзламоқда эди. Юмушни бажаришда давом этарканман, унинг ҳикоясини бўлмадим. Фақат болғани қаттиқ тақиллатганимда ёки эгов билан баланд товуш чиқариб эговлаганимдагина турк бир лаҳзага жимиб қолар, нафасини ростлаб, мен эшитмай қолган ёки тушунмаган сўзларни такрорларди. Ҳақиқатан ҳам унинг ҳамма сўзларини тушундим, дея олмайман, чунки савол беришга ҳаққим йўқ, бунинг устига айрим сўзларни илғай олмадим, аммо гапнинг асосий маъзи нимада эканини фаҳмладим.

Туркнинг ҳикояси қуйидагича эди:

Уларнинг ота-боболари Сурияда ҳукмронлик қилишарди, аммо сўнги тўрт авлод узил-кесил Истанбулда ўрнашиб қолди. Шу ерда улар обрўли-эйтиборли имомлар бўлиб етишди. Тез-тез ғалаёнлар бўлиб турадиган Суриянинг ички вилоятларида тартибсизликка барҳам бериш учун у ерларга қўшинлар юборилди.<sup>1</sup> Бироқ қўшинлар тартиб ўрнатолмасалар, халқни бўйсунтиришга мажбур қилолмасалар, азоб-уқубат ва кулфатнинг ошишига сабабчи бўладилар, холос.

Чалабий Ҳофиз қўшинлар билан Истанбулдан чиқди. Бош қўмондон уни етти пушти мана шу вилоятдан бўлган қадимий уруғнинг вакили сифатида ўзига ҳамроҳ қилди. Нотинч ва даҳшатли замонларда тез-тез бўлиб турганидек, аскарлар аста-секин қоча бошладилар: ҳали ҳеч ким Суриядан яхшилик чиққанини кўрмаган. Бирин-кетин ҳарбий саркардалар қайтиб кетишди. Охири Чалабий Ҳофиз қўмондон бўлган биргина курон қолди, холос. У ҳамма бўйин товлаган ишни амалга оширишга қатъий бел боғлади, яъни Суриядаги кўзғолонни бостирмоқчи, у ердаги аҳолини султонга итоат қилишга ва ўзига бўйсундиришга мажбур этмоқчи бўлди. У ўз қўшинларига ёнидан ҳақ тўлар, уларни забт этилган вилоят ҳисобига боқарди.

Саркарда, энг аввало, бир пайтлари ўзининг уруғларига тегишли бўлган ерларни босиб олди. Ер эса исталганча эди, чунки Чалабий Ҳофиз қўшинлари яқинлашиши ҳамона ҳамма боши оққан томонга қочиб қолганди. Икки кун давомида босиб ўтиб бўлмайдиган масофадаги жойлар қонунларсиз, қозиларсиз унинг мулкига айланди. Одамлар ўзларининг мол-мулкларини ташлаб, жонларини қутқизиш билан овора эдилар. Бироқ Ҳофиз ҳамма нарсага қирон келтирар, ҳамма нарсани остин-устун қилиб ташлар, бамисоли овчилардек одамларни сайд этарди.

Ҳа, ўқишни тамомлаган, қадди-қомати расо, ҳалимдек юмшоқ, бадани мармардай оппоқ, қоп-қора кўзли, малла, деяри қизил қошли, мўйловли йигит бир юмалади-ю, курон бошлиғига, қонхўр ҳарбийга айланди-қолди. Ҳамма-ҳаммаси — ҳокимиятга қарши кўзғолонлар ҳам, кўзғолонни бостириш учун ясов тортиб келган мунтазам армия ҳам

<sup>1</sup> Сурия 1516 йилдан эйтиборан Усмонли турк салтанатининг чекка ўлкаларидан бири бўлиб, бу ерда марказий ҳокимиятга қарши тез-тез ғалаёнлар бўлиб турарди.

бирдан саробга айланди. Фақат икки нарса — Ҳофиз ва Суриягина эътиборда эди. У эса, Сурияни истаганича босиб, янчар, хонавайрон қиларди.

Ақлдан озган, қаттиқ жазавага тушган саркарда Сурияда Оловли Ҳофиз деган ном олди. Гўё тирик жонзотлар томонидан бунёд этилган ҳар бир буюм унга халал берар, жиғига тегарди. Йўлида нима учраса олов қўяр, яксон қиларди. Илдиз отиб кўклаган гиёҳ, олов оғушида ёнмаган тош унинг қаҳрини келтирарди.

— Мен Сурияда ёлғиз осмоннигина қолдираман, — дерди у. Дарҳақиқат, амалга ошираётган ишлари унинг сўзларига тўла мос эди.

Одамлар алам ичида ўз-ўзларидан сўрардилар: тортинчоқ, икки юзи нақш олмадай кип-қизил муллававчча қандай қилиб ситамгар ва қаттол илонга айлиниб қолди? Ахир осмону фалак ёнғилдан қизармаган кунни унинг уйкуси келмайди-ку? Қайси мактабда ўқиган, қайси китобларни мутулаа қилган? Бундай илмни қайси мадрасада ўқитадилар, ўзи? Бунчалик нафратни унга ким юқтирган? Куйдирувчи ва вайронагарчиликларга йўловчи алангани қаердан олди у?! Одамлар гарчи ўзларнинг саволлари беҳуда эканини, уларга ҳеч қачон жавоб ололмадикларини яхши билишса-да, яна такрорлар ва худога сизғардилар. Улар худодан ёрдам кутишмасди — у пайтда худо Ҳофиз томонида бўлиб, унга ялиниш беҳуда эди.

Одамлар, гарчи ўлим муқаррар эса-да, саҳрога қараб қочардилар. Ҳар ҳолда бу ўлим Ҳофизнинг суворийлари найзаларидан ҳалок бўлиш ва ёниб турувчи машъалаларда куйишдан афзалроқ эди. У ерда, саҳрода, сурияликлар кўминг кўчиши натижасида ҳосил бўлган ўрқачларнинг этакларида чуқур қавлаб, ўша ерда жон сақлашарди. Аммо ташналик ва очлик уларни кечалари воҳалар бўйлаб сув ва озиқ-овқат излашга мажбур этарди. Бу ерда эса, Ҳофизнинг кутиб турган одамлари уларни сувлоқда худди ҳайвонни ўлдиргандай ўлдиришарди. Сўқмоқларда ва ҳовузлар ёнида сувсаб келганларнинг тигдан ўтказилган жасадлари ётарди.

Орадан йиллар ўтди, Ҳофиз эса ҳамон Сурияни тиз чўктириш билан банд эди. Мамлакат аҳолиси қириб ташланиш арафасида турарди. Бошқаларни хонавайрон этиш эвазига бойлик тўплаб, уни кўпайтирган Ҳофиз мустаҳкам, муаззам қалъалар бунёд эттириб, уларнинг дарвозаларига катта-катта қулфларни осиб қўяр, бу қулфлар махсус калитлар билан очилар, дарвозаларни зил-замбил ёғочлар билан танбалатарди.

Буларнинг ҳаммасини сенга шунинг учун ҳикоя қилиб бермоқдаманки, бизда юз берган қонли воқеаларни кўз кўриб, қулоқ эшитмагани. У ҳаддидан ошар, ёндираар, чопар, осар, зўрлар, ўлпон йиғар — буларнинг ҳаммаси саркардага чўт эмасди; ҳеч ким ва ҳеч нарса: на оллоҳнинг қонунлари, на султоннинг ҳоқимияти, на эзилганларнинг кўз ёшларини нафратлари уни инсофга келтира оларди. Аммо кўрпсанми (бу сўзларни қул ҳижжаляб, салмоқ билан гапирдики, беихтиёр қўлларига қарадим, гўё у ростдан ҳам қўллари билан ниманидир тушунтирар, лаблари жонсиз пирпираар, кўзларининг ярим юмуқлигидан мен уни тиловат қиялпими, деб ўйладим), ҳар қандай азоб-уқубатнинг, ҳар қандай ёвузликнинг ўз кушандаси бор: ҳар ким ҳам жуда арзимас даражада бўлса-да, янглишиши мумкин. Ана шу янглишиш эса уни ўлдириш, беному нишон йўқ қилиб юбориш учун кифоядир. Уйлаб қарайдиган бўлсанг, ҳар бир киши ўз умрида, эҳ-ҳе, неча-неча марта янглишиш лаҳзаларини бошидан кечиради. Яна шуни ҳам ҳисобга олгинки, азоб чекаётган, аммо бир жойда турадиган одамга нисбатан бировни таъқиб этадиган ва мудом ҳаракатдаги одам кўпроқ янглишади. Одамлар Ҳофизнинг танобини тортиб қўядиган куч дунёда йўқ, унинг зўравонлиги ҳадсиз-ҳисобсиз, деб ўйлардилар. Аммо кунларнинг бирида у бир лаҳзага янглишиди: йўлда ҳолдан тойган, ўлаётган аёлга ҳамият кўрсатди. Фақат бир лаҳзагина у нафратланиш ва ўлдиришдан ўзини тийди. Бу эса, уни хароб қилиш учун кифоя эди.

Этимодли ва серфарзанд бир оила саҳрода яшириниб юрарди. Шуларни қувиб юриб, ўз куронидан ажралган Ҳофиз ўша ерда — кўзлари битиб қолаётган булоқ олдида ҳолдан тойган бир қизни кўрди. Қиз деярли шир яланғоч эди, унинг саҳро шамолида куйган оёқлари ва тиззаларидан қон сирқиб турарди. У лаҳза сайин қоқилар, йиқилар, олға силжишга мадори қолмаганди. Унинг шаҳло, лекин иситмаси баландлигидан қизариб турган кўзларидан нам чиқмас, қуёш нурлари куйдирган ёноқларида қотган кўз ёшлари жароҳатга ўхшаш қизғиш из қолдирган эди.

Қиз нигоҳини ердан узаркан, Ҳофизнинг қисқа, аммо дурадгор болтасига ўхшаш қиличини кўрди; қилич ва ҳарбийга разм солди-да, калима келтира бошлади: «Қулҳу олоҳу аҳад...» Дуони тез шивирлаб ўқиди. У энди ҳеч нарсадан кўрқмас, ўзини ҳимоя қилишни истамасди. Негаки у ўлик, фақат сўзлаш қобилиятини сақлаб қолганлиги таажубланарли эди, холос. Ҳофиз қизга ҳамла қилиш ўрнига, қучоқларини очди. Жанобнинг ортидан келаётганлар уни шу ҳолатда учратдилар.

Ҳофиз қизни ишончли жойга яшириш ва безовта қилмасликларини буюрди. Эркаларнинг олача тўнига бурканган қизни кечқурун уйига олиб келганларида, Ҳофиз уни ўз ҳарамига юборди.

...Буларнинг ҳаммасини тин олмасдан ҳикоя қилаётган қул соат тагидаги дарчага қараганича, жимиб қолди. Мен ҳам беихтиёр ўша томонга боқдим. Пастдаги қуллар оддийгина, аммо қалин матодан ясалган ёстиқ ва чойшаб солинган замбилни ҳозирлай

бошлашди: улар Ҳофизни ғўлага ўхшатиб замбилга енгил ва оҳистагина қўйишди, кейин куни кўтарганларича, зинапоялардан тушишди-да, кўздан ғойиб бўлишди. Турк уларнинг орқаларидан ачиниш, гангиш аралаш назар ташлади-да, ўрнидан кўзгалди. Назаримда, у ҳикоясини охиригача етказмасдан хайр-маъзурни ҳам насия қилиб жўнаб қоладигандек эди. Ҳайтовур нарвон ёнида ушланиб қолди. Гўё шу лаҳзада уни биров чакириб қолди-ю, шунинг учун зарур бўлган гапларни умумий тарзда бўлса-да, айтиб қолишга улгурмоқчидек, шоша-пиша ҳикоя қила бошлади.

Ҳикоя қиларкан, у менга мутлақо қарамас, гўё сўзларни ўқиётгандек, девордан кўз узмасди. Унинг сўзларидан жуда кам маъно уқдим, аммо бу ҳикоя аввалгиларига нисбатан ёрқинроқ, сербўёқ эди.

Бу хотин вақти келиб ҳараму Ҳофизнинг мулки, ҳатто унинг устидан ҳам ҳукм юргиза бошлади. Чалабий фақат ўша хотинга ишонар, агар ҳарбий юришга чиқадиغان бўлса, калитни унга ишониб топширарди: калитлар хусусидаги сурияча мақолни ё билмасди, ё унутганди. Ҳолбуки, бу ҳикмат ёш болага ҳам маълум. Агар қайғусиз яшашни истасанг — калитингни белбоғингдан ажратма; бор буд-шудингдан ажралмоқчи бўлсанг — уни энг садоқатли хизматкорингга ишониб топшир; ўлгинг келса — хотинингга қолдир...

Кунларнинг бирида, шунча йил бирга яшаганларидан кейин Ҳофиз ўз аскарлари билан уйга қайтаркан, ҳовлида уни қуролланган одамлар қуршаб олишди. Барча сарбозлари (фақат бир аскаргина қоронғида яшириниб, омон қолди) қилчидан ўтказилди. Ярадор бўлган Ҳофизни эса уриб-суриб отдан туширишди.

Бу Чалабий Ҳофизнинг кенг-мўл ва тўкин кошонасида мисли кўрилмаган машъум тун эди. Қамоқхонадан чиқариб юборилган ярим яланғоч, озгин, майиб-мажруҳ асирлар ҳамма ёқни талон-торож, нест-нобуд қилдилар. Ут қўйдилар. Ички ҳовлининг ўртасидаги кудуқ устунига уст-боши дабдала бўлиб кетган, ярадор Ҳофизни боғлаб қўйишди. Озод этилган қуллар ва ҳарам хотинлари аламларига чидолмай атрофда қутуришаркан, қўлларидоги пичоқ ва бошқа қуролларни ўқталишар, ланғиллаб ёнаётган, чарс-чурс қилиб мум томаётган машъалани унга силкитишарди.

Оломонга ўша суриялик, Чалабий Ҳофизнинг сеvimли хотини раҳнамолик қиларди. Аёл ўч олиш учун қулай фурсат кутиб, йиллар давомида режа тузганди. Ҳофиз ҳали кўзларидан жудо бўлмаган экан, қуйидаги манзарани кўрди: дунёдаги энг азиз ва энг яқин илк марта раҳм-шафқат ҳиссини қўзғатган, ишонган ягона аёл унинг атрофида қутуриб изғир, жазавага тушар, қаҳр-ғазабга тўлганча оғзидан боди кириб, шоди чиқарди. Бадбахт хотини уни ўлдиргани қўймади — бу ерда ҳамма ана шу азозилга буйсунарди — эрининг азоб чекканини ўз кўзи билан кўришни истарди. Унинг қўлларини, оёқларини синдиришди. Ловуллаб турган машъала билан савалашди.

Шу пайт кутилмаганда тун қаъридан от дупури эшитилди: қочишга улгурган аскар Ҳофизнинг акасини юз берган воқеадан огоҳлантирган эди. У бир неча суворий билан шу даражада тез елиб келдики, маст-аласт, овқат еяверганидан бўкиб қолган, қон тўкиш ва ўч олишдан чарчаган бадкирдорлар қуролланган туркларнинг каттакон курони келмоқда, деган гумон билан жуфтакни ростлаб қолишди.

Арқон билан чирмаб ташланган Ҳофизнинг ёнида суриялик аёлгина қолди. Биринчи бўлиб яқинлашиб келаётган суворий уни ушлагунча ёки қилич билан чапиб ташлагунча бўлмай, аёл ёниб турган машъала билан бир неча марта Ҳофизнинг башарасига урди. Машъалани ўз ҳўжясининг юзига босиб ўчирди. Айни ҳудди шу лаҳзада чавандоз қиличи зарби билан аёлни ҳалок қилди.

Ҳофизнинг акаси Собит дарҳол тартиб ўрнатди. Тонг отганида у ғалаёни бостирди — ҳарам хотинларини, хизматкорлар ва озод этилган асирларни ушлади ёки ўлдирди. Чеккароқдаги бинолардан бири ёниб, кул бўлди. Энг учқур арғумоқ минган суворийлар табиб қидириб, ҳар томонга ўқдай учиб кетишди. Чалабий Ҳофиз эса бўм-бўш ҳарамда ҳушсиз, мажруҳ ҳолда ётарди.

Қисқасини айтганда, унинг ҳаётини сақлаб қолишди, аммо у ҳозир кўрганингдек, мудҳиш аҳволга мажму этилганди. Унинг акаси мамлакатда қиладиган ҳамма ишларини ташлаб, бу ерга, денгиз соҳилига кўчиб ўтди. Оловли Ҳофиз, Қанотли Ҳофиз қуруқ гавадага, ғўлага айланди. Акасининг меҳру шафқати унга жон бағишлаб турибди, холос. Тақдир уни қўллардан, оёқлардан, кўзлардан жудо қилди, ўзи эса «чурқ» этиб оғиз очмайди. Шу тақлидда унинг кунлари ўтади. Фақат парвардигори оламнинг ҳавосидан пича нафас олади, соатнинг ҳар ўн беш дақиқада жом чалишига қулоқ солади. Сурияда эса...

Ногоҳ кимдир чапак чалди, қул ўз ҳикоясини чала қолдирганича, кўксимга туртиб қўйди. Бу билан у ҳикоя ниҳоясига етди, ишингни давом эттиравер, демоқчи эди. Узи эса, шошилганича зинапоядан пастга туша бошлади.

Соатни тузатиш учун анча вақт сарфладим. Ишни ниҳоясига етказиб, текшириб кўриш учун бир неча марта жом чалдирдим, кейин мени қандай олиб борган бўлсалар, шундай олиб келишди, аммо на Чалабий Ҳофизни, на қулни қайта кўрдим. Қайсидир бир кўса ўспирин мени соқчига топширди.

Маълумингизким, орадан кўп сувлар оқиб кетди, аммо Аккрадаги соат минораси-

дан туриб кўрганам ва эшитганим воқеаларни унута олмайман. Шунга қарамасдан, кўп нарса менга қоронғилигича қолди. Заҳил юзли букри турк ким эди? Балки у хонавайрон бўлган суриялик оилалардан бирининг вакилидир? Балки у туркларнинг динига кирган собиқ кофирдир? Балки унинг ота-онаси ислом динини қабул этгандир? Нега у юз берган воқеаларни менга эҳтирос билан ҳикоя қилиб бергани ҳолда анави насроний маҳбусга оғиз ҳам очмади? Эшитганларимнинг ҳаммаси ҳақиқатмикин ёки қул бирон-бир нарсани ўзгартириб, ўз ёнидан қўшдимикин? Балки у ҳақда бир тахта ексик<sup>3</sup> иборасини қўллаш жоиздир?

Уша воқеаларни эслаб, Чалабий Ҳофизни ёдга оларканман, ўзимга шу саволларни бераман: «Ёки буларнинг ҳаммаси тушимда юз бердимикин? Бунақаси, сирасини айтганда, тушга ҳам кирмайди-я...» Бироқ нима ҳам қила олардим? Бу ҳодиса сайёрамизнинг Осиё қитъасида юз берди. У ўлкада бундан ҳам бешбаттари юз бериши мумкин. Шу кўйга тушган ҳар бир тирик жонзот бир умр ўз-ўзидан сўрайди: қандай қилиб ва нима сабабдан бу воқеа юз берди? Ҳеч ким бу саволларга на жавоб тополади ва на бирон-бир нарсани жўяли тушунтириб бера олади. Бу ўлкада саволлар жавобсиз қолади ва унутилади. Жуда кўп қабилалар ва халқлар шу тақлидда яшайдилар. Чекинга тушса чекчайма, деганлар. Вассалом. Мен ҳам бирон нарса дейишдан ожизман, фақат бот-бот ўзимдан-ўзим сўрайман: Чалабий Ҳофизнинг кейинги тақдири нима кечди экан? Парвардигорнинг қаҳрига учраб, даҳшатли қиёфа касб этган бу жонзот тирикмикин? У мен инсоф билан астойдил тузатган улкан соатнинг жом чалишини эшитаётганмикин?

Чалабий Ҳофизни тез-тез тушимда ҳам кўриб тураман. Бундан бир неча йил муқаддам, бетобланишимдан аввал мен уни худди ўнгимда кўргандек бўлдим. У соппа-соғ, бақувват эмиш, қўллари ҳам, оёқлари ҳам бус-бутун; келишган, барно бу турк йигити сал ташвишли, маъюс кўринди; худонинг ўзи кечирсин-у, худди жони маҳшаргоҳдан<sup>4</sup> чиққандай, ибодат қилишга ташна эмиш.

Ҳар гал тушимдами, ўй-фикримдами, Чалабий Ҳофизнинг қиёфаси намоён бўлиши ҳамоно мен ўзим билан Аккра қамоқхонасида ётган ўртоғимни эслайман. У мен билан тўрт ой бир камерада ётди, кейин қочишга муваффақ бўлди. Эшитишимча, рус кемасига мол юклаётган юкчиларга аралашиб кетиб, кўздан йўқолибди.

У христиан мазҳабига ливанлик бўлиб, касби хаттотлик эди. Биз унга Қораёзижи деб ном бергандик. Ҳақиқий исмини билмасдим. У аллақайси арманиларнинг илтимоси билан Истанбулга, туркларга малол келадиган афвномами ёки шунга ўхшаш бир нима ёзган. Ҳолбуки, бундай қилмаслиги керак эди. «Қалам, — дерди у, — мени зиндонга солди». Ҳамма бадкирдорлар қамоққа олинди, шундай ҳукм чиқарилди: бу ишга раҳнамолик қилганнинг боши танидан жудо қилинсин, мактубни ёзганнинг эса қўли кесилсин!.. Арманилар бошларидан жудо бўлишди. Мирзонинг эътиборли ҳамюрти уни узоқ муддатли сургунга юбориб, бунинг эвазига дўстининг қўлларини сақлаб қолди. Мирзо ҳамиша ўнг қўлини камарига суқиб юрар, гўё уни йўқотган-у, кейин топиб олган қимматбаҳо буюмдай эъзозлар, тушида тез-тез қўлини чопиб ташлаётганларини кўришини, уйғонганидан кейин ҳам илки узоқ муддат зирқираб оғришини менга ҳикоя қилиб берарди. Кечаси шам ёнида ўз қўлига раҳми келиб йиғлаётганини ҳам кўп кўрганман. Бу одам фақат кундузларигина гаплашарди. Кеч кириши билан нафис яхтагига ўраниб олар, менга тикилганича, гапларимга қулоқ солар, ўзи эса чурқ этмасди. У худди қасам ичгандек тонг отгунига қадар зўр бериб сукут сақларди. Ғалати, аммо ақлли одам эди, у. Гапни-ку, қийворарди. Гапирганига нисбатан кўп нарса билишини унинг кўзлари айтиб турарди.

Бир куни мен унга кўрган-кечирганларим, Ҳофиз ҳақида сўзлаб бердим. Ахир инсон ўз сирларини кимгадир ишониб айтиши керак-ку! Мен ундан жавоб тариқасида шундай сўзларни эшитдимки, буни ҳеч қачон унутмасам керак.

— Ҳа, — деди у, — турк демаганинг шунақа бўлади. Уни қиймалаб ташлагин, ўшанда ҳам ҳар бир бўлаги алоҳида яшайверади. Баданидаги сўнги заррагача жон таслим қилмайди, бус-бутун турк қайси томонга ҳаракат қилса, ўша томонга силжийди ва судралади. Чўқинган одам эса, бамисоли шиша: унинг бир ерига урганинг заҳоти чил-чил бўлиниб кетади. Қани кейин уни бир жойга тўплаб кўр-чи?


Петар ҳазрат, одатда, Чалабий Ҳофиз ҳақидаги ҳикоясини шу сўзлар билан тамомларди.

Рус тилидан **Шерали СОКИН** таржимаси

<sup>3</sup> Унинг бир қайнови ичида (туркча).

<sup>4</sup> Маҳшаргоҳ — католикларнинг эътиқодича, жаннатга киришдан олдин ўлганларнинг жони покланадиган жой.





## ҲАРИРИЙ МАҚОМАЛАРИ

Ўрта аср араб адабиётида биз «мақома» атамаларини кўплай учратамиз. «Мақома» сўзи араб тилида энг қадимий даврдан буён мавжуд бўлиб, у «туриш жойи» деган маънони билдиради. Дастлаб қабилаларнинг йиғилиши, кейинчалик эса бу йиғилишларда олиб бориладиган суҳбатлар шу сўз билан атала бошланди. Кўчманчи бадавийлар муҳитидаги гулхан атрофида бўлиб ўтадиган кечки суҳбат одати кейинчалик ўтроқ турмушга ўрганган аҳоли ҳамда сарой аҳли ҳаётига ҳам кириб борди. Қабилалар ўртасидаги тўқнашувлар, машҳур қаҳрамонларнинг жасоратлари ҳақида ҳикоя қилинадиган бу гурунглarning мавзу доираси арабларнинг дунё тарихидаги мавқеи ортиши ва бошқа халқларнинг маданий ютуқлари билан танишиши орқали кенгая боради.

Халифалар ҳузуридаги ана шундай суҳбатларнинг иштирокчилари юқори маълумотли бўлганликларидан улар турфа ҳангомаю латифалар ҳикоя қилибгина қолмай, тил ва адабиёт, дин ва ахлоқ мавзуларида баҳс-мунозара ҳам уюштирар эдилар. Чуқур билим, сўзга чечанлик, ўткир зеҳнлилик, ҳозиржавоблик юксак шараф бўлганлиги боис фақир, лекин билимдон одамлар мана шу фазилатлари орқали кун кечириб учун бирор нарса касб этиб, «амир ал-мўминин» ҳузурида ва унга тақдид қилувчи майда феодал ҳокимларнинг сояи давлатларида паноҳ топишлари мумкин эди.

Араб адабиётида шаклланган мақома жанрида тенги йўқ ва моҳир сўз устаси деб икки муаллиф — Бадиуззамон Ҳамадоний (969—1007) ва Абу Муҳаммад Ҳаририй (1054—1122) тан олинади.

Мақома жанри машҳур адиб Ҳаририй ижодида ривож топди. Ҳаририй ўз асарларини яратишда Ҳамадоний услубига эргашади. Ҳаририй мақомаларининг бош қаҳрамони — Абу Зайд ас-Саружий (саружлик; Саруж — Икки дарё оралиғининг шимолидаги шаҳар) илмли, абжир ва айни пайтда қашшоқ дайди сифатида тасвирланади. Улардаги воқеалар сайёҳ савдогар Алҳорис ибн Ҳаммом тилидан ҳикоя этилади, у бир шаҳрдан иккинчи шаҳарга сафар қилар экан, қаҳрамоннинг навбатдаги қилмишига шохид бўлади. Искандария мақомасида ҳикоя қилинишича, Алҳорис бир нотаниш шаҳарга келиб, энг аввало «қийин аҳволда қолганда таянчга эга бўлиш, ёрдамидан фойдаланиш, мусофирликда шаҳар ҳокимлари тазйиқидан хориж бўлиш мақсадида» шаҳар қозиси билан яқиндан танишишга интилади. У қайси шаҳарга бормасин, албатта уни тақдир Абу Зайд билан рўпара қилади: Абу Зайд ҳар сафар турли қиёфада, турли хил касбда пайдо бўлиб, адабий сўзга усталиги ва шоирона маҳорати билан одамларни ўзига мафтун этади. У ўз мақсадига эришиш учун айёрликдан, ҳатто ёлғончиликдан ҳам қайтмайди, йўлда учраганларни ўз тузоғига туширишга ҳаракат қилади. Алҳорис унинг қилмишларини қораласа-да, лекин кўнгли унга мойил бўлиб қолади, узоқ вақт кўрмаса туролмайдиган ҳолга тушади. Абу Зайд шўхлик ва яхшиликни, андишасизлик ва олийжанобликни мужасамлаштирувчи, соддадил, қув образдир. Унинг табиатида Хўжа Насриддин ҳақидаги латифаларнинг шаклланишига маълум даражада таъсир кўрсатган араб халқ латифаларининг қаҳрамони Жўҳо характериға хос хусусиятларни учратиш мумкин. Унинг мақсади — «бор-йўғи ёғли нонга эга бўлса-ю, тўну чопон совға олса, у шаҳрдан-бу шаҳарга сафар қилишга ёнида ҳамён бўлса». Абу Зайд ўзининг мустақил ҳаётини жуда қадрлайди. «Мароғ» мақомасидаги мажлисда Абу Зайд фасоҳат фани инкирозга учраётгани ҳақида қайғуриб гапирётган ҳамсуҳбатларининг илтимосига кўра юрт амири номиға бир рисола битади. Унда нуқтали ҳарфлардан иборат сўзлар нуқтасиз ҳарfli сўзлар билан кетма-кет алмашиб келади. Абу Зайднинг юксак маҳоратиға қойил қолган амир унга юқори лавозимни ваъда бериб, саройға тақлиф қилади, лекин Абу Зайд бу тақлифни рад этади:

Саргардон ҳаётим қашшоқ, беватан,  
Афзалдир менинг-чун озод руҳ ва тан.

Қадим замонлардан буён араблар юксак сўз санъати билан фахрланиб келадилар. VIII—XII асрларда ўрта аср араб маданиятининг гуллаб-яшнаган даврида, эллинистик

фалсафа таъсири остида сўз санъати алоҳида аҳамият касб эта бошлайди. Ўрта аср араб файласуфлари фикрича, инсоният жамиятининг оқилона асосда шаклланишида нутқ муҳим ўрин тутган. Шу боисдан араб адабиётида сўз санъатига катта эътибор берилади, бадий ифода услуби эса асрлар давомида сайқалланиб, жумлалар мутавозин шаклда тузилиб, турли хил хат ва товуш безаклари билан бойитилиб борилади.

Мақомалар с а ж ь — қофияли насрда ёзилган. Унинг ҳар бир жумласи кўплаб метафора, ўхшатиш, мувозана (параллелизм), муболаға, киноя, мақоллар ва Қуръондан кўчирмалар билан бойитилган. Бу хилдаги асарлар муаллифлари ҳикоя қилиш жараёнида араб тили луғат бойлигидан кенг фойдаланиб, сўз ўйини ва араб ёзуви хусусиятларини моҳирона қўллайдилар.

Шу жиҳатдан ҳам мақомалар қаҳрамони — ёлғончи ва шумгина эмас, балки юксак маълумотли шахс, у фикҳ, шариат, сарфи наҳв, нотиклик, назм соҳаларида чуқур билимга эга бўлган моҳир шоир ва нотик ҳамдир. Унинг нутқи хоҳ назмий бўлсин, хоҳ насрий, мақомаларнинг юқори нуқтасини ташкил этади.

Ўрта аср араб адабий танқидчилари мақомаларни нафис адабиёт намунаси сифатида юксак баҳолаб, Ҳаририй асарларини бу жанрга асос солган Ҳамадоний мақомаларидан ҳам устун қўядилар. Европа шарқшунослари Ҳаририйнинг мақомалар яратишда мазмунга эмас, балки шаклга катта эътибор берганлигини, тилининг ўта жимжимадорлигини таъкидлайдилар.

Араб адабиёти тарихи манбаларида хабар қилинишича, Ҳаририй мақомаларининг бош қаҳрамони Абу Зайднинг ҳаётий прототиби бўлган. Ҳаририй бир дарбадар дарвешнинг ўткир зеҳни ва ҳозиржавоблигидан илҳомланиб, «Ҳарамия» мақомасини ёзади. Бошқа маълумотларга кўра, Абу Зайднинг прототиби басралик тилшунос олим бўлиб, ундан Ҳаририй таълим олган ва унинг ҳикоялари асосида ўз мақомаларини яратган.

Асар қаҳрамони Абу Зайд энг аввало бой савдогарлар, қозилар ва ҳокимлар образига қарши қўйилади. Абу Зайд уларни фақат алдабгина қолмай, балки бундай шахсларнинг золимлигини ва адолатсизлигини фош этади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, Ҳаририй мақомалари унинг замондоши бўлган ҳамюртимиз машҳур аллома Маҳмуд Абулқосим Замахшарий (1074—1143) ижоди ҳам салмоқли таъсир кўрсатган. У Ҳаририй ижодини юксак баҳолаб шундай дейди: «Ҳаририй мақомалари ҳақиқатан ҳам ипак саҳифаларга зарҳал ҳарфлар билан ёзмоқликка лойиқдир». У кейинчалик анъанага айланган Ҳамадоний ва Ҳаририй асарларидан фарқли ўларок, бу жанрга янги йўналиш беради. Замахшарий мақомалари илмий қадриятга ҳам эгаки, улар ўрта аср тарихи, ислом қонунчилиги ва тилшунослик каби бошқа соҳаларда жиддий манба вазифасини ўтайди.

Ҳаририй мақомалари XIX асрга келиб бир қанча Европа тилларига таржима қилинди. Булар орасида француз шарқшуноси Сильвестр де Саси, немис арабшуноси Фридрих Рюккерт ҳамда инглиз олимлари Пристон ва Теодор Ченериларнинг таржималари китобхонлар томонидан илиқ қарши олинган эди. 1987 йили совет шарқшунос олимлари В. М. Борисов, А. А. Долинина ва В. Н. Кирпиченколар томонидан Ҳаририй мақомалари рус тилига афдарилиб нашр этилди.

Уқувчилар эътиборига жаҳон адабиётининг дурдоналаридан саналмиш Ҳаририйнинг баъзи мақолаларини ҳавола этар эканмиз, биз таржима жараёнида асл нусхадаги қофияли наср — с а ж ь хусусиятини сақлаб қолишга, мазмунга путур етказмасликка ҳаракат қилдик.

Муртазо САИДУМАРОВ

## Икки динор ҳақида мақома

Алҳорис ибн Ҳаммом ҳикоя қилади:

— Кунлардан бир кун дўстлар билан бир даврага йиғилдик, марвариду маржонладек бир шодага терилдик. Мажлис бошлаб бу даврада зўр суҳбатга берилдик. Мушориклар<sup>1</sup> бу йиғинда ноўрин гап этмас эди, айтилганлар бу мажлисдан ҳеч бефойда қайтмас эди. Биз бу даврада мушоира қилар эдик, турфа ҳикоялар сўзлаб ҳазил-мутоиба қилар эдик.

Тўсатдан олдимизда жулдур кийимда, оқсоқ бир шайх пайдо бўлиб сўз бошлади:

— Эй қариндошу яхшилар, башоратли бахшилар! Омон-эсон бўлингиз, шоду хурам яшангиз! Ҳаётингиз лаззат бўлсин, нонуштангиз шарбат бўлсин. Энди менга қаранглар: дўсту ўртоқ менга доим ёр эди, чунки у пайт от-уловим бор эди, бойу бадавлат

<sup>1</sup> Мушорик — иштирок этувчи, қатнашчи.

эдим, хайру эҳсон қилардим. Еру сувим мўл эди, дову дарахт бор эди. Уйу жой, иморат ҳам соз эди, доим тўйу базм эди. Дастурхоним тукин-сочин эди, менинг қўлим ҳаммага очик эди.

Фалакнинг гардиши айланиб атрофимни қора булут қоплади, қайғу алам болади. Меникига қора офат келди, сўнг кетидан кулфат келди. Ғаму ғусса тўйдирди, ҳасад ўти ёндирди. Шундай қилиб уйим куйиб қолди, ҳовли-жойим бўшаб қолди. Фоний дунё манбалари тугади, масканим ҳам узоқ бўлди. Қолмади на биронта қариндош, ётар жойим энди бўлду тоғу тош.

Давру даврон ўтди, қўлдан давлат кетди, яқинларим йиғлади, юрак-бағрим доғлади. Қозик ҳам бўшаб қолди — оту улов йўқ энди, ҳасадгўйнинг раҳми келди. Нотиқ ҳам нобуд бўлди, сомит ҳам барбод бўлди, маърайдиган қўйу қўзи йўқ энди, янграйдиган олтин-қумуш йўқ энди. Яхши у ёқда турсин, ёмоннинг ҳам, ичи қора одамнинг ҳам менга роса раҳми келди. Бешафқат тақдир, бағритош фақирлик соч-соқолни оқартирди, қурук суякни томоғимга тикилтирди. Эҳтирослар чўкиб кетди, очликдан ичаклар торайиб кетди. Ёвғон пиширишга ўт ёққани ертўлага тушамиз, меҳмон келишини эшитсак, хижолатдан васвасага тушамиз. Қадам босган яланг оёғимизга тикан кирди. Охирги марта гўшт еган кунимиз эсдан чиқди. Қазойи қадарни кутиб тоқат тоқ бўлди, вақту соат келиши ҳам узоқ бўлди.

Қани менинг халоскору шифокорим? Борми ўзи бу дунёда менинг дардимга дармоним?! Ё раб, номинг билан қасам ичиб айтаманки, мени Қайла<sup>2</sup> авлодидан яратдинг, ахийри фақирликка қаратдинг, йўқчиликка дучор айлаб, мазлум этдинг, тунашга бошпа-надан маҳрум этдинг!

Алҳорис ибн Ҳаммом айтади:

— Эшитганлар у бечора қарияга раҳми келиб ўйга толди, мени унинг бурролиги ҳайратга солди. Ҳамёнимдан олиб бир динор, дедим унга қилиб ихтибор<sup>3</sup>:

— Агар битсанг бунга шеърини мадҳия, бўлур сенга у бутунлай ҳадия.

Шайх шеър битди шу заҳоти — филҳол, унда йўқдир бир бегона ниҳол:

Омон бўл, юрт кезиб соҳиб каромат,  
Нур сочиб, жилолан, товланиб, яшнаб!

Тилла динор сернақшсан ва гулдор,  
Қўрганлар қувонар, кўзлари яшнаб.

Эрусан ғалаба ва омад гарови,  
Обрўйинг, шуҳратинг эса беҳисоб.

Гўёки инсоний юракдан яралиб  
Жалб этарсан барчани ёниб, ловуллаб.

Ёлғизга бўлиб сен туғишган биродар  
Эганга берурсан бахт ва тожу тахт.

Амирларга бахш этдинг қудрат ва савлат,  
Қурдирдинг иморат ҳамда кенг давлат.

Сен бўлмасанг бўлурлар ҳокимлар расво,  
Сен бўлсанг даврада ғам бўлмас асло.

Қудратинг туширур ойни осмондан,  
Чиқарур асирни қора зиндондан.

Гуноҳимни кечса яратган тангрим,  
Бу дунё жиловни қўлингда дердим.

Шундай дея у шеърини тугатди, сўнгра менга ўнг қўлини узатди: — Ваъдага вафо қил, эй олийжаноб! Эр сўзидан қайтмас, чақмоқ бўлмаса, ёмғир ёғмас!

Мен унга бир динор ташладим ва дедим: «Ма, ол! У сенга ҳалол». У дарров тиллани оғзига солди, «Оллоҳ барака берсин» деб дуо қилди. Сўнг этагин қоқди, кетишга тайёр бўлиб йўлга боқди. Шунда менинг қарияга ҳурматим ошиб кетди, яна ҳам ҳимматим тошиб кетди. Кўрсатиб бошқа динор, дедим унга: — бу ҳам сенга бўлур ҳадия, фақат қилсанг уни аччиқ аския. Мен сўзимни тугатмасдан шеър бошлади у бир зум ҳам ўтмасдан:

<sup>2</sup> Қайла-Қайла бинт Ал-Арқам — Жанубий Арабистондаги ғассонийлар қабиласининг вакили, Мадинадаги деҳқончилик билан шуғулланган аус ва ҳазражлар ҳам шу қабиладан келиб чиққан.

<sup>3</sup> Ихтибор — синаш, текшириб кўриш.

Қуриб кет, лаънати сариқ мунофиқ,  
Икки юзли динор, беор, бетавфиқ!

Кўзларга икки хил товланиб, қаллоб,  
Одамларни доим алдайсан, каззоб.

Инсонга суюкли бўлдинг, сен сабаб  
Яратгувчи унга бўлди дарғазаб.

Сенинг-чун ўғрининг қўли кесилди,  
Бечора қарздор судхўрдан эзилди.

Сен сабаб бахилнинг уйида меҳмон,  
Бехос келганидан қилади армон.

Ҳасадгўй ўқрайиб солади назар,  
Софдил одамлар-чи қилади ҳазар.

Қийинчиликда сен бермайсан ёрдам,  
Ёмонлик келтириб ҳар доим, ҳар дам.

Сенга ишонганлар кўрур кўп жафо,  
Чунки сен қилмайсан эганга вафо.

Ким сени «йўқол» деб отса тасанно,  
Айтаман, чунки у оқилу доно!

Мен унга сўз қотдим:

— Чуқур экан сенда илму маърифат, селдек куйдинг, ўткир сўзу ҳамда фасоҳат!  
У менга деди:

— Шартни бажар энди!

Мен унга иккинчи динорни узатдим, Оллоҳни ёд этишни эслатдим. У тиллани оғзи-  
га ташлаб қўйди, аввалги шеригига кўшиб қўйди. Сўнг даврада аҳли мушоирага кўп илиқ  
сўз айтди ва сафар халтасини олиб йўлга қайтди.

Алҳорис ибн Ҳаммом ҳикоя қилади:

— Шу пайт кўнглимдан бир гап ўтгандай бўлди, олдимиздан худди Абу Зайд кет-  
гандай бўлди, нега қадам босади оқсоқланиб, авайлаб, бу қилиғи ўзичадир, эҳтимол, дея  
йўлдан қайтардим уни атайлаб:

— Мен сени бурро-бурро тилингдан таниб қолдим, гумон билан қадамингга назар  
солдим. Қаддинг туггин, нега чўлоқ бўлдинг? Жавоб этгин!

У деди:

— Агар бўлсанг ўша Ҳорис ибн Ҳаммом, соҳиби эҳтиром, биз сени қилурмиз иззату  
икром.

— Ҳа, мен, — дедим, — ўша Алҳорисман, юртдан-юртга кезувчи отлиқ-форисман,  
хўш, ўзингнинг коринг қалай, ҳолинг қалай? Кечаётган куну айёминг қалай?

— Э, ҳолу аҳвол кундан-кунга озади, тўқчиликдан йўқчиликка чопади.

— Нега ўзингни чўлоқликка солдинг? Бундай кўйга қандай қилиб тушиб қолдинг?  
Абу Зайд ғамгин бўлиб ўйга ботди, хайрлаша туриб шеър билан менга сўз қотди:

Мен ўзим хоҳишсиз бўлибман оқсоқ,  
Ниятим яхшилик эшигин қоқмоқ.

Ризқ учун ҳар кўйда бўлибман зоҳир  
Безанжир, бекишан, мен ҳур мусофир.

Айёрлик, маккорлик юрган йўлимда  
Қуролим бурролик менинг тилимда.

Айб деб айтсалар бу қилмишимни,  
Мен эса оқлайман қилган ишимни:

Қуръонда муқаддас сўз-ла худоим  
Чўлоқда гуноҳ йўқ деган у доим!<sup>1</sup>

## Шероз мақомаси

Алҳорис ибн Ҳаммом ҳикоя қилади:

— Дарбадарлик қилган давру давронда, бўлган эдим мен Шерози Эронда. Сайр

<sup>1</sup> Чўлоқда гуноҳ йўқ... — Куъоннинг 48-сура 17-оятига кинояли ишора, бу оятда айтилишича, кўрлар,  
чўлоқлар ва касаллар муқаддас уруш — жиҳодда иштирок этмасликлари мумкин.

қилиб у гулзору гулшанда, бир мажлисга келиб қолдим ўшанда. Унда суҳбат алангаси порлар эди, йўловчини ўз бағрига чорлар эди. Мен у ерга қарамасдан ўтолмадим, у суҳбатдан умид узиб кетолмадим. Мажлис томон қадам босдим ва суҳбатга қулоқ солдим. Мақсадим бу мажлисда ҳар ҳикматни уқиш эди, дур-гавҳардек, марвариддек ҳар бир сўзнинг мағзини ҳам чақиш эди. Бу мажлиснинг суҳбат аҳли ўз илмида ягонадир, айтилажак ҳар бир калом дурдонадир, тингловчига ҳам сабоғу, ҳам фойдадир. Шундай қилиб, ҳозир бўлдим бу мажлисда — тану жоним яйрар эди. Сўзловчилар булбул каби сайрар эди. Ҳа, бу суҳбат мисоли бир лаззат эди, сомиё учун ҳам кимизу шарбат эди.

Шу пайт даврамизда ғариб бир шайх пайдо бўлди, кўриниши, кийим-боши жулдур эди, ўзи эса девонаи шайдо эди. Аҳли мажлис ила сертакаллуф ширинсухан саломлашди, ўтирганлар жавоб қилиб қарияга тинчлик тилашди. Шайх ўтирди даврада қуриб чордона, қўлин очди у дуога зоҳидона:

— Оллоҳумма, ҳар инсонинг уйини сен чароғ қилгин, билиб-билмай қилган гуноҳидан фароғ қилгин!

Ўтирганлар у шайхнинг йиртиқ-ямоқ кийимидан жирканишди, худди улар кўп ҳикматли мақолни ҳам унуттишди: эр кишини кўриниши — уст-боши безамайдир, балки саломидир безайдиган, унинг қалби ҳамда тилу каломидир. Улар сўнгра суҳбатда давом этдилар, ўйлаб-нетмай шайхга ҳазил гап отдилар. Шайх эса жавоб қилиб сўз айтмади, жамоага у ўзини танитмади. Кутиб турди, қулоқ солди, эшитди хўп. Улар гапин ўйлаб кўрди, хаёл қилиб тарозида чамалади (эр йигит имтиҳонда синалади). Разм солди кимнинг тоши оғир, кимники енгил қолди. Ва ниҳоят, ҳунарини ишга солди, бамисоли у кўлига камон билан тирдон олди — жамоага қараб деди:

— Эй одамлар, сўрғичланган кўзадагин билсангиз, мазасидан қиттаккина тотсангиз, унда асл қирмиз шинни, қолмас эди ҳақоратга, уятга ҳам дер эдингиз насиб қилсин у бизга то охиратга.

Сўнг адабнинг манбаларин тафжир этди, латифаю ҳикоялар тафсир этди. Ҳар сўзида шайх ҳам гавҳару дур айтарди, котиб бўлса бу сўзларни зарҳал билан қайд этарди. Унинг лафзи ҳам сухани жамоани жам айлади, ўтирганлар юрак-бағрин ром айлади.

Бироздан сўнг шайх ўрнидан турди, кетишга ҳаракат қилди. Ўтирганлар дарров унинг этагига ёпишди, кеткизмаслик учун ҳам елишди, ҳам чопишди. Сўнг шайхга қараб сўз қотишди:

— Сен бизга найзангни намойиш қилдинг, эй сардор, бўлайлик биз энди қобиғингдан ҳам мағзингдан хабардор.

У худди аразлаган мисол бироз сукут қилди. Раҳм кутган каби нола-фарёд қилди. Ровий айтади:

— Мен билдимки, бу ўша Абу Зайд эди, унинг гапи билганга ҳазил, билмаганга чин эди, фириб билан қўшгани мис билан олтин эди, бир сўзи рост бўлса, иккинчиси ёлғон эди. У бу ҳунарга доимо эди устаси фаранг, сўз камони эса ҳар вақт эди таранг. Мен шайхнинг қиёфасин ўзгарганига назар солдим, ундан тер аралаш нохуш ҳид келаётганини сезиб қолдим.

Ҳа, у худди ўша Абу Зайд эди, лекин мен унинг сирини ошкор этмадим, дардимни ичимга ютиб макрини фош этмадим.

У оҳ-нолаю йиғисидан тўхтади, мен унинг кимлигини билганимни пайқади. Мен томонга кулимсираб қаради, сўнг сохта йиғи билан шеър бошлади:

Ё раб, кечиргин сен, гуноҳим оғир,  
Кўтаролмай қаддим буқилди охир,  
Давраларда мадҳ этилган бокираю покизалар,  
Оҳ, қўлимда нобуд бўлди у бечора ожизалар.  
Айбим учун ё хун, ёки товон тўламай  
Ҳалок қилдим мен уларнинг ворисини ўйламай.  
Бу гуноҳда айбласалар менинг ўзимни,  
Тақдир экан бу деб айтдим сўзимни.  
Қон тўқишда давом этдим кўрқмасдан, токи  
Ўчиб ёнган кўнглим ўти, сўнгунча хоки  
Сўнг кўрсатиб кексалик ҳаёт йўлимни  
Қайтарди бу ишдан нопок қўлимни.  
Энди эса оқ сочим ҳаққи ҳурмати,  
Ҳаётим мазмуни — шулар хизмати  
Энди сизлар гувоҳ бўлиб турибсизлар,  
Мен бир фақир, аҳволимга боқинг сизлар.  
Каминангиз бир нозанин бокирани ўстиради,  
Ёши ўтиб у бечора уйда кутиб ўтиради.  
Ёши ўтиб, ўзи қариб ўтираркан у бечора,  
Не қилай мен, камтаргина узатишга йўқ-да чора.  
Ёронларим, шунинг учун бир юз динор етмаяпти,  
Бу қўл ожиз бир дирҳам ҳам топмаяпти.

Қани энди менга нажот қилса, яхшилар,  
Ул қизил юз жононага мен тўй қилсам яхшилаб.  
Ёрдам қўлин чўзса менга мард, олийжаноб,  
Қайғуларим йўқ бўлса, айна муддао,  
Тирикман уни доим қилай мен дуо!

Ровий айтади:

— Жамоада унга ёрдам қўлини чўзмаган одам қолмади, ҳамма кўнглидан чиқарганча хайру эҳсон, инъом айлади. Шайх ниятига эришиб бўлгач, ҳамени танга-чақа пулларга тўлгач, ўз кўнглида деди: «айни муддао» ва қилди дуо. Сўнг тўла хуржунин олиб мисли девона, келган томонига қараб бўлди равона.

Мен дарров тушдим унинг изига, кўп қизиқдим у яширган қизига. Бошим қотди: ёшлигида у кимларнинг қонин тўкди, энди эса қай жононни тарбиялаб белин букди. Не сабабдан нобуд бўлди бокираю покизалар, не сабабдан барбод бўлди қари қизлар — ожизалар. Шайх фаҳм айлади шошганимни, қизиқишу билишга роса тўлиб тошганимни. Менга яқин келди, тушун деди:

Ҳалок қилдим деганим — мудом ҳазил, азиз дўстим,  
Мен қатлда ўткир ханжар ёки қилич ишлатмадим.  
Бокиралар деганим — қизлар эмас олийжаноб,  
Узум қизи асли улар — эски май, ўткир шароб.  
Унинг билан ичи тўла, сўрғичланган кўзадир,  
Оғзин бузиб тўккан қоним аслида чин бўзадир.  
Синглисидир уларнинг сақлаганим узатишга  
Пул олганим тўйга деб — дастурхонни безатишга.  
Азизим, тушунгил, қилма маломат,  
Қоралаб сен мени, мақсадим — роҳат!

У қилган қаззоблигин эътироф этди, сўнг менга қуйидаги сўзларни айтди:

— Сен андишали одамсан, мен эса шаробхўру баттолман. Орамизда фарқ катта, йўлимиз бошқа-бошқа.

Мен билан хайрлашиб илиқ назар ҳадя этди, тез-тез қадам ташлаб келган йўлига кетди.

---

## Ҳинд донишмандлари ҳаётидан

— Бефойда нарса нима? — деб сўрашди бир донодан.

У шундай жавоб берди:

— Амалга ошмайдиган ишлардан умид қилиш бефойдадир.

\* \* \*

Бир ҳинд донишманди айтди:

— Узини ҳам, ўзгаларни ҳам қийнайдиган одамларнинг беш тоифаси бор: бошқаларга ақл ўргатувчи нодон, беҳуда нарсаларни орзу қилиб юрувчи хаёлкаш, ҳеч ким билан маслаҳат қилмайдиган ҳукмдор, қўлидан келмайдиган ишларга уринувчи мақтанчоқ, шоҳ хизматидаги хиёнаткор.

\* \* \*

Бир донишманд деди:

— Яши шароб соғлиқни мустаҳкамлайди. Пойдевор уй учун қандай хизмат қилса, шароб ҳам соғлиқ учун шундай хизматдадир.


\* \* \*

Бир ҳинд донишмандидан сўрашди:

— Эрсиз аёл нимага ўхшайди?

Донишманд жавоб берди:

— Сувсиз дарёга.



## Ёчимини Кутдѳтмдн муаммолар

Обиджон Жуманазаров

### ХАС КЕМА БЎЛОЛМАЙДИ

Наманган шаҳар темир йўл вокзали. Бу ерда ҳар куни турли юмуш ёки саёҳат баҳонасида поездда олис-яқин манзилларга отланган йўловчиларни кўришга ўрганиб қолишган. Озода кийинган, қўлларига жомадон тутган йўловчилар кўзлаган манзилларига тезроқ етиб боришни хоҳлайдилар, яқин қадрдонлари билан самимий хайрлашиб, шошганча вагонга интиладилар.

Шаҳар вокзалининг бугунги манзараси эса бироз ўзгачароқ. Кузатувчилар орасида мункиллаган чоллар, кампирлар, хотин-халаж ва болалар кўп. Аксариятнинг қиёфасидан ташвиш чекаётгани сезилиб турибди. Атрофда кўклам қулф ураётганига қарамасдан йўловчилар қишлоқ кийимларини кийиб олишган. Ҳар бирининг қўлида зилдек жомадон ва қоплар.

— Узингни эҳтиёт қилгин, болам, юпин юрма. Овқатга пулни аяма, совуқ кучини овқат кесади,— кампир ота-онасини ташлаб кетаётганидан кўнгли хижил ўғлига насиҳат қилади.

— Тез-тез хат ёз,— дейди оппоқ соқоллари кўксини қоплаган отахон.— Болаларингни қолдириб кетсанг бўларди, ўзингни қийнамасдан.

— Сизларни уринтириб қўйишади,— дейди юзлари дала офтобиди қорайган йигит отасининг бу гапига жавобан.— Борадиган жойимиздаги шароитга болаларнинг эртароқ кўниккани маъқул. Тепловоз чинқириги эшитилади. Вокзал майдони тўзгиган ари уясидек баттар гувиллади.

— Омадингни берсин, болам,— шу пайтгача ўзини босиб турган кампир пиққиллаб йиғлаб, ўғли, келини, набираларини бир-бир бағрига босиб хайрлашади.

Йўловчилар юкларини наридан-бери кўтариб вагонга интилдилар. Поезд аста ўрnidан кўзгалиб, вокзалдан узоқлаша бошлади. Ҳозиргача бугунги сафарни ажойиб саёҳат, эртакнамо саргузашт деб тушунган аёллар ва болалар қаёққа кетишаётганликларини энди англаб етишгандек, вагон деразаларидан маюс термулиб, қўл силкай бошлади. Олис Россиянинг ноқоратупроқ ерларида янги тузилган жамоа хўжалиги ва давлат хўжаликларида ишлаш учун вилоят меҳнаткашларининг навбатдаги отряди шу тариқа жўнаб кетди.

— Биз Россиянинг Киров вилояти меҳнаткашлари билан ўзаро дўстлик алоқаси ўрнатганмиз,— дейишди бизга Наманган вилояти меҳнат ресурсларидан фойдаланиш бўлимида.— Ҳар икки вилоят социал-иқтисодий планларни бажаришда бир-бировларига ёрдам бериб келишмоқда. Жумладан, биз қардошларимизга ишчи кучларидан ёрдам бераёلمиз. Бу тадбир дўстларимизга маъқул бўлмоқда, бизга эса бўш ишчи кучларини иш жойлари билан таъминлаш соҳасидаги тағлиқликни бироз бартараф этиш имконини бермоқда. Одамларимизга узоққа кўчиб борувчилар учун давлат томонидан бериладиган имтиёзлар маъқул келмоқда.

Бир жиҳатдан бу гапларда ҳам жон бор. Советлар диёрининг халқлари азалдан қондош, жондош бўлиб, қўлни-қўлга бериб яшаб келишяпти. Жумладан, кейинги ўн йилда Ўзбекистон ноқоратупроқ зонанинг ҳувиллаб қолган қишлоқларига қайта ҳаёт бахш этиш соҳасида яхши ёрдам кўрсатиб келаяпти. Бу ишда айниқса жумҳуриятимизнинг меҳнаткашлари фаол қатнашмоқдалар. Фақат 1988 йилнинг ўзида Намангандан 1240 киши ана шу мудроқ ўлкага йўл олишди. Якка тартибда ишлаш истагини билдирган 1000 кишига йўлланма берилди. Бу йил яна 206 оила кўчирилиши керак. Хўш, бу кишилар у ерда қандай кўтиб олинади? Яхши меҳнат қилишлари ва яшашлари учун дуруст шарт-шароит яратиб бериладими?

...Яқинда анча йил илгари ноқоратупроқ ерларга бориб меҳнат қилишга отланган Норин ноҳиясилик қурувчи йигит Турсунбой Ҳамроқулов билан учрашиб қолдим. Яхши мутахассис бўлган бу йигит илгари «Наманганводстрой» трестида ишлар, коллективда яхшигина обрў-эътибори бор эди.

— Ҳа, новгородлик йигит, сафар тугадими? — дедим у билан учрашганимда.

— Аллақачон тугаган. Қайтганимга тўрт йилдан ошди. Икки йил пашшага таландим. Охири сабр косам тўлди-ю, бор-э, деб қўл силтаб орқага қайтдим.

— Сизлар Россиянинг қайси вилоятида бўлдинглар?

— Новгород вилоятининг Парфино ноҳиясига бориб тушдик. Намангандан борган қурувчиларнинг ҳаммасини «Парфинводстрой» трестига қарашли участкага ишга қўйишди. Бизда саратон кирганида у ерда баҳор бошланар экан. Ҳаво ғоят намлигидан ҳарорат 25 даражадан ошганидан кейин нафас олиш оғирлашади, сал жисмоний ҳаракат қилсангиз танангизни жиққа тер босиб

кетади. Ҳавода булут пайдо бўлиши билан ёмғир шивалай бошлайди. Тупроққа нам тегиши билан аталага айланади. Бундай шароитда машина у ёқда турсин, трактор зўрға юради. Икки йил мобайнида қишин-ёзин оёқдан резина этикни ечишнинг иложи бўлмади.

Новгородда Турсунбой Ҳамроқулов билан бирга меҳнат қилган Рустам Абдурахмонов дўстининг сўзларини давом этказиб шундай деди:

— Биз ўрнашган Пала қишлоғи ноҳия марказидан 72 чақирим олисда эди. Қаёққа қараманг, ботқоқлик, кимсасиз дашт. Эгалари қаёқларгадир кўчиб кетган, ҳувиллаган қишлоқлар.

Ноқоратупроқ зонага жўнашдан олдин «Наманганводстрой» трестиде инспектор бўлиб ишлаган Собиржон Йўлдошев шундай эслайди:

— Олиб кетишадиганда катта ваъдалар қилишганди. Камида участка бошлиғи лавозимида ишлайсан, 700—800 сўм маош оласан дейишганди. Борганимиздан кейин ваъдалар ёлғон бўлиб қолди. Ўрта Осиёнинг барча жумҳуриятларидан одамни тиқиб ташлашибди. Олий маълумотли бўла туриб 8 ой ғишт терувчилик қилдим.

Анджон вилоятининг Шаҳрихон шаҳридан бориб, ноқоратупроқ ерларнинг «шарбатини ичган» Маъруфжон Камолов эса бундай деди:

— Ёш эканмиз, ноҳия комсомол кўмитасидан таклиф этишса, у ёқларда бизни жаннат қутаётганидек суюниб йўлга тушибмиз. Ҳаммасини бориб кўрдик. Ҳатто ётоқхонанинг ҳам тайини йўқ. У ердагилар: «Биз Ўрта Осиёга боролмасдан армондамиз. Ёшларимизнинг кўпчилиги аллақачоноқ сизлар тарафга кетиб қолишган, сизларга бу ерда нима бор?» деб қулишди. Шароити ғоят ночор. Бир ярим-икки метргача қор ёғади, ҳафталаб ишга чиқишнинг иложи бўлмайди. Меҳнат қилмасангиз, ким сизга ҳақ беради? Саккиз ой яшаб офтоб нуридан елкам исимади. Кўпчилик касал бўлиб қайтди. Уша ерда уйланганларгина қолишди. Ҳайронман, раҳбарларимиз бизни иш топиб бериш баҳонасида олис юртолрга ҳайдашгунча, шу ерда бир иложини қилишса бўлмасмикан? Ҳар бир инсон ёшлик куч-қуввати, ғайратини она тупроғига тўккани маъқул-да.

Ҳа, «Ноқоратупроқ зонани ўзлаштиришга қардошлик ёрдами» деган дабдабали шиор билан пардаланган, шаҳар вокзалларида карнай-сурнай садолари остида, зўр тантана билан ташкил этилаётган тадбирдан қутилган асосий муддао эса тилга олинмайди. Очиқчасига айтганда, маҳаллий ташкилотлар ишга яроқли кишиларнинг барчасини ҳам меҳнатга жалб этишнинг уддасидан чиқишяпти, деб айтиш қийин. Колхоз ёки совхоз даласида бир ой саратон офтоби остида ишлаш эвазига қўлга тегадиган 70-80 сўм маош эса ўрта мактабни битирган ёки армия хизматини тамомлаб қайтган ёшларни қониктирмайяпти. Бу табиий, албатта. Ахир шугина маош билан йигит қачон пул жамғариб уйланади-ю, қиз бола турмушга чиқади? Тўйни қўятурайлик, бир килограмм гўштининг бозор баҳоси 7-8 сўм бўлган шароитда бу пул билан рўзгор тебратишнинг ўзи амри маҳол. Ҳолбуки, биз болалиқдан ёмонлашга ўрганганимиз капиталистик мамлакатларда, хусусан, Америка Қўшма Штатларида ишсизларга бериладиган нафақа бизда каттагина маош оладиган ишчининг ойлик иш ҳақига тенглиги эндиликда ҳеч кимга сир эмас.

Тўғри, партия, совет ташкилотлари меҳнатга яроқли аҳолини иш билан таъминлаш борасида бир қатор тадбирларни амалга оширишга уринмоқдалар. Халқ депутатлари Наманган вилоят кенгашининг ўтган йили бўлиб ўтган сессиясида «2000-йилгача вилоятнинг маъжуд меҳнат ресурсларидан омилкорлик билан фойдаланишнинг комплекс дастури» қабул қилинган эди. Шунга мувофиқ қатор sanoat тармоқлари кенгайтирилди. Уй бекаларини ижтимоий фойдали меҳнатга тортишнинг қулай усули — уй касана меҳнати фабрикалари очилди. Ҳозир Чуст бадий буюмлар фабрикаси ихтиёридаги ана шундай ишлаб чиқаришда 1300 дан кўпроқ аёл иштирок қилмоқда. Косонсой ва Наманган шаҳридаги бадий буюмлар фабрикалари қошида ҳам ана шундай ишлаб чиқариш ташкил этилди.

Болалик аёлларни ижтимоий меҳнатга тортишнинг бу усули маиший хизмат кўрсатиш соҳасига ҳам тобора кенгроқ жорий этилмоқда. Бугунги кунда вилоят бўйича уй-меҳнат фабрикаларида ишлаётганлар миқдори 4600 нафардан ортиб кетди.

Вилоятда кооперативчилик ҳам ривожланмоқда. Меҳнатнинг бу усули маиший банд бўлганлар бугунги кунга келиб ўн минг кишидан ортиб кетди. Аҳолини иш билан таъминлашнинг бошқа йўллари ҳам қидирилмоқда. Бу муаммога вилоят XVIII фирқа конференциясида алоҳида эътибор берилди. Жумладан, вилоятни ўн учинчи беш йилликда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига биноан 60 та sanoat корхонаси қуриш ва қайта жиҳозлаш кўзда тутилган. Бу корхоналарнинг асосий қисми кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаради. Натижада қўшимча 26 минг кишини ижтимоий меҳнатга тортиш, 280 миллион сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти юзага келади. Жумладан, ҳозир вилоятда 4,75 минг тонна пахта толаси қайта ишланаётган бўлса, беш йиллик охирига бориб бу рақам 25,8 минг тоннани ташкил этади.

Ҳозир Тўрақўрғон ва Янгиқўрғон ноҳияларида трикотаж-тикув фабрикалари қурилиши давом эттирилмоқда. 1991 йилда бу корхоналар ишга туширилиши билан яна икки мингдан зиёд кишини ижтимоий меҳнатга тортиш учун шароит яратилади. 1990-1992 йиллар мобайнида аввалги 4-пахта тозалаш заводи ўрнида йилига 5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадиган қандолатчилик фабрикаси иш бошлайди. Наманганда янги гўшт комбинати, костюмбоп ва пальтобоп матолар комбинати қуриш, сут комбинатини кенгайтириш, «Электротерм» бош корхонасини қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилди.

Наманган қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи асосида термос ишлаб чиқарадиган, йилига 30 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхона ташкил этилади. «Алгоритм» заводи филиалида мактаблар учун ҳисоблагич машиналар ишлаб чиқарилади. Тўрақўрғон ноҳиясида 300 киши ишлаши мумкин бўлган мебель фабрикаси қурилади. Бир марта ишлатиладиган тиббиёт ниналари ишлаб чиқарадиган корхона бунёд этилади.

Аmmo бу тадбирлар барибир ишсизлик муаммосини тўла ҳал этиш имконини бермайди. Дўппини ерга қўяйлик-да, қуйидаги рақамлар маънафини чақайлик: вилоят аҳолиси бир ярим миллионни қоралаб қолди. Унинг тенг ярмига яқини ёки 703 минг нафари меҳнатга яроқли. Ҳозир эса вилоятда 550 минг киши ишлаб чиқаришда иштирок этмоқда холос. Бугунги кунда вилоятда аҳолининг 15 фоизи ишсиз бўлиб, бу Фарғона водийсидаги қўшни вилоятларга ҳамда жумҳуриятдаги ўртача кўрсаткичга солиштирганда анча кўпдир. Гарчи бу рақамнинг ярмини уй-рўзгор юмушлари



билан банд бўлган аёллар ташкил этади, деб фараз қилганимизда ҳам, барибир аҳвол ташвишлар-нарлидир.

Яқинда Тўрақўрғон ноҳиясидаги илғор колхозлардан бирига йўлим тушди. Пахта ҳосилдорли-ги бўйича водийда етакчи ўринлардан бирини эгаллаган бу ҳўжалик раҳбари билан суҳбатлашар-ганман, ҳозиргача ҳўжаликда оила пудрати усули жорий этилмаганлиги сабаби билан қизиқдим.

— Наҳотки, ҳамма ерда қарор топаётган бу усул сизларга маъқул келмаса, ёки бошқа бир сабаблари борми? — дедим раисга.

— Саволингиз маъносини тушунапман,— деди раис мулоҳаза билан.— Фалончи колхозчи-миз оиласи билан ер олиб ишлаб, шунча даромадга эга бўлди. Еки ҳўжаликда фалонча иш ўрнини қисқартириб, шунча маблағни иқтисод қилинишига эришдик, деб кўкракка уриб гапиришни ҳамма раҳбар ҳам хоҳлайди. Лекин оила пудратини жорий қилиш орқасида ишчи қолганлар тирикчи-раҳбар ҳам хоҳлайди. Бизнинг ҳўжалигимиздан вилоят марказигача 30 километр. Ноҳия марказидаги биттагина қуруқ мевалар заводи хом ашё етарли эмаслигидан ишлаб чиқаришни қисқартираяпти. Бусиз ҳам қишлоқнинг 12,5 минг аҳолисидан кўпи билан бир ярим минг колхозда ишлаб кун кечираяпти. Қолганлар ҳар қаёққа қатнаб меҳнат қилишяпти.

Бу фикрни Янгиқўрғон ноҳиясидаги Киров номли давлат ҳўжалиги директори Собиржон Тўй-чибоев ҳам маъқуллагандек бўлди:

— Ҳар қандай янгилик қай даражада фойдали ва илғор бўлмасин, кўпчилик манфаатига зиён етказмаслиги, одамларни ранжитмаслиги керак. Зероки, партия инсон омилига эътибор бериш зарурлигини беҳуда таъкидламаяпти. Қишлоқ ҳўжалигида оила пудрати шундай муҳим тадбирлар сирасига киради. Аммо ер резина эмаски, уни истаганча чўзиб, сўраган одамга бераверсанг. Шу-нинг учун ҳам биз бу усулни ҳўжалигимизда аста-секин жорий этиб, бекор қолаётганларни иш билан таъминлашга эътиборни кучайтираяпмиз. Ноҳиямиздаги тегишли ташкилотлар билан кели-шиб, тикувчилик кооперативи ташкил этдик. Пиллачилик пудратга тортилмаганлар зиммасига юклатилди. Бундан ташқари, деҳқончилик ишлари тифиз ойларда бекор қолганлар пудратчилар томонидан мавсумий меҳнатга жалб этиляпти. Ҳўжаликда аҳолига пуллик хизмат кўрсатишни ривожлантирмоқдамиз. Яқинда ёғоч тилиш цехи кенгайтирилиб, эшик, ром, бошқа дурадгорлик буюмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Тўрақўрғонлик илғор раис ачиниб билан тилга олган қуруқ мева заводининг аҳволдан ҳа-бардорман. Аввало, шундай корхонанинг Фарғона водийсида ташкил этилиши гоят хайри ишдир. Мазкур корхона шарофати билан серқуёш жумҳуриятимиз боғларида етиштирилаётган мевалар-ни мамлакатимизнинг турли бурчакларига, ҳатто чет элларга ҳам жўнатиш имконияти туғилди. Айниқса корхонада қуруқ меваларни қолиплаш борасидаги ўзгаришларни табриклав керак. Бу борада ишнинг сифатида ҳам, салмоғида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Қуритилган мева-ларда қадоқланиб, савдо ташкилотларига жўнатиляпти. Корхона иш бошлагандан бери ўтган йиллар давомида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Ишлаб чиқариш қуввати тўрт баравар ортди. Еки завод фойдаланишга топширилган 1973 йилда 2300 тонна маҳсулот ишланган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 10 минг тоннага етди.

Сунги йилларда полиз ва сабзавот маҳсулотлари ҳам кенг ассортиментда қайта ишланмоқда. Зираворларни, қизил ва булғор қалампирларни, яқиндан эътиборан пиёзни қайта ишлаш муваф-фақиятли равишда ўзлаштирилди.

Хуллас, бир қарашда ютуқлар салмоқли, ҳамма иш жойидаги ўхшайди. Аммо вилоят маркази яқингинасида қуруқ мевалар заводи бўлгани ҳолда дўконларда туршак анқонинг уруғига айлиниб кетди. Кўплар қатори бу ҳол мени бефарқ қолдирмади. Тўрақўрғонда бўлганимизда корхона ди-ректору Абдуҳалил Давлатовдан бунинг сабабини сўрадим.

— Йўқни йўндириб бўлмайди,— деди директор тажанг бўлиб.— Корхонамиз олмаётган хом ашёни қандай қилиб қайта ишлаб чиқариш мумкин?

Аниқлашимизча, заводда 1988 йил давомида бир кило ҳам туршак ишлаб чиқарилмаган. Утган йили ҳам бу борадаги ишлар талаб даражасида бўлмади. Бобокалонимиз Абу Али ибн Синонинг уқтиришича, бу меванинг хоҳ ҳўлини, хоҳ қуруғини истеъмол қилиб юрган одамнинг юраги бир умр оғримас экан. Урик етиштириладиган маскан мамлакатимизда асосан Ўзбекистон, жумҳурия-тимиз миқёсида эса Фарғона водийси бўла туриб, ўрик тайёрлаш бўйича режалар муттасил бажа-рилмаяпти. Андижон, Қашқадарё, Самарқанд вилоятлари гўё мева тайёрлашнинг бу турини уни-тиб қўйишмоқда. Пахта планини назорат қилувчилар сон-саноксиз. Бироқ гал мевага келганда кўл силтаб қўя қолишади.

— Бу ўринда фақат ҳўжаликларни айблаб бўлмайди,— дейди Давлатов.— Биринчи навбатда режа ва нарх масаласини қайта кўриб чиқмоқ даркор. Акс ҳолда тармоққа қизиқиш сусаяди. Қола-верса, бу ҳўжалик ҳисоби принципларига ҳам зиддир. Қуруқ мева негадир ҳўл мева топшириғига кирмайди. Тўғрироғи, ишлаб чиқариш планига киради-ю, тайёрлаш топшириғи якунида ҳисобга олинмайди. Бу адолатсизликдир.

Директорнинг мулоҳазасида жон бор. Юқори давлат режалаштириш ташкилотлари ҳамон жойлардаги шарт-шароитни ҳисобга олмай иш юритмоқдалар. Бу борадаги мустақиллик қоғозда қолиб кетмоқда. Нега дейилганда, боғлар тобора камайиб, шунга мувофиқ мева етиштириш оза-қойиб бораётган вазиятда Тўрақўрғон қуруқ мевалар заводи жамоаси учун белгиланган режалар тобора кўтарилиб бормоқда. Ҳўжаликлар мева топширмагач, 11 минг тонналик режа қайси манба-лар ҳисобига бажарилади?

Ишлаб чиқариш ҳажми қисқаргач, ўз-ўзидан ишчи кучига бўлган талаб ҳам камаяди. Шундай экан, бу кўнгилсиз ҳўлнинг олдини олиш учун ноҳия, вилоят ва жумҳуриятдаги тегишли идора ва ташкилотлар зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқишса, иш билан банд бўлган кишилар кўчада қолшларининг олдини олиш масаласи билан астойдил шуғулланишса бўлмасмикан? Қачонгача олма пиш, оғзимга туш қабилида иш юритамиз?

Олмос қишлоқ Советидагилар билан суҳбатлашиб қолдим. Чуст ноҳиясидаги аҳолиси зич бу қишлоқдаги Ленин номли жамоа ҳўжалигида бир ярим минг кишигина ижтимоий фойдали меҳнат билан банд. Ҳолбуки, қишлоқ Советида истиқомат қилувчилар миқдори 13 минг нафарга яқин.

Қишлоқда бундан йигирма йил илгари очилган қишлоқ хўжалик машиналари учун эҳтиёт қисмлар тайёрловчи завод ҳар хил баҳоналар билан кутилгандек ривожлантирилмади. Орадан шунча йил ўтганига қарамасдан ишчилар сафи 200 нафардан ошгани йўқ. Қишлоқнинг қолган меҳнатга яроқли аҳолиси қандай кун кечиришяпти? Ҳар ким ҳар қанақа! Кимдир вилоят ёки ноҳия марказига қатнайди. Уша ердаги саннат корхонасидами, қурилиш ташкилотидами ишлайди. Бошқа бири эрта баҳорда елкага тўнни ташлайди-ю, сафарга отланади. Шунинг учун ҳам олмосликларни Жиззах ва Сирдарёдаги янги давлат хўжаликларда, Қарши даштида, Сибирь ўрмончилик хўжаликларида учратсангиз ҳайрон қолманг.

Ишсизлик оқибатлари халқ ижтимоий турмушининг ҳар соҳасида ўзини кўрсатмоқда. Вилоятда бу муаммони узоқни кўзлаб, тубдан ҳал этиш ўрнига, ҳар хил енгил-өлпи, истиқболсиз тадбирлар билан кифоялаш ҳоллари ҳамон давом этаёпти. Шундай тадбирларни зўр бериб ҳаётга тадқиқ этишга уринаётган ташкилотлардан бири вилоят студент отрядлари штабидир.

Баҳор оёқлаётган кезларда Наманган вилоят халқ маорифи тармоқларида чоп-чоп бошланиб қолди. Одатда йилнинг бу палласида давлат имтиҳонларига ҳозирлик, мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш билан боғлиқ кечиктириб бўлмас юмушлар маориф мудирлари оддий ўқитувчига — барчанинг фикри-ҳаёлини олади. Лекин бу галгиси аввалгиларига сира ўхшамасди. Мактаб директорларининг телефонлари бетиним жиринглай бошлади. Йиғилишлар ва педагогика кенгашларида юқоридан берилган кўрсатма асосида масала қатъий қўйилди.

— Қандай бўлмасин топшириқ бажарилиши керак! — директорнинг кўрсаткич бармоғи ҳавода ўйнайди.

Ўқитувчилар орасида шивир-шивир кучаяди:

— Нима дейсиз, Россиядан бола сўраб илтимос кепти.

— Бола солиғи денг, — илжайди бошқа муаллим. — Ноқоратупроқ зонанинг ботқоғини қуриб бераётганимиз етмагандек, она сути оғзидан кетмаган гўдақларимиз экинларини йиғиштириши қолибди-да энди!

Бу «хушxabарни» эшитган ота-оналар жанжал кўтаришди:

— Раҳбарларимизнинг бошқалар олдида тиллари қисқими? Жуда юқоридагиларга яхши кўрингилари келса, ўз ўғил-қизларини юбора қолишсин мардикорчиликка.

Топшириқни бажариш зиммасига юклатилган ўқитувчи бечора ота-оналарнинг таъна-дашномларини эшитиб елка қисади:

— Биз кичик одамимиз. Буйруқни бажаришга мажбурмиз.

Шукурлар бўлсинки, жумҳуриятимиз раҳбарлари орасида буйруқбозлик силсиласидан юз ўгириб, воқеаликка тийрак кўз билан қарайдиганлар ҳам учраёпти. Вилоятда Россияга жўнатиш учун бола тўплаш ҳаракати авжига чиқаётган пайда жумҳурият халқ таълими вазирлигидан махсус телефонограмма олинди. Унда вазир болаларни олис юртга юборишни «маслаҳат бермаслигини» алоҳида таъкидлаганди.

Афсуски, бу оқилона кўрсатма ҳамма ерда бир хил очиқ юз билан кутиб олинмади. Одатда биз «юқоридаги буйруқбозларни» айблагша ўрганиб қолганмиз. Салласини ол деса, калласини олиб, кўзини лўқ қилиб турадиган кичик амалдорлар қуйи бўғинда тўлиб-тошиб ётганлигини ҳар доим ҳам ёдимизга келтира бермаймиз.

Мен ўқувчиларни Архангельск вилоятига ишга юбориш борасида айниқса вилоят студентлар отрядлари штабидагилар қаттиқ жон куйдираётганликларидан хабар топдим. Бунинг сабабларини яхшироқ билиш мақсадида ўша ёққа бордим. Штаб командири, қорача юзида комсомол ходимига хос ғайрат жўш уриб турган Анваржон Насриддинов муштумини столга уради:

— Қаранг, байналмилалчилик аҳамиятига эга бўлган шундай йирик сиёсий масалага тепадаги раҳбарлар тўсқинлик қилиб ўтиришса-я. Ҳеч ақлга сизмайди. Тўрт юз нафар ўқувчини армия хизматида жўнатаётгандек шайлаб қўйгандик. Ҳатто поездга ҳам патта олинганди. Энди патта учун темир йўл станциясига 800 сўм жарима тўлашга тўғри келаяпти. Тағинам пасаитиришгани бу. Бизнинг ўрнимизда бошқа бировлар бўлса борми...

— Болақайларнинг шунча олис юртга бориб ишлашлари шартми? — Вилоят комсомол етакчиларидан бўлган бу йигитга шу саволни беришдан ўзимни тия олмадим. Анваржон байналмилалчиликдек ажойиб аъналаримизнинг аҳамиятини журналист бўлатуриб тушуниб етмаганимга ачингандек, менга бир зум тикилиб қолди.

— Еш авлод дунёни кўриши, тил ўрганиши керак, ака! Бизнинг болалар тўнка мисол ўсишяпти. Кўпчилиги қишлоқидан ташқарига чиқмаган. Оғзинг қани десанг, бурнини кўрсатади. Аскарликка кетган болаларнинг гўллиги, саводсизлиги, қурилиш батальонида хизмат қилишдан бошқа ярамасликлари ҳақида ёзишяпти. Бугунги болалар ҳам эртага армияга боришади. Юрт кўрса, тил билса, одам таниса ёмонми? Энг муҳими, пул ишлаб келишади. Оилага ёрдамлари тегади. Газеталарни ўқимаяписизми? Америкада болаларни ёшлигидан бизнесга ўргатишар экан.

Еш суҳбатдошимнинг эътирозларини инкор этмайман, ёшларнинг дунё кўриши ҳақидаги ғамхўрлиги ўринли. Аммо масаланинг бошқа томони бор: ўғил-қизларимиз дунё кўриши, пул топиши, дўст орттириши учун уларни зах ўлкаларга жўнатиб, пашшага талатиш шартми? Болалар ўзга юртларни туристик поездларда бориб кўришса ҳам бўлади-ку.

— Россия вилоятларида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиштириб олишда қардошлик ёрдам кўрсатиш учун олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабаларидан 60 та зарбдор отряд тузилди, — деб сўзини давом эттирди суҳбатдошим. — Масалан, Астрахан вилоятига 905 нафар, Курган вилоятига 100 нафар, Витебск вилоятига 90 нафар, Ленинград шаҳрига 26 нафар йигит ва қизни жўнатиш кўзда тутилган.

— Ёшлар у ерларда қандай юмушларни бажаришади?

— Нимани буюришса, шуни қилишади. Жамоа хўжалиги ва давлат хўжалиги далаларидаги сабзавот ва полиз маҳсулотларини йиғиштиришда қатнашишади. Бир қисми қурилиш объектларида, сабзавот омборларида ҳам ишлашади. Хуллас, бекор юрмай пул топишади. — Штаб командири тўсатдан жонланди. — Биласизми, у ерларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тезда йиғиштириб олинмаса, қор ва ёмғир остида қолиб, чириб кетади. Шунинг учун биздан ёрдам сўрашади.

А. Насриддиновнинг сўзларини тинглайману хаёлимдан шундай фикр кечади: «Укагинам, ахир

бу паллада Задарё ноҳияси полизларида ҳам қовун-тарвуз фарқ пишади-ку. Янгиқўрғон ва Чуст ноҳияларидаги боғларда мевалар етилади. Қурилишларда, саноат корхоналарида кўпчилик ёзги меҳнат отпускарлига чиқиб, қанчадан-қанча ишчи ўринлари бўшайди, ёрдамчиларга муҳтожлик сезилади. Талаба йигит ва қизларимиз мавсумий иш ахтариб, аллақайларга санкиб борганларидан кўра куч-ғайратларини ўз ноҳиялари, вилоятлари, жумҳуриятларини, туғилиб ўсган юртларининг гуллаб-яшнаши йўлида сарфлаганлари яхши эмасми? Ахир, ота-боболаримиз ҳам айтишган-ку, узоқнинг бугўйдидан, яқиннинг сомони яхши деб!

— Мана, сиз ҳар йили талабаларни уюштириб Россияга жўнатасиз, ўзингиз ҳам ўша томонларга командировкага бориб турасиз. Дўстларимиз ҳузурида бўлганингизда, ҳазиллашиб бўлса ҳам, уларни бирон марта пахта терими ҳашарига таклиф этганмисиз? Бу пайтда бизда ҳам ишчи кучи етишмай, икки оёғимиз битта этикка тиқилади-ку!

Анваржон ўзини саволимни тушунманганга олди. Мен уни яна гапга тутдим.

— Хўш, бу йил студент отрядлари нима сабабдан ўз вақтида жўнатилмаяпти?

— Миллатлараро можароли вазият бунга йўл қўймаётганмиш...

— Ташкилотингизнинг молиявий жиҳатлари қандай? Отрядлар ташкил этиш, жўнатиш учун қанча сарф-харажат бўлади, ходимлар қандай ҳақ олишади?

— Бу йил 900 нафар талабани тайёрлаб РСФСРга ишга юбориш учун 50 минг сўм маблағ сарфлаш режалаштирилган эди. Агар бу вазифа бажарилса, буюртмачилар штабимиз ҳисобига ҳар бир йигит ва қиз учун 35 сўмдан пул ўтказарди.

— Шу пулдан штаб ҳиссасига тушадигани ҳам бордир, ҳойнаҳой?

— Бўлмасамчи! 10 сўми тайёргарлик тадбирларига харжланади. Қолган 25 сўми жорий ҳисобимизга келиб тушади. Масалан, 1989 йилда шу йўл билан 80 минг сўм пул топдик.

— Қанча кўп талабани жўнатсанглар, шунча кўп даромад қилар экансизларда?

— Шундай.

Уйлантираётган саволимга жавоб топилди. Штаб раҳбаридан тортиб, оддий ходимигача байналмилалчилик шиори остида ёшларни дуч келган томонга жўнатиш учун жон куйдиришаётганликларининг асл сабабини тушуниб етдим. Маълум бўлишича, тўрт масъул ходим, икки техник ходим, жами олти киши фаолият кўрсатадиган штаб коллективи маоши учун ўтган йили юқорида тилга олинган маблағнинг 35 минг сўми сарфланибди.

— Маошларингиз шунча каттами? — сўрайман ҳайрон бўлиб.

— Нимаси катта экан? — саволимга савол билан жавоб қайтаради Анваржон. — Меники вилоят комсомол кўмитаси бўлим мудириникига баравар ҳолос, 300 сўм оламан. Биз ёзда меҳнат семестрига чиққан талабалар иш шароитини назорат қилиш учун мавсумий фаоллар ҳам ёллаймиз. Уларга ҳам маош тўланади.

— Талабаларни четга ишга юбориш зарурати қолмагач, штаб фаолияти ҳам тўхтайдими?

Анваржон ўзига ёқмаган бу саволимни эшитмаганга олди.

Антиқа силсиласи бор. Гоҳо одамларни давлатнинг арзимас тийинларини исроф қилганлиги учун жиноятчи санаб, жавобгарликка тортамыз. 70—80 сўм маош оладиган фаррош штатини қисқартириб, харажатларни чегириш чорасини кўрамыз. Амалда зарурати борлиги ёки йўқлигини ўша жойнинг ўзида ишлаб тирикчилик қилаётганларнинг ўзлари ҳам англаб етмайдиган вазифалар, маҳкамалар учун минг-минглаб сўм маблағ ажратилиши учун эса ҳеч ким монелик қилмайди.

Сўхбатимиз охирида идора соҳибни деворда осилган, шу вақтгача мен аҳмият бермаган кичкинагина вимпелга эътиборимни қаратди.

— Кўраясизми, ҳар йили РСФСР вилоятларига талабаларни уюшқоқлик билан жўнатиб турганлигимиз учун Москвадан мукофотлаган. Билмадим, энди бундан буёғи қанақа бўлар экан?

Яхши бўлади, укам, дегим келди Анваржонга беихтиёр. Ажаб эмаски, эгаллаб турган курсимизни, минаётган автомобилсимизни, бошқа имтиёзларимизни ўйлаб шу пайтгача қилиб келган хато ишларимиз ўтмишга айланса. Халқнинг турмуш даражасини ёшларни олис ўлкаларга марди-корчиликка юбориш йўли билан эмас, туб иқтисодий-сиёсий тадбирларни амалга ошириш орқали кўтариш керак. Вилоятда эса оммавий турмуш даражаси пастлигича қолаёпти. 89 минг оила кам даражадали саналади. Уларга 1989 йилда 19 миллион сўм нафақа тарқатилган бўлса ҳам, бу ёрдамнинг бозор қимматлашган, пул қадрсизланиб бораётган шароитда камбағаллар турмуш даражасини оширишга таъсири сезиларли бўлмади. Вилоятда колхозчиларнинг ўртача иш ҳақи 100 сўмдан ошмаяпти. Маданият соҳасидигиларнинг ўртача маоши 113 сўми, санъаткорларники 103 сўми, ўрмон хўжалиги ходимлариники 120 сўми ташкил этмоқда, ҳолос.


Аҳоли турмуш даражасининг пастлиги турли касалликларнинг кўпайишига, болалар ўлими даражаси юқори бўлишига олиб келмоқда. 1989 йилда вилоятда касаллик туфайли йўқотилган 2 миллион 466 одам-кўнига ҳақ тўланди. Еки бу борадаги кўрсаткич 1985 йилга нисбатан 600 одам-кўнига ортди. 1985 йилга ҳар 100 ишловчи 646 кун бетоб бўлган эди, 1989 йилга келиб бу кўрсаткич 714 кунга етди.

Жойларда меҳнат муҳофазаси яхши йўлга қўйилган деб бўлмайди. Ҳозир вилоят корхоналарида 11 мингдан зиёдроқ ишчи оғир шайротларда меҳнат қиляпти. Бу кишилар орасида хотин-қизлар каттагина миқдорни ташкил этади. Кўпчилик хотин-қизларни ана шундай оғир шароитларда меҳнат қилишга иқтисодий муҳтожлик мажбур қиляпти. Раҳбарлар эса бу аҳволни кўра-била туриб, уларнинг оғир меҳнат шароитларини яхшилаш ҳақида қайғурмаяптилар. Касаба уюшмаси ташкилотлари ҳам фаоллик кўрсатмаптилар.

Наманганга қўшни Андижон вилоятида ҳам бу соҳадаги аҳвол ташвишланарлидир. Вилоятда ишсизлар сафи тобора ўсмоқда. Иқтисодий ислохотдаги чалалик, пала-партишлик барҳам топмайяпти. Буйруқбозлик, маъмуриятчилик давом этмоқда. Қишлоқларнинг ижтимоий қиёфасида ўзгариш сезилмаяпти. Аҳолини турмушдаги энг зарур воситалар билан таъминлашда қолюқлик давом этмоқда. Ҳар бир жон ҳисобига тақсимланаётган даромад бўйича ҳам вилоятдаги аҳвол ачинарли. Иттифоқ миқёсида жон бошига 2.178 сўм, жумҳуриятда 1.131 сўм даромад тўғри келаётган шароитда, Андижон вилоятида бу кўрсаткич 800 сўмдан ошмаяпти. Колхозчи оилаларининг 60 фоизидан, ишчи ва хизматчи оилаларининг 40 фоизидан жон бошига тақсимланаётган ойлик даромадда, ишчи ва хизматчи оилалар мамлакатимиздаги ёрдамга муҳтож, қашшоқ оилалар саналади, 50 сўмдан ошмайди ёки бу оилалар мамлакатимиздаги ёрдамга муҳтож, қашшоқ оилалар саналади.

ди. Вилоятда гўшт, сут маҳсулотлари, сабзавот, хўл мева истеъмол қилиш овқатланишининг илмий асосланган меъёридан икки ҳисса кам. Андижон шаҳрининг ўзида 9 минг нафар она фарзанди боғчага жойлаштириш учун навбатда турибди. Вилоятда рўйхатга олинган 50 минг ишсизнинг 30 фоизи ёшлардир. Андижонда тўп ўйини баҳонасида юз берган тўполон ва фожианинг туб сабаблари мана шу ишсиз ёшлардаги тушкунлик, асабийлик ҳолатидадир, десак тўғрироқ бўлади.

Ақли расо кишилар вилоятда халқ хўжалигини индустрлаштириш йўлидан бориб, қишлоқ хўжалиги етиштириб бераётган хом ашё маҳсулотларни саноат асосида қайта ишлашга ўтиш, бу демак, кўплаб кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарадиган корхоналар қуриб, ишга тушириш ижтимоий танглиқдан қутулишнинг ягона йўли эканлигини таъкидламоқдалар. Масалан, вилоятда тайёрланаётган пахта толасининг 100 минг тоннасини қайта ишлашни йўлга қўйиш асосида қўшимча 70 минг кишини иш жойи билан таъминлаш, 2 миллиард сўмлик кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш мумкин. Ваҳоланки, вилоят қишлоқ хўжалиги бошқа хил хом ашё маҳсулотлар ҳам беради. Хуллас, бундай имкониятларни водийнинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларини ўрганган одам истаганча топа олади. Ҳамма гап бу имкониятларни тезда аниқлаб, ишга солишда қолган.



## Журналхонлардан мақтублар

1. Хизматчиман.

2. «Шарқ юлдузи»ни саккиз йилдан буён мунтазам ўқиб келаман.

3—4—5. Халқимиз ташна бўлиб келган тарихий ҳақиқатни ёритишда «Шарқ юлдузи» пешқадамлардан бири бўлмоқда. Камина ҳазрат Бобур ва ҳазрат Темур сулолалари тарихидан қисман хабардор бўлсам ҳам, ўша давр сиёсати, бошқарув усули, ҳарбу зарб санъати ҳақида тасаввурим йўқ эди. Қадимий урф-одатлар, анъаналар, ўтмишдаги музаффар боболаримиз ҳаётига оид мақолаларни эълон қилгани учун журналимизга ҳар қанча миннатдорчилик билдирсак ҳам камлик қилади.

Жамиятимизда маънавий қадриятлар мезонининг нечоғлик ўзгараётганини муқаддас мусхаф — Қуръон мазмуни таржимасининг чоп этилишидан, йиди қурбон ва йиди рамазон каби байрамларнинг тикланишидан ҳам пайқаса бўлади. Менимча, бу байрамлар асрлар мобайнида нишонланиб, халқ байрамига айланиб кетган. Шу сабабли, улар ҳақида мақолалар эълон қилишдан чўчимаслигимиз керак. Авваллари кишилар бу байрамга ҳафталаб, ойлаб тайёргарлик кўришар, янги либослар кийишар, ҳаммаёқни саришта-саранжом қилиб кутишар эди. Кишилар бир-бирларини йўқлаб боришар, ҳар бир уйда атлас кўрпачалар солиниб, дастурхон тузаб меҳмон кутилар эди. Ана шу анъаналар яна тикланса, бу кишилар ўртасида йўқолиб бораётган меҳру оқибатнинг тикланишига замин яратар эди.

Севимли журналимизда қадимий байрамларимиз, урф-одатларимизга бағишланган янги саҳифа очилса, узок ўтмишдошларимиз замонаси — Қаюмарс шоҳ давридан тортиб то Хусайн Бойқаро салтанатигача бўлган шароитни акс эттирувчи мақолалар берилса, жуда савоб иш бўлур эди.

6. Исми шарифим **Р. ЭШҚОРАЕВ**, Жиззах вилоятининг Зомин ноҳиясида яшайман.

\* \* \*

1. Тошкент қишлоқ хўжалиги маъҳади (институти)нинг 4-курс толибиман.

2. Чамамда 1983 йил бўлса керак, «Ўлмас қоялар» романини ўқиб, кизиқиб қолгандим. Биринчи марта журнални шунда қўлимга олганман.


3. Мунтазам ўқиб бораман.

4. Ушбу асарларни севиб ўқидим:

Ў. Усмонов «Кишан», Т. Сулаймон. Шеърлар ва дoston, Е. Березиков «Темур гори», Э. Воҳидов шеърлари ва ҳоказо.

5. «Гулқайчи» бўлимини янада кенгайтириш керак.

6. Исми шарифим **Икромжон АҚРАМОВ**, 23 ёшдаман.



„Murod“ nashriyoti

1930 йил, № 10

191-192 н.б.а.

# Муродда, муроқда, мунозда

Қудрат Дўстмуҳаммад

## ҚАЙТА ҚУРИШДАН БЕБАҲРА СОҲА

(Дарвинизм ва марксизм ҳақида бугунги ўйлардан)

Кўп йиллар илгари хизматдан уйга қайтаётиб, автобусда таниш профессор билан суҳбатлашиб кетдим. У киши биологиядан дарс берадилар, дарвинизмни сув қилиб ичиб юрганларини дилдан сезаман. Шунинг учун одатдаги суҳбат боши — кундалик муаммолардан бўладиган ўзаро ҳасратни дарвинизм ва марксизм масаласига буриб юбордим, чунки ана шу икки тушунча мени кўп ўйлантирарди. «Бири иккинчисини инкор этади. Қай бири ҳақиқату қай бири ўйлаб топилган, сунъий, ҳақиқатга зид?», деган савол тинчлик бермасди. Суҳбат йўналишига мослаб, «Инсон ҳам табиатнинг бир бўлаги-да», деб ўзимча бир гап қилдим. Профессор маъқул дегандай бош ирғадилар. Шунда мен фурсатни бой бермай, давом этдим:

— Нега унда, табиатга мос келадиган дарвинизмни кишилик жамиятига тадбиқ этиб бўлмас экан?

— Йўқ, йўқ! — дедилар профессор безовталаниб. — Тадбиқ этиб бўлмайди.

— Нега? — бўш келмадим.

— Талабаларга мен доим бир мисол келтираман. Мана, масалан уруш кетаяпти, дейлик. Тепадан ёғилиб турган ўқлар ким кучли, ким кучсиз, деб танлаб ўтирмайдик. Кимга тўғри келган бўлса, ўшанга тегаверади. Қани, бу ерда дарвинизм? У ўз кучини йўқотди! Демак, дарвинизм кишилик жамияти учун тўғри келмайди.

Профессор менга синовчан тикилдилар, ё ишонтирдим, деб ўйладилар ёинки ҳеч қандай эътироз билдиrolмайди, дедилар, ўзларича.

— Кучини ёки ақлини ишлатиб, ўқларга чап бериб қолса-чи? Умуман, кимлардир дўлдек ёғилаётган ўқлар остида қолган бир пайтда кимдир ўзини шу аҳволга тушишдан сақлай олса-чи? Бу — дарвинизмнинг «Кучлилар сақланиб қолади, кучсизлар эса...» деган асосий муддаосига тўғри келмайдими?

— Йўқ, йўқ! — дедилар профессор қатъий. — Ундай десак урушни тарғиб қилган бўламыз...

Мана, гап қаёқда экан! Дарвинизмни кишилик жамияти учун қўллаш мумкин, десак урушни тарғиб қилган бўлар эканмиз. Шундай ҳадик, қўрув, қуёнорак сиёсат орқасида биз табиат қонунларини инкор этиб келдик ва келаяпмиз. Социализм миқёсида бўлган ва бўлаётган бу сиёсатни тўғри изга солиш ҳақида ҳали-вери ҳеч ким ўйлаб кўргани йўқ. Натижасини кўриб турибмиз: вояга этиб келаётган ёшлар (нафақат ёшлар!) турмуш қийинчиликлари олдида эсанкираган, иқтисодий жиҳатдан мажруҳ ҳолга тушган, туш-кунликка учраганидан ўйламай-нетмай ёмон йўлга кириб кетган...

Сармоядорлар дунёсида болаларни тарбия қилишда кучли ва кучсизлар ҳақидаги Дарвин таълимотини ҳаргиз унутмайдилар, инсон жиллақурса ё жисмонан, ё ақлан кучли бўлиши кераклигини таъкидлаб турадилар. Бошқа ҳеч кимда йўқ ҳунар ёки буюм эгаси бўлиш ҳам ўзига яраша куч ҳисобланади ва ана шу куч ўз эгасини боқади, ҳаётини сақлаб қолади, наслини давом эттиради.

Шуни айтиб ўтиш керакки, сармоядор мамлакат одамлари, биз дарвинизмни қўллаяпмиз, унга суянаяпмиз, деб айтмайдилар, табиат қонунлари қандай бўлса, шундайлигича, сунъийлаштирмасдан жорий этадилар. Шунинг ўзи дарвинизмга суянишдир.

Журналист Владимир Симонов Америка ёшлари ҳақида қизиқ ҳикоя қилади. Янги Орлеан коллежининг ўн олти ёшли ўқувчиси Кэт Нгуен матбуот эркинлиги ҳақида сабоқ

тинглагандан сўнг, ўзининг рўзномасини чиқаришга жазм этади. Коллеж ҳаётидаги икир-чикирларни тўплаб, юз эллик нусха рўзнома бостиради ва эллик центдан сота бошлайди. Бундан хабар топган коллеж директори рўзноманинг қолган-қутганини ийгиштириб олиб, бу «бебош» қизчага рўзнома чиқаришни тақиқлаб қўяди. Қизча судга арз қилади, суд эса унинг фойдасига ҳукм чиқаради. Шундан сўнг коллеж раҳбарлари рўзнома чиқаришга қаршилиқ кўрсатмай қўядилар. Кейинчалик қизчадан сўраганларида, у «Мен ўз ҳуқуқим учун кураша оламан, шуни ошкор этгим келди», дейди.

Мана, курашувчанлик намунаси! Бизнинг йигит-қизлар, ҳатто олий ўқув юртакликни тамомлаб чиққан йигирма ~~ушш~~ ~~ушш~~лар ҳам бундай ишларга қодир эмаслар. Қаёқда! Улар ёш мутахассис ҳисобланади, уларни етаклаб юриш керак, уларга ҳаётни, ишлаб чиқаришни, муомалани ўргатиш керак. Қачон ўрганишадия қачон жамиятга нафлари тегади! Суяги қотиб қолгандан кейинги ўрганишдан нима фойда?

Албатта, бу камчиликлар учун фақат ёшларни айблаб бўлмайди, катталарнинг ҳам, бутун тузумнинг ҳам айби бор!

Дарвинизмни тан олиш билан сармоядор мамлакатлардаги одамлар урушқоқ бўлиб кетаётгани йўқ, ваҳшийлашаётгани йўқ. Аксинча!

Бу таълимотни тан олиш инсонпарварликни, мурувватни (гуманизм) бутунлай поймол этиб оборолмайди, чунки ҳар қандай жонли мавжудот ўз-ўзини, ўз турини сақлаб қолишга интилади. Бу — олий қонун! Дарвинизм шу қонундан келиб чиққан. Инсонпарварлик йўқолса, инсон биологик тур сифатида қирилиб кетган бўларди.

Биз дарвинизмни ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига нисбатан тан оламыш-у, лекин уни кишилиқ жамиятига қўллаш ножоиз, деймиз, қўллашни эса, қандайдир буржуача «изм» билан атаймиз. Буржуача бўлса бўлақолсин, шундоғам ҳамма соҳада «буржуа»га эргашаямиз, тақлид қилаямиз-у, дейдиган шоввоз топилмайди!

\* \* \*

Ун тўққизинчи асрнинг бир-бирига замондош икки буюк алломаси иккита назария яратиб, кишилиқ жамиятини ҳанузгача алғов-далғов қилиб келаяпти. Булар Чарльз Дарвин ва Карл Маркс. Бири биологик турларнинг сақланиш қонуни, иккинчиси — қўшимча қиймат қонуни кашфиётчисидир. Аммо дарвинизм ва марксизм, деб аталган бу икки назария бир-бирини инкор этади.

Маркснинг қўшимча қиймат назарияси объектив воқелик, лекин унга асосланиб, кишини киши эксплуатация қилмайдиган жамият яратиш ҳақидаги таълимотда сунъийликлар кўп. Маркснинг назарида, эксплуатацияга барҳам беришнинг бирдан-бир йўли — хусусий мулкни йўқотиб, унинг ўрнига умумхалқ мулкни жорий этиш ва шу аснода инсонпарвар жамият тузишдан иборат. Умумхалқ мулки ҳукмрон жамиятда меҳнат қилиш биринчи эҳтиёжга айланади, ҳар ким қобилиятига яраша ишлаб, керагича истеъмол қилаверади. Буларнинг бари амалга ошиши учун киши кишига дўст, биродар бўлиши зарур, илғорлар ортда қолганларни етаклаб юриши, мумкин қадар, ўзидан олдинга ўтказиб юбориши, ҳатто ночорларга оғзидаги ошини ҳам бериши лозим ва ҳоказо.

Дарвинизм эса, буларнинг айнан тескарисини айтади: тирик жонзот борки, ўз ҳаётини, зотини давом эттиришга ҳаракат қилади, бунинг учун кучини сарфлайди. Кучли бўлса, яшаб қолади, кучсиз бўлса, четга сурилиб-сурилиб, охир-оқибатда ҳаёт билан видолашади, зоти ҳам йўқолиб кетиши мумкин.

Асосий гаплар мана шулар.

Бу икки назариядан қай бири тўғри эканини кишилиқ жамиятидаги икки тузумнинг етмиш уч йиллик тарихий давр мобайнидаги ҳаёти кўрсатиб турибди.

Ман бу фикрларим билан марксизм устидан чизиқ тортиб ташламоқчи эмасман. Йўқ. У ҳам буюк назария, инсониятнинг йирик намояндалари неча асрлар давомида айтиб кетган орзу-умидлар асосида дунёга келган. Лекин унда, юқорида айтганимиздек, субъективлик бор. Масалан, эксплуатация сўзининг таърифи, ўз манфаатини инкор қиладиган даражадаги инсонпарварликда.

Бир киши (ишчи) яратган қўшимча қийматни бошқа бир киши (корхона эгаси) ўзлаштириб олиши эксплуатация дейилган. Корхона эгаси қўшимча қийматнинг ҳаммасини ишчига бериб юборса, корхона эгаси бўлишдан, умуман, ишлаб чиқаришдан нима маъно чиқади? Ахир, давлат ҳам қўшимча қийматнинг ҳаммасини ишчи, хизматчининг қўлига тутқазиб юбормасдан, жамият фондида, деб чегириб қолади-ку. Жамият фонди-дан эса, ҳамма бирдек фойдалана олмайди.

Қўшимча қийматни ўзлаштириб олишни эксплуатация, дейиш тўғри бўлса, демак у мавжуд экан! Биринчи галда корхонанинг якка хўжаси, иккинчи галда эса давлат эксплуатация қиларкан. Бари бир гўр эмасми! Қайтанга иккинчиси даҳшатлироқ кўринади.

Хуллас, қўшимча қийматни ўзлаштириб олиш муқаррар, шак-шубҳасиз экан. Бу ҳол дарвинизм қонуниятига мос келади, чунки жонли табиатдаги барча мавжудотлар (хоҳ ўсимлик, хоҳ ҳайвонот) бир-бирининг ҳисобига яшайди. Буни гапиришдан кўрқиб керак

эмас. Акс ҳолда хатолардан бошимиз чиқмайди. Бир-бирининг ҳисобига яшашни адолат, инсонпарварлик, мурувват тушунчаларига яқинлаштириш ҳақида ўйлашимиз керак.

Хулоса қилиб айтсак, ҳаёт марксизмни инкор қилиши ундаги сунъийликдан, яъни Маркснинг эксплуатацияга берган таърифидан, Маркс тафаккури яратган сунъий инсонпарварликдан. Дарвинизм бундай қусурлардан холи. У табиатнинг ўзидан шундоққина, ҳеч бир ўзгартиришсиз, субъектив омил таъсир этмаган ҳолда олинган. Ана шу нуқта дарвинизм қўрғонининг мустаҳкамлигини таъминляпти.

\* \* \*

Бир вақтлар Тошкент дорилфунунининг биология куллиятида «Марксист биолог» деган деворий газета чиқарди. (Эҳтимол, ҳозир ҳам бордир!) Шу икки сўз бирикмаси ғашимга тегарди. Нега энди, биолог марксист бўлиши керак экан? Биолог учун табиат қонунлари муқаддас эмасми? Маркс ҳам ўз таълимотини мутлақ ҳақиқат, деб даъво қилмаган-ку.

Биологияни марксчалаштириш ўсимлик Маркс таълимотига биноан ўссин, жониворлар ҳам Маркс таълимотига қараб болаласин, дейиш билан баробар эмасми? Менимча, шундай. Биргина биологияни марксчалаштирган бўлсак майли эди-я, марксча этика, марксча эстетика, марксча санъат ва ҳоказо, яна қанча соҳа бор!

\* \* \*

Хўш, дарвинизм инкор этилган бизнинг жамиятда бу назария қай йўсинда ўзини намоён қилиб келди, деган ўринли савол туғилади.

Бизда ҳам кишилик ҳаёти узлуксиз давом этаётган экан, бу — дарвинизм қонуниятлари ўз кучини йўқотмаганидан, деб билиш керак. Биздаги қонунларга хилоф равишда кечган ва кечаётган барча ишлар бунга мисол бўла олади. Уғрилик, порахўрлик, қўшиб ёзиш, расмиятбозлик, жиноятчи гуруҳлар, мафия ва ҳоказо ва ҳоказо, барчаси яшаш учун курашнинг муайян кўринишларидир. Ҳатто қайта қуришга тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатиб, хусусий мулкни инкор этаётган маъмурий буйруқбоз маҳкамалар, юқори лавозимлардан жилгиси келмай, халқ манфаатини шиор қилиб олиб, гўёки халқ ғамиде куйиб-ёнаётган раҳбарлар ҳам ўз мавқеини, имтиёзларини, имкониятларини, қисқаси — ҳаётини сақлаб қолиш учун курашмоқдалар. Улар хусусий мулкка осонликча йўл бермайдилар. Ахир ўртада ўзларининг ҳаёт-мамонт масаласи кўндаланг турибди-да!

Бу каби иллатларнинг акси бўлган ҳислатлар ҳам яшаш учун курашнинг қуроли бўлган, десак хато эмас. Демак, кимдир қонунларга хилоф йўлни, кимлардир қонун йўлини тутиб яшаган ва яшаяпти. Аммо бу икки тоифа кишилар ҳаётида осмон билан ерча фарқ бор.

Дарвинизм бизнинг жамиятда ҳам ўз ҳукмини ўтказаяётганига яна бир мисол келтираман. Ҳозирги пайтда ёшлар жисмоний жиҳатдан камол топишга ёппасига интилади-лар. Шунинг учун каратэ, ушу, таэквондо каби спорт турларига ихлос мисли кўрилмаган даражада юқори. Бу — яхши.

Бир вақтлар расмий доиралар бундай спорт турларини тақиқлаб қўйганларига қарамай, у ўзига йўл топиб олди, чунки ҳаёт шуни тақозо этган: кучсиз бўлсанг тинч яшолмайсан, кун кўролмайсан. Кучли бўл!

Аммо ташвишланарли жойи ҳам борки, кучнинг ҳукмронлиги қамоқхоналарнинг тиканли симларию армиянинг найзадор панжаралари орасидан ўтиб, халқ орасига ёйилиб кетаяпти. Ун беш-йигирма ёшлилар билан суҳбатлашиб кўрсангиз, бунга ишонч ҳосил қиласиз. «Разбор», «мент», «счетчик» (бу сўзлар ўзбекча ишлатилмайди илло ишлатилмасин, розимиз!), «бўйнингга қўйиб қўяман» каби сўзлар, иборалар ёшларимизнинг қон-қонига сингиб бормоқда. Мактабларда, ўқув юртларида, иш жойларида, кўча-кўйда ёшлар сўз ўйини билан бир-бирини илтириб, бўйнига қарз ёпиштириб қўйишяпти. Кейин, таъқиб қилишлар, дўппослаш, ўлдириш...

Ишга кириш қийин, маошинг ҳеч нимага етмайди, дўкон ёки бозордан пулингга керакли нарсани тополмайсан. Ҳаммаёқда навбат кутиш, қўполлик, ўғрилик давом этаверса, одам ўз ҳаётини қай тариқа тузукроқ бир маромда ушлаб туриш мумкин? Фақат куч ҳал қилади. (Булар Дарвин таълимотидан келиб чиқаётгани йўқ, аксинча, таълимот ана шундай ҳодисалар таҳлилидан юзага келган.)

Ҳар қандай жамият иқтисодий танг аҳволда қолганида, албатта кучлар жунбушга келади, чунки яшаш зарурати шуни тақозо этади. Жиноятчиликнинг ўсиши, миллатлар-аро низолар, граждандар уруши бежиз бўлаётгани йўқ.

Ҳаёт-ку, жисмоний кучни биринчи ўринга чиқариб қўйган экан, энди бу жараён бадтар салбий оқибатларга олиб келмаслиги учун ўша кучларни инсониятга фойдали изга бурмоқ, ақлий кучни ривожлантирмоқ керак. Бунинг учун аввало эркинлик зарур, қандайдир «изм» чегарасидаги эркинлик эмас, инсоний, ҳаётий эркинлик зарур. Ана

шунда ўз ҳаёти учун бир-бирларини бўғизлашга тайёр кучлар ҳаёт кечиришнинг бошқа-ча йўлларини — истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни, хизмат кўрсатишни, фанни, маданиятни, қонуниятларни ривожлантирадилар, пировардида, тўкин-сочинлик ўрнатилади, жисмоний куч ўрнига инсонпарвар қонунлар ҳукмронлик қила бошлайди.

\* \* \*

Сармоядорликка асосланган кишилик жамиятида дарвинизмнинг баъзи кўринишларини бадий асарларда (айниқса, Жек Лондонда), кинофильмларда учратиш мумкин. Масалан, камбағал одам ўзини бой қилиб кўрсатади ёки ночор аҳволини яширади, чунки пули йўқнинг кучи ҳам йўқ.

Хўрлиги келиб, йиғлашга мойил одам ўзини тутиб қолади, негаки, йиғлоқлик ожизлик аломати. Ўз хатосини тан олиш, камчилигига иқрор бўлиш ҳам кишини қуролсизлантириб қўяди.

Сармоядорлик жамиятининг одамлари инкор этадиган яна бир хислат, бу — камтарлик. Камтар бўлдингми, ўз кучингни ўзинг қирққанинг, ожизлигингни тан олганинг! Лекин, сармоядорлар камтарликнинг акси — мақтанчоқликни, тўғрироғи, ўз меҳнати самарасини кўз-кўз қилишни шундай ўринлатадиларки, бу ҳолат ҳеч кимга эриш туюлмайди, киши ғашини келтирмайди.

Бизнинг жамиятда эса кўпчилик одамлар бошқачароқ яшашга интилади. Яъни ҳар қандай бой одам ҳам ўзини камбағал кўрсатади, баъзилар кўзёши тўкиб ниятига етмоқчи бўлади, эгилган бошни қилич кесмайди, деб айбини бўйнига олиб тураверади, камтар, хокисорликни олий хислат деб билади. (Чунки давлат мафкураси шунини тарғиб қилади. Ўзини хокисор тутган одам эҳтиёт бўлмаса, усталик кўрсатмаса, амалда ҳам хокисорлигича қолаверади.)

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, дарвинизмга нозик дид билан, маданият билан амал қилинмаса ёмон кўринишларга: мақтанчоқлик, кажбаҳслик, тошбағирлик каби иллатларга олиб келиши мумкин экан. Биз ана шундан эҳтиёт бўлишимиз керак.

\* \* \*

Қайта қуриш шамоллари эсиб, мафкурамизда кўп ижобий ўзгаришлар кечаётган бир пайтда дарвинизмни четлаб ўтиш эски хатоларнинг такрорланишига олиб келади. Шунинг учун бу назарияни фақат биологларга ўқитмасдан (бузмасдан!) мактабларда, ҳамма ўқув юртларида кенг кўламда ўргатиш, бир томонга оғиб кетмай, инсонпарварликни унутмай тушунтириш зарур.

---

## Яҳудий донишмандлари ҳаётидан

Бир яҳудий донишманди шундай деди:

— Ифғат ва фаҳш нафақат одамларнинг ишида, балки сўзида ҳам намоён бўлади.

\* \* \*

Бир бадавлат яҳудий донишмандидан сўрашди:

— Турмушинг фаровон бўлса ҳам, нима учун ҳадеб изтироб чекасан?

У шундай жавоб берди:

— Чунки оч-яланғоч яшаётганларни мен ҳеч қачон унутолмайман.

\* \* \*

Бир яҳудий донишманди қамоқхона деворига шундай деб ёзди:

— Бу ерда душманларнинг ҳасади синовдан ўтади.



Муртазо Қаршибоев

## МУҲИТ ЭРКИДАГИ ТУТҚИНЛИК

Чўлпоннинг 1923 йилда ёзилган «Сомон парча» шеъри «Топширдим ўзимни муҳит эркига», деган мисра билан бошланади. Шу бир мисрани ўқишинг ҳамано қизиқ бир ҳолатга тушасан: гўё шоир фавқулодда бир каромат қилаётгандек, бир мисра шеър воситасида ҳам ўз қисматига, ҳам замона зайлига, муҳит моҳиятига баҳо бериб тургандек бўлади. Маънавий комиллик даражасидан қатъи назар ҳар бир инсонни улкан машинадаги мурватдан иборат деб билган жамиятнинг ижтимоий-ахлоқий мезонлари шоир мисраларида шундоғича жонланиб туради:

Муҳит гирдобиди бир сомон парча,  
Бир похол чўпидек оқиб борамен,  
Ҳар амал, ҳар ишни «Ҳақ» деб борамен,  
Вазминим қолмади бир узук қилча...

Аслида, Ҳақ битта бўлади-ку! Ҳақдан ташқаридаги «Ҳар амал, ҳар ишни «Ҳақ» деб борган»лар мунофиқ бўлиб чиқмайдими?! Шоир мунофиқми экан, ёки муҳит мунофиқми?..

Муҳит кучли экан, эгдим бўйнимни,  
Чақмоқдек ялтираб ўчиш йўқ энди.  
Ёлғон хаёлларга кўчиш йўқ энди  
Оқишнинг йўлига солдим кунимни...

Гарчи шоир муайян кайфият реаллиги асосида «Ҳар амал, ҳар ишни «Ҳақ» деб борамен» дейтган эса-да, унинг ички — маънавий мавқеи жуда мустақкам бўлганлигига шубҳаланмаса ҳам бўлади.

Бу мисралардан байронона бир иқроп («Альбомга» шеърини эсланг), лермонтовча нозик хаёл, ҳассос тиниқлик, шекспирона кароматгўйлик, машрабона саркаш дангаллик бордай. Майли, шоир шеърларининг фазилатлари хусусида гапиришга ҳали вақт бўлар, лекин ҳозирча шоир ва муҳит муносабатларининг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтмоқчимиз, холос.

Одатда, Шўро тузуми даврида шахс эрки, инсон қадри топталгани ҳақида гап кетса, бас, ўтмас пичоқларимиз Сталиннинг аллақачон янчиб ташланган бошида айлангани-айланган. Ваҳоланки, шахс эркига тазйиқ, эркин фикрни тушовлаш, зиёлиларни қувғин қилиш ҳали Сталин яккаҳоқимлик сиёсатини юргизмасдан олдинроқ бошланган эди. Бунинг исботига қийналиш йўқ. Сергей Хоружийнинг «Фалсафа кемаси» мақоласини («Литературная газета», 1990 йил, 9 май.) эслаш кифоя. Чўлпоннинг «Сомон парча» шеъри 1923 йилда ёзилганини ҳисобга олсак ва умуман, шеър муайян воқеа-ҳодисанинг руҳий-эстетик ҳосиласи эканидан келиб чиқсак, 30-йилларда Урта Осиёда ҳам шахс ва давлат муносабатлари масаласида кўплаб ноҳақликлар юз бергани шундоғича аён бўлиб қолади. Албатта, бу борадаги гаплар энди-эндигина очилиб келяпти. Аммо яна бир нарсага шубҳа йўқки, жисмоний таъқиб, оммавий қирғин тўхтаган дақиқаларда ҳам ички таъқиб, маънавий қатағон муттасил давом этиб турган. Худди ана шундай таъқиб шарпаси шоир ва ёзувчилар, зиёлилар онгида даҳшатли бир ваҳшийлик образига айланган, улар қалбини занжирлаб, руҳларини тушовлаб келган. Шу боисдан шоирнинг

«Топширдим ўзимни муҳит эркига», деган сатрини ўқир эканмиз, у назарда тутган «муҳит эрки аслида тутқунлик «эрки» эканини дарров ҳис қиламиз. «На исён, на тўлқун, на тўфон, на ўт! Кўзимда оғир бир «таслим» нури бор», дейди у. Менинг назаримда Чўлпоннинг шеърлари тушқунлик деворларига урилавериб қон бўлган юракнинг нолаларига ўхшайди. Ҳа, у эрк истаб кирган жойидан тутқунлик топди...

Абдулла Орипов ўз замонасига муносабат билдириб, «Давримдан қайга ҳам тушардим йироқ», дейди. Чўлпоннинг «Топширдим ўзимни муҳит эркига», дейиши ҳам шоирнинг давр фоижиаларини ўз қалбидан ўтказиб ҳис қила олганидан далолат беради.

Маълумки, Чўлпоннинг ижоди 1927 йилда ҳам адабий доираларда, ҳам сиёсий-мафкуравий жабҳада қаттиқ танқид қилинди. Натижада шоир маориф ходимларининг II қурултойи ҳайъатига арзнома ёзишга мажбур бўлади. Эҳтимол, шу арзнома сабаб шоир танқидлар тигидан омон қолгандир. Чунки бошбошдоқлик замонида Чўлпондек шоирларни жазога тортиш учун матбуотдаги бир-иккита танқидий мақоланинг ўзи етарли эди. Аммо, не бахтки бу сафар шоир ёвузлик сиртмоғидан қутулиб қолади.

Чўлпон ижодини танқид қилиш, унинг шахсига турли хил айблар тақаш 1931—32-йиллар матбуотида янги бир босқичга кўтарилади. Ҳатто шоирнинг қамалиши ҳам аниқ бўлиб қолади. Маълумки, 1929—32-йиллар оралиғида Ўзбекистонда Мунавварқори ва бошқалар иши, Қосимов иши, Боту ва Рамз иши, Бадриддинов ва бошқалар иши сингари қатор суд жараёнлари бўлиб ўтади. Бу суд жараёнлари борган сари бир-бири билан боғлиқ, бу «иш»ларга мутлақо дахлсиз одамларни ҳам ўз домига тортиб кетиши-да ҳеч гап эмасди. Чўлпондек муҳит эркидаги шоирнинг шундай жараёнларга тортилмай қолгани ўша давр ҳодисаларидан, шоир қисматидан хабардор одамларни ҳайрон қолдирмаслиги мумкин эмас. Хўш, Чўлпон 1930—32-йиллардаги қирғин мавсумларидан қандай омон қолди экан? Чўлпоннинг Ўзбекистон Давлат Хавфсизлик қўмитасида сақланаётган П-224777-архив рақамли «Жиноий иш»ига доир баъзи ҳужжатлар бу масалага маълум маънода тўғрироқ ёндашишимизга ёрдам беради,<sup>1</sup> деб ўйлаймиз.

Аввало «Жиноий иш»нинг ўзи, ундаги маълумотлар табиати ҳақида бир-икки оғиз гапириб ўтмасдан илож йўқ. Унда Чўлпоннинг ҳаёти ва ижодига доир масалаларда тасаввуримизни бир оз бўлса-да тўлдиришга хизмат қиладиган тўғри маълумотлар баробарида кишини чалғитадиган, чалғитиш учун ўйлаб топилган «далиллар» ҳам анча. Бундай далиллар, айниқса «иш»нинг тергов қисмига оид ҳужжатларда кўп учрайди. Аммо улар ичида ҳам саралаб олса бўладиган, ўша давр воқеалари мантиқи, «иш»нинг ўзидаги бошқа ҳужжатлар мазмуни асосида ёндашилганда сохта либоси тўкилиб, ҳаётий қиммат касб этадиганлари ҳам бор. Демак, бундай далилларнинг талқинигина сохта эса-да, ўзи муайян даражада ҳақиқатга яқин бўлиб чиқади. Аммо ҳамма гап талқин қаердан бошланиб далил қаерда тугашини ва аксинча, талқин қаерда тугаб далил қаердан бошланганини ажрата олишда. Чунки талқинлар далиллар моҳиятига мосланганидек, далиллар моҳияти ҳам талқинлар мантиқига кўра шиширилган. Биз Чўлпоннинг 1931—32-йиллардаги ҳаётига доир мулоҳазаларимизни шундай далиллар асосида давом эттиришга ҳаракат қиламиз. Бу иш икки жиҳатдан муҳим деб ўйлаймиз. Биринчидан, Чўлпоннинг ҳаётига оид баъзи янги маълумотларга эга бўламиз ва иккинчидан, Чўлпоннинг «Жиноий иши» ҳақида ўқувчиларимизда муайян тасаввур уйғотган бўламиз.

1937 йилнинг 29 июлида тергов протоколида (терговни Ўзбекистон Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги Давлат Хавфсизлиги Бошқармаси 4-бўлим бошлиғи Давлат хавфсизлиги лейтенанти Агабеков олиб борган) Чўлпон тилидан қуйидаги маълумотлар қайд этилади:

«Мен Файзулла Хўжаев билан илк бор 1919 йил танишдим. Тахминан, 1931 йилда у билан алоқада бўла бошладим. 1930 йилда Боту, Рамз ва бошқа бир қатор миллатчи аксилнқилобчилар қамоққа олинганида мени ҳам қамамаса гўрга эди-я, деб хавотирга тушдим. Аммо Фитрат менга шуни маълум қилди: Файзулла Хўжаев унинг боғида бўлганида айтибдики, мен беҳудуга кўрқаятган эканман, чунки мен билан унга — Фитратга тегишмас экан.

1931 йилда мени матбуотда буржуа миллатчи аксилнқилобчиси деб роса тинимсиз фош қилиб туришган даврда Файзулла Хўжаевнинг олдига арз қилиб ва ёрдам сўраб бордим. Файзулла Хўжаев мени тинчлантирди ва 300 сўм пул берди, яна вақтинча Тошкентда кўзга кўринмай туришни, Масковга кетишни, жамоатчилик мени бироз унута бошлагач, қайтиб келишни маслаҳат берди, мен ҳам унинг айтганидек қилдим.

1932—34-йиллар Масковда яшаб юрганимда Файзулла Хўжаев келган фурсатларда уч марта унинг ҳузурига бўлдим. У мени ҳамisha мамнун қарши олар, пул берарди.

1934 йилда Тошкентга қайтишим билан Файзулла Хўжаев менга 500 сўм пул берди ва яхшигина бир уй ажратди. 1936 йилда Файзулла Хўжаев менинг соғлигим тўғрисида гап кетган бир суҳбатда менинг ҳаётим қимматли эканини, мени у зўр шоир деб билишини таъкидлаб, «Биз Сиздан ажралаб қолишимиз мумкин эмас», деди ва менга энг яхши шифокорлар қўлида даволанишни таклиф этди.

Бундан ташқари Фитрат билан иккаламининг суҳбатларимизда у менга бир неча

<sup>1</sup> Қаранг: «Санъат» журнали, 1989 йил, 8-сон.

бор ўзимни асрашимиз зарурлиги ҳақида гапирган, таниқли артист Қори Ёқубов эса мен билан учрашиб қолганида Файзулла Хўжаев мени жуда ҳурмат қилишини айтганди.

Шуларга асосланиб, ўйлайманки, Файзулла Хўжаев мени ва Фитратни фаол аксилинқилобий миллатчи эканимизни билиб, қандайдир мақсадларни кўзда тутиб, бизни қўллаб-қувватлаган».

Эҳтимол, ўқувчимиз булар бари терговчилар ўйлаб чиққан гаплар бўлса-чи, демоқчи бўлар. Албатта, у замондаги терговчилар ҳар қандай нарсани тўқиб ташлашга қодир эдилар. Аммо улар бир нарсани — ҳақиқатни тўқиб чиқаролмас, бунга қодир ҳам эмасдилар. Юқоридаги кўчирманинг сўнги жумласи терговчиларнинг иш услубини ўз-ўзидан фош этиб қўяди. Улар битта-иккита тўғри далил асосида бутун бир ёлғоннинг тегиримонини юргизиб юборишмоқчи бўлишади. Кўчирмадаги маълумотларнинг айримлари Чўлпон ва Файзулла Хўжаев, Чўлпон ва Фитрат муносабатларини бўрттириб кўрсатиш учун атайлаб муайян даражада семиртирилган. Бу шубҳасиз. Аммо шу ваддан у Файзулла Хўжаев ҳузурига ёрдам сўраб борган-бормагани номаълум. Иккинчидан, 1931 йилда Чўлпоннинг Масковга боргани ҳам тўғри. Биз учун Чўлпон ҳаётига доир ана шу икки далилнинг ҳақиқат экани катта аҳамиятга эга. Негаки, у далиллар воситасида бошқа ҳақиқатларни ҳам билиб олиш имконияти вужудга келади.

1931 йил матбуотида Чўлпон ижоди шунчаки танқид қилиб қолинмасдан, балки унга сиёсий-мафкуравий айблар тақаш ҳам кучаяди. Унинг номи билан боғлиқ атама — «чўлпончилик» кенг истеъмолга тушади, «қосимовчилик», «чиғатоичилик» сингари атамалар билан ёнма-ён қўлланади, ўша атамалар каби даҳшатли маъно урғусига эга бўлади.

«Қосимовчилик» деган атама Ўзбекистон Олий судининг раиси бўлиб ишлаган, 1930 йилда судланиб, отувга ҳукм қилинган Саъдулла Қосимовнинг номи билан боғлиқ эди. Уша йилларда бу атамасиз бирор бир танқидий мақола ёзилмасди. Агарда «қосимовчилик» атамаси Қосимовнинг суд жараёнидан сўнг жуда оғизга туша бошлаганини ҳисобга олсак, «чўлпончилик» атамасининг пайдо бўлиши ҳам шоир ҳаётига тажовуз бошланганини билдирарди.

«Правда Востока» газетасининг 1931 йил 14 январь сониди «Ўқувчи» деган имзо билан «Маданий жабҳадаги ўпирилиш» номли мақола эълон қилинади. Мақолада Граматовичнинг ўзбек тили дарслик китоби танқид қилинади. Танқидга сабаб бўлган омиллардан бири дарсликда Чўлпоннинг «Гўзал» сарлавҳали шеърининг берилиши экан.

Газетанинг ўша йилги 15 январь сониди Михаил Шевердиннинг «Ўзбек йўқсул адабиётининг илк катта асари» деган мақоласи босилади. Муаллиф Умаржон Исмоиловнинг «Пахта шунғиялари» асарини кўкка кўтариб мактайти ва унга қиёсан Чўлпоннинг «Ёрқиной», Фитратнинг «Арслон» асари сохта классик кўринишдаги аксилинқилобий зарарли асарлар эканини ва шу боисдан ҳам улар саҳнадан олиб ташланганини айтади. У яна давом этиб ёзади: «Буржуа ёзувчилари Фитрат («Арслон»), Чўлпон («Ёрқиной»), Қодирий («Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён»), Элбек, Муҳаммаджонов («Турмуш уринишлари») ва бошқалар ўзбек адабиётининг ўта ўн қанотини эгаллаб келишяпти. Бу ерда Фитратнинг қатор асарларидаги туркпарастлик ҳақида, Чўлпон ижодидаги босмачилик кайфиятлари тўғрисида, Жулқунбой — Қодирийнинг савдо буржуазияси ва феодализмни мадҳ этгани хусусида, Муҳаммаджоновнинг шовинизми борасида гапириб ўтиришнинг ўрни эмас».

Умаржон Исмоиловнинг янги асарини таҳлилдан ўтказмоқчи бўлган танқидчи бутун кучини ўзбек адабиётидаги «буржуа миллатчилиги руҳидаги аксилинқилобий унсурлар»ни фош этишга қаратади. Яна шуни айтиб ўтиш керакки, муаллифнинг ўзи эътироф этишича, Умаржон Исмоиловнинг бу асарини илғор ўзбек зиёлиларидан бирортаси яхши баҳоламаган. Боту ҳатто танқидий фикрлар билдирган.

Тағин ўша газетанинг 1931 йилдаги 31 декабрь сониди М. Шевердин ва бошқаларнинг «Бадий адабиётдаги чиркин либерализмга қарши» номли мақоласида бошқа кўпгина «зарарли» адабий-сиёсий ва мафкуравий кўринишлар қаторида «қосимовчилик» билан «чўлпончилик» ҳам тилга олиб ўтилади, уларнинг хавфидан огоҳ этилади.

Албатта, 31-йилда бевосита Чўлпоннинг ўзига, унинг ижодига қаратилган ёки унинг номи билан боғланган танқидлар кўп бўлган. Аммо уларнинг ичиди профессор Абдурахмон Саъдийнинг мақоласи алоҳида ўрин тутайди. (Қаранг: Абдурахмон Саъдий «Ўзбек нафис адабиётида миллатчи аксилинқилобчилик», «Ўзбекистанская правда» газетасининг 1 1931 йил, 24—25 март сонлари).

Абдурахмон Саъдий Чўлпон ўз шеърларида большевикларга очикдан-очик қарши чиқаётганини, уларни «бўрилар», «шарпалар», «хўжалар» деб атаганини шарҳ эта бошлайди. Давом этиб ёзади: «Чўлпоннинг «Фарғона» газетасининг 23-йил 119-сониди босилган «Хазон» шеърини ўқиб, индамай қўявериш ярамайди. Мана унинг бир неча мисраси:

1 «Ўзбекистанская правда» УзКП(б) Марказқўми, УзССР МИК, Ўзбекистон Касаба уюшмаси ва УзКП(б) Тошкент фирқа кўмитасининг нашри, 1929—34-йиллар давомида чиққан.)

Ай, совуқ эллардан муз кийиб келганлар,  
У — қўпол товшингиз қирларда йўқ бўлсин.  
Ай, менинг боғимдан мевамни терганлар,  
У — қора бошингиз ерларга кўмулсун!

У Туркистонда кимки маҳаллий аҳолига мансуб бўлмаса, ҳаммасининг бошига ана шундай лаънат ёғдиради. Уларнинг бошлари «ерларга кўмулуши»ни интизорлик билан орзиқиб кутади.

Аслида бу шеър «Куз чоғи...» деб бошланади. Унда шоир ўз кайфиятларини табиат қонунларига қиёсан моддийлаштиради. Шоир руҳнинг ўз фасллари борлигини, улар табиат билан муштарак бир қонуниятларга эга эканини ифодалашга интилаётганга ўхшайди:

Билмадим, кимларнинг умиди йўқ бўлур,  
Сўнг дамда япроқлар кизариб олдилар?

Абдурахмон Саъдий Чўлпоннинг «Маданият» («Цивилизация»), «XX аср» шеърларини ҳам вульгар социологизм руҳида «таҳлил» қилади ва шоирга янги-янги айблар тақайди.

Бизнингча, бу сирадаги мақолалар Чўлпонни зада қилмаслиги, уни ҳаётдан ҳам, ижоддан ҳам бездирмаслиги мумкин эмасди. Шундай пайтда унинг Масковга кетиши мантиқий ва табиийдек туюлади. Аммо шоирнинг душманлари уни Масковга кетказиб ҳам тинчиб қўқолишмаган. Улар шоирнинг бошига яна янги балоларни ёғдириш режаларини тузишган.

Тошкент шаҳридаги Кафанов номли қулубда 1932 йилнинг 5 майдан то 17 июнигача Ўзбекистон Олий Судининг прокурори бўлиб ишлаган Шамси Бадриддиновнинг ва бошқа бир қанча кишиларнинг жиноий ишлари бўйича суд жараёни бўлиб ўтади. Шамси Бадриддинов 1924—27-йилларда Фарғонада суд идораларида ишлайди. Фарғона музофот судининг раиси сифатида 1927 йилнинг декабрь ойида ака-ука савдогар Ханянцлар «иш»ини ёпиб қўяди. 1932 йилда эса бу «иш» асосида унга жиноий айб қўйилади. Бадриддиновнинг судида қўқонлик Раҳмонов Абдурахмон, Содихонов Муҳиддин, Хўжаев Муҳаммадхон, Аҳмадхон Маҳмудхонларнинг ишлари ҳам кўрилади. Улар Қўқонда аввал Инқилобий қўмита котиби, сўнгра маориф шўъбасининг раиси бўлиб ишлаган Аҳмадхон Маҳмудхоннинг батрак ҳамда «Янги Фарғона» газетасининг ишчи муҳбири Алимов ва бошқаларга ўтказган ноҳақликларини қўллаб-қувватлашда, Аҳмадхоннинг уйда аксилинқилобий мажлислар ўтказганликда айбланадилар. Бадриддинов эса буларнинг ҳаммасини била туриб, индамаган бўлиб чиқади ва ҳоказо.

Хуллас, бу суд ишининг 2 майдаги эрталабки мажлисида гувоҳ ҳамда жабрланувчи «Янги Фарғона» газетасининг ишчи муҳбири Алимов кўрсатма беради. У Аҳмадхон ва унинг атрофидагиларнинг ўзига нисбатан қандай жабр-зулм ўтказганларини гапириб, бу гуруҳнинг муҳим сирларини билишини, улар 1929 йилда Аҳмадхоннинг уйига йиғилишиб, махфий мажлислар ўтказганини ҳикоя қилади. Бу мажлисларда Фарғонани қандай қутқариш масалалари, босмачиликни кенг ёйиш ва бошқа нарсалар ҳақида гап борган эмиш. Яна ажабланарлиси шундаки, бу мажлисларда Чўлпон ҳам қатнашган ва ўз шеърларини (аксилинқилобий шеърларини албатта!) ўқиб берган эмиш.<sup>1</sup> Бу ғирт тухматдан иборат гаплар шоир ҳаётини бутунлай ўзгартириб юбориши, унинг муддатидан аввал қамоққа олинишига сабаб бўлиши аниқ эди. Чунки у даврдаги суд ишларига хос бўлган хусусият шундан иборат эдики, бир иш давомида тингланаётган кўрсатмаларда бутунлай бошқа бир ишга алоқадор гаплар учраб қолса, ёки шундай гаплар атайлабдан тўқиб чиқарилса, ўша янги чиқиб қолган «иш»нинг «гуноҳкорлари» ҳам йўл-йўлакай суд қилиниб кетилаверарди. Масалан, Бадриддинов ва бошқаларнинг судида Олий Суд кўчма сессиясининг 11 май кечки мажлисида давлат қораловчиси Катаняннинг таклифи билан гувоҳ Алимовни сўроқ қилиш тўхтатилади ва суд бутунлай бошқа бир ишни, Эгамбердиев деган кишининг ишини кўришга киришиб кетади.<sup>2</sup> Демак, давлат қораловчиси хоҳлаган пайтда Чўлпонни ҳам суд ишига тортишни талаб қилиши ва унга айблар тақаша ҳеч гап эмасди. Бизнингча, буни Чўлпоннинг ўзи ҳам яхши билган, ҳаётига тажовуз кучая бошлаганини сезган. Шунинг учун 1932 йил майининг 27-кунда КП(б) Марказқўмининг Урта Осие бюроси котиби Бауманга баёнотнома ёзади. Баёнотноманинг битта-биттадан нусхалари Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаев номига юборилади. Бу баёнотнома Чўлпоннинг биз юқорида тилга олганимиз П—22417-архив рақамли «Иш»ида (66—67-варақлар) сақланади. «Иш»да Ўзбекистон КП(б) Марказқўмининг котиби Яковлевнинг 1937 йил 14 ноябрида Ўзбекистон Ички Ишлар Халқ Комиссари Давлат хавфсизлиги майори Апрессьян номига ёзган хати бор. Унда Чўлпоннинг Икро-

<sup>1</sup> «Ўзбекистанская правда» газетаси 1932 йил, 12 май.

<sup>2</sup> «Ўзбекистанская правда» газетаси 1932 йил, 14 май.

мовга ёзган хати юборилаётгани, у Икромовнинг сейфидан олингани айтилган. Чўлпоннинг баёнотномаси ўрисча, мошинкаланган. Уни тўлиқ келтирамиз.

«КП(б) Марказқўмининг Ўрта Осиё бюросига

Ўртоқ Бауманга  
Нусхалари: 1. Ўзбекистон КП(б) Марказқўмига

Ўртоқ Икромовга  
2. Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Кенгашига  
Ўртоқ Файзулла Хўжаевга  
шоир Чўлпондан

Бадриддинов ва бошқаларнинг суд ишида гувоҳ ўртоқ Алимовнинг кўргазмаларида яна, одатдагидек, менинг исмим баралла тилга олинадир («Ўзбекистанская правда» газетининг 1932 йил май 108-сонига қарангиз.) Гарчи мени Шўро ҳукуматига қарши ва табиийки, инқилобга қарши бўлмағур «кароматлар»да айблаш янгилик бўлмаса-да, ҳар қалай мана шу баёнотномани Сизнинг эътиборингизга ҳавола қилмоқни лозим топдим.

Ўртоқ Алимовнинг гапларидан шу нарса маълум бўладики, айбланувчи Аҳмадхон Инқилобий қўмита котиби бўлиб юрган чоғда уникида «аксилинқилобий тўдалар»ни мажлиси бўлиб ўтганмиш, буни қарангки, бу мажлисда мен ҳам бор эканман. Мажлисида босмачиларга ёрдам уюштиришга қарор қилинади. Махсус отряд тузилади, уни қуроллантириш учун Аҳмадхонро яроғ топади. Уни тақсимлашаётганда мен — Чўлпон ўз шеърларимни ўқибман. Бу шеърлардан ўртоқ Алимовнинг эсида қолганлари мана булар экан:

«Қурол олинг қўлга, йигитлар!  
Худо улуғ ҳам қудратлидир!  
Қурол олинг қўлга, йигитлар!  
Қодир худо — биз билан бирга!»

Хўп, мен бунга кўнган ҳам бўлайин. Эҳтимол, шунақа мажлис қаердадир бўлиб ўтгандир. Аммо мен бундай мажлисларда ҳеч бир қатнашган эмасман, ўзимнинг ўша пайтдаги эътиқодимга кўра қатнаша олмасдим ҳам.

Аҳмадхон Инқилобий қўмита котиби лавозимини эгаллаган чоғда мен Қўқон (у лавозимини эгаллаган жойда) у ёқда турсин, ҳатто бутун Фарғона музофотида ҳам йўқ эдим. Мен Тошкентда эдим (1919 йилдан то 1923 йилгача). Фарғонага (Анджонга) босмачилик ҳаракати узил-кесил тугатилаётган бир паллада фронтнинг ўзбекча газетида ишлаш учун келганман (1923 йил). Мен Фарғонага Туркистон Марказий Ижроия Қўмитасининг сафарбарлиги ва Туркфронт Ҳарбий Инқилобий Кенгаши йўлланмаси бўйича ўртоқ Тожиев Абдулхай<sup>1</sup> билан бирга борганман. У «Дархон» фронт газетининг муҳаррири ҳам эди, мен эса техник муҳаррир ҳамда адабий ходим эдим. Ўз вақтида бу газет жуда яхши баҳоланган. Менинг ундаги ишим ҳақида Тожиев А., Тадорский (Фарғона фронтининг собиқ қўмондони), Сегизбоев<sup>2</sup>, Али Хўжаев ва Биксон ўртоқлар билишади.

Ўртоқ Алимовнинг эсида қолган шеър асло меники эмас. Менда умуман бунақа шеър бўлган эмас. Агар ўша даврдаги, яъни, босмачиларга ёрдам кўрсатиш бўйича хилма-хил ташкилотлар тузилган ва шунга ўхшаш шеърлар тўқилган маҳалдаги омилларни ҳаққоний ёритишга эришилса, унда аксинча, мен ўша маҳалда айнан босмачиликка қарама-қарши томонда турганлигим факти аён бўлади (менинг Тошкентда ўзбек тилида чиққан «Роста» газетидаги ишим ва бундан ташқари, тирик гувоҳлар Рисқулов, Низомиддин Хўжаев, Моисей Цвиллинг, Хирисанов-Сермяжний, Тўрақулов Назир ва бошқа ўртоқлар). Ўртоқ Алимовнинг ажойиб хотираси сал нарироқдаги нарсаларни ҳам эсга солса ёмон бўлмасди: 1917 йилда, ҳали ўзбеклардан бирон киши ишчилар ҳаракати нима демак эканини, буржуа эмас, ишчилар инқилоби нима демак эканини билмаган бир чоғда менинг шеърларимнинг бирида («Юрт» журнали) мана бундай сатрлар учрайди:<sup>3</sup>

«Қизил байроқ — қип-қизил қон, бу қон — ишчилар қони!»

(Афсуски, менинг эсимда ҳам бир сатргина қолибди, холос.)

Мен сўзимни тугатяпман. Бу баёнотноманинг сўнггида шуни айтмоқчиманки, менинг хатоларим исталганича бор. Улар билан курашмоқ лозим, аммо менинг хатоларимни йўқ жойдан ва умуман, бўлмаган жойлардан изламаслик керак, балки ва ҳатто

Абдулхай Тожиев — матбуот ходими, «Туркистон» (ҳозирги «Совет Ўзбекистони») газетасида, «Коммунизм» журналида ва бошқа масъул вазифаларда ишлаган.

<sup>2</sup> Султон Сегизбоев бўлса керак.

<sup>3</sup> Бу сатр 1917 йилда «Юрт» журналида босилган «Қизил байроқ» шеърдан олинган. Сатр қўлда араб хати билан (ўрисчасидан сўнг) ёзиб қўйилган.

хотирани ортиқча зўриқтирмасдан ҳам топиш мумкин бўлган жойлардан излаш зарурдир. Афсуски, аини ҳолда у (хотира) ўз эгасини шунчаки алдаб қўйибди, холос...

Чўлпон  
1932, 27/V  
Маскав  
Маскав, 411 гражданская 101, 1-хона

Бу баёнотнома Чўлпонни ноҳақ ҳужумлардан асраб, бевақт қамалишдан (1937 йилгача албатта) сақлаб қолган бўлса ажаб эмас. Аммо унинг номи «махзус рўйхатлар»га тиркалганича тураверган, олиб ташланмаган. Яъни, унинг ҳаёти муҳит эркига ташланганича қолаверган. Зеро, бу «эрк»дан ҳалос бўлиш имконияти йўқ эди.

Давлат қораловчиси Катанян Бадриддинов ва бошқаларнинг судида сўзлаган айблов нутқида Чўлпоннинг «аксилнқилобий» фаолиятига ҳам ишора қилади. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, гарчи Чўлпоннинг баёнотномасидан сўнг унга очиқдан-очиқ танқид тўпидан ўқ отиш бир оз сусайган эса-да, бу жараённинг ўзи бутунлай тўхтаб қолмаган. У сал пардаланган ҳолда давом этаверган. Давлат қораловчисининг нутқидаги Чўлпонга тегишли гапларни келтирамиз: «1929 нчи йилда Аҳмадхоновнинг хонасида бўлган йиғилишлар тўғрисидаги олинган маълумотлар эсингиздадир. Бу йиғилишларга Қосимоф, извошдан тушуб Бадриддиноф келади, бунга кундузи «коммунист», кечаси босмачи бўлиб юратурган сирланган коммунистлар оқилади, бу ерда Шўролар ҳукуматидан норози бўлган, улардан жабрланган ҳамма унсурлар келиб, партия ва Шўролар ҳукуматининг ҳар бир қадамини ва ҳар бир тадбирини танқид қиладилар. Мана шу ўткунчиларнинг ҳаммаси, мана шу аксилнқилобий сволнчлар — кўппаклар сўздан ҳаракатка вақт етканлиги тўғрисида босмачилар вақтидоғи сингари бутун киши ва бутун нарса устидан ҳушёр контроллик қўйган партия ишчиларига қарши ур-йиқитчиликга кўчишга вақт етилганлигини баён қилиб суҳбатлашадилар.

Шу билан бир вақтда бунда 1927—29 нчи йилларда, мана шу йиғинтида «қандайдир» шоирлар ўзларининг Фарғонага бағишланган хаёлий шеърларини ўқуб декламация қилиб берадилар. Бу шеърларда гўзал Фарғона водийсида гуллар очилишдан тўхтагани, булбулнинг овози кесилгани, одамлар ҳазин бўлганлиқлари сўзланади. Бу ҳазинлар чиндан ҳам хон-помешчиклар замонасини хаёллоғон кишиларнинг далиллари, яширин — қочиб ишлашга кеткан, уйқусида қора реакциянинг қайтганини тушида кўргон кишиларнинг юрагини тўлдирган эди».<sup>1</sup>

Қизиғи шундаки, Чўлпоннинг 1937 йилдаги тергов ҳужжатларида шунча ёлган гаплар ёзилганига қарамасдан, Катаняннинг айблов нутқидаги «далиллар»дан фойдаланилмайди. Ахир шунча ёлганлар ичида бу ҳам бир ёлган бўлиб туравериши мумкин эди-ку!

Гап шундаки, 1937 йилги тергов ҳужжатларидаги ёлганларнинг йўсини бутунлай бошқача. Унда воқеалар талқини ҳам бошқача бир ўзандан ривожлантирилади. Биринчидан, ёлганлиги аввал бир бор фош этилган «далиллар»дан иккинчи бор фойдаланиш «терговчилик этикаси»га тўғри келмаган бўлиши мумкин. Қолаверса, бир ёлган тўфайли бутун бир ишнинг сохталиги очилиб қолиши ҳеч гап эмасди. Иккинчидан, 37-йилдаги «иш»нинг мақсади, вазифаси бутунлай бошқа эди, яъни, Чўлпонни фош этиш ишига мувофиқ келиши лозим эди. Ана шу мақсад ва вазифа талабига кўра воқеалар талқини ҳам бутунлай ўзгаради. Илгари Чўлпон Қосимоф, Бадриддинов, Аҳмадхонов билан мажлисларда ўтириб, аксилнқилобий суҳбатлар ўтказган деб айбланган бўлса, кейинча Фитрат, Файзулла Хўжаев, Ғози Олим, Абдулҳай Тожиевлар билан яқин алоқада бўлгани учун душманга чиқарилади. 1937 йил 10 августидаги тергов протоколдан (терговни Давлат хавфсизлиги лейтенанти Триғулов олиб борган) олинган мана бу кўчирмага эътибор берайлик.

«Абдулҳай Тожиев, мен Боис Қориев Фарғонада эканимизда Обид Чатоқнинг уйида ўтиришда бўлдик. Обид Чатоқ: «НЭП сиёсатига ўтилди, энди босмачиларга қарши ҳеч қандай чора кўришнинг ҳожати йўқ, чунки босмачилик ҳаракати «ўз-ўзидан тугайди», босмачилик бу Шўро ҳукуматининг зўравонлик сиёсати натижасидир, НЭП бу сиёсатга барҳам бергани учун халқ ҳам босмачиликдан воз кечади», деди. Абдулҳай Тожиев Обид Чатоқнинг фикрларини маъқуллади.

Яна ўша ўтиришда «Авф» мазмунидаги «Дархон» номлик фронт газетасини тузишга қарор қилинди. Бу газета миллатчилик ғояларини таширди, жумладан, мен ҳам (унга) миллатчилик мазмунида бир неча шеър ёзганман».

Агар «Ўзбекистанская правда» газетасининг 1932 йил 12 май сонисидаги суд хабарида Чўлпон Аҳмадхоновнинг уйидаги ўтиришда шеър ўқигани айтилган бўлса, энди у Обид Чатоқнинг уйида, бутунлай бошқа бир даврада ўтиргани айтилади. Лекин суҳбат мавзуи ўша — босмачилик. Суҳбат йўналиши эса тамоман бошқача. Бу ерда Чўлпон-

<sup>1</sup> «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1932 йил 16 июнь.

нинг Фарғонага келиши ҳам, «Дархон» газетасининг ташкил бўлиши тўғрисидаги гаплар ҳам ўзгача талқин касб этипти. Ё тавба! Қилни қирқ ёрувчи терговчилар шу ишнинг ёнида Чўлпоннинг баёнотномаси борлигини, у ҳамма ёлғонларни йўққа чиқариб қўйиши мумкинлигини ўйлашмаганмикен? Шу протоколнинг ўзида яна Чўлпон тилидан Абдулҳай Тожиев унинг Ўзбекистонга қайтиб келишига ёрдамлашгани айтилиб, орқасидан: «Чунки у Файзулла Хўжаевнинг яқин одами эди», деб қўйилади. Энди ўйлаб кўрайлик. Аввалги кўчирмалардан аёнки, Чўлпон ҳам Файзулла Хўжаев билан яқин алоқада бўлган, Масковга келган пайтларида олдига бориб турган. Шундай экан, у Ўзбекистонга қайтиш масаласини Файзулла Хўжаевнинг ўзига айтиб ҳам ҳал қилиб олса бўларди. Бизнингча, Абдулҳай Тожиевни Чўлпонга ёрдам берган қилиб кўрсатишдан мақсад, биринчидан, Абдулҳай Тожиевнинг ҳам «жиноятчи» эканини таъкидлаш, иккинчидан, Чўлпонни чақимчига чиқариб қўйиш бўлса керак.

Яна ўша протоколда Чўлпоннинг Фитрат ҳақидаги фикрлари ҳам берилади. Бу ерда ҳам Файзулла Хўжаевнинг Фитратни тинчлантириб, сизларга ҳеч ким тегмайди, деган гапи келтирилади. Ҳақиқатан ҳам юқорида айтиб ўтганимиз каби Фитрат ва Чўлпонни турли хил ноҳақ ҳужумлардан асраб қолишда Файзулла Хўжаев муайян ўрин тутганига шубҳаланишга ўрин қолмайди. Файзулла Хўжаев, Фитрат, Чўлпон ўртасидаги муносабат самимий бўлган. Фақат бугина эмас, уларнинг ҳаёти, тақдири ҳам муайян маънода бир-бирига узвий кечган бўлса ажаб эмас. Чунки тасаввур қилинг, Фитрат ва Чўлпон 37-йилгача кўпгина тухматларга, ҳужумларга дуч келишади. Аммо улар фақат 37-йилда Файзулла Хўжаев сингари раҳбарлар қамоққа олинган бир пайтда ноҳақлик, зулмдан қутулолмай қолишади.

Чўлпоннинг Фитрат билан жуда яқин алоқада бўлганини айтдик. Сўроқ протоколидаги (1937 йил, 10 август протоколи) маълумотларга кўра, Чўлпон Фитратни 1913—14-йилларда, у Самарқандда Маҳмудхўжа Бехбудий билан бирга «Ойна» журналинда ҳамкорлик қилиб юрган даврда таниган. Кейинчалик Фитрат ҳар хил томошаларда (испектакилларда) ҳаваскор ўхшатғувчи (актёр) бўлиб қатнашган. Бу томошалардан тушган пуллар эса 1914 йилги Россия-Туркия урушида жароҳатланган муслмонларга ёрдам сифатида юборилган. Фитрат шу хайрли иши учун Бухоро қушбеғисидан мартаба олади. Кейин Чўлпон Фитратни 1917 йилда Самарқандда газета муҳаррири бўлиб ишлаб юрган чоғларида кўрганини айтади. 1919 йилда эса Тошкентда Фитрат билан шахсан танишдим, дейди. Бундан ташқари, Фитрат «Ғиётой гурунги» жамиятини тузгани, ўз асарларини Ғози Юнуснинг шахсий нашриётида чоп эттиргани, 1920 йилда Тошкентда «Тонг» журналинини ташкил этгани, Самарқанддаги Муסיқа институтига раҳбарлик ишларида ёрдам бериб тургани ва бошқалар таъкидлаб ўтилади. Албатта, бу маълумотлар ҳақиқатга яқин. Аммо улар моҳиятан Фитрат Шўро ҳукуматига қарши эди, шунинг учун Чўлпон уларни айтиб ўтган дегандек хулоса чиқаришга ҳам, Чўлпон сотқинлик қилган экан-да, деб калта фикрлашга ҳам асос бўлолмайди. Ҳамма гап бу маълумотларни кимнинг ғалвирига солиб элашда бўлган. Бизнингча, Чўлпон Фитратни яхши танишини айтган ва у ҳақда билганларича ҳикоя қилиб берган. Бу ҳикояларга қандай либос кийдириш эса бошқаларнинг ихтиёридаги иш эди.

Шу ўринда ўқувчимизда шубҳа қолмаслиги учун Чўлпон сўроқ пайтида ўзини қандай тутганини яхшироқ тасаввур қилишга ёрдам берадиган иккита мисол келтирамиз. Булар 1938 йилнинг 2 октябрида ўтказилган Чўлпон билан Фитратни юзлаштириш протоколи ва яна ўша куннинг ўзидаги Чўлпонни тергов қилиш протоколдир. Бошқа тергов протоколларидан фарқли ўлароқ, бу ҳужжатларда асл Чўлпонни кўргандек бўламиз. Албатта, бу протоколларда умуман сохталаштириш йўқ, уларда асл жараён қандай ўтган бўлса, шундоғича қайд қилинган деёлмаймиз. Бу протоколлардан ҳам озми-кўпми ёлғон саси эшитилиб туради (ёлғонсиз иш битарканми, ёлғонсиз ёвғон йўғу). Аммо «иш»даги бошқа протоколларга қиёсан олиб қаралганда кейингилари сал бошқачароқдек туюлади. Бу протоколлардаги Чўлпон ўзига ҳам, бошқаларга ҳам ноўрин тақалаётган барча айбларни рад этади. Фақат «Мен миллатчи эдим», дейди, холос.

Қўйида Ўзбекистон Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги Давлат Хавфсизлик Бошқармасининг 4-бўлим бошлиғи ўринбосари Давлат хавфсизлиги катта лейтенанти Копосов 1938 йилнинг 2 октябрида ўтказган Фитрат ва Чўлпоннинг юзлаштирилиши протоколдан бир неча парча келтирамиз:

«**Фитратга савол:** Сизнинг айбланувчи Сулаймонов Абдулҳамидга душманлигингиз йўқми?»

**Жавоб:** Мен билан Сулаймонов ўртамизда ҳеч қачон, ҳеч қанақа душманлик бўлган эмас. Биз бир-биримизга жуда яхши муносабатда эдик.

**Сулаймоновга савол:** Фитратнинг гапи тўғрими?

**Жавоб:** Ҳа, тўғри. Мен Фитратни жудаям ҳурмат қилардим...»

Кейин Фитратдан унинг Англия фойдасига айғоқчилик қилган-қилмагани, Англия айғоқчиси Саид Афанди билан (аслида у ҳеч қандай айғоқчи эмас, шунчаки бир табиб — М.Қ.) алоқаси бор-йўқлиги сўралади. Фитрат бу саволларга тасдиқ мазмунида жавоб беради. Шундан билиш мумкинки, Фитрат бу учрашувда эзилган, ҳолдан тойди-

рилган бир алфозда иштирок этган. Муттасил зўрлаш ва хўрлашлар ўз кучини кўрсатган шекилли, шундай бир аллома инсон ўзини Англия айғоқчисига тенглаштириб қўяди.

Яна бир кўчирма:

**«Фитратга савол:** Сулаймонов Абдулхамиднинг Саид Афанди билан алоқаси бормиди?

**Жавоб:** Мен терговда кейинги даврда айғоқчилик иши бўйича Англия разведкасининг резиденти Саид Афанди билан боғланганим тўғрисида кўргазма бердим. Мен бу кўргазмаларимни тасдиқлайман. Мен Саид Афанди билан Фулом Зафарий орқали алоқа қилиб турардим.<sup>1</sup> 1930 йилда Фулом Зафарий менга Чўлпон ва у иккалафи Саид Афандидан пул олганини айтди. Менинг Чўлпонни — Сулаймоновни Саид Афанди билан алоқаси ҳақида Фулом Зафарийдан эшитган гапим шугина, холос.

**Сулаймоновга савол:** Сиз Саид Афандини танийсизми?

**Жавоб:** Ҳа. Саид Афанди деган ҳинди табибни ростдан ҳам шахсан танийман. У билан 1928 ёки 1929 йилда Фулом Зафарийнинг Самарқанддаги хонадонида танишганман. Мен Фулом Зафарийдан хабар олай деб кирган эдим, чунки у касал бўлиб ётган эди. Фулом Зафарийнинг уйида мен ҳинди табиб Саид Афандини учратиб қолдим ва у билан танишдим.

Менинг Саид Афанди билан бўлган иккинчи учрашувим ўша йили Самарқандда, Бахшуллахоновнинг хонадонида бўлган эди. Мен хотинимни излаб уникига борувдим. Мен у ерда Фулом Зафарий, Саид Афанди ва Бахшуллахоновни учратдим. Бахшуллахонов мени ўтиришга, Саид Афанди пиширган қандайдир ҳинди таомидан тотиб кўришга таклиф қилди. Мен ўтирдим, овқатландим ва кетдим.

Хотинимни Бахшуллахоновниқидан излашимнинг боиси шундаки, ўша уйда мусиқачи Пўлатов ҳам яшарди. Пўлатовнинг хотини билан менинг хотиним Муסיқа илмлари институтида бирга ўқишгани учун менинг хотиним уникига бориб турарди.

**Фитратга савол:** Бахшуллахонов ва Пўлатов сизга қанчалик таниш?

**Жавоб:** Менга уларнинг икковиям шахсан Англия айғоқчиси сифатида маълум.

**Сулаймоновга савол:** Сиз берган кўргазмалардан мутлақо аён бўляптики, Сиз Англия разведкасининг айғоқчилари билан алоқа қилгансиз, Сизнинг Саид Афанди билан, Бахшуллахонов билан, Пўлатов ва Фулом Зафарийлар билан ўзаро муносабатларингизнинг ҳақиқий характери хусусида кўргазма беринг.

**Жавоб:** Мен Фулом Зафарий билан жуда яқиндан таниш эканимни тан оламан. Пўлатовни, Саид Афандини ва Бахшуллахоновни қай даражада билишимни эса айтдим. Санаб ўтилган шахсларнинг айғоқчилик қилганини билмаслигимни тасдиқлайман.

На бевосита, на Фулом Зафарий орқали мен Саид Афандидан пул олганим йўқ.

Ўзим айғоқчи бўлмаганман, мен миллатчи эдим ва бу ҳақда кўргазма бердим.

Чўлпон Ғози Олим Юнусов билан юзлаштирилганида ҳам ўзининг миллатчи бўлганини айтиб ўтади. Нега бундай? Афтидан, доимий кистовлар, дўқ-пўписалар зўри билан сингдирилган айбларга айбланувчиларнинг ўзлари ҳам кўника бошлашган. Инсон табиати ўзи шундай: бир нарса муттасил онгига қуйиб турилаверса, бас, охир-оқибатда руҳига ўша нарсанинг нуқси уриб қолади. Инсон беихтиёр ўзи рад этган нарсани тан олиб, унинг мантиқига бўйсиниб қолади. Аммо Чўлпоннинг ўзини миллатчи деб тан олиши, шеърларида миллатчилик кайфиятлари бор эканини эътироф этиши қамалмасидан олдин юз берган эди. Шоир матбуотдаги ялпи ҳужумлар тазйиқи остида шундай йўл тутишга мажбур бўлган эди. Шу боисдан ҳам унинг терговда «Мен миллатчи эдим», дейиши бу ҳамма билган ва кўниккан ҳақиқатни шунчаки қайд қилиб ўтишдек бир гап эди. Ўша пайтда буни тан олмасликнинг илоҳи ҳам йўқ эди. Тан олмаса катта минбарлардан, ғаламис матбуотдан туриб айтилган «мўътабар» фикрларни рад этган бўларди. Қолаверса, партиянинг турли дунёқарашдаги ёзувчиларга муносабат борасидаги мафкура сиёсатининг нотайинлигини кўрсатиб қўярди: Шу тариқа ўзини янада каттароқ аждаҳонинг оғзига тутиб берарди.

1938 йилнинг 2 октябрида Чўлпоннинг аждаҳонинг оғзига қилинганда ҳам у ўзига тиркалган барча айбларни рад этади. Ўша сўроқ протоколдан кўчирма келтирамиз (терговни Ўзбекистон ИИХК ДХБ 4-бўлим бошлиғи ўринбосари, Давлат хавфсизлиги катта лейтенанти Копосов олиб борган):

**«Савол:** Фитрат билан юзлаштирилганингизда Саид Афандидан пул олганингиз фош этилди. Бу пуллар Сизга нима учун берилган эди?

**Жавоб:** Мен буни мутлақо рад қиламан. Саид Афандидан ҳеч қанақа пул олганим йўқ.

**Савол:** Терговга шу нарса мутлақо равшанки, 2 октябрда Фитрат билан юзлаштирилганда Сиз айтган Саид Афанди билан икки бор учрашувингиз тасодифий бўлмасдан Англия айғоқчиси билан аввалдан шартлашиб олинган учрашув эди. Шунини тан оласизми?

**Жавоб:** Мен буни тан олмайман, чунки бу гап ёлғондир. Мен айғоқчи бўлмаганман. Фитрат, Фулом Зафарий, Саид Афанди, Бахшуллахонов ва Пўлатовнинг айғоқчи бўлган-бўлмаганини мен билмайман.

<sup>1</sup> Фулом Зафарий — ёзувчи, драматург, қатли омга учраган.



**Савол:** Фулом Зафарий билан Саид Афандининг кейинги йиллардаги алоқалари тўғрисида нималарни биласиз?

**Жавоб:** Фулом Зафарий кейинги йилларда сургундан қайтиб келганидан сўнг ҳам Саид Афанди билан ўз алоқасини узмаган. 1935 йилда у менга Саид Афанди Самарқандда эканини гапирувди. 1937 йилнинг бошида Фулом Зафарий менга Саид Афандининг Тошкентга келганини айтди.

**Савол:** Икки мартасидаям нима сабаб бўлиб у Сизга Саид Афанди ҳақида гапирди?

**Жавоб:** Адашмасам, мен Фулом Зафарийдан Саид Афандининг қаерда эканини сўрадим ва у менга у ҳақда гапириб берди. Мен фақат диабет билан оғриганим учун ҳам Саид Афанди ҳақида сўраган бўлишим мумкин».

Кўриниб турибдики, Чўлпон кейинги икки терговда ўзига қўйилган айбларни рад этган. У на Фитрат тўғрисида, на бошқалар ҳақида нотўғри кўرғазма бермаган. Улар хусусидаги ноҳақ даъволарни ҳам иложи борича инкор қилган. Энди шу нуқтада бизга нисбатан ўқувчида ҳақли бир эътироз туғилиши муқаррар. Биз бошида тергов манбалари хусусида гапириб, уларда қайд қилинган кўрғазмаларнинг деярли ҳаммаси сохта эканини, баъзан тўғри далиллар учраб қолса-да, улар ҳам тескари талқинга ўралган бўлишини айтган эдик. Аммо кейинги икки тергов протоколидаги гапларни рости ўрнида қабул қилишимиз ва шуларга асосланиб Чўлпон терговда ўзини йўқотмаган, ўз ички мавқеини сақлаб қолган демоқчи бўлаётганимиз тергов манбаларига муносабатдаги илк мезонларимиздан воз кечаётганимизни кўрсатмайдими?! Йўқ. Гап шундаки, кейинги икки протокол (уларга Чўлпон ва Ғози Олимни юзлаштириш протоколини ҳам қўшиш мумкин) аввалгиларидан кескин фарқ қилади. Албатта, юқорида айтиб ўтганимиздек, бу протоколларда ҳам етарлича ёлғон аралашган бўлиши керак. Аммо уларда тергов савол-жавобларини қайд қилиб бориш мезони бутунлай бошқачадир. Агар аввалги тергов протоколларида Чўлпон ўзига қўйилган айбларни сўзсиз тан олса, ҳатто ўз айбларига янги-янги айблар қўшиб гапирса, Фитрат ва бошқаларни кескин «фош» этса, кейинги протоколларда, аксинча, у деярли ҳамма айбларни рад қилади. Хўш, бир жиноий ишда, яна бунинг устига ёлғиз айбланувчининг турли терговлардаги турлича саволларга турлича мавқелардан туриб жавоб беришини қандай тушуниш мумкин? Тўғри, ҳар қандай айбланувчи ҳам турли саволларга турлича жавоб беради. Аммо унинг саволларга, шу саволларни бераётган терговчига ички муносабати, ички мавқеи бир хил бўлиши керак-ку, ахир! Чўлпон билан олиб борилган тергов протоколларида ана шу бир хилликни кўрмайсиз. Аввалги протоколларда ўзгача муносабат, ўзгача мавқе бўлса, кейингиларида яна ўзгача. Еки бу айбланувчининг руҳиятидаги ўзгаришлар ифодаси ўлароқ юзага келган икки хилликмикин? Ахир у бошида саросимага тушиб кўп нарсаларни чалкаштириб юборган бўлиши, кейинроқ эса ўзини тутиб олиб, ҳар бир саволга аниқ ва тўғри жавоб берган бўлиши мумкин эди-ку! Йўқ, бу фаразимиз иш бермайди. Негаки, аввалги протоколларга терговчилар томонидан жуда кўп ёлғон-яшиқлар аралаштириб юборилганини ўзимиз ҳам неча бор қайд қилиб ўтдик. Бизнингча, гап ҳар бир терговчининг «ўзига хос» иш юритиш «услуги»да. Эътибор бериб қаралса, «иш»нинг аввалги тергов протоколларини Давлат хавфсизлиги лейтенантлари Агабеков (1937 йил 23 июлдаги тергов протоколини) ва Трифурлов (1937 йил 10 августи ва 25 сентябрдаги протоколларини) тўлдиргани аён бўлади. Бу кимсалар ўзларининг шафқатсизлиги билан ном чиқарган. Уларнинг қилмишлари кейинчалик кўпчиликнинг оғзига тушган. Хуллас, терговчилар айбланувчидан ўзлари тўқиб чиқарган эртақларга қўл қўйдириб олаверган. Албатта, уларга Чўлпоннинг ўзи ҳам анча нарсаларни айтиб берган бўлиши мумкин. Аммо протоколга бу гапларнинг ҳаммаси ҳам киритилавермаган. Фақат «сюжет»га мос келадиганлари, афт-ангорини ўзгартирса бўладиганларигина киритилган, холос. Кейинги терговларни олиб борган Давлат хавфсизлиги катта лейтенанти Копосов эса ўз ҳамкасбларига қараганда анча «демократроқ» бўлиб чиқади.

Терговчиларнинг ана шундай «ўзига хос» иш «услуг»ларини ҳисобга олиб бемалол айта оламизки, Чўлпон терговда ўз ички мавқеидан чекинмаган, ҳар бир саволга тўғри ва ҳалол жавоб берган. Аммо яна шуни айтиш керакки, терговчилар унинг тўғри жавобларидан ҳам «унумли» фойдалана олишган.

Биз Чўлпон муҳит эркида, муҳит ихтиёрида эди, дедик. Албатта, «эркинлик»да тутқунлик қонунлари билан яшаш шоирга осон кечмаган. Лекин шунча қийинчиликларга қарамасдан шоирнинг иродаси букилмаган. Тўғри, у умидсизликка тушган, гоҳ ғамгин, гоҳ замонасоз шеърлар ҳам ёзган. Аммо ундаги ички «Мен», ички журъат сўнмаган. Йиллар давомида шоирнинг дунёқараши ўзгариб, эътиқоди янгиланиб борган. Эътибор берган бўлсангиз, Чўлпон Бауман ва бошқалар номига ёзган баёнотномасида Аҳмадхоннинг уйидаги мажлислар хусусида фикр билдириб, бу мажлисларда «ўзимнинг ўша пайтдаги эътиқодимга кўра қатнаша олмадим ҳам», дейди. Шунга кўра таҳмин қилиш мумкинки, 20-йилларнинг бошидаги Чўлпон билан 30-йиллардаги Чўлпон бир-биридан кескин фарқ қилган. Биринининг озодлик кучига қаттиқ ишонган, ҳатто уни куйлаб шеър ёзган («Қизил байроқ» шеъри), иккинчиси эса ўзи ишонган ҳақиқатдан фақат адолатсизлик топиб, ишончи сўнган, умидсизликка тушган.

Чўлпоннинг инқилобга, Шўролар ҳукуматига сўнги йиллардаги ички муносабати

хусусида унинг хотира дафтарлари кўп маълумотлар бериши мумкин эди. Аммо улар шоирнинг уйдан олиб кетилган бошқа буюмлар қаторида терговдан сўнг «Ишга алоқа-си бўлмаган» ҳужжатлар сифатида йўқ қилинган. «Иш»да Чўлпоннинг хотира дафтарлари ҳақида ёзилган «тақриз» бор. «Тақриз» муаллифи Насрулла Охундийдир. Насрулла Охундий шоирнинг хотира дафтарларидан жуда оз кўчирмалар келтирган. У хотира дафтарлардаги гапларнинг ҳаммасини худди шоирнинг нашрга тайёрлаб қўйилган асарларини шарҳлагандек шарҳламоқчи бўлади. Ваҳоланки, киши ўз хотира дафтарига нималарни ёзмайди дейсиз? Тақризчи Чўлпонга нисбат берган кўчирмалар балки Чўлпоннинг бирор бир сеvimли шоир ёки ёзувчисининг асаридан қилинган таржимадир. Агар Чўлпоннинг ўзиники бўлган тақдирдаям қандайдир кайфият, ҳолат ҳукми билан ёзиб қўйган гапларидир. Киши ўз кайфиятидан хотира сўзларни хотира дафтарларига ёзмаса қаерга ёзади? «Тақриз»да Чўлпоннинг хотира дафтарларидан олинган шеърий парчалар ҳам бор. Аммо уларни дафъатан Чўлпонники дейишга тилинг бормади. Оддий, жўн. Чунки Чўлпон ўз даври, ўз замонасига шахсий норозилигини билдириб қўйишни истаган бўлса бундай оддий гапларни ёзиб ўтиришга ҳожат бормиди! У ахир ҳар қандай шеърда ҳам исён руҳини бера оладиган санъаткор шоир эди-ку! Шунини ўйлаб хотира дафтарларидаги шеърий парчалар бошқа бировлар томонидан тўқилмаганмикин деган тахминга ҳам борасан киши<sup>1</sup>.

Ҳа, Чўлпон муҳит эркидаги шахс эди. Муҳит уни ўзи хоҳлаган пайтда парчалаб, қирғоққа отиб юбориши муқаррар эди. Аммо шуниси ҳам бор эдики, муҳит ўз эркидаги «Сомон парча»лардан қўрқарди.

Ҳа, Чўлпон муҳит эркидаги шоир эди. Аммо унинг руҳи озод эди. У муҳит эркида яшаб юриб ҳам шоир бўлиб қолди. Шоирлик муҳит эркига ташланган қисмат эканини англатиб кетди.

Социализм тарихи синфий курашлар тарихидан иборат деб билган мафкура кураш деганда кўпроқ калтакни тушунар эди. Чўлпон тиниқ қайғулар, саркаш хаёллар шоири эди. Аммо ифлос муҳит бу гўзалликни қабул қилолмади. Қабул қилса ифлос бўлмай қоларди-да!..

## ЧЎЛПОННИНГ ХОТИРА ДАФТАРЛАРИ ҲАҚИДА

Аксилинқилобий буржуа миллатчиларининг онаси бўлган Чўлпоннинг хотира дафтари бутунлай аксилинқилобий мафкура, хотирани ва унинг Совет ҳукуматига, буюк рус халқига қарши олиб борган курашларини йиғиндиси бўлган. Чўлпон ўз хотира дафтарида Совет ҳукуматига қарши ўзининггина олиб борган курашини системали равишда ёзиб бориш билан қаноатланмаган. У хотира дафтарида Акмал Икромов бошлиқ бутун бир аксилинқилобий ташкилотнинг курашини ҳам қисман ёзади. Бу дафтарда ёзилганлардан кўринадики, ҳали кўп сирлар очилмаган, бир мунча кишиларнинг юзларидан миллатчилик ниқоби юлиб ташланмаган. Чўлпоннинг хотира дафтари бир мунча Чўлпончиларнинг юзларини очиб берган. Яъни, у кишилар ҳозир биз билан бир қаторда юриб, кўринишда Совет ҳукумати тарафдори бўлиб, аслида эса ва юракдан унга қарши ишловчилардир. Буларнинг бир қисми санъат, адабиёт соҳасида ҳали-ҳали яшамоқдалар. Чўлпоннинг хотира дафтарида маълум бўлишича булар Уйғур, Обид Жалил кабилардирки, улар яширинча ва зимдан иш олиб борсалар-да, кўринишда ҳақиқий Совет граждани бўлиб кўринишга уринадилар.

Чўлпоннинг сўзича, унинг хотира дафтарида ташқари яна иккита хотира дафтари бўлган. Биринчи Бухорода ёзилган, иккинчиси Маскавда, Маскавдагиси айниқса аксилинқилобий сирлар билан тўлган бўлса керакки, у шунинг учун ўз қўли билан ёндириб ташлайдир. Чўлпоннинг бу хотира дафтари бошидан оёқ аксилинқилобий заҳарли идея ва сўзлардан, хотиралардан иборатдир. Чўлпон аксилинқилобий ташкилотнинг енгилганлигига иқрор бўлган. У ўз-ўзига ва дўстларига бу енгилиш вақтинча ва бу енгилишдан енгилш учун курашишга чақиради. Хотира дафтарининг 29/VI—1926 йилда ёзилган хотирасида шундай дейди: «Санъат ҳарамига бир ёввойи бўрон кирди... Олтуз қадаҳ, биллур қосалардан бир-икки жуфтини ағдариб кетди. Майлар тўқулди, қосалар синди, қадаҳлар парча-парча бўлди... енгилшнинг ҳам кайфи бор, худди енгилш каби! Енгилшқа — енгилш орқали келинг. Худди енгилшқа — енгилш орқали келинганлик каби. Қанотларимиз синган, фонарларимиз ўчган, ҳассамиз синдирилган<sup>2</sup>. йўл борамиз, манзилдан дарак йўқ».

Бу хотира аксилинқилобий «Қизил қалам» жамияти ва қосимовчилар тор-мор келтирилгандан кейин ёзилган бўлиши мумкин.<sup>3</sup> «Санъат ҳарамига ёввойи бўрон кирди» деган жумланинг маъноси санъатга большевиклар ўз идеяларини ва ўз кишиларини киргиздилар деган гап. Чўлпон улуғ рус халқига қарши 12/11—1927 йилда ёзган хотирасида шундай деди: «Сенинг оқ бетларинг унутлиши лозим бўлган оқ «бетлар»дай қора пардалар орасида қолиб кетипдир». Яна «Сарик пақирнинг булғанч сувлари, иккига бўлинган улуғ бир балиқнинг қонларини ялайдилар».

Бу жумлалардаги «Оқ бет, сариқ пақир» деган сўзлар русларга қаратилгандир. Чунки Чўлпон илгариди ҳам, ҳозирда ҳам русларни «қарғага, булутга, сариқ сифат бериб, оғзи қон бўри» деб таъбирлар эди<sup>4</sup>. Чўлпон бу заҳарли фикрини хотира дафта-рида қуйидагича ёзади:

«Бу ерда Маскав ҳар толибнинг талаби,  
Ховуч-ховуч, кучоқ-кучоқ берилган.  
Локин «Маскав қизиман» деб керилган  
Пойтахтнинг у ясама «чўғ лаби».  
Сиздан лўқма олмагунча ютилмас,  
Унинг бутун тушунчаси олмоқдир.  
Олиб-олиб чўнтагига солмоқдир  
Берганда ҳам нима берар дор, мараз!  
.....сенинг жойинг эмасдир<sup>5</sup>  
Ай, «Пахтастон» ўлкасининг ташнаси!  
Ай, Маскавнинг 60 йиллик ошнаси,  
Маскав ўша эски олиб бермасдир...  
Икромовдан Аъламовга келган хат  
Автомобил тағларида йўқ бўлди.  
Шунинг учун турмушинг ҳам «йўқ» бўлди  
Аъламовнинг поклигида бор иллат!  
Янги чиққан ўзбекларга жой бериб,  
Ҳаммасини хурсанд қилғон «Ўзқўнсул»  
Сенга келгач «Отказ» билан «Хей» бериб,  
Безирайиб тура берди... ўлаҳ, ўл!  
Ким деб эди сенга ўзбек туғул деб  
«Бахтсизлик»: ўзбекнинг ҳамдами.  
.....  
.....<sup>6</sup>  
.....»

Бу шеъри билан Чўлпон руслар ўзбекларга мараз юктирувчи халқ, деди. Рус аёлларини барчаси бузуқ, фоҳиша деди. Чўлпоннинг фикрича, рус хотинлари сквер хотинлари эмиш. Маскав эса (Маскав сўзи билан эса рус халқини кўзда тутди) ўзбекларни таловчи босмачи эмиш. Чўлпоннинг фикрича ва юқоридаги шеърнинг маъносига кўра руслар олтмиш йилдан бери ўзбекларни талар эмиш. Чўлпон шундай аксиланқилобий фикрни давом эттириб яна ёзади. Халқ душмани Акмал Икромовнинг Аъламов деган бир шахсга ёзган хатининг йўқолганига Чўлпон афсусланади. Унинг фикрича, шу хатнинг йўқолиши натижасида ўзбек турмуши хароб бўлган эмиш. Бироқ бу хатнинг мазмуни хотира дафтариди йўқ. Лекин ўйлайман, у хат диққатни жалб қиларлиқ хатдир. Чўлпон Совет ҳукуматиға ва улўғ рус халқига қўлидан келган тўхмат ва ҳақоратларни майдонга ташлаган. Бунга очиқ далил унинг мана шу хотира дафтаридир. Чунки хотира дафтарларининг бошидан тортиб то охиригача аксиланқилобий сўзлар, аксиланқилобий хотиралар билан тўлган. Уни таҳлил қилиб ўтиришининг ҳам ҳожати йўқ. Шунинг учунки, бу хотира дафтарларида бу аксиланқилобий фикр очиқ айтилгандир.

## ИЗОҲЛАР

1. Насрулла Охундийнинг «тақризи»ни мақолага илова қилаёямиз. «Тақриз» лотинлаштирилган ўзбек алифбосида ёзилган, «иш»да унинг ўрчисчасига таржимаси ҳам (Х. Қурбонов деган киши таржимаси) бор (69—70-варақларда).

2. Нуқталар ўрнидаги сўзни аниқ ўқий олмадик.

3. Қосимов 26-йилда эмас, 1930 йилда суд қилинган, келтирилган кўчирма эса партиянинг ўша йиллардаги адабий сиёсат бобидаги нотўғри тадбирларига муносабат тарзида ёзилган.


4. Жумла ғализ.

5. Нуқталар ўрни бўш қолдирилган.

6. Нуқталар ўрни бўш.

Нашрга М. ҚАРШИБОВЕВ тайёрлади

**РЕДАКЦИЯДАН:** Ошкоралик, қайта қуриш шарофати ўлароқ Давлат Хавфсизлик Қўмитасининг «темир сандиқ»лари очилди. Бу сандиқларда оммавий қатагон йилларининг қурбони бўлган миллионлаб расо фикрли кишилар қисмати битилган турли маълумотлар, ҳужжатлар сақланарди. Ёш адабиётшунос ҳамда шоир М. Қаршибоевнинг адиб Чўлпон ҳақидаги мазкур мақоласи ана шу ҳужжатларни ўрганиш асосида ёзилган. Уларда сеvimли шоир ва ёзувчимизнинг кескин фожиали қисматиғина эмас, балки унинг инсоний сифатлари ҳам акс этган. Давлат Хавфсизлик Қўмитаси ходимлари келгусида ҳам қатагонга учраган адиблар, олимлар ва халқимизнинг бошқа асл фарзандлари тақдирини ўрганишда бизга шундай хайрихоҳ ва самимий ёрдам кўрсатиб турадилар, деб астойдил ишонамиз.



## СУД КЕЧИКТИРИЛДИ

Ҳажвия

Фазилат болалар уйида ўсган. Энди ўн саккизга тўлди.

Бугун жиноят курсида ўтирибди. Халқ судьяси Ҳамида Тожиевна, суд ҳайъатини Фазилат Эгамбердиева содир этган жиноят тафсилоти билан таништирди:

— Гражданка Фазилат Эгамбердиева 1971 йилда туғилган. Ҳунар-техника билим юртининг талабаси. Шу йилнинг 13 февраль куни соат ўнлар чамасида Гагарин кўча, 212-уйнинг молхонаси охуридан эркак жинсига мансуб чақалоқ топилган. Милиция ходимларининг аниқлашларича, чақалоқ гражданка Фазилат Эгамбердиевага тегишли эканлиги ашёвий далиллар, экспертиза хулосаси билан тасдиқланган. Айбдор туғруқхонадан чиқиб, орадан уч соат ўтгач, юқоридаги жиноятни содир этган. Гражданка Фазилат Эгамбердиева қонунсиз туғилган чақалоқнинг ҳаётига қасддан онгли равишда суиқасд қилган. Бу ғаразли мақсаддаги қотиллик бўлиб, Ўзбекистон жиноят кодексининг 15—183 моддаси билан айбланади...

— Гражданка Фазилат Эгамбердиева, ўзингизни айбдор деб ҳисоблайсизми?  
— Ҳа.

— Боланинг отаси ким?— сўради судья.

— Айтинг, ўзингизга енгиллик бўлади,— деди маслаҳатчи.

Фазилат жим ерга қараганча тураверди.

Бир хил саволлар турли оҳангда такрорланаверди. Ниҳоят, жиноятчи тилга кирди:

— Фойдасиз. Менинг ҳеч кимим йўқ, ҳеч ким мени ҳимоя қилмайди. Чақалоқнинг отаси эса амалдорнинг ўғли. Барибир, уни оқлаб, мени қоралайсизлар. Буни яхши билман. Йигитнинг берган ваъдалари, ичган қасамларини эшитганда ҳар қандай одам, ҳатто сизлар ҳам ишонардиларинг. Одамларнинг бу қадар алдоқчилигини мен қаёқдан билай.— У йиғлади.— Энди фойдасиз...

Унга прокурор мурожаат қилди:

— Нега фойдасиз дейсиз? Нега уни оқлаб, сизни қоралар эканмиз? Шуни яхши билингки, қонун олдида шоҳ ҳам, гадо ҳам тенг. Ҳақиқат эгилади, букилади, аммо синмайди.

— Булар қоғозда, қуруқ гаплар. Ҳақиқат эса осмонда, ўртоқ прокурор,— деди қиз масхараомуз илжайиб.

— Қайсар экансиз. Олдин йигитнинг кимлигини айтинг. Ҳақиқат бор-йўқлигини шунда биласиз. Афлотуннинг ўғли бўлганда ҳам халқ суди олдида жавоб беради, айниқса ҳозирги ошкоралик даврида.

Бу фикрни халқ судьяси ҳам, маслаҳатчилари ҳам тасдиқлашди.

— Сизларнинг бу ишни адолатли ҳал қилишларингга мутлақо ишонмайман,— деди қиз қатъий.

Шунда прокурор:

— Қизим, сиз элдан бурун ҳақиқат йўқ, деб ҳукм чиқаришга ўрганманг. Ҳали ёшсиз. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини билмайсиз. Айбдорнинг кимлигини айтинг. Биз қонун нималарга қодирлигини кўрсатамиз. Уни жазоламасак, сўнг бизга таъна тошларини отсангиз ярашади,— деди.

Қиз ғайритабиий бир чаққонлик билан ўрнидан туриб, прокурорнинг ёнига келди-да, унга узук узатди.

— Танияпсизми?

— Йўқ,— деди прокурор таажжубда.

— Ўғлингизники.— Қиз шундай деб суд ҳайъатига юзланди.— Мени сенга уйлана-

ман деб алдаган, қасам ичган, кейинчалик болани йўқотмасанг, бировга айтсанг, ўлди-  
раман, деб қўрқитган йигит — шу прокурорнинг ўғли! Мана энди нима қилсаларинг  
қилаверинглар. Ҳақиқатни истаган томонингизга қараб бураверинглар.

Прокурор анчагача кўзларини юммай, жим қолди. Сўнг ўзиникига ўхшамаган  
чийилдоқ овозда деди:

— Тухмат. Менинг ўғлим уйланган. Бунақа иш унинг қўлидан келмайди.


Кимдир луқма ташлади:

— Бунақа ишни қўлда қилмайди...

Залда қаҳ-қаҳа кўтарилди.

Судья, маслаҳатчилар, ҳамма прокурорга тикилди.

Суд кечиктирилди.



<b>МУЛОҲАЗА, МУҲОКАМА, МУНОЗАРА</b>	
Абдуқаҳдор Иброҳимов. Тил — эл руҳи . . . . .	2
Қудрат Дўстмуҳаммад. Қайта қуришдан бебахра соҳа . . . . .	191
<b>ШЕЪРИЯТ</b>	
Абдували Қутбиддин. Изоҳсиз луғат. Достон . . . . .	6
Ойбек. Темур. Достонга чизгилар . . . . .	35
Ҳосият Бобомуродова. Узимга бер мангу азобни . . . . .	121
Қамчибек Кенжа. Бу — тошқин, қалбингга оқиб киради . . . . .	123
Салим Ашур. Юрагимга элтар йўл . . . . .	134
Асрор Мўминов. Агар бир кун майса бўлиб . . . . .	137
<b>НАСР</b>	
Хуршид Дўстмуҳаммад. Оромкурси. Қисса . . . . .	18
Муҳаммад Али. Сарбадорлар. Тарихий роман . . . . .	44
Раъно Розикова. Икки ҳикоя . . . . .	125
<b>НАВОИЙХОНЛИК</b>	
Ваҳоб Раҳмонов. Боштин ёротқой оламе . . . . .	139
<b>МЕРОСИМИЗНИ УРГАНАМИЗ</b>	
Неъматилла Отажонов. Мукаммал нашр йўлида . . . . .	142
Жавоҳарлаъл Неру. Бобур . . . . .	146
Фаридун Фозил Тултбенчи. Бобуршоҳ . . . . .	148
Тоҳир Қаҳдор. Икки мақола ҳақида сўнгсўз . . . . .	150
<b>ҚУРЪОН</b>	
<b>ҚУТЛОВ</b>	
Маъруф Жалил. Ҳалол ва камтарин . . . . .	169
Жуманиёз Жабборов, Асқар Ҳайдаров. Ғунчага бемаҳал қор кўнмасин . . . . .	170
<b>ҲИКОЯЛАР ХАЗИНАСИ</b>	
Иво Андрич. Гавда. Ҳикоя . . . . .	173
<b>ЖАҲОН АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ</b>	
Муртазо Саидумаров. Ҳаририй мақомалари . . . . .	179
<b>ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАР.</b>	
Обиджон Жуманазаров. Ҳас кема бўлолмайд . . . . .	185
<b>ТАРИХНИНГ «ОҚ ДОҒ»ЛАРИ</b>	
Муртазо Қаршибоев. Муҳит эркидаги тутқинлик . . . . .	195
<b>ГУЛҚАЙЧИ</b>	
Тўхташ Ашуров. Суд кечиктирилди. Ҳажвия . . . . .	206

**На узбекском языке  
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»**

**№ 10**

**Орган Союза писателей Узбекской ССР**  
Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства  
ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1990

Техник муҳаррир **Ю. Абдуллаев.** Рассом **Ғ. Алимов.**

**Мусаҳҳиҳ И. Султонов.**

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар муаллифларига қайтарилмайди. Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларни қабул қилади. Журнал матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент — П. «Правда» газетаси кўчаси, 41. Узбекистон КП МК нашриёти. Обунага монелик кўрсатилган ёки журнал ўз вақтида етиб бормаган тақдирда: Тошкент 700000. Широкая кўчаси, 2. Жумҳурият «Союзпечать» агентлигига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 12.07.90 й. Босишга руҳсат этилди 13.09.90 й. Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма тобоғи 13. Шартли босма тобоғи 18,2+0,35 (зарварақ). Шартли-рангли босма листи 19,95+0,25 (зарварақ). Нашриёт ҳисоб тобоғи 20,2.  
Тиражи 205957. Буюртма 3929. Баҳоси 1 сўм.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси. Тошкент — П, «Правда» газетаси кўчаси, 41.